

Марко Пьюзо

ЧУҚИНТИРГАН ОТА 2
Сицилиялик



Марио Пьюзо

ЧЎҚИҲТИРГАН ОТА 2
Сицилиялик



YANGI KITOB
Тошкент
2019

УЎК: 821.111(73)-31
КБК: 84(7АҚШ)
П 97

П 97 **Пьюзо, Марио.**

Чўқинтирган ота 2 Сицилиялик [Матн] : роман / М. Пьюзо.
– Тошкент: Yangi kitob, 2019. – 464 б.

ISBN 978-9943-5543-6-8

УЎК: 821.111(73)-31
КБК: 84(7АҚШ)

Америкалик таниқли ёзувчи Марио Пьюзонинг «Сициялик» романини «Чўқинтирган ота» асарининг давоми дейиш мумкин. Унда дон Корлеоненинг кичик ўғли Майкл тақдири тўғрисида ҳикоя қилинади. Шунингдек, жасур қаҳрамон, мард йигит Сальваторе Гильянонинг ҳаёти, метин иродаси, кўплаб саргузаштлари ва фожиавий қисмати баён этилади.

Ушбу китобда дўстлик ва адоват, муҳаббат ва нафрат, ўлим ва интиқомнинг сицилияча қонунлари хусусида баҳс кетади. Улар инсон руҳияти, айниқса, қонунни четлаб ўтувчи кишиларнинг ички дунёсини чуқур билувчи Марио Пьюзонинг диққатини ҳамиша жалб қилиб келган.

Ўткир сюжетли, турфа воқеаларга бой, ўқувчини қутилмаган бурилишларга олиб кирадиган ушбу асар ўз мухлисларини топишига умид қиламиз.

Фатҳулла НАМОЗОВ
таржимаси

ISBN 978-9943-5543-6-8

© Марио Пьюзо.
«Чўқинтирган ота 2. Сицилиялик».
© «Янги китоб» МЧЖ, 2019.

БИРИНЧИ КИТОБ

МАЙКЛ КОРЛЕОНЕ

1950

Биринчи бўлим

Майкл Корлеоне Палермодаги узун, ёғочдан мясалган, кемалар боғлаб қўйиладиган жойда туриб, Америкага жўнаб кетувчи йирик океан лайнерини кузатарди. У айнан шу кемага ўтириб сузиб кетиши керак, аммо отасидан янги кўрсатмалар келди.

Майкл ўзини шунча йиллар давомида кўриқлаган одамлар билан қўлини силкитиб хайрлашди, улар бу соҳилга кичик балиқчилар қайиғида келишганди. Қайиқ гўё онасининг ортидан эргашган кичик ботир ўрдакча мисоли океан кемасининг оқиш кўпикланган изидан сузарди. Одамлар кема бортида турганча унга жавобан қўл силкитишди, Майкл энди уларни ҳеч қачон кўрмайди.

Кемалар боғлаб қўйиладиган жойда кепка ва қопдай иштон кийган ишчилар у ёқдан-бу ёққа зир югуришар, юк тушириб узун соҳил бўйидаги юк машиналарига ортишарди. Қотмадан келган, ўрта бўйли, зўрға судралиб юрадиган, юзини кепка билан чала ярим беркитган одамлар италияликлардан кўра арабларга ўхшаб кетишарди. Улар орасида янги тансоқчилар ҳам бўлиб, дон Кроче ~~Мало, мафия сардори билан~~

VA SERVIS INSTITUT

AND ACT RESURS MA

61848

учрашгунга қадар унинг хавфсизлигини таъминларди. Дунёдаги барча газеталар учун улар – мафия, аммо Сицилияда «мафия» сўзи ҳеч қачон фуқароларнинг оғзидан эшитилмайди. Худди шу тариқа дон Кроче Мало тўғрисида ҳам мутлақо бундай демайдилар, «Меҳрибон қалб» деб тилга олишади.

Сицилияга икки йиллик сургунда бўлган чоғида Майкл дон Кроче тўғрисида шунчалик кўп ҳикоялар эшитди ва улар баъзида шу даражада ғаройиб эдики, бундай кишининг борлигига ишониш қийин эди. Аммо отасидан олинган кўрсатмалар икки хил тушунчага йўл қўймайдиган тарзда аниқ: унга бугун дон Кроче билан бирга тушлик қилиш буюрилган. Улар машҳур қароқчи Сальваторе Гильянони Сицилиядан қочириб юбориш юзасидан келишиб олишлари лозим.

Майкл Корлеоне усиз Сицилиядан кета олмайди. Соҳилдан энг камида элик одим нарида тор кўчада катта автомобиль турарди. Унинг олдида уч киши кўринди. Улар қуёшнинг кўзни қамаштирувчи ёғдусида худди қоронғи учбурчакларга ўхшарди. Майкл ўша томонга қараб юрди. Сигарета чекиш ва шаҳарга назар ташлаш учун бир дақиқа тўхтади.

Палермо қачонлардир ҳаракатга келган вулқон туфайли пайдо бўлган косасимон жой тубида ёйилиб жойлашган, уч томони тоғ билан ўралган, тўртинчи тарафи Ўрта Ер денгизининг кўзни қамаштирувчи чуқурлигига туташиб кетган. Шаҳар Сицилиянинг пешин қуёши олтин каби товланган тигида милтиллаб кўринарди. Қуёшда ер бамисоли қизил бўёқ тўкилгандай намоён бўлар, бу Сицилия ерларида узоқ асрлар давомида тўкилган қон изларига ўхшарди. Офтобнинг олтин тиглари грек ибодатхоналарининг азамат

устунлари, хушбичим мусулмон масжидлари мино-
ралари, испан соборларининг мўъжизакор нақшлар
чирмашиб кетган пештоқларини сийпалар эди; узоқ-
даги тепалик ён бағрида қадимий норман саройининг
тунд аррасимон деворлари қорайиб турарди. Турли-
туман, шафқатсиз ҳукмдорларнинг мерос бўлиб қол-
ган изларини анча кейин, Исо Масих давридан сўнг
Сицилияда ҳам кўриш мумкин эди.

Ундан йироқда, қўрғонлар ортида ўткир чўққили
тоғлар сал нозик, паҳ-пахлаб ўстирилган Палермони
ўзининг ҳалокатли қучоғига олган, гўё улар биргалик-
да тиззаларини букиб, шаҳар гарданидан маҳкам боғ-
лаган ип тутганча ибодатга берилгандек. Тепа қисми-
да сон-саноксиз қизғиш тусдаги жажжи қарчиғайлар
тиниқ зангори кўкда парвоз қиларди.

Майкл соҳил охирида кутиб турган уч эркак томон
йўл олди. Қора учбурчак шаклида кўринганларнинг
юзи ва қадди-қомати аниқ намоён бўла бошлади.
Майкл ҳар қадам босган сари уларни тобора равшан-
роқ кўрар, учовлон эса гўё тарқаб, орқага чекинган,
учрашувда уни ҳамма томондан ўраб олгандек эди.

Учаласи ҳам Майклнинг келишини биларди. У
буюк америкалик дон Корлеоненинг, ҳукми ҳатто Си-
цилияга қадар чўзилган Чўкинтирган отанинг кенжа
ўғли эканлигидан хабардор эдилар. Шу билан бирга
Майкл Нью-Йоркда полициячини ўлдиргани, Кор-
леоне салтанатининг душманидан шу тариқа қасос
олганини билардилар. Улар Майкл қотиллиги учун
қочиб, Сицилияга яширинишга тўғри келгани, энди
эса ниҳоят, масала «бартараф этилгач» уйга қайтиш-
ни мўлжаллагани, Корлеоне оиласида меросхўрнинг
ўрнини эгалламоқчи эканлигидан ҳам воқиф. Учов-
лон Майклга тез ва енгил ҳаракат қиладиган, тева-

рак-атрофга ҳамиша эҳтиёткор, ранж-алам ва хавф-хатарни биладиган, тинка-мадори қуриган киши қиёфасига эга деб қарар эди. У, сўзсиз, иззат-хурматга сазовор.

Соҳилдан чиққан Майклни биринчи бўлиб семиз танасини таранг тортиб турган руҳонийларнинг узун либосини кийган ва бошида иркит фетр шляпа қўндириб олган диндор киши кутиб олди. Руҳонийнинг оппоқ ёқаси Сицилиянинг малла рангли чангига беланган, аммо башараси тўйган қўзичоқдай лўппи кўринади.

Буюк дон Кроченинг отаси Беньямино ўзини уятчан ва тақводор сифатида кўрсатар, у донги кетган қариндошига бутунлай садоқатли, нақ шайтоннинг юрагига ўзини яқин тутса-да, бирор марта бўлсин, хижолатга тушмас эди. Бировга яхшиликни раво кўрмайдиганлар уни дон Крочега, ҳатто диний оятларнинг сирларини ҳам айтади, деб шама қилишарди.

Майклнинг қўлини сиқар экан, Беньямино ота асабий кулди ва унинг қотилга мутлақо хос бўлмаган дўстона табассумини кўриб, ёқимли тарзда хайратга тушди, сўнг чуқур хўрсиниб, енгил тортди.

Иккинчи киши етарли даражада хушмуомала бўлса-да, чин юракдан саломлашмади. У бутун бошли Сицилиянинг махфий полиция бошлиғи Фредерико Веларди эди. Учаласидан фақат Велардининг чехрасида хушмуомалалик балқимасди. У озғин бўлиб, давлат маоши ҳисобига ҳаддан ташқари яхши кийинган эди. Совуқ мовий кўзлари норманд истилочилари билан қон-қариндош эканлигини билдириб турарди. Назоратчи Веларди нуфузи баланд полициячини ўлдирган америкаликка нисбатан ҳеч қандай меҳр-муҳаббатни ҳис этмасди. Шунга ўхшаш ҳолатни Сицилияда ҳам

кутиш мумкин. Веларди Майклнинг қўлини худди қилич дастасини ушлагандек қисиб қўйди.

Учинчи одамнинг бўйи анча баланд ва йирик бўлиб, қолган икковига нисбатан басавлат кўринар эди. Майклнинг қўлини маҳкам ушлаб, уни ўзига тортиб кучоқлади.

– Майкл, биродар, – деди у, – Палермога хуш келибсан, – ва Майклга дўстона, аммо сергак кўзларини тикди. – Мени Стефан Андолини дейишади, отанг билан бирга Корлеонда ўстанмиз. Сени Америкада болагингда кўргандим. Эслайсанми мени?

Қанчалик ғалати бўлмасин, аммо Майкл эслади. Бунинг устига Стефан Андолини сицилияликлар учун фавқулодда ҳодиса – сариқ тусда эди. Бу унга қарғиш текканидан – сицилияликлар хоин Иудани сариқ ҳисоблайдилар. Стефаннинг башарасини ҳам эсдан чиқариб бўлмасди. Оғзи жуда катта, бичими нотўғри, лаблари қалин, гўё қонга беланган бир бўлак гўштга ўхшайди, тепасида тук босган бурун тешиклари ва чуқур ботган кўзлар. Гарчи кулса-да, юзидан қотиллик билан боғлиқ фикр аримайди.

Майкл руҳонийга назар ташлаган заҳоти гап нимада эканлигини фаҳмлади. Аммо назоратчи Велардининг иштироки уни ҳайрон қолдирди. Андолини қариндош-уруғчилик мажбуриятларини адо эта туриб, Майклга назоратчининг расмий нуфузини муфассал тушунтирди. Майкл сергак тортди. Бу ерда у нима қилади? Веларди Сальваторе Гильянони қўлга туширмоқчи бўлганлар орасида энг шафқатсизлардан бири ҳисобланади. Назоратчи ва Стефан Андолини бир-бирини очикдан-очик суймас, ўзларини хўжакўрсинга хушмуомала тутишар, гўё ўлим билан тугайдиган дуэлга тайёрланаётган кишиларга ўхшардилар.

Ҳайдовчи машина эшигини очди. Бенъямино ота ва Стефан Андолини Майклнинг елкасига енгил қоқиб, уни орқага ўтиришга мажбур этишди. Бенъямино ота насронийча мурасага бориб, Майклни эшик ёнида ўтиришга қистади, ўзи эса ўртага ўтирди, шундай бўлса Майкл Палермонинг гўзаллигини кўриши мумкин. Орқа ўриндиққа учинчи бўлиб Андолини ўтирди. Назоратчи ҳайдовчи ёнига сакраб минишга аллақачон улгурган эди. Майкл унинг қўли машина эшигини маҳкам ушлаб тургани, дарҳол очиши мумкинлигини сизди. Майклнинг хаёлидан, эҳтимол, Бенъямино ота нишон бўлмаслик учун ўртага ўтириб олгандир, деган фикр «лип» этиб ўтди.

Машина бамисоли катта қора аждар каби Палермо кўчаларидан аста-секин ўтиб борарди. Проспект ёнида мовританча услубдаги хушбичим уйлар, грек колонналари саф тортган бир хилдаги жамоат бинолари, испан ибодатхоналари юксалиб турарди. Мовий, оқ, кўк, сариқ рангларга бўялган шахсий уйлар, олд томонларидаги балконларда чирмашган гуллар бош устида худди яна бир кўча пайдо бўлгандай кўринарди. Буларнинг барчаси ҳар бир бурчакда қўлида милтиқ тутиб отишга шай турган – Италия давлати полицияси – карабинерлар отряди бўлмаганида, ғоят жозибадорлик касб этарди. Карабинерлар тепада, балконларда ҳам турарди.

Уларнинг машиналари асосан қишлоқдан, кўпинча эндигина тайёр бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келиш билан банд хачирлар, аравалар орасида алоҳида кўзга кўринар эди. Бу араваларнинг ҳар бир детали, кегай ҳамда шотилари очик рангларда бўялган эди. Кўпларининг ён томонида ниқоб таққан рицарлар, тож кийган қироллар Буюк Карл ва

Роланд ҳамда Сицилия халқ оғзаки ижодининг қадим қахрамонларига дахлдор сахна кўринишлари тасвирланган эди. Лекин айрим араваларда шайтонтери иштон кийган, енгсиз калта кўйлакли, белида тўппонча, елкасига милтиқ таққан чиройли йигит расми остида Майкл икки қатор ёзув битилганини кўрди, у доимо катта қизил ҳарфлар билан – ГИЛЬЯНО деб тугар эди.

Сицилияга сургун бўлган чоғида Майкл Сальваторе Гильяно тўғрисида жуда кўп эшитган. Унинг номи доимий равишда газеталарда кўриниб турарди. Одамлар ҳамма жойда Гильянони гапирар эдилар. Майклнинг хотини Аполлония бир куни Гильяно учун ҳар кеча ибодат қилишига иқрор бўлди, унинг учун Сицилиянинг барча бола ва ёшлари ибодат қиларди. Гильянога ҳавас қилардилар – ахир улар орзу қилган инсонлардан бири эди-да. Аслида унинг ёши ўттизга етмаган бўлса-да, саркарда ҳисобланар, ўзига қарши юборилган карабинерлар* отрядини енгишга муваффақ бўлган эди. Гильяно жуда чиройли ҳамда сахий, хушмуомала киши бўлиб, ўзининг жиноий даромадларидан кўп қисмини камбағалларга улашиб берар эди. Марҳаматли бу одам ўз отряди аъзоларидан аёллар ёки руҳонийларга ҳеч қачон қўл тегизмасликни талаб қиларди. Борди-ю чақимчи ёки хоинни қатл қилишга тўғри келса, доимо ўз қурбонига ибодат қилиб, нариги дунё ҳукмдорлари билан муросаи мадорага келиш учун қалбини поклаб олишга фурсат берарди. Майкл буларнинг барини билар эди.

Улар проспектдан бурилишди ва уйлардан бирида қора ҳарфлар билан қайд этилган улкан ёзув Майкл-

* Карабин (калта стволли милтиқ) билан қуролланган полициячилар.

нинг диққатини тортди. У жумланинг юқори сатридаги «ГИЛЬЯНО» деган ёзувни кўришга улгурди. Беньямино ота эшикка энгашиб:

– Бу Гильянонинг ташвиқотларидан бири. Ҳеч нарсага қарамай Палермони тунда олдингидек бошқараверади, – деди.

– Қандай ташвиқот? – сўради Майкл.

– У Палермо аҳолисига яна трамвайда юришга рухсат берди, – деб жавоб берди Беньямино ота.

– Рухсат берди дейсизми? – кулимсиради Майкл. – Қароқчи рухсат берадими?

Салоннинг қарама-қарши томонида ўтирган Стефан Андолини кулиб юборди.

– Гап шундаки, карабинерлар трамвайларда юради, Гильяно эса уларни портлатади. Даставвал у аҳолини трамвайлардан фойдаланмаслик кераклигини айтиб огоҳлантирди. Энди эса бошқа портлатмасликка ваъда беряпти.

Майкл қуруққина қилиб сўради:

– Гильяно нега полициячилар юрадиган трамвайни портлатади?

Назоратчи Веларди бошини бурди.

– Чунки Рим аҳмоқлик қилиб, ота-онасини таниқли жиноятчи, яъни ўзларининг ўғли билан ҳамкорлик қилганликда айблаб, қамоққа олган эди. Республика фашистлар қонунини бекор қилмади.

– Менинг иним дон Кроче уларни озод қилиш ҳақида келишган эди, – фахрланмасдан деди Беньямино ота. – О, акам Римдан ниҳоятда ранжиган эди.

«Ё, Худойим, – деб ўйлади Майкл, – дон Кроче Римдан хафа бўлган эмиш. Уни мафия сардори, яъни *pezzonovante*, деб ҳисобламаса, бошқа нима деб аташ мумкин?»

Машина алвон тусли бутун бошли мавзени ўз ичига олган бино олдига келиб тўхтади. Унинг ҳар бир бурчагини мовий миноралар беаб турарди. Бинонинг олд томонидаги кенг айвон устида кўк ёзувли тасма бўлиб, «Умберто меҳмонхонаси» деб ёзилган, икки ёнида зар уқали олтин тугмали либос кийган икки нафар дарбон тик турарди. Лекин бу дабдаба Майклнинг нигоҳини жалб этмади.

У меҳмонхона олдидаги кўчага машқини олиб ўрганган кўзини тикиб, синчиклаб қаради. Энг камида ўнлаб қўриқчилар турганини сизди, улар жуфт-жуфт бўлиб ўтар ёки металл панжараларга суяниб туришарди. Одамлар уларнинг нима мақсадда турганини ҳам яширишмасди. Тугмалари ечилган пиджаклар остидан тўппончалар кўринарди. Майкл машинадан тушганида, тишларида ингичка сигарета қистирган бу нусхалардан иккитаси бир лаҳза ўтиш жойини тўсдида, гўё қандай қабр керак бўлади, деб хомчўт қилгандек унга диққат билан қарадилар. Назоратчи Веларди ва бошқаларга эътибор ҳам беришмади.

Уларнинг гуруҳи меҳмонхонага кирганида, қўриқчилар ортидан ўтиш жойини ўраб олишди. Вестибюлда турган яна тўрт киши уларни узун йўлакка бошлаб борди. Қўриқчилар ўзларини худди саройда императорга хизмат қилгандек мағрур тутишарди.

Йўлак охирини икки қават оғир дуб эшик тўсган. Сочлари оқарган баланд бўйли, тахтга ўхшаш оромкурсида ўтирган киши ўрнидан туриб, эшикни бронзадан ясалган калит билан очди. У таъзим бажо келтирар экан, Бенъямино отага маккорона кулиб қўйди.

Уларнинг рўпарасида бирин-кетин мухташам хоналар намоён бўла бошлади. Очиб қўйилган дераза-

лар ортида данғиллама боғ кўринар, ундан лимон дарахтларининг хушбўй ҳиди димоққа уриларди. Улар киришганда, Майкл эшикнинг ичкари томонида яна икки киши навбатчилик қилаётганини сезиб қолди. «Кизик, – деб ўйлади Майкл, – нега дон Крочени бунчалик кўриқлашади? У Гильянонинг дўсти, лекин айна пайтда Римда адлия вазири, шу сабабли карабинерлардан хавфсирамаса ҳам бўлади-ку, Палермода улар тўлиб ётибди. Нега буюк дон бунчалик кўрқади? Унинг душмани ким?»

Меҳмонхона мебели бир пайтлар итальян саройига мўлжалланган эди – улкан ўлчамдаги оромкурсилар, диванларнинг эни ва узунлиги кемаларга ўхшар, кенг-мўл мармар столлар гўё музейлардан ўғирланганга ўхшар эди. Буларнинг барчаси боғдан чиқиб кутиб олган кишига умумий манзара бўлиб хизмат қиларди.

У Майкл Корлеонега кучоғини очди. Тик турганда, дон Кроче энига ҳам, бўйига ҳам Майкл билан тенг эди. Арслон келбатли боши атрофини қунт билан қирилган қалин, худди тож каби ўраб олган ҳабашникидек оқарган сочлар кўзга ташланарди. Қорамтир кўзлар калтакесакникига ўхшар, бамисоли семиз лунжга қўндирилган икки узум донасидек кўринарди. Икки юзи қизил дарахтнинг нақ икки катта парчаси, чап томони силлиқ, бошқаси қат-қат бурмали бўртмалар. Оғиз хайрон қолдирадиган даражада хушбичим, унинг устида ингичка мўйлов, башарасидаги асосий аъзо худди императорники каби йирик бурун.

Шу билан бирга императорларга хос бошнинг пастки қисми деҳқонга тааллуқли эди. Унинг азамат белини кенг-мўл хунук кўринадиган, шу билан бирга кенг, ёрқин рангли елкага ошириб турадиган тас-

мали шим ўраб олган. Эгнида бениҳоя кенг, эндигина ювилган, аммо дазмолланмаган кўйлак. На бўйинбоғ, на пиджак бор, мармар полда яланғоч оёқлари билан турарди.

У Палермонинг ҳар бир иш юритувчи ташкилоти, майдондаги энг охирги бозор пештахтасидаги кишига қадар тўхмат ёғдириб «чўқишган» одамга сира ўхшамасди. Унинг минглаб ўлимга айбдор эканлигига ишониш қийин, Ғарбий Сицилиянинг улкан мулкларга эга бўлган герцог ва баронларга нисбатан у бой-бадавлат эмиш.

У Майклни шиддат билан кучоқлар экан, шундай деди:

– Мен болалигимдан отангни билардим. Унинг шундай ажойиб ўғли борлигидан мамнунман.

Сўнг меҳмоннинг бу ерга қандай келгани, бирор нарсага муҳтож эмаслиги билан қизиқди. Майкл кулиб, бир парча нон ва бир томчи шаробга қаноат қилиши мумкинлигини айтди. Дон Кроче уни ўша заҳоти боққа олиб борди, чунки барча сицилияликлар сингари очиқ ҳавода истаганча тановул қилиш имкониятига эга бўлди.

Дастурхон лимон дарахти остидаги столда тузалган эди. Стол шаффоф ойна ва қордек оппоқ дастурхон туфайли ялтирар эди. Хизматкорлар кенг бамбук оромкурсиларни суриб қўйишди. Дон Кроче меҳмонларни шодмонлик ҳамда назокат ила стол атрофига ўтқазди, у анча ёш кўринар, ваҳоланки аслида етмиш ёшни қаршилаган эди. Дон Кроче Майклни ўзининг ўнг томонига, акаси – руҳонийни эса чап тарафига ўтирғизди. Назоратчи Веларди ва Стефан Андолинини рўпарасига ўтқазди ва умуман олганда уларга бир оз совуқ муносабатда бўлди.

Барча сицилияликлар овқатланишни хуш кўришади, шу билан бирга одамлар дон Крочега нисбатан ҳазил қилиб, у даставвал қорнини яхшилаб тўйдириб олади-ю сўнг душманларнинг адабини бериш учун боради, дейишарди. Мана ҳозир ҳам дон Кроче баҳридили очилган ва мамнун жилмайган кўйи хизматчилар таомларни келтиргунча пичоқ ва санчқини қўлида шай тутиб ўтирарди. Майкл боққа назар ташлади. Боғни баланд тош девор ўраб олган, ўн нафарча кўрикчи кичик столларни эгаллаган, уларнинг ҳар икkitаси битта столда ўтирар, дон Кроче ва суҳбатдошларини зериктирмаслик учун анча узоқда эди. Боғдан лимон дарахтлари ҳамда зайтун мойи ҳиди анқир эди.

Дон Кроченинг ўзи Майклга манзират қилди: унинг ликопчасига қовурилган жўжа ва картошка солди, бошқа идишдаги спагетти устига пишлоқ кукунини қанча солишганини кузатди, унинг қадаҳини маҳаллий, оқ, бир оз хиралашган шароб билан тўлдирди. Доннинг хатти-ҳаракатида сидқидилдан ғамхўрлик, токи янги дўсти яхши еб, яхши ичсин деган қизиқиш сезилар эди. Майкл очиққан, эрталабдан буён туз тотмаган эди, дон эса буни билгандек унга манзират қилар эди. Шу билан бирга мезбон қолган меҳмонларнинг овқатланишини диққат билан кузатар, унинг ишорасига кўра хизматчи у ёки бу вино билан бўш ликопча ва қадаҳларни тўлдирарди.

Ниҳоят улар овқатланиб бўлишди ва қаҳва тортилгач, дон муддаога ўтди.

– Демак, сен дўстимиз Гильянонинг Америкага қочиб кетишига ёрдам бермоқчи бўляпсан.

– Менга шундай кўрсатма берилган, – деб жавоб берди Майкл. – Унинг Америкага бориши учун барча кулфат-офатларни бартараф этиб, таъминлашим керак.

Дон Кроче бош ирғади, унинг қизил дарахт тусидаги йирик башарасида мечкай ифода, карахт мамнунлик ҳукм суларди. Баланд титроқ овози башараси ҳамда танасига мутлақо мос келмас эди.

– Биз отанг билан ҳаммасини келишиб олдик, сенга Саълватор Гильянони топширишим керак. Лекин ҳаётда ҳаммаси силлиқ кетавермайди, ҳамиша нимадир рўй беради. Энди ваъдада туришим оғирлашиб қолди. – У қўлини кўтариб, Майклга гапини бўлмасликка ишора қилди. – Ва мен айбдор эмасман. Фикримни ўзгартирганим йўқ. Аммо Гильяно ҳеч кимга, ҳатто менга ҳам ишонмай қўйди. Кўп йиллар мобайнида, қонундан ташқари бўлган биринчи кунларидан бошлаб, унинг ҳаёт кечириши учун ёрдам берган эдим, биз бирга ҳаракат қилардик. Гильяно менинг кўмагимда Сицилияда энг таниқли одамга айланди, гарчи ҳозир ёши йигирма еттида бўлса ҳам. Аммо унинг даври ўтди. Италиянинг беш минг аскар ва полициячиси уни тоғлардан қидирмоқда. Гильяно эса ҳамон менга суянишдан бош тортяпти.

– Ундай бўлса, ҳеч қандай ёрдам бера олмайман, – деди Майкл. – Менга етти кундан кўп кутмаслик буюрилган, шундан сўнг Америкага жўнаб кетишим керак.

Бу гапларни баён этар экан, нега отаси учун Гильянони қочириш шунчалик зарурлигини тушунмасди. Узоқ йиллик қувғинлардан сўнг Майкл тезроқ уйга қайтишни ҳаддан зиёд истар, отасининг саломатлигидан ниҳоятда безовта эди. У Америкадан қочганида, отаси касалхонада оғир ярадор бўлиб ётарди. Қочганидан сўнг тўнғич акаси Соннини ўлдиришди. Корлеоне оиласи Нью-Йоркда бешинчи сулола номи

бўлиши учун тинимсиз кураш олиб борарди. Бу кураш Америкадан Сицилиянинг энг марказигача суқилиб кириб келди, у ерда кекса доннинг жароҳатлари тузалгани ва бешинчи сулола билан ярашгани ҳамда Майклдан барча айблар олиб ташланганини хабар қилишди. Отаси сабрсизлик билан унинг келиши ва ўзига ноиб этиб тайинлашни истаётганини Майкл яхши биларди. Бутун оила – синглиси Конни, акаси Фредди, ўғай укаси Том Хейген, шўрлик онаси – ҳамон синглисининг ўлими учун тинмай ёш тўкаётган волидаси – барча бетоқатлик билан уни кутарди. Фақат битта саволга аниқ жавоб йўқ: нега отаси Майклнинг қайтишини ортга суряпти? Бунинг сабаби Гильяно билан боғлиқ қандайдир фавқулодда муҳим иш бўлса керак, ҳойнаҳой.

Тўсатдан Майкл назоратчи Веларди совуқ кўзларини тикиб, синчковлик билан тикилиб турганини сезиб қолди. Унинг юпқа, аслзодаларга хос юзида худдики Майкл намоён этган кўрқоқликдан нафратланиш ифодаси акс этган эди.

– Сабр қил, – деди дон Кроче. – Дўстимиз Андолини мен, Гильяно ва оиласи билан ўртамизда алоқачилик қилади. Ҳаммасини биргаликда обдон ўйлаб кўрамиз. Бу ердан йўл-йўлакай Гильянонинг Монтелепредаги ота-онасини кўрасан. У Трапани йўлида жойлашган. – Дон бир лаҳза жим қолди ва кулди. Кулгиси ҳатто қалин юзига қадар етиб бормади. – Менга сенинг режаларинг тўғрисида айтиб беришди. Ҳаммасини.

У бу гапни таъкидлаб айтди, деб ўйлади Майкл, аммо режаларнинг ҳаммасидан ҳам бохабармикан? Чўқинтирган ота ҳеч қачон ҳеч кимга бу ҳақда гапирмаган.

Дон Кроче эса равон овозда гапини давом эттирди:

– Биз, яъни Гильянони яхши кўрадиган кишилар икки моддани маъқуллаймиз. У энди Сицилияда қолмайди ва Америкага муҳожир бўлиб кетиши керак. Назоратчи Веларди ҳам худди шундай деб ўйлайди.

– Бу ҳатто Сицилия учун ҳам ғалати, – деди Майкл кулиб. – Назоратчи – махфий полиция бошлиғи Гильянони тутиб олишга мажбур.

Дон Кроче беихтиёр жилмайиб қўйди.

– Сицилияни ким тушуниши мумкин? Аммо бу ҳолатда барчаси осон кўринади. Рим Гильянонинг Америкада хотиржам яшабини афзал ҳисоблайди, Палермонинг судланувчилари ўриндиғидан туриб, айбларни айтиб бақирмасин. Буларнинг барчаси найрангбозликдан иборат.

Майклнинг боши берк кўчага кириб қолди. У нима қилишини билмасди. Ишлар режа бўйича кетмаётганди.

– Нега назоратчи Веларди унинг яширинишига қизиқпти? Ўлик Гильяно ҳеч қандай хавф-хатар туғдирмайди.

– Энди бу менинг ишим, – нафрат билан гап отди назоратчи Веларди. – Аммо дон Кроче уни ўз ўғлидек яхши кўради.

Стефан Андолини назоратчига ғазабнок назар ташлади. Бенъямино ота бошини эгиб, қадаҳдан ҳўплади. Лекин дон Кроче назоратчига кескин қаради.

– Бу ерда барчамиз дўстмиз, шу боис Майклга бор гапни айтишимиз керак. Гильяно қўлида белги қўйилган қартани ушлаб турибди. У кундалиги сифатида ўзининг васиятномасини юритган. Кундалиқдаги далилга кўра, Рим ҳукуматидаги айрим амалдорлар

VA SAARIS INSTITUT

ARCHIV FÜR DIE RECHTSGESCHICHTE DER NACHKRIEGEN

69848

у қароқчилик қилган пайтда Гильянога ёрдам беришган, шахсий манфаатлари билан бирга сиёсий мақсадларни кўзда тутишган. Агар бу ҳужжат ошкор бўлиб қолса, насроний демократлар ҳукумати ағдарилади ва Италияни социалистлар билан коммунистлар бошқарадиган бўлади. Назоратчи Веларди буни бартараф этиш учун барча имкониятларни ишга солиш бора-сида камина билан ҳамфикр. Шундай экан, у Гильянога васияти билан биргаликда яширинишига ёрдам беришга тайёр, фақат ҳеч қаерда босилиб чиқмаслиги шарти билан.

– Сиз ўша васиятни кўрганмисиз? – деб сўради Майкл. Қизик, отаси бундан воқиғмикан? Кўрсатмаларда бундай ҳужжат ҳеч қачон тилга олинмаган.

– Мен унинг мазмунини биламан, – деди дон Кроче.

– Агар менга қолса, Гильянони ўлдириб, васиятга тупурган бўлардим, – деди кескин тарзда назоратчи Веларди.

Стефан Андолини назоратчига шу қадар очиқ-ойдин жазава ва нафрат билан назар ташладики, Майкл дарҳол англади: бу дон Кроченинг худди ўзидай хавфли. Андолини шундай деди:

– Гильяно ҳеч қачон таслим бўлмайди ва сен уни қабрга тикадиган одам эмассан. Яхшиси, ўзингни эҳтиёт қил.

Дон Кроче қўлини кўтарди, стол атрофида жимлик чўкди. У бошқаларни назар-писанд қилмай, Майклга охишта мурожаат қилди:

– Афтидан, мен отангга берган ваъдамнинг устидан чиқолмайман ва Гильянони сенга беролмайман. Нега дон Корлеоне бу ишга киришганини ҳам айтмоқчи эмасман. Бунинг сабаблари борлиги ва улар жиддийлигига шубҳа қилмаслик керак. Лекин мен нима

кила олардим? Бугун тушдан сўнг Гильянонинг ота-онасидан хабар ол, ўғли менга ишониши кераклигига ишонтир ва бу шарофатли кишиларга уларни айнан мен қамокдан озод қилганимни эслатгин. – Дон Кроче бироз жим қолди. – Балки ана шунда унинг ўғлига ёрдам бера олармиз.

Сургун ва дарбадарлик палласида Майклда ҳайвонларга хос туйғу – яқинлашаётган хавф-хатарни сезиш ҳисси ривож топган эди. Унга назоратчи Веларди ёқмас, шафқатсиз Стефан Андолинидан хавфсирар, Беньямино ота изтиробга соларди. Аммо энг кўп ташвишли хабарлар дон Крочедан келар эди.

Стал атрофида ўтирганларнинг барчаси, ҳатто дон Кроченинг шахсан акаси Беньямино ота ҳам у билан гаплашганда овозларини пасайтирардилар. Доннинг сўзини эшитиш учун бир оз энгашишар, ҳатто лукма чайнашни тўхтатардилар. Хизматкорлар унинг атрофида худди қуёш гирдида айлангандек гирдикапалак бўлишар, боғ узра сочилиб кетган қўриқчилар бирор дақиқа бўлсин, ундан кўз узмай, диққат марказида тутар, буйруқ бўлгани ҳамоно ҳар қандай кишини бўлак-лаб ташлашга тап-тайёр эдилар.

– Дон Кроче, мен сизнинг истагингизга амал қилиш учун шу ердан, – деди Майкл эҳтиёткорлик билан.

Дон қаноатланиб, йирик бошини ирғади, боёнларга хос гердаганча қўлини қорни устига қовуштирдида, баланд ингичка овозда деди:

– Биз бир-биримизга мутлақо шаффоф бўлмоғимиз керак. Қани, менга айт-чи, сен Гильянони қай тарзда олиб кетишни режалаштиргансан? Мен билан худди ота-боладай гаплашавер.

Майкл назоратчи Велардига назар ташлади. У ҳеч қачон Сицилиянинг махфий полицияси бошлиғи ол-

дида очик-ойдин бўлолмайди. Дон Кроче шу заҳоти ҳаммасини тушунди.

– Назоратчи Веларди ҳамма соҳада менинг маслаҳатларимга амал қилади, – деди дон. – Унга худди менга ишонгандек ишон.

Майкл шароб солинган қадахни лабига яқин олиб борди. Қадах қирраси орқали уларни ортидан кузатиб турган кўриқчиларни кўрди – худди спектакль кўраётган томошабинлардай. Майкл назоратчи Велардининг башараси қийшайиб кетганини сезиб қолди, доннинг сўзлари қанчалик келиштириб айтилган бўлмасин, бу гап унга ёқмаган эди. Очиғи шуки, дон Кроче Велардига ҳам, Велардига хизмат қилувчиларга ҳам буйруқ бергани аниқ эди. Майкл лаблари қалин, юзи чалпакдек Стефан Андолинининг башарасида ёйжиниш аломатини пайқади. Фақат Бенъямино ота унинг нигоҳлари остида очилишни истамай, бошини эгди. Майкл хира оқ шаробни ичиб юборди ва хизматкор уни яна тўлдирди. Дафъатан боғ Майклга хатарли жойдек туюлди.

У ич-ичидан дон Кроче айтган гапларнинг рост эмаслигини англади. Нега энди ҳаммалари Сицилиянинг махфий полицияси бошлиғига ишонишлари керак экан? Унга Гильяно ҳам ишонармикан? «Сицилия тарихига сотқинлик сингиб кетган», – деб ўйлади Майкл маъюсланиб. У ўзининг ўлдирилган хотинини эслади. Нега дон Кроче шунчалик ишонувчан? Унинг атрофи нима учун шу қадар хавфсизлик чоралари билан чирмашган? Дон Кроче – мафия сардори. Унинг Римда энг таъсирли алоқалари мавжуд ва аслида Сицилия ҳукуматида норасмий вакил ҳисобланади. Шундай экан, дон Кроче нимадан кўрқади? У фақат Гильянодан кўрқиши мумкин.

Аммо дон барчани диққат-эътибор билан кузатарди. Ва Майкл мумкин қадар самимий гапиришга уринди:

– Менинг режам жуда оддий. Ҳузуримга Сальваторе Гильянони келтиришгунча Трапанида кутиб тураман. Уни сиз ва одамларингиз олиб келишади. Тезюрар катер бизни Африкага етказади. Албатта, тегишли ҳужжатларимиз бўлади. Африкадан биз Америкага учамиз, у ерда чегара назоратида одатдаги расмиятчиликсиз ўтишимиз учун ҳамма нарса ташкил этилади. Умид қиламанки, бу жуда оддий рўй беради. – У жим бўлиб қолди. – Агар сизда бошқа ғоялар бўлмаса.

Дон чуқур нафас олди ва қадахдаги шарбатни охиригача ичди. Сўнг Майклга тикилиб қолди. Ва босим остида оҳиста гап бошлади:

– Сицилия – бу мусибатли орол, – деди у. – Бу ерда ишонч йўқ. Тартиб йўқ. Аммо зўравонлик ва хиёнат ошиб-тошиб ётибди. Сен шубҳа билан қараб турибсан, навқирон дўстим ва бутунлай ҳақсан. Бизнинг Гильяно ҳам шундай қилади. Сенга қуйидагиларни айтишга изн бергин: Тури Гильяно менинг ҳимоямсиз яшай олмасди, у ва мен гўё бир қўлнинг икки бармоғига ўхшаймиз. Энди эса Гильяно мени ўзининг душмани деб ҳисоблайди. О, бу менга қанчалик ғам-алам олиб келишини сен, ахир, биласан-ку. Мен фақат Тури Гильяно ўзининг оиласига қайтишини орзу қиламан. У ҳақиқий насроний ва мард киши. Ва ана шу раҳмдил кўнгли билан барча сицилияликларнинг муҳаббатига сазовор бўлган. – Дон Кроче жимиб қолди ва қадахни кўтарди. – Аммо тақдир Гильянодан юз ўтгирди. У бир неча кишилар билан тоғда Италия юборган армияга қарши турибди. Ҳар бир бурчакда Гильянога сотқин-

лик қилишмоқда. Шундай экан, у ҳеч кимга, ҳатто ўзига ҳам ишонмайди.

Қандайдир лаҳзалар ичида дон Майклга совуқ нигоҳ билан қаради.

– Мен охиригача дангал бўламан, – деди у. – Агар Гильянони ёқтирмаганимда, эҳтимол, лозим кўрмаган маслаҳатимни берардим. Балки, Америкага усиз ўзинг кетавер, деб дангалини айтардим. Биз сенга мутлақо тааллуқли бўлмаган фожианинг илдиизига етиб қолдик. – Дон жим бўлди ва яна чуқур нафас олди. – Аммо сен бизнинг яккаю ягона умидимизсан ва қолишингни истаб, ишимизга ёрдам беришингни сўрашим керак. Мен Гильянога ҳар томонлама кўмаклашишга уринаман ва уни ҳеч қачон ташлаб қўймайман. – Дон Кроче қадахни кўтарди. – Ҳа, илоҳим, у минг йил яшасин.

Ва уларнинг барчаси ичди ва Майклнинг ўйлашига тўғри келди: дон унинг қолишини истайдими ёки Гильянодан кечишиними?

Стефан Андолини сўзлашга киришди:

– Эсингизда бўлсин, биз Гильянонинг ота-онасига, Майкл уларни Монтелепрега кўриш учун боради, деб ваъда берганмиз.

– Албатта, – оҳиста гапирди дон Кроче. – Биз унинг ота-онасини сал-пал бўлса-да умидвор қилишимиз керак.

Беньямино ота ўзининг қандайдир шикастанафслигига ҳеч қандай боғланмайдиган босим остида деди:

– Эҳтимол, улар васият ҳақида нимадир билишар.

Дон Кроче хўрсинди.

– Ҳа, Гильянонинг васияти. У, ҳаётимни шу сақлаб қолади ёки ҳеч бўлмаганда, ўлимим учун қасос олади,

деб ўйлайди, – дон бевосита Майклга мурожаат қилиб, шундай деди: – Эсингда тут. Рим васиятдан қўрқади, мен эса қўрқмайман.

* * *

Палермодан Монтелепрегача йўл машинада бир соатдан қўпроқ вақтни олди. Аммо бу фурсат мобайнида Майкл ва Андолини шаҳар тамаддунидан Сицилия қишлоқларининг ғоят содда шароитларига тушиб қолишди. Мўъжаз «фиат»ни Стефан Андолини бошқарар, тушдан кейинги қуёш унинг силлиқ қирилган юзи ва иякларидаги сон-саноксиз қизғиш тук илдизларигача ярқираб жило берарди. У машинани эҳтиёткорлик билан шошмасдан худди ҳайдашни энди ўрганаётган ёши ўтган кишидай бошқарарди. Баланд доволарни босиб ўтаётганларида «фиат» худди нафаси етмай қолгандек пах-пахлаб қоларди.

Йўлда уларни миллий полиция пистирмаси тўхтатибди. Бу отряд камида ўн икки кишидан иборат бўлиб, пулемётлари ҳурпайган зирҳли автомобиллар билан турарди. Андолинидаги ҳужжатлар рад этилмас даражада таъсир этди.

Майклга оз масофада бўлишига қарамай, бу ер катта шаҳардан қанчалик ёввойи ҳамда қадимий эканлиги ғалати кўринди. Улар кичик қишлоқлардан ўтиб кетишар экан, тошдан қурилган уйлар тик қояларда ниҳоятда қалтис мувозанатда турарди. Бу ердаги нишаблик жойлар қунт билан ажратилиб, террасаларга айланган, тор далалар ҳосил қилиниб, унда ўткир тигли яшил ўсимликлар батартиб қаторлашиб ўсиб ётарди. Тош бўлаклари, харсанглар қопланган ушбу маскан кичик, ярми мох бамбуклар орасида ястанган

эди. Узоқдан устига тош, ҳайкаллар қўйилмаган катта-катта қабрлар¹ кўзга ташланарди.

Йўл ёқалаб бий-биридан маълум масофа узоқда кулфи осилиб турган ёғоч қутилар учрайди. Уларнинг ички томонида Биби Марям ҳайкалчаси ёки бирор авлиёнинг рамзи бор. Майкл худди шундай ёғоч қути олдида тиззалаб ибодат қилаётган бир аёлни кўриб қолди, унинг эри эшак қўшилган арава ёнида туриб, шишадан вино қуярди. Стефан Андолини қўли билан Майклнинг елкасига туртиб қўйдида, шундай деди:

– Сени кўриш мен учун ёқимли, қимматли биродарим. Гильяно бизга қариндошлигини биласанми?

Майкл бунинг ёлғонлигини сизди, чунки гапирган кишининг истехзоли тиржайиши шуни намоён этиб турарди.

– Йўқ, – деб жавоб берди у. – Мен фақат Гильянонинг ота-онаси отамнинг қўли остида Америкада ишлашини биламан, холос.

– Худди мендек, – деди Андолини. – Биз отангга Лонг-Айлендда уй қуришига ёрдамлашган эдик. Кекса Гильяно жуда ажойиб тош терувчи эди. Отанг унга зайтун мойига тааллуқли иш таклиф қилганида ҳам ўзининг касбида қолаверди. Худди ўн саккиз яшар ҳабашдай ишлади, яҳудий каби йиғди. Кейин Сицилияга қайтиб келди, худди инглизлардай яшамоқчи бўлди. Аммо уруш ва Муссолини орзу-умидларини чиппакка чиқарди, энди у фақат уй ҳамда бир парча ерга эга. Америкадан кетган ўша кунни лаънатлайди. Улар ўғлининг вояга етиб шаҳзодага айланди, деб ўйлашганди, у эса қароқчи бўлди.

«Фиат» бир дунё чанг кўтарди: ёввойи олхўри чакалаклари ҳамда йўл чеккасидаги бамбуқлар фақат

шарпадан иборат, олхўриларнинг шингил бошлари қўлларга тегиб кетарди. Водийларда зайтун ва узумзор ўрмончалари кўзга ташланарди. Тўсатдан Андолини сўраб қолди:

– Сен ҳақиқатан унинг қочишига ёрдам бераман, деб ўйлайсанми?

– Билмайман, – деди Майкл. – Пешиндан сўнг назир ҳамда дон Кроче нимани гаплашишади, билмайман. Менинг ёрдам беришимни улар истайдими? Отам дон Кроче ҳаммасини ҳал қилади, деган эди. Назоратчини бир марта ҳам тилга олмаганди.

Андолини оқарган сочларини орқага ташлади. Беихтиёр газ тепкисини босди ва «фиат» олдинга қараб интилди.

– Гильяно ва дон Кроче энди бир-бирига душман, – деди у. – Аммо биз дон Кроче иштирокисиз режа ишлаб чиқдик. Тури ва ота-онаси сенга умид боғлаб туришибди. Улар отанг ҳеч қачон дўстини алдамаганини билишади.

– Сен қайси томондасан? – сўради Майкл.

Андолини чуқур нафас олди.

– Мен Гильяно учун жанг қилганман, – деди у. – Биз кейинги беш йил давомида ўртоқ эдик. Бунгача эса у менинг ҳаётимни сақлаб қолган. Аммо мен Сицилияда яшайман, шу боис дон Крочега нописанд бўлишим мумкин эмас. Улар ўртасида таранг тортилган арқон устида юраман, аммо Гильянони ҳеч қачон сотмайман.

У нималарни вайсаяпти, деб ўйлади Майкл. Нега бу ерда бирор кишидан жўяли жавоб ололмайсан? Чунки бу – Сицилия, дея мулоҳаза юритди у. Сицилияликлар рост гапиришдан ўлгудай қўрқишади. Рим ҳукумати ўзининг ҳуқуқий аппарати воситасида ҳақиқатни та-

лаб қилади. Рухоний бир умрлик қарғиш остида дон фармойишини ишга солиб, ҳақиқатни суғуриб олади. Ҳақиқат ҳокимият манбаи, бошқариш дастаги бўлган-ку – нега инсон уни ошкор қилиб қўяр экан?

«Ўзим қандайдир йўл топишим керак, – деб ўйлади Майкл, – ёки бу сафардан бош тортиб, уйга шошилишим зарур». Бу ерда у хавfli ҳудудда эди. Гильяно билан дон Кроче ўртасида очикдан-очик ўзига хос қонга қон олишдек интиқом бор, сицилияча қасос бўронига тушиб қолиш ўз-ўзини ўлдириш билан баробар. Чунки сицилиялик интиқом – адолатнинг ягона ҳақиқий шакли, шу боис доимо шафқатсиз бўлиши керак деб ҳисоблайди. Бу католик оролининг ҳар бир уйида кўз ёши тўкиб турган ҳайкалчаси бўлса-да, насронийча барча гуноҳларни кечиш, авф этиш – кўрқокнинг нафратга сазовор бўлган паноҳи эди.

– Нега Гильяно билан дон Кроче бир-бирига душман бўлиб қолишди? – деб сўради Майкл.

– Портелла-делла-Жинестрадаги фожаи туфайли, – жавоб берди Андолини. – Икки йил олдин. Шундан кейин ҳаммаси ўзгариб кетди. Гильяно дон Крочени айблади.

Тўсатдан машина пастга тушиб кетгандай бўлди: йўл тоғдан водийга қараб энаётган эди. Улар норманлар саройи харобаларини четлаб ўтишди (у 900 йил бурун вилоятда қирғин уюштириш мақсадида қурилган) энди эса беозор калтакесаклар ва адашиб қолган эчкилар тентираб юрарди. Майкл қуйи ҳудудда жойлашган Монтелепрега кўзи тушди.

Шаҳарча икки томонга кўтарилиб кетган тоғ ўртасида, чуқурликда жойлашган, гўё қудуқ тубидаги ёғоч пақирга ўхшарди. У текис айланадан иборат, бирорта ҳам уй теварагидан ташқари чиқмаган,

тушдан кейинги қуёш деворларида тим қизил тусда товланар эди. Андолини тор, иланг-биланг тўлғаниб кетган йўлакдан ўтиб бораётган «фиат»ни тўхтатди, карабинерлар взводи йўлни қўриқлаётган эди. Улардан бири машинадан тушишни буюриб, милтиғини ниқтади.

Майкл Андолини ҳужжатларни полициячиларга қандай қилиб кўрсатаётганини кузатиб турди. У қизил ҳошияли махсус рухсатномага кўзи тушди. Бундай ҳужжат Римда фақат адлия вазирига бериларди. Майклнинг ўзида ҳам худди шундай ҳужжат бор, аммо олинган кўрсатмага мувофиқ уни алоҳида вазиятларда кўрсатиш керак. Андолинидай одам бундай нарсага қодир ҳужжатни қандай қилиб қўлга киритди экан?

Улар машинага қайтиб келишди ва Монтелепренинг тор, энсиз кўчалари бўйлаб юра бошлашди, агар рўпарадан машина келиб қолса, асло ўта олишмасди. Муҳташам балконлар турли рангларга бўялган. Аксарияти мовий рангда, оқ тусдагиси сийрак ва қизил ранглиси ҳам бор. Сарикқа бўялгани жуда кам. Бу пайтда аёллар уй ичида эрлари учун тушлик тайёрлашарди. Аммо кўчаларда болалар йўқ эди. Улар ўрнида ҳар бир бурчакда карабинерлар жуфт-жуфт бўлиб навбатчилик қилишарди. Монтелепре қамал ҳолатидаги, босиб олинган шаҳар сирасига кирарди. Фақат бир неча кекса кишилар балконлардан тошдай қотган башаралари билан тикилишар эди уларга.

«Фиат» қаторлашган уйларнинг бири олдида тўхтади. Бу уйлардан бири очик мовий рангда бўлиб, кўча эшигига «Г» ҳарфи ўйиб ёзилган эди. Эшикни ўрта бўйли олтмиш ёшларга кирган семиз киши очди. Унинг эгнида қорамтир америкача костюм, оқ кўйлак

ва бўйнида қора бўйинбоғ бор эди. Бу одам Гильянонинг отаси эди. У тезгина келиб, Андолинини маҳкам қучоқлади. Меҳмонларни уйга бошлар экан, миннатдорчилик билдирганча Майклнинг елкасига қоқиб қўйди.

Улар кенг, бу кичик шаҳарчада ҳаддан зиёд ҳашаматли саналган меҳмонхонага кирдилар. Хонада ясси шаклдаги ёғоч ром оч сариқ тусда бўлиб, унда ҳаддан зиёд чапланиб кетган сурат тасвирланган, шу жиҳатига кўра диққатни ўзига тортар эди. Майкл дарҳол, бу Сальваторе Гильяно бўлиши керак, деб ўйлади. Унинг тагидаги мўъжаз тўғарак столча устида жинчиروق ёниб турарди. Бошқа столдаги ромда фотосурат аниқ кўзга ташланарди. Ота, она ва ўғил қизил парда фонида тик туришар, ўғил ўз химоясига олгандек онасининг қўлини ушлаган эди. Сальваторе Гильяно худди даъват этгандек тўғридан-тўғри қараб турарди. Юзи грек ҳайкалларига ўхшаб ҳайратда қолдирадиган даражада чиройли эди. Юз чизиқлари бироз оғир, худди мраммрдан йўнилгандай, лаблари тўла, ҳиссиётли, чўзиқ ясси шаклли кўзлари атрофи ярим очиқ киприклар билан қопланган бўлиб, бириридан узоқ жойлашган. Аммо Майкл бундай чиройли чехра шунчалик мулойим кўринади, деб мутлақо кутмаган эди.

Гильянонинг отаси уларни ошхонага бошлаб кирди. Плита олдида турган Гильянонинг онаси бурилиб қаради. Мария Ломбарде Гильяно суратдагига нисбатан анча катта кўринар эди. Бутунлай бошқа хотинга ўхшарди. Назокатли кулгуси ажинга тўлган, шамол ялаб кетган, тинкаси қуриган юзи худди ниқобга ўхшайди. Узун оқарган сочлари кенг елкаларига ёйилиб тушган. Ҳайрат тўла кўзлари ўғли ва уни гумдон қи-

лишга ҳозир у нозир бутун дунёга нисбатан нафратдан қоп-қорайгандек эди.

Эри ва Стефан Андолинига эътибор бермай, она тўғридан-тўғри Майклга мурожаат қилди:

– Ўғлимга ёрдам берасанми ёки йўқми?

Майкл унга кулиб қаради:

– Ҳа, мен сизлар билан биргаман.

– Беньямино ота уни сўради, аммо сен буни хоҳламаслигингни айтдим, – деди унга мурожаат қилиб Андолини.

Мария Ломбарде бошини кўтарди ва Майкл унинг чехрасида акс этган ҳиссиётлар кўплигидан ҳайратга тушди.

– О, Беньямино отанинг юраги тоза, бу аниқ, – деди у. – Ана шу юраги билан у худди вабо каби бутун қишлоққа ўлим ташиб юради. Оятлар сирини ўзининг укасига беради. Укаси эса қалбини шайтонга топшириб, у билан апоқ-чапоқ бўлиб олади.

Гильянонинг отаси хотиржам алфозда мулоҳазакорлик билан гўё телбани тинчлантиргандек деди:

– Дон Кроче бизнинг дўстимиз, у бизни ҳибсхонадан халос қилди.

Гильянонинг онаси жазавага тушиб тутатиб кетди:

– Ҳа, дон Кроче, «Меҳрибон қалб», у ҳамиша шундай меҳрибон! Лекин сенга шуни айтиб қўяй, дон Кроче – илон. Улар ўғлимиз билан бирга Сицилияни бошқармоқчи эди, энди эса Тури танҳо ва бир ўзи тоғларда яшириниб юрибди, «Меҳрибон қалб» эса суюқ-оёқ аёллари билан бутун Палермо бўйлаб сайр қилмоқда. Дон Кроче бир хуштак чалса кифоя, бутун Рим унинг товонини ялайди. Ахир дон Турига нисбатан кўпроқ жиноят содир этди. У – ёвузликнинг ўзи, ўғлимиз эса оқкўнгил!

Гильянонинг отаси сабр косаси тўлиб деди:

– Тушунишимча бизнинг меҳмонимиз бир неча соатдан сўнг жўнаб кетиши керак. Турган гапки, биз суҳбатлашишдан олдин у овқатланиши зарур.

Гильянонинг онаси дарҳол ўзгарди:

– Бечорагина, биз билан учрашиш учун кун бўйи йўл юрган бўлсанг керак. Энди эса менинг дон Кроче ҳақидаги гапларим ва вайсашимни эшитишга мажбур бўлиб ўтирибсан. Хўш, қаерга отланияпсан?

– Эрталаб Трапанида бўлишим керак, – жавоб берди Майкл. – Ўғлингиз олдимга келгунча отамнинг дўстлари ҳузурида бўламан.

– Бир стакан вино ич, – деди Гильянонинг онаси. – Кейин шаҳарга ўтасан. Бир соатдан сўнг дастурхон тайёр бўлади. Турининг дўстлари ҳам келишади ва биз ҳаммасини оқилона муҳокама қилишимиз мумкин.

Андолини Майклнинг бир ёнида, Гильянонинг отаси иккинчи томонида юрганча Монтелепренинг тош тўшалган кўчалари бўйлаб одимлашди. Энди қуёш тепадан тушиб бўлганида тошлар қорайиб кўринадди. Ғира-ширадаги ёруғликда улар теварагида фақат карабинерлар ҳаракат қилар эди.

– Илгари бу жуда гавжум шаҳар эди, – деди Гильянонинг отаси. – Доимо, худди бутун Сицилия каби ғам-ғуссага тўлган бўлса-да, аммо гуркираган эди. Ҳозир эса аҳолимизнинг етти юздан ортиғи – қамоқда, ўғлим билан шерикликда айбланиб қамалган. Ҳар ҳолда уларнинг кўпчилиги бегуноҳ, аммо ҳукумат бошқаларни қўрқитиш, менинг ўғлим Туригача етиб келиши учун қамаган. Шаҳарда икки мингга яқин карабинер тикилиб кетган, мингтаси Турини қўлга тушириш учун тоғларда юрибди. Шу боис ҳам одамлар

очик ҳавода овқатланмайди, уларнинг болалари энди кўчаларда ўйнамайди. Карабинерлар шунчалик қўрқоқки, ҳатто кўчадан куён чопиб ўтса ҳам ўт очаверишади. Қоронғи тушган заҳоти комендантлик соати жорий этилади. Борди-ю шаҳарда бирор аёл қўшнисини кўрмоқчи бўлса, уни тутиб олишади-ю, хўрлашади ва камситишади. Эркакларни Палермодаги ўзларининг ертўлаларига киритиб қийнашади.

Стефан Андолини сигара чекмоқчи бўлиб бир оз тўхтади. Сўнг тутунни ичига тортганча кулиб шундай деди:

– Ҳа, биз, сицилияликлар, қадрдон ерларимизни севамиз, аммо Сицилия бизни яхши кўрмайди.

Гильянонинг отаси елкаларини учирди:

– Нодон эканман, қайтиб келибман, – ва алам билан бош чайқади. – Лекин ўғлим, гарчи уларнинг кўпчилиги қариндошимиз бўлмаса-да, нега нуқул бегоналарнинг ишига аралашади? Унда ҳамиша турлитуман улуғвор ғоялар бор эди, доимо адолат тўғрисида гапирарди. Ҳақиқий сицилиялик тирикчилик учун ризқ-насибани гапирарди.

Улар Белла бўйлаб кетишар экан, Майкл шаҳар пистирма ва партизан урушлари учун идеал тарзда қурилганига эътибор қаратди. Кўчалар шунчалик торки, фақат битта автомобиль юра олади. Узоқ йиллар давомида унча катта бўлмаган арава ва эшаклардан фойдаланишган, ҳозир ҳам юкларни шундай ташишади. Фақат бир неча одамгина ҳар қандай ҳамлани қайтара олар, сўнг шаҳарни қуршаган оппоқ бўр тоғларига чиқиб яширинар эди.

Улар марказий майдонга тушишди. Андолини бу ерда қад кўтарган мўъжаз ибодатхонани кўрсатар экан, шундай деди:

– Полициячилар биринчи марта тутмоқчи бўлишганида Тури мана шу ибодатхонага беркинган эди. Шундан буён у шарпага ўхшаб қолди.

Ҳар учови гўё рўпараларида Сальваторе Гильяно пайдо бўладигандек черков деворига тикилиб қолишди.

Куёш тоғлар ортига ботди. Улар уйга айнан комендантлик соати бошланишидан олдин кириб келишди. У ерда икки нотаниш киши кутиб олди. Бири озғин, ёш киши бўлиб, башараси касалманд, ранги оқарган, кўзлари катта-катта, қоп-қора, чарақлаб турарди. Унинг олифта мўйлови бўлиб, қандайдир аёлларга хос гўзалликка эга, аммо бутунлай аёлга ўхшамасди. Қиёфасида мағрурона шафқатсизлик уфуриб турибди, бу хусусият қандай бўлмасин буйруқ беришни истайдиган кишида мавжуд бўлади.

Бу одамнинг Гаспаре Пишотта эканлиги ойдинлашгач, Майкл ҳаяжонга тушди. Пишоттани кўпинча Аспану ҳам дейишар ва у Тури Гильяно отрядида иккинчи шахс, тутинган ака ва яқин дўст эди. Гильянони ҳисобга олмаганда, уни ҳаммадан кўп қидиришар, боши учун беш миллион лира мукофот пули белгиланган эди.

Иккинчи нотаниш киши, гарчи бошқа сабаб билан бўлса-да, хайратни оширарди. Унга илк бор қараганида Майклнинг бутун аъзойи бадани жимирлаб кетди. Бу одам шунчалик кичкина эдики, худди паканага ўхшар, бироқ шунга қарамай ўзини салобатли тутар, Майкл зумда ҳиссиётларини намоён этмаса-да, ўлгудек ранж-аламлардан четлаша олмаслигини сезди. Бу одамнинг эғнида аъло даражада тикилган чизиқли ола костюм, кенг, афтидан, кумуш ранг бўйинбоғ қора кўйлагини беаб турарди.

Пакананинг қалин сочлари бутунлай оқарган, ва-
ҳоланки у ҳали элликка ҳам кирмаган. Жуда хушби-
чим. Энг кичкина одам қандай кўринса, у ҳам ана шу
даражада. Ҳиссиётли оғизга эга бўлган башараси ўзи-
га хос чиройли.

Уни қандайдир профессор Гектор Адонис деб та-
ништиришди.

Мария Ломбарде Гильяно ошхонада дастурхон
ёзди. Улар балкон томонга чиқаверишдаги дераза та-
гида ўтириб овқатланишди. У ердан осмоннинг қи-
зарган бир парчаси кўриниб турар, тунги қоронғилик
чор-атрофни ўраган тоғларни беркитганди. Майкл
ўзини зимдан кузатишаётганини сезиб, оҳиста ов-
қатланди. Таом оддий, аммо жуда хушхўр эди – ма-
карон бинафша ранг соус билан тортилганди. Ниҳоят
Гаспаре Пишотта маҳаллий сицилияча лахжада сўз
бошлади:

– Демак, сен Вито Корлеоненинг ўғлисан, уни ҳатто
бизнинг дон Крочедан ҳам юқори туради, дейишади.
Ва айнан сен бизнинг Турини қутқарасан.

Унинг товушида совуқ заҳарханда янграр, мабодо
ҳужумга журъат қилинганда, дарҳол қарши зарба бе-
риш истаги борлигини намоён этарди. Ўзининг кулги-
си билан ҳар қандай хатти-ҳаракат маъносини: «Ҳа,
тўғри, яхши қиласан, аммо бундан сенга нима наф?»
– дегандек, савол остига қўярди гўё.

– Мен отамнинг буйруғини бажараман, – деди
Майкл. – Гильянони Трапанида кутишим керак. Сўнг
уни Америкага олиб кетаман.

Пишотта анча жиддий тарзда савол берди:

– Тури сенинг ихтиёрингда бўлгач, хавфсизлигини
кафолатлайсанми? Уни Римдан ҳимоя қила оласан-
ми?

Майкл Гильянонинг онаси уни диққат билан кузатаётганини биларди. Эҳтиёткорона шундай деди:

– Одам тақдирдан нимани кафолатлай оларди. Ҳа, ҳимоя қилишимга ишонаман.

– Мен эса йўқ, – кескин тарзда айтди Пишотта. – Бугун кундузи сен дон Крочега ишондинг. Унга қочиш режангни айтиб бердинг.

– Нега энди бундай қилмаслигим керак экан? – зарба қайтарди Майкл. Жин урсин, Пишотта унинг дон Кроче билан бирга тушлик қилгани тафсилотини қандай қилиб бунчалик тез билди экан? – Отамнинг кўрсатмаларига мувофиқ, Дон Кроче Гильянони менга етказишларини ташкиллаштиради. Ҳар ҳолда мен олиб қочиш мумкин бўлган фақат битта режани унга гапириб берганман.

– Яна қанақалари бор? – сўради Пишотта. У Майклнинг иккиланганини кўрди. – Айтавер, кўрқма, бу хонадаги кишиларга ишониш мумкин бўлмаса, у ҳолда Тури учун умид йўқ.

Пакана Гектор Адонис ниҳоят гапирди. Унинг туғма нотиқларга хос фавқулодда паст овози бор эди:

– Азизим, Майкл, сиз шуни тушунишингиз керакки, дон Кроче – Тури Гильянонинг душмани. Отангиздаги маълумотлар эскирган. Биз хавфсизлик чораларини кўрмасдан Турини сизга топшира олмаслигимиз табиий. Мен режаларингизни билиб олишни талаб қиламан.

– Мен фақат дон Крочега нима деганимни сизларга айтиб беришим мумкин, – деб жавоб берди Майкл. – Умуман, нега ўзимнинг режаларим ҳақида кимгадир баён қилишим керак экан? Борди-ю, мен Тури Гильяно ҳозир қаерда яширинган десам, айтасизми?

Майкл Пишоттанинг кулганини кўриб, жавоби бутунлай маъқуллаганини англади. Аммо Гектор Адонис шундай деди:

– Бу айнан бир хил гап эмас. Ҳозир Тури қаерда яшириниб ётганини билишнинг сизга мутлақо кераги йўқ. Биз эса унга қандай ёрдам беришингизни билишимиз керак.

– Мен сиз ҳақингизда ҳеч нимани билмайман, – сўз қотди Майкл.

– Маъзур тутасиз, – деди пакана тамомила самимийлик билан. – Мен Турини болалигида ўқитганман, ота-онаси иззат-икром кўрсатиб, мени унинг чўқинтирган отаси деб қабул қилишган. Эндиликда Палермодаги университетнинг тарих ва адабиёт профессориман. Шу билан бирга яна ишончлироқ мандат бор, буни дастурхон атрофидагиларнинг барчаси тасдиқлаши мумкин. Мен ҳамиша Гильяно отрядининг аъзоси эдим ва ҳозир ҳам шундайман.

Стефан Андолини оҳиста деди:

– Мен ҳам унинг отрядига кирганман, исмимни, тутинган аканг эканимни биласан. Мени Фра Иблис (иблиснинг акаси) дейишади.

Бу исм ҳам Сицилияда афсонавий маънога эга бўлиб, Майкл бир неча бор эшитган эди. Андолини ҳам яширинган, боши учун катта пул тикилган. Бироқ у ҳозиргина назоратчи Веларди билан ёнма-ён ўтириб овқатланган эди.

Ҳамма жавоб кутарди. Майкл ўзининг режалари хусусида мутлақо айтгиси йўқ эди, бироқ нимадир дейиши кераклигини англади. Гильянонинг онаси унга диққат билан тикиларди.

– Ҳаммаси жуда оддий, – деди Майкл. – Энг аввало, огоҳлантиришим керакки, мен етти кундан қўп

кута олмайман. Анча вақтдан бери уйда бўлмадим ва отамга шахсий муаммоларини ҳал этишда ёрдамим жуда зарур. Сиз, албатта, оиламиз бағрига қанчалик сабрсизлик билан қайтишим кераклигини англасангиз керак. Аммо отам ўғлингизга ёрдам беришимни истайди. Кейинги кўрсатмаларга кўра, бу ерда дон Крочени кўришим, сўнг Трапанига боришим керак эди. Ўша ерда маҳаллий дон вилласида жойлашаман. У ерда Америкадан келган кишилар мени кутишади, уларга тўла-тўқис ишонаман. Улар мутахассис. – У бир оз жим қолди – «мутахассис» деган сўз Сицилияда алоҳида маънога эга бўлиб, одатда мафиядаги юқори мартабали жаллодга тааллуқли эди. Сўнг гапини давом эттирди. – Тури ҳузуримга келган заҳоти хавф-хатардан холи бўлади. Ўша вилла – қўрғон. Биз бир неча киши бўлиб тез сузадиган кемага ўтиргач, Африка шаҳарларидан бирига етказишади. У ерда махсус самолёт кутиб, ўша заҳоти бизни Америкага элтадилар. Америкада Тури отамнинг ҳимояси остида бўлади, шундан сўнг унинг учун қўрқмасангиз ҳам бўлади.

– Тури Гильянони қабул қилишга қачон тайёр бўласиз? – сўради Гектор Адонис.

– Агар Трапанига эрта тонгда келсам, – жавоб берди Майкл, – яна менга йигирма тўрт соат вақт берасиз.

Тўсатдан Гильянонинг онаси йиғлаб юборди.

– Бечора Тури бошқа ҳеч кимга ортиқ ишонмайди. У Трапанига бормайди.

– Ундай бўлса, мен ёрдам беролмайман, – совуққонлик билан деди Майкл.

Онаизор умидсизликка тушиб бошини эгди. Майклни ҳайрон қолдириб, айнан Пишотта аёлга далда беришга уринди. Уни қучоқлаб, ўпди.

– Мария Ломбарде, ташвишланманг, – деди Пишотта. – Тури ҳозирча менга кулоқ солади. Ҳаммамиз Америкадан келган бу одамга ишонишимизни айтмиз, шундай эмасми? – У бошқалардан жавоб кутгандай қаради, улар бош ирғашди. – Турини Трапанига ўзим олиб келаман.

Ҳамма қаноатлангандай бўлди. Майкл айнан унинг совуқ жавоби барчани ишонтирганини англаб етди...

Майклни мўъжаз меҳмонхонага бошлаб кирдилар, Гильянонинг онаси унга арпабодиён ароғи билан қаҳва узатди.

– Ахир у гўзал эмасми? – деди она. – Чиройига яраша шу қадар хушмуомала. Уни қонундан ташқари одам деб эълон қилишганида юрагим тўкилиб кетай деган... Агар тирик қолса, омади келади... Биз уни ҳақиқий сицилиячи руҳда ўстирмоқчи эдик. Ўзи ҳам худди шундай. Ўлим даҳшати остида яшайди, боши учун катта пул тикилган. – У индамай қолди ва ишонч билан: – Менинг ўғлим бегуноҳ, – деди.

Майкл Пишотта хиёл жилмайиб қўйганини сезди, фарзандларининг фазилатлари ҳақида ортиқ даражада ҳикоялар эшитган ота-оналар шундай кулиб қўйишади. Ҳатто Гильянонинг отаси ҳам сабри чидмай, қўлини силкитди. Пишотта эса юмшоқ, аммо совуқ оҳангда деди:

– Қадрли Мария Ломбарде, ўғлингизни бунчалик ночор аҳволда деяверманг. У жавоб қайтаришни биледи, душманлар ҳамон ундан қўрқишади.

Гильянонинг онаси энди анча хотиржам ҳолда деди:

– Биламан, у бир неча марта ўлдирган, аммо ҳеч қачон адолатсизлик қилмаган.

Тўсатдан у Майклнинг қўлидан ушлаб, ошхонага, сўнг ўша ердан балконга олиб ўтди.

– Улардан ҳеч ким ўғлимни ҳақиқатан яхши билмайди, – деди Майклга. – Унинг қанчалик оққўнгил ва ёқимтойлигини билишмайди. Балки бошқа одамларга ўзгача муносабатда бўлар, аммо мен билан ҳамиша самимий. Ҳар бир сўзимга кулоқ солади, ҳеч қачон менга қўполлик қилмаган. У сеvimли, итоаткор ўғил. Қонундан ташқари одам деганларидан сўнг дастлабки кунларда тоғдан пастга қаради, аммо ҳеч нимани кўрмади. Мен ҳам юқорига боқдим, ҳеч нарсани кўрмадим. Аммо бир-биримизнинг борлигимиз, бир-биримизга меҳр-муҳаббатни ҳис этдик. Бугун ҳам унинг ёнимда эканлигини сезаман. Ҳамон тоғда якка юргани, минглаб аскар қидираётганини ўйлаб, юрагим эзилиб кетади. Эҳтимол, сен ўғлимни қутқарадиган ягона киши бўлсанг керак. Уни кутаман, деб ваъда бер.

Онаизор Майклнинг қўлларини маҳкам ушлади, кўз ёшлари юзидан оқиб тушди.

Майкл тун қоронғиси қаърига тикилди: Монте-лепре шаҳарчаси баланд тоғларнинг қоқ ўртасида жойлашган, фақат марказий кўча чироқлари ёниб турарди. Осмон юлдузларга тўлиб кетган. Пастда кўчаларда вақт-вақти билан милтиқларнинг шарақлаши ҳамда патрулик қилиб юрган карабинерларнинг бўғиқ овозлари эшитилади. Шаҳарча шарпалар билан тўлиб-тошгандек. Уларга ёзнинг тунги ҳавосида лимон дарахтларининг хидига тўйинган, сон-саноксиз ҳашаротларнинг енгил визиллаши, кўчаларда юрган полиция соқчиларининг тўсатдан қичқиришлари қоришиб кетган эди.

– Қанча имкониятим бўлса, шунча кутаман, – оҳиста деди Майкл. – Уйда отамга жуда керакман. Сиз

Ўғлингизни мен билан бирга кетишга мажбур қилишингиз керак.

Она бош ирғаб, уни бошқаларнинг хузурига олиб келди. Пишотта хонада у ёқдан-бу ёққа юрарди. Асабийлашганга ўхшар эди.

– Бу ерда тонг отгунча қолишга қарор қилдик, комендант соати тугагунча, – деди Пишотта. – Аскарлар ҳаддан зиёд, қоронғида тепкини босишга тайёр туришади, шундай экан, бахтсиз ҳодиса юз бериши мумкин. Эътирозинг йўқми? – сўради у Майклдан.

– Йўқ, – жавоб берди Майкл. – Фақат бу мезбонларни уринтириб қўймаса бўлгани.

Гильянонинг онаси янги қаҳва қайнатди.

Майкл Тури Гильяно ҳақида мумкин қадар кўпроқ гапириб беришни илтимос қилди. У ҳақда тўлиқ билишни истар эди...

Пिशотта Портелла-делла-Жинестра фожиаси ҳақида гапириб берди.

– Ўшанда у кун бўйи йиғлади, – деб эслади Пишотта. – Бутун отряднинг кўз олдида.

– У Жинестрадаги одамларни ўлдира олмасди, – деди Мария Ломбарде.

Гектор Адонис уни тинчлантирди:

– Буни ҳаммамиз биламиз. Ахир у оққўнгил бўлиб туғилган, – сўнг Майклга ўгирилиб илова қилди. – Китобни севарди, шоир ёки олим бўлади, деб ўйлагандим. Инжиқ эди, аммо бераҳм эмасди.

– Ҳозир у унчалик хушмуомала эмас, – кулди Пишотта.

Гектор Адонис хўмрайиб қаради:

– Аспану, – деди у, – ҳозир сенинг сўзамоллик вақтинг эмас.

Майкл бу иккови ўртасида совуқ муносабат илдиз отганини билиб олди. Аслида, улар орасида ишончсизлик ҳукм суларди; ҳаммалари Стефани Андолинидан маълум масофада туришга ҳаракат қилишарди, Гильянонинг онаси, умуман, ҳеч кимга ишонмагандай кўринарди. Нима бўлганда ҳам тун қанчалик узоқ давом этган сари уларнинг барчаси Турини яхши кўришлари тобора аниқ бўлди.

– Гильяно васият ёзган, – деди эҳтиёткорлик билан Майкл. – Васият ҳозир қаерда?

Узоқ давом этган жимлик чўкди, ҳамма Майклга диққат билан қаради. Ва кутилмаганда бу нигоҳлар уларнинг шубҳа-гумонига айланди.

Нихоят Гектор Адонис гапга киришди:

– У васиятни менинг маслаҳатимга кўра ёза бошлаганди, ёрдам бергандим. Ҳар бир саҳифа Тури томонидан имзоланган. У ерда дон Кроче ва Рим ҳукумати билан махфий келишувлар ҳамда Портелла-делла-Жинестра ҳақида бор ҳақиқат ёзилган. Агар чоп этилса, эҳтимол, ҳукумат қулайди. Бу вазият ёмонлашганида Гильяно қўллаши мумкин бўлган қўлидаги охири қарта.

– Умид қиламанки, у ишончли жойда, – деди Майкл.

– Ҳа, дон Кроче ҳам бу васиятга ўзининг панжасини уришни истаган эди, – маълум қилди Пишотта.

– Вақти-соати келиб шундай қиламизки, васият сенга тегади, – деди Гильянонинг онаси. – Балки, сен уни севган қизи билан бирга Америкага жўнатарсан?

Майкл уларга хайрон бўлиб қаради.

– Қанақа севган қизи билан?

Ҳамма худди саросимада тушгандек, кўрқув ичига қолган каби нигоҳларини олиб қочди. Улар буни

Майкл учун ёқимсиз янгилик деб фаҳмладилар-у, муносабатидан хушёр тортдилар.

– Ўғлимнинг қаллиғи. У ҳомиладор, – деб тушунтирди Гильянонинг онаси. Гарчи хотиржам бўлишга уринса-да, Майклнинг муносабати аёлни безовта қилди. – У Трапанига, ҳузурингга келади. Тури қизни Америкага ўзи боргунича жўнатишингни истайди. У хавф-хатарсиз тургани тўғрисида кичкина хабар жўнатганидан сўнг Тури олдингга келади.

– Менда бу борада кўрсатмалар йўқ, – деди Майкл сўзларни қунт билан танлаб жавоб берар экан. – Трапанидаги одамларим билан маслаҳатлашишим керак, улар бу ишни вақтида бажара олишармикан? Билман, ўғлингиз у ерга бориб жойлашгач, сиз ҳам эрингиз билан Америкага жўнайсиз. Қиз сабр қилиб, сизлар билан бирга бора олмайдими?

– Қиз, бу – сени текшириш учун, – деди кескин тарзда Пишотта. – Шунга қараб, Гильяно фақат ростгўй киши билангина эмас, ишбилармон одам билан иш олиб бораётганини фаҳмлайди. Ана шунда сен уни Сицилиядан муваффақиятли равишда олиб чиқиб кетишингга ишонч ҳосил қилади.

– Аспану, – аччиқланди Гильянонинг отаси, – сенга ва ўғлимга айтган эдим-ку, дон Корлеоне бизга кўмаклашишга сўз берган.

– Тури шундай деган, – мурасага келгандек деди Пишотта.

Майкл тезгина фикрини ўнглаб олди. Ва деди:

– Бу жуда оқилона иш бўларди. Биз йўналишни ҳақиқатан мустаҳкамми, умид қилса бўладими, текшириб кўришимиз керак.

У Гильяно учун барибир ўша қатнов йўлидан фойдаланишни истамасди. Майкл Гильянонинг онасига шундай деди:

– Қиз билан бирга сизни ва эрингизни жўнатиб юборишим мумкин, – сўнг уларга қаради.

Аммо ота-она бош чайқашди.

– Бу ёмон фикр эмас, – деди мулойим қилиб Гектор Адонис.

– Ўғлимиз шу ерда экан, Сицилиядан ҳеч қаёққа кетмаймиз, – деди Гильянонинг онаси.

Отаси қўлини кўксига қўйди-ю, розилигини маълум қилиб бош ирғади. Майкл уларнинг нима ҳақида ўйлаётганини англади. Агар Тури Гильяно Сицилиядо вафот этса, Америкада бўлишни ишташмайди. Улар шу ерда бўлиб кўз ёши тўкишлари, дафн этишлари, қабрига гуллар олиб боришлари керак. Фожианинг хотимаси ўзларига тегишли бўлади. Келини ҳам бориши мумкин, уни қон-қариндошлик эмас, фақат меҳр-муҳаббат ришталари боғлаган, холос.

Туннинг ўрталарида Мария Ломбарде Гильяно Майклга газета қирқимлари, Рим ҳукумати томонидан Гильянонинг боши учун тикилган пуллар миқдори ёзилган газета парчалари билан тўлган альбомни кўрсатди. Шунингдек, 1948 йили «Лайф» журналида босилиб чиққан расмли очеркни ҳам намоёйиш қилди. Унда Гильяно йирик қароқчи, замонамизнинг итальянча Робин Гуди, бойларни талаб, камбағал кишиларга ёрдам беради, деб айтилган эди. Шу билан бирга катта шов-шув кўтарган Гильяно газетага юборган хатлардан бири ҳам келтирилганди.

Унда шундай дейилган эди: «Мен беш йилдан буён Сицилиянинг озодлиги учун курашаман. Босқинчиманми ёки озодлик учун курашчиманми, сицилияликлар айтсин. Агар халқ менга қарши бўлса, суд қилишингиз учун ўзимни қўллaringизга топшираман.

Ҳозирча халқ қўллаб-қувватлар экан, мен ёппасига жанг олиб боришни давом эттираман».

Ниҳоят тонг отди. Майкл ўрнидан туриб хайрлашди. Она уни хайрон қолдириб, қаттиқ қучоқлади.

– Сен менга ўғлимни эслатдинг, – деди у. – Сенга ишонман, – шундан сўнг тош тоқчага яқин бориб, ёғочдан ясалган Биби Марям ҳайкалчасини олди. Ҳайкалча қоп-қора эди. Юз чизиклари негр ирқига мансуб эди.

– Совға сифатида олгин. Бу сенга беришим мумкин бўлган ягона ҳадя.

Майкл олишдан бош тортган эди, она оёқ тираб туриб олди.

– Бундай ҳайкалчалар Сицилияда бир нечта қолган, холос, – деди Гектор Адонис. – У ўзига хос, ахир биз Африкадан жудаям узоқда эмасмиз-ку.

– Кўриниши унчалик яхши эмас, рўпарасида ибодат қилиш мумкин, – деди Гильянонинг онаси.

– Қўйсангиз-чи, – уни туртди Пишотта. – Бошқасидан қанча фойда бўлса, бундан ҳам шунча бўлади, – унинг товушида нафрат оҳанги эшитилди.

Майклнинг кўз олдида Пишотта Гильянонинг онаси билан хайрлаша бошлади. Ва Майкл уларнинг ўртасида самимий яқинлик борлигини кўргандай бўлди. Пишотта Мария Ломбарденинг икки чаккасидан ўпди ҳамда унга далда бергандек елкасига қоқиб қўйди. Она бир лаҳза унинг елкасига бошини қўйди ва:

– Аспану, мен сени худди ўғлимдек яхши кўраман. Уларга Турини ўлдиришларига йўл қўйма, – деди ва йиғлаб юборди.

Аспану Майклга:

– Турини сенинг ҳузурингга ҳафта давомида олиб келаман, – деди. Ва тез ва сассиз эшик ортига чиқди.

Унда махсус қизил жилдли рухсатнома бор эди, яна тоғларга йўл олиб, ғойиб бўларди. Гарчи шаҳарда уйи бўлса-да, Гектор Адонис Гильянонинг ота-онаси олдида қолди.

Майкл ва Стефан Андолини «фиат»га ўтириб, марказий майдон орқали Кастельветрано ҳамда қирғоқ бўйи шаҳар – Трапанига қараб йўл олишди. Андолини секин юрди, бунинг устига уни сон-саноксиз патруллар тўхтатишди. Шундай қилиб, улар Трапанига фақат тушдан кейин келишди.



ИККИНЧИ КИТОБ

ТУРИ ГИЛЬЯНО

1943

Иккинчи бўлим

1943 йилнинг сентябрида Гектор Адонис Палермо университетида тарих ва адабиётдан дарс берди. Фавқулодда қадди пастлиги туфайли унинг иқтидорига нисбатан кам даражада ҳурмат билан муносабатда бўлишарди. Сицилияликлар одатига мувофиқ, одамларнинг жисмоний камчиликлари бўйича раҳмсиз равишда қоралаш қатъий белгилаб қўйилган. Унинг кадр-қийматини билгувчи яккаю-ягона шахс университет раҳбари эди.

1943 йил сентябрь ойида Гектор Адонис ҳаёти анамана дегунча ўзгариши керак эди. Жанубий Италия учун уруш тугаган. Америка армияси Сицилияни истило қилиб, олдинга, қитъага қараб ҳаракатлана бошлади. Фашизм ўлди. Италия қайта туғилди; илк марта ўн тўрт аср давомида Сицилия оролида ҳақиқий хўжайин йўқ эди. Аммо тарихнинг барча беқарорликларини англаган Гектор Адонис алоҳида умидларга таянмади. Сицилияда бошқарувни мафия қўлга ола бошлади. Унинг маҳкам ёпишиши ва сиқувга олиши ҳар қандай корпоратив уюшманинг сиқувидан кам эмасди.

Адонис кабинетининг деразасидан бутун бошли университет худуди кўриниб турар, ундаги биноларни америкача тотув макон дейиш мумкин эди. Сицилия жамоат турар жойларида ҳеч қандай шарт-шароит йўқ, Америка ва Англиядаги каби университет ҳаёти ҳам мавжуд эмасди. Бу ерда кўпгина талабалар уйда шуғулланишар, муайян вақт оралиғида профессорлардан йўл-йўриқ олишарди. Профессорлар маърузалар ўқишар, талабалар уларнинг дарсини қолдиришлари мумкин, аммо жазоланмас эдилар. Фақат имтиҳон топширилса кифоя эди. Гектор Адонис бундай тизимни мутлақо дарғазаб қиладиган, қисман телбалик деб ҳисобларди. Унинг фикрича, сицилияликлар бошқа мамлакат талабаларига нисбатан катта педагогик интизомга муҳтож эди.

Адонис ибодатхона даричасига ўхшаш деразадан ҳар йилги одат бўйича Сицилиянинг барча вилоятларидан мафия раҳнамолари келаётганини кўриб турди. Улар университет профессорларига таъсир кўрсатиш учун ташриф буюришаётганди. Фашистлар ҳукмронлиги вақтида анча эҳтиёткор, камтар эдилар, энди эса оромбахш демократия бошқаруви остида ёмғирдан сўнг ер остидан чиққан чувалчанглар мисол ўрмалаб чиқишди-ю, ўзларини эскича тутта бошлашди. Гўё уларда эҳтиёткорлик бўлмагандай. Мафия сардорлари, «Дўстларнинг дўсти», Сицилия қишлоқларининг унча катта бўлмаган кўпгина маҳаллий уруғ-аймоқлар раҳнамолари эғнида дам олиш куни киядиган либослари бор эди. Улар университет курсини ўзлаштирмаган, тегишли ҳал қилувчи чоралар кўрилмаса, дипломни ололмайдиган талабалар, бойбадавлат мол-мулк эгаларининг қариндош-уруғлари ҳамда ўғиллари ёнини олгани келишарди.

Бу дипломлар эса улкан аҳамиятга эга эди. Оиалар на интилиши, на истеъдоди, на билими бўлган ўғилларидан қандай қутулсин? Ота-оналар уларни умрининг охиригача боқиши керак. Университетнинг икки варақ пергаментли дипломи туфайли бу валакисаланглар ўқитувчи, шифокор, парламент аъзоси, жуда бўлмаса майда давлат амалдори вазифасида ишлайдиган киши бўлиб етишади.

Гектор Адонис ўз қурбонларини ахтариб юрган мафиянинг энг камида уч нафар маҳаллий раҳнамосини таниб олди. Уларнинг бошида матодан тикилган кепка, оёқларида этик бор эди. Ҳаво илиқ бўлгани боис оғир вильвет костюмларини қўлларига ташлаб олишган. Улар мева-чева ва уйда тайёрланган вино солинган саватни совға сифатида кўтариб келишарди. Бу одамларни кўрган заҳоти профессорларни кўрқув босар, шу боис бояги нарсалар пора эмас, балки ширин-шакар ҳапдори деб қабул қилинади, холос. Негаки кўпчилик профессорлар сицилиялик бўлиб, уларнинг илтимосини қайтариш мумкин эмаслигини билишарди.

«Қишлоқ ор-номуси» операсида чиқиши мумкин бўлган, қишлоқча кийинган мафия сардорларидан бири бинога кирди-да, зиналарни бир-бир босиб, юқорига кўтарила бошлади. Гектор Адонис таниш комедияни ғазабнок қониқиш билан ўйнашга тайёрлана бошлади.

Адонис бу одамни биларди. Уни Буччилла дейишар, фермаси бўлиб, Монтелепредан унча узоқ бўлмаган Партинико шаҳарчасида қўйлар отари бор эди. Улар қўл олиб кўришдилар ва Буччилла келтирган саватни узатди.

– Бизда мевалар шунчалик тўкилиб-чириб кетяптики, бир оз профессорга олиб борай, деб ўйладим, –

деди Буччилла. Унинг бўйи унчалик баланд бўлмай, аммо кўп ишлаб тер тўкканидан жуссадор танаси чайир эди. Адонис Буччиллани ҳалол, тўғри, етарли даражада сипо, ўзининг кучи билан бойликни суғуриб оладиган киши дейишларидан хабардор эди. Бойлик эмас, балки ор-номус учун курашган эски мафия сардорларининг кўзига бу қовушмаган сўтак эди.

Мева-чеваларни олган Адонис кулиб қўйди. Қайси сицилиялик дехқон нимасидир йўқолишини истар эди?..

Буччилла хўрсинди. У илтифотли киши эди, аммо Адонис бу илтифот бир неча сониялар орасида таҳдидга айланиб кетиши мумкинлигини биларди. Буччилла гапирганида, у илтифот билан кулиб қўйди.

– Ҳа, ҳаёт ўзи чалкаш. Даламда-ку, иш қайнаб ётибди, лекин қўшним озгина қарз бериб туришни сўраса, мен қандай қилиб рад эта оламан? Отам унинг отасини, бобом бобосини билар эди. Менинг турган-битганим шундай, балки бу бахтсизлигимдир, ким нима сўраса йўқ дея олмайман. Хулласи калом, биз барчамиз ахир насронийлар эмасмизми?

– Биз, сицилияликлар ҳаммамиз бир хилмиз, – мулойимлик билан деди Гектор Адонис. – Ҳаддан зиёд кўнгилчанмиз. Айнан шунинг учун шимолликлар Римда биздан шу тариқа сурбетлик билан фойдаланишади.

Буччилла унга зимдан тикилди. Бунда ҳеч қандай муаммо бўлмайди. Наҳотки бу профессор қаердандир «Дўстларнинг дўсти» эканлигини эшитмаган бўлса? У саросимага тушгандек кўринмади. Агар «Дўстларнинг дўсти» бўлса, нима учун Буччилла билмайди? Аммо «Дўстлар»да турли даражалар мавжуд. Нима бўлган-

да ҳам унинг рўпарасида қайси дунёда яшаётганини фахмлайдиган киши турарди.

– Мен ҳузурингизга бир сицилиялик бошқасидан сўраганидек қарз сўраб келдим, – деди Буччилла. – Бу йил қўшнимнинг ўғли университетдаги имтиҳонлардан йиқилди. Уни сиз йиқитгансиз. Қўшним шундай деди. Аммо номингизни эшитганимдан сўнг: «Нима? Сеньор Адонисми? Бўлиши мумкин эмас, бу одамнинг юраги дунёдаги энг олижаноб юраклардан. У ҳеч қачон била туриб ёмонлик қилмайди, ҳеч қачон», – дедим. Шунинг учун улар кўзда ёш билан ҳаммасини гапириб беришни илтимос қилишди. Улуғвор бир мурсага келиб, баҳони ўзгартиришни сўрашди, токи у дунёга чиқиб, тирикчилиги учун тер тўкиб ишласин.

Гектор Адонисни бу нозик хушмуомалалик алдамади. Агар Буччилланинг илтимосини рад этадиган бўлса, бирор кечаси панадан ўқ узилади. Гектор Адонис илтифот ила олхўри ва саватдаги мевалардан татиб кўрди.

– О, биз бу ёш одамнинг ушбу манфур дунёда оч юришига йўл қўймаймиз, – деди у. – Хўш, йигитчанинг исми нима экан?

Буччилла унинг исмини айтганида, Адонис қутининг пастки ғаладонидан баҳолар ахборотномасини олди. Гарчанд гап ким тўғрисида кетаётганини билсада, варақлаб кўрди.

Йиқилган талаба қишлоқи, тарбия кўрмаган, дағал, Буччилланинг хўжалигидаги қўй-қўзилардан баттар лапашанг бир йигит эди. Бу танбал, ишёқмас, хотинбоз, бемаъни мақтанчоқ, учига чиққан саводсиз «Илиада» билан Жованни Верга шеърларининг фарқига бормасди. Буларнинг ҳаммасига қарамасдан,

Гектор Адонис Буччиллага майин кулди-да, хайрат аралаш оҳангда деди:

– Э, ҳа, бир имтиҳонда у билан қандайдир англашилмовчилик бўлган эди. Лекин буни бартараф қилиш осон. Майли, ҳузуримга келсин, уни айнан ўша хоналарда тайёрлайман, сўнг қайта имтиҳон оламан. Шундан сўнг йиқилмайди.

Улар яна қўл олишдилар ва ташриф буюрган киши кетди. Яна битта дўстга эга бўлдим, деб кўнглидан кечирди Гектор. Бу ёш такасалтанглар тер тўкмаса, талабаликка муносиб бўлмаса, нега университет дипломини олар экан? Италияда 1943 йили улардан фақат қўлни артиш учун фойдаланишлари мумкин, ўрта-миёна бўлиб қолаверадилар.

Телефон кўнғироғининг жаранглаши унинг фикр-ўйларини тўзғитиб юборди ва бошқача қаҳр-ғазабни уйғотди. Даставвал қисқа кўнғироқ чалинди, сўнг жимлик чўкди ва яна уч марта узук-юлуқ жиринглаш эшитилди. Телефончи қиз ким биландир лақиллашиб қолди-ю, сўзлар ўртасини бўлиб-бўлиб дастакни босди. Бу Адониснинг сабр косасини тўлдириб юборди ва одатдагига нисбатан телефон гўшагига кескин қичқирди.

Бахтга қарши кўнғироқ қилган киши ректор экан. Хизмат вақтида ғоят назокат билан муомала қиладиган ректорнинг бундан бошқа ташвиши ошиб-тошиб ётарди, шу боис у профессорнинг кескин гапига эътибор ҳам бериб ўтирмади. Ректорнинг товуши кўрқувдан титрар, сал бўлмаса йиғлаб юборай деди.

– Азизим, Адонис, – деди у, – ҳузуримга келишингизни илтимос қилсам бўладими? Университет жуда жиддий муаммо қаршисида турибди, уни фақат сиз ҳал этишингиз мумкин. Бу фавқулудда муҳим, ишонинг, профессор, сиздан миннатдор бўлардим.

Бундай қулларча итоатгўйлик Гектор Адонисни янада асабийлаштириб юборди. Бу телба нимани ис-тайди ўзи? Палермо ибодатхонаси устидан сакрасин-ми? У оҳиста сўради:

– Ҳеч бўлмаса сал-пал шама қилинг. Йўлда тайёр-ланиб бораман.

Президентнинг овози шивирлаш даражасига ту-шиб кетди:

– Муҳтарам дон Кроче ўзининг ташрифи билан бизни иззат-икромга ноил этди. Унинг жияни бўлган тиббиёт талабасига ўқитувчи индамай – ғалва кўтар-май курсдан кетишни тавсия қилибди. Дон Кроче ўзи келиб энг хокисорона тарзда бу қарорни қайта кўриб чиқмоқчи. Тиббиёт коллежининг ўқитувчиси эса бу талабани кетсин деб оёқ тираб туриб олган.

– Бу аҳмоқ ким экан? – сўради Гектор Адонис.

– Ёш доктор Натторе, – жавоб берди президент. – Хурматга сазовор ўқитувчи, аммо уни бу дунёда сира кўндириб бўлмайди.

– Беш дақиқадан сўнг ҳузурингизда бўламан, – деди Гектор Адонис.

Бош бинога тезгина майсазор орқали ўтар экан, Гектор Адонис нима қилиш кераклиги ҳақида муло-ҳаза юритарди. Мушкуллик ректорда эмас, у бундай вазиятларда ҳамиша Адонисни ҳузурига чақирар эди. Ишни чигаллаштирган доктор Натторе. Адонис бу докторни жуда яхши билади. Ажойиб тиббиёт ходи-ми, ажойиб ўқитувчи – унинг ўлими Сицилия учун маълум маънода йўқотиш, истеъфога чиқиши уни-верситет учун катта йўқотиш бўлади. Шу билан бир-га у ўзига бино қўйган ўлгудай мижғов, мустаҳкам принциплар ҳамда виждонини сотмайдиган рўй-рост ҳақиқатчи. Бироқ ҳатто буюк калласига соғлом фикр

таркибий қисми сақланиб қолган бўлса-да, Натторе буюк дон Кроче ҳақида ҳатто эшитган бўлиши керак. Бу ерда иш бир оз бошқача.

Бош бинога кириш жойида узун қора автомобиль турар, унга суянган икки киши одми кийимда эди. Бундан улар салобатли кўринмасди. Бу ерда ҳайдовчи билан қолгани тан соқчи бўлса керак; олимларга ҳурмат юзасидан дон Кроченинг ўзи келган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Адонис уларнинг ҳайрати, сўнг кинояли кулгисини сизди: балки кичик жуссаси, ажойиб тарзда тикилган костюми, қўлтиғига қистирган портфелини кўриб шунга кулишгандир. Наҳотки шундай пакана «Дўстларнинг дўсти» бўлса? Адонис уларга совуқ назар ташлаб, лип этиб ўтиб кетганида дарҳол сергакланиб қолишди.

Ректор кабинети ишхонадан кўра кўпроқ кутубхонага ўхшар эди; унинг соҳиби маъмурдан кўра катта олим. Девор тоқчалари китобларга тўлиб кетган, мебель жуда ҳайбатли, аммо қулай. Дон Кроче маҳобатли оромкурсида ўтирар, қахвани оз-оздан ҳўпларди. Унинг бурни Гектор Адонисга йиллар давомида жанг ва денгиз бўронларида абжағи чиққан, «Илиада» достонидаги кеманинг тумшуғига ўхшаб кўринди. Дон жўрттага ўзини улар гўё мутлақо учрашмагандек кўрсатди ва Адонис ректорга ўзини таништиришга имкон берди. Бу кўпол ҳазил эди, аммо доктор Натторе буларнинг барини чин ҳақиқат деб билди.

– Бу ерда бизда унча катта бўлмаган келишмовчилик келиб чиқди... – деди ректор. – Дон Кроченинг жияни бор, у врач бўлишни истайди. Профессор Натторе эса йигитчанинг диплом олиши учун зарур баҳолари йўқ деб ҳисоблайди. Фожа. Дон Кроче жиянининг елкасига қоқиб қўйиш учун келибди, шунчалик

олижаноб у. Бизнинг университетимиз учун қанча иш қилган, мен бу инсонни ҳурмат қилиш учун нимадир қилмоғим керак, деб ўйлайман.

Дон Кроче дўстона, шамадан холис ҳолда аччиқ киноя билан:

– Мен-ку саводсизман, аммо ҳеч ким ишбилармонлар дунёсида муваффақият қозонмаган, деб айта олмайди, – деди.

Албатта, деб кўнглидан кечирди доктор Адонис, вазирларни сотиб оладиган, қотилликлар ташкил этадиган, дўкандорлар, фабрика эгаларини қирғин қиладиган одамга ўқиш, ёзиш унчалик зарур эмас.

– Мен ҳаётда ҳаммасига ўзим эришганман, – гапини давом эттирди дон Кроче. – Нега жияним худди шундай қила олмайди? Агар ўғлининг фамилияси олдида «доктор» деган сўз турмас экан, бечора синглимни ғам-қайғу ўлдириб юборади. У Исо Масихга жуда ишонади, бутун дунёга ёрдам беришни истайди.

Доктор Натторе доимо ўзини ҳақ деб ҳисоблайдиган кишиларга хос ҳушёрликни бутунлай бой бериб, қатъият билан:

– Ўз позициямни ўзгартира олмайман, – деди.

Дон Кроче чуқур нафас олди. Ва муросасозлик билан сўзлади:

– Менинг жияним нима ёмон иш қилиши мумкин? Мен унга армияда жуда катта ўрин бераман ёки кексалар учун католиклар шифохонасига жойлаштираман. Уларнинг қўлидан маҳкам тутати ва арзу-додини эшитати. У жуда ювош, бу эски жанжалкаш кампирларнинг барининг эс-ҳушини олиб қўяди. Мен нимани илтимос қиляпман? Қоғозларни бир оз тўғрилаш керак, бояги варақлаганингизни. – У девор ёнидаги китобларга нафрат аралаш қараб қўйди.

Дон Кроченинг мулойим гаплари Гектор Адонисни фавқулодда хушёр торттирди – бу тўс-тўполон, катта жанжал олдидан берилган сигнал эди... Адонис боши берк кўчага кириб қолган вазиятдан чиқиб кетиши керак.

– Менинг азизим доктор Натторе, – деди у, – биз, албатта, нимадир қилишимиз керак. Бир оз судраш, маҳаллий муҳтожларга ёрдам берадиган касалхонада қўшимча амалиёт бериш лозим.

Гарчанд доктор Натторе Палермода туғилган бўлса-да, сицилияликка мутлақо ўхшамасди. Сарғиш сочли, бир оз тепакал бу одам аччиқланиб шунчалик қизишиб кетдики, ҳақиқий сицилиялик мазкур вазиятда ҳеч қачон ўзини бундай тутмасди. Унинг ирсиятида бирор қадимги норманд истилочисининг одати жой олган бўлиши ҳам мумкин эди.

– Сиз, ҳурматли профессор Адонис, тушунмаяпсиз. Бу ёш лақма ҳали жарроҳ бўлмоқчи.

«Ё Исо Масих, ё Юсуф, Биби Марям, азиз-авлиёлар ҳаққи, – деб ўйлади Гектор Адонис. – Иш жуда ёмон бўлди-ку!»

Ҳаммани ҳайратга солган сукутдан фойдаланган доктор Натторе дон Крочега мурожаат қилиб, гапини давом эттирди:

– Жиянингиз анатомиядан ҳеч балони билмайди. У ўликни худди қўйни қовурдоққа тайёрлайдигандай нимталайди. Деярли бирортаям машғулотларда иштирок этмайди, курс ишларини мутлақо бажармайди, операция хонасига худди рақсга тушадигандай боради. Тўғри, у жуда мулойим йигит, ундан ёқимлисини топиш қийин. Аммо, ҳулласи калом, биз ажойиб кунларнинг бирида ўтқир пичоқ билан тирик одам танасига ёндашадиган одам тўғрисида гаплашяпмиз.

Гектор Адонис дон Кроче нимани ўйлаётганини аниқ билди. Бундай йигитдан қанақасига ёмон жарроҳ чиқарди? Гап йигит имтиҳондан йиқилгудек бўлса, оила ор-номуси тўғрисида бормоқда.

– Азизим, дон Кроче, – деди Гектор Адонис, – ишончим комил, доктор Натторе сизнинг истакларингизни ҳисобга олади, биз уни ишонтиришга ҳаракат қиламиз. Лекин жиянингизда жарроҳ бўлишдек романтик гоё қаердан пайдо бўлди? Ўзингиз айтганингиздек, у ҳаддан зиёд ювош, жарроҳлар эса ўта шафқатсиз бўлиб туғиладилар. Ҳа, айтгандай, Сицилияда ким ҳам ўз ихтиёри билан пичоқ остига борарди?

У жим бўлди. Сўнг гапини давом эттирди:

– Боз устига биз уни амалиёт ўташ учун Римга юборамиз, агар бу ерга қўйгудек бўлсак, римликлар ҳар қандай баҳонани сицилияликлар устига ағдаришади. Сиз оёқ тираб жиянингизга ёмон хизматни раво кўряпсиз. Менга келишувни таклиф этишга рухсат беринг.

Доктор Натторе ҳеч қандай келишув бўлиши мумкин эмас дегандек тўнғиллаб қўйди. Шу пайт дон Кроченинг калтакесакникидек кўзлари бирданига чарақлаб ўт сочгандек бўлди. Доктор Натторе жимиб қолган ҳамон Гектор Адонис шоша-пиша гапини давом эттирди:

– Сизнинг жиянингиз врач бўлиши учун етадиган балларини олади, аммо жарроҳ бўлолмайди. Операция қилиш учун унинг юраги ниҳоятда ҳалимлик қилади.

Дон Кроче қўлларини ёйди, лабларидан кенг кулги ёйилди.

– Сиз мени соғлом фикр ва ўткир ақл билан енгиб қўйдингиз, – деди у Адонисга. – Шундай бўлгани

дуруст. Жияним врач бўлади, жарроҳ эмас. Синглим мамнун бўлиши лозим.

У ҳамма билан хайрлашишга шошилди. Мақсади амалга ошган, ундан бошқасини ҳисобга олмади.

Ректор дон Крочени машинага қадар кузатиб қўйди. Лекин ҳамма, кимки хонада бўлса, барчалари чиқиб кетишидан олдин дон Кроченинг доктор Натторегга қандай назар ташлаганини сезиб қолишди. Жуда эътибор билан, синчковлик ила ташланган нигоҳ. Дон гўё докторнинг башараси, юз чизикларини эслаб қолишга урингандек, унинг иродасига қарши турган одамни хотирасига жойлагандек кўринди.

Улар жўнаб кетгандан сўнг Гектор Адонис доктор Натторегга ўгирилиб шундай деди:

– Сиз, азиз ҳамкасбим, университетдан кетишингиз ва Римда ўз ишингиз билан шуғулланишингиз керак.

– Нима, ақлдан оздингизми? – аччиқланиб сўради доктор Натторе.

– Мен эмас, сиз ақлдан озганга ўхшайсиз. Бугун сиз билан бирга овқатланаман-у, нима учун Сицилиямиз жаннат боғи эмаслигини тушунтираман.

– Лекин мен нега кетишим керак? – деб қаршилиқ қилди доктор Натторе.

– Сиз дон Крочега «йўқ» дедингиз. Сицилия икковингиз учун кенглик қила олмайди.

– Ахир унинг ўзи айтгандек бўлди-ку! – тушкунликка тушиб хитоб қилди доктор Натторе. – Жияни доктор бўлади. Ректор билан бирга буни тасдиқладингиз-ку?

– Сиз эса йўқ, тасдиқламадингиз, – деди Гектор Адонис. – Биз ҳаётингизни сақлаб қолиш учун буни тасдиқладик. Аммо сиз энди нишонга олинган одамсиз.

Ўша оқшом Гектор Адонис олти нафар профессор билан бирга доктор Натторени ҳам қўшган ҳолда Палермонинг энг яхши ресторанларидан бирида кечки зиёфат берди. Уларнинг ҳар бирига «фахрли меҳмон» ташриф буюргач, имтиҳон топшира олмаган талабанинг баҳосини ўзгартиришга розилик билдиришди. Доктор Натторе уларнинг ҳикоясини даҳшатга тушиб эшитди... Кечки зиёфат сўнгида у Палермо университетини тарк этиб, Бразилияга муҳожир бўлиб кетишга кўнди. У ерда яхши жарроҳ бўлиб ишлаб, ўт пуфагини операция қилса, тузуккина бойликни қўлга киритиши мумкинлигини айтиб, ҳамкасблари ишонтиришди.

Ўша кеча Гектор Адонис бамисоли руҳоний каби туш кўриб ухлади. Лекин эрталаб Монтелепредан телефон қўнғироғи жаранглади. Тутинган ўғли, ақлини чиниқтирган, унинг эзгулигини баҳолаган, келажакни режалаштирган Тури Гильяно полициячини ўлдирган эди.

Учинчи бўлим

Монтелепре – етти минг аҳолига эга бўлиб, Каммарати тоғига ташлаб қўйилган ҳамда камбағалликка муккасидан кетган шаҳарча.

1943 йил иккинчи сентябрда унинг аҳолиси ўзининг байрами – фестиага тайёрланарди. Тантана эртасига бошланиб, уч кун давом этиши керак эди.

Феста ҳар қандай шаҳарда Пасхадан ҳам кўпроқ Рождество ёки янги йил, ёки иккинчи жаҳон уруши тугаган, ёки миллий қаҳрамон туғилган кундан ҳам зиёд воқеа ҳисобланарди. Феста мўътабар шаҳар ҳимоячисига бағишланарди.

Бу жуда кам одатлардан бири бўлиб, Муссолинининг фашистик ҳукумати ҳам халақит бериш, ман этишга журъат қилолмаган эди.

Ҳар йили festa байрамини ўтказиш учун уч кишидан иборат қўмита тузиларди. Унинг таркиби шаҳарнинг энг бообрў одамларидан бўларди. Сўнг бу учовлон ўзларига маблағ ҳамда совға, тортиқ йиғиш учун ўринбосарлар тайинлашарди. Ҳар бир оила ўзининг имкониятидан келиб чиқиб совға ва маблағ берар эди. Шу билан бирга ўринбосарларини кўчаларга хайр-эхсон йиғиш учун жўнатишарди.

Байрам яқинлашиши билан «учлар қўмитаси» йил давомида тўпланган махсус фондни сарфлашга киришарди. Улар оркестр ва масхарабозни ёллашарди. Уч куннинг бирида ўтказиладиган от пойгаси учун анча катта пул мукофоти тикар эдилар. Черковлар ҳамда кўчаларни безатиш учун мутахассисларни ёллашардики, бунинг натижасида кўримсиз шўрлик Монтелепре шаҳарчаси тўсатдан ўрта аср истехкомига ўхшаб қоларди. Қўғирчоқ театрини таклиф этишарди. Савдогарлар дўкончалар ўрнатишарди.

Монтелепре оилалари festa байрамидан ўз қизларини узатиш учун намойиш этиш мақсадида фойдаланишарди; янги либослар харид қилишар, ёши ўтган аёлларни узатиладиган қизларга ажратишарди. Тантанали хизмат кўрсатиш учун кўп йиллар муқаддам стигма* намоён бўлган таниқли руҳонийни ёллашарди. Ниҳоят, учинчи куни кўчаларда авлиёнинг тобутини олиб чиқишиб, ортидан бутун аҳоли ўзининг хачир, от, чўчқа ва эшаклари билан йўлга тушар эди. Тобут қопқоғи устида авлиёнинг ҳайкали

*Католиклар мазҳабидаги зоҳиднинг Исо (алайҳиссалом) сингари азоб-укубатга тайёрлигини намойиш қилиб ўз танасини яралаши.

қалқиб, пул, гуллар, турли-туман конфетлар, шишага солинган катта бамбук ўрамли шароблар билан қопланарди.

Бу – шод-хуррамлик куни. Қолган кунлари шаҳар аҳолиси оч қолиб, авлиёни шарафлаган ўша майдонда ер соҳибларига ўз кучини бир неча юз лирага сотганининг асло аҳамияти йўқ эди.

Ва шу куни, машъум 1943 йилнинг сентябрида фестиваль пайтида Монтелепреда ҳақиқатан ғалати, етти минг аҳолининг тақдирини ўзгартириб юборадиган воқеа рўй берди.

Тури Гильяно йигирма ёшида шаҳардаги энг жасур, энг ҳурматли, энг кучли йигит ҳисобланарди. У ғоят номусли эди. Яъни бошқа кишига синчковлик билан муносабатда бўлар, ундай одамни жазоламасдан ҳақоратлаш мумкин эмасди.

Гильяно ҳосилни йиғиштириб олишнинг якунида маҳаллий мулкдор тавсия этган энг паст, ҳақоратловчи иш ҳақидан бош тортиб, ишлашни истамагани билан ажралиб турган эди. Сўнг қолганларни ортидан эргашишга чақириб мурожаат қилди, майли, ҳосил чириб кетаверсин. Барон қўйган айб билан айбдор деб топилди-ю, карабинерлар уни қамокқа олишди, қолганлари ишга киришди. Гильяно бу одамлардан ҳам, ҳатто карабинерлардан ҳам хафа бўлиб ўтирмади. Гектор Андолинининг аралашувидан кейин уни ҳибсдан озод қилишди, Гильяно уларга нисбатан кек сақламади. Ўзининг қарашларидан чекинмади – бу энг асосийси эди.

Бошқа сафар у Аспану Пишотта билан яна бир йигит ўртасига тушиб, уларнинг пичоқбозлигини барта раф қилган, сидқидилдан бағрикенглик ила ғазабларини сўндирган эди.

Хар қандай кишининг шу тарзда ўзини кўрсатиши одатдан ташқари иш, аммо нимадир Гильянонинг бундай ўйлашига ҳалақит берарди.

Сентябрнинг ўша иккинчи кунда дўстлари ва қариндош-уруғлари Тури деб атайдиган Сальваторе Гильяно ўзининг эркаклик иззат-нафсига ҳалокатли зарба деб ҳисоблаган ҳодиса устида чуқур ўйга ботиб, ўйланиб қолди.

Аслида-ку, бу арзимас иш. Монтелепреда на кино-театр, на клуб бор. Фақат кичик кафе бўлиб, унда бильярд столи мавжуд эди. Оқшом арафасида Тури Гильяно, тутинган акаси Аспану Пишотта ва икки-уч ёш йигитлар бильярд ўйнашарди. Шаҳарчанинг ёши ўтган бир неча кишилари пиво ичиб, уларни кузатиб ўтиришарди. Бу одамлардан Гвидо Кинтана исмли киши енгилгина маст эди. У таниқли одам. Муссолини даврида мафияга алоқадорликда гумонланиб, турмада ўтирган. Оролни америкаликлар босиб олганидан сўнг фашизм қурбони сифатида қамокдан озод қилинди ва унинг Монтелепрега мэр бўлиши мумкинлиги ҳақида гап чиқди.

Хар қандай сицилиялик каби Тури Гильяно ҳам мафиянинг афсонавий кучини биларди. Озод этилганининг дастлабки ойларида унинг илонникига ўхшаган боши яна орол узра кўриниб қолди... Шаҳарда дўконларнинг соҳиблари маълум даражадаги «ҳурматли зотлар»га «суғурта» тўлаётгани тўғрисида миш-мишлар оралади. Тури пул топишга ҳаракат қилган сон-саноксиз деҳқонларнинг ўлдирилганини ҳам биларди, ҳокимият тепасига келган Муссолини мафияни сиқувга олмай, ўзи қонунни ўзгартирди – гўё ўлим келтирувчи илон заҳарли тишларини энг кучли судралиб юрувчи ҳайвонга ботирди. Шундай қилиб, Тури Гильяно қандай даврлар келаётганини тушунди.

Кинтана Гильяно ва унинг дўстларига андак ижирганиб қаради. Афтидан, уларнинг қувноқ кайфияти жаҳлини чиқарди. Ҳечқиси йўқ, яқин ойлар ичида у шаҳарча аҳолисини ўзини ҳурмат қилишга мажбур этади.

Тўсатдан Кинтана ўрнидан турди-ю, бильярд столи ёнидан ўтаётган Гильянони куч билан туртиб юборди. Тури, табиийки, катталарга ҳурмат билан муносабатда бўлгани боис хушмуомалалик ва самимийлик билан узр сўради. Гвидо Кинтана унга бошдан-оёқ нафрат билан қаради.

– Сен нега уйда эмассан, иш кунидан аввал ётмайсан, дам олмайсан? – деб сўради у. – Дўстларим бир соатдан буён бильярд ўйнаймиз деб кутиб ўтиришибди. – Кинтана қўлини узатиб, Гильянонинг панжаларидан кийни тортиб олди, сўнг истехзоли кулганча стол олдидан нари кетишни буюриб қўл силтади.

Буни ҳамма кўрди. Камситиш ўладиган даражада эмасди. Агар Кинтана ёш ёки таҳқирлаш кучли бўлганида Гильянонинг эркаклик иззат-нафсини ҳимоя қилиши учун муштлашишига тўғри келарди. Аспану Пишотта ўзи билан бирга доим пичоқ олиб юрарди, ҳозир ҳам Кинтананинг дўстлари аралашадиган бўлса, уларни тўхтатишни ўйлаб ўрнидан турди.

Аммо ана шу лаҳзаларда Гильяно негадир ўзида эмасди. Кинтана кўрқинчли тусга кирган, гўё ҳамма ишга тайёрдай эди. Ортида турган дўстлари ҳам ёш бўлмай, очикдан-очик қизиқиб кулиб, бўлиб ўтган воқеаларни кузатиб туришар, бу масаланинг ечимига шубҳаланишмасди. Улардан бири овчи кийимида бўлиб, қўлида милтиқ тутганди. Гильянода қурол йўқ эди. Ва қандайдир шармандали лаҳзаларда у кўрқувни ҳис этди. Гильяно, уришади, азият етказишади, бу

одам жуда кучли, деб қўрққани йўқ. У вазият уларнинг қўлида, улар томонида эканлигидан қўрқди. Уйга кетаётган пайтида Монтелепренинг қоп-қоронғи кўчаларидан туриб ўқ узишлари мумкин. У эса худди аҳмоқ каби эртасига ўлган бўлади. Партизан бўлиб туғилган бу одамнинг қандайдир ички туйғуси чекинишга мажбур этди.

Тури Гильяно Пишоттанинг қўлидан ушлади-ю, кафедан олиб чиқди. У қаршилиқ кўрсатмай, дўсти нега бунчалик осон чекинганига ҳайрон бўлганча, аммо заррача қўркувни ҳис этмай эргашиди. Пишотта Турининг кўнгилчанлигини биларди ва фитна қўзғамай, бузғунчиликни истамаслигини тушунди, акс ҳолда одамни беҳуда жароҳатлаб қўйиши ҳеч гап эмас.

Тури Гильяно тун бўйи ухлай олмади. Наҳотки у ҳақиқатан дарғазаб башарали ҳамда қўрқинчли киёфага эга кишидан чўчиб қолган бўлса? Ва уларнинг барчаси Гильянонинг устидан кулишдими? У ҳақда энг яхши дўсти, тутинган акаси Аспану нима деб ўйлайди энди? Наҳотки Гильяно худди қизлардек титраган бўлса? Нима, у қўрқоқми? Монтелепредаги ёшлар ўртасида пешқадам саналган, энг кучли, энг ботир бу йигит ҳақиқий эркакнинг бир марталик таҳдидидан сўнг шунчалик ўзини йўқотиб қўйдими? Ва барибир ўлимга олиб бориши мумкин бўлган, бильярд ўйини каби арзимас бир иш учун қасос олишга уринишнинг ҳожати бормикан, деб ўз-ўзидан сўради. Бу бошқа ўсмир билан келишмовчилик эмас, албатта. Тури мазкур жанжал жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин, деб фаҳмлади. Бу одамлар «Дўстларнинг дўсти» билан алоқада эканлигини билар ва бу ҳам уни қўрқитиб юборган эди.

Гильяно нотинч уклади ва ўсмирликнинг шундай палласида ўзини эзилган ҳолатда ҳис этиб уйғонди. Ўз-ўзига кулгили туюлди. У кўпгина ёш йигитлар каби қаҳрамон бўлишни истар эди. Борди-ю, Италиянинг хоҳлаган бошқа қисмида яшаганида, аллақачон аскарликка олинарди-ю, аммо ҳақиқий сицилиялик бўлмасди, у кўнгилли бўлиб бормади, чунки чўқинтирган отаси Гектор Адонис ким биландир келишган, шу боис уни чақиришмаган эди.

Алал оқибат Италия Сицилияни бошқаришига қарамай, бирорта ҳам ҳақиқий сицилиялик ўзини италиялик деб ҳис этмасди. Қолаверса, итальян ҳукумати ҳам сицилияликларни чақириб, сафарбар қилишга унчалик кўзи учиб турмасди, бу айниқса, урушнинг охириги йилларида рўй берди. Сицилияликларнинг Америкада қариндош-уруғлари ниҳоятда кўп, сицилияликлар – туғма қотиллар, хоинлар, улар замонавий ҳарбий санъатни ўрганишда ўта кетган даражада нодонлик қилишади. Ва сицилияликлар қаерда бўлмасин, нуқул нохушлик рўй берарди.

Кўчада Тури Гильяно аҳмоқона кайфият одатдан ташқари гўзаллик туфайли қаёққадир учиб кетганини ҳис этди. Куёш ажиб нур сочарди. Лимон ва зайтун дарахтларининг ҳиди ҳавони тўлдирган. Гильяно Монтелепре шаҳарчаси, унинг қинғир-қийшиқ кўчалари, тошдан қурилган уйлар ҳамда Сицилияда ҳеч бир парваришсиз ўсадиган ярқироқ-очиқ гуллар билан қопланган балконларни севарди. Куёш олтин нурларини сочиб юборадиган қизил сополли томлар, кичик шаҳарчадан тортиб сокин водийларгача ниҳоятда яхши кўрарди.

Феста байрамида қунт билан ўйлаб топилган безаклар типик Сицилия шаҳарчасининг камбағалли-

гини беркитиб туради. Баландда ҳамда уятли тарзда атрофдаги дала-дашт, тоғ дараларида жойлашган уйлар деярли эркак ва аёллар, болалар ҳамда ҳайвонлар билан лик тўлган. Кўпгина уйларда на ичимлик суви тармоқлари, на канализация бор, ҳатто минглаб гуллар билан бирга совуқ тоғ ҳавоси ҳам офтоб чиқишида кўтариладиган ахлатларнинг қўланса ҳидини бар-тараф эта олмайди.

Яхши об-ҳаво бўлганида одамлар кўчада яшардилар. Аёллар ёғоч курсилар, кўчаларда ётқизилган чорқирра тошлар устида ўтирганча овқат тайёрлашарди. Овқатланадиган столлар ҳам худди шундай ёғочдан ясаларди. Кўчаларда болалар товуклар, тустовук ҳамда эчкиларни қувиб юришар, ёши каттароқ болалар бамбук саватлар тўқишарди. Белланинг майдон билан туташиб кетган адоғида улкан фаввора жойлашган, иблис тасвирланган бу фаввора икки минг йил бурун қурилган бўлиб, сув унинг гранит тиши орасидан оқиб чиқарди. Қирлар ёнидаги айвонларда боғлар хатарли тарзда ўсарди. Пастда, текисликда Партинико ва Кастелламаре шаҳарчалари кўринарди. Тошдан қурилган қонли шаҳар Корлеоне бамисоли қотилдек уфқ ортига яширинган эди.

Белланинг бошқа адоғида Кастелламаре текислигини кесиб ўтувчи ўша йўлда Тури эшак етаклаб бораётган Аспану Пишоттани кўрди. Бир лаҳза ҳаяжонланди – Аспану ўша кунги камситишдан сўнг у билан бўладиган муомалада ўзини қандай тутар экан. Турининг дўсти тили аччиқлиги билан алоҳида ажралиб турарди. Нафратни қўзғатиб юборадиган бирор сўз айтиб юбормасмикан? Гильянонинг бошига яна қон тепди, аммо у ҳеч қачон машмаша, можарога йўл қўймайман, деб онт ичди. Оқибат қан-

дай бўлишидан қатъи назар, уларга ўзининг кўрқоқ эмаслигини кўрсатиб қўяди.

Гильянонинг онаси ўғли ва унинг дўстини нонушта билан сийлашга ҳозирланар эди. Турининг икки онаси – Мариана ва Жузеппина онасига кечки зиёфат учун хамир қоришга ёрдам бериш билан овора. Жило берилган тўртбурчак чўп тахта устида ун ва тухумдан иборат бутун бошли хамир хирмони қад кўтариб турарди. Хамир етилиб, дўмбоқ ҳолга келиб кўпчигач, унга пичоқ билан хоч белгиси тортилади – табаррук қилиш учун. Кейин Марианна ва Жузеппина хонани олхўри ва узум солинган катта вазалар билан безатишади.

Турининг отаси далада бўлар, аммо тўлиқ ишламас, куннинг ярмида festa байрамига қўшиларди. Келгуси куни Марианнанинг фотиҳа маросими ўтказилиши кутилмоқда, Гильяно хонадонида тантана бўлиши лозим.

Тури ҳамма вақт Мария Ломбарденинг суюмли фарзанди бўлиб қолганди. Опалари, онаси ҳар куни уни, кичкинтойни чўмилтиришганини эслардилар. Рух қопланган тоғорани эҳтиёткорлик билан печкада қизитишар, онаси бармоғининг учида сувнинг ҳароратини текшириб кўрарди. Палермодан алоҳида совун олиб келардилар. Даставвал опалари тумтайиб, сўнг ранжиб онаси кичкинтойни қандай чўмилтираётганига қараб туришарди. У ҳеч қачон йиғламасди. Оилада кенжа эди ва энг кучли бўлиб ўсди. Лекин бир оз ғалати эди. Китоб ўқир, сиёсат тўғрисида гаплашарди. Ҳамма унинг феъл-атворидаги мулойимлик ҳамда беғаразликни яхши кўрарди.

Ўша куни тонг отар маҳали Гильянонинг онаси ва опалари безовта бўлишди. Тушдан сўнг Тури ва Ас-

пану эшакда дарҳол Корлеонега отланишади ва пинхона тарзда катта пишлоқ бўлаги, бир оз қовурилган чўчка гўшти ҳамда колбаса олиб келишади. Тури феста байрамининг бир кунини ўтказиб юборади, лекин онасини жуда хурсанд қилади ва улар опасининг фотиҳа тўйини кўнгилдагидек ўтказадилар. Озиқ-овқатларнинг бир қисмини қора бозорда оила кам-кўстини тўлдириш учун сотишади.

Тури ва Аспанунинг бирга бўлиши учта хотин-қизга маъқул. Улар болаликдан бошлаб турли мижозга эга бўлсалар-да, дўст тутинган, бу ака-укаликдан ортиқроқ эди. Қорачадан келган, кино қаҳрамонларидек ингичка мўйловли Аспану Пишотта фавқулодда тийрак чехрали, чарақлаб турган қора кўзли ва кичик бошидаги сочлари тим қора рангда бўлиб ўзи сўзамол, аёлларни доимо мафтун этарди. Лекин шунга қарамай бу ёрқин мижозга эга кишидан барибир хотиржам юнон гўзали Тури Гильяно устун келарди. Унинг танаси яхши тобланган – бутун Сицилия бўйлаб тарқалиб сочилган қадимги грек ҳайкалларига ўхшарди. У ҳамиша жуда хотиржам, бироқ камдан-кам учрайдиган тарзда шитоб билан ҳаракат қиларди. Энг диққатга сазовор аъзоси кўзлари эди. Гильяно орзуманд, олтин тусли тарғил бўлиб, бир томонга нигоҳ ташлаганида бутунлай ўртамиёна кўринарди. Аммо сизга тик қарар экан, киприклари ярим пастга тушар, худди ҳайкалларга ўхшаб қолар, бутун чехраси бамисоли ниқобга ўхшаб хотиржам тортиб қолар эди.

Ҳозирча Пишотта Мария Ломбарденинг кўнглини чоғ қилиб турар экан, Тури Гильяно сафарга ҳозирлик кўриш учун хонасига кўтарилди. Асосийси яшириб қўйган тўппончасини олмоқчи бўлди. Ўтган кеча рўй берган камситилиш билан боғлиқ воқеани эслар экан,

у ишга қуролланиб боришга жазм қилди. Отиш қўлидан келади, отаси уни тез-тез овга олиб борган.

Ошхонада уни онаси хайрлашиш учун кутиб турар эди. Мария Ломбарде ўғлини кучоқлар экан, белидаги тўппончани сезиб қолди.

– Тури, эҳтиёт бўл, – деди ташвишланиб она. – Карабинерлар билан жанжаллашиб қолма тагин. Агар тўхтатишса, ҳаммасини бергин.

Гильяно уни тинчлантирди.

– Майли, озиқ-овқатни олаверишсин. Лекин мени калтаклашлари ҳамда турмага олиб боришларига йўл қўймайман.

Онаси буни тушунарди. Бундан ўзича фахрланди ҳам. Тури мардлигини намоён этганида хурсанд бўлди, унинг ўзи ҳам шу жиҳати билан ажралиб турарди. Аммо ўғли Сицилия ҳаётидаги муайян воқелик билан бирор куни ихтилофга боришини билиб ниҳоятда қўрқар эди.

Она унинг Белла кўпригидан ўтиб, Аспану Пишотта олдига борганини кузатиб турди. Ўғли Тури мушукдек юриб борарди: кўкси шундай баланд, кенг, қўллари ва оёқлари мушакдор, ёнидаги Аспану эса сизал ўсимлиги поясига ўхшарди. Аммо Аспану айёрликда устаси фаранг, жасур ва шафқатсиз, бу хусусият унинг ўғлида етишмасди. Аспану Турини барча яшашга маҳкум бўлган шу хиёнаткор дунёда ҳимоя қилиб юрарди...

Она уларни виа Белла орқали шаҳар кўчаси Каstellамаре текислигига тушиб кетгунча кузатиб турди. Ўғли Тури Гильяно ва опасининг ўғли Гаспаре Пишотта. Бу икки навқирон йигит ҳали йигирма ёш арафасида, янада ёш кўринарди. Мария Ломбарде ўғлини суйгандек, жиянини ҳам яхши кўрар, айна пайтда ҳар иккови учун қўрқар эди.

Ниҳоят икковлон эшак билан бирга кўтарилиб бо-
раётган кўчадан ғойиб бўлди, аммо она уларга яна
кўз тикиб турди. Улар анча олисга, Монтелепре ша-
ҳарчасидан баландга, тоғ қояларидан бирига қараб
кетишарди. Мария Ломбарде ўғлини бундай буён асло
кўра олмайдигандек кузатишда давом этди, токи улар
субҳ қаърида эриб йўқолгандек, атрофни қоплаган ту-
манга кириб кетгунча қараб турди. Улар ўз афсонала-
ри бошланадиган жойга кетиб боришар эди.

Тўртинчи бўлим

1943 йилнинг ўша сентябрида Сицилияда одам-
лар фақат қора бозорда бўлишлари мумкин эди. Уруш
пайтидаги шафқатсиз карточка тизими ҳамон сақла-
нар, деҳқонлар ўзлари етиштирган барча маҳсулот-
ларни лимитли нархда, ҳеч нарсага арзимайдиган
қоғоз пулларга марказий ҳукуматнинг омборларига
топширишга мажбур эдилар. Ҳукумат ўз навбатида бу
маҳсулотларни аҳоли ўртасида паст нархда сотади ва
тақсимлайди, деб тахмин қилишарди. Бундай тизим-
да барча тирикчилик қилиш учун етарлича таъминла-
ниши лозим. Аслида эса деҳқонлар қўлидан келганча
яширар, акс ҳолда топшириши керак бўлган ҳукумат
омборидагиларнинг бари дон Кроче Мало қўлига ту-
шар ҳамда унинг гумашталари орқали қора бозорда
пайдо бўларди. Натижада одамларга қора бозордан
озик-овқат сотиб олишга тўғри келар ва контрабан-
да тўғрисидаги қонунларни сал-пал бўлса-да, тирик
қолиш учун бузар эдилар. Агар жиноят устида қўлга
тушиб қолингудай бўлса, суд қилиб, қамоққа жўнати-
шарди. Римда демократик ҳукумат ўтирганидан буён

нима ҳам ўзгарди? Одамлар овоз бериш имкониятига эга бўлишди, аммо бу билан оч қолишди.

Тури Гильяно ва Аспану Пишотта бу қонунларни юрак ютиб бузиш сари қадам қўйдилар. Айнан Пишоттанинг қора бозор билан алоқаси бор эди, шу сабабли бу сафарни айнан ўша уюштирди. У деҳқон билан келишиб, бир калла пишлоқни Монтелепредаги қора бозорнинг олибсотарига етказадиган бўлди. Бу иши туфайли дудланган сон гўшти ва бир сават колбасага эга бўлишади, натижада Марианнанинг фотиҳа тўйи ҳақиқий байрамга айланиб кетади. Тури ва Аспану бирданига иккита қонунни бузишди: бири қора бозор битимини ман этувчи, иккинчиси итальян қишлоғининг биридан иккинчисига контрабандани ўтказмаслик ҳақидаги қонун. Ҳокимиятдагилар аҳолини қора бозор тўғрисидаги қонунга риоя этишга мажбурлаш бўйича ҳеч нима қила олишмас, акс ҳолда Сицилиядаги барча одамни турмага тиқишга тўғри келарди. Контрабанда эса бутунлай бошқа иш. Карабинерлар отряди қишлоқларни ахтарар, йўлларда пистирмалар қўяр, чақимчиларни ишга соларди. Албатта, улар америкалик ҳарбий юк машиналарида олиб келинган товарлардан иборат ҳамда махсус ҳукумат рухсатномаларига эга дон Кроче Мало карвонларини мутлақо ушлаб турмасди. Аммо анча-мунча майда деҳқонлар ҳамда оч қолган қишлоқ аҳолисини тутиб олишарди.

Гильяно ва Пишоттанинг фермага етиб бориши учун тўрт соат кетади. Улар дона-дона, оппоқ пишлоқ ўрами ва бошқа маҳсулотларни олдилар-у, эшак устига танғиб ордилар. Ҳаммасини ўт ва бамбук билан ниқобладилар, гўё чорва учун озуқа олиб бораётгандай, кўпчилик шундай қиларди. Улар гўдакларча бепарволик ҳамда ишонч билан ҳаракат қилишди. Худ-

ди болалар ўз хазиналарини ота-оналаридан яшириб етарли даражада алдагандек, бунга муваффақ ҳам бўлишарди. Ишонишлари учун яна битта асос ҳам бор: улар тоғдаги яширин сўқмоқларни билишарди.

Узоқ сафарга отланишдан аввал Гильяно Пишоттани карабинерларни олдиндан кўришга юборган эди. Агар хавф туғилиб қолса, ҳуштак чалишга келишишди. Эшак юкни кўтарганча жимгина борарди... Улар, ҳатто хавф-хатар аломатлари аён бўлганида, икки соат мобайнида тоққа аллақачон оҳиста кўтарилаётгандилар. Гильяно тахминан уч километр масофада ортидан олтига эшак ва от минган чавандозлардан иборат карвон келаётганига кўзи тушди. Агар бу сўқмоқ қора бозорда савдо қилувчи бошқа кишиларга маълум бўлса, дала жандармерияси сезиб қолиб, пис-тирма ўрнатади. Эҳтиёткорликни ўйлаб у Пишоттани олдинроққа разведкага юборди.

Бир соатдан сўнг у Аспануни қувиб етди. Пишотта катта тош устида ўтириб сигарет чекар ва йўталарди. Ранги ҳаддан зиёд оқариб кетган, унга чекиш мутлақо мумкин эмасди. Тури Гильяно дам олиш учун Аспанунинг ёнига ўтирди. Бир одат ёшликдан уларни ўзаро маҳкам боғлаган, ҳеч қачон бир-бирига буйруқ бермас эдилар. Шу боис Тури ҳеч нима демади. Ниҳоят Аспану сигаретани ўчириб, қолдиғини чўнтагига солиб қўйди. Улар йўл юриб кетишди – Гильяно эшак нўхтасини тутганича, Аспану эса орқадан қадам ташлаб борарди.

Улар катта сўқмоқ йўл ҳамда мўъжаз кишлоқлар четидан ўтадиган тоғ сўқмоғи бўйлаб одимлашар, баъзан кўхна грек чашмаси бўйида оғзидан сув оқиб турган ҳайкалчани кўришар, шу билан бирга юз йиллар муқаддам истилочилар йўли устида тур-

ган норман саройи харобаларига кўзлари тушарди. Шунда Тури Гильяно Сицилиянинг ўтмиши ва келажаги тўғрисида ўйга берилиб кетарди. Тури ўзининг чўқинтирган отаси Гектор Адонис ҳақида ўйлар, чунки у festa байрамидан кейин келишга ваъда берган, Палермо университетига кириш учун ариза ёзишга кўмаклашмоқчи эди. Тутинган отаси ҳақида ўйлаган Турини ғам-ғусса қамраб олди. Гектор Адонис ҳеч қачон festa ийдларида қатнашмасди: маст бўлиб қолган эркаклар унинг жимитдай қомати устидан кулишар, болалар эса бўйидан баланд бўлиб, ранжитиб қўйишлари мумкин эди. Тури Яратган ҳақида ўйга берилиб, одамнинг миясини билим билан тўлдиради-ю, бўйини ўстиришни тўхтатиб қўяр экан-да, деб қўйди. Зеро, Тури Гектор Адонисни дунёдаги энг ақлли одам деб ҳисоблар, унинг меҳрибонлиги, шу жумладан, ота-онасига ҳам меҳр қўйганлиги учун жуда яхши кўрарди. Тури бир парча ерда тиним билмай ишлаб, тер тўкадиган, эскириб, тўзиб қолган қўйлақлар кийиб юрадиган опалари ҳақида ўйлади. Бахтли томони шундаки, Марианна чиройли, шу боис камбағаллиги билан боғлиқ таҳликали кунлар бўлишига қарамай, ўзига муносиб турмуш ўртоғини топа олди. Аммо Тури кўпроқ онаси Мария Ломбарде ҳақида ўйлаб ғам-қайғуси ортди.

У ҳали ёш, мурғаклигидаёқ онасининг чекига қанчалик оғир бахтсизлик тушганини англаган эди. Бу аёл Американинг серсув меваларини дид билан тановул қилган бўлса-да, аммо камбағалликка мағлуб Сицилия шаҳарлари туфайли бахтга эриша олмаган эди.

Лекин, деб ўйлади Гильяно, мен оила тақдирини ўзгартириб юбораман. Кўп ишлаб, тер тўкаман, қунт

билан ўқийман, худди чўқинтирган отам каби катта одам бўлиб етишаман.

Улар тўсатдан Сицилиянинг бир четида сақланиб қолган унча катта бўлмаган ўрмончадаги дарахтзорга тушиб қолишди. Бу ерда фақат улкан оппоқ тошлар ҳамда мрамор қазиб олинган чуқурлар қолган эди. Тепадан ошиб ўтгач, Монтелепрега эна бошлайдилар, бу ерда тентираб юрган миллий полиция патрулларидаан эҳтиёт бўлишлари керак. Ҳозир эса улар Куатро Молине, яъни тўртта кўча кесишган жойга яқинлашишганди, бу жойда янада хушёрлик зарур. Гильяно эшакнинг нўхтасини тортди ва Аспануга тўхташни ишора қилиб, қўлини силкитди. Улар қимирламай туришарди. Ҳеч қандай бегона товуш эшитилмас, фақат ҳашаротларнинг ер устида сира тинчимайдиган шовқини қулоққа чалинади. Дўстлар чоррахани кесиб ўтиб, ўрмончага кириб ғойиб бўлдилар. Тури Гильяно яна орзуларга шўнғиди.

Дарахтлар гўё орқага ташлангандек сийраклашди-ю, улар унча катта бўлмаган бамбук новдалари ҳамда сийрак ўтлар билан қопланган шағал тошли майдончага чиқиб қолишди. Узоқда уфқ томон эгилган, гранит чўққилари устидаги қуёш оқарган ва совуқ кўринади. Сўқмоқ шу майдончадан Монтелепре шаҳарчаси томон спиралсимон бўлиб тушиб боради. Гильяно фикр юритишдан тўхтаб, бирдан хушёр тортди. Гугурт чаққанда чақнаб кетадиган бир тутам нур чап кўзига урилди. У эгарни тортиб эшакни тўхтатди ва Аспануга ҳам қўл кўтариб, ишора қилди.

Бор-йўғи ўттиз одим наридан, чангалзор ичидан нотаниш одамлар чиқиб келди. Улар уч киши эди, Гильяно бирдан бу одамларнинг дағал қора ҳарбий дубулгалари, оқ уқали қора мундирларига кўзи тушди. Уни

аҳмоқона, умидсизликнинг кўнгилни айнитиб юборадиган ҳис-туйғуси, уят қамраб олди. Яқин келганда уч нотаниш қўлларидаги қуролни шай тутганча ярим доира шаклида туришди. Улардан иккитаси ниҳоятда ёш, қип-қизил юзлари, башараси думбул бўлиб, ҳарбий дубулғалар кулгили тарзда елкаларига тушган эди.

Ўртадаги карабинернинг ёши катта, қўлидаги милтиқни маҳкам ушлаган. Юзида чечак ва тиртиқ излари тўлиб кетган, дубулға кўзига тушиб турибди. Эғнида сержантлик рамзини кўрсатувчи нишонли латта парчаси. Гильянонинг кўзига урилган бир тутам нур милтиқнинг пўлат нилидаги кўзгуда акс этган қуёш шуъласи эди. Бу одам хунук тиржайиб, тўғридан-тўғри Гильянонинг кўксини нишонга олди. Гильянонинг ниҳоятда жаҳли чиқиб кетди.

Милтиқ тутган сержант батамом яқин келди, икки аскар унинг ёнида туриб олди. Тури Гильяно сергакланди. Икки тўппонча, автомат тутган ёш карабинерлардан хавфсирамаса ҳам бўлади: улар эшак ёнига бепарво юриб келишди-ю, ўз тутқунларига унчалик жиддий қарамадилар. Гильяно ва Пишоттага эшакдан бир оз нари туришни буюришди. Шундан сўнг улардан бири автомат билан эшак устидаги бамбук ғарамини ағдариб ташлади. Озиқ-овқатни кўрди-ю, очкўзларча эхтирос билан хуштак чалиб юборди. Аспанунинг яқин келганини ҳам сезмай қолди, аммо милтиқли сержант пайқаб қолди.

– Эй, сен мўйлов, қани, нари тур-чи, – қичқирди у.

Аспану Тури Гильяно-томонга қараб чекинди. Сержант яна дадил яқинлашди. Гильяно уни диққат билан кузатиб турарди. Сержантнинг чечак қоплаган юзи ҳорғин кўринар, аммо кўзлари чарақлар эди. У шундай деди:

– Эй, болалар, пишлоқ бўлаги ёмон эмас. Казар-мамизда макарон билан бирга роса иштаҳани очиб юборади-да. Хўш, буни сизларга берган деҳқоннинг номини айтсанглар бўлди, эшакларинг билан бирга уйларингга кетаверасизлар.

Дўстлар лом-мим дейишмади. У кутарди. Гильяно ва Аспану жим туришарди.

Ниҳоят Гильяно хотиржам туриб:

– Агар бизни қўйиб юборсангиз, мен сизга минг лира совға қиламан, – деди.

– Лирангни бир жойингга ишлат, – жавоб берди сержант. – Қани, шахсий гувоҳномаларингни беринглар-чи! Агар рисоладагидек бўлмаса, уни ҳам ишлатишга мажбур этаман.

Бу оқ-қора мундирли кишиларнинг гап оҳанги ҳамда очикдан-очик сурбетлиги Гильянонинг ғазабини ошириб юборди. Бир лаҳза ичида бу одамларга ўзини қамоққа тиқишга йўл қўймаслик, оиласи учун олган озиқ-овқатни мутлақо бермаслиги кераклигини англаб етди.

Тури Гильяно шахсини тасдиқловчи гувоҳнома-ни олиб сержант томон қадам ташлади. Унинг милтиғи нишонидан халос бўлишни умид қилган эди. Сержантнинг бошқаларга нисбатан чаққонлигини билар, шу боис ҳаракатни ундан бошлашни ўйлаган эди. Лекин милтиқнинг ўқталиши тисланишга мажбур этди.

– Уни ерга ташла, – деди сержант.

Гильянодан бор-йўғи беш қадам нарида турган Пишотта дўстининг ниятини англади ва қўйлаги остида тўппончаси борлигини билиб, сержантнинг диққатини чалғитишга уринди. Олдинга бир оз энгашиб, белидаги пичоқни пайпаслаб (у тасмадаги қинга со-

линган пичоқни орқасида олиб юрарди) нафратини алоҳида таъкидлаб:

– Сержант, агар биз деҳқоннинг исмини айтсак, гувоҳномаларимизнинг сизга нима кераги бор? Келишганимиздек бўлсин, – у жимиб қолди, сўнг истехзосиз гап бошлади: – Биз биламизки, карабинерлар ҳамиша сўзининг устидан чиққан. – «Карабинерлар» ибораси шунчалик унинг нафратини кўзир эдики, бу сўзни қўлади эмас, балки тупургандай бўлди.

Сержант Пишотта томон икки-уч қадам ташлади. Тўхтади. Кулди ва милтиқ ўқталди.

– Эй, сен хушрўй, гувоҳномангни узат, – деди у. – Балки, сенда ҳеч қандай ҳужжат йўқдир, анови эшакка ўхшаб. Унинг мўйлови сеникидан яхшироқ!

Икки ёш полициячи кулиб юборди. Пишоттанинг кўзлари чарақлаб кетди. У сержант томон қадам ташлади.

– Менда ҳеч қандай ҳужжат йўқ, ҳеч қандай деҳқонни ҳам билмайман. Биз озиқ-овқатларни йўлдан топиб олдик.

Унинг жасорати ҳаддан ортиқ, курашга даъвати шу даражада сурбетона бўлиб, бутунлай қарама-қарши таъсир кўрсатди. Пишотта сержантнинг бир неча қадам олдига яқинлашишини истади, аммо у ортга чекиниб, яна кулди.

– Bastnado сенинг сицилийча попугингни пасайтириб қўяди. – У жимиб, сўнг қўшиб қўйди. – Икковинг ҳам ерга ёт.

Bastnado таёқ ва хипчин билан калтаклашни англатар эди. Гильяно Монтелепренинг айрим аҳолиси Беллампо казармаларида дўппослангани ҳақида эшитган. Улар уйга оёқлари синиб, бошлари шишиб, ички аъзолари тўкилиб, абжағи чиқиб қайтишган,

иш тўғрисида ўйламай қўйишганди. Булар билан ҳеч қачон бундай ҳол юз бермайди. Гильяно худди ётадигандай бўлиб, қўлини ерга тиради ва тиззалади, иккинчи қўлини белига чўзиб тўппончани олишга чоғланди. Далада майин, энди бошланаётган ғираширалик тушган, қуёш олисда, дарахтлар ортида тоққа томон ботаётганди. У Пишоттанинг мағрур туриб, итоат этишдан бош тортаётганини кўрди. Контрабанда йўли билан олинган бир бўлак пишлоқ учун ўлдиришмайди, албатта. У ёш аскарлар қўлида тўппонча қанчалик титраётганига кўзи тушди.

Шу лаҳзада орқа томонда майдондан хачирларнинг ҳанграши ҳамда оёқ товушлари эшитилди ва Гильяно қоқ пешинда йўлда кўрган хачирлар карвонига қаради. От миниб олдинда кетаётган барваста киши елкаси оша қурол осиб олган, қалин чарм куртка кийган эди. У отдан сакраб тушди-да, чўнтагидан катта тахлам пул чиқариб, милтиқли карабинерга деди:

– Шундай қилиб келгуси сафар бир нечта балиқни тўдалаб тут.

Улар, шубҳасиз, бир-бирини билишарди. Энг аввало сержант ҳушёрликни сусайтирди, эс-ҳуши таклиф қилинган пулда эди унинг. Иккови ҳам оғзининг таноби қочиб, бир-бирига қараб қолишганди. Тутқунларни ҳаммалари гўё унутиб қўйишгандай эди. Тури Гильяно яқин турган полициячига аста сурилиб борди. Пишотта эса ён томондаги чакалакзор томон силжиди. Аскарлар буни сезмай қолишди. Гильяно яқин турган полициячига мушт туширган эди, у ағдарилиб тушди. Гильяно Пишоттага қичқирди:

– Қоч!

Пишотта бамбук ниҳолларини суриб, ўзини отди, Гильяно эса ўрмонга қараб югурди. Бошқа полициячи

шу даражада ўзини йўқотиб қўйгандики, ҳатто елкасидан автоматни ҳам тезгина ололмай қолди. Гильяно ҳимояга шай ўрмон бағрига ўзини ташлаш асносида ҳаяжоннинг зўридан бўғриқиб кетган эди. У икки дарахт орасига ўзини уриб, улар ортида беркинмоқчи эди. Йўл-йўлакай қўйлагининг остидан тўппончани суғуриб олди.

Лекин милтиқли кишини энг хавфли ҳисоблаганида у ҳақ эди. Сержант бир тахлам пулни ерга ташлади-ю, милтиққа ёпишиб, совуққонлик билан ўқ узди. У хатога йўл қўймади – Гильяно худди ўқ теккан қушдай қулади.

Гильяно ўқ товушини эшитди, айна пайтда худди улкан дарра билан уришгандай даҳшатли оғриқни ҳис этди. У икки дарахт ўртасида йиқилди, туришга уринди, аммо эплай олмади. Оёқлари қарахт бўлиб қолган, улар қимирламасди. Тўппончани қўлидан қўймай бир ёнига ағдарилди ва сержант ғалаба қилгандек, қўлида милтиқни ўйнатаётганини кўрди. Ана шунда Гильяно иштони илиқ, ёпишқоқ қонга тўлаётганини ҳис этди.

Қандайдир сониялар ичида Гильяно тепкини босишдан олдин шуурини ҳайрат туйғуси қамраб олди. Наҳотки уни бир бўлак пишлоқ учун отишган бўлса? Мана, ҳеч кимга ҳеч қачон зарар етказмаган бўлса-да, қонга беланиб ётибди.

У тепкини босди, шунда милтиқнинг тушгани, сержантнинг оқ уқали шапкаси ҳавога учиб, ўзи ўлар даражада ярадорга айланиб, тошлоқ ерга қулаганини кўриб турди. Бундай масофада ўқ узиш бемаънилик, шунга қарамай, Гильяно қўли гўё ўққа қўшилиб, бамисоли ханжар каби сержантнинг кўзига санчилгандай кўринди.

Автомат-тўппонча тариллади, аммо ўқлар қушлар каби хавф солмай баландликдан учиб ўтди. Сўнг ўлик сукунат чўкди. Ҳатто ҳашаротлар ҳам ўзларининг тиним билмас чирқиллашини бас қилди гўё.

Тури Гильяно чангалзор ичига сирғалиб тушди. У душманининг башараси қонли ниқобга айланганини кўриб турди, бу умид уйғотди. Энди Гильяно кучсиз, заиф эмас. Туришга уринди, бу сафар оёғи итоат этди. Қочишга уринди, аммо фақат битта оёғи олдинга қараб одимлади, иккинчиси ерга судралди. Чоти иссиқ ва ёпишқоқ бўлиб, иштони қабариб қолган, кўз олдини туман қоплаётгандай эди. Тўсатдан ҳушига келганида, яна далага чопиб кетишга чоғланди-ю, кўрқиб қолди ва дарҳол ортга қайтишга уринди. Шунда танаси оға бошлади – йўқ, ерга эмас, балки тубсиз, бепоён қора ва қизил оқимли бўшлиққа сингиб кетаётгандай бўлди. У бир умр ўша ерга қулаши мумкинлигини англади.

Майдончада эса ёш йигит автомат-тўппонча тепкисидан бармоғини олди ва тариллаш тўхтади. Контрабандачи ердан қаддини ростлади-да, қўлидаги пул тахламини бошқа аскарга узатди. Аскар унга тўппонча ўқталиб деди:

– Сен қамокқа олиндинг.

– Ахир энди сен пулни фақат иккига бўласан-ку. Мени қўйиб юбор.

Аскарлар ерда ётган сержантга қарашди. У, шубҳасиз, ўлган эди.

– Мен йигитни излаб чангалзорга кираман, у яраланган. Жасадини олиб келаман ва икковингиз ҳам қахрамонга айланасиз. Фақат мени қўйиб юбор, – деди контрабандачи.

Бошқа аскар ердан Тури Гильянонинг гувоҳнома-сини олди. Уни Гильяно сержантнинг топшириғи би-лан ташлаган эди. Аскар баланд овоз ўқиди:

– Сальваторее Гильяно, Монтелепре шахри.

– Ҳозир уни излаб ўтирмаса ҳам бўлади, – деди бошқа аскар. – Штабга ахборот берамиз – бу муҳим-роқ.

– Кўрқоқлар, – деди контрабандачи.

Бу энди ҳақоратлаш эди. Шунинг учун унга сер-жантнинг жасадини ўзининг отига ортиб, улар билан бирга казармага боришга мажбур этишди. Бундан ол-дин қуролини олиб қўйдилар. Аскарлар ниҳоятда тит-рар, у эса хатога йўл қўйиши ёки асабийлашиши учун ўлдирмасликларидан умидвор эди. Қолгани унчалик ташвишга солмади. У Монтелепредаги фельдфебель Роккофинони жуда яхши биларди. Улар илгари ҳам келишиб анча-мунча ишни дўндиришган, бундан ке-йин ҳам давом эттиришади.

Бу одамлардан ҳеч ким Пишоттани эсламади. У эса нима деганларининг барини эшитди. Пишотта қўли-да пичоғини ушлаганча ўт билан қопланган чуқур сой ичида ётарди. Улар Тури Гильянони ахтариб келиша-ди, шунда биттасига ҳамла қилади-ю, томоғидан бў-ғизлаб, автоматини тортиб олади. У шу қадар шаф-қатсиз қиёфага кирган эдики, ҳатто ўлим олдидан қўрқувни асло ҳис этмади. Контрабандачининг Тури жасадини келтириш ҳақидаги таклифини эшитиб, бу одамнинг башарасини бир умрга эслаб қолди.

У Турининг оғир яраланиб, ёрдамга муҳтож экан-лигини биларди. Ўрмон четидан ўртоғи ғойиб бўлган томонга ўтмоқчи бўлди. Чангалзорда ҳеч қандай из йўқ ва Пишотта ўзлари юриб келган сўқмоқдан чопиб кетди.

У юмалоқ катта тошга кўзи тушиб тўхтади. Бу тошнинг ўйилган қавагида қора қон ҳалқоб бўлиб йиғилган, тошнинг бошқа томонида эса ёрқин-қизғиш қон томчилари томиб, узун тасма ҳосил қилган эди. У нариги томонга чошиб Гильянони кўрди-ю, серрайиб қотиб қолди. Гильяно сўқмоқда кўндаланг бўлиб ётар, қўлида ҳамон ўлим сочувчи қуролини маҳкам ушлаган эди.

Пишотта тиззалаб ўтирди-да, тўппончани олди ва белига қистириб қўйди. Шу лаҳзада Тури Гильяно кўзини очди. Унинг нигоҳи нафрат ўтида ёнар, аммо Аспану Пишоттага қарамай, қаергадир назар ташлар эди. Пишотта қувониб кетганидан сал бўлмаса йиғлаб юбораёзди. У Гильянони кўтаришга уринди, аммо кучи етмади.

– Тури, қадингни ростлашга ҳаракат қил, сенга ёрдам бераман, – деди Пишотта.

Гильяно қўлларини ерга тираб, ўрнидан турди. Пишотта унинг белидан маҳкам ушлади, кафти илиқ нарсага тегди ва намикди. Аспану қўлини тортиб олиб, Гильянонинг кўйлагини ечиб ташлади ва биқинида улкан жароҳатни кўрди. Пишотта Гильянони дарахт танасига суяб ўзининг кўйлагини йиртди, қонни тўхтатиш учун жароҳатга босди, бели атрофига енгини боғлади. Дўстини бошқа қўлида маҳкам ушлаб, бошқаси билан Гильянонинг чап қўлини ҳавога кўтарди. Шу тариқа уни оҳиста, майда қадамлар билан сўқмоқдан пастга туширди. Узоқдан улар худди рақсга тушиб келаётганга ўхшардилар.

Шундай қилиб Тури Гильяно авлиё Розалия ша-рафига бағишланган festa ийдида қатнаша олмади. Ваҳоланки, Монтелепре аҳолиси, бу байрам шаҳарча-мизга мўъжиза олиб келади, деб умид қилган эди.

Тури камондан ўқ отиш мусобақасида иштирок этмади, унда албатта, ютиб чиқарди. От пойгасига бора олмади, пойга пайтида рўпарадан келаётган рақиблар боши узра дарра ва камчилар ёғилиб кетарди. Ялтирок, сариқ ва зангори мушакларни ўтказиб юборди, улар ёрилиб осмону самони тўлдириб юборди.

Опасининг фотиҳа тўйи ҳам Турининг иштирокисиз ўтди. Монтелепре аҳли ранж-алам ичида қолган эди. Фақат бир неча йиллардан сўнг festa эшак нўхтасини тортиб юрган ёш йигит қиёфасида мўъжиза содир этганини билиб қолишди.

Бешинчи бўлим

Франциска ибодатхонасининг бош руҳонийси кечки расм-русумни якунлаб, дангаса монахларни ўзининг ризқу рўзи учун ҳалол ишлашга ундади. У чиримай сақланадиган табаррук мурдаларга мўлжалланган устахона омбори ва яқин шаҳар учун катта бўлка нон ёпиладиган новвойхонани кўздан кечирди. Экин майдонларини қунт билан текширди, олхўри, помидор, узум солинган бамбук саватларини кўриб чиқди, уларнинг шойи каби пўстлоғи ишдан чиқмаганмикан, деб назардан ўтказди. Унинг роҳиблари худди эртақдаги фаришталар каби тер тўкишар эди-ю, аммо унчалик қувноқ эмасди. Ростини айтганда, бу анча саркаш жамоа. Аббат узун устки кийимининг чўнтагидан хийла дароз қора сигара чиқардида, кечки зиёфат олдидан ибодатхона ҳовлиси бўйлаб кезмоқчи бўлди.

Айнан шу пайтда Тури Гильянони ибодатхона дарвозаси ёнига олиб келган Аспану Пишоттага кўзи ту-

шиб қолди. Дарвозабон уни тутиб қолмоқчи эди, аммо Пишотта қонга беланган, деярли нафас олмай қўйган жасадни аббатнинг оёғи остига қўйди.

Аббат баланд бўйли, озгин, юзи маймунга ўхшаш, ингичка суякли, япаски бурунли киши бўлиб, кичик тугмадай кўзлари диққат билан боқар эди. Гарчи ёши етмишдан ошган бўлса-да, тетик, эс-хуши жойида, зийрак ҳамда айёр, Муссолини даврида мафия қурбонларидан пул ундириб олиш учун тумтароқ мактублар йўллаган эди.

Унинг ибодатхонаси деҳқонларга, шу жумладан, ҳукуматдагиларга ҳам маълум бўлиб, қора бозор учун контрабандачилардан тортиб чайқовчиларгача оқиб келишарди, ҳеч ким ҳозиргача унинг ноқонуний фаолиятига аралашмасди. Бу муқаддас нуфузи ва маҳаллий қавмига диний томонлама раҳнамолигига рағбатлантириш кўринишида амалга ошар эди.

Шундай қилиб аббат Манфреди қонга беланган икки такасалтангнинг авлиё Франциска муқаддас ибодатхонаси бўсағасида кўриб қўрқиб қолгани йўқ. Шахсан у Пишоттани жуда яхши биларди. Бу йигитнинг қора бозор билан боғлиқ ҳамда котрабандага оид қандайдир операцияларда хизматидан фойдаланган эди. Униси ҳам, буниси ҳам муғомбирлик ва айёрликда бир-биридан қолишмас, айнан шу хусусият уларни бир-бирига яқинлаштирган эди. Бири ҳайрат билан бу хусусиятни ёши ўтган ва авлиёсифат кишида сезган, бошқаси эса ёш ва даҳрий йигитда пайқаб қолган эди.

Аббат монах-дарвозабонни тинчлантирди, сўнг Пишоттага мурожаат қилди:

– Хўш, азизим Аспану, қандай кулфатга дуч келдинг энди?

Бу пайтда Пишотта Гильянонинг бели узра кўйлагини маҳкам тортарди. Унинг ғамгин юзига кўзи тушган аббат бу йигитни шундай ҳиссиётга эга деб ўйла-масди.

Даҳшатли жароҳатни кўрган Пишотта дўстининг ўлаётганига ишонч ҳосил қила бошлади. Бу ҳақда Турининг отаси ва онасига қандай хабар қилади?

Ҳозир эса энг муҳими, аббатни кўндириб, Гильянони ибодатхонага жойлаштириш керак. У аббатнинг кўзига тик қаради. Тўғридан-тўғри қўрқитишни истамади, аммо борди-ю авлиё ота рад этгудай бўлса, энг тубан душман сифатида кўришини англатиб қўйди.

– Бу менинг тутинган укам ва яқин дўстим Сальваторе Гильяно, – деди Пишотта. – Кўриб турганингиздек, омади келмади. Ҳадемай миллий полиция уни тоғлардан ахтара бошлайди. Шу жумладан, мени ҳам. Ягона умидимиз – сиз. Ёлвораман, бизни яширинг ва шифокорга одам юборинг. Бунини мен учун адо этинг, ана шунда умрбод яна битта дўстга эга бўласиз, – у дўст деган сўзни алоҳида таъкидлади.

Аббатдан ҳеч қандай садо чиқмади. У ҳаммасини яхши анлаган эди. Илгари ҳам мана шу ёш Гильяно тўғрисида, Монтелепреда катта ҳурматга сазовор, ажойиб мерган ва овчи эканлиги, ўсмирлик йиллари хусусида эшитган эди. Ҳатто «Дўстларнинг дўсти» унга ўзларининг бўлажак аъзоси деб қарарди. Буюк дон Кроченинг ўзи аббатнинг ибодатхонасига дўстлик ва ишчанлик вазиятида ташриф буюрганида, йигитча ҳақида эътибор бериш лозим бўлган одам, деб тилга олган.

Аммо деярли беҳуш ётган Гильянога диққат билан қарар экан, панагоҳ ёки врачдан кўра, ҳадемай қабр керак бўлиб қолади, деб кўнглидан ўтказди. Пи-

шоттанинг илтимосини деярли хатарсиз қондириши лозим: жасад учун жой бериш, ҳатто Сицилияда жиноят эмас. Бироқ аббат кўрсатиладиган ёрдам аслида ҳеч нимага арзимаслигини Пишотта билишини ис-тамасди.

– Хўш, улар нега сизларни излар экан? – сўради у.

Пишотта иккиланди. Агар аббат полициячи ўлдирилганини билса, уларга бошпана беришдан бош тортади. Аммо рўй бериши кутилаётган тинтувга тайёр бўлмаса, тўсатдан уларни сотиб қўйиши мумкин. Пишотта ростини айтишга мажбур бўлди. Аббат яна бир жон дўзахга кетишини ўйлаб, ғам чеккандай кўринди-ю, нафас олмай ётган Гильянога диққат билан қаради. Унинг танаси боғлаб ташланган кўйлаги теграсидан қон оқиб турарди. Улар гаплашиб турганларида, шўрлик ўлиб қолиши мумкин ва бу барча муаммони ҳал этади.

Бўлажак францискочи-монах бўлган аббат насронийча меҳр-шафқат туйғуси ила тўлиб-тошган эди. Шу билан бирга бу даҳшатли кунларда ўзининг раҳм-шафқатли ишлари оқибатини манфаатпарастлик нуқтаи назаридан ўлчашига тўғри келган. Агар бошпана бергач йигитча ўлса, бундан фақат ютади. Ҳукуматдагилар фақат жасад билан қаноатланиб қолишади, оилалари эса бир умр ундан қарздор бўлиб қолади. Борди-ю Гильяно тузалиб кетса, аббатга нисбатан миннатдорчилик янада кўпроқ ошади. Руҳоний қарздорлари сафида оғир ярадор, полицияга ўқ узган ва уни ўлдирган киши туради.

Албатта, уни ярамас, палид карабинерларга ҳам бериши мумкин, улар дарҳол саранжом қилиб ташлайдилар. Аммо бундан нима наф? Унинг учун ҳукуматдагилар ҳеч иш қила олишмайди. Улар ҳудудда

хўжайинлик қилишяптими, ҳаммаси қўлларида. Аббатга эса дўст керак. Агар ўсмирларни улар қўлига берса, деҳқонлар ўртасида ҳамда икки оиладан ўзига нисбатан мутлақо юмшатиб бўлмайдиган нафратни пайдо қилади, холос. Аббат узун ридоси уни муқаддас қасосдан қутқариб қололмаслигини билмайдиган нодон эмас; боз устига у Пишоттанинг фикр-ўйларини ўқиб, бу дўзахдан кўра анча узоққа бора олади, деб кўнглидан кечирди. Йўқ, сицилиялик деҳқоннинг нафратига асло енгилтаклик билан қараб бўлмайди...

Аббат бир нарсаса ишонган эди. Пишотта ҳеч қачон уни сотиб қўймайди. Контрабанда билан боғлиқ бир ишда шундай воқеа рўй бердики, Пишоттани қамашди ва сўроқ қилишди. Палермодаги хавфсизлик хизмати терговчиси ҳамда анови ярамас карабинерлардан бир нечтаси сўроққа даставвал тилёғламалик билан, кейин қўпол равишда олиб боришди. Лекин на айёрлик, на шафқатсизлик Пишотта иродасини синдира олди. У жим турди. Терговчи озод қилиб, аббатни ишонтириб, бу йигитга янада кўпроқ жиддий топшириқлар бериш мумкин, деди. Ана шундан бошлаб бош руҳоний юрагининг тўридан Аспану Пишоттага алоҳида жой ажратиб, кўпинча унинг жонига омонлик сўраб ибодат қиладиган бўлди.

Аббат иккита қоқсуяк бармоғини оғзига тиқиб, ҳуштак чалди. Монахлар югуриб келишди ва аббат уларга Гильянони ибодатхонанинг узоқ айвони остига олиб боришни буюрди. Бу алоҳида жой бўлиб, уруш даврида итальян армиясидан қочган қочқинлар яширингандилар. Улар бой-бадавлат деҳқонларнинг фарзандлари эдилар. Сўнг у монахлардан бирини врачни олиб келиш учун Сан-Жузеппе-Ято қишлоғига юборди. Қишлоқ ибодатхонадан беш километр узоқда эди.

Пишотта каравотда ўтирар, дўстининг қўлидан ушлаб олган эди. Жароҳатдан энди қон оқмас, Тури Гильянонинг кўзи очик, аммо бамисоли парда билан қоплангандай. Пишоттанинг ўпкаси тўлган, бир оғиз сўз айтишга ботина олмас эди. У Гильянонинг пешонасида пайдо бўлган терни артди. Турининг териси кўкара бошлаган эди.

Врач келгунича бир соат ўтди. У йўлда тоғ тепаларини синчиклаб текшираётган карабинерлар тўдасини кўрганида ажабланмади ҳам. Чунки дўсти аббат ярадорни яширганига кўзи етганди. Унга барибир – полиция ва ҳукуматнинг қандай иши бўлиши мумкин? Аббат сицилиялик. Унга ёрдам зарур. Аббат ҳар куни шифокорга саватда тухум юбориб турар, бочкада шароб, Рождество, Пасха байрамларида қўзичоқ билан таъминлар эди.

Врач Гильянони кўздан кечирди ва жароҳатини бинт билан боғлади. Ўқ қориндан ўтиб, қандайдир ички аъзога теккан, маълум даражада жигарга шикаст етказган эди. Йигит кўп қон йўқотган ва ранги докадай оқарган, танасидаги терининг ҳамма жойида кўкарган излар бор эди. Оғзи атрофида оқ доира ҳосил бўлган, врач бу ўлимнинг биринчи аломатлари эканлигини билди.

У чуқур нафас олиб аббатга шундай деди:

– Мен қўлимдан келганини қилдим. Қон оқиши тўхтади, аммо у учдан бир қисмдан кўп қон йўқотган. Бу одатда ўлимга олиб боради. Уни иссиқ тутинг, бир оз сут беринг, мен морфий қолдираман, – врач Гильянонинг азамат гавдасига афсус билан қаради.

– Ота-онасига нима дейиш керак? – шивирлаб сўради Пишотта. – Умид борми?

Врач чуқур нафас олди.

– Нима десангиз деяверинг, аммо жароҳати оғир. Бу бақувват йигит экан, балки яна икки кун бардош берар, аммо яхшиси умид боғламаслик лозим... – Сўнг киноясиз қўшиб қўйди: – Албатта, бу ёруғ дунё мўъжизалардан холи эмас.

Аббат ва врач чиқишди. Пишотта дўстининг пешонасидаги терни артиш учун унинг устига энгашди ва Гильянонинг кўзида кинояли кулги соясини кўриб титраб кетди. Пишотта яна пастроқ энгашди. Тури нимадир деб шивирлади – у гапиришга ниҳоятда қийналарди.

– Онажонимга айтгин, мен қайтаман, – деди Тури. У шундай бир ҳаракат қилдики, Пишотта кўп йиллар унута олмади. Бирдан қўлини кўтарди-ю, Пишоттанинг сочидан маҳкам ушлаб олди. Қўли кучга тўлиб-тошган ва ўлаётган кишининг қўлига асло ўхшамасди. Пишоттанинг бошини ўзига қараб тортди. – Менинг гапимга кир, – деди Гильяно.

Гильянонинг ота-онаси Гектор Адонисни чақиришди. У ўша куни тонг саҳарда Монтелепрега етиб келди. Адонис ўзининг уйида жуда кам бўларди. Туғилган жойини кўрарга кўзи йўқ, нафратланар эди.

Бу ерда ҳар бир оила авлоддан авлодга ўтар экан, ўз уйини бир хил ранг билан бўяр, шу одатдан фахрланар эди. Одамлар уйнинг туси уларнинг келиб чиқиши, қайси уруғга мансублиги, аждодларидан нималар мерос қолганлиги, уй билан бирга ўша нарсалар бисотларида битганини билмас эди. Чунки кўп йиллар муқаддам норманнлар уйларини оқ рангга, греклар ҳамиша мовий рангга, араблар турли алвон ва қизил рангга бўяшган. Яхудийлар сариқ рангни танлашган. Энди эса ҳамма ўзини италиялик ва сицилиялик деб ҳисоблайди...

Аспану Пишотта гарчи арабга ўхшаса-да, оппоқ уйда яшар эди. Гильяно истиқомат қиладиган уй грекча мовий рангда. Тури Гильянонинг кўриниши худди грекка ўхшаса-да, қадди-қомати келишган, суяги йирик, жуссаси кенг норманнларни эслатиб турарди.

Белланинг ҳар бир бурчагида ҳўмрайган карабинерлар қўлларида милтиқ тутганча тентирашар эди. Феста байрамининг иккинчи куни бошланган, аммо бу қисмида шаҳар ғалати тарзда бўшаб ётар, кўчаларда ҳатто болалар ҳам кўринмасди. Гектор Адонис автомобилени Гильянонинг уйи олдида тўхтатди. У машинадан тушмасдан икки карабинер шубҳаланиб қарашди, кейин эса жимитдек гавдасига қўзлари тушгач, кулимсираб қўйишди. Эшикни Пишотта очди. Гильянонинг отаси ва онаси ошхонада кутар, стол устида совуқ колбаса, нон ва қаҳва бор эди.

Пишотта яна рўй берган воқеаларни ҳикоя қилди, аммо бу сафар мулойим мутойиба билан гапириб берди. У Гильянонинг жароҳатини арзимас деб таърифлади-ю, Турини ибодатхонага қандай қилиб олиб келганини тилга ҳам олмади. Аммо Гектор Адонис ярадорни уч километр нотекис йўлдан нимжон Пишоттанинг олиб келиши қанчалик қийин бўлганини яхши англади. Шу билан бирга Пишотта жароҳат тўғрисида ҳаддан зиёд шошиб-пишиб таъриф берганини ўйлади. Адонис аҳвол ёмон бўлишидан кўрқди.

– Карабинерлар ҳамма гапни қаердан билиб, бу ерга келишди? – деб сўради у.

Пишотта уларга Гильянонинг шахсни тасдиқловчи ҳужжатини қандай қилиб берганини гапириб берди.

Гильянонинг онаси йиғлаб гапирди.

– Нега Тури уларга пишлокни бермади? Нима учун қаршилик кўрсатди?

Гильянонинг отаси хотинининг гапини шартта бўлди:

– Сен нимани хоҳлаган эдинг? У ўша камбағал деҳқонни сотиши керак эдими? Унда номимизни бир умр иснодга қўйган бўларди... Агар ўзининг гувоҳномасини бермаганида, – гапини давом эттирди Гильянонинг отаси, – дўстларимиз онт ичиб, унинг шу ерда, кўчада эканлиги ҳақида кўрсатма берардилар.

– Барибир уни қамашарди, – деди Гильянонинг онаси ва йиғлаб юборди. – Энди боламнинг тоғларда яшашига тўғри келади.

– Ишончимиз комил бўлиши керакки, аббат уни полиция қўлига топширмайди, – деди Гектор Адонис.

– Бунга журъат этолмайди, – Пишотта ноҳос айтиб юборди. – Уни узун ридо кийганига қарамай осиб юбораман, буни яхши билади.

Ота-она Гектор Адониснинг кўмагига кўз тиккан эдилар, чунки илгари ҳам уларнинг ўғилларига ёрдам берган эди.

– Агар полиция унинг ўша ерда эканлигини билса, аббатнинг чораси қолмайди, – деди Гектор. – Ундан шубҳалана бошлашади. Энг яхшиси, дўстим дон Кроче Малодан аббат билан гаплашишини илтимос қилишдир.

Гильянонинг ота-онаси Гектор Адониснинг дон билан таниш эканлигидан хайрон қолишди, фақат Пишотта билган каби кулиб қўйди.

– Сен бу ерда нима қиляпсан? – бирдан ўтирилиб сўради ундан Адонис. – Сени таниб қолишса, қамоққа олишади. Уларда ташқи кўринишининг ҳақида кўрсатма бор ахир.

– Ўша икки полициячи ўлгудай кўрқиб қолганди, – ғижиниб сўзлади Пишотта. – Улар ўзининг туққан

онасини ҳам таний олмасди. Менинг кеча Монтеле-преда бўлганим тўғрисида қасам ичиб, гувоҳлик берадиган бир дунё шохидларим бор.

Гектор Адонис ўзига ишонарли профессор кўринишини бериб, Гильянонинг ота-онасига шундай деди.

– Сизлар ўғлингизни кўришга уринмаслигингиз, ҳеч кимга, ҳатто энг яқин кишиларга ҳам қаерда эканлигини айтмаслигингиз керак. Полициянинг ҳамма ерда чақимчи ва жосуслари бор. Аспану Тури билан кечаси бориб хабарлашади. Тури сал-пал юра бошлаганида бошқа шаҳарда яшашини таъминлайман, унгача ҳаммаси тинчийди. Сўнг пулнинг кучи билан барчасини бартараф қилиш мумкин ва Тури уйга қайтади. Шундай экан, у ҳақида ташвишланма, Мария, соғлиғингни эҳтиёт бўл. Сен эса, Аспану, мени хабардор қилиб тур.

У Гильянонинг ота-онасини қучоқлади. Гектор Адонис кетганидан сўнг Мария Ломбарде узоқ йиғлади.

Гектор Адонис ҳам кўп иш қилиши керак эди – энг аввало, дон Кроче билан гаплашиши зарур, токи Тури яширинган жой ошкор бўлиб қолмасин. Худога шукр, Рим ҳукумати полициячини ўлдиргани учун маълумот берганларга мукофот беришни эълон қилмаган ва аббатда Турини сотиш учун иштиёқи йўқ, гарчанд илгари авлиёлар мурдасини сотган эди.

Тури Гильяно каравотда қимирламай ётарди. Врач унинг жароҳати ўлимга элтишини айтганида, ўлаётганига ишонмас эди. Танаси худди ҳавода осилиб қолгандай, на оғрик, на кўрқувни ҳис этарди. У ҳеч қачон ўлмайди. У қонни кўп йўқотиш эйфорияга, яъни ҳақиқий аҳволга мос бўлмаган кайфиятнинг ғоят кўтаринки тусда бўлишини билмас эди.

Кундуз кунлари Турига монах қарашар, унга сут берарди. Кечқурунлари аббат врач билан бирга келарди. Узундан-узоқ қоронғи кечаларда Пишотта хабарлашар, қўлидан ушлаб ғамхўрлик кўрсатарди. Икки ҳафта ўтгач, врач мўъжиза юз берганини айтди.

Тури Гильяно танасини соғайишга мажбур этди. У ўзида янги кучлар қуюлиб келаётганини ҳис этди – энди ҳамма ишни қилишга иродаси етади, эмин-эркин ва ҳеч нарсага жавоб бермайди. Бундан буён жамият қонунлари, айти замонда қатъий сицилийча оила қонунлари Гильянога боғлиқ бўлмайди. Энди қандай хоҳласа, шундай ҳаракат қилади – гўё жароҳат барча гуноҳларидан халос этган эди.

У соғая бошлар экан, қишлоқдаги бошқа одамлар билан шаҳар майдонига чиққани, катта ер эгаларининг арзимас танга-чақалари эвазига одамларнинг ерлардан маҳрум бўлганини бир неча бор эслади. Шунда куч кимлар томонида эканлигига тушунди. Ҳосилнинг адолатсиз равишда тақсимланишини ёдга олди. Оғир меҳнатдан сўнг ҳаммалари гадой ҳолига тушиб қолишганди. Қонуннинг ҳукмрон кучи камбағалларни жазолаб, бойларнинг иродаси, ихтиёрига ташлаган эди.

Гильяно онт ичди, агар ўлимдан қутулса, адолатни қўлга киритишга уринади. У тақдир ҳукмига индамай бўйин эгиб ўтирадиган кучсиз, заиф бўлиб қолмайди энди, ҳеч қачон. Ўзини жисмоний ва рухий жиҳатдан қуроллантиради. У битта нарсада ишончи комил эди: энди ҳеч қачон дунё олдида, Гвидо Кинтана каби одамлар олдида, ўзини ўққа тутган карабинерлар олдида ожиз бўлиб турмайди. Тури Гильяно бўлган ўсмир энди мавжуд эмас, у бутунлай ўзгарди.

Ой охирида врач Турига яна тўрт ҳафта танасини доимий равишда машқ қилдириб, дам олишни тавсия қилди. Гильяно монахлар либосини кийиб, ибодатхона ҳудудида кеза бошлади. Аббат Турини ёқтириб, қолди, кўпинча у билан бирга сайр қилар, ўзининг ёшлиқда узоқ юртларда ўтказган саёҳати тўғрисида гапириб берарди. Гектор Адонис маълум миқдорда маблағ юбориб, камбағаллар учун ибодат қилишни сўраганида ҳам аббатнинг меҳрибонлиги сусайгани йўқ, дон Кроченинг шахсан ўзи йигитчага ҳар томонлама қарашиш кераклигини англатиб қўйди.

Гильянога келганда шуни айтиш керакки, монахларнинг яшаш тарзи уни кучли равишда титратиб юборди. Одамлар сал бўлмаса очликдан тиришиб ўлиб қолар даражада яшаган қишлоқда, кунбай ишлайдиган мардикорлар ўз меҳнатини эллик чентизимо (пул бирлиги) эвазига сотишга мажбур бўлишганида, авлиё Франциск монахлари бамисоли қироллардай яшардилар. Аслини олганда, ибодатхона улкан ва бой-бадавлат мулкдан иборат эди.

У ерда лимонлардан иборат боғ, зайтун дарахтлари бўлиб, дарахтлари Исо Масих каби кекса эди. Бамбук плантацияси ҳам бор. Шу билан бирга қассобхонага ўз отарларидан қўйлар, қўтонларидан эса чўчқаларни жўнатишади. Товуқлар ва тустовуқлар тўда-тўда бўлиб, эмин-эркин юради. Роҳиблар ҳар куни гўштни спагетти макаронлари билан қўшиб тановул қилишади, уйларидаги улкан ертўлаларда сақланаётган ўзларининг шаробларидан ичишади ва худди шайтонлар каби чекиш учун тамаки сотиб олиш мақсадида қора бозорда савдо қилишади.

Аммо роҳиблар ниҳоят кўп тер тўкиб ишлардилар. Кун бўйи оёқ яланг, узун ридони тиззага қадар кўта-

риб меҳнат қилар, юзларидан тер шариллаб оқарди. Бошларида америкача фетр шляпа кийишар, аббат уларни ҳарбий вазирликда ишлайдиган унтер офицердан бир бочка шароб ҳисобига олган эди. Роҳиблар бу шляпани бутунлай турли-туман ҳолатларда киядилар: бирлари гардишини пастга туширади, бошқаси эса юқорига кўтариб қўяди, у ерда сигарета сақлашади. Аббатнинг бу шляпаларни кўришга кўзи йўқ, кўрганида нафрати ошиб кетар, шу боис улардан фақат иш пайтида фойдаланишга рухсат берарди.

Тури Гильяно тўрт ҳафта давомида худди роҳиблар мисоли яшади. У аббатни ҳайрон қолдирганча далада жуда кўп ишлар, бошқа роҳибларга мева ҳамда зайтунлар билан лик тўлган саватларни омборга ташишга ёрдам берарди. Шу туфайли Гильяно соғая бошлади, ишдан тобора кўпроқ ҳузур-ҳаловат топар, ўз кучини кўрсатиши ёқар эди. Унга устма-уст қўйилган саватларни ташишига йўл беришар, тиззаси бирор марта ҳам титрамасди. Аббат Гильяно билан фахрланар ва истганча қолиши мумкинлигини айтиб, Худо йўлига хизмат қилишига қанча бўнак берса ҳам арзийди, дерди.

Шу тўрт ҳафта мобайнида Тури Гильяно ғоят бахтли эди. Турига ҳам қария жуда ёқар, чунки аббат унга тўлиқ ишонар, ибодатхона сирларини айтар эди. Чол мақтанар, ибодатхонанинг бутун маҳсулоти тўғридан-тўғри қора бозорга боради, озиқ-овқат омборларига юборилмайди, дерди. Шаробни мустасно қилганда, уларни роҳибларнинг ўзлари жигилдонига уришарди. Улар тун бўйи қарта ўйнар, бадмастлик қилишар ва ҳатто аёлларни яширинча олиб келишар, лекин буларнинг барига аббат кўзини юмарди.

Ёмғирли кунларнинг бирида аббат Турига ибодатхона қаноти остида жойлашган яна бир омборни

кўрсатди. У ерда кекса роҳиблар ясаган, уларнинг маҳорати чиниққан бригадаси тайёрлаган ҳар хил муқаддас ёдгорликлар тикилиб ётарди. Аббат барча савдогарлар каби оғир замонлар ёпирилиб келганидан шикоят қила кетди.

– Урушгача ишларимиз ниҳоятда яхши эди, – деб чуқур нафас олди у. – Бу омборнинг ярмидан кўпи тўлмаган. Сен хазинамиз қанчалигини кўргин-а! Исо Масих тутган балиқнинг суяги. Мусо пайғамбарнинг Жаннат йўлидан олиб келган нони.

У Гильянонинг ҳайратга тушиб, очикдан-очик мамнуният билан кузатиб турган юзига кўзи тушди-ю, гапдан тўхтади. Сўнг суяги бўртиб чиққан юзида истеҳзоли кулги пайдо бўлди. Оёғи билан ёғоч тахтачалар уюмини тепиб, сал-пал завқланиб деди:

– Мана бу бизнинг энг яхши молимиз эди. Юзлаб тахта парчасида пайғамбаримиз Исо Масихнинг хочга парчинлангани тасвирланганди. Манови идишда кимни истасанг, ўша авлиёнинг қолдиғи солинган. Сицилияда бирор уй йўқки, унда авлиёнинг қудрати бўлмасин. Махсус омборда эса қулф-калит остида муқаддас Андрейнинг ўн уч қўли, Иоаннинг уч боши ҳамда Жанна Д'Аркнинг қурол-аслаҳалар тўпламидан еттитаси сақланади. Қишда роҳибларимиз шаҳарларга жўнаб кетишади ва бу хазинани ҳаммага сотишади.

Шунда Тури кулди ва аббат ҳам унга кулимсираб қаради. Гильяно нажот йўлини кўрсатувчи кишилар ҳам камбағалларни доимо алдаб, фириб бериб келган экан, деб ўйлади. Бу муҳим ҳолатни эслаб қолишга уринди.

Шунчалик ёш йигитни иккиюзламачилик бўйича устаси фаранг одам ҳайратга солиб, шоширмаслиги мумкин эмасди.

Аббат дон Кроче Тури Гильянони ҳақиқат йўлига ўтишга кистади, деб қарор қилди.

Бир куни Тури ўзининг ложасида дам олар экан, ёнига номаълум киши яқин келди. Аббат уни Беньямино Мало, яқин дўстим деб таништирди, сўнг икковини ёлғиз қолдирди.

– Менинг қимматли укам, – деди ғамхўрлик билан Беньямино ота, – умид қиламанки, сен жароҳатингдан кейин бутунлай тузалиб кетдинг. Авлиё аббатнинг айтишига кўра, бу ҳақиқий мўъжиза экан.

– Худонинг марҳамати, – хушмуомалалик билан деди Гильяно.

Ва Беньямино ота бошини эгди, бу билан гўё Худонинг марҳаматига сазовор бўлди.

Гильяно уни синчковлик билан билиб олмоқчи бўлди. Бу руҳоний ҳеч қачон далада ишламаган. Унинг ридоси этаклари топ-тоза, юзи ортиқ даражада оппоқ, қўллари ниҳоятда юмшоқ эди. Лекин юзи етарлича файзли, унда мўминлик ҳамда насронийча итоаткорлик акс этган эди.

Овози ҳам мулойим ва нозик.

– Ўғлим, – деди Беньямино ота, – мен сенинг истиффорингни эшитдим ва гуноҳларинг тўкилишига ёрдам бераман. Гуноҳлардан фориғ бўлганингда дунёга соф кўнгил билан қадам қўясан.

Тури Гильяно шундай кучга эга бўлган руҳонийга диққат билан қаради.

– Мени авф этасиз, ота, – деди у. – Ҳали тавба-тазарру қилганим йўқ, бу эса мен томондан йўл қўйилган иккиюзламачиликдан бошқа нарса эмас. Аммо марҳаматингиз учун раҳмат.

Руҳоний бош ирғаб шундай деди:

– Ҳа, бу сенинг гуноҳларингни оғирлаштиради, холос. Аммо менинг бошқа бир таклифим борки, шубҳасиз, дунёда анча амалий маънога эга. Укам, дон Кроче менга одам юбориб, сени Виллабида яширинишни истамайдими, деб сўради. Жуда яхши ҳақ тўлашади ва ўзинг яхши биласанки, ҳукуматдагилар сени безовта қилишга журъат эта олишмайди. Унинг ҳимояси остида бўласан.

Гильяно ниҳоятда ҳайрон бўлди, наҳотки, унинг хатти-ҳаракатлари дон Кроче каби одамнинг қулоғига қадар етиб борган бўлса? Гильяно эҳтиёт бўлиши кераклигини англар эди. Мафиядан кўнгли айнир, унинг тўрига тушиб қолишни мутлақо истамасди.

– Бу жуда катта шараф, – деди у. – Укангиз ва сизга катта раҳмат. Лекин мен оиламдагилар билан маслаҳатлашишим лозим, ота-онамнинг истагини ҳурмат қилишим керак. Шундай экан, ҳозирча сизнинг олижаноб таклифингиздан юз ўгиришимга ижозат берсангиз, – у руҳоний ҳайратда қолганини кўрди. Ким Сицилияда дон Кроченинг ҳимоясини рад эта олади? Кейин илова қилди: – Балки, икки ҳафтадан кейин ўйлаб кўриб, Виллабага, ҳузурингизга келарман.

Беньямино ота бир неча бор ҳайрон бўлганига қарамай, уни дуо қилиш учун қўлини кўтарди:

– Худо ёр бўлсин сенга, болам, – деди у. – Сендан укамнинг уйидагилар ҳамиша шоду хуррам бўлади.

У чўқинишни адо этиб, ташқарига чиқди.

Тури Гильяно ибодатхонадан кетиш палласи етганлигини англади. Аспану Пишотта кечқурун олдига келганида, унга катта оламга қайтишини айтиб, тайёргарлик кўриш бўйича кўрсатма берди. Пишотта бу гапни эшитиб иккиланмади ҳам, эътироз ҳам билдирмади, балки ҳаётини қайта бошлашини тушунди.

Ниҳоят Гильяно шундай деди:

– Аспану, мен билан бирга боришинг, шунингдек, қолишинг ҳам мумкин. Қайсини керак деб ҳисобласанг, шундай ҳаракат қилавер.

Пишотта кулимсиради.

– Сен мени барча қулайлик ва барча иззат-ҳурматдан воз кечади, деб ўйлаяпсанми? Сен тоғларда адашиб-улоқиб юриб, ўзим эса эшак миниб, зайтун теришга маҳкум бўлиб юраманми? Бизнинг дўстлигимиз қаёққа қолади? Ёшлиқдан бирга ўйнаб, бирга ишлаб тер тўкардик, энди тоғларда танҳо яшайсанми? Монте-лепрега келганинг заҳоти мен ҳам қайтаман. Мен сени олиб кетиш учун тўрт кундан кейин келаман.

Ушбу тўрт кун мобайнида Пишотта жуда банд эди. У ярадор Гильянони излаб топишни тавсия қилган контрабандачини аллақачондан бери кузатиб юарди. Бу одамнинг исми Маркуцци бўлиб, дон Кроче ва Гвидон Кинтана ҳимояси остида йирик контрабанда билан шуғулланадиган ўта хавфли одам эди. Унинг амакиси мафия сардорларидан бири ҳисобланарди.

Пишотта Маркуццининг доимий равишда Монте-лепредан Кастелламарега сафар қилишини аниқлади. Аспану контрабандачига хачирлар етказиб турадиган деҳқонни биларди. Ва хачирларни яйловдан олиб, шаҳарча яқинига олиб келишганини кўрган Пишотта Маркуццининг яқин кунларда йўлга тушишини фаҳмлади. Тонг отгач, Пишотта Маркуцци юрадиган йўлда жойлашиб, кута бошлади. Унда катта лупара – қурол бўлиб, кўпгина сицилиялик оилалар уйда асбоб-усқунанинг бир қисми сифатида фойдаланишар эди...

Аспану Маркуццини фақат контрабандачи сифатида полицияга ярадор Гильянони тутиб беришни так-

лиф қилгани учунгина эмас, балки дўстлари ўртасида бу ҳақда айтиб мақтангани сабабли ўлдирмоқчи бўлди. Контрабандачини ўлдирса, шу билан Гильянони сотиб қўйиши мумкин бўлган кишидан қутулади ҳамда уни хавфдан сақлаган бўлади. Қолаверса, Пишоттага Маркуцци ўзи билан олиб юрадиган қурол керак эди.

Унга кўп кутиш керак бўлмади. Маркуцци бўш хачирларни ҳайдаб, Кастеламмарегга келди ва мол билан тўлиқ таъминланди. Олдинги хачирга миниб, тоғ сўқмоқларидан пастга туша бошлади. Елкасига милтиқ ташлаб олган, уни отишга шай ҳолда тутган эди. Сўқмоқда, рўпарасида Пишоттани кўргач, ташвиш тортмади. Ахир ўрта бўйли, озгин, мўйлови ингичка, қандайдир аччиқланган ҳолда илжайиб турган йигитни кўрди, холос. Фақат Пишотта курткази остидан тўппончасини чиқарганида, Маркуцци сергак тортди.

– Чучварани хом санабсан, – деди у. – Мен ҳали молни олганим йўқ. Бу хачирлар эса «Дўстлар»нинг ҳимоясида. Аҳмоқ бўлма ва ўзингга бошқа мижоз ахтар.

– Менга сенинг ҳаётинг керак, – деди оҳиста Пишотта, кулгиси ҳам қатъий тусга кирди. – Бир куни сен полиция кўзига қаҳрамон бўлиб кўринишни истоган эдинг. Икки-уч ой аввал, эсладингми?

Маркуцци эслади. У гўё тасодифан хачирни ёнига буриб, қўли билан Пишотта нигоҳидан ўзини пана қилмоқчи бўлди. Ўзи эса қўлини белига тикиб тўппончасини олди-ю, хачирни буриб, ўқ узишга шошилди. Кўргани фақат Пишоттанинг кулгиси бўлди, тўппончадан отилган ўқ Маркуцци танасини эгардан улоқтириб юборди, у ерга қулаб тушди.

Пिशотта маъюс кулимсираб, жасад тепасида тик туриб қолди ва Маркуццига қарата яна бир бор ўқ

узди. Сўнг унинг қўлидан тўппончани, камарида олиб турган милтиқни олди. Курткаси чўнтагидан патронларни чиқарди-ю, ўзининг чўнтагига солди. Сўнг тезгина ва дадиллик билан тўртта хачирни ҳам отиб ташлади – кимки Гильянонинг душманларига, ҳатто қисман ёрдам беришга уриниб кўрса ҳам, барчани огоҳлантириш эди бу... У йўл ўртасида, қўлида тўппонча, ўлдирилган одамнинг милтиғини елкасига олиб, белига тўппонча осган ҳолда тик турарди. Ҳеч қандай раҳм-шафқат туйғусини ҳис этмасди. Қилган ишидан қаноат ҳосил қилган эди. Гарчанд дўстига нисбатан меҳр қўйган бўлса-да, алоҳида иш тутган эди. Аспану Турининг сардорлигини тан олса-да, аммо ҳамиша хизмат кўрсатишида ўз ҳуқуқини ҳисобга олар, шундай мард, шундай жасурлигича жамиятда илгариланган ва ана шу доирадан ташқарида Турига бирлашган эди. Бу хатти-ҳаракати туфайли ўзини Тури Гильяно билан бир умрга боғлади.

Икки кундан сўнг кечки зиёфат олдидан Гильяно ибодатхонадан чиқиб кетди.

Аббат уни Пишотта кутиб турган дарвозагача кузатиб қўйди. Хайрлашиш олдидан Гильянога Биби Марямнинг қора ҳайкалчасини ҳадя қилди. Унинг бир нусхасини Гильянонинг онаси Мария Ломбардега берган эди. Пишоттада америкача яшил спорт сумкаси бўлиб, Гильяно қора фаришта ҳайкалчасини ўшанга солиб қўйди.

Гарчанд аббат Гильянога самимий равишда ёндашган бўлса-да, бу жипслик беғараз эмас. Бу йигит бир куни келиб, Сицилияда катта кучга айланади, у билан ҳисоблашадиган бўлишади, деб фаҳмлаган эди аббат. Тури Гильяно эса аббатдан ниҳоятда миннатдор эди. Аббат унинг ҳаётини сақлаб қолди, ажойиб ҳамсухбат

сифатида кўп нарсани ўргатди. Аббат ҳатто ўзининг кутубхонасидан ҳам фойдаланишга рухсат берди.

Аббат ва Тури Гильяно қучоқлашишди.

– Мен сиздан қарздорман, – деди Тури. – Бирор ёрдам керак бўлиб қолса мени эсланг. Нимани сўрасангиз ўшани бажараман.

Аббат Гильянонинг елкасига қоқиб қўйди:

– Насронийча марҳамат ҳақ талаб қилмайди, – деди у.

Аммо бу шунчаки қайта-қайта айтилаверадиган формула эди... Гильяно айтган ваъдани у, албатта, эслаб қолади.

Пишоттанинг қаршилигига қарамай, Гильяно спорт сумкасини елкасига ташлади ва улар ибодатхона дарвозасидан бирга чиқишди. Бирор марта ҳам ортга қайрилиб қарашмади.

Олтинчи бўлим

Монте д'Оро чўққиси яқинидаги қоядан Гильяно ва Пишотта шаҳарчани кузата оларди. Уларнинг тагида, бир неча километр наридаги уйларда чироқлар тун билан курашга тушгандек ёнарди. Гильяно ҳатто айвондаги овоз кучайтиргичдан Римдан доимий равишда шаҳарликларни кечки овқат олдидан қувонтириш учун бериладиган эшиттиришларни тинглагандай бўлди.

Аммо тоғлардаги масофалар алдайди. Монтелепрега тушиш учун икки соат талаб қилинса юқорига кўтарилиш учун тўрт соат керак. Гильяно ва Пишотта бу ерда болаликда ўйнашган; улар ҳар бир тошни, бу тоғдаги ҳар бир ғор ва ҳар бир туннелни билишади. Ўлка

ортида чўққилар яқинида Бьянка сунъий ғори бўлиб, уларнинг болалиқдаги севимли маскани ҳисобланар, ҳажми Монтелепредаги ҳар қандай уйдан катта эди.

Аспану буйруқларни яхши адо этди, деб ўйлади Тури Гильяно. Ғорда кечаси ухлайдиган қопқўрпалар, товалар ва қурол-аслаҳалар қутиси ҳамда озиқ-овқатлар халтаси, нон бор эди. Ўша ерда электр ва керосинли фонарлар, пичоқлар, бир неча керосинли канистр ётарди.

– Аспану, – кулди Гильяно, – биз бу ерда бир умр қолишимиз мумкин.

– Фақат бир неча кунга, – деди Аспану. – Агар карабинерлар яна сени ахтаришга тушишса, даставвал шу ерга тумшуғини тикади.

– Бу қўрқоқлар фақат кундузи ахтаришади, – деб жавоб берди Тури. – Тунда биз хавфсиз бўламиз.

Тоғларга қуюқ қоронғилик тушди, аммо осмонда юлдузлар тошган эди, шу сабабли улар бир-бирини аниқ кўра олардилар. Пишотта спорт сумкасини очиб, қурол ва кийим-кечакни чиқарди. Тури Гильяно аста-секин ва дабдаба билан қуроллана бошлади. Эғнидаги роҳиблар киядиган ридони ечиб, шайтонтери шим, сўнг қўй терисидан тикилган катта курткани кийиб олди, куртканинг ҳамёнлари сон-саноксиз эди. Икки тўппончани белига тақди, автомат-тўппончани эса олиш учун жуда осон қилиб куртканинг остига қўйди. Белига патронлар солинган камарни тақиб, чўнтагига ўқлар қутчасини жойлади. Пишотта пичоқ узатди, Гильяно уни қўнжига солиб қўйди – оёғида армия этиклари бор эди. Кейин яна битта тўппончани курткасининг ичига тикилган ғилофга солди. Барча қурол-яроғ ва жанговар аслаҳаларни қунт билан текширди.

Милтиқни елкаси оша камарига осиб олди. Ниҳоят у шай бўлди. Ортида фақат милтиқ осган, ғилофида пичоғи бўлган Пишоттага жилмайиб қўйди.

– Мен ўзимни яланғоч ҳис этяпман, – деди Пишотта. – Сен бунча темир-тақа билан қандай ҳаракатланасан? Агар йиқилиб қолсанг, сени кўтара олмайман, ахир.

Гильяно гўдакларга хос сирли жилмайиш билан кулар, гўё бутун дунё унга тегишлидек эди.

– Энди мен оиламизни кўришга, душман билан юзма-юз келишга тайёрман, – деди у Пишоттага.

Ва бу икки ёш йигит узун сирпанчиқ сўқмоқ йўлдан Монте д’Оро баландлигидан Монтелепре томон эниб кетишди.

Улар юлдузлар сочилган осмону фалак остида қадам ташлаб боришарди. Тури Гильяно ўзини ҳеч қачон бундай хотиржам ҳис этмаган эди. Энди тўсатдан дуч келган душман қаршисида ўзини ожиз сезмайди. Агар у ирода кучи билан ўзини ҳаётга қайтарган, ирода кучи ёрдамида жароҳатлари битиб кетишига эришган бўлса, энди танасини буни яна ва яна қилишга мажбурлай олади. У ўзини буюк тақдир кутиб турганига асло шубҳаланмас эди.

Гильяно бу тоғларни, бу зайтун дарахтларини, бу Сицилияни ҳеч қачон тарк этмайди. Ҳеч қачон камбағал деҳқон йигит бўлмайди, карабинерлар, суд, порага асосланган қонунлар, одамни кукун каби арчиб ташлайдиган қоидалардан ҳеч қачон қўрқмайди.

Мана, улар тоғдан пастга тушиб, Монтелепрега элтувчи йўл ёқасига келиб қолишди. Қулф осиб, ёпиб қўйилган Биби Марьям ибодатхонасини четлаб ўтишди. Боғларнинг хушбўй ҳиди ҳавони муаттар ислар билан шу қадар тўйинтирган эдики, сал бўлмаса Гильяно-

нинг боши айланиб кетаёзди. У Пишоттанинг тунги ҳавода ширин деб ўйлаган ёввойи олхўрини қандай қилиб узганини кўрди, ҳаётини сақлаб қолган дўстига нисбатан илдизи болалигига қадар кириб борган меҳрни яна бир бор ҳис этди.

Тоғ яйлов томон юз одимлар энишга текис ёндашиб, тутшиб кетганди. У виа Белла уйларининг орқа деворларига тиралган эди. Бу деворлар ортида, ҳар бир уй ҳовлисида помидор, айримларида фақат зайтун ёки лимон дарахти бор эди. Гильянолар боғчасининг кўча эшиги беркилмаган ва икки ўсмир йигит оҳиста сирғалиб киришди. Уларни Гильянонинг онаси кутаётгани маълум бўлди. Она Турини қучоқлаб, кўз ёшларини тия олмади...

Ҳали ярим кеча эди, ой ёрқин ёғду сочар, улар айғоқчилар кўриб қолмасин деб уйга шошдилар. Деразаларга пардалар тутилган бўлиб, иккала оиладан ҳам Гильяно ва Пишоттанинг қариндошлари кўчаларга тарқалиб, уларни полиция патрулларида огоҳлантириш учун шай турарди. Уйда Гильянонинг келишини байрам қилиш учун дўстлари ҳамда қариндош-уруғлари йиғилган эди. Стол устида Пасха байрамига муносиб зиёфат ҳозирланган. Уларнинг ихтиёрида фақат бир кеча бор, сўнг Тури тоққа қараб йўл олади.

Отаси Гильянони қучоқлаб, мамнун ҳолда елкасига қоқиб қўйди. Айни пайтда бу ерда Турининг опалари ҳамда Гектор Адонис ҳам ҳозир эди. Шу билан бирга Венера исмли қўшниси ҳам бор эди. У ўттиз беш ёшли бева эди. Таниқли босқинчи бўлган эри Канделериани бир йил муқаддам сотиб қўйишди ва пистирмага тушиб қолди. Венера Гильянонинг онаси билан дўстлашиб қолди, шунга қарамай, унинг уйда пайдо бўлиши Турини ҳайрон қолдирди. Бу аёлни

фақат онаси таклиф қилиши мумкин. Тури бир лаҳза ўйланиб қолди: «Нега?»

Улар едилар, ичдилар ва гўё олис мамлакатлардан узоқ саёҳат қилиб келгандек Турига қарадилар. Сўнг отаси унинг жароҳатини кўздан кечирмоқчи бўлди. Гильяно кўйлагини шимидан чиқарди ва каттакон очиқ қизил тиртиқни намоиш этди – унинг атрофидаги тери ҳамон милтиқ ўқидан кўкариб турарди. Онаси йиғлаб юборди.

– Нима, мени турмада мажақланган аҳволда кўрмоқчи эдингизми? – деди кулимсираб Гильяно.

Гарчи таниш вазият болаликнинг бахтиёр кунларини эслатса-да, аммо уларни улкан масофа Гильянодан ажратиб турганини ҳис этди. Стол устида Тури севган таомлар – кальмарлар, томат қайласи устида макаронлар, қовурдоқ кўзи гўшти, қаймоқли катта заранг косалар, эндигина узилган, зайтун мойига аралаштирилган сабзавот салати, бамбукдан тайёрланган тўрга солинган сицилияча шароб қўйилган. Буларнинг барчаси Сицилия ери ҳосили. Гектор Адонис Сицилиянинг шонли ўтмиши тўғрисидаги ҳикоялар билан уларнинг вақтини чоғ қилиб ўтирарди. Гарибальди ва уларнинг машҳур алвон кўйлакли аскарлари ҳақида, Сицилиянинг жафокашлиги – даставвал Рим, сўнг маврлар, норманнлар, французлар, немислар, испанлар томонидан эзилгани. Қайғу-ҳасратга ботган Сицилия! У ҳеч қачон озод бўлган эмас, одамлари ҳамиша оч, меҳнати ҳеч нарсага арзимас пулга чақилган, бу ерда ҳисобсиз қон тўкилган.

Шунинг учун энди ҳукуматга, қонунга, жамиятга – бирортасига ҳам ишонадиган сицилияликни топиб бўлмас, бу бўғинлар ёрдамида оддий сицилияликларни асрлар давомида юк ортиладиган ҳайвонларга ай-

лантирган эдилар. Гильяно бу воқеаларни узоқ йиллар мобайнида эшитган ва улар хотирасида маҳкам ўрнашиб қолган эди. Аммо ҳозир барчасини ўзгартириш кераклигини англади.

У Аспануга қаҳва келтиришган пайтда чекканини кўрди. Ҳатто мана шу дўстона учрашув чоғида ҳам лабларида кинояли кулгу ўйнаб турар эди. Гильяно ўзича у бирор нарсани ўйлаётгандир, кейинчалик айтиб берар деб кўнглидан ўтказди: аҳмоқ бўлиб ўзини полициячига рўбарў қилиб, отишига изн берди, сўнг қотилликни амалга оширди. Қонундан ташқарида қолгач, фақат ўшанда кадрдонларинг меҳр-муҳаббатларини бахшида этишади ва сени худди авлиё каби ҳурмат қилишади. Барибир Гильянони боғлаб турган ягона инсон шу Аспану эди.

Яна анови аёл Венера ҳам бор. Нега жафокаш она таклиф қилган ва у келган экан? Гильяно Венеранинг ҳамон мафтункор чехраси, кучли жуссаси, қора қошлари, тўқ қизил лабларига қаради, чироқнинг қуюқ ёруғидаги пардалари зич ёпилган деразалар манзарасида у олча рангида намоён бўлганди. Бу сицилияча шаклу шамойилсиз қора либос остида қадди-қомати қандай эканлигини айтиш қийин эди.

Тури Гильянонинг тўртта йўл кесишган чорраҳада рўй берган отишма тўғрисида уларга оқизмай-томизмай айтиб беришига тўғри келди.

Ниҳоят, Гектор Адонис Турини қутқариш бўйича ўзининг режасини баён этди.

Ўлган полициячининг оиласига бадал тўланади. Гильянонинг ота-онаси пулга эга бўлиши учун ернинг бир қисмидан воз кечишига тўғри келади. Адонис ҳам нимадир беради. Лекин буларнинг барига тўхтаб туришга тўғри келади, чунки қидирувлар тўхташи лозим.

Сўнг ҳукумат амалдорлари ҳамда ўлдирилган киши оиласига таъсир кўрсатиш учун дон Крочедан фойдаланиш керак. Хулласи калом, бу бахтсиз ҳодиса бўлган, холос. У томонда ҳам, бу томонда ҳам ҳеч қандай ёвуз фикр йўқ эди. Албатта, қурбон бўлганнинг оиласи ҳамда пешқадам ҳукумат амалдорлари шу йўлга рози бўлишса, бу позицияни маҳкам тутиш керак. Ягона мушкулот шундаки, қотиллик рўй берган жойда Турининг гувоҳномаси қолиб кетгани. Аммо бир йилдан сўнг дон Кроче шундай иш қиладики, у прокурорнинг ҳужжатлар тўпламидан бутунлай ғойиб бўлади. Энг асосийси, Тури Гильяно ана шу вақт давомида ҳеч қандай можароларга аралашмаслиги керак. У тоғларда кўринмай юриши зарур.

Тури Гильяно бу гапларни сабр-тоқат билан, кулимсираб, бошини тебратиб ва аччиқланганини сездирмай эшитди. Уларнинг бари уни икки ой бурун, festa байрами пайтида қандай бўлса, ҳалиям ўшандай ҳисоблар эдилар. Аммо отишма фақат Турининг тану жонини эмас, шу билан бирга онгини ҳам парчалаб кетганини билишмас, тасаввур ҳам қилишмасди. Гильяно энди ҳеч қачон улар билган ўсмир бўла олмайди.

Ҳозир у бу уйда хавф-хатардан холи. Ишонган одамлари кўчада, карабинерлар казармаси ортида кузатиб, вақтида огоҳлантириш учун қоровуллик қилишарди. Кўп асрлар муқаддам қурилган уй эса тошдан бунёд этилган, деразаси қалин тахта билан маҳкамлаб, тамбаланган. Ёғоч эшик ҳам темир лўкидонли бўлиб, мустаҳкам эди. Бу уйга озгина ёруғлик тушмас, бирор душман уни осонлик билан синдира олмасди. Лекин нима бўлганда ҳам, Тури Гильяно боши устида хавф-хатар турарди. Севимли одамлари уни одатий қолип-

га ҳайдаб киритишни истар, яна деҳқон бўлиб куро-
лини ташлаб, ватандошларига қарши кўтармаслиги
ҳамда уларнинг қонунлари қаршисида ҳимоясиз ту-
ришини хоҳлардилар. Шунда ҳаммадан кўпроқ севган
кишиларга нисбатан шафқатсизлик кўрсатишга тўғри
келишини англади.

– Ҳурматли чўқинтирган отам, – деб одоб билан
муружаат қилди у Гектор Адонис ва бошқаларга. –
Сизнинг каминани суйиб, ғамхўрлик ила гапираётган-
нингизни биладан. Аммо онажоним ва отам мени қи-
йин аҳволдан қутқариш учун ёрдам бериш мақсадида
ерларининг бир қисмидан маҳрум бўлиб қолишлари-
ни истамайман. Илтимос, ҳеч бирингиз мендан асло
ташвишланманг. Етарли даражада улғайдим ва хато-
камчиликларим тўғрисида ўзим жавоб бера оламан.
Ҳеч кимга мен отган карабинерга бадал тўлашига йўл
қўймайман. Эсингизда бўлсин, у мени бир бўлак но-
қонуний пишлоқ олиб кетаётганим учун ўлдирмоқчи
бўлди. Агар ўламан деб ҳисобламаганимда караби-
нерга ўқ узмасдим, ҳеч қачон. Ахир мен у билан фақат
орани очик қилишни истагандим. Аммо буларнинг
барчаси ўтмишда қолиб кетди. Келгуси сафар мени
отиш унчалик осон бўлмайди.

– Ҳар ҳолда тоғларда яшаш анча қизиқарли бўлади,
– деди Пишотта кинояли жилмаяр экан.

Аммо Гильянонинг онаси асло чекинмасди. Унинг
вахимага тушиб, порлаб турган кўзларида қўрқув
уя қурганини кўришди. Она умидсизликка берилиб
деди:

– Қароқчи бўлиб юрма тагин, камбағалларни тала-
магин, шусиз ҳам улар азоб тортмоқда. Қонундан қоч-
ма. Ана, Венера эри қандай ҳаёт кечирганини айтиб
беради сенга.

Венера бошини кўтариб Гильянога тик қаради. Унинг юзидаги ҳиссиёт Турини титратиб юборди. Гўё аёл эҳтиросларини кўзғатиб юборгандай бўлди. Аёлнинг кўзлари дадил боқар ва унга даъват этгандек қарар эди. Шу дақиқага қадар Гильянога бамисоли ёши катта оддий аёлдай кўринган эди, энди эса нимадир унга нисбатан ўзини тортаётганини ҳис этди.

Аёл хаяжонланганидан бўғиқ товушда гап бошлади:

– Сен боришни истаган тоғларда эрим худди қувғиндаги ваҳший ҳайвондай ҳаёт кечирди, – деди аёл. – Доимий қўрқув остида яшади. У овқатлана олмасди, ухлай олмасди. Тўшакда ётар экан, салгина шовқиндан чўчиб уйғонарди. Каравот ёнида пол устида ҳаммаша куроли турарди. Лекин бу эримга ёрдам бермади. Қизимиз касалланиб қолди, уни кўришга қарор қилди, улар эса кутиб туришарди. Эримнинг кўнгли юмшоқлигини билишарди. Кўчада итдек отиб ташлашди. Улар унинг тепасида тик туришар ва менга тиржайиб қарашарди. – Венера индамай қолди ва илова қилди. – Мен уни дафн этдим, бир ҳафтадан сўнг қизимни ҳам кўмдим. Уни ўпкаси шамоллаган дейишди. Аммо юраги дош бера олмаганини билардим. Ҳаммасидан ҳам кўпроқ тоққа, эримнинг олдига қандай борганим эсимда. У мудом совуқда яшар, совқотар, оч-наҳор юрар, кўп касалланарди. Яна ҳалол деҳқон бўлиш учун борини беришга тайёр эди. Аммо энг ёмони, юраги худди зайтун данагидек қаттиқлашиб қолди. У одам бўлишни тўхтатди гўё, майли, ётган жойи тинч бўлсин илоҳим. Шундай экан, азизим Тури, бунчалик мағрур бўлмаслик керак. Биз кулфатингга ёрдам берамиз, аммо эримнинг ўлими олдидаги аҳволига тушма.

Ҳамма жим турарди. Гильянонинг отаси рўзғор билан айро тутишга эътироз билдирмаслигини айтиб

минғирлаб қўйди – ҳеч бўлмаса эрталаб галалашиб чиқишади-ку. Гектор Адонис дастурхонга чимирилганча тикилиб қолди. Ҳеч ким бир оғиз гапирмасди.

Эшикнинг тез-тез тақиллаши жимликни бузиб юборди – бу кузатувчилардан бирининг сигнали эди. Пишотта ташқарига чиқди. Қайтиб кирди-ю, Гильянога қуролни олишга ишора қилди.

– Казармаларда карабинерлар чироқларини ёқишибди, – деди Пишотта. – У ерда, виа Белла томон чиқадиған жойда полиция фургонини қўйған. Бу уйга хужум қилишга тайёргарлик кўрилмоқда. – Сўнг бир оз жим қолди-ю, илова қилди: – Тезроқ хайрлашиш керак.

Ҳаммани Тури Гильянонинг қувғинликка тайёрланиш олдидан хотиржамлиги қойил қолдирди. Онаси уни қучоқлаш учун ташланди. Тури онасини опичлаб, бир қўлига курткасини олди. Қолганлар билан хайрлашиб, бир дақиқадан сўнг тайёр бўлди – куртка кийиб, елкасида милтиқни осган эди. Ҳаммага кулиб қарар экан, Пишоттага шундай деди:

– Сен қолишинг мумкин, тоққа кейин ортимдан борасан ёки мен билан бирга кетасанми?

Пिशотта индамай орқа эшик олдига борди-ю, уни очди. Гильяно онасини охириги марта қучоқлади, онаси уни қайноқ меҳр билан ўпди.

– Яширин, қизиққонлик қилиб бирор ишни орт-тирма. Сенга ёрдам беришимизга қўйиб бер, – аммо Тури унинг қўлидан сирғаниб чиқиб кетди.

Пिशотта олдинда дала орқали тоққа равона бўлган эди. Гильяно кескин ҳуштак чалди – Пишотта тўхтаб Турини кутиб турди. Тоққа борадиган йўл бўш эди: кузатувчилар у ерда полиция патруллари йўқлигини

айтишди. Тўрт соатдан сўнг улар Бьянканинг сунъий ғорига етиб бордилар. Фақат ғоят жасур ёки аҳмоқ одамлар қоронғилиқда уларнинг ортидан тушиши мумкин эди.

– Аспану, – деб сўради Гильяно, – гарнизонда қанча карабинер бор?

– Ўн иккита, – деди Пишотта. – Ва яна фельдфебель*.

Гильяно кулди.

– Ўн уч – бахтсиз рақам. Улар шунчалик кам бўлса, нега қочамиз? – У бир оз жим бўлиб қолди, сўнг деди: – Ортимдан юр.

Тури Монтелепрега яқин марказдан киришни мўлжаллаб дала орқали юрди. Улар виа Беллани кесиб ўтишди ва Гильянолар уйини хавфсиз қоронғи тор кўчадан кузатишди. Зулмат ичига беркиниб, кута бошладилар.

Орадан беш дақиқа ўтгач, виа Беллада жипнинг гуриллаган товуши эшитилди. Унда фельдфебель бошчилигида олти нафар карабинер ўтирарди. Улардан икки нафари орқа чиқиш эшигини тўсиш учун ён кўчага жадал етиб келди. Фельдфебель ва уч нафар аскар эшикка яқинлашиб, уни дўкиллатиб ура бошлади. Шу вақтнинг ўзида унча катта бўлмаган усти ёпиқ юк машинаси келиб, жипнинг орқасида тўхтади, ундан яна икки нафар карабинер тушди-да, милтиғини шай тутган ҳолда кўчани нишонга олиб тик турди.

Буларнинг барчасини Тури Гильяно қизиқиш билан кузатарди. Полициячилар ҳужум қилишда битта тахминни мўлжаллаган, унга кўра рақиб томон қар-

* Катта унтер-офицер.

ши ҳамла қила олмайди, вазиятдан чиқишнинг ягона йўли – устун бўлган кучдан қочиш. Шу лаҳзада Тури ўзи учун асосий хулосага келди: сени қўлга тушириш мақсадида ҳамла қилишса, ҳамиша қарши ҳужумга ўтиш керак; рақиб томон сендан қанчалик устун бўлмасин, аслида устун бўлса янада яхши, хуллас, бундан қатъи назар, ҳамла қилмоқ керак.

Бу Гильянонинг илк ҳарбий операцияси эди. У ҳайрон бўлди: агар қон тўкишга аҳд қилса, вазиятни назоратга олиш шунчалик осон кечар экан. Тўғри, Тури фельдфебель ва уч нафар аскарга ўқ уза олмайди, улар эшик олдида тургани учун ўқ уйга учиб кириши ва қариндош-уруғларни жароҳатлаши мумкин. Аммо кўчани кузатиб турган икки аскар ҳамда машинадаги ҳайдовчиларни дарҳол гумдон қилиш мумкин. Бу ишни фельдфебель ва аскарлари уйга кирган заҳоти амалга оширса бўлади. Улар у ердан чиқишга ботина олмайди, шу вақт ичида Пишотта билан биргаликда хотиржам дала орқали қочиб қолишади. Юк машинаси атрофидаги кўча охирида турган полициячиларга келганда эса шуни айтиш керакки, улар ҳаддан зиёд олисда, ҳисобга олмаса ҳам бўлади. Бу полициячилар буйруқ берилмаса кўчада юришмайди.

Аммо ҳозир Турида қон тўкиш учун ҳеч қанақа хоҳиш йўқ. Булар фақат мушоҳада юритиш, холос. Фельдфебель бундай вазиятда ўзини қандай тутишини кузатишни истади, чунки бундан сўнг келгусида у асосий рақиб бўлиб қолади.

Худди шу лаҳзада эшикни Гильянонинг отаси очди: фельдфебель қўполлик билан чолга ёпишди-ю, кўчага судраб чиқиб, шу ерда кутиб туришни буюрди.

Итальян карабинерлари фельдфебели миллий полиция таркибида ўрта даражадаги бошлиқлар ораси-

да энг юқори мартаба, амал ҳисобланади, одатда улар кичик шаҳарчаларда унча катта бўлмаган отрядга бошчилик қиладилар. Шунингдек, маҳаллий жамоа ўртасида ҳам катта нуфузга эга. Фельдфебелга худди мэр ёки қавм ибодатхонаси руҳонийси каби ҳурмат билан муносабатда бўлишади. Шу сабабли у Гильянонинг онаси йўлини тўсиб, полга нафрат билан тупуради, деб ўйламаган эди.

Уч нафар аскарига куч билан уйга бостириб кириш ҳамда Гильянонинг онаси томонидан ёғдирилган ҳақорат ва қарғишларга қарамай, у ерда тинтув ўтказишга тўғри келди. Ҳаммани сўроқ қилиш учун кўчага чақиришди. Қўшни уйлардан хотинлар ва эркекларни судраб чиқаришди, улар ҳам полициянинг пўстагини қоқиб, бошдан оёқ ҳақорат қилишарди.

Тинтув натижа бермагач, фельдфебель уй соҳибларини сўроқ қилишга ҳаракат қилди. Гильянонинг отаси аччиқланди.

– Нима, сен ўзининг ўғлини чақиб беради, деб ўйлаяпсанми? – сўради у фельдфебелдан ва кўчада турган оломон қичқириб, бу гапини маъқуллади.

Фельдфебель Гильянонинг оиласига тегишли одамларни уйига қайтарди.

Тор кўчанинг қоронғисида Пишотта Гильянога шундай деди:

– Яхшиям уларнинг бахтига онахоннинг қўлида қурол йўқ.

Тури индамади. Бутун қон унинг бошига қуйилгандай бўлди. Ўзини бутун куч билан тутиб турарди. Фельдфебель оломон орасидаги кишилардан бирини таёқ билан урди, бу одам Гильянонинг ота-онасига қилинган қўпол муносабатга қаршилик кўрсатишга журъат этган эди. Икки нафар бошқа карабинер

Монтелепре аҳолисини тутиб, уриб-тепиб, таёқ билан калтаклаб, одамларнинг кўрққани ва қаршилиқ кўрсатганига эътибор бермай, юк машинасига улоқтира бошлашди.

Тўсатдан карабинерлар йўлида тик турган якка эркак кўринди. У фельдфебелга ташланди. Ўқ ово-зи эшитилди ва эркак чорқирра тош терилган йўлга йиқилди. Уйлардан бирида аёл чинқириб юборди ва югуриб чиқиб, ўзини ўлдирилган жасад устига ташлади. Тури Гильяно аёлни таниди – бу оиласининг эски таниши бўлиб, доимо онасига пасхада пиширила-диган ширин нон келтирар эди.

Тури Пишоттанинг елкасига туртди ва шивирлади:

– Орқамдан юр, – у тор, сирпанчик кўчадан шаҳар-чанинг марказий майдони томонига қараб югуриб кетди.

– Сен нима балони ўйладинг? – деб қичқирди Пишотта ва дарҳол жим бўлди. Дафъатан Турининг ўй-фикри маъносини англаб етди. Қамокқа олинганлар-ни ортган юк машинаси Белла кўпригига борар, сўнг бурилиб, Баллампо казармасигача кетиши керак эди.

Ҳозирча Тури Гильяно ёндош кўчадан чопар экан, ўзини кўзга кўринмайдиган киши деб ҳис этарди. Рақиб унинг ўй-фикрларини хаёлига ҳам келтирмайди, ҳатто тасаввур ҳам қилмайди. Турини тоққа қочиб яширинади, деб ҳисоблашади. Уни ёввойи бир шоду хуррамлик қамраб олди. Майли, билиб қўйишсин, онасининг уйига бостириб кирганлар жазосиз қолмайди, келгуси сафар шундай қарорга келишда икки карра ўйлаб кўришга мажбур бўлишади. Энди совуқ-қонлиқ билан одам ўлдиришга журъат эта олишмайди. Турининг қўшнилари ва ота-онасини ҳурмат қилишга мажбур этади.

У майдоннинг узок бурчагида ягона фонар ёруғида Белла олдидаги қатновни тўсиб турган полициянинг ёпиқ машинасига кўзи тушди... Ён томондаги кўчага бурилди, бу йўналиш майдонда қад кўтарган черковнинг орқа кириш эшиги томон бошлаб борарди.

Пишотта унинг ортидан югурарди. Ичкари томонга кириб, меҳробни тўсиб турган жойдан сакраб ўтишди-ю, бир пайтлар руҳонийга хизмат қилган баланд супача олдида тўхташди. Куролни шай тутиб, тиз чўкишди-да, ноқулай тарзда чўқинишди. Сўнг қаддиларини ростлагач, катта дуб эшик томон қатор оралаб югуриб кетишди. Бу жойдан майдон яхши кўриниб турарди. У ерда милтиқни ўқлаш учун яна тиз чўкишди.

Белла йўлини тўсиб турган усти ёпиқ фургон орқага тисарилди. Сўнг қамоққа олинганларни ортган юк машинасини ортда қолдириб, майдонни бир айланди-ю, яна ўша кўчадан ортга қараб кетди. Ана шу пайт Гильяно черков эшигини очди ва Пишоттага буйруқ берди:

– Бошларидан ошириб ўқ уз.

Ўзи эса мотор ва ғилдиракни нишонга олиб, автомат-тўппончани ўқдан бўшатди. Майдон бирдан ёришиб кетди – мотор портлаб фургонни аланга қоплади. Икки нафар карабинер ваҳимага тушиб, олдинги ўриндикдан сакраб тушдилар, улар оёқ ва қўлларини қимирлатаётган кўғирчоқнинг нақ ўзига ўхшардилар.

Пишотта тутқунлар ортилган юк машинасининг кабинасига қараб ўқ узди. Тури Гильяно ҳайдовчининг қандай қилиб сакрагани ҳамда ерга ўзини ташлаб ётиб олганини кўриб турди. Куролланган карабинерлар сакраб туришди ва Пишотта яна ўқ узди. Иккинчи

полициячи йиқилди. Тури Пишоттага ўтирилиб уни сўкмоқчи бўлди, аммо тўсатдан пулемёт тариллаб, сурат солинган рангли ойнани тутдай тўкиб ташлади, черков полининг усти рангли шиша парчалари билан қопланди. Тури бунда авф этиш тўғрисида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмаслигини англади. Аспану ҳақ. Ёки уларни ўлдиришади ёки ўзлари ўлдирилади.

Гильяно Пишоттанинг қўлидан ушлаб, орқага черков орқали чопди, сўнг орқа эшикдан чиқиб, Монте-лепренинг қоронғи сирпанчиқ кўчаларидан югуриб кетишди. У тутқунларни бугун озод қилиб бўлмасликни англади. Улар шаҳарнинг ташқи деворлари орқали очик майдонга чиқиб олиб, хавфсиз ерга етиб боргунча югурдилар. Бу жой тоғ қояси, улкан оппоқ тошлар ораси эди. Улар Монте д'Оро чўққиларига етиб келишганида Каммарати тоғларида тонг отаётган эди.

Минг йиллар муқаддам бу ерда римлик легионерлар билан кураш олиб борган қўзғолончи қуллар яширинган. Ва ҳозир Тури Гильяно Монте д'Оро чўққисида турганча чарақлаб чиқаётган қуёшга қаради, худди ёш боладек душманлардан қочганидан шод-хуррам бўлди. У энди ҳеч қачон инсон зотига итоат этмайди. Ким яшаши, ким ўлиши керак, ана шуларни ҳал этади. Ва барча хатти-ҳаракатлари Сицилиянинг шон-шарафи ва озодлигига хизмат қилади, уларни зулмга эмас, балки эзгулик, яхшиликка ундайди. У фақат ҳақиқат учун курашади, камбағалларга ёрдам бериш мақсадида зарба беради. Курашларда ғалабага эришади ва жафокашларнинг меҳр-муҳаббатини қозонади.

Бу вақтда у йигирма ёшда эди.

Дон Кроче Мало Виллаба шаҳарчасида ирkit довлoқда туғилган, бу масканни бутун Сицилияда бой-бадавлат маконга айлантириб, шуҳрати-ни ёйишни ният қилган эди. Ҳеч бир киноясиз, ай-никса, сицилияликларга хос бўлмаган жиҳати шуки, у диндор оилада дунёга келган бўлиб, католик руҳонийси қилиб тайёрламоқчи эдилар. Дастлаб исми Крочефиссо эди, фақат энг тақводор ота-оналар болаларига шундай ном қўйишади. Озғин ўсмирлиги чоғлари диний томошаларда уни Исо Масиҳ ролини ўйнашга мажбур этишар, фариштадай кўринишга эга бўлгани боис, Пасхада ўтказиладиган бундай маросимларда шовқин-сурон билан қарсак чалиб олқишлар эдилар.

Аср бошида Кроче Мало вояга етиб, эркак сифатида кўзга ташланганидан сўнг маълум бўлдики, у фақат ўзининг ҳукмронлигини тан олар экан. Кроче контрабанда, фирибгарлик, ўғрилик билан шуғулланди ва ниҳоят бундан ташқари, ўз шаҳарчасидаги ёшгина қизни бадном қилди. Магдалина ролини ўйнаган бу қизга уйланишдан бош тортди, томоша пайтида диний жазавага тушгани, шунинг учун авф этилишга лoйиқ деб ҳисоблаш лозимлигини айтди.

Қизнинг оиласи бу изоҳни ҳаддан зиёд айёрлик деб баҳолади ва уйланиш ёки ўлимдан бирини танлашни талаб қилди. Кроче Мало мағрур одам эди, у номуси топталган қизга уйланмайди, шу боис тоғларга беркинди. Бир йил давомида йўлтўсарлик қилиб юриб, мафия билан алоқа ўрнатишга муваффақ бўлди.

Сицилиялик учун мафиянинг бирор бир кирдикорини ҳокимиятдагиларга етказишдан оғир жиноят

йўқ. Шу боис одамлар лом-мим дейишмайди. Бу жим-лик omerta* деб юритила бошланди.

Кейинги юз йиллар мобайнида Сицилияни мафия идора қилиб келди, унинг пайдо бўлиши шунчалик шаффоф, шу қадар кўринмас эдики, ҳокимият ҳеч қачон таъсир кўламини охиригача тушуна олмади. Иккинчи жаҳон урушигача Сицилияда «мафия» сўзини овоз чиқариб айтишмаган.

Дон Кроче тоққа қочганидан сўнг, орадан беш йил ўтгач, «омилкор одам» сифатида танилди. Яъни кимнидир ими-жимида, шовқин кўтармай гумдон қиладиган киши сифатида маълум бўлди. У муайян тадбирлар қабул қилиниб, Палермодан тахминан қирқ километр узоқда жойлашган ўзининг қадрдон Виллаба шаҳарчасига қайтишга муваффақ бўлганида ҳам «ҳурматли» одамлигича қолаверди. Кроченинг қайтишига сабаб бўлган шартлардан бири номусини топтаган қизнинг оиласига бадал тўлаши билан боғлиқ эди. Шармисорликни беркитиш учун ҳомиладор қизни аллақачон Америкадаги қариндошлари ҳузурига ёш бева сифатида жўнатиб юборишганди. Аммо оила ҳаммасини эслар эди. Аҳир, улар, хулласи калом, сицилияликлар эди-да. Хавфли қотил, шафқатсиз фирибгар, даҳшатли қўрқув соладиган «Дўстларнинг дўсти» аъзоси Дон Кроче – мазкур сифатларнинг барчаси шарманда бўлган оиладан асрашига унинг кўзи етмасди. Хонадон ор-номуси топталган, агар товон тўланмаса, оқибати қандай бўлишидан қатъи назар, дон Крочени ўлдиришга мажбур эди.

Сахийлик ҳамда ҳисоб-китоб асосида иш тутган Кроче Мало «дон» унвонини олишга муваффақ бўл-

* Сукут сақлаш қонуни, шунингдек, мафиянинг «ор-номус кодекси» ҳам шу атама билан юритилади.

ди. Вақт ўтиб ёши қирққа етганда, у «Дўстлар»нинг энг муътабар дўсти ҳисобланарди. Крочени рақобатлашаётган мафия оилалари ўртасида юзага келган чигал масалаларни ҳал этиш учун чақиришар, қонли интиқом олиш билан боғлиқ ишларни бостираар эди. У мулоҳазакор, ақлли, туғма дипломат эди ва ҳаммасидан муҳими, қонни кўриб, ҳушидан кетмас, бир туки «қилт» этмасди. Бу одам Сицилия мафиясида «дунё дони» деган ном олди, гумонсираган кишилар дадиллик билан йўлдан суриб ташланди ва дон Кроче бадавлат одамга айланди. Акаси Бенъямино эса Палермо кардинали котиби бўлиб олди. Табаррук сувдан кўра қон қуюқ, у ҳаммадан кўра дон Крочега садоқатли эди.

Кроче уйланди, ўғил фарзанд туғилди, боласини авайлади. Дастлаб эҳтиёткор эмас эди, кейинчалик шундай ҳолга етди. Унчалик сипо эмас, вазият тақозосига кўра шу даражага эришиб, бутун Сицилия ҳамда Рим жамиятининг юқори доираларида ҳам қизиқиш билан қарайдиган бўлишди, шу тариқа танилди.

«Дўстлар» орасида маълум мавқега эришган дон Кроче яқиндагина катта маблағ эвазига дворян ёрлигини олган ва томирларидаги қизил қон мовийга айланган калондимоғ оиладан уйланди. Дон билан бир неча йил яшаган аёл унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатмай яшашда давом этди. Табиийки, бунга нуқта қўйиш лозим, лекин ноодатий усуллар билан адо этишга тўғри келади. Аёлнинг томирларидаги мовий қон унинг оддий деҳқонча хатти-ҳаракатларига нисбатан нафрат кўзгатар, одати бўйича индамас, гапиришга тўғри келганида аниқ сўзламасди. Дон кийим-кечакларни пала-партиш кийса ёки ҳамма нарсага ўз ҳукмини ўтказишга уринса, аёл бепарво эди. Хоним Кроче унинг

қўлини сўрагандан сўнг барча хушторлари бирдан ўзини тортган кунни асло унутмасди.

Албатта, аёл ўзининг ҳурматсизлигини очикдан-очик айта олмасди. Ахир бу ер Англия ёки Америка эмас, балки Сицилия. Аммо доннинг қўнгли ниҳоятда сезгир эди. Кўп ўтмай хотини ўзи юрадиган ерни улугламаслигини пайқади, бу эса ҳурматсизликни билдирарди. Аёли бир умр унга ўзини бағишлашга эришиш учун бутун диққат-эътиборини ишга қаратишга қарор қилди. Керакли томонга ўзгарадиган ақли муаммоларни ҳал этишга киришди ва, ҳатто Макиавеллининг* нақ ўзига муносиб режани ўйлаб топди.

Италия қироли ўз қавмлари билан учрашиш учун Сицилияга келишга қарор қилди, шундай бўлди ҳам. Барча сицилияликлар Рим ҳукуматидан нафратланар ва мафиядан қўрқарди. Аммо монархияни севишди...

Қирол Сицилияга келган биринчи якшанба куни улкан Палермо ибодатхонасига ибодат қилиш учун жўнади. Унинг қадимий аслзода уруғлардан бири меросхўр шахзода Оллортога чўқинтирган ота бўлишига тўғри келди. Қирол бунга қадар юзлаб зотлар – маршаллар, фашистлар партиясидаги анча таъсири катта одамларнинг фарзандларига чўқинтирган ота бўлган эди. Қирол чўқинтирган ўғиллар беихтиёр тарзда гвардиячига айланар, бу шуҳратга эришганининг шохиди сифатида улар тасма ва ёрлиқ олишарди. Шу билан мўъжазгина кумуш қадахга эга ҳам бўлардилар.

Дон Кроче тайёргарлик кўра бошлади. Байрамдаги оломон орасида унинг уч юзга яқин одами бор эди. Акаси Беньямино тантана пайтида хизматга сафарбар қилинган руҳонийлардан бири эди. Шахзода Оллор-

* Никколо Макиавелли (1469 – 1527) – италиялик мутафаккир, файласуф, ёзувчи, сиёсий арбоб.

тони чўқинтиришди ва мағрур папа ибодатхонадан қўлида болани кўтарганча музаффар киши сифатида чиқди. Оломон таҳсин ўқиб қичқирди.

Шу лаҳзада дон Кроче одамлари ибодатхонага ҳам-ла қилиб кириб олишди-ю, қирол чиқадиған йўлни бутунлай тўсиб қўйишди. Қиролнинг жуссаси кичкина, тепакал, аммо мўйловлари қалин киши эди. Эғнида тумтароқли гвардия формаси бўлиб, уни худди ўйинчоқ аскарга ўхшатиб юборганди. Қирол ўзининг ҳаддан зиёд дабдабали қиёфасига қарамай, фавқулодда хушмуомала киши эди. Шу сабабли Беньямино ота унинг қўлига йўргакланган болани узатганида, эсанкираб қолди, аммо эътироз билдирмади. Дон Кроче кўрсатмасига мувофиқ, одамлар қиролни мулозимлар ҳамда хизматни ўтаётган Палермо кардиналидан ажратиб қўйишганди, шунинг учун улар аралаша олишмади. Беньямино ота дарров гўдакка муборак сув пуркади, сўнг болани қиролнинг қўлидан дарҳол олди-ю, дон Крочега узатди. Дон Кроченинг хотини қирол олдиға тиз чўкиб, бахтиёрликдан йиғлаб юборди. Қирол энди якка-ю ягона ўғлининг чўқинтирган отаси бўлган эди. Аёл бундан ортиғини орзу қила олмасди.

Дон Крочени ёғ босиб семириб кетди ва ёноқ суяк-лари бўртиб чиққан юзида икки улкан қизил дарахт парчасини эслатувчи лунжлар пайдо бўлди, бурни катта тумшукқа ўхшаб қолди. Жингалак сочлари кулранг тиканли сим эди гўё. Танаси энига қараб кенгайди, киприклари устидаги қовоқлари худди мохдек осилиб турарди. Хукми тобора килолаб ошаркан, ниҳоят у нақ ҳайкалнинг ўзига ўхшаб қолди. Крочеда гўёки ҳеч қандай инсоний ожизлик йўқдек: у на ғазабланар, на макр-ҳийлани намоён этарди. Ташқи томондан қараганда вақти чоғ кўринар, ҳеч қачон меҳр-муҳабба-

тини билдирмасди. У зиммасига оғир юк тушганини англар, шу боис кўрқуви ҳақида хотини билан баҳам кўриб гапиришни лозим кўрмасди. Ўзини Сицилиянинг ҳақиқий қироли деб ҳисобларди. Аммо унинг меросхўр ўғли диний ва ижтимоий ислохотларнинг ғалати хасталиги билан касалланди-ю, Амазонкадаги ёввойи ҳиндуларнинг ақл-фаросатини ўрганиш учун Бразилияга жўнаб кетди. Дон бундан шу қадар уялдики, бошқа ҳеч қачон ўғлининг номини тилга олмади.

Муссолини кучая бошлаганида, дон Кроче унчалик ташвишланмади. Уни диққат билан кузатди ва бу одам айёрликка ҳам, мардонаворликка ҳам эга эмас, деган хулосага келди. Шундай одам Италияни идора қилаётган экан, демак, дон Кроче Сицилияни бошқариши мумкин. Кейин эса бахтсизлик рўй берди.

Муссолини ўзининг анчайин ишонган вазири Чезаре Морини чекланмаган ваколатлар билан Сицилияга жўнатди. У префект, яъни полиция бошлиғи вазифасида эди. Мори ишини Сицилиядаги барча суд идораларининг ишини тўхтатишдан бошлади ҳамда сицилияликларнинг барча ҳақ-хуқуқлари устидан чиқиқ тортди. У Сицилияни аскарларга тўлдириб юборди. Уларга дастлаб отиб ташлаш, кейин саволлар бериш буюрилган эди. Мори бутун-бутун қишлоқларни авахтага тиқиб, кўчириб юборарди.

Италияда диктатура ўрнатилгунча ўлим жазоси йўқ эди, мафия билан солиштирганда, давлат номувофиқ даражага келиб қолган, мажбур этишнинг ягона қуроли сифатида қотилликдан фойдаланарди. Мори префектни бошқарган пайтда ҳаммаси ўзгариб кетди. Иш юритадиган мафиячилар, ҳатто casetta ҳаракатда бўлиб, отиш билан шуғулланганида ҳам omerta қонунини қўллаб индамасди. Фитначилар деб аталган

кишиларни Ўрта Ер денгизидаги ажратиб ташланган кичик оролларга сургун қилишди. Бир йил ўтгач, Сицилияда бирорта сардор кўринмай қолди, мафия эса ҳукмрон куч сифатида йўқ қилинди.

Дон Крочега кўпроқ демократик тартиблар ёқар, фашистик хатти-ҳаракатлардан ғазабланар эди. Фашистлар яна cassetta усулини қўллай бошлашди. Бу ўрта асрларга хос қийноқ азоби даҳшатли қутидан иборат бўлиб, узунлиги йигирма метр, эни эса саксон сантиметр эди. Ундан қайсарлик қилган кишиларни жазолашда фойдаланишган. Ҳатто энг ашаддий, учига чиққан мафиячилар ҳам casettани қўллашганда тилини тишлаб қолган...

Дон Кроче худди улкан кит мисоли Сицилиянинг яширин иш юритувчи лойқа сувларига шўнғиб кетгандай бўлди. У аббат Монфредиди паноҳи остида францискан роҳиби қиёфасига кирди-ю, ибодатхонага кўчиб ўтди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганида, Муссолини Сицилияга унчалик эътибор бера олмади. Дон Кроче дарҳол бу вазиятдан фойдаланиб қолди, сездирмай «Дўстлар»нинг қолган-қутган аъзолари билан алоқа ўрнатишга киришди, эски, содиқ мафиячиларга, Пантеллерия ва Стромболи кичик оролларида қувғин қилинган кишиларга руҳлантирувчи мактублар жўнатди. Префект Мори қармоққа ташлаган мафия сардорларининг оилаларига алоҳида эътибор берди.

Дон Кроче ягона умид – иттифоқчилар ғалабаси эканлигини билар, шундай экан, бутун кучларни унга сафарбар этиш керак. Кроче яширин иш олиб борадиган партизан гуруҳлари билан алоқа боғлади ва одамларига уриб туширилган иттифоқчиларнинг учувчиларига ёрдам бериш бўйича топшириқлар берди.

Шундай экан, ҳал қилувчи соатларда дон Кроче шай бўлиб турди.

Америка армияси 1943 йил июль ойида Сицилияга кирганида дон Кроче уларга ёрдам қўлини чўзди. Ахир бу армияда сицилиялик биродарлар, муҳожирларнинг фарзандлари бўлмаслиги мумкинмиди? Наҳотки немислар учун сицилиялик сицилиялик билан урушга киришса? Дон Кроченинг одамлари минглаб италияликларни армияни ташлаб қочиш, мафия тайёрлаб қўйган пана жойларга яширинишга ишонтиришга муваффақ бўлди. Дон Кроченинг шахсан ўзи Америка армиясининг махфий агентлари билан алоқа ўрнатди ва ҳужумга ўтаётган аскарларни тоғлардаги жойлардан қулай тарзда ўтказди. Шу тариқа оғир немис қуроллари ҳамда истехкомларидан четлаб ўтишга муваффақ бўлишди. Ўша пайтда инглиз аскарлари оролнинг бошқа чеккасида оғир йўқотишлар ва қийинчилик эвазига олдинга қадам ташлаган бўлса, Америка армияси зиммасидаги вазифани анча барвақт ҳамда унча катта бўлмаган йўқотиш билан адо этди.

Дон Кроче ўша пайтда олтмиш беш ёшларга кирган бўлса-да, шахсан ўзи мафиячи партизанлар отрядини Палермога бошлаб келди, шаҳар мудофаасига қўмондонлик қилган немис генералини ўғирлашга муваффақ бўлди. У ўзининг асири билан америкаликлар армияси фронтини ёриб ўтиб, шаҳарга кирмагунча яшириниб турди. Жанубий Италиядаги америкаликлар қўмондони Вашингтонга йўллаган шошилиноч-номаларида дон Крочени «генерал Мафия» деб тилга олган эди. Кейинги ойларда ҳам штаб зобитлари уни шу тарзда тилга олишди.

Сицилияда америкалик ҳарбий губернатор полковник Альфонсо Ла Понто эди. У Нью-Жерси штати-

нинг бўлажак сиёсий арбоби сифатида дарҳол ҳарбий унвонга сазовор бўлиб, шу лавозим учун махсус тайёргарликдан ўтди. Понтонинг қимматли сифатлари хушмуомалалиги ҳамда сиёсий билимларни ниҳоясига етказиш маҳорати эди. Зобитларни шу жиҳатларига қараб, штаб офицерлари сифатида ўз комендатурасига танлаганди. Унинг штаби йигирмата зобит ва эллик нафар оддий аскардан иборат бўлиб, аксарияти италияликлар эди. Дон Кроче барчасини бир тану бир жон ака-укалардек самимий муҳаббат ила яхши кўрар, ихлос ва рағбат билан муносабатда бўларди. Дўстлари орасида уларни баъзан «Исо Масихнинг мўминтойлари» деб атар эди.

Полковник Ла Панто дон Крочени фақат дўсти ва бош маслаҳатчиси этибгина танламади. Полковник унинг хузурига овқатлангани келар, хуш кўрган таомларини тановул қилиб, беғам гаплашиб ўтирарди.

Ҳал қилиш лозим бўлган дастлабки муаммо Сицилиянинг барча шаҳарларида янги шаҳар бошлиқлари – мэрларни тайинлаш масаласи эди. Дон Кроче турмага тушган мафия сардорларини тавсия қилди. Махсус хужжатларда фашистик ҳукумат уларни қамоқхоналарда қийнагани, давлат тинчлиги учун курашганига қарамай, қўйилган айблар атайлаб ўйлаб топилгани қайд этилган эди. Дон Кроче балиқ ва спагеттидан хотини тайёрлаган лаззатли таомларни дастурхонга тортар экан, дўстлари – барча қотиллар ва ўғрилар – демократик тамойилларга мувофиқ адолат ва озодлик йўлида ўз эътиқодларидан қайтганлари хусусида хайратланарли воқеаларни гапириб берди. Полковник фуқаролик жамоасини бошқаришни унинг қўл остида амалга ошириш учун идеал одамларни шунчалик тез топгани учун ўзида йўқ хурсанд бўлди. Мана, бир

ой мобайнида Ғарбий Сицилиянинг кўплаб мэрлари учига чиққан босқинчилардан тайинландики, бундайларни фақат фашист қамоқхоналаридан ахтариб топиш мумкин эди.

Ва улар америкаликлар армиясида берилиб ишладилар. Тартибни сақлаб туриш учун кам сонли истилочи аскарларни қолдиришга қарор қилинди. Ҳозирча қитъада уруш давом этаётган экан, америкаликлар армияси ортида бирорта бузғунчилик ёки жосуслик ҳолатлари юз бермади. Қора бозорда савдо қуйи даражага келтирилди. Полковник тегишли нишонга сазовор бўлиб, бригада генераллигига ўтказилди.

Дон Кроче мафияси аъзолари – мэрлар фавқулодда шафқатсизлик билан контрабандага қарши қонунларни ҳаётга татбиқ эта бошлашди. Карабинерлар тиним билмай йўллар ҳамда тоғларга чиқиш жойларида қўриқчилик қилишарди. Ҳаммаси худди илгариги даврлардагидек давом этар эди. Дон Кроче унисига ҳам, бунисига ҳам буйруқ берарди. Ҳукумат назоратчилари саркаш деҳқонлар расмий белгиланган нарх остида бугдой, зайтун ва узумларни давлат омборларига топшириш устидан қатъий назорат ўрнатдилар. Кейин бу маҳсулотлар карточкалар асосида, табиийки, Сицилия аҳолисига бериларди. Шундай тартиб асосида тақсимлаш лозим эди. Ва дон Кроче америкаликларнинг армия юк машиналарини сўраб, булар ёрдамида Палермо, Монреал ва Трапани, Сиракузи, Катани ва ҳатто қитъадаги Неаполнинг оч аҳолисига озиқ-овқатни ётказди. Америкаликлар дон Кроченинг тезкорлигига қойил қолишди ва Қўшма Штатлар қуроли кучлари олдидаги хизматлари учун миннатдорчилик сифатида уни ёрлик билан мукофотлашди.

Лекин дон Кроче бу миннатдорчиликни ҳазм қила олмади, ҳатто ёрликни ўқишни уддаламади, чунки саводсиз эди. Полковник Ла Панто тез-тез унинг елкасига қоқиб қўяр, аммо бу дон Кроченинг улкан қорнини асло тўлдира олмасди. Ва, мана, америкаликларнинг миннатдорчилиги ёки сахийлиги учун худо томонидан кўрсатилган марҳаматга қаноатланмай, дон Кроче инсоният ҳамда демократия йўлидаги кўп сонли фаолияти ўзига яраша тақдирланиши керак, деган қарорга келди. Ва америкалик юк машиналари ҳайдовчилари билан бирга оғзигача юкка лик тўлдирилиб, полковник имзоси қўйилган расмий рухсатномалар билан таъминланиб, дон Кроче кўрсатган мутлақо бошқа манзилларга қараб равона бўларди. Уларни Монте-лепре, Виллабе ва Партиникода жойлашган доннинг омборларига бўшатишарди. Шундан сўнг дон Кроче ва сафдошлари молни расмий нархидан беш – ўн баробар ошириб, баланд баҳоларда пуллар эдилар. Бу дон Кроченинг янги туғилаётган мафия раҳбарлари билан алоқаларини мустаҳкамлашга ёрдам берди. Зеро, дон Кроче очкўзликни инсоннинг энг йирик ожизликларидан бири деб ҳисоблар, шу боис жону дили билан ўз даромадларини баҳам кўрарди.

Унинг хотамтойлиги ҳаддан ортиқ даражада эди. Полковник Ла Панто Крочедан антик ҳайкаллар, суратлар ҳамда қадимий зеб-зийнат безакларидан иборат таҳсинга сазовор мукофотлар олиб турарди. Бу донга мамнунлик бағишлар эди. Америка ҳарбий комендатурасининг зобит ва аскарлари унинг учун шунчаки фарзандлари ҳисобида бўлиб, болаларни суйиб эркаловчи ҳар қандай меҳрибон падар каби уларнинг қўлини совғалар билан тўлдириб ташларди. Ва улар, кўпчилиги Сицилиядан келиб чиққан эмас-

ми, итальян характери ва маданиятини яхши билгани учун унга ҳам ана шундай меҳр-муҳаббат ила жавоб қайтаришар, яъни тўлашар эди. Улар асло тўсиққа ўрин қолдирмайдиган рухсатномалар ёзиб беришар, айниқса, дон Крочега мўлжалланган юк машиналарига эътибор қаратар эдилар. Дон Кроче ташкил этган зиёфатларда қатнашар, нозикниҳол сицилиялик қизлар билан танишар, Сицилияга хос бўлган об-ҳаво, севги-муҳаббат ва ҳароратдан баҳраманд бўлардилар. Сицилия оилаларига қабул қилинганлари, танишбилишларни ёшлиқдан билган бўлсалар, таом билан зиёфат қилишар, уларнинг кўпчилиги мафиячиларнинг қизларига уйланади.

Дон Кроче олдинги ҳукмронлигини тиклаш учун ҳамма нарсани тайёрлаб қўйган эди. Бутун Сицилия бўйлаб мафия сардорлари унинг олдида қарздор. Кроче барча артезиан қудуқларни назорат қилар, сувни мўмай даромадлар келтирадиган нархда сотишарди. У озиқ-овқат савдоси устидан танҳо ҳукуқ ўрнатди: ҳар бир мева пештахтаси, ҳар бир гўшт дўкони, ҳар бир кафе, ҳатто кўчадаги саёқ муסיқачиларга ўлпон белгилаб қўйди. Модомики, бензиннинг ягона манбаи Америка армияси экан, у бу ишни ҳам назорати остига олди. Шунингдек, кўплаб зодагон мулкларига бошқарувчи қўйди ва вақти-вақти билан бу ерларни арзон нархда сотиб олишга ҳаракат қилди. Унинг ҳукмронлик ўрнатиш йўли Муссолини Италияни қўлга киритган пайтида рўй берган эди, холос. Кроче яна бой-бадавлат бўлишга қарор қилди. Яқин йиллар ичида, нақдда айтилганидек, Сицилияни ўзининг зайтун мойини сиқиб чиқарадиган тахтакачидан ўтказади.

Дон Крочени фақат бир ташвиш безовта қиларди. Унинг ўғли яхшилик қилишдек ғалати истак остида

бутунлай эсини еб қўйди. Акаси Беньямино ота оила қура олмайди. Доннинг ўз империясини васият қилиб қолдиришга арзирли қариндош-уруғлари йўқ. Яқин кишилари орасида содиқ, ёш, жангари одами топилмайди. Қани бўлса-ю, агар бахмал қўлқоп кор қилмай, темир қўлқоп кийиб, нима керак бўлса шунга эришарди. Доннинг одамлари аллақачондан бери ёш Сальваторе Гильянога эътибор беришган, аббат Манфреди эса донга керакли киши айнан шу эканлигини тасдиқлади. Ва бутун Сицилия бўйлаб бу йигитнинг келиб чиқиши тўғрисида турли-туман овозалар тарқалди. Дон муаммони шу ҳал этишини ҳис этди.

Саккизинчи бўлим

Тури Гильяно ва Аспану Пишотта Монтелепредан қочгандан сўнг Монте д'Ородаги ғор ортида тезоқар дарёда чўмилишди. Улар қуролни тик қоя чеккасига қўйиб, адёлни ерга ёйишди-да, қизғиш тонг отар пайтидан баҳраманд бўлишмоқчи бўлишди.

Бьянка ғори чуқур бўлиб, тепасигача тоғ жинси бўлаклари билан қопланган эди. Тури ва Аспану бу туннелни ёшликда ўйнаб юрганларида топишган. У қарама-қарши томондаги тоққа қадар чўзилган эди. Бу ерости йўлини Исо Масихдан олдин Спартак аскарлари қазиган эди.

Аспану қуролни тозалаётганида Тури тепада туриб шаҳарни кузатди. Кўзига дурбин тутмай, қора нуқталарга нигоҳи тушди – улар одамлар бўлиб, шаҳардан қайтган ва ўзларига ажратилган ер майдонида ишлаш билан банд эдилар. У ўзининг уйини ахтариб топишга уринди. Анча вақтдан буён Аспану билан бирга уй-

нинг томига Сицилия ҳамда америкаликлар байроғини ўрнатган эдилар. Бу тантик, ўйинқароқ болаларни ватанпарвар деб аташган, аслида эса уларни мазкур ишга ундагани – тоғ тепасига чиққанларида уйлари-ни кўриш истаги эди.

У туйқус ўн йил аввал бўлиб ўтган бир воқеани эс-лади. Фашист ҳукуматидагилар Гильянонинг уйи то-монидан америкаликлар байроғини олишни буюрди. Болалар шу қадар ғазабландиларки, ҳар иккаласини – Америка, Сицилия байроқларини ҳам олиб ташла-дилар. Сўнг уни ўзларининг махфий яширинадиган жойлари – Бьянка ғорига олиб бориб, қояларнинг бири остига кўмиб қўйишди.

– Сўқмоққа қараб қўй, – деди Гильяно Пишоттага ва ўзи ғорга қараб йўл олди.

Байроқ кўмилган жойга якка-дукам, мажмагил яшил-қора ўсимлик ўсиб ётарди. Гильяно даставвал этиги билан топтаб кўрди, сўнг унча катта бўлмаган тошни худди белкурак каби ишлатди. Бир неча дақи-қадан сўнг байроқларни қазиб олди. Америка байроғи чирик латтага айланган, Сицилияники эса Америка байроғига ўралгани боис бус-бутун эди. Гильяно уни авайлаб очди – алвон ва олтинранг, худди болаликда-ги каби ялтирайди. Ҳеч жойида тешиги йўқ.

– Буни эсладингми, Аспану? – деб сўради кулиб Пи-шоттадан.

Пишотта байроққа тикилиб қолди. У ҳам кулди, аммо бир оз ҳаяжонланди. Сўнг сакраб Гильянонинг қўлидан байроқни олди ва осилиб турган қоятош че-тига чикди-ю, уни шаҳарчага қарата силкитди. Улар бир-бирини сўзсиз тушунишарди. Гильяно қоятош қиррасида ўсиб турган ёш ниҳолни синдириб олди. Сўнг чуқур кавлаб, новдани тикди-да, тошлар билан

атрофини маҳкамлади, токи бутун дунёга кўринсин. Кейин икковлон осилган қоятош чеккасига ўтириб кута бошлашди.

Фақат пешинга яқин нимагадир кўзлари тушди – у эшак минган ёлғиз одам бўлиб, чанг тупроқли сўқмоқ бўйлаб қоятош томон келарди.

Бир соатга яқин кузатишди, эшак тоққа яқинлашгач, сўқмоқдан юқорига кўтарила бошлади. Пишотта кичкириб юборди:

– Вах, жин урсин, эшакдаги кичкина одамни қара. Бу ахир, чўқинтирган отанг-ку.

Гильяно Пишоттанинг товушидаги ижирғаниш оҳангини сизди. Хушбичим, башанг кийимли, қомати расо Пишотта жисмоний майиб-мажруҳликдан кўрқарди. У ўзининг заиф, тош босмайдиган вазни, баъзида қонаб турадиган лабларини ёмон кўрар, улар ҳаётига хавф туғдиришидан эмас, балки гўзаллигига рахна солишидан аччиқланар эди. Сицилияликлар одамларнинг жисмоний нуқсонига қараб лақаб тақар, ҳатто бир куни Пишоттани ошнаси «енгил қоғоз» деган эди. Ўшанда Пишотта унга ўткир пичоқ билан ташланиб ўлдириб қўйишига сал қолган. Гильяно куч билан бу қотилликнинг олдини олишга муваффақ бўлди.

Гильяно қоятошдан бир неча чақирим пастга қараб югурди ва улкан тош ортига беркинди. У Адонис сўқмоқ бўйлаб яқинига келгунича сабр қилиб турди-ю, сўнг қоятош ортидан югуриб чиқиб:

– Тўхта! – деб буйруқ берди.

Ва қурол ўқталди.

Адонис секин ўгирилди, танасини қўл ҳаракати билан беркитиб, тўппончасини суғурди. Гильяно эса кулиб қоятош ортидан чиқди, қуёш нурида яроғининг тиғи ялтирар эди.

– Чўқинтирган ота, сизмидингиз? – қичқирди Гильяно ва Адонис тўппончасини яна белидаги ғилофга солгунча сабр қилиб турди. У юк халтани елкасидан олди. Гильяно қуролини тушириб, яширинган жойидан чиқди.

Профессор эшакдан сакраб тушди ва улар кучоқлаб кўришдилар. Сўнг осилган қоятош томонга қараб йўл олишди. Эшакни Гильяно етаклади.

– Шундай қилиб, навқирон дўстим, сен ортингдаги барча кўприкларни ёқиб юборибсан-да, – деди Гектор Адонис жарангдор профессор овозида. – Кечаги тунда яна иккита полициячи ҳалок бўлди. Бу эса ҳазилакам иш эмас.

Улар қоятош олдига келишди. Пишотта Адонис билан кўришди ва шундай деди:

– Мен Сицилия байроғини кўрганим заҳоти сизларнинг бу ерда эканингизни англадим. Уни бутун шаҳар, жумладан, карабинерлар фельдфебели ҳам кўрди. Олиб ташлаш учун бу ерга, албатта, келади.

Адонис эшакка ортилган халтани очди. Гильянога каттакон дурбин, дори-дармон қутиси, тоза кўйлак, ички кийим, тўқилган свитер, отасининг соқол қирадиган асбоб-ускунаси ва олти бўлак совун берди.

– Бу ерда керак бўлиб қолади, – деди у.

Гильянони, айниқса, дала дурбини хушнуд қилди.

Донадор пишлоқнинг катта бўлаги ва қалампир билан, бўлка нон, иккита юмалоқ пирог, аниқроғи, ноннинг орасига солинган қовурилган гўшт ҳамда тухум билан зеб берилган қат-қат мазорелла пишлоғи яхшилаб пиширилган ва алоҳида ўралган эди.

– Пирогларни Венера берди, – деди Адонис. – Эрим тоғларда яшириниб юрганида доимо шуларни тайёрлаб юборардим, деди. Битта пирогни бир ҳафта тано-вул қилиб юриш мумкин.

– Улар қанча кўп турса, шунчалик лаззатли бўлади,
– деди шумлик билан кулимсираб Пишотта.

Йигитлар ўт устига ўтириб, ўзларига нон бўлак-
лаб олишди. Пишотта пишлоқни япроқлаб кесди. Ўт
устида қурт-қумурсқалар изғир эди, шу боис халта-
чани гранит қоя устига қўйишди. Мусаффо булоқ су-
видан ичдилар, у бор-йўғи эллик одим нарида шар-
қираб оқиб ётарди. Кейин дам олиш учун жойлашиб
ўтирдилар, қоятошдан ҳамма томонни кўриш мум-
кин эди.

Гектор Адонис хўрсинди.

– Ишингиздан мамнун бўлсангиз ҳам одамнинг
юраги ачийди, ахир бу ҳазил гап эмас. Агар сизларни
тутиб олишса, отиб ташлашади.

– Мен ҳам уларни тутиб олсам, отиб ташлайман, –
деди охиста Гильяно.

Бу гап Гектор Адонисни титратиб юборди. Демак,
авф этиш тўғрисида ҳеч қанақа умид йўқ.

– Шошилма, – деди у. – Сен ҳали ёш боласан.

Гильяно Адонисга узоқ тикилди.

– Мени бир бўлак пишлоқ учун отишганида етар-
ли даражада вояга етган эдим. Наҳотки, мени қочади
деб ўйлагансиз? Оиламизни оч-наҳор қолдирарми-
дим? Наҳотки мен сизни овқат келтириш, ўзимни тоғ-
да дам олишга йўл қўйиб берган бўлсам? Марҳамат,
мени ўлдириш учун келишсин, ўшанда уларни ўлди-
раман. Сиз-чи, азиз чўқинтирган отам, болалигимда
Сицилиянинг шўрпешана деҳқони тўғрисида гапириб
бермаганмидингиз? Уларни Рим ва солиқчилар, бой-
бадавлат кишилар нақадар азоблайди, меҳнатимизга
арзимас ҳақ беришади. Монтелепре майдонига икки
юздан ортиқ аҳоли билан бирга борганимизда, биз-
ни ҳайвондан бадтар хўрлашди. Эрталабдан юз лира,

истасангиз шу, бўлмаса йўқ, дейишди. Сальваторее Гильяно эмас экан, Сицилияни ким озод қилади?

Гектор Адонис ҳақиқатан ташвишга тушиб қолди. Қонундан ташқари бўлиш ёмон, аммо исён кўтариш янада хатарли.

– Буларнинг барчаси адабиёт учун яхши, – деди у. – Ҳаётда сен қабрга тезроқ кирасан, – бир оз жим туриб, қўшиб қўйди: – Ўтган тундаги хатти-ҳаракатинг нимага олиб келди? Қўшниларинг ҳануз ҳибсда ўтиришибди.

– Мен уларни озод қиламан, – хотиржам оҳангда сўзлади Гильяно ва чўқинтирган отанинг юзида ҳайрат аломатларини кўрди. Ваҳоланки унга Адониснинг маъқулловчи сўзи, тушуниши, ёрдами керак. Демак, Адонис Гильянони ҳамон раҳмдил қишлоқ йигити деб ҳисоблар экан.

– Менинг қай даражага етганимни сиз англашингиз керак.

У индамади. Ўйлаб турган гапларини қандай ифодаласин? Чўқинтирган ота манмансираб кетган деб ҳисобламайдими? Шунга қарамай гапини давом эттирди:

– Мен ўлишдан қўрқмайман, – Гильяно Гектор Адонисга, унинг кулгисини болаликдан яхши кўрган кишига жилмайиб қаради. – Тўғри, бунга ўзим ҳам ҳайрон қоламан. Аммо мени ўлдиришади, деб қўрқмайман. Бу мумкин эмасдек кўринади.

У баланд овозда кулиб юборди.

– На зирҳланган машиналар, на пулемёт, на Рим, на карабинерлар! Ҳеч қайсидан қўрқмайман. Уларни бартараф этаман. Сицилия тоғлари қароқчиларга лиқ тўла. Пассатемпо ва унинг отряди бор. Терранова. Улар Римга чақириқ билан ташланади. Ўшалар ни-майки қилса, мен ҳам шу ишга қодирман.

Гектор Адонис ҳайратланиш билан бирга безовта ҳам эди. Гильянонинг жароҳатлари миясига шикаст етказдимикан? Лекин Адонис бепарво оҳангда деди:

– Терранова ва Пассатемпони унут. Уларни ҳибсга олишган, ҳозир Беллампо казармаси қамоқхоналарида ётибди. Бир неча кундан кейин Палермога жўнатишади.

– Мен уларни чиқариб оламан, – деди Гильяно, – ва умид қиламанки, бунинг учун миннатдор бўлишади.

– Миннатдор бўлишади дейсанми? – сўради Гектор Адонис. – Пассатемпо унга биринчи эшакни совға қилган амакингни ўлдирган-ку!

– Демак, мен унга миннатдорчилик нималигини тушунтириб қўяман, – деди Гильяно.

Сўнг бир лаҳза жим бўлиб қолди.

– Энди эса мен сиздан қарз сўрамоқчиман. Яхшилаб ўйланг, агар бош тортсангиз ҳам барибир чўқинтирган отам бўлиб қолаверасиз! Ота-онамнинг энг яхши дўсти эканлигингиз ҳамда менга бутунлай боғланиб қолганингизни эсдан чиқаринг. Менга севишни ўргатган эдингиз, Сицилия номидан илтимос қиламан, марҳаматингизни дариғ тутманг. Палермода менинг кўзим ва қулоғим бўлиб қолинг.

– Демак, мендан, Палермо университети профессоридан сўраяпсан, – деди Адонис. – Мен қароқчилар отрядинг аъзоси бўлишим керак.

– Бу «Дўстларнинг дўсти» билан ҳар томондан боғланган Сицилия учун унчалик ғалати иш эмас, – деди тоқатсизланиб Пишотта. – Тарих ва адабиёт профессори Сицилиядан бошқа қаерда тўппонча тақиб юради?

Гектор Адонис жавобни ўйлаб, ёш йигитларга қаради. У ёрдам беришни айтиб осонгина ваъда қилиши,

сўнг ваъдасини унутиб юбориши мумкин. Шунингдек, рад этиб, вақт-вақти билан бутунгидек дўстона ёрдам ваъда қилса бўлади. Охир оқибатда бу комедия узоқ чидаш бера олмайди. Гильянони олишувда ўлдиришлари ёки сотишлари мумкин. У Америкага муҳожир бўлиб кетиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ва бутун муаммо ҳал бўлади, деб алам билан ўйлади у...

Пишоттанинг кинояли кулгиси Гектор Адониснинг фикр-ўйларини бўлиб юборди.

– Илтимос, профессор, рози бўлинг. Мен Гильяно отрядида командир ўринбосариман, аммо буйруқ берадиган ҳеч кимим йўқ, – у мийиғида кулди. – Мен кичигидан бошлашга тайёрман.

Гарчи Адонис бу гап оҳангига берилмаган бўлса-да, Гильянонинг кўзлари ғазабдан чақнар эди. Аммо хотиржам ҳолатда:

– Хўш, нима дейсиз? – деб сўради.

– Ҳа, – деди Гектор Адонис. – Чўқинтирган ота нима деб жавоб бера оларди.

Шунда Гильяно Монтелепредан қайтишда нима иш қилиши кераклигини айтди ва келгуси кун режасини белгилади. Адонис ёш йигитнинг мардлиги ҳамда шафқатсизлигидан қаттиқ таъсирланди. Гильяно уни эшакка миндириб қўяр экан, энгашиб чўқинтирган отасини ўпди.

Пишотта ва Гильяно Адониснинг Монтелепрега элтувчи сўқмоқдан эниб кетаётганини кузатиб туришди.

– Сен менинг акамсан, – деди Гильяно. – Буни ёдингда тут.

Кўрпага ўралиб олишди ва ухлаб қолишди – бу уларнинг ном-нишонсизликдаги охирги туни эди.

Тури Гильяно ва Аспану Пишотта тонг отмасдан ўринларидан туришди, чунки карабинерлар қоронғида келиб, қуёшнинг дастлабки нурлари кўринган заҳоти уларга ҳамла қилишлари эҳтимолдан холи эмас эди. Оқшом олдидан улар Палермодан Беллампо казармасига карабинерлар зич ўтирган иккита жип бўлган зирҳли автомобиль келганини кўришганди. Тунда Гильяно бир неча бор пастга тушиб қулоқ тутди: ўзлари ётган қоятошга ҳеч ким йўламадимикан – Пишотта масхара қиладиган эҳтиёткорлиги эди бу.

– Биз ўзимизни фойдали одатларга ўргатишимиз керак, – деди Тури Гильяно. У ниҳоятда кучли рақиб билан тўқнашув юз берадиган кун келишини биларди.

Тури ва Пишотта Аспану анча тер тўкишди – улар қуроолларни адёл устида териб чиқиб, бошдан-оёқ кўздан кечиришди. Сўнг Венеранинг пироғидан бир оз тановул қилиб, Гектор Адонис қолдирган сувдондан шароб ичишди. Бу эса ёш ниҳоллар, буталар ҳамда тошлардан қоя атрофини тўсишда куч-қувват берди. Улар дурбин ёрдамида шаҳарча ва тоғ сўқмоқларини кузатиш имкониятига эга бўлишарди. Гильяно қуроолни ўқлаб, ўқлар солинган қутичани нимчасининг чўнтагига солиб қўйди, Пишотта эса ҳамон кузатиш билан банд эди. Гильяно эҳтиёткорлик билан секин ҳаракат қиларди. Қуроолларни ўзи ерга кўмиб, устига катта тошларни териб қўйди. Бундай майда-чуйда ишларни ҳеч кимга ишониб бўлмасди.

Зирҳли автомобиль Беллампо казармасидан жўнаганини биринчи бўлиб Пишотта пайқади.

– Сен ҳақсан, – деди у, – машина биздан Кастеламаре текислигига қараб ҳаракатланяпти.

Улар бир-бирларига қараб жилмайишди. Зирҳли автомобиль йўл бурилган жойда ғойиб бўлади, сўнг қайрилиб уларнинг қоялари томон тоғнинг ортидан ўрмалай бошлайди. Ҳукуматдагилар туннель тўғрисида билишади, иккови қочишда шундан фойдаланиб, тўғридан-тўғри зирҳли машинага сапчийди, деб ҳисоблашса керак. Пулемётларни ҳам инобатга олишган.

Орадан бир соат ўтгач, карабинерлар уларни яксон қилиш учун Монте д'Оро қоя тошлари томон ёппасига ҳужум бошлайдилар. Яхшиям, полиция Гиляно ва Пишоттани ёввойи ўсмир, шунчаки қароқчи деб ҳисоблайди. Баланд қоятош тепасига илиб қўйилган Сицилиянинг алвон олтинранг байроғи уларнинг сурбетлигидан гувоҳлик беради, деб ўйласа керак полиция.

Бир соатдан сўнг Беллампо казармаси дарвозасидан аскарлар билан юк машинаси, фельдфебель Роккофино ўтирган жип йўлга тушди. Иккала автомобиль ҳам шошмасдан Монте д'Оро этакларига борди ва одамларни туширди. Ўн икки нафар карабинер қўлларида милтиқ тутганча тепаликка элтувчи тор сўқмоқлар бўйлаб тарқаб кетишди. Фельдфебель Роккофино уқали фуражасини ечиб, тепада ҳилпираб турган алвон-олтинранг байроқ тарафга қараб силкитди.

Тури Гиляно буларнинг ҳаммасини ўзлари қурган тўсиқ ортидан дурбин орқали кузатиб турарди. У тоғ орқасидаги зирҳли машина тўғрисида бир лаҳза ташвишланиб ўйлади. Борди-ю аскарларни қарама-қарши томондан туширишса нима бўлади? Қоятошга келиш учун бир соат кифоя қилмайди. Тури бу ўйларни хаёлидан чиқариб ташлаб, Пишоттага деди:

– Аспану, агар биз ўзимиз ўйлагандек ақлли эмас эканмиз, кечқурун уйга борсак бўлмайдами? Онала-

римиз хузурида спагетти тановул қилсак-чи, худди ёшлик чоғимиздагига ўхшаб?

Пишотта кулиб юборди.

– Биз ҳеч қачон уйга боришни истамасдик, эсинг-дами? Аммо тан олиш керак, ҳозир қаерга боришни билиш қизикроқ. Иккита-учтасини ўлдираимизми?

– Йўқ, – деди Гильяно. – Бошидан ошириб от.

У Пишотта икки кеча олдин қандай ҳаракат қилганини эслади. Кейин деди:

– Кулоқ сол, Аспану, қарагин. Уларни ўлдиришнинг нима кераги бор? Шу сафар бунинг фойдаси йўқ.

Улар сабр қилиб яна бир соатни ўтказишди. Сўнг Гильяно ўзининг сочма ўқ отадиган милтиғини шохшаббали тўсиқ орасидан олиб, икки марта ўқ узди. Қизик, ўзига ишониб, бир қатор бўлган аскарлар дарҳол тарқалиб, бамисоли чигирткалар каби ўтлар орасида ғойиб бўлишди. Пишотта тўрт марта ўқ узди. Қоянинг турли жойларида тутунли булут пайдо бўлди – бу карабинерларнинг ўт очишга берган жавоби эди.

Гильяно сочма милтиқни қўйиб, дурбинни қўлига олди. У фельдфебель сержант билан бирга сигналлар узатиладиган қурилмага уринаётганини кўрди. Улар тоғнинг нариги томонида турган зирҳли машина билан алоқага киришиб, босқинчилар ҳадемай йўлга тушиши ҳақида огоҳлантирдилар. Гильяно сочма қуролли орқали икки марта ўқ узди, кейин Пишоттага деди:

– Энди кетиш керак.

Улар яқинлашаётган карабинерлар кўрмаслиги учун қоятошнинг нариги тарафига ўтишди. Сўнг қўлларидаги қуролни қўймасдан пастга тушдилар, аниқроғи, қиррали тошлар қопланган қияликдан эллик метрлар чамаси сирпаниб эндилар ва фақат шундан кейин оёққа турдилар. Энгашганча пастга қараб чоп-

дилар. Гильяно ҳамла қилаётганларга дурбиндан қараши учун бир дақиқага тўхташди, холос.

Карабинерлар ҳамон осилиб турган қоятошга қарата ўқ узишар, таъқиб қилган иккови шундоқ ёнларида эканлигини хаёлларига ҳам келтиришмасди. Гильяно кичик, унчалик кўзга кўринмайдиган сўқмоқ бўйлаб олдинга чопиб кетди, баланд тошлардан паналаб-паналаб, ниҳоят мўъжаз ўрмончага бориб қолди. Бир неча дақиқа нафасини ростлаб олгач, енгил ва чаққон тарзда сўқмоқ орқали пастга қараб югуришди. Камида бир соатлардан сўнг улар тоғдан Монтелепре шаҳарчасини ажратиб турадиган далада пайдо бўлдилар. Кейин нариги томонга йўл олишди; энди шаҳарча улар билан аскарларни ортиб келган юк автомобилининг ўртасида эди. Гильяно ва Пишотта қуролларини кийимлари остида яшириб, гўё ишга бораётган икки деҳқон каби дара оралаб кетишди. Улар Монтелепрега виа Белла томонидан, Беллампо казармасидан бор-йўғи юз одим наридан кириб келишди.

Айнан шу пайтда фельдфебель Роккофино ўз аскарларига байроқ илинган тик қояга чиқишга буйруқ берди. Қарши томондан бир соатдан буён ўқ отилмас, шунинг учун у босқинчилар туннель томонга қочган-у, энди зирҳли автомобиль томондаги тоғдан пастга тушади, деб ишонган эди. У рақибларини қопқонга туширишни ўйларди. Аскарлар тик қоя четига етиб бориб байроқни йиртиб ташлагунларича яна бир соат ўтди. Фельдфебель Роккофино ғорга кирди ва тунеллни очиш учун катта юмалоқ тошларни олиб ташлашни буюрди. У аскарларни тош йўлак орқали юборар экан, қоя тошнинг нариги томонидаги зирҳли автомобиль олдига боришни буюрди.

Ўлжа қўлдан чиқиб кетганини англагач, ларзага тушди. Сўнг аскарларини душманларни излайдиган ҳамда разведка қилувчи гуруҳларга бўлди. Фельдфебель таъқиб қилинувчиларни яширинган жойидан сиқиб чиқаришга ишонган эди.

Гектор Адонис Гильянонинг топшириғини пухта бажарди. Виа Белланинг бошланишида бўялган арава турар, унинг ички томонини ҳам, ташқи томонини ҳам, ҳар бир сантиметрини кўҳна афсоналардан олинган кўринишлар акс этган расмлар қоплаган эди. Ҳатто ғилдирак кегайлари ва чамбаракларида ҳам кичкина совут қийган аскар шакллари чизилган, ғилдирак айланганида урушаётган аскарлар манзараси юзага келарди. Арава шотиси ҳам очиқ қизил жимжимадор бўлиб, кумуш нуқталар билан зийнатланган эди.

Араванинг ўзи бошдан-оёқ баданига турли-туман нақш солинган одамга ўхшар эди. Унинг шотиси қарахт олпоқ хачирга тиркалган. Гильяно ирғиб аравакашнинг ўрнига ўтирди-ю, аравага назар ташлади. У бамбук саватчаларга солинган катта-катта вино шишалари билан лик тўла эди. Камида йигирма дона. Гильяно ўзининг сочма милтиғини уларнинг ўртасига қўйди. Тоғларга назар ташлади; у ерда ҳамон осилиб турган байроқдан бошқа ҳеч вақо кўринмасди. Гильяно Пишоттага қараб мийиғида кулиб қўйди.

– Ҳаммаси жойида, – деди у. – Ана энди кичкина бир томоша кўрсат-чи.

Пишотта қўлининг учини шапкасига тегизди-да, тўппонча кўринмаслиги учун курткасининг тутмасини ўтказди ва Беллампонинг казармаси томон йўл олди. Йўл-йўлакай Кастеламмарга элтувчи йўлга қаради ва зирҳли машина ҳали тоғдан қайтмаганига ишонч ҳосил қилди.

Тури Гильяно извошчи ўриндиғида ўтириб, Пишоттанинг ҳаракатларини кузатарди. Сўнг виа Белланинг ён томонига назар ташлади. Ўзининг уйига кўзи тушди, аммо унинг олдида ҳеч ким йўқ эди. Ҳеч бўлмаса онасини бир лаҳза кўрмоқчи эди. Уйлардан бири олдида, балкон соясида қандайдир эркаклар стол атрофида ўтиришарди. Бирдан Тури бўйнида осилиб турган дурбинни эслаб қолди-ю, уни аравадаги юкларнинг энг тагига ташлади.

Дарвоза ёнида ўн саккиз ёшлар чамасидаги ёш карабинер турарди. Қизил ҳамда мўй чиқмаган юзи уни Италиянинг шимолий қишлоқларидан эканини билдириб турарди. Оғзида сигарета.

Соқчи ўзининг олдида тарбия кўрмаган қишлоқини кўрди, бу тўпори ўзига ярашган мўйловларини ўстириб ҳам юборибди тагин.

– Эй сен, ношуд, – деди у қўполлик билан, – қаёққа кетяпсан?

Соқчи елкасидаги милтиқни олмади ҳам. Пишотта уни шундоққина бўғизлаши мумкин эди.

Бунинг ўрнига Пишотта ўзида қулларча итоатгўйликни намоиш этиб, калондимоғ ўсмир устидан кулмасликка ҳаракат қилди.

– Илтимос, – деди у. – фельдфебелни кўрмоқчи эдим. Менда зарур маълумот бор.

– Менга айтишинг мумкин, – деди соқчи.

Шунда Пишотта ўзини ҳеч тута олмади.

– Сен менга ҳақини тўлай оласанми? – деди заҳархандалик билан.

Соқчи бундай сурбетликдан довдираб қолди. Сўнг нафрат ва айни пайтда эҳтиёткорлик билан жавоб берди:

– Сен менга, ҳатто Исо Масиҳнинг келганини айтсанг ҳам бир лира тўламайман.

Пишотта кулимсиради:

– Ундай бўлса, янада яхши. Сизларнинг бурнингизни пачоқ қилган Тури Гильяно яна қаерда пайдо бўлганини биламан.

– Бу сицилиялик қачондан бери одил судга ёрдам беради, жин ургур мамлакатда? – шубҳаланиб сўради соқчи.

Пишотта тобора унга яқин келди.

– Менинг бир орзум бор, – деди у. – Карабинерлар сафига ўтиш учун ариза бердим. Келгуси ҳафтада Палермога имтиҳон топширишга бораман. Ким билсин, биз яқинда ана шундай либос киярмиз.

Соқчи Пишоттага дўстона ва қизиқиш билан қаради. Ҳақиқатан кўпгина сицилияликлар полициячи бўлиб олишган. Камбағалликдан, ҳукуматдан сал бўлса-да қутулиш учун...

Оммабоп ҳазил сицилияликлар ё жиноятчи, ёки полициячи эканлигини билдирар эди. Аммо икки томон ҳам бир-бирига зарар етказарди.

– Яхшилаб ўйлаб кўр, – деди соқчи ширин лукмани ҳар қандай кишига беришни истамай. – Ойлик оз, агар контрабандачилардан пора олмасак, очликдан ўлиб кетган бўлардик. Фақат мана шу ҳафтада лаънати Гильяно бизнинг казармадан икки кишини, дўстларимни ўлдирди. Деҳқонларингиз қанақа сурбет-а, ҳатто сартарошхонага борадиган йўлни ҳам кўрсатишмайди.

– Биз *bastinado** ёрдамида уларга яхши одатларни ўргатамиз, – қувноқ оҳангда деди Пишотта.

* Ўрта асрлардаги тан жазоси: таёқ ёки юпқа тахта билан маҳкумнинг орқаси, думбаси ёки оёқлари тагига уриш.

Ва гўё аллақачон қуролдош бўлганларидек табиий бир ҳолатда сўради:

– Сенда сигарета топиладими?

Пишоттани қувонтирган соқчининг кўтаринки кайфияти дарҳол ғойиб бўлди. У бирдан қизишиб кетди.

– Сенга сигаретами? – ишонмай сўради у. – Жин урсин, нима учун Сицилия такасалтангига сигарета бера эканман? – Ва соқчи елкасидаги милтиғини олди.

Пишоттанинг бир лаҳза ичида қони қайнаб, соқчига ташланиб бўғзига пичоқ тортиб юбориш истагини ҳис этди.

– Мен Гильянони қаердан топишни айта оламан, – деди у. – Тоғдан ахтараётган ошналаринг ҳаддан зиёд аҳмоқ, улар ҳатто калтакесакни ҳам топа олмайди.

Соқчи анча эсанкираб қолди. Бундай сурбетлик уни довдиратиб қўйди. Ҳозирги маълумотни, яхшиси, бошлиқлар билан маслаҳатлашган маъқул. Бу йигит хатарли, унга кўп нохушликлар олиб келиши мумкинлигини ҳис этди. Аскар дарвозани очиб, Пишоттага милтиғи билан ишора қилиб, кириши мумкинлигини кўрсатди. Ўзи эса кўчага тескари қараб тик турди. Шу лаҳзада юз метрлар нарида турган Гильяно хачирни қамчилаб, тош йўлдан аравасини дарвозага қараб бурди.

Белламо казармаси ҳудуди тўрт акрни эгаллаган. Унда Г – шаклидаги маъмурий бино жойлашган бўлиб, қанот томонида қамоқхона камералари бор эди. Ортидаги карабинерлар яшайдиган уйлар нисбатан анча катта, юзга яқин аскар жойлашар, махсус қисм билан фельдфебелнинг шахсий данғиллама уйлари ажратиб қўйилганди. Ўнг томонда машиналар учун гараж бўлиб, илгари омбор сифатида ишлатилган, қисман ҳозир ҳам шундайлигича қолган, чунки қисм-

да хачирлар ва эшаклар отари сақланар, машиналар юрмайдиган тоғ йўлларида улардан фойдаланар эдилар.

Орқа томонда чуқурликда қурол-аслаҳалар саройи ҳамда озиқ-овқат сақланадиган жой бор. Бутун ҳудуд баланд девор билан ўралган бўлиб, тепаси тиканли симдан иборат. Соқчилар учун иккита баланд минора барпо этилган, аммо бир неча ойлардан буён бўшаб ётарди. Казармалар Муссолини даврида қурилган, сўнг мафияга қарши уруш учун кенгайтирилган эди.

Дарвозадан ичкарига кирган Пишотта хавф-хатар йўқлигини билиш мақсадида атрофга қаради. Миноралар бўм-бўш, соқчилар кўринмасди. Буларнинг бари худди ташландиқ фермага ўхшаб кетарди. Гаражда машиналар йўқ; улар ҳеч қаерда кўринмасди. Бу ҳол уни ҳайрон қолдирди, улардан бирортаси ҳадемай келиб қолмасмикан, деб ўйлади. Гарнизонни автомобилсиз қолдирган фельдфебель қанчалик нодон экан. Турини огоҳлантириш керак, унинг олдида тўсатдан кутилмаган ташриф буюрувчилар бориб қолиши мумкин.

Пिशотта ёш соқчи ёрдамида маъмурий бинонинг кенг эшигига кирди. У шифтида вентилятор айланиб турган улкан хонага қадам ташлади. Улар иссиқ ҳароратни тушира олмасди. Хонада катта стол савлат тўкиб турарди. Девор ёнидаги панжаралар ортида амалдорлар учун кичикроқ столлар ҳамда ўриндиқлар қўйилган. Атроф бутунлай бўм-бўш, фақат баланд стол ортида бутунлай бошқача қадди-қоматли, соқчидан ҳам ёш карабинер капрал ўтирарди. Стол устидаги олтин ҳал берилган тахтакачда: «капрал Канпо Сильвестро» деб ёзилган эди. Унинг елкалари кенг ва йўғон, бўйни худди калласи каби гирдиғум бўлиб, юмалоқ тошни

эслатар эди. Кулоғидан тортиб токи тош каби қотган улкан иягигача қизил тиртиқ чўзилган. Узун қалин мўйлови лаби устида икки қора қанотдек осилиб турарди.

Сильвестронинг енгида капрал унвонини кўрсатувчи белги, белидаги камарида тўппонча осилган. Энг хавотирли жиҳати шуки, у соқчи гап нимада эканлигини гапириб бераётганида, Пишоттага шубҳа ва ишончсизлик билан қараб турди. Ниҳоят капрал гапира бошлагач, лаҳжасидан маълум бўлдики, у сицилиялик экан.

– Сен сафсата тарқатувчи такасалтангсан, – деди у Пишоттага.

Бирдан дераза ортидан Гильянонинг товуши янгради:

– Эй, карабинерлар, вино ичмайсизларми? Ҳами ёки йўқ?

Пишотта ғоят хурсанд бўлди: Гильянонинг гапириш оҳанги қўпол, аммо шундай сўзлардики, бу қишлоқдан ташқарида яшаган киши унинг нима деётганини англамас, гап-сўзлари ҳамма ишни дўндириб қўйган деҳқонни эслатарди. Капрал аччиқланганидан қичқириб юборди:

– Ё Худойим, бу йигит нима деб бақиряпти? – ва катта қадамлар ташлаб бинодан ташқарига чиқди.

Соқчи ва Пишотта унинг ортидан эргашишди.

Бўялган арава ва хачир дарвоза олдида турарди. Белигача яланғоч, кўкраклари терлаб кетган Гильяно кўлида вино шишасини ушлаб олган, у тебранарди. Юзида аҳмоқона кулги! Кўриниши ҳеч қандай шубҳа уйғотмасди. Ростдан ҳам унинг қуроли йўқ, маст ҳолда Сицилиянинг энг содда лаҳжасида гапирарди. Капрал тўппончасини пастга туширди, соқчи ҳам милтигини

ёнига қўйди. Пишотта куролини курткаси тагидан чиқаришга шайланиб, ортга бир қадам тисланди.

– Менинг аравам тўла вино сизлар учун, – яна бақирди Гильяно. Ва бармоқлари билан бурнини қоқди.

– Винони ким буюрган эди? – сўради капрал. Аммо ўзи дарвоза томон йўл олди. Гильяно унинг дарвозани катта очиб, аравани ичкарига олиб киришини билди.

– Отам буни фельдфебелга беришни буюрган, – деди Гильяно кўзини қисиб.

Капрал Гильянога тикилиб қолди. Вино, сўзсиз, бирорта деҳқоннинг контрабанда билан бир оз шуғулланиши учун ҳуқуқни қўлга киритиш илинжида юборган совғаси бўлса керак. Капрал ҳақиқий сицилиячи сифатида отаси винони ўзи келтириб, совға учун миннатдорчилик сўзларини эшитмоғи, ким совға юборганини билишлари керак эди, деб ўйлади. Аммо елкасини қисиб қўйди, холос.

– Молни тушириб, казармага олиб кир.

– Фақат мен эмас, мен қилмайман.

Капрални яна гумон қамраб олди. Қандайдир ғайритабиий сезги уни огоҳлантиргандай бўлди. Буни тушуниб, англаб етган Гильяно аравадан тушди, яшириб қўйган қуролини суғуриб олиши енгил кўчиши учун шундай қилди. Сўнг вино солинган бамбук саватини баланд кўтариб деди:

– Бундай гўзаллардан сизлар учун яна йигирмата-си бор.

Капрал казарма томонга қараб бақирди ва у ердан икки нафар ёш карабинер тутмалари ечилган ва фуражкасиз ҳолда югуриб келди. Улар қуролсиз эди. Гильяно арава устида туриб, уларга виноли шишаларни узатди. Битта шишани милтиқли соқчига қистирди, у монелик қилмоқчи эди, қўполлик билан ҳазиллашди:

– Албатта, ичасан-ку, шундай экан, ишлагин-да.

Энди уч карабинернинг ҳар бири қўлида бир шишадан вино олиб, сафдан чиққанида Гильяно вазиятни баҳолади. Ҳамма иш худди у ўйлагандек рўй берди. Пишотта қўли банд бўлмаган ягона ҳарбий – капралнинг ортида турди. Гильяно Кастеламморе йўлига қаради: ҳеч қандай зирҳли машина кўринмайди. Белла кўприги устида болалар ҳамон ўйнаш билан овора. У энгашиб, қуролини олди ва гангиб қолган капралга силтади. Аскарларга ўқталди. Шу лаҳзада Пишотта кўйлагининг остидан тўппончани чиқарди ва капралнинг елкасига тиради.

– Қимирлама, – деди у, – акс ҳолда чиройли мўйловингни қўрғошин билан қириб ташлайман.

Гильяно эсанкираб қолган уч нафар аскарни нишонга олди.

– Ана шундай, – деди у, – қўлда шишаларни тутган ҳолда бинога қараб юрамиз.

Соқчи милтиғини тушириб юборди. Пишотта уни тезда эгаллади. Бино ичида Гильяно тахтакачни олди-ю, завқу-шақ билан деди:

– Капрал Канио Сильвестро. Марҳамат қилиб калитларни беринг.

Капралнинг қўли тўппонча устида турарди, у Гильянога ғазаланиб қаради. Пишотта қўли билан капрални олдинга қараб туртди ва қуролни суғуриб олди. Капрал бурилиб, синовчан совуқ назар ташлади, нигоҳи ҳаддан зиёд мудҳиш эди. Пишотта кулди.

– Кечирасиз.

Капрал Гильянога бурилиб қаради.

– Болам, – деди у, – бу ердан актёрликка бора қол, сендан яхши артист чиқади. Аммо бошқа бундай қилма, тирик чиқмайсан. Фельдфебель аскарлари билан

кеч тушгунча қайтади ва сени дунёнинг нариги чекка-сига бўлса ҳам қувиб боришади. Яхшилаб ўйлаб кўр, навқирон дўстим, қонунга бўйсунмасликнинг оқибати ёмон бўлади, сенинг бошинг учун мукофот эълон қилинган, ахир. Мен ўзим ортингдан ахтаришга тушаман, ҳеч қачон башарангни унутмайман. Сенинг исмингни билиб оламан-у, дўзахдан бўлса ҳам топаман.

Гильяно капралга кулиб қаради. Нима учунлиги номаълум, аммо бу одам унга ёқиб қолди.

– Исмин керак бўлса, нега сўрамайсан? – деди Гильяно.

Капрал унга жирканиб қаради:

– Сен телбалардай айтармидинг?

– Мен ҳеч қачон алдамайман, – жавоб берди у. – Мени Гильяно дейишади.

Капрал тўппончани олиш учун ташланди, аммо Пишотта уни аллақачон тортиб олган эди. Беихтиёр кўрсатган қарши хатти-ҳаракати билан бу одам Гильянога янада кўпроқ ёқди. Капрал ботир, унда масъулият ҳисси бор. Қолган аскарлар бутунлай даҳшатли қўрқув ичида қолишганди. Уларнинг учта ўртоғини ўлдирган Сальваторе Гильяно наҳотки шу бўлса? Энди буларни тирик қолдирмаслигига бирор қафолат борми?

Капрал Гильянога диққат билан тикилди, унинг юзини эслаб қолишга уринди, сўнг аста-секин эҳтиёткорлик билан бурилиб, стол ғаладонидан бир шода қилиб боғланган калитларни олди-ю, уларнинг олди-га ташлади. Гильяно қуролни унинг елкасига тираб, калитларни Пишоттага ташлади:

– Қамоқдагиларни озод қил! – деди у.

Маъмурий бинонинг қамоқхона қанотидаги катта панжара урилган камерада Монтелепренинг ўн нафар аҳолиси ўтирар, улар Гильяно қочган тунда ҳибс-

га олинганди. Кичик камералардан бирида маҳаллий босқинчилардан энг машҳурлари – Пассатемпо ва Терранова бор эди. Пишотта камера эшикларини очди ва ҳаммалари завқ-шавқ билан унинг ортидан эргашдилар.

Монтелепренинг қамоққа олинган аҳолиси – Гильянонинг қўни-қўшнилари идорани тўлдириб унинг атрофини ўраб олишди. Улар фельдфебель bastinado, яъни қаттиқ қийнаб, кейин қўйиб юбориш кераклигини буюргани, капрал жазолашга қатъий равишда қаршилиқ кўрсатгани, чунки бу аҳолининг норозилигини кучайтириб юбориши мумкинлиги ҳамда казарма хавфсизлигини таҳдид остига қолдириши тўғрисида айтганини гапириб беришди. Бунинг ўрнига эртага эрталаб уларни Палермога, сўроқ қилиш учун полиция маҳкамасига юбориш назарда тутилган экан.

Гильяно атрофини ўраган одамларнинг бирортасига ўқ тегиб кетмаслиги учун куролининг учини пастга қаратди. Уларнинг ҳаммаси ундан катта, Гильянони ёшлигидан яхши билишарди. Бу одамлар билан гаплашар экан, сўзларни танлаб ишлатарди.

– Сизлар мен билан бирга тоққа боришларинг мумкин, – деди у. – Ёки Сицилиянинг бошқа жойига, қариндош-уруғингизникига йўл олсангиз ҳам бўлади. Унгача ҳукуматнинг ақли кириб қолади.

Гильяно кутар, бироқ ҳаммалари жим эди. Икки босқинчи – Пассатемпо ва Терранова бошқалардан четда ажралган ҳолда туришарди. Уларнинг асаблари таранг ҳолга келгани, охирги даражага етгани билинар, гўё сакрашга тайёрдай эдилар. Пассатемпо – гирдиғум, пакана, калтабақай, одамни жиркантириб юборадиган даражада бадбашара бўлиб, юзини қалин чечак изи босган, дўрдайган лабларидан сўлаги оқиб

турарди. Дехқонлар уни «Мол» деб аташарди. Терранова кичик жуссали, худди сассиқ кузан каби эпчил, чапдаст эди. Шу билан бирга юзининг майин чизиқлари ёқимли кўринар, лабларидан табиий кулги тошарди. Пассатемпо ҳақиқий сицилиялик босқинчи бўлиб, одамларнинг қора молини ўғирлар, пул эвазига уларни сўярди. Терранова тер тўкадиган жафокаш дехқон бўлиб, солиқчилар энг яхши чўчқасини тортиб олганларидан сўнг ҳаётини босқинчи сифатида бошлаган эди. У солиқчилардан иккитасини ўлдириб, оиласи ва қариндошларини боқиш учун чўчқасини сўйди, сўнг тоққа чиқиб кетди. Бу иккови бирлашди, аммо уларни сотишди, Корлеоненинг буғдойзор далалари ўртасидаги ташландиқ омборда яширинишганда ушлаб олишган эди.

– Сизларнинг бошқа чорангиз қолмаган, – деди уларга Гильяно. – Бирга тоққа чиқамиз, кейин, агар истасангиз, менинг раҳнамолигим остида қоласиз ёки қаерни истасангиз, ўша ёққа кетасиз. Лекин бугун сизларнинг менга ёрдамингиз керак, ҳа, сизлар мenden озроқ қарздорсизлар.

Гильяно бўйсунмишларини истагани учун талабини бир оз юмшатишга уриниб, уларга кулиб қаради.

Икки босқинчи жавоб бермасдан бурун капрал мулоҳаза қилиб ўтирмай, ўзини ўтга ургандай ҳаракат қилди. Буни, эҳтимол, сицилияча мағрурлик шаънига тегиб кетгани ёки туғма ҳайвоний шафқатсизлик туйғуси бош кўтаргани, ёхуд шунчаки телбалиги тутгани, ашаддий, учига чиққан босқинчилар қамокдан ҳадемай қочиб кетади, деб кўнглидан кечирганида деб изоҳлаш мумкин эди. Мана, у Гильянодан бир неча қадам берида турибди ва ҳайрон қоларли даражада олдинга қараб илкис ташланди.

Шу лаҳза ичида кўйлагининг тагидан тўппончани суғурди. Гильяно бешотарини кўтарди, аммо улгурмади. Тўппонча бор-йўғи унинг юзидан ярим метр нарида турарди.

Ҳамма қарахт бўлиб қолди. Гильяно бошига тўғрилланган тўппончага қараб қолди. Қўрқувни ҳис этмади – фақат улуғвор хотиржамлик уни қамраб олди. Металлнинг қаттиқ ширқиллаши эшитилди – тепки ишдан чиққан ўққа урилди. Шу лаҳзада Пишотта, Терранова ва Пассатемпо капралга ташланишди ва у оғир гавдалар остига қулаб тушди. Терранова капралдан тўппончани тортиб олиб, бир чеккага улоқтирди. Пассатемпо капралнинг сочидан маҳкам тутди. Пишотта пичоғини чиқариб бўғизламоқчи бўлди. Гильяно уни ушлаб қолишга улгурди.

– Ўлдирманглар, – деди хотиржамлик билан ва ерга қапишиб ётган ҳимоясиз капрални улардан ажратди.

Лекин капрал ҳам ҳеч қандай қўрқувни ҳис этмас, ўлимини кутиб ётарди. Гильяно унда қандайдир бир мулойимликни сизди. Гўё бу одам Гильянонинг бардошини синаётган эди, энди маълум бўлдики, капрал ботир экан. Гильяно уни шахд билан кўтариб, оёққа турғазди.

Терранова тўппончани кўздан кечирди.

– Сен жуда бахтли экансан, – деди у Гильянога. – Фақат битта ўқ ишдан чиққан эди.

Гильяно тўппончага қўл узатди. Терранова иккиланиб уни берди. Гильяно капралга бурилиб қаради.

– Ўзингни тик тутгин, – деди у дўстона тарзда, – сенга ва аскарларингга ҳеч қандай зарар етмайди. Мен бунга кафолат бераман.

Капрал шу даражада эсанкираган эдики, нима тўғрисида гапираётганини фаҳмламай қолди.

Пассатемпо Пишоттага шивирлади:

– Менга пичоғингни бер, уни гумдон қиламан.

– Бу ерда Гильяно буюради, бошқа барча одам кулоқ солади, – деб жавоб берди Пишотта.

Бу вақт мобайнида Монтелепренинг озод бўлган аҳолиси шоша-пиша бинони тарк этишди. Улар карабинерларни жазолашга гувоҳ бўлишни истамасдилар. Гильяно капрал ва аскарларини турмага бошлаб кирди-да, у ердан умумий камерага тикиб, кулфлаб қўйди. Сўнг улар Пишотта, Терранова, Пассатемпо билан бирга Беллампо казармасини айланиб ўтишди. Қурол-аслаҳа сақланадиган саройда милтиқлар, тўппончалар ҳамда автоматик тўппончаларни ўқ-дорила қутиси билан турганини аниқлашди. Турар жой биносидан бир неча адёл ҳамда қоп кўрпаларни олдилар. Ҳар эҳтимолга қарши Пишотта аравага уч дона расмий кийимни ҳам ортди. Улар қурол-яроғларни ўзларига олиб, ўқ-дори қутиларини аравага ортишди. Шундан сўнг бу арава Гильяно билан бирга Кастелламаре сари йўл олди. Қолган уч киши қуролларини шай қилиб тўсатдан хужум бўлишининг олдини олиш мақсадида орқадан келарди. Улар Адонисга аравасини берган деҳқоннинг уйига келгунча бир соатдан ортиқ вақт керак бўлди. Келтирилган молларни унинг чўчқахонасига яшириб қўйишди. Сўнг деҳқонга аравасини Америка армияси омборидан олинган кўк бўёқда бўяшга ёрдам беришди.

Фельдфебель Роккофино ўзининг одамлари билан тушга яқин қайтиб келди; куёш ўша кун ботиш томонга оға бошлаган эди; аммо фельдфебель ўз аскарларини ҳибсда кўриб шунчалик тутақиб кетдики, куёшнинг қизитиб юборгани унинг олдида ҳеч гап бўлмай қолди. Фельдфебель босқинчиларни излаб топиш учун зирҳли машинани йўлга чиқариб юборди, аммо бу вақтда

Гильяно аллақачон тоғлар томон узоқлашиб кетган эди. Газеталар мазкур воқеани бутун Италия бўйлаб тарқатди. Бундан уч кун аввал икки нафар карабинернинг ўлдирилгани тўғрисидаги хабар газета муқовасидан жой олган эди. Гильянони шафқатсизлиги билан бутун Сицилия бўйлаб ном қозонишни истаган босқинчи деб эълон қилишганди. Энди эса иш бутунлай бошқача. У ақл ва ҳаракат йўсинига таяниб миллий полицияни мот қилган эди. Дўстлари ва қўшниларино ноҳақ равишда қамалган жойидан қутқарганди. Монтелепрега Палермо, Неаполь, Рим ва Миландан Гильяно оиласидан интервью олиш учун журналистлар ёпирилиб келишди. Собиқ синфдошлари Гильянони кўп ўқигани, уни ҳатто профессор дейишганини гапириб беришди. Газета мамнуният билан айнан шу гапга маҳкам ёпишиб олди. Ўқишни биладиган сицилиялик қароқчи!

Буларнинг ҳаммасидан эски фотосуратларнинг босилиши янада ошиб тушди. Унда Турининг ўн еттига кирган даври акс этган, йигитча Ўрта ер денгизининг хушсурат йигити сифатида тасвирланган эди. Полициячиларда катта таассурот қолдиргани эса уни ўлдирмоқчи бўлган капрални Гильянонинг тирик қолдиргани эди.

Газеталар Гильянонинг Терранова ва Пассатемпо-ни озод қилишга қарор қилгани учун норози бўлди – ахир қўрқув ва маломатларни писанд қилмайдиган рицар ўз сафига бундай жинойтчиларни олиши обрў-йига доғ туширмасмикан?

Фақат Милан газетаси Сальваторее Гильянонинг уч нафар миллий полициячини ўлдирганини маълум қилди. Уни ахтариб топиш чораларини кўриш керак. Чиройли эканлиги, ўқимишли ҳамда гитара чалиши қотилни оқлай олмайди, деб ёзди газета.

Дон Кроче энди тамоман Тури Гильянони баҳо-
лаб, унга таҳсин ўқиди. Ҳақиқий ёш мафиячи!
Бу ёш йигит қанчалик катта ёрдам бериши мумкин!

Бу ишга доир ишқалликка келганда айтиш керакки,
дон уни унутишга ҳаракат қилди. Монтелепре турма-
сидан озод қилинган икки босқинчи доннинг розили-
ги ҳамда иштироки билан у ерга тушиб қолган эди. Бу
ҳақда ўйлаб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ – нимаики
ўтган бўлса унутилади. Агар булар даромадга таъсир
кўрсатган бўлса, дон ранж-аламларни эсдан чиқара-
ди. Энди у Тури Гильянони диққат билан кузатади.

Гильяно эса тоғда қўним топиб, ўсиб бораётган
шон-шуҳратини хаёлига ҳам келтирмасди. У бутунлай
ҳокимиятини мустаҳкамлаш тўғрисидаги фикрларга
шўнғиб кетган эди. Бунда асосий муаммони Террано-
ва ва Пассатемпо босқинчилари туғдирган эди. Улар-
нинг карабинерлар қўлига қандай қилиб тушиб қолга-
нини батафсил сўраб олар экан, бу ҳақда чакув бўлган,
деган хулосага келди. Икковлон эса қасам ичиб, одам-
лари садоқатли бўлганини айтишди, кўплари тузоққа
тушиб ўлди. Буларнинг барчасини фикр чиғириғидан
ўтказган Гильяно уларни мафия сотган деган хулосага
келди. Мафиячилар бандитларни хаспўшлаб, уларга
алоқачи сифатида хизмат қилганлар. Гильяно тах-
минларини Терранова ва Пассатемпога айтди, аммо
улар қатъий равишда бунга ишонмадилар. «Дўстлар-
нинг дўсти» ҳеч қачон омертанинг муқаддас қонуни-
ни бузмаган, бу уларнинг шахсан қутулишлари учун
катта аҳамиятга эга эди. Гильяно қистаб ўтирмади.
Уларга ўз отрядига киришини шунчаки таклиф қил-
ди, холос.

Мақсади – шунчаки яшаш эмас, балки сиёсий куч бўлиб майдонга чиқиш эканлигини тушунтирди. Шу билан бирга у камбағалларни таламайди, бу ҳақда алоҳида таъкидлади. Қолаверса, отряд даромадининг ярми Монтелепре шаҳарчаси атрофи ҳамда Палермо ҳудудига қадар яшайдиган муҳтож кишиларга тақсимланади. Терранова ва Пассатемпонинг ҳар бири ҳам ўз отрядига эга бўлади, аммо уларнинг барчаси Гильянонинг умумий қўмондонлигига бўйсунди. Гильянонинг розилигисиз пул ўлжасига ҳеч қайси отряд суқилиб қирмайди. Улар биргаликда Палермо, Монреал шаҳри, шунингдек, Монтелепре, Партинико ва Корлеоне шаҳарчалари ҳаёти устидан тўла назорат ўрнатадилар. Гильяно энди карабинерларга ҳамла қилиш кераклигини, аксинча бўлмаслигини айтиб, қулоқларига қуйишга интилни. Энди дала полицияси ўз жонини қутқаришни ўйласин. Босқинчилар унинг жасоратига қойил қолишди.

Фирт учига чиққан босқинчи Пассатемпо зўравонлик, майда фирибгарлик ҳамда чўпонларни ўлдиришни одатий тартиб деб ҳисобларди. Шу сабабли бундай ҳамкорликдан қандай фойда олиш мумкин деб сўрашга тушди. Кейинчалик Гильянони ўлдириб, унинг улушини ҳам ўзиники қилиб олишни ўйлади. Гильянога ёқиб қолган Терранова эса ўша заҳоти ўзини озод қилгани учун миннатдорчилик билдирди, шу билан бирга бу ёш қароқчини қандай қилиб мақбул йўлга буриш кераклиги хусусида мулоҳаза юрита бошлади. Гильяно гўё уларнинг фикр-ўйларини англаб қизиқиб қолгандек енгил кинояли жилмайиб қўйди, холос.

Пишотта эса эски дўстининг улкан фикр юритишига ўрганиб қолганди. Унга ишонарди. Агар Тури Гильяно бирор ишни амалга ошираман, деса Аспану Пи-

шотта ишонар, бу айнан айтганидай бўларди. Ҳозир эса унга қулоқ соларди.

Тоғларни олтин тусга бўяган офтоб нурлари остида учрови ҳам худди эс-хушидан айрилгандек Гильянога қулоқ солар, у эса Сицилия халқини озод қилиш учун қандай кураш олиб бориш кераклиги, камбағалларга муҳтожликдан чиқиши учун қай тарзда ёрдам бериш, мафия ҳукмронлиги, Рим аслзодалигига барҳам бериш хусусида ҳикоя қиларди. Бошқа киши шундай деганида, улар қулиб қўя қолишарди, аммо карабинерлар капрали Гильянонинг бошига тўппонча тираганини эслашар ва ҳеч қачон унутмасдилар. Гильяно унга гўё ўлмаслигини билгандек хотиржамлик билан қараб турган эди. Тўппонча отилмагач, уни қандай қилиб қўйиб юборганди? Ҳаммасининг рўпарасида ўзининг ўлмаслигига ишонган ҳамда бошқаларни ҳам шунга ишонтиришга ундаган одам турарди.

Кейинги куни Гильяно ўзининг уч оғайни ботири – Аспану Пишотта, Пассатемпо ва Террановани сўқмоқдан пастга, Кастельветрано шаҳарчаси яқинидаги текисликка бошлаб келди. Тонг отар-отмас теваракатрофни синчиклаб ўрганиб чиқди. Ва ҳаммаларига одатий қишлоқ кўйлагини кийиб олишни буюрди.

Озиқ-овқат ортилган юк машиналари Палермо бозори учун бу ерга келишини у биларди. Юк машиналарини қандай қилиб тўхтатиш асосий муаммо эди. Улар катта тезликда юради, ҳужум қиладиганларга йўл бермаслик учун шундай йўл тутишади. Ҳайдовчилар қуролланган бўлишлари ҳам мумкин.

Гильяно ўз одамларини йўл чеккасида ўсган, Кастельветрано яқинидаги чакалакзор ичига жойлаштирди-ю, ўзи катта оппоқ тош устига кўринадиган жойга ўтириб олди. Далага ишга кетаётган одамлар

унга бепарво назар ташлаб кетаверишарди. Милтиқ билан қуролланганини кўриб, ёнидан шоша-пиша ўтишарди. Қизиқ, деб ўйлади Гильяно, бирор киши мени танидимикан?

У йўлда хачир тортиб келаётган катта, эртак сюжетлари чизилган аравага кўзи тушди. Аравакашнинг ўрнида ўтирган кекса кишини Гильяно юзидан танирди. Бу тажрибали аравакаш бўлиб, Сицилия қишлоқлари бундайлар билан лик тўла эди. Уни олис қишлоқдан шаҳар заводига бамбук ташиб элтиш учун ёллагандилар. Бу аравакаш бир пайтлар Монтелепреда бўлган, Гильянонинг отасига нимадир олиб келган эди. Ёш йигит йўлнинг ўртасига чиқиб турди. Ўнг қўлида милтиқ тутган эди. Гарчи юзидаги ифода мутлақо ўзгармаган бўлса-да, аравакаш уни таниди ва кўзларида учқун чақнади.

– Пеппино амаки, – деди Гильяно у билан саломлашар экан худди ёшлик пайтидагидек, – бутун икковимизнинг ҳам омадимиз келди. Мен сизни бахтли қилишга тайёрман, сиз эса камбағалларнинг оғирини енгиллатишга ёрдам берасиз.

У чолни кўрганидан чин юракдан хурсанд эди.

Қария индамай Гильянога тош қотган юзини қадаб, бутун вужуди билан ниманидир кутарди. Гильяно аравага чиқиб, унинг ёнига ўтириб олди. Милтиғини арава ичига ташлади.

Гильяно Пеппино амакига режасини баён этди, у эса сўзини бўлмай, юзидаги тош қотган ифодани ўзгартирмай кулоқ солди. Гильяно қандай қилиб унинг аравасини озиқ-овқатга лик тўлдириши билан бахтиёр қилажаги тўғрисида гапиргунича бир оғиз сўз демади. Ниҳоят Пеппино амаки «ҳм» деб қўйди-ю, шундай деди:

– Тури Гильяно, сен ҳамиша энг жасур кичкинтой эдинг. Хушмуомала, ақлли, саховатли ва бошқаларга яхшилик истовчи эдинг. Ҳозир ҳам, гарчи ёшинг улгайган бўлса-да, ўзгарганинг йўқ.

Гильяно Пеппино амакининг анчадан бери фа-соҳат ила гапиришни ўрганган сицилияликлардан бири эканлигини эслади.

– Бу ишга мен ва бошқаларнинг ёрдамимизга суя-навер. Отангга саломимни етказ, шундай ўғли бор-лигидан фахрланиши керак, – деб гапини якунлади Пеппино.

Туш пайти йўлда озиқ-овқат маҳсулотлари ортил-ган юк машиналари колоннаси кўринди. Партинико далалари томон элтувчи йўл ёқасида уларнинг тўхта-шига тўғри келди. Йўлни хачирлар ва аравалар тўсиб қўйган эди. Буни ҳудуддаги ҳамма юк ташувчилар гапига қулоқ соладиган Пеппино амаки ўйлаб топган эди.

Биринчи юк машинаси ҳайдовчиси сигнал берди ва олдинга секин ҳаракатланиб, яқин турган аравани тўртди. Аравада ўтирган киши унга шундай қахр-ға-заб билан назар ташладики, ҳайдовчи машинани тўх-татиб, сабр-тоқат билан кута бошлади.

У биларди, бу аравакашлар оддийгина касб эгаси бўлишига қарамай, мағрур ва инжиқ. Борди-ю, улар-нинг иззат-нафсига тегиб кетсанг, масалан, йўлда юриш қоидалари афзалликлари хусусида гап кетгу-дай бўлса, одамни чавақлаб ташлаши, сўнг бемалол қўшиқ айтиб, йўлга тушиши мумкин.

Бошқа иккита юк машинаси ҳам тўхтади. Ҳайдов-чилар кабинадан тушишди. Улардан бири Сицилия-нинг шарқий қисмидан, бошқаси бегона – Римдан эди. Римлик ҳайдовчи курткасининг олдини ёпаркан,

аравакашларга яқинлашди ва бадбўй юк ҳамда иблис хачирларини йўлдан йўқотишни айтиб бақирди. У бир қўлини чўнтагига солган эди.

Гильяно аравадан сакраб тушди. У ердан милтикни олиб ёки қўлини белидаги тўппончага узатиб ўтирмади. Чангалзор ортидаги одамларига сигнал берган эди, қўлларидаги қурол билан йўлга югуриб чиқдилар. Терранова бурилиб, қочиб кетмаслиги учун охирги юк машинаси томон чошиб борди. Пишотта йўл чеккаси-дан сирғалиб чиқди-да, тутақиб кетган римлик хайдовчига ташланди.

Шу вақт ичида ўзини тута билган Пассатемпо биринчи хайдовчини машинадан судраб туширди ва уни Гильяно оёқлари остига ташлади. Гильяно қўлини узатиб, ўрнидан туришига кўмаклашди. Шунда Пишотта ҳам охирги юк машинасининг хайдовчисини ҳайдаб келди. Бўш қўлини курткасининг чўнтагидан шоша-пиша чиқарган римликнинг юзидан қаҳр-ғазаб ифодаси ғойиб бўлди. Гильяно унга очиқ-ойдин дўстона кулиб қаради.

– Бугун учовингизга ҳам омад кулиб боқди, – деди у. – Энди Палермога узоқ йўл босиб юрмайсиз. Менинг аравакашларим юкларингизни аравага ортишади ва шу ҳудуддаги муҳтож одамларга озиқ-овқатларни тарқатишади, албатта, ўзимнинг кузатувим остида. Таништиришга рухсат этинг. Мен Гильяноман.

Уч нафар хайдовчи шу заҳоти одатдан ташқари хушмуомала бўлиб қолишди. Улар шошмасликларини айтишди. Вақтлари бемалол. Ростини айтганда, энди тушлик қилмоқчи эдилар. Машинада жуда қулай. Ҳаво ҳам унчалик иссиқ эмас. Ростдан ҳам бахтлари чопди, уларнинг омади келди.

Гильяно кўрдик, хайдовчилар кўрқиб қолган.

– Кўрқманглар, – деди у. – Мен ишлаб кун кечирадиган кишиларни ўлдирмайман. Одамларим бу ерда ишлагунча ортимдан юрасиз, сўнг хотин, бола-чақангизнинг олдига борасизлар-у, қандай қилиб омадингиз чопганини уларга айтиб берасиз. Борди-ю, полиция сўроқ қилса, мумкин қадар камроқ гапирасиз ва менинг марҳаматимга сазовор бўласиз.

Гильяно жим бўлди. Бу одамларда уялиш ёки нафрат ҳис-туйғулари туғилмасин – энг муҳими шу. Уларга нисбатан яхши муносабатда бўлишганини айтиб беришсин – ана шу муҳим. Чунки ортларидан бошқалар эргашади.

Улар итоаткорлик билан йўлга ёнма-ён турган улкан тош соясига ўтишди. Тўппончаларини Гильянога бемалол, тинтувни кутмай топширишди. Аравакашлар уларнинг юklarини бўшатгунча худди мусичайи бегуноҳдай ўтиришди. Битта машинани бўшатиш оғир кечди, чунки арава четига қадар лик тўлган эди. Гильяно Пишоттани бу юк машинаси ҳайдовчисининг ёнига ўтказди-да, унга озиқ-овқат маҳсулотларини Монтелепре ишчиларига тарқатиб келишни буюрди. Ўзи ва Терранова билан биргаликда Кастелветрано ҳамда Партинико шаҳарчаларига тарқатишни назорат қилди. Сўнг Монте д'Оро чўққиси остидаги ғорда учрашдилар.

Мана шу иши учун Гильяно қишлоқ аҳолисининг кўллаб-қувватлашига сазовор бўлди. Қайси қароқчи ўзининг ўлжасини камбағалларга улашиб беради? Эртаси куни барча газеталар янги Робин Гуд пайдо бўлгани ҳақида бонг урди. Фақат Пассатемпо аллақандай номаълум товуш чиқариб, нима учун тинмай тер тўканини тушунмаганини айтиб зорланди. Пишотта ва Терранова уларнинг отряди минглаб ёрдамчиларга эга бўлганини англаган эдилар.

Улар фақат бир нарсани: ушбу юклар дон Кроче омбори томон йўл олганини билмасдилар.

Бир ойдан сўнг Гильяно атрофида ҳар жойдан ай-ғоқчилар пайдо бўлишди. Улар қайси бой савдогар қора бозор орқали пул билан йўлга тушиши, ким баланд мартабали полиция амалдорларига чақимчилик қилиб, аблаҳлик қилаётгани ҳақида унга маълумот етказар эдилар.

Шундай қилиб, Гильяно бир сафар герцогиня Алькамо жавоҳирлари тўғрисида билиб қолди. У йилнинг узоқ вақти мобайнида Палермодаги банклардан бирининг сейфида сақланар, герцогиня қабул маросими уюштирилган пайтда тақиш учун ўша жойдан олар экан. Мана, Гильяно Аспану Пишоттани Алькамонинг ҳузурига исини билиш учун жўнатишга қарор қилди, балки фойдаланиб қолиш мумкин бўлар.

Герцогнинг мулки Монтелепренинг жануби-ғарбидан йигирма чақирим нарида жойлашган бўлиб, тошдевор билан ўралган, дарвоза олдида қуролланган соқчилар турарди. Бунинг устига герцог «Дўстларнинг дўсти»га ўлпон тўлар, улар эса чорвасига тегмаслик, уйини ғорат қилмаслик, оиласидан бирор кишининг ўғирланмаслигини кафолатлаган эдилар. Ўз-ўзидан маълумки, у Ватикандаги пападан ҳам кўпроқ ўзини хавф-хатардан холи деб биларди.

Ноябрь бошида Сицилиянинг кўпгина ерларида узумни йиғиштиришади ва шу мақсадда яқин киш-лоқлардан ишчилар ёллашади. Пишотта майдонга келиб, герцог Алькамонинг мулкига ишга кириш учун исмини қайд эттирди. Биринчи кун у жонини жаб-борга бериб терлаб-пишиб ишлади, саватларни қора мрамардек мевалар билан тўлдирди. Узумзорда юз-дан ортиқ одам – эркаклар, аёллар, кичкина болалар

бўлиб, уларнинг барчаси иш пайтида қўшиқ хиргойи қилишарди. Пешинда ўша ернинг ўзида куюқ тушлик берилди.

Пишотта ҳаммадан ажралиб ўтирар ва кузатарди. У қасрдан патнисга нон олиб келган қизга эътибор берди. Бу яхшигина қизнинг ранги ўчган, қуёшга кўп чиқмагани очикдан-очик маълум эди. Кийган кийимлари ҳам бошқа аёлларникидан башанг. Аммо Пишоттанинг эсида қолгани – қизни ҳеч кимни назар-писанд қилмаслиги юз ифодасидан кўриниб турар, бошқаларга муомала қилишдан ўзини олиб қочарди. У герцогинянинг шахсий оқсочи экан.

Пишотта айнан шу қиз ўзига кераклигини англади. Гильяно Пишоттанинг одатларини биларди, шу боис маълумот тўплашда маҳаллий қизларнинг жиғига тегмаслик, бадном қилмасликни қатъий тайинлади. Аммо Пишотта Гильянони ниҳоятда романтик, деб ҳисобларди. Уларни ниҳоятда катта ўлжа кутар, қиз ҳам дўмбоққина, кўзга яқин эди.

Қиз яна патнисда нон билан пайдо бўлганида, Пишотта унинг қўлидан нонни олди. Исми сўралганида қиз шошиб қолди ва жавоб бермади.

Пишотта патнисни ерга қўйди-ю, унинг қўлидан маҳкам ушлади. Ғазабланиб деди:

– Мен сўраганимда жавоб бер. Агар жавоб бермасанг, сени узумзор ичига кўмиб ташлайман.

У ҳазиллашаётганини билдириб, кулиб юборди. Сўнг мафтункор табассуми ва назокатли товушида гапини давом эттирди:

– Сицилияда учратган қизларим орасида сен энг чиройлисан. Сен билан гаплашмасдан тура олмайман.

Оқсоч қиз эсанкираб, айна пайтда фусункор бўлиб қолганди. У Пишоттанинг белидаги ўткир овчилар

пичоғига кўзи тушган ва ўзини тутишига қараб ҳақиқий герцог деган хулосага келган эди. Бир сўз билан айтганда, Пишотта қизни қизиқтириб қолди. У исми Грациелла эканлигини айтди.

Иш куни тутади. Пишотта қаср ошхонасининг эшигини дадиллик билан тақиллатди ва Грациеллани сўради. Эшикни очган ёши катта аёл унинг гапини эшитди-ю, сўнг гапни кесди:

– Оқсочларнинг меҳмон қабул қилишига рухсат берилмайди.

Кейинги куни Пишотта Грациелланинг қўлидан патнисни олди-да, ишдан кейин кўришиш истагини шивирлаб айтди. Унинг қўлини силар экан, қизнинг билагида ингичка олтин билагузук борлигини сезиб қолди. Қиз қоронғи тушгач, у билан узумзорда учрашишга ваъда берди.

Ўша оқшом Пишотта ипак кўйлагини кийди, уни Палермода махсус буюртма билан тиктирган эди. Қизни кесиб ташланган икки узумток уюми орасида кутди. Грациелла келгач, уни қучоқлаб олди-ю, ерга ташланган адёл устига ўтирғизди. Қиз эхтиросга берилди...

Пिशотта Палермо университетига кириш учун пул ишлаб топиши кераклигини айтди. Оиласидагилар унинг ҳуқуқшунос бўлишини ишташарди. Сўнг қиздан қандай яшаётгани, бу ерда хизмат қилиш ёқиш-ёқмаслиги, бошқа хизматкорлар қандайлиги ҳақида сўрай бошлади. Аста-секин гапни унинг бекаси – герцогиняга бурди.

Грациелла, бека ясан-тусан қилганида чиройли бўлиб кетади, қимматбаҳо безаклар чиройини очади, деди. Грациелла унинг севимли оқсочи экан, герцогиня киймайдиган, урфдан қолган кўйлакларини унга бераркан.

– Сени бекангнинг кийимларида кўришни жуда ис-
тайман. Қимматбаҳо либосларни кийишингга рухсат
берадими?

– Ҳа, Рождество арафасида у менга ҳамиша марва-
ридлар беради.

Демак, байрам куни қимматбаҳо зийнатлар уйда
бўлади, деган қарорга келди Пишотта.

– Тоза ҳаво бу, албатта, жуда ажойиб, – деди Аспа-
ну, – аммо қачон уйга кириб сен билан кўнгилхушлик
бошлаш мумкин?

– Фақат герцог уйда бўлмаган вақтда. У Палермо-
га жўнаб кетганида, биз, хизматкорларни тергаш ка-
маяди. Келгуси ой, айнан Рождество олдидан бир неча
хафтага кетади.

Аспану кулимсиради, энди ўзига керакли маълу-
мотни олгач, бутунлай хузур-ҳаловатга берилиши
мумкин. Келгуси ойдан қизни яна кўришни истар, бу
унга жуда керак эди.

Рождество байрамидан беш кун олдин Гильяно,
Пассатемпо, Пишотта ва Терранова хачир қўшилган
аравада Алькама қўрғони дарвозаси олдига келиб
тўхташди. Улар овчилар либосларини кийиб олиш-
ган, у ерда бадавлат деҳқонлар шу тариқа ов қили-
шади: вилвет шимлар, қизил жун кўйлақлар, қалин
курткаларнинг чўнтақларини ўқлар билан тўлдириб
олишган – буларнинг барчасини Палермодан юк ма-
шиналари озик-овқатлари даромади ҳисобидан сотиб
олишган эди. Уларнинг йўлини икки соқчи тўсди. Бу
куппа-кундузи рўй берди, улар безовта бўлишмади,
милтиқлари ҳам елкаларида осиглиқ турарди.

Гильяно дадиллик билан уларнинг олдига яқин-
лашди. Аравакашнинг қўпол кийими остида яширил-

ган тўппончани ҳисобга олмаганда, уларнинг қуроли йўқ эди. Тури ёйилиб қолди.

– Жаноблар, – деди у, – мени Гильяно дейишади. Мен сизларнинг мафтункор герцогинянгизни Рождество байрами билан муборақбод этиш ҳамда камбағалларга хайр-садақа беришини сўраш мақсадида келдим.

Қоровуллар Гильянонинг номини эшитган заҳоти ҳайратдан қотиб қолишди. Шунда Пассатемпо ва Терранова уларга автомат-тўппончани тўғрилашди. Пишотта қоровуллардан қуролларини олиб, аравага томон юрди. Пассатемпо ва Терранова қоровуллар билан дарвоза ёнида қолди.

Сарой олдида улкан, тарашланган тош деворли ҳовли бор эди. Унинг бир бурчагида онасидан ажратилган жўжалар уларга дон ташлайдиган кекса оқсоч атрофини ўраб олган эди. Саройнинг орқа томонидаги боғда пахтадан тикилган қора кўйлак кийган хизматкор кузатуви остида герцогинянинг тўрт фарзанди ўйнар эди. Гильяно йўлак бўйлаб уйга томон йўл олди, ёнидан Пишотта қадам ташлаб борарди. Унинг маълумоти тўғри экан: бошқа қоровуллар йўқ эди. Боғ этагида катта полиз ҳамда зайтунзор бўлиб, у ерда олти нафар ишчи тер тўкар эди. Гильяно қўнғироқни босган эди, оқсоч аёл эшикни дарҳол ланг очди. Грациелла Пишоттага хайрон бўлиб тикилиб қолди-ю, сўнг ортига чекиниб, уларни олдинга ўтказиб юборди.

– Кўркма, – деди унга мулойимлик билан Гильяно. – Бекангга бизни герцог иш билан юборганини айт. У билан гаплашиб олишим керак...

Ҳайрати ҳамон ошган Грациелла уларни бека ўтириб китоб ўқиётган меҳмонхонага бошлаб кирди. Гер-

цогиня имо қилиб, оқсочни хонадан чиқариб юборди, бу тўсатдан таъбини хира қилган кутилмаган ташрифдан аччиқланиб, кескин тарзда:

– Эрим сафарга кетган. Сиз нима хизмат билан келдингиз? – деди.

Гильяно бир оғиз гапирмади. Уни хонанинг бениҳоя чиройли эканлиги бутунлай мафтун этганди. Бундай уйни ҳеч қаерда кўрмаган, боз устига у тўртбурчак эмас, айлана шаклда эди. Улкан деразалар полга қадар олтинранг пардалар билан қопланган, шифт худди гумбазга ўхшар, фаришталар, ҳур, малаклар расмлари билан зийнатланган эди. Ҳамма жойда китоблар қалашиб ётар – кенг юмшоқ диванлар, қаҳва столчалари, девордаги токчалар устида. Деворларда мой бўёқ билан ишланган, оғир рамкаларга солинган расмлар осилган, у ер-бу ерда катта вазаларда гуллар қўйилган. Вазмин оромкурсилар ва диванлар устида олтин ва кумуш қутичалар ташланган. Бу хонада бемалол юз киши жойлашиши мумкин, ундан эса оқ шойи қўйлак кийган аёл фойдаланиб турибди, холос. Ёпик шиша эшиклар ортидан қуёш нури кирар, боғда ишлаётган болаларнинг қийқириқлари эшитилиб турарди. Гильяно биринчи марта бой бўлиш қанчалик қизиқарли эканлиги, пировардида бунча гўзалликни пул бунёд этганлигини англади-ю, уни қўполлик ва шафқатсизлик билан барбод қилишни истамади. Ҳаммасини қоидага мувофиқ бажаради, бу жозибадорликка қилча ҳам чизик тортмайди.

Герцогиня сабр-тоқат билан жавоб кутар экан, тўсатдан рўпарасида ғоят чиройли ва кучли киши турганини кўриб, ҳайратга тушиб қолди. Афсуски, деб ўйлади у, камбағал деҳқон-да, шу боис ўз доирасига жалб

эта олмайди, акс ҳолда унга ноз-карашма қиларди. Бу хиссиётларнинг барчаси шундай дейишга ундади:

– Кечирасиз, йигитча, агар сизнинг мулкингизга доир ишингиз бўлса, бошқа сафар келишингизга тўғри келади. Эрим уйда эмас.

Гильяно унга қаради. Сўнг ғазаби қайнади. Бадавлат аёл бойлиги ҳамда жамиятдаги мавқеи билан камбағал кишида беихтиёр ана шундай ҳис-туйғуни уйғотади. Чунки бу аёллар ўзини юксак тутати. Гильяно назокат ила таъзим қилди-ю, аёлнинг титраётган бармоғида узук борлигини пайқаб, тавозе билан киноясиз деди:

– Сизда ишим бор. Менинг исмим Гильяно.

Лекин хизматкорларнинг мудом қуллардек бош эгишига ўрганиб қолган герцогиняга Гильянонинг киноясиз, назокат билан гапиргани заррача таассурот уйғотмади. Аёл буни одатий ҳол деб қабул қилди. У маълумотли бўлиб, китоб, мусиқа билан қизиқар, аммо Сицилиянинг ҳаётига асло иши бўлмасди. Маҳаллий газеталарни онда-сонда ўқир эди. Шу сабабли фақат хушмуомалалик билан шундай деди:

– Танишганимдан хурсандман. Биз Палермода учрашмаганмизми? Эҳтимол, оперададир?

Аспану Пишоттани бу сахна анча қувонтирди шекилли, очикдан-очик хахолаб кулиб юборди ва бирор-та хизматкор кириб қолгудек бўлса, тутиб қолиш учун ойнаванд эшик олдига шошмасдан йўналди.

Гильянони Пишоттанинг кулгиси аччиқлантирди, аммо герцогинянинг беҳабарлиги ҳақиқатан ҳам уни лол қолдирди. Қатъий равишда шундай деди:

– Азиз герцогиня, биз сиз билан ҳеч қачон учрашмаганмиз. Мен босқинчиман. Мени Сальваторе Гильяно дейишади. Ўзимни сицилияликлар ҳимоя-

чиси деб ҳисоблайман ва бугун келганимнинг боиси сиздан қимматбаҳо зебу зийнатларингиз, тақинчоқларингизни муҳтожларга совға қилиб беришингизни сўрашдан иборатдир. Токи уларни Исо Масих мавлуд кунда хурсанд қилсангиз ва байрамни кўнгилдагидек ўтказишсин.

Герцогиня ишонмасдан кулимсиради. Албатта, бу йигитдан ёмонлик кутмаслик керак. Аммо хавф-хатарни ҳис этди ва қизиқиб, фикр-хаёли шу билан банд бўлиб қолди. Палермода бу қандай ҳикояларга сюжет бўларди. Ва у содда жилмайиш билан шундай деди:

– Бриллиантларим Палермо банкининг сейфида сақланади. Уйда қанча пул бўлса, ҳаммасини олинг. Менинг марҳаматим туфайли.

Ҳеч ким унинг сўзлари ростлигига гумонсирамас эди. Ҳатто герцогиня ёшлигида ҳам бирор марта алдамаган. Ҳозир эса бу биринчи бор рўй берди.

Гильяно герцогинянинг бўйнидаги бриллиант занжир, яъни зеб-зийнатга қаради. Тури унинг ёлғон гапираётганини билар, барибир, бу аёлга бошқача ёндашиш кераклигини истамасди. Пишоттага ишора қилган эди, у оғзига уч бармоғини тикиб, хуштак чалиб юборди. Бир дақиқадан сўнг ойнаванд эшик ортидан Пассатемпо чиқиб келди. Кўғирчоқ театрининг персонажи шундай кўриниши мумкин – калтабақай оёқли, пакана, бесўнақай, кенг, ғазабнок юзида тиртиқ излари. Унинг пешанаси деярли йўқ, қалин, қора сочлари ва осилган қовоқлари горилла маймунига ўхшатиб юборганди. Герцогиняга қараб катта сарғайган тишларини кўрсатиб кулди.

Учинчи босқинчи пайдо бўлганида герцогиня ҳақиқатан қаттиқ кўрқиб кетди. У бўйнидаги зийнатни ечиб, Гильянога узатди.

– Бу сизни қониктирадимми? – сўради у.

– Йўқ, – жавоб берди Гильяно. – Хурматли герцогиня, мен мулойим табиатли одамман. Аммо ҳамкасбларим бутунлай бошқа тоифадаги кишилар. Дўстим Аспану, гарчи чиройли бўлса-да, анча бағри тош, мўйловлари не-не юракларни така-пука қилса-да, шафқатсиз. Ойнаванд эшик олдида турган киши каминага бўйсунгани билан тушимга кирса, қўрқиб кетаман. Уни ишга солишга мени мажбур этманг. Бу иккови бамисоли калтакесакка ўхшаб боғингизга учиб киради-да, болаларингизни тоққа олиб кетади. Шундай экан, қолган бриллиантларни менга олиб келинг.

Герцогиня ётоқхонага қараб интилди ва бир неча дақиқадан кейин қимматбаҳо зеб-зийнатлар билан қайтиб келди. У етарли даражада ақл-идрокли эди, шунинг учун қутичани келтиришдан аввал бир нечта қимматбаҳо нарсаларни яширган эди. Қутичани Гильянога топширди. Тури хушмуомалалик билан миннатдорчилик билдирди. Сўнг Аспануга бурилиб қаради:

– Аспану, герцогиня бирор нарсани унутиб қолдирган бўлиши мумкин. Биз гумонсирамаслигимиз учун ётоқхонага қараб кўр-чи!

Пишотта бир зумда яширилган зебу зийнатларни топиб олиб келди.

Гильяно қутичани очар экан, қимматбаҳо тошларни кўриб, юраги тошгандай бўлди. Бу тақинчоқлар билан Монтелепре аҳолисини бир неча ой боқиш мумкинлигини тушунарди. Шуниси ҳам англашилاردики, буларнинг бари белини майиштириб, тер тўкиб ишлаган одамларнинг пулига герцог томонидан сотиб олинган эди.

Герцогиня кўлини орқасига яширганида, Гильяно яна унинг бармоғида катта зумрад кўзли узук тақилганига кўзи тушди.

– Азизам герцогиня, – деди у, – мендан бунини яшириб қолишингиз сиз томонингиздан нақадар аҳмоқона ҳаракат бўларди! Бир бечораҳол деҳқондан кутсам бўларди, у бу қимматбаҳо хазинани қўл меҳнати эвазига баҳолаб олиши мумкин. Лекин сиз қандай қилиб ўзингиз ва болаларингизнинг ҳаётини гаровга қўйиб қалтис ишга йўл қўйдингиз? Эрингиз йўқотган шляпасини эслаб ҳам ўтирмайдими? Энди – фақат шовқин-суронсиз – бармоғингиздаги узукни менга беринг.

– Дилбар йигитча, – деди аёл, – марҳамат қилиб шу узукни ўзимда қолдиришга рухсат беринг. Унинг нархига етадиган пул бераман. Бу узукни эрим никоҳ пайтида менга берган. Усиз тура олмайман. Бунга чи-долмайман.

Пишотта яна хаҳолаб кулиб юборди. Жўрттага шундай қилди. У Тури узукни ҳиссиётларга берилиб аёлда қолдиради, деб қўрқди. Зумрад ҳақиқатан ниҳоятда қиммат эди.

Аммо Гильяно ҳиссиётларга берилишдан анча узоқ эди. У герцогинянинг титраётган кўлидан кескин ушлаб, бармоғидан узукни олганини Пишотта умрбод эслаб қолди.

Тури герцогинянинг қизариб, кўзларида ёш айланганини кўрди. Гильяно янада назокатли бўлиб, муло-йимлик билан:

– Сизнинг хотирангиз ҳаққи бу узукни ҳеч қачон сотмайман – уни ўзим тақиб юраман, – деди.

Лекин шунга қарамай, Тури Гильяно учун бу фурсат рамзий эди. У гўё ўз тақдири билан никоҳдан ўт-

гандай. Узук бой-бадавлатлар дунёсини жанг қилиб қўлга киритган, ҳукмронликни ўзида рамзий ишора қилгандай эди...

* * *

Дон Кроче бир оғиз гапирмай, қулоқ соларди.

Герцог Альмако шикоят қилиш билан овора. Башарти у «Дўстларнинг дўсти»га пул тўламаганмиди? Нахотки улар герцогнинг хавфсизлиги, ўғрилардан химоя қилишни кафолатламаган бўлсалар? Ахир биз, барчамиз қаёққа қараб кетяпмиз? Эски замонлар бўлганда-ку, ҳеч кимнинг бундай қилишга ҳадди сиғмасди. Энди қимматбаҳо зеб-зийнатларни қайтариш учун дон Кроче қандай чора кўрар экан? Гарчанд дон Крочега ёкмаса-да, герцог талончилик тўғрисида ҳукуматга маълум қилган эди. Ҳеч бўлмаганда, суғурта пулини олиш мумкин-ку! Балки Рим ҳукумати энди босқинчи Гильяно борасида жиддий шуғулланиб кўрар.

Дон Кроче ҳақиқатан ҳам жиддий шуғулланиш керак, деб ҳисоблади.

– Агар сизнинг қимматбаҳо зеб-зийнатларингизни қўлга киритсам, – деди Кроче герцогга, – менга унинг қийматидан чорак қисмини тўлайсизми?

Герцог бирдан қизишиб кетди:

– Мен даставвал бутун бойлигим ўз ўрнида ва тўла-тўқис туриши учун бадал тўлаган эдим. Энди эса сиз мажбуриятларингизни бажармай, яна мендан ҳақ талаб қияпсиз. Бу тариқа иш олиб бориб, мижозларингиз орасида қандай ҳурмат сақлай оласиз?

Дон Кроче бош ирғади:

– Эътироф этиш керак, сизнинг гапларингизда ҳақиқат бор. Аммо шуни ҳисобга олингки, Сальваторе

Гильяно – бу қуюн, Худонинг офати. Ахир «Дўстларнинг дўсти» сизни зилзила, вулқон, сув тошқинларидан қўриқлайман, демаган! Вақт ўтиши билан Гильяно тинчиб қолади, мен кафолат бераман. Аммо бу гапни яхшилаб ўйлаб кўринг: сиз ҳақ тўлайсиз, мен эса Гильяно билан шартлашаман. Кейинги беш йил мобайнида одатдаги пулни менга тўламай, ҳимоя остида бўласиз, шу шартга мувофиқ, Гильяно сизга бошқа тегмайди. Бу иш билан қандай шуғуллансин, у ҳам, мен ҳам қимматбаҳо буюмларингизни Палермо сейфларида сақлаш учун фаҳм-фаросатингиз етади, деб ҳисоблаймиз-ку! Аёллар ҳаддан зиёд соддадил бўладилар, улар эҳтирос ҳамда макр-ҳийлани, қайси эркак моддий дунёсига суқилиб кираётганини тушунмайдилар.

У герцогнинг лабларида пайдо бўлган масхароумуз кулимсираш йўқолмагунча гапирмади, сўнг илова қилди:

– Сиз беш йил мобайнида мол-мулкингизни қўриқлаш учун менга тўлашингизни ҳисоблаб чиқсангиз, ваҳоланки, нотинч замонлар кутмоқда, ана шунда бахтсиз ҳодиса туфайли кам нарсани йўқотишингизга амин бўласиз.

Ва герцог яхшилаб ўйлаб кўрди. Дон Кроче ҳақ: оғир кунлар бошланди. У, албатта, бриллиантларни сотиб олиб, анча нарсани йўқотади, аммо беш йил мобайнида бадал тўламаслиги ҳисобга олинса, дон Кроче яна шунча йил яшайдими ёки йўқми, бунга ким кафолат беради? Ёки у Гильянони ўзига бўйсундира оладими, йўқми? Лекин нима бўлганда ҳам бу аъло даражадаги битим. Герцогиня энди ундан бриллиантларни ундиrolмайди, бу эса анчагина иқтисод деган гап. Яна бир

бўлак ерни сотишга тўғри келади. Бу ишни унинг аждодлари нодонликлари туфайли амалга оширганлар, бир неча авлодлар орқали шундай бўлган, унга эса яна бир неча минг акр ер қолади. Герцог рози бўлди.

Дон Кроче Гектор Адонисни чақирди. Адонис эртасига чўқинтирган ўғлининг хузурига йўл олди. У ташрифи сабабини баён этди. Дангал ва рўй-рост гапирди.

– Агар бриллиантларни Палермо ўғриларига сотадиган бўлсанг, катта пул ололмайсан, – деди у. – Қолаверса, бунинг учун вақт талаб қилинади ва Рождествогача пул қўлингга тегмайди. Сенга эса айнан улар керак. Бундан ташқари, дон Кроченинг илтифотига сазовор бўлишинг шарт, бу сен учун муҳим. Хулласи калом, у сен туфайли герцог олдида ишончдан маҳрум бўлди. Агар дон Кроченинг илтимосини бажарсанг, бу ишингни кечиради.

Гильяно чўқинтирган отасига илжайиб қаради. Уни дон Кроченинг илтифоти кўп ҳам безовта қилмаган эди: Сицилиядаги мафия аждарини йўқотишни орзу қилган, ахир. Лекин Гильяно зебу зийнатларга харидор топиш учун чопарларни аллақачон Палермога жўнатган эди. Энди бу жараённинг узок ва мураккаб эканлиги ўзига очиқ-ойдин билиниб қолди. Шундай қилиб, у келишувга рози бўлди. Аммо зумрад узукдан воз кечишни рад этди.

Адонис кетишидан олдин биринчи марта Гильяно билан сицилияликлар ҳаёти хусусида очиқ гаплашиб олди.

– Азиз чўқинтирган болам, – деди у, – ҳеч ким сенинг фазилатларинг билан мендек ғурурланмайди. Менга очиққўнгиллигинг ёқади, назаримда, бу фазилатинг ўсишига ўзим ёрдам берганман. Лекин ҳозир гап омон қолиш ҳақида бормокда. Сен ҳеч қачон

«Дўстларнинг дўсти»ни енга олмайсан. Кейинги минг йил давомида улар худди ўргимчак тўри каби бутун Сицилияни чирмаб олди. Дон Кроче шу ўргимчак тўрининг ўртасида турибди. У сен билан фахрланади, сен билан дўстлашишни истайди. Ўзи билан бирга бойиб кетишингни хоҳлайди, лекин баъзан сен унинг измига буйсуниб туришинг лозим. Ўзингнинг таъсир доирангга эга бўлишинг мумкин, аммо бу иш унинг ўргимчак тўридан чиқмаслиги керак. Битта нарсаник – сен унга очикдан-очик қарши чиқа олмайсан. Агар бу ишга уринсанг, тарихнинг ўзи сени гумдон қилишда дон Крочега ёрдам беради.

Шундай қилиб, қимматбаҳо зеб-зийнатлар герцогга қайтарилди. Бриллиантлар эвазига олинган пулнинг ярмини Гильяно Пишотта, Пассатемпо ва Терранова ўртасида тақсимлади. Улар Гильянонинг қўлидаги зумрад кўзли узукка қарадилар, аммо индамадилар, Гильяно бриллиантлар учун берилган пулни олишдан бош тортган эди.

Бошқа ярмини Гильяно бой-бадавлат кишиларнинг қўй ва қорамолларини боқадиган чўпонлар, кекса, бева ҳамда етим-есирлар, бир сўз билан айтганда, округнинг барча камбағаллари ўртасида тақсимлашга қарор қилди.

Пулнинг катта қисмини воситачиларга берди. Лекин ажойиб кунлардан бирида қўй терисидан тикилган камзулининг чўнтаклари ва каноп қопни пул тахламларига лик тўлдириб, Терранова иккаласи Монтелепре ва Пьяни-деи-Гречи ўртасидаги қишлоқларга ўтиб келишга қарор қилди.

Бир қишлоқда у очликдан зўрға жон сақлаб турган учта кампирни учратди. Бошқа қишлоқда эса уйи ва еридан махрум бўлиши керак бўлган бир одам

дуч келди. Гаров пулини тўлашга ҳеч вақоси йўқ эди. Гильяно унга керакли миқдорда пул қолдирди.

Учинчи қишлоқда Гильяно маҳаллий баққоллик дўконига кирди, унинг соҳибидан барча молларни сотиб олди ва нон, пишлоқ ҳамда макаронларни қишлоқнинг барча аҳолисига тақсимлаб берди.

Кейин шаҳарчадаги касал боланинг ота-онасига пул бериб, Палермодаги шифохонага элтиб, маҳаллий врачга тўлашни тайинлади. Шу билан бирга ёш эр-хотинларнинг тўйида иштирок этиб, ёшларга саховат ила пул улашди.

Ҳаммасидан кўра, унга Сицилиянинг кичик шаҳарчалари кўчаларини тўлдирган жулдур кийимли ўйинқароқ болаларга пул бериши ғоят ёқарди. Уларнинг аксариятини Гильяно биларди. Уни ўраб олишар, Гильяно эса пуллар тахламини бериб, ота-оналарига топширишни буюрарди. Сўнг улар уйларига нақадар қувончга тўлиб югуриб кетганларига қараб турарди.

Қоронғи тушгач, онасини кўришга қарор қилганида, чўнтагида бир неча тахлам пул қолган эди, холос. Уйнинг орқа деворига туташ даладан кесиб ўтар экан, йиғлаб қон бўлиб турган жажжи болакай ва қизчага кўзи тушди. Ота-онаси уларга пул берган-у, аммо карабинерлар тортиб олган экан. Гильяно бу кичик фожиа устидан кулиб кўйди-ю, қолган тахламлардан бирини уларга берди. Башарти қизалоқ шунчалик ёқимтой эдики, унинг жазоламасликлари учун ота-онасига хат ёзиб берди. Гильянодан фақат қизчанинг ота-онаси миннатдор бўлибгина қолмади. Боргетто, Корлеоне, Партинико, Монреал ва Пьяни-деи-Гречи аҳолиси садоқатини исботлаш мақсадида уни Монте-лепре қироли деб атай бошлади.

Дон Кроче герцогнинг беш йиллик даромадидан маҳрум бўлишига қарамай, жуда мамнун эди. Гап шундаки, дон Кроче, гарчи Адонисга герцог бриллиантларининг ҳаммаси бўлиб йигирма фоиз таннаرخини беради, деган бўлса-да, аслида йигирма беш фоизни олди-ю, бешини чўнтакка урди.

Ҳаммасидан кўра у Гильянони анча барвақт илғаб, тўғри баҳолаганидан хурсанд эди. Ҳа, дон Кроче Гильянони кучли ўнг қўлим бўлади, деб ҳисоблади. Вақти келиб, унинг севимли меросхўр ўғлига айланади.

Тури Гильяно атрофида рўй бераётган барча пинҳоний хатти-ҳаракатларни яхши биларди. Лекин бу кекса одамга ишонди, деган маънони англатмасди. Гильяно ҳам «Дўстларнинг дўсти»га қарши курашиш учун ҳали кучи етарли эмаслигини тушунар, қолаверса, уларнинг ёрдамига муҳтож эди. Узил-кесил хулосага келишда ҳеч қандай пуч хаёлларга берилмасди. Агар у чўқинтирган отасига қулоқ соладиган бўлса, алал оқибат дон Крочега бутунлай қарам бўлиб қолади. Ҳеч қачон бундай бўлмайди, деди Гильяно. Ҳозирча вақтдан ютиб қолиш керак.

Ўн биринчи бўлим

Гильяно отряди ўттиз нафар одамга етиб қолди. Айримлари Пассатемпо ва Терранова тўдасидан келишди. Бошқалари Монтелепре аҳолиси эди, уларни Гильяно қамокдан чиқариб олган эди. Бу одамлар ҳукумат томонидан асло кечирилмасликларини билишар, гарчи айблари бўлмаса-да, кутишларидан бефойда, уларнинг изидан тушиб олдингидек «овлаш»га уринишарди. Шу боис, якка изимиздан тушиб, тутган-

ларидан кўра Гильяно билан бирга бўлганимиз яхши-роқ, деган қарорга келишди.

Апрель ойининг ажойиб кунларидан бирида Гильянонинг Монтелепредаги хабарчилари кўриниши ғоят хавфли, эҳтимол, полиция жосуси бўлган киши отрядга кирмоқчи эканлигини маълум қилишди. У марказий майдонда кутарди. Гильяно Терранова ва яна тўрт кишини юбориб, кимлигини текшириб кўришни сўради. Агар жосус бўлса, ўлдириш керак; фойдаси тегадиган бўлса, отрядга қабул қилишади.

Кўп ўтмай тушдан сўнг Терранова қайтиб келиб, Гильянога маълум қилди:

– Биз йигитни олиб келдик, аммо ўйланиб қолдик – ўзинг бир танишиб кўр-чи, кейин яхшилаб пўстагини қоқамиз.

Гильяно анъанавий сицилияча либос кийган йирик гавдали кишини кўриб кулиб юборди.

– Э, биродар, сенинг юзингни унутиб юборармидим, нахотки шундай деб ўйлаган бўлсанг! Бу сафар яроқли ўқлар билан келдингми?

У карабинерлар капрали Канио Сильвестро бўлиб, Гильяно қамокхонага ҳужум қилганида, бошига қарата ўқ узган эди.

Юзида кучли тиртиғи бўлган Сильвестро ғайратли эди. У нимаси биландир Гильянонинг диққатини ўзига жалб қилди. Гильяно Сильвестрога нисбатан қандайдир меҳрни ҳис этди, бу одам бенуқсон, хатодан мосуво эканлигини кўрсатишни исботламоқчидай эди.

– Мен отрядга киришни истайман, – деди Сильвестро. – Сизларга катта фойдам тегиши мумкин.

Худди совға беришга тайёрланаётган каби бу гапни фахр билан айтди.

Бу Гильянога ҳам ёқди. У Сильвестрога нима гап-лигини айтиб беришини сўради.

Отряд қамоқхонага ҳужум қилганидан сўнг капрал Сильвестрони ҳарбий мажбуриятини бузганликда айблаб, Палермо трибуналига жўнатишган. Фельдфебель ҳаддан зиёд ғазабланган ва Сильвестрони судга жўнатишдан олдин уни узоқ сўроқ қилган. Шуниси ғалатики, фельдфебелда шубҳа уйғотган ягона иш капралнинг Гильянони ўлдиришга уриниши эди. Фельдфебель тасдиқлашига кўра, капрал тўппончани ишдан чиққан ўқ билан ўқлаган-у, қаршилиқ кўрсатишга уриниши шунчаки найрангбозликдан иборат бўлган, холос. Аслида, капрал Сильвестро Гильянога операция режасини ишлаб чиқишга ёрдам берган ва ҳужум муваффақиятли чиқиши учун ўз аскарларини шунга мувофиқ жойлаштирган.

– Қизик, – деди унинг гапини бўлиб Гильяно, – уларнинг фикрича, ўқнинг яроқсизлигини сен қаердан билар экансан?

Сильвестро ташвишли кўринарди.

– Билишим керак эди. Ахир пиёда аскарларда каптенармус – эксперт эдим. – Унинг юзи тундлашди ва елкаларини қисди. – Албатта, мен хатога йўл қўйдим. Улар мени қурол-аслаҳага масъул қилиб тайинлашди, аммо бу иш билан жиддий машғул бўлмадим. Бироқ сизларга фойдам тегиши мумкин. Каптенармус бўлиб ишлай оламан. Сизларнинг озиқ-овқатингиз, кийим-кечак, қурол-яроғ олиш, сақлаш, бериш билан шуғулланишим, қурол-яроғларни текширишим ва таъмирлашим мумкин. Уларни тўғри қўллашни назорат қила оламан, токи жанговар қурол-яроғларингиз ҳавога учиб кетмасин. Қуролингиз бу ерда, тоғларда сизларга мос бўлиши учун қайтадан созлашим мумкин.

– Сен билан нималар бўлганини охиригача гапириб бер-чи, – деди Гильяно.

У меҳмонни диққат билан кузатарди. Ахир бу отрядга жосусни жойлаштиришлари ҳам мумкин-да. Гильяно Пишотта, Пассатемпо ва Терранова тўлиқ ишонмаганини тушунди.

Сильвестро сўзини давом эттирди.

– Фельдфебель казармаларда тутқунлар тўла эканлигини кўра туриб, барча аскарларни тоққа олиб чиқиш аҳмоқона ишлигини яхши биларди. Ахир, карабинерлар Сицилияга худди оккупация қилинган мамлакатдай қарашади. Бундай муносабатга бир неча бор эътироз билдирдим ва бунинг учун мени кўз остига олиб қўйишди. Палермодаги мансабдорлар эса ўз фельдфебелини ҳимоя қилишга киришди – улар бунинг учун жавоб берардилар. Агар фитна Беллампо казармасида юзага келмаганида, бунчалик яхши кўринмасди, уни эса анча жасур ва дадил одамлар босиб олишган. Мени ҳарбий трибуналда суд қилишмади. Истеъфога чиқишимни айтишди. Оқибати ҳеч қандай ёмон бўлмайди, дейишди, мен эса уларни яхши биламан. Энди мени мутлақо давлат хизматига ишга олишмайди. Ҳеч нарсага ярамайман, аммо мен сицилиялик ватанпарварман. Хулласи калом, ўтириб ўйладим: энди ҳаётимни нималарга сарфласам экан? Ва ўз-ўзимга: Гильянонинг ҳузурига борсам-чи, дедим.

Гильяно таом ва қаҳвага одам юборди, сўнг ёрдамчилари билан маслахатлашди.

Пассатемпо кескин ва аниқ қилиб деди:

– Улар бизни телба деб ўйлашяптими, нима бало? Уни отиш ва жасадини тик қоядан улоқтириш керак. Отрядимизга карабинерларнинг кераги йўқ.

Пишотта кўрдик, Гильяно капралга нисбатан ожизлигини намоёниш этмоқда. У дўстининг таъсирчанлигини биларди, шу боис эҳтиёткорлик билан фикр билдирди:

– Бу айёрликдан бошқа нарса эмас. Ҳатто шундай бўлмаган тақдирда ҳам нега буни хавф-хатар деб ҳисобламаслик керак? Ҳамма вақт безовта бўлиб турамиз. Ҳамиша гумонсираб иккиланамиз. Нега уни ортига қайтариб юбориш мумкин эмас?

– У бизнинг лагерни билади, – уқтирди Терранова. – Одамларимиздан кимнидир кўрди ва қанчалигимизни билади. Ахир бу қимматли ахборот-ку.

– У ҳақиқий сицилиялик, – деди Гильяно. – Бу одамни фахр туйғуси бошқаради. Унинг жосус эканлигига ишонмайман...

– Эсингда бўлсин, бу сени ўлдирмоқчи эди, – деди Пишотта. – Унинг қуроли яшириб қўйилган ва қўлга олганимиздан сўнг қутулишга умид қилмай, қаҳр-ғазабга тўлиб, сени ўлдиришга ҳаракат қилди.

«Буларнинг барчаси унинг мен учун қийматини оширади», – мулоҳаза юритди Гильяно. Сўнг овоз чиқариб деди:

– Наҳотки буларнинг бари унинг ор-номусли киши эканлигини намоён этмаса? Бу одам мағлубиятга учради, аммо ўлишидан олдин ўзи учун қасос олишим керак, деб ҳисоблади. Бизга нима ҳам қила оларди? Шунчаки отрядимиз аъзоси бўлиб қолаверади, фикр-ўйларимизни унга билдирмаймиз. Аммо кузатиб, қараб юрамиз. Бу ишни ўз зиммамга оламан. Вақт ўтиши билан синаб кўрамиз, агар синовдан бош тортса, демак, у жосус.

Кечқурун Гильяно Сильвестрога отрядга қабул қилинганини айтганида, собиқ капрал оддийгина қилиб жавоб берди:

– Ҳамма ишда менга суянаверинглар.

У Гильяно яна ўлимдан қутқариб қолганини аңглади.

Пасхада Гильяно уйидагиларни кўриб келишни истади. Пишотта полиция тузоқ қўйиши мумкинлигини айтиб эътироз билдирди. Пасха Сицилияда қароқчилар учун анъанавий ўлим куни ҳисоблаб келинарни. Полиция мустаҳкам оилавий ришталар одамларни қонундан ташқари чиқиб, тоғдан тушиш ва севимли кишиларини кўришга келишини таъминлайди, деб умид қиларди. Аммо хабарчиларнинг Гильянога етказишича, фельдфебель ўз оиласини кўриш учун кетарди, Беллампо казармасидаги гарнизоннинг ярмига эса, Палермода байрамини ўтказишлари муносабати билан жавоб берилган. Гильяно хавфсизлик мақсадида ўзи билан кимнидир олишга қарор қилди. Монте-лепреда у шанба куни пайдо бўлди.

Гильяно ташрифи ҳақида ота-онасига эртароқ етказди ва меҳрибон онаси алоҳида тайёргарлик кўрди. Ўша кеча у бир пайтлар болалигида ётган каравотида тунади. Онаси эрталабки ибодатга отланганида, Гильяно биргаликда черковга чоғланди. Уни олти кишидан иборат кўрикчилар кўриклар, улар ҳам қариндош-уруғлари билан кўришгани келган, аммо Гильяно қаёққа йўл олса, ҳамма жойда уни кузатиш ишларига мажбур эдилар.

Гильяно онаси билан черковдан чиқар экан, тансоқчилар ҳамроҳлигида ғазабдан қизариб кетган Пишоттани кўрди.

– Сени сотишибди, Тури, – деди у. – Фельдфебель Палермога йигирмата аскар билан сени қамоққа олиш учун келибди. Улар уйларингни қуршаб олишган. Сени ўша ерда деб ўйлашяпти.

Гильяно бир лаҳза ўзининг эҳтиётсизлиги ва нодонлигидан ғазабланганини ҳис этди ва бундан буён ҳеч қачон аҳмоқона иш тутмасликка қатъий аҳд қилди. Йўқ, фельдфель йигирма нафар аскари билан уни уйда тутиб олишларини ўйлагани учун эмас. Гильянонинг тансоқчилари пистирма қуриб, қонли олишувни бошлаб юборишлари мумкин. Лекин бу барчанинг пасха байрами кайфиятини бутунлай барбод этади.

У хайрлашар экан, онасини ўпди, уйга қайтишини тайинлади-да, ўғлини черков олдида ташлаб кетганини полицияга тўғридан-тўғри маълум қилишини айтди. Шу тариқа онасини у билан келишувда айбламасликлари мумкин. Гильяно онасига безовта бўлмаслиги, ўзи ва одамлари қуроллангани, бу ердан ҳатто отишмасиз чиқиб кетишларини айтди. Карабинерлар уларни таъкиб қилгани билан тоққача боришга журъат этишмайди.

Гильяно ва одамлари шундай кетишдики, полициячилар уларни ҳатто кўрмай қолди. Ўша тунда тоғдаги лагерда Гильяно Пишоттадан сўраб-суриштира бошлади. Унинг фикрича, фельдфебель Турининг ота-онаси ҳузурига боришини қаердан билган? Ким чақимчилик қилган? Аниқлаб олиш учун ҳамма чорани кўриш керак.

– Бу ишни сенга топшираман, Аспану, – деди у. – Балки бир киши қўл ургандир, бошқалар ҳам бўлиши мумкин. Бу қанча вақтни олади ёки неча пул сарфлаймиз, барига тупураман, аммо сен аниқлашинг керак.

Пишотта болалигидан Монтелепредаги найрангбоз сартарошни ёқтирмасди. У Гильянога сартарош Фризелла полициячилар айғоқчиси эканлиги ҳамда

муқаддас omerta қонунини бузганини маълум қилди. Энди фельдфебелнинг Монтелепрега айнан пасха куні кетгани яққол кўриниб қолди. У Тури келишини билган. Лекин Тури ўзининг оила аъзоларига фақат бир сутка муддатга келишидан қандай хабар топди экан?

Хабарчилар фельдфебелнинг ҳар бир қадамини ўша сутка давомида аниқлаб туришди. Гильянонинг ташрифини фақат отаси ва онаси биларди. Улар ўғли тўғрисида бирор кишига тасодифан айтиб қўйишмаганмикан, Пишотта шу хусусда сўради.

Мария Ломбарде гап нимада эканлигини дарҳол англади.

– Мен ҳеч кимга, ҳатто қўшниларга ҳам айтганим йўқ, – деди у. – Бу вақт мобайнида уйдан чиқмадим. Турини байрам зиёфати билан меҳмон қилиш учун уйда бўлдим.

Лекин Гильянонинг отаси эрталаб сартарош Фризелла ҳузурига борган эди. Чол ўзига бир оз бино қўйган мақтанчоқ эди, ўғли Монтелепрега келиб, улар ҳолидан хабар олган дамларда бошқаларнинг кўзига яхшироқ кўринишни истаб қолди. Фризелла чолнинг соқолини қирди ва сочини олди-ю, одатдагидек ҳазиллашди: «Синьор, нима бало, Палермога бирор ёшроқ хоним ҳузурига бормоқчимисиз? Ёки Римдан келадиган мартабали меҳмонни қабул қиласизми, дейман? Фризелла сенъор Гильянони шундай хушсурат қиладики, ҳатто у қиролни ҳам кутиб олишга қодир бўлади» ва Пишотта бари айнан шундай юз бергандек тасаввур қилди. Гильянонинг отаси мужмал кулги билан минғирлади, балки бу одамга жентльмендай кўрингиси келгандир ёки ҳеч қандай сабабсиз, ўзининг ҳузур-ҳаловатини ўйлагандир. Шу дамда

қария ўғли довруқ қозонган, ҳатто уни Монтелепре қироли деб аташади, деб ўйлаб, фахрланиб кўкрагини кериб ҳам қўйди. Эҳтимол, чол сартарошхонага Гильяно бошқа пайтлари хабарлашганида ҳам кирган бўлиши мумкин, сартарош бу ҳақда кейин билиб олган. Шундай қилиб, энди бу ҳол унга худди икки карра иккидай очиқ-ойдин бўлиб қолди. Фельдфебель Роккофино сартарошхонага соқолини олиш учун кирган эди. Бошқа ҳеч қандай суҳбат қурмасдан сартарош полициячига у ёки бу хабарни етказгандир, гўё ҳеч нима рўй бермагандек. Аммо Пишотта асло шубҳаланмади. У ўзининг одамларини сартарошхонага йўллади. Улар кун бўйи ўша ерда ғимирлашар, Фризелла билан қарта ўйнар, баъзида кўчада пойлоқчилик қилишарди. Улар шароб ичишар, сиёсат тўғрисида гурунглашишар, ёнларидан ўтиб кетаётган биродарларига қуёшқондан чиқиб қичқирар эдилар.

Пишоттанинг одамлари бир неча ҳафта давомида анча-мунча маълумот йиғишди. Фризелла соқол қириб, соч олаётганида, ҳамиша хуштак чалиб, ўзининг бирорта севимли операсидан куйлар эди; баъзан эса катта ясси ҳажмдаги радио Римдан мусиқа олиб эшиттирарди. Аммо сартарош фельдфебелга хизмат кўрсатаётганида, радио доим ўчирилган бўларди. Қандайдир лаҳза ичида Фризелла энгашиб, фельдфебелнинг қулоғига ниманидир шивирлади. Агар ҳеч нарсадан шубҳаланилмаса, гўё сартарош мижознинг истакларига қулоқ солаяпти-да, деб ўйлаш мумкин. Сўнг Пишоттанинг айғоқчиларидан бири фельдфебель тўлаган пулларга тикилиб қаради. Пуллар қозғозга қўйилган ва сартарош уларни белидаги соатга мўлжалланган чўнтагига солганди. Шунда айғоқчи ва ёрдамчиларидан бири Фризеллани қозғозчани кўрса-

тишга мажбур қилди, у ўн минг лирадан иборат пул эди. Сартарош қасам ичиб, буни бир неча ой учун олганини айтди ва Пишотта айғоқчилари ўзларини бу гапга ишонгандай қилиб кўрсатдилар.

Пिशотта буларнинг ҳаммаси тўғрисида Гильянога Терранова, Пассатемпо иштирокида гапириб берди. Капрал Сильвестро ҳам бор эди. Улар тоғдаги лагерда туришарди. Гильяно осилиб турган қоятош яқинига келиб, шаҳарга узоқ тикилиб турди. У ердан Монте-лепренинг бутун қиёфаси намоён эди.

Гильяно ўзини танибдики, сартарош Фризелла бу шаҳарнинг бир қисмига айланиб қолган. Болалигида у диний маросимга тайёрланиш учун Фризелланинг хузурига боргани, сартарош сочини чиройли қилиб кесиб, сўнг кичкина кумуш танга совға қилгани эсида. Гильяно Фризелланинг хотини ва ўғлини танир эди. Яқин келганида, Фризелла у билан ҳазиллашар, доимо ота-онасининг саломатлигини сўраб-суриштиради.

Лекин энди Фризелла омертанинг муқаддас қонунини бузди, у полициянинг маош олиб ишлайдиган айғоқчисига айланди... Гильяно энди сартарош билан қандай муомала қилиши мумкин? Битта иш – полициячини шиддатли олишув пайтида ўлдириш, бошқаси эса ўзингдан анча катта кишини совуққонлик билан қатл этишдир. Тури Гильяно эндигина йигирма беш ёшга кирди, биринчи марта шафқатсизликка совуққонлик билан таяниш арафасида турибди, усиз улкан ибтидоларга киришиб бўлмайди.

Гильяно ўзини кутиб турган одамлар олдига қайтди.

– Фризелла мени бутун умр билади. У болалигимда мени лимонли музқаймоқ билан сийлаган, Аспану, эслисанми? Эҳтимол, у фельдфебель билан шунчаки валақлашгандир, балки ҳеч қандай маълумотни ет-

казмас. Агар менинг шаҳарга келишимни Фризеллага айтишганида ва у чақимчилик қилганида бошқа гап эди. Эҳтимол, сартарош ўз тахминини айтар ва эвазига пул олар, берганларидан кейин олади-да. Ким бундан бош тортарди?!

Пассатемпо Гильянога кўзларини қисиб, худди ўлаётган шернинг жасадига қараб турган сиртлондай назар ташлади. Энди қурбонга ташланиш фурсати келмадими, бир парча гўштини юлиб олиш хавф туғдирмайдими, дегандек мулоҳаза юритарди у. Терра-нова бошини енгил тебратди – лабларида гўё аҳмоқона гапираётган болага қулоқ солаётгандай кулги ўйнар эди. Фақат Пишотта жавоб берди:

– У худди майхонага кирган тақводордек айбдор.

– Биз Фризеллани огоҳлантиришимиз керак, – деди Гильяно. – Уни ўзимизга оғдириб олишимиз мумкин. Фризелла орқали ҳукуматдагиларга сохта маълумотлар беришимиз керак бўлади, зарурат туғилганида.

Шу сўзларни айтар экан, Гильяно ўзининг ноҳақлигини англаб турарди. Бошқа шамали ҳаракатларга энди ўзини ундай олмайди.

– Нега унга мукофот олиб бориб бўлмайди? – аччиқланиб кетди Пишотта. – Бир қоп ғалла ёки товук, шундай эмасми? Тури, биз ҳамда бу ерда, тоғда ҳозир бўлган одамларимизнинг ҳаёти сенинг жасоратинг, ироданг, раҳнамолигингга боғлиқ. Агар Фризелла каби сотқинларни кечириб юбораверсанг, қандай қилиб изингдан борамиз? Omerta қонунини бузган кишини-я! Агар «Дўстларнинг дўсти» ташкилоти бунинг учун салгина асосга эга бўлганида ҳам унинг жигари ва юрагини сартарошхона ёнида осиб қўярди. Агар Фризеллага нисбатан чора кўрмасанг, ҳар қандай

очкўз нусха чақимчилик қилинса-да, ҳеч ким жазола-маслигини билиб олади. Бундай айғоқчилик ортида эса бизнинг ҳаётимиз туради.

– Фризелла – найрангбоз ва аҳмоқ, унинг турган-битгани очкўзлик ва хоинликдан иборат, – деди Тер-ранова мулоҳазакорлик билан. – Одатда уни шунчаки қуруқ маҳмадона деб ҳисоблаганлар. Энди Фризелла хавфли. Уни индамай қўйиб юбориш – ҳаддан зиёд хатарли, тузалишга эса ақли етмайди. Шунчаки Фри-зелла бизни жиддий одамлар эмас, деб хулоса қи-лади. Тури, сен Монтелепреда «Дўстларнинг дўсти» ташкилотини исканжага олган эдинг. Уларнинг ода-ми ҳисобланган Кинтана энди эҳтиёт бўлади, гарчи бошқа пайтда ортиқча вайсаса ҳам, ҳушёр тортади. Агар Фризеллани қўйиб юборсанг, гумдон қилмасанг, «Дўстларнинг дўсти» сени ожиз деб ўйлайди ва чиғи-рикдан ўтказаверади. Карабинерлар ҳам дадиллаша-ди-ю, биз учун катта кучга айланади. Сенинг Мон-телепре аҳолиси ўртасида мавқеинг тушиб кетади. Фризеллани асло тирик қолдириб бўлмайди.

Охирги сўзларни у сал бўлмаса афсус-надомат би-лан гапиргандай бўлди. Гильяно бу сўзларни эшитар ва мулоҳаза юритарди. Улар ҳақ эдилар. У ўзига Пас-сатемпо назар ташлаб турганини ҳис этди, бу нигоҳда унинг кўнгли акс этган эди. Агар Фризелла тирик қол-са, Пассатемпонинг ишончи қолмайди. Фризеллани гумдон қилиш керак, токи одамларга қўрқув уйғота-диган даражада бўлсин.

Гильянода бир ният пайдо бўлди. У ўгирилиб кап-рал Сильвестродан сўради:

– Сен нима деб ўйлайсан? Фельдфебель чақимчи-лари тўғрисида гапириб бергандир. Сартарош айб-дорми?

Сильвестро эхтироссиз, бепарво тарзда елкаларини қисди. У индамас эди. Ҳаммалари тушундики, Сильвестро гапира олмасди, акс ҳолда хоин саналади, ваҳоланки, бу ор-номус масаласи. Ҳеч нима демай, гўё сартарош фельдфебель билан алоқадор дегандай бўлди. Барибир Гильяно ишонч ҳосил қилишни истади.

– Энди сенинг холислигингни текшириш навбати етди. Биз бирга Монтелепрега борамиз ва сартарошни майдонда қатл этасан.

Аспану Пишотта дўстининг ҳийласига тан берди. Гильяно доимо уни хайрон қолдирарди. Энди уларнинг бари капрал ҳақиқатпараст ва ҳалол одам, адолат билан иш кўради, деб ишондилар. Ўзи учун оқибати қандай бўлмасин, сартарошни қатл қилишга ҳеч қачон кўнмайди, унинг айбдорлигига ишонч ҳосил қилмагунча бу ишга қўл урмайди. Пишотта Гильянонинг мийиғида кулиб қўйганини кўрди: агар капрал бош тортса, сартарошни айбдор эмас, деб ҳисоблаш мумкин, ўшанда, майли, яшайверсин.

Аммо капрал мулойим мўйловларини силаб қўйди-ю, ҳаммага бир-бир кўз югуртириб чиқди.

– Фризелла шунчалик ёмон соч қирадики, биргина шу айби учун ҳам ўлимга сазовор, – деди у. – Мен эрталаб тайёр бўламан.

Тонг отгач, Гильяно, Пишотта ва собиқ капрал Сильвестро пастга эниб, Монтелепре томон йўл олишди. Пассатемпо ўн киши ҳамроҳлигида бир соат олдин майдонга қирадиган барча йўлларни тўсиш учун йўлга тушган эди. Терранова лагерга бошлиқ ўрнида қолди – агар отряд мушкул аҳволга тушиб қолса, ёрдамга келади.

Гильяно ва Пишотта шаҳар майдонига кириб келишганида ҳали тонг отмаган эди. Кўприк ва тор йў-

лаклар ювиб чиқилган, қандайдир болалар узоқда аллақачон ўйинни бошлаб юборишганди. Гильяно улар нима воқеа рўй беришини кўрмасликлари учун Сильвестрога ҳаммасини қувиб юборишни буюрди.

Гильяно ва Пишотта сартарошхонага автомат тўппончаларини тутган ҳолда киришганида Фризелла бир бадавлат заминдорнинг сочини қираётган эди. Сартарош уларнинг таширини мижоз билан боғлиқ деб ўйлади. Шу боис қувлик билан тиржайганча худди мукофот тайёрлаб қўйгандек мижознинг бўйнидаги чойшабни юлиб олди. Кекса сицилиялик деҳқон бўлган заминдор уруш пайтида итальян армияси чорваларини сотиб бойиб кетган эди, у ўрнидан савлат билан турди. Аммо Пишотта заминдорни бир чеккага суриб, илжайганча киноя аралаш деди:

– Бизга тўлаш учун пулинг етмайди, шундай экан сен билан пачакилашиб нимаям қилардик?

Гильянонинг бутун вужуди тордек таранг тортилган, у Фризелладан кўз узмасди. Сартарош ҳамон қўлида қайчини ушлаб турар эди.

– Уларни жойига қўй, – деди Гильяно. – Сен борадиган жойга соч олишнинг кераги йўқ. Чик.

Фризелла қўлидан қайчини тушириб юборди ва ойтовоқдай кенг юзида кулги ўрнида хунук бужмайиш пайдо бўлди.

– Тури, – деди у, – пулим йўқ, сартарошхонани энди очдим. Ахир камбағал одамман.

Пिशотта унинг қалин ёқасидан судраб, сартарошхонадан тош ётқизилган йўлга олиб чиқди. У ерда Сильвестро кутиб турарди. Фризелла тиззалаб йиқилди ва кичқира бошлади:

– Тури, Тури, мен болалигингда сочингни олганман. Наҳотки эсламасанг? Хотиним очликдан ўлади. Ўғлимнинг эси паст!

Пишотта Гильянонинг иккиланаётганини кўрди. У сартарошга тупуриб:

– Буни гап етказиб, чақимчилик қилишдан олдин ўйлаш керак эди, – деди.

Фризелла фарёд чекиб юборди:

– Мен ҳеч қачон Турини сотганим йўқ. Фельдфебелга қўйларни ким ўтирлаганини айтган эдим. Хотиним, ўғлим ҳаққи қасам ичаман.

Гильяно унга бошдан-оёқ разм солди. Шу лаҳзада юраги ёрилиб кетиши мумкинлиги, бу одамни ўлдириб ўзини ҳам йўқотишини ҳис этди. Шунга қарамай оҳиста деди:

– Сенга бир дақиқа вақт бераман, худо олдида тавба қил.

Фризелла тепасига қараб, ўзини уч киши ўраб олгани ва улардан асло шафқат кутиб бўлмаслигини англади. Бошини эгиб, гўлдираганча ибодат қилишга киришди. Сўнг Гильянога ўтирилиб қаради-да:

– Хотиним ва ўғлимнинг очдан ўлиб кетишига йўл қўйма, – деди.

– Сенга ваъда бераман, уларнинг нони бут бўлади, – деди Гильяно ва Сильвестрога бурилди: – Уни ўлдир.

Капрал рўй бераётган воқеани кўриб, гўё қарахт бўлиб қолган эди. Лекин бу сўзларни эшитгандан сўнг автомат тўппончанинг тепкисини босди.

Майдон қандайдир вақт ичида жимиб қолди. Сўнг Пишотта жасад устига энгашиб, мурданинг кўкрагига қоғоз варағини ёпиштириб қўйди.

Фельдфебель келганда ана шу варақ қотилликнинг ягона гувоҳлиги эди. Теварак-атрофдаги дўкон соҳиблари ҳеч нимани кўрмаганлигини айтишди. Уларнинг барчаси дўкон ичида машғул ёки Монте д'Оро булутларига ҳавас билан тикилиб ўтиришган. Фризелла-

нинг мижози эса ўқ овозини эшитганида кран остида ювинаётгани – у қотилни кўрмаган бўлиб чиқди. Ваҳоланки буни ким амалга оширгани аниқ. Фризеланинг жасади устидаги тўртбурчак қоғозда: «КИМКИ ГИЛЬЯНОНИ СОТСА, ХУДДИ ШУ ТАРЗДА ЎЛАДИ», деб ёзилган эди.

Ўн иккинчи бўлим

Уруш тўхтади, аммо Гильяно энди ўз урушини бошлади. Икки йил мобайнида Сальваторее Гильяно Сицилияда энг машҳур одамга айланди. У оролнинг шимоли-ғарбий қисмида тўла-тўқис ҳукм юритадиган хўжайин бўлиб олди. Гильяно ҳудуди марказига Монтелепре шаҳарчаси кирар эди. У Пьяни-деи-Гречи, Боргетто ва Партинико шаҳарларини назорат қиларди. Шунингдек, аҳолиси бутун Сицилия бўйлаб шафқатсиз иш тутиши билан донг қозонган қонли шаҳар Корлеоне ҳам Гильянога тегишли эди. Унинг ҳаракат кўлами деярли бутун Трапанини қамраб олган, Монреал шаҳри хавф остида қолган, Сицилия пойтахти Палермо ҳам шундай ҳолатда эди. Римдаги демократларнинг янги ҳукумати унинг боши учун ўн миллион лира тикканини эшитган Гильяно кулиб қўйди-да, бемалол шаҳарлар бўйлаб кезишни давом эттирди. У баъзида Палермо ресторанларида овқатланарди. Зиёфат сўнгида доимо ликопча остига: «Бу Тури Гильянонинг истаган жойда юришидан гувоҳлик беради», – деган ёзувни қолдирар эди.

Каммарати тоғларидаги ер ости йўлаклари Гильянонинг ўтиб бўлмас қалъаси ҳисобланарди. Бу маскандаги барча ғорлар ҳамда яширин сўқмоқларни

Гильяно беш қўлдай биларди. У ерда ўзини зарба етмайдиган деб ҳис этарди. Гильяно тепадан туриб Монтелепрега, Партинико текисликларига тикилишни севар, у узоқларга, Трапанига, Ўрта Ер денгизига туташиб кетганди. Мовий ғира-ширалик қуюқлашиб қоронғилашгач, олис денгиз ранглари остида грек ибодатхоналарининг вайроналарига кўзи тушарди. Апельсин хиёбонлари, зайтунзор боғлар ва Ғарбий Сицилиянинг ғалла далалари намоён бўларди. У дурбин орқали йўл устида қулф осилган, ички томони чангга беланган ибодатхоналарни кўрарди.

Гильяно шу тоғдан ўз одамлари билан пастга тушиб, оқишга мойил, чанг-тўзонли йўллардан юриб, ҳукумат автоколонналарини талар, поездларни тўхтатар ва бой-бадавлат аёлларни бриллиантлардан мосуво қиларди. Ўзларининг бўялган араваларида муқаддас байрамларга бораётган деҳқонлар дастлаб уни кўрқув, сўнг ҳурмат ва муҳаббат билан қарши олдилар. Улар орасида талаб олинган ўлжа тегмаган бирорта чўпон ёки ишчини учратиб бўлмасди.

Атрофдаги барча аҳоли унинг хабарчилари эди. Болалар кечқурун ибодат қилар экан: «Биби Марьям, Гильянони карабинерлардан қутқар», – деб илтижо ила сўрар эдилар.

Қишлоқ ҳудудлари Гильяно ва одамларини боқарди. Ахир бу ерда зайтунзор ва апельсинли хиёбонлар, узумзорлар ва қўй отарлари бор эди-да. Гильяно одамлари битта-иккита қўй олиш учун келганида, чўпонлар ўзларини кўрмаганга солиб, бошқа томонга қарар эдилар. Бу ҳудудда Гильяно мисоли мовий тутун ичида ғойиб бўлувчи, Сицилия бўйлаб ёйилган, Ўрта ер денгизининг мовий тусини такрорлаган шарпа каби ҳаракат қиларди.

Тоғларда қиш узоқ давом этар, совуқ эди. Боз устига Гильянонинг отряди анча кўпайди. Тунда Каммари қоялари ҳамда водийлари ёрқин гулхан нукталари билан тўлиб кетарди. Гулхан ёғдусида одамлар қурол-яроғларини тозалашар, кийим-кечакларини тузатишар, яқин тоғ дарёсида кир ювишар эди. Умумий кечки овқатга тайёрланиш баъзан тортишувларга олиб келарди. Сицилиянинг ҳар бир қишлоғи таом пиширишнинг ўз услубига эга эди. Одамлар баъзан келиша олишмас, таом қайласига қайси кўкатни қўшиб бўлмаслиги ҳақида мураса қилишолмасди. Сосиска қовуриш керакми ёки йўқми? Пичоқ билан қуролланган кишилар кир ювишни яхши кўришар, ўмариш ва талаш билан шуғулланадиган мутахассислар эса овқат тайёрлаш ва тикишни афзал кўришарди. Банк ҳамда поездларга ҳужум қиладиганлар қуролни тозалаш билан шуғулланар эди.

Гильяно барчани мудофаа хандақларини қазिशга мажбур этди, кузатув постлари ўрнатди – ҳукумат аскарлари ғафлатда қолдириб, тўсатдан бостириб келмаслигининг олдини олиш керак эди. Бир куни унинг одамлари улкан ҳайвон скелетига дуч келдилар – улар буни тасаввур ҳам қилолмас эдилар. Ўша куни Гектор Адонис Гильяно учун китоб олиб келди, энди уни дунёдаги ҳамма нарса қизиқтирарди. Гильяно тиббиёт, сиёсат, фалсафа ва ҳарбий техникага доир китобларни ўқир эди. Гектор Адонис ҳар икки-уч ҳафтада уларни қоплаб олиб келарди. Адонис Гильяно ва унинг одамлари ғафлатда қолиб, нодонлик қилишини истамас эди.

– Наҳотки мен сенга тарихга доир китоб бермаган бўлсам? – деб сўради Адонис Гильянодан. – Инсониятнинг кейинги икки минг йиллик тарихини билмаган одам зулмат ичида яшаган билан тенг.

У жимиб қолди. Гўё маъруза ўқиётгандай майин оҳангда гапини давом эттирди.

– Бу скелет карфагенлик Ганнибал томонидан қўлланилган ҳарбий машинага тегишли. У Рим императорини гумдон қилиш мақсадида икки минг йил муқаддам тоғлардан ошиб ўтган. Бу ҳарбий ҳаракатларга ўргатилган филлардан бирининг скелети, шундан буён уларни мазкур қитъада ҳеч қачон учратмаган. Филларни кўриб, Рим аскарлари қанчалик қўрқувга тушиб қолишганини тасаввур қилиш мумкин. Лекин шундай бўлса-да, улар Ганнибалга ҳеч нарса беришмади; Рим Карфагенни эгаллаб олди ва вайронага айлантирди. Бу тоғлар шарпаларга тўла, сизлар шулардан биттасини топдингиз. Тури, ўйлагин, сен ҳам вақти келиб тимсолга айланасан.

Ва Гильяно тун бўйи тинимсиз бош қотирди. Тарихий тимсолга айланиб қолиши тўғрисидаги фикр ёққан эди. Агар уни ўлдиришса, бу тоғларда рўй бергани маъқул; хаёлида у яраланган, мингта ғордан бирида ўрмалаб юрибди, фақат тасодиф туфайли худди Ганнибалнинг фили каби уни топиб олишади.

Қиш кунларида улар лагерни бир неча марта ўзгартиришди. Отряд бир неча ҳафта тарқаб, барчалари қариндошлариникига, таниш чўпонлар ёки бўш омборларда (бойларга тегишли жойлар бор эди) тунадилар. Гильяно қишнинг кўп қисмини китоб ўқиб ва режалар тузиб ўтказди. Гектор Адонис билан узундан-узоқ суҳбатлашди.

Эрта баҳорда улар Пишотта билан Трапанига равона бўлишди. Йўлда янги чизилган арава дуч келиб қолди. Шундай қилиб улар биринчи марта Гильяно билан боғлиқ афсонага юзландилар. Тасвир қуйидагича эди: Гильяно герцогиня хузурида энгашганча

унинг бармоғидан зумрад узукни ечиб олмоқда. Орқа манзарада Пишотта автоматни тўғрилаб, қўрқиб қолган одамларни нишонга олиб турибди.

Улар ўша куннинг ўзидаёқ камарлари тўқаларида орқа оёғида тик турган бургут ва шер тасвирини тўғри бурчакли пластинадан олтинда зарб қилиб тақишди. Тўқаларни каптенармус ролини бажарувчи Сильвестро адо этди. Уларни Гильяно ҳамда Пишоттага совға қилди. Худди шу рамзлар Гильяно отряди рамзига айланди. Гильяно ўзининг рамзини доимо тақиб юрар, Пишотта эса фақат Гильяно билан бирга бўлган пайтида тақар эди. Гап шундаки, Пишотта қоидага мувофиқ, шаҳар ҳамда қишлоққа борганида, ҳатто Палермога қадам қўйганида ҳам бошқача кийиниб, қиёфасини ўзгартирарди.

Тоғларда кечки оқшом пайтларида Гильяно камарини ечиб, тўғри бурчакли олтин тўқани кўздан кечирар эди. Чап томонда пати бор одамга ўхшаш бургут. Ўнг томонда орқа оёқда турган арслон, унинг оёқлари худди бургут қанотлари каби икки томондан нафис ишланган доирани ушлаб олган. Гўё улар ер шарини айлантираётгандек. Айниқса, арслон тасвири Гильянони қойил қолдирарди. Унинг калласи шер, танаси одамга монанд эди. Осмон ҳукмдори ва ер подшоси ярқираган олтинда, Гильяно ўзини бургут, Пишоттани шер, зарҳал доирани эса Сицилия деб тасаввур қиларди.

Асрлар давомида Сицилияга хос овлардан бири бойларни ўғирлаб кетиш эди. Одатда ўғирлаб кетадиган кишилар юраги тошга айланган мафиячилар бўлиб, улар олдиндан огоҳлантирувчи мактублар жўнатардилар. Нохушликлар пайдо бўлмаслиги учун олдиндан тўловни амалга ошириш хушмуомалалик билан тавсия этиларди. Кечиктирмай нақд тўланган пулларга ба-

мисоли кўтара савдо каби чегирмалар бўларди. Бунда ўғирлашлар содир этилмаслиги ҳам мумкин эди. Ахир, ростини айтганда, одам ўғирлаш кўпчилик ўйлагандек оддий иш эмас, албатта. Енгил яшайдиганлар, бета-йинлар мазкур ишга муносиб эмас... Сицилияда инглиз тилидаги «киднеппинг» сўзи ҳам қўлланилмас, зеро, тўлов учун болаларни ўғирлашмас, катта ёшдагилар ўғирлаб кетиларди. Бойларга меҳмон бўлиш «тавсия этилар» ва тегишли турар жойда овқатлангани учун энг яхши меҳмонхонада қўним топгани нархи билан тўламагунча қўйиб юборилмас эди.

Хуллас, юз йиллар давомида муайян қонун-қоидалар ишлаб чиқилган эди. Нархи хусусида ҳамиша воситачилар, яъни мафия орқали келишиш мумкин. Агар «меҳмон» гапга кўнадиган мўмин-қобил бўлса, ҳеч қачон жабр-ситама ўтказмасдилар. Унга ғоят ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлишар, ўзига хос унвонини тилга олиб, «шаҳзода», «герцог», «дон» ва, ҳатто «архиепископ» деб мурожаат қилишарди...

Тарих бундай сиёсат ўзини оқлаганини кўрсатди. Озод қилиб қўйиб юборилган маҳбус, агар унинг иззат-нафсига шикаст етмаган бўлса, ҳеч қандай қасос олишни ўйламасди. Башарти, бундай ўта шов-шувли воқеа бир герцог билан рўй берган: у озодликка чиққач, карабинерларни босқинчилар яширинган жойга бошлаб борган, сўнг адвокатлар ёллаган. Уларни тутиб, қамоққа олишгандан сўнг ана шу герцогнинг ўзи аралашиб, қамоқ муддатини ярмига қисқартиришга муваффақ бўлган. Боиси, улар герцогга шу қадар одоб ва ҳурмат-иззат билан муносабатда бўлишганки, бундай одатни Палермонинг олий табақаларидан иборат давраларда ҳам ҳеч қачон кўрмаган эдим, деб айтган эди герцог.

Ва аксинча, махбус ўзини ёмон тутганида унга тазйиқ ўтказишса, озод бўлиши учун бойлигини сарфлаб, ўзини турмага солганларни таъқиб остига олар, баъзан ўзи учун берилган тўловга нисбатан кўпроқ тўлашини тавсия этиб, қасд олмоқчи бўларди.

Шу билан бирга ҳар иккала томон ҳам ўзини одоб доирасида тутса, иш меъёрида бўлиб, нархини тезда келишиб олишар ва тутқун озод этиларди. Сицилия бойлари буни она заминида истиқомат қилгани учун норасмий солиқ тўлаш деб қарашга ўрганиб қолишганди. Ваҳоланки, ҳукумат солиқлари арзимас даражада бўлиб, бу хочни улар насронийча мурса билан олиб боришарди...

Шунингдек, «меҳмон таклиф қилиш»га ҳамиша атрофлича пухта тайёргарлик кўриларди. Одамни зўрлик ишлатмай ўғирлаш учун уни маълум муддат кузатишга тўғри келарди. Ҳаммадан олдин беш ёки олтита пана жой танланиб, озиқ-овқат ва қўриқчилар билан таъминлаш лозим эди. Ўзаро келишув узоққа чўзилиши, ҳукуматдагилар ўғирланган кишини ахтаришга киришиши мумкин-да! Бу мураккаб иш ҳаваскор учун мос эмас эди.

Гильяно ўғриликка киришар экан, у фақат бой-бадавлат мижозларни танлаб олишга қарор қилди. Шундайлардан бири Сицилияда улкан мол-мулки бўлган шахзода Оллорто ҳисобланиб, Бразилиянинг кўпгина ҳудудини ўз тасарруфига олганди. Оллорто ерларида Монтелепре аҳолисининг аксар қисми истиқомат қилар, уларнинг фермалари ва уйлари ана шу давлатмандда турарди. Сиёсий жиҳатдан эса ҳукумат доирасида таъсир кучи энг нуфузли шахс саналарди; Римда адлия вазири унинг энг яқин дўсти ва Италиянинг собиқ қироли ўғлини чўқинтирган отаси эди. Ол-

лортонинг Сицилиядаги бор мол-мулкини дон Кроче бошқарарди. Ўз-ўзидан маълумки, дон Крочега тўланадиган катта ҳақ эвазига у шахзода Оллортони ўғрилар ҳамда қотиллардан, қимматбаҳо зебу зийнатлар, қорамол ва қўйларни эса талончилардан қўриқлаши керак эди.

Шахзода Олторто деворлари дон Кроченинг одамлари, дарвозабонлари ҳамда шахсий қўриқчилари томонидан маҳкам муҳофаза қилинадиган қасрида тинч-осойишта ҳамда хавф-хатардан холи яшар, оқшомларни хотиржам ва ёқимли ўтказар, дунёдаги энг яхши кўрсатадиган телескопи орқали осмонни қизиқиб кузатар эди. Тўсатдан расадхона томига олиб чиқиладиган айланма зинада қадам товушлари эшитилди. Эшик қарсиллаб очилди ва беўхшов кийинган учта ёш ўспирин қўлида милтиқ тутганча кичкина хонага ёпирилиб кирди. Шахзода қўли билан телескопни ёпиб, бегуноҳ юлдузлардан юз бурди-да, уларга қаради. Терранованинг бамисоли сассиқ кўзанга ўхшаш муғомбирона юзига кўзи тушгач, худога илтижо қилиб чўқинди.

Бироқ Терранова унга ниҳоятда хушмуомалалик билан мурожаат қилди:

– Ҳазратим, менга сизни тоққа олиб бориш буюрилган, у ерда Тури Гильяно хузурида дам оласиз. Сиздан қанча истиқомат қилишингиз ҳамда овқатланишингизга қараб пул олишади. Бизда шундай қоида мавжуд. Лекин сизга худди ёш чакалоққа қарагандек қарайдилар.

Шахзода кўрққанини яширишга уринди. У эгилиб таъзим қилди ва жиддий қиёфада сўради:

– Ўзим билан бирга дори ҳамда кийим-кечакларимни олсам бўладими?

– Бунинг учун одам юборамиз, – деди Терранова. – Ҳозир эса, муҳими, вақтни бекор кетказмаслик. Ҳадемай бу ерга карабинерлар келишади, аммо бизнинг сайр-томошамизга улар таклиф этилмаган. Энди, марҳамат қилиб менинг олдимга ўтиб зинадан тушинг, ўзингизни орқага ташлашга уринманг. Одамларимиз ҳамма томонга тарқалган, ўқдан ҳатто шаҳзода ҳам халос бўла олмайди.

Деворнинг охирида ён томондаги кичик эшик ёнида «альфа-ромео» машинаси ҳамда жип турарди. Шаҳзода Оллортони «альфа-ромео»га итариб киритишди. Терранова ва қолганлар эса жипга сакраб миниб олишди, автомобиллар шу тариқа тоққа қараб ўрмалаб кетди. Палермодан ярим соат юргач, Монтелепредан унча узоқ бўлмаган жойда машиналар тўхтади ва ҳамма тушди. Йўл ёқасида Мадонна тасвири туширилган ибодатхона бўлиб, Терранова унинг олдида тиззалаб ибодат қилди. Шаҳзода диндор киши эди, лекин унга таклид қилиш истагини куч билан босиб, бу қилиғи ожизлик ёки қўрқув аломати бўлиб кўриниши мумкинлигини ўйлади. Осилиб турган қоятошдан пастга қараб ҳаракатланишди; қандайдир муддатдан сўнг тор сўқмоқ бўйлаб юрдилар. Бу сўқмоқ Каммарати тоғининг бепоён кенгликларига туташиб кетарди.

Улар бир соатдан зиёд йўл босишди ва шаҳзода тўхташни илтимос қилди. Кузатиб бораётган кишилар илтифот билан дарҳол дам олиш учун тўхташди. Улкан гранит қоя остида кечки овқат тановулига ўтирдилар: тегирмонда тортилган ундан қилинган нон, катта пишлоқ бўлаги ва бир шиша вино билан тамадди қилишди. Терранова уни барчага, жумладан, шаҳзодага ҳам баб-баравар тақсимлади, ва ҳатто ундан кечирим сўради ҳам.

– Кечирасиз, сизга бундан ортиғини таклиф қила олмайман, – деди у. – Лагергача борайлик, Гильяно сизни иссиқ овқат билан меҳмон қилади, ажойиб қуён гўшти тановул қиласиз. Ошпазимиз Палермо ресторанларида ишлаган.

Шаҳзода ширинсуханлик ила миннатдорчилик билдирди ва, ҳатто тантанали зиёфатлардан ҳам ортиқ зўр иштаҳа билан овқатланди. Улар анча қадам босишган, шаҳзода бир неча йиллардан буён биринчи марта худди бўри каби очикқан эди. Бир қути инглиз сигаретасини чиқариб, уни даврага тарқатиб чиқди. Терранованинг жамоасидаги ҳар бир киши бир донадан олди-ю, харислик билан чекди. Шаҳзода ундан сигарета қутисини тортиб олмаганларидан дадиллашди-ю, шундай деди:

– Мен айрим дориларни ичишим керак эди. Пархездаман ва менга ҳар куни инсулин керак.

Терранова шаҳзодани ҳайратга солиб, бу таклифга чин юракдан муносабат билдирди:

– Нега бу ҳақда дарҳол айтмадингиз? – деди у. – Биз бир дақиқа бўлса-да кутиб турган бўлардик. Лекин сиз хавотирланманг. Гильяно дори учун одам юборади ва эрталаб уни оласиз. Бунга ваъда бераман.

– Раҳмат, – деди шаҳзода.

Худди този итники каби танаси нозик бўлган Терранова унинг кўнглига йўл топганидан яйраб кетди. Сассиқ кўзанникига ўхшаш муғомбирона юзи диққат-эътиборли ифодадан ёришди. Терранованинг бутун туриш-турмуши бамисоли устарага ўхшар – ундан фойдаланиш ҳам, ўлим қуролига айлантуриш ҳам мумкин эди. Бир оз вақтдан кейин улар яна йўлга тушишди, Терранова сафнинг бошида эди. Баъзан у қисқа қадам ташлар, шаҳзода билан гаплашиб олмоқ-

чи бўлар ва ҳеч қандай нохушлик рўй бермайди, деб ишонтирарди.

Улар тобора юқорига кўтарилишди ва, ниҳоят ясси тепаликка чиқишди. Учта гулхан ёқилган, тик жарлик ёқасида сайрга мос толлар ва бамбукдан тўқилган ором-курсилар турар эди. Столлардан бири ортида ўтирган Гильяно Америка армиясининг батареяли чироғи ёғдусида китоб ўқирди. Унинг оёғи ёнида китоблар солинган қоп ётарди. Бутун қоп бўйлаб ҳашаротлар изғир, тоғ ҳавосини уларнинг овози босиб кетган эди. Гильяно эса, афтидан, буларга умуман эътибор бермас эди.

У столдан турди-да, шахзодани назокат ила қарши олди. Гильянонинг тутқунга муносабати қамокдагига мутлақо ўхшамасди. Аммо юзида енгил табассум жилва қилар, бу афтидан унинг қанчалик илгарилаб кетганини ўйлаётганидан эди. Икки йил бурун Гильяно оддий деҳқон эди, энди эса қўлида қудратли кучни жиловлаб турибди.

– Сиз овқатландингизми? – деб сўради у. – Ҳузури-мизда ўзингизни яхши ҳис этишингиз учун нималар керак? Ахир бу ерда анча вақт қоласиз-ку.

Шахзода қорни очлиги ҳамда инсулин ва бошқа дори-дармонга муҳтожлигини айтди. Гильяно қоя остида турган кимгадир қичқирди. Кўп ўтмай, одамларидан бири иссиқ гўшт солинган кастрюлни кўтариб келди. Гильяно шахзодага қандай дорилар кераклигини аниқ-тиниқ қилиб ёзиб беришини илтимос қилди.

– Монреалда таниш доришуносимиз бор, у дориҳонани кундузи ва кечаси истаган вақтида очади, – деди Гильяно. – Сиз дориларингизни эртага тушга қолмай оласиз.

Шахзода овқатланиб бўлгач, Гильяно уни қоя остидаги кичик ғорга бошлаб кирди. Бу ерда қамиш кара-

вот кўрпа-ёстиғи билан турарди. Унинг изидан кирган икки қароқчи адёл ва чойшаб кўтариб олишганди. Шахзода қордек оппоқ чойшаблар ҳамда катта момик ёстиқни кўриб хайратда қолди.

– Сиз бизнинг фахрли меҳмонимиз бўласиз, – деди унинг ажабланганини илғаган Гильяно. – Хузуримизда қисқа давом этадиган дам олишингиз ёқимли, кўнгилли бўлиши учун ҳамма чорани кўраман. Агар одамларимдан бирор киши сизга нисбатан ҳурматсизлик қилса, менга айтинг. Улар сизга эҳтиром билан муносабатда бўлишлари тўғрисида қатъий кўрсатма олишган, бу сизнинг мавқеингиз ҳамда Сицилия ватанпарвари сифатидаги обрў-эътиборингизга мос келмоғи керак. Энди эса хайрли тун. Сиз кўп куч тўплашингизга тўғри келади, чунки эртага узоқ юриш керак. Гаров тўғрисидаги талаб аллақачон юборилган ва карабинерлар бутун таркиби билан сизни ахтаришга тушади, шундай экан, бу ердан олисда бўлишимиз керак.

Шахзода унинг кўрсатган илтифоти учун миннатдорчилик билдирди, сўнг гаров миқдори қанчалигини сўради.

Гильяно кулди ва бу болаларча беғубор табассум шахзодани қойил қолдирди. Аммо Гильянонинг жавобидан сўнг унинг ёқимли кайфияти ҳавога учиб, сингиб кетгандай бўлди.

– Ҳукуматингиз менинг бошим учун ўн миллион лира тиккан. Аммо ўн баробар ортиқ сўрамасам сизни хафа қилган бўламан.

Шахзода довдираб қолди, сўнг киноясиз деди:

– Умид қиламизки, хонадоним худди сиздек мени ҳам юксак қадрлайди.

– Нарх борасида гаплашса бўлади, – деди Гильяно.

Гильяно кетгач, одамларидан икки киши шахзодaga ўрин солишди-да, ғор оғзида ўтириб олишди. Ха-

шаротларнинг тинимсиз гўнғиллашига қарамай, шахзода Олорто шу қадар қаттиқ пинакка кетдики, кўп йиллар бундай ухламаган эди.

Гильяно тун бўйи тиним билмади. Одамларини Монтелепрега дори олиб келишга жўнатди. У Монреалга юбораман деб шахзодани алдаган эди. Сўнг Террановани ибодатхонага, аббат Манфредиди ҳузурига йўллади. Гильяно гаров тўғрисидаги келишув билан аббат шуғулланишини истади, чунки у дон Кроче орқали ҳаракат қилишини биларди. Бироқ аббат ажойиб воситачи бўлади ва дон Кроче ўзининг тегишли ҳиссасини олади.

Келишув тез якун топмайди, юз миллион лирани ҳеч ким тўламаслиги аниқ. Шахзода Олорто ниҳоятда бой-бадавлат, аммо анъана шунақа, ҳеч ким биринчи талабданоқ тўламайди.

Шахзода Олорто учун келганининг иккинчи куни ғоят ёқимли ўтди. У тоғдаги деҳқоннинг ташландиқ уйигача қийналмай бемалол етиб борди. Бу уй тоғнинг анча ичкарисиди жойлашган эди...

Шахзода Олорто эғнидаги либосларининг ҳолатидан таъби хира бўлганини Гильянонинг ўткир назари сезди. У бағоят гўзал тикилган инглиз костюми ғижимланиб, абгор ҳолга келганини кўриб афсусланди.

– Эғнингизни нима билан беркитишнинг сиз учун фарқи йўқ экан-да? – деди Гильяно унга киноясиз, аммо росмана қизиқиш билан.

Шахзодада ҳамиша туғма педагоглик қобилияти бор эди. Ҳа, боз устига вақт ўтиши билан унда мураккаб шароитларда эҳтиёткорлик пайдо бўлган. Шу боис у Гильянога ўзи каби одамлар яхши матодан кийим тиктиришдан фақат ютишлари хусусида нутқ ирод этди. У лондонлик тикувчилар ҳақида маълумот берди. Турли-

туман матолар, моделчилар маҳорати, кийиб, синаб кўришга қанча вақт кетиши тўғрисида ҳикоя қилди.

– Азизим Гильяно, – деди шаҳзода Оллорто, – гап фақат пулда эмас, гарчи авлиё Розалияга ҳам маълум бўлса-да, бу костюмимга тўланган пулга Сицилия оиласи бир йил рўзғор тебратиши мумкин, боз устига қизимнинг сепи учун ҳам қолади. Аммо мен Лондонга кетишга мажбурман. Тикувчи ҳузурида ўзимни у ёқ-бу ёққа айлантириб кўришим учун кўп кун сарфлайман. Бу ғоят ёқимсиз синов. Шундай экан, костюм яроқсиз ҳолга келганига ачинмасдан иложим йўқ. Менда энди бунақаси ҳеч қачон бўлмайди.

Гильяно шаҳзодага ҳамдардлик билан назар ташлади-ю, сўнг сўради:

– Сиз ва атрофингиздаги кишиларнинг бошқаларга ўхшамасдан, боз устига, кечирасиз, шунчалик қунт билан кийинишингиз нима учун керак? Гарчанд ҳозир тоғда бўлсак ҳам бўйинбоғ тақиб юрибсиз. Бу уйга кирганимизда, худди сизни герцогиня кутаётгандек, пиджак тугмаларини ўтказиб олдингиз.

Шаҳзода жиддият ва тўла-тўқис самимият ила:

– Сиз нега манови зумрад узукни ва олтин тўқани тақиб юрасиз? – деб сўради ва кулимсираб жавобини кутиб турди. Аммо Гильяно жилмайиб қўйди, холос. Шаҳзода гапини давом эттирди:

– Мен ўзимдан анча бой бўлган аёлга уйландим. Ўз салтанатим ва сиёсий мажбуриятларим бор. Бу ерда, Сицилияда мол-мулкка эгаман. Рафиқам туфайли Бразилияда янада кўпроқ мол-мулким бор. Чўнтагимдан чиқарган заҳоти одамлар келиб қўлимни ўпишади, Римда ҳам менга катта эҳтиром кўрсатадилар. Чунки у ерда ҳамма нарсани пул ҳал қилади. Барчанинг диққат-эътибори менга қаратилган. Мен ўзимни ғалати

ҳис этаман: ахир бунга арзирли иш қилганим йўқ-да! Лекин бу меники, буни асрамоғим керак – шундай муҳим ижтимоий мавқени шарманда қилмаслигим шарт. Баъзан сиз ва дон Крочега ўхшаш кишиларга ҳавасим келади, уларнинг бутун кучи калласида ва қалбида жамланган. Бундайлар жасорат ва маккорлик таъсирига эга. Мен ҳам Лондондаги тикувчидан чиқиб шуларни қўлга киритсам, кулгига қолмайманми?

Гильянони икковлоннинг бир стол атрофида ўтириб, Сицилия бахтсизлиги ва Римнинг қўрқоқлиги ҳақида қилган суҳбатлари жуда қизиқтирди.

Шаҳзода дон Кроченинг Гильянони ўз томонига оғдириб олиш тўғрисидаги мўлжалини билар ва шу йўсинда ҳаракат қилишга уринарди.

– Азизим Гильяно, – деди у, – Сицилияни биргаликда бошқариш учун нега дон Кроче билан бирлашмадингиз? Унда ёши билан боғлиқ донишмандлик, сизда эса навқиронлик идеализми мавжуд. Ва икковингиз ҳам, сўзсиз равишда Сицилияни севасиз. Ҳаммамизни хавф-хатар ўзига қамраб олаётганида, нима учун келажакда барча кучларни бирлаштирмайсиз? Энди, мана, уруш тугагач, кўп нарса ўзгармоқда. Коммунистлар ва социалистлар черков таъсирини пасайтириб, қадимий томирларни узиб ташлашга умид қилмоқдалар. Улар сиёсий партиялар олдидаги бурч онага муҳаббатдан, ака-ука ва сингилларга нисбатан садоқатдан устун бўлмоғи керак, деб тасдиқлашга журъат этадилар. Хўш, сайловда ғолибликни қўлга киритиб, шундай сиёсат юргизсалар нима бўлади?

– Улар ҳеч қачон ғалаба қозонмайдилар, – деб жавоб берди Гильяно.

– Бунчалик ишонманг, – деди шаҳзода. – Сиз Сильвио Феррани эслайсизми – ахир у болаликдаги дўс-

тингиз эди-ку. Сильвио каби бинойи болалар урушга кетишди-ю, у ердан радикал ғоялар билан заҳарланиб қайтишди. Уларнинг ташвиқотчилари нон ва ерга пул тўланмайди, деб ваъда беришмоқда. Дўлвор деҳқон сабзи емоқчи бўлган эшакка ўхшайди. У тўла-тўқис социалистлар учун овоз бериши мумкин. Фақат сиз ва дон Кроче Сицилиянинг озодлигини таъминлашга қодирсизлар. Дон Кроче сиз тўғрингизда доимо ўзининг ўғлидек тарзда гапиради. У, шубҳасиз, сизни яхши кўради. Менимча, сиз ва «Дўстларнинг дўсти» ўртасидаги урушни фақат Кроче бартараф этиши мумкин. У сизнинг муҳим деб ҳисоблаган ишларингизга киришганингизни тушунади, буни мен ҳам яхши англайман. Лекин ҳатто энди ҳам учовимиз келишиб ҳаракат қилишимиз ва олдиндан белгилаб қўйилган тақдир аъмолларини таъминлашимиз мумкин. Агар бунинг уддасидан чиқмасак, ҳаммамиз гумдон бўламиз.

Тури Гильяно қаҳр-ғазабини тийиб тура олмади. Бу бойлар бунчалик сурбет бўлмаса!

– Биз ҳали гаров тўловингиз тўғрисида келишганимиз йўғ-у, сиз менга бирлашишни таклиф қияпсиз, – деди у ҳаддан ташқари хотиржамлик билан. – Балки, сиз ўлиб кетарсиз.

Шу тун шаҳзода ёмон ухлади. Аммо Гильяно ғазабини яшириб, сир тутди ва шаҳзода кейинги икки ҳафтани осуда ўтказди. Соғлиғи яхшиланди, очиқ ҳавода ҳар кунлик жисмоний машқлар туфайли танаси чиникди. Гарчанд у ориқ бўлса-да, қорнида ортиқча ёғлар пайдо бўлганди, энди ўшалар йўқолди. У ҳеч қачон ўзини бу қадар ажойиб ҳис этмаган эди. Ниҳоят улар гаров нархини олтмиш миллион лира олтин ҳисобига келишдилар. Бу маблағ дон Кроче ҳамда аббат Манфреди орқали тўланди. Гильяно ва ўринбосарла-

ри ҳамда отряднинг анча фаол йигирма нафар аъзо-
си иштирокида шахзоданинг озод бўлиши арафасида
зиёфат уюштирилди. Шу муносабат билан Палермо-
дан шампан виноси келтирдилар.

Бу оқшомни шахзода умрининг охиригача, боз ус-
тига мамнуният билан эслайди.

Эртасига эрталаб, якшанба куни шахзодани Палер-
мо ибодатхонасига олиб келиб, шу ерда қолдиришди.
Тонгги ибодат давом этарди, у ичкарига кирди-да, ибо-
дат қилди. Ўзининг ўғирланган кунида қандай кийин-
ган бўлса, худди шундай либосда эди. Гильяно хурмат-
эҳтироми боис ҳайрон қолдириш мақсадида унинг
инглиз костюмини тозалатиб, Римнинг энг яхши ти-
кувчисига берган ва рисоладагидек тиктирган эди.

Ўн учинчи бўлим

Мафия сардорлари дон Кроче билан учрашишни
талаб қилишди. Гарчи дон улар орасида раҳна-
мо деб ҳисобланса-да, бевосита унга бўйсунмас эдилар.
Ҳар бирининг ўз ташкилоти бор. Мафия ўрта асрлар қи-
роллигида юзага келган, таъсири кучли баронлар бир-
лашиб, урушда энг кучлисини қўллаб-қувватлашган ва
уни ўзларининг бошлиғи деб тан олишган. Аммо худди
ўша қадимги баронларга ўхшаб қироллар ҳам уларнинг
атрофида гирдикапалак бўлиши, урушда тушган ўлжани
тақсимлаши керак эди. Дон Кроче мафия сардорлари-
ни куч билан бошқармасди. Уларнинг турфа қизиқиш-
ларини барчага фойдаси тегадиган умумий манфаатга
уйғунлаштириб, шунга мувофиқ идора қиларди.

Дон Кроченинг бу одамлар билан эҳтиёт бўлиб му-
носабат юритишига тўғри келди. Ахир ҳар бирининг

Ўз армияси, сирли қотиллари, бўғиб ўлдирувчилари, захар берувчилари, эҳтиром билан ажалга элтувчи кишилари бор, улар милтиқдан ҳам, ўточар қуролдан ҳам даҳшатли. Бу жиҳатдан дон Кроче билан барабар – айнан шу сабабли Кроченинг Гильянони ўзига бош қўмондон қилиб қўйиш истаги пайдо бўлди.

Мафия сардорлари ҳам ўз-ўзича аҳмоқ одамлардан иборат эмас, баъзи бирлари Сицилияда энг маккор ҳисобланади. Улар дон Крочега ғазаб қилмас, ҳокимиятини мустаҳкамлаяпти дейишмас, унга умид боғлаб, ишонар эдилар. Хатто дунёдаги энг ақили одам ҳам хатога йўл қўйиши мумкин. Улар доннинг Гильянога нисбатан эҳтироси – бу ихтиёридаги ягона алжираши, деб ҳисоблашарди.

Дон Кроче Палермодаги «Умберто» меҳмонхонасининг боғида олтига ҳамкасби учун дабдабали зиёфат уюштирди, у ерда ўзини хавфу хатардан холи сезиш ва сир сақлаши мумкин эди.

Мафия сардорлари орасида энг шафқатсиз ва фикрларини очик-ойдин ифодалайдигани дон Сиано бўлиб, у Бисакино шахрини бошқарар эди. Дон Сиано барчанинг номидан сўзга чиқишга рози бўлди ва бу ишни хушмуомалалик билан, аммо «Дўстларнинг дўсти» ташкилотида олий даражада қабул қилинганидек, кескин равишда амалга оширди.

– Азизим дон Кроче, – деди дон Сиано, – сени қанчалик ҳурмат қилишимизни яхши биласан. Сен бизни ва оилаларимизни ҳаётга қайтаргансан, жон киргизгансан. Сендан жуда қарздормиз. Бугун бу ерда айтadиган гапимиз сенга хизмат таклиф этишдан иборат. Бу босқинчи Тури Гильяно ҳаддан зиёд кучайиб кетди. Ва биз ҳам унга нисбатан ниҳоятда қўнғилчанлик қиляпмиз. У бор-йўғи бир бола, аммо на биз билан, на сен

билан ҳисоблашади. Гильяно энг яхши миждозларимизнинг қимматбаҳо тақинчоқларини тортиб олади. Энг бой-бадавлат заминдорларимизнинг зайтун мойлари, узум, маккажўхориларини талайди. Энди эса бизга буткул ҳурматсизлик кўрсатди, бунга индамай туролмаймиз. Устига устак сен Гильянонинг кўнглига қараб иш қилиб, қўлингни дўстона узатишда давом этипсан. Унинг кучи қай даражада, ортида қандай куч бор – би-ламан, аммо биз кучли эмасмизми? Агар Гильянога яна имкон бериб, бундан буён ҳам шу тарзда ҳаракат қилишига қўйсак, у янада кучайиб кетмайдими? Биз, барчамиз бу масалани ҳал қилиш вақти келди, деб ҳисоблаймиз. Унинг кучини йўққа чиқариш учун барча чораларни кўрмоғимиз керак. Агар Гильянонинг шаҳзода Оллортони ўғирлаганига индамай қараб турсак, бутун Сицилия устимиздан хахолаб кулади.

Дон Кроче гўё бу гапларни маъқуллагандек бош ирғаб ўтирди. Лекин индамади. Бу ердагилар орасида аҳамияти жиҳатидан охириги ўринда турган Гвидо Кинтана сал бўлмаса йиғлагудек бўлиб гапирди:

– Мен – Монтелепре мэри ҳисобланаман ва «Дўстлар»дан эканлигимни ҳамма билади. Лекин энди жанжал, тортишувни бартараф этиш ёхуд келтирилган зарарни ундириб бериш бўйича ҳеч ким ҳузуримга совға кўтариб келмайди. Шаҳарни Гильяно бошқаради ва менга раҳми келганидан, сизлар билан жанжаллашмаслик учун у ерда яшашимга рухсат беради, жаноблар. Лекин яшашга ҳеч нарсам йўқ, ҳеч қандай ҳокимият йўқ менда. Шунчаки қўлидан иш келмайдиган малайман. Гильяно тирик экан, Монтелепреда «Дўстларнинг дўсти» мавжуд бўлмайди. Мен-ку, бу йигитдан қўрқмайман. Бир куни ҳушини жойига келтириб қўйган эдим. Бу қароқчи бўлишидан олдин рўй

берган. Ундан қўрқмаслик керак деб ўйлайман. Агар кенгаш розилик берса, мен Гильянони бир ёқли қилишга ҳаракат қилиб кўраман. Аллақачон режа ишлаб чиққанман ва уни амалга ошириш учун маъқуллашларингни кутяпман.

Кальтаниссеттидан келган дон Пидду ва Пьяни-деи-Гречидан келган дон Арзана бош ирғашди.

– Бунинг қандай қийинчилик жойи бор? – деди дон Пидду. – Имкониятларимиздан келиб чиқиб унинг жасадини Палермо ибодатхонасига олиб келамиз-у, дафн маросимига худди тўйга боргандай борамиз.

Мафиянинг бошқа сардорлари – Вилламуридан дон Маркуцци, Партиникодан дон Буччила ва дон Арзана ҳам маъқуллашди. Ва кута бошлашди.

Дон Кроче катта бошини кўтарди. Ҳаммага навбати билан ўткир бурнини нишонга олгандай қараб гапирди:

– Азиз дўстларим, мен сизларнинг ҳис-туйғуларингизни тўла-тўқис англаб, қўллаб-қувватлайман, – деди у. – Лекин, назаримда, бу йигитчага етарли даражада баҳо бермаяпсизлар. У ёш бўлишига қарамай айёр, шунингдек, бу ерда ўтирганлардан кўра анчайин жасоратли. Гильянони ўлдириш осон бўлмайди. Қолаверса, мен келажакда ундан қандай фойдаланишни биламан – фақат ўзим учун эмас, балки сизларнинг барчангиз учун. Коммунистик тарғиботчилар сицилияликларни руҳлантиришяпти ва улар бутунлай бошини йўқотиб, янги Гарибальди пайдо бўлишини кутмоқдалар. Бизнинг вазифамиз – шундай қилишимиз керакки, Гильяно уларнинг халоскори бўлишни ўйламасин. Агар бу ёввойилар вақти келиб Сицилияни бошқарса, оқибати қандай бўлишини сизларга айтиб ўтиришимнинг асло ҳожати йўқ. Гильянони биз

томонда туриб курашишига ишонтирмоғимиз керак. Уни ўлдириб, кучидан воз кечиш даражасида аҳволимиз ҳам унчалик мустаҳкам эмас ҳали.

Дон чуқур нафас олиб, бир бўлак нон тишлаб, винодан ҳўплади-ю, оғзини маза қилиб салфетка билан артди.

– Менга бир марҳамат кўрсатинглар. Уни ишонтиришга охирги марта уриниб кўришимга рухсат беринглар. Агар рад этса, нимани муҳим деб ҳисобласангиз, шуни қилинг. Сизларга уч кун ичида жавобини айтаман. Фақат бу оқилона битимга келиш учун охирги бор уриниб кўришимга имкон беринг.

Биринчи бўлиб Дон Сиано розилик маъносида бошини эгди. Ахир қайси ақлли одам қотилликни уч кун ортга суришни кутишга рози бўлмайди?

Улар жўнаб кетгач, дон Кроче Гектор Адонисни уйига, Виллабага чақирди. Сўнг у билан шикоятга ўрин қолдирмайдиган тарзда гаплашди.

– Чўқинтирган боланг билан сабр-тоқатим поёнига етди, – деди у қисқа қилиб, – Гильяно ё биз билан, ёки бизга қарши бўлиши керак. Шахзода Оллортонинг ўғирланиши мен учун тўғридан-тўғри шармандалик, аммо уни кечириш ва эсдан чиқаришга тайёрман. Хулласи калом, Гильяно ҳали ёш, мен ҳам бу ёшда жанжални сотиб оладиган даражада эдим. Бунинг учун ҳамиша унга қойилман, фахрланаман, деганман. Ва, ишон, Гильянонинг қобилятини кадрлайман. Агар менинг ўнг қўлим бўлишга кўнса, мисли кўрилмаган даражада мамнун бўлардим. Лекин у умумий тартибни эътироф этиши керак, маҳаллий ташкилотлар раҳбарлари орасида шундай одамлар борки, улар Гильянога унчалик қойил қолмайдилар, уни англаш даражасида ёндашмайдилар. Мен бу одамларни тутиб

тура олмайман. Шундай экан, чўқинтирган болангга боргин-у, айтганларимнинг ҳаммасини етказ. Ва менга жавобини энг кечи билан эртагача олиб кел. Узоқ кута олмайман.

Гектор Адонис эсанкираб қолди:

– Дон Кроче, мен сизнинг бағри кенглигингиз ва хатти-ҳаракатларингиз самимийлигини тушунаман. Аммо Тури барча ёш йигитлар каби қайсар ҳамда ўз кучига ўта даражада ишонади. Ва қўлидан иш келмайдиган унчалик ожиз эмас. Агар у «Дўстлар»га қарши уруш эълон қилса, биламан, ютиб чиқмайди, аммо даҳшатли зарар етказади. Мен Турига бирор мукофот ваъда қилсам бўладими?

– Унга шундай ваъда бер, – деди дон Кроче. – Гильяно шахсан менинг садоқатим ҳамда меҳрим туфайли «Дўстларнинг дўсти»да юксак ўринни эгаллайди. Ахир бир умр тоғда яшай олмайди-ку. Шундай фурсат келадик, унда жамиятда муайян ўрин эгаллаш, қонун билан келишиб яшаш, ўз оиласига эга бўлиш хоҳиши туғилади. Шундай кун келганида, бутун Сицилияда фақат мен уни авф этиш билан таъминлай оламан. Колаверса, буни бажаришдан ўзимни бениҳоя бахтли ҳис этаман. Гапларим бутунлай самимий.

Дарҳақиқат, дон гапираётганида, унга ишонмаслик, сўзларига маҳлиё бўлмаслик асло мумкин эмас эди.

Гектор Адонис Гильяно билан учрашиш учун тоққа йўл олар экан, ниҳоятда безовта эди. У чўқинтирган ўғли билан очиқ-ойдин гаплашишга қарор қилди. Тури чўқинтирган отаси, энг аввало, уни яхши кўриши ва бу ҳис-туйғуни дон Крочега итоат этишдан устун қўйишини билиши керак.

Жарлик ёқасида курсилар ҳамда буклама столлар турарди. Тури ва Аспану иккови ўтирарди.

– Сен билан ёлғиз гаплашишим керак, – деди Гектор Адонис Гильянога мурожаат қилар экан.

– Ҳой, пакана, Турининг мендан яширадиган сири йўқ, – аччиқланиб гап ташлади Пишотта.

Адонис унинг таҳқиромуз гапини қулоғи остидан ўтказиб юборди.

– Тури, агар истаса, гапларимни сенга айтиб бериши мумкин, – деди у хотиржам оҳангда. – Бу Гильянонинг иши. Аммо сенга айтолмайман. Зиммамга бундай катта вазифани ололмайман.

Гильяно Пишоттанинг елкасига қоқиб қўйди.

– Бизни холи қолдир, Аспану. Борди-ю нимадир сенга тааллуқли бўлса айтаман.

Пишотта ўрнидан кескин қўзғалди, Адонисга совук назар ташлади-ю, бу ерни тарк этди.

Гектор Адонис анча вақт жим ўтирди. Сўнг гап бошлади:

– Тури, сени мен чўқинтирганман. Болалик чоғингдан буён сени яхши кўраман. Сени ўқитдим, ўқишга китоблар бердим, изингдан тушганларида ёрдам бердим. Сен дунёдаги менинг яшашим учун мамнуният бағишлаган камдан-кам одамлардан бирисан. Шунга қарамай, тутинган аканг Аспану мени ҳақоратлайди, сен эса ҳатто уни тўхтатмайсан ҳам.

– Мен ота-онамни истисно қилганда, бошқалардан кўра сизга ниҳоятда ишонаман, – деди Гильяно.

– Яна Аспануга ҳам, – деди ўпкалаб Адонис. – Бундай қонхўр кишига ишониш мумкинми?

Гильяно Адониснинг кўзига тикилди ва у Турининг юзидаги очиқ-ойдинлик ҳамда ростгўйликка қойил қолмасдан иложи йўқ эди.

– Ҳа, тан олишим керак, мен Аспануга кўпроқ ишонаман. Аммо сизни мурғак давримдан буён яхши кў-

раман. Сиз китобларингиз ва донишмандлигингиз билан ақлимни чархладингиз. Биламан, онажоним ҳамда дадамни пул билан таъминлаб, уларга ёрдамлашасиз. Ва менинг барча кулфатли кунларимда содиқ дўстим эдингиз. Лекин «Дўстларнинг дўсти» билан боғланганингизни кўриб турибман ва мен тушунишимча, айнан шу иш сизни бу ерга етаклаб келган.

Адонис яна бир карра чўқинтирган ўғлининг зийраклигига қойил қолди. У Турига ишнинг моҳиятини баён этди:

– Сен дон Кроче билан мураса қилишинг керак. На француз қироли, на Иккала Сицилия қироли, на Гарибальди, на Муссолини «дўстлар»ни охиригача енгишни уйддалашди. Сен ҳам уларга қарши урушда зафар қозона олмайсан. Ёлвораман, улар билан мураса қил. Даставвал сен дон Крочега ён беришинг керак, ахир келажакда аҳволинг қандай бўлишини ким билади. Ор-номусинг ва онажонинг ҳаққи-ҳурмати қасам ичиб айтаманки, икковимиз ҳам сени яхши кўрамыз, дон Кроче сенинг қобилиятингга ишонади ва чин меҳрини бахшида этади. Сен унинг меросхўри ва суюкли ўғлига айланасан. Лекин Кроченинг устунлигини эътироф этишинг керак.

Адонис Гильянонинг ҳаяжонлангани ҳамда барчасини жиддий қабул қилганини кўрди.

– Тури, онажонингни ўйла, – жўшқинлик билан гапини давом эттирди у. – Сен тоғларда бир умр қолиб кетмайсан-ку, ҳаётингни таҳликада қолдира олмайсан, бир йилда неча марта хатарга дуч келасан. Дон Кроче эса сен учун авф этишга ҳаракат қилиши мумкин.

Йигитча бир оз вақт ўйланиб, аста-секин жиддий тарзда гап бошлади:

– Энг аввало, сизга ростгўйлигингиз учун миннатдорчилик билдираман, – деди у. – Таклиф жуда ҳавас-

ни келтирадиган даражада. Аммо мен Сицилия қаш-шоқларини муҳтожликдан қутқаришга сўз берганман, ўйлашимча, «Дўстлар»нинг бундай мақсади йўқ. Бу кишилар Римдаги бой-бадавлат ҳамда сиёсатчиларга хизмат қилишади, улар эса менинг энг ашаддий душманларим. Келинг, сабр қилиб, кутиб турайлик, кейин кўрамиз. Ҳа, мен шахзода Оллортони ўғирлаб, уларнинг нозик жойига тегиб кетибман. Лекин, гарчи ундан жиркансам-да, Кинтананинг яшашига имкон бераман. Дон Крочега нисбатан эҳтиромим туфайли барча хатти-ҳаракатларига тоқат қилиб келяпман. Бу гапни унга айтинг. Яна шуни етказингки, Крочега муносиб шерик бўлай, деб ибодат қиламан. Ўшанда манфаатларимиз бир-бирига қарама-қарши бўлмайди. Маҳаллий мафия сардорларига айтадиганим эса: нимани хоҳлашса қилаверишсин. Улардан асло қўрқмайман.

Гектор Адонис бу жавобни юраги оғриганча Дон Крочега етказар экан, дон арслон келбатли бошини ирғаб, гўё бошқа жавоб кутмагандай индамай қолди.

Кейинги ойларда Гильяно ҳаётига уч марта суиқасд қилинди. Биринчиси Гвидо Кинтана томонидан уюштирилди. У худди Бордижа каби барча икир-чикиригача ҳаммасини олдиндан мўлжаллади. Гильяно тоғдан энганида кўпинча битта йўлдан кетарди. Йўл ёқасида сершира ўтлар ўсиб ётган далалар ястанган бўлиб, Кинтана қўйларини отар-отар қилиб боқарди. Бу қўйларни чўпон қиёфасидаги учта одам – Корлеоне шахрининг туб аҳолиси ҳамда Кинтананинг эски дўстлари қўриқлашарди.

Чўпонлар деярли бир ҳафта давомида Гильяно йўлда кўринганида ҳурмат билан қаршилаб, қадимий одатга кўра, унинг қўлини ўпишга интилишарди. Гильяно улар билан дўстона муносабатда бўларди; чўпонлар кў-

пинча отряд ҳаракатларида иштирок этар, боз устига у доимо сафни тўлдириш йўллари изларди. Гильяно ўзининг ҳаётидан асло хавфсирамас, доимо тан соқчилари билан бирга юрар, кўпинча икки кишининг ўрнини эгаллайдиган Пишотта ҳамроҳлигида бўларди. Чўпонлар қуроullanмаган, аммо енгил кийинган, бундай кийимлар остида қуролни яшира олмайсан.

Аммо чўпонлар бир неча ўқдон солинган сумкани сурув ўртасидаги қўйларнинг қорнига боғлаб яшириб қўйган эдилар. Улар Гильяно якка, муҳофазасиз бўлган пайтни кутишарди. Лекин Пишоттани чўпонлар қизиқтириб қолди; улар нега бу қадар дўстона илтифот кўрсатишади, қолаверса, манови қўй сурувлари қаердан келиб қолди? У ўзининг хабарчилари орқали маълумот йиғди. Аён бўлдики, булар Кинтана томонидан ёлланган қотиллар экан. Пишотта вақтни беҳуда ўтказиб ўтирмади. У шахсий отрядидан ўн нафар жангчини танлади-ю, чўпонларни қуршаб олди. Улардан бу қўйлар кимники, қачондан бери боқишади, ўзлари қаерда туғилган, ота-онаси, хотини, болаларини ким дейишади, батафсил сўрай бошлади. Чўпонлар жавоб берганга ўхшади, аммо Пишоттада далиллар бор, улар алдаётганди.

Синчиклаб кўздан кечирилганда, қурол-яроғларни ҳам топиб олишди. Пишотта бу ёлгончиларни дарҳол гумдон қилмоқчи эди-ю, аммо Гильяно қўймади. Ахир, улар ҳеч қандай зарар етказмаган, ҳамма гап Кинтанада.

Ва, мана, чўпонларга қўйларни Монтелепрега қараб ҳайдаш буюрилди. У ерда, марказий майдонда хабар тарқатилди: «Боринглар, Тури Гильянодан совға олинглар. Ҳар бир хонадонга қўй ва Тури Гильянонинг марҳамати!»

Биринчи илтимосданоқ чўпонлар қўйларни сўйиб, улашиши лозим эди.

«Эсингизда бўлсин, – деб уларга оқ йўл тилади Пишотта, – мен сизларнинг хушмуомала бўлишингизни истайман. Сотилган моллардан фоиз оладиган, Палермодаги энг назокатли сотувчи аёлга ўхшанг. Ва бизнинг табрик ҳамда миннатдорчилигимизни Гвидо Кинтанага етказинг».

Дон Сиано анчайин жўн иш тутди. У икки кишини юбориб, Пассатемпо ва Террановани сотиб олмоқчи ҳамда уларни Гильянога қарши қўймоқчи бўлди. Лекин дон Сиано Пассатемпонинг қанчалик ваҳший бўлишига қарамай, Гильянога садоқатли эканини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Аммо Гильяно яна махфий топшириқ билан келган кишиларни ўлдиришни таққилди, лекин Пассатемпо уларни шахсан дўппослаб, ортига қашқа хол қўйиб жўнатди.

Кинтана учинчи суиқасдга ҳам уриниб кўрди. Ва бу сафар Гильянонинг сабр-тоқати тугади.

Монтелепрега янги руҳоний келди, дарбадар кезган бу монахнинг туриш-турмуши имон-эътиқод йўлида ўзини ўлдиришдан ҳам тоймайдиган киши қиёфасидан дарак берарди. Якшанба кунги ибодат пайтида у куйлади ҳамда муборак жароҳатларини одамларга намоёйиш этди.

Бу кимсани Додана ота дейишарди. У баланд бўйли, полвонларга хос қоматга эга бўлиб, чакқон ҳаракат қилар, узун устки кийими ҳилпираб, дарз кетган чарм ботинкалари устига тушиб турарди. Сочлари оққа мойил, юзлари ажиндор ва қорайган, гарчи бу одам анча ёш бўлса-да, бамисоли ёнғоққа ўхшаб, бужмайиб кетган. Бир ой ўтгач, у тўғрисида бутун Монтелепре гапирадиган бўлди: руҳоний оғир ишдан ўзини четга

олмас, маҳаллий деҳқонларга ҳосилни йиғиштириб олишларига ёрдам берар, кўча-кўйда шумтакалик қилган болалар билан бирга ўйнар, хаста кампирларнинг уйига бориб улардан хабар олар, гуноҳларини айтиб, тавба қилдирарди. Сўнгра Мария Ломбарде бир куни, якшанбада, ибодатдан кейин черков ёнида тўхтатиб, ўғли учун бирор нарса қилишини сўраганида ундан ҳайрон бўлмади.

– Ахир сен ўғлингнинг жонини қутқариш учун безовта бўласан-ку, – деди Додана ота. – Келгуси сафар, агар сени кўришга келса, олдимга юбор, гуноҳларини сўраб, тавба қилдираман.

Гарчи Мария Ломбарде диндор аёл бўлса-да, руҳонийларга эътиқод қўймаган эди. Шунга қарамай Додана ота унга ёқди.

Она яхши биладики, Тури ҳеч қачон тавба қилмайди, аммо руҳоний отадан фойдаланишни уддалай олади. Шу сабабли руҳонийнинг таклифини ўғлига етказишини айтди.

– Мен унга кўмаклашиш учун, ҳатто тоққа боришга ҳам тайёрман, – деди Додана отахон. – Ўғлингга шуни етказ. Менинг ягона ташвишим дўзах таҳдид солаётган руҳини қутқаришдан иборат. Банда нима билан машғул, бу – унинг иши.

Тури Гильяно бир ҳафтадан сўнг волидасини йўқлаб келди. Онаси уни руҳонийни кўриш ва истиғфор келтириб, ибодат қилишга кўндирди. Додана ота ахир уни диний маросимда иштирок эттириши мумкин. Агар Гильяно гуноҳлардан халос бўлса, руҳи енгиллашарди.

Ҳайрон қоларлиси, Тури Гильяно онасига қизиқиш билан кулоқ солди. Руҳонийга учрашишга рози бўлиб, Аспану Пишоттани черковга юборди ва қабул қилишини сўради. Руҳоний ҳаддан зиёд чаққон, ҳаракат-

чан, гавда бичими паҳлавонлардай келишган ва Турига ҳаддан зиёд ихлос қўйган киши бўлиб чиқди.

– Ўғлим, – деди Додана ота, – тавбаларингни ётоқхонада ёлғиз эшитаман. Ва сени гуноҳлардан халос этаман. Ҳамма нарсам мана шунда, – деди у қўлтиғидаги ёғоч қутичага ишора қилиб уриб қўяр экан. – Руҳинг худди онанг кўнгли каби мусаффо бўлғай, агар бирор воқеа рўй берса, тўғридан-тўғри жаннатга йўл оласан.

– Мен сенга ва авлиё отага бирор егулик тайёрлайман, – деди Мария Ломбарде ва ошхонага чиқди.

– Мени шу ерда ҳам гуноҳлардан фориг этишингиз мумкин, – деб кулимсиради Тури Гильяно.

Додана ота Аспану Пишоттага қараб қўйди.

– Дўстинг хонадан чиқиши керак, – деди у.

Тури кулди.

– Менинг гуноҳларим ҳеч ким учун махфий эмас. Улар ҳақида барча газеталар ёзган. Қолганига келсак, менинг кўнглим тинч. Фақат бир нарсадан виждоним кийналади. Тан оламан, мен шубҳа билан қарайдиган одамман. Шундай экан, қўлтиғингиздаги қутида нима борлигини билмоқчиман.

– Бу муқаддас маросимга керак бўладиган нарсалар учун ғилоф, – деди Додана ота. – Уларни ҳозир сенга кўрсатаман.

Руҳоний қутичани оча бошлади ва Пишотта шу заҳоти отанинг елкасига тўппончани тиради. Гильяно руҳонийнинг қўлидан қутичани олди. Уларнинг нигоҳи бир сонияда бир-бири билан тўқнашди. Гильяно қутичани очди. Бахмал устида қорамтир кўк тусдаги автомат-тўппонча ярқираб турарди.

Пишотта Гильянонинг юзи оқариб, ёрқин-кулранг кўзлари ғазабдан қарайиб кетганини кўрди.

Гильяно қутичани ёпиб, руҳонийга «ялт» этиб қаради.

– Икковимиз черковга бориб ибодат қилишимизга тўғри келади, деб ўйлайман, – деди Тури. – Сен ва Кинтана учун. Парвардигори оламга муножот этиб, Кинтана қалбидан қаҳр-ғазабни ҳамда сендан макр-хийлани қувиб чиқаришини ибодат қилиб сўраймиз. Улар сенга қанча берамиз дейишганди?

Додана ота асло ташвишга тушмади. Ахир булар анови қотилларни тинчгина қўйиб юборишган-ку! У елкаларини қисиб кулди:

– Ҳукумат ваъда қилган мукофотга яна беш миллион лира қўшиб берамиз дейишди.

– Ёмон нарх эмас, – деди Гильяно. – Мен сени пул ишламоқчи бўлганинг учун айбламайман. Лекин она-жонимни алдагансан, буни кечира олмайман. Сен ҳақиқатан ҳам рухониймисан?

– Менми? – нафрат билан деди Додана ота. – Асло. Лекин мендан шубҳаланишади деб мутлақо ўйлагандим.

Улар учовлон йўл бўйлаб кетишди. Гильяно ёғоч қутини кўтариб олган эди. Пишотта улар ортидан борарди.

Черковга киришди. Гильяно Додана отага меҳроб олдига тиз чўкишини буюрди, сўнг ёғоч қутичадан тўппончани олди.

– Ибодат қилмоғинг учун сенга бир дақиқа вақт бераман, – деди у.

Эртаси куни эрталаб Гвидо Кинтана доимгидек ўзининг бир чашка қаҳвасини ичиш учун кафега ҳозирланди. У уй эшигини очиб, эрталабки қуёш нурини тўсиб турган қандайдир қора шарпани кўрди. Кейинги лаҳзада катта, қўпол қоқиштирилиб қўйилган хоч сал бўлмаса унинг устига тушиб кетаёзди. Хочга Додана отанинг ўқ билан илма-тешик қилиб ташланган жасади маҳкамланган эди.

Дон Кроче бу мағлубиятларнинг барчаси ҳақида ўйлаб кўрди. Кинтанани огоҳлантиришди. У ўзининг бутун фаолиятини мэр мажбуриятларини бажаришга сарфламоғи керак, акс ҳолда Монтелепре шаҳарчаси ўз-ўзини бошқаришга ўтади. Гильянонинг сабр-тоқати тугагани ва «Дўстларнинг дўсти»га қарши урушга тўлиқ киришиши мумкинлиги очиқ-ойдин маълум бўлиб қолди. Унинг Доданадан қай тарзда ўч олганини кўриб, дон Кроче моҳирона ҳаракат ва маҳоратдан огоҳ бўлди. Демак, яна бир марта зарба бериш қолган, аммо бу сафар хатога йўл қўйилмайди. Дон Кроче ниҳоят қатъийлик кўрсатиш фурсати келганини англади. Ва ниҳоят ўзининг ўй-фикри, ирода кучига таяниб, энг умид қилса арзигулик Стефан Андолини деган кимсасига, Фра Иблис лақабли қотилга одам юборди.

Ўн тўртинчи бўлим

Монтелепре гарнизони юзга яқин ортиқча карабинерлар ҳисобига кўпайди. Гильяно шаҳарчага келиб, оиласи билан оқшомларни ўтказадиган ҳолларда карабинерлар тўсатдан уйга ҳужум қилиб қолиши мумкин, деб ҳамиша хавфсирар эди.

Шундай кечалардан бирида Гильяно ўтириб, отасининг Америка тўғрисидаги ҳикоясини тинглар экан, хаёлига бир ғоя келди. Катта Сальваторее вино хўплар ва эски содиқ ошнаси билан чўпчак айтишарди. Дўсти ҳам Америкада бўлган ва Сицилияга биргаликда қайтган эди. Бу дурадгор Альфио Дорио исмли киши бўлиб, чўқинган отаси – дон Корлеоне ҳузурида ишлагунга қадар дастлабки пайтда Америкада яшаганини Гильянонинг отасига эслатди. Уларни Нью-Жерсидан

Лонг-Айлендга қадар чўзилган дарё остидан туннель қазишга ёллаган эдилар... Улар ишлаш қанчалик даҳшатли кечганлиги, оқиб турган дарёга устунлар қулаб, бамисоли каламушлар каби чўкиб, ғарқ бўлиб кетишдан ўлгудай қўрққанларини эслашарди. Ана шунда Гильянонинг фикри бутунлай равшанлашди. Бу икковлон яна бир неча содиқ ёрдамчилар билан онасининг уйидан тоғ қаърига қадар туннель қазишлари мумкин, бу бор-йўғи юз метрлар бўлади. Чикиш жойини катта гранит палахсалар билан ёпиш, туннелнинг бошланиш қисмини девор жавонларининг бири ёки ошхонадаги печканинг таг томони билан яшириш мумкин. Агар бунинг иложи топилса, Гильяно истаган пайтда келиб-кетаверади.

Иккала чол ҳам бунинг иложи йўқлигини айтди, аммо онаси бағоят қувониб кетди – ахир ўғли совуқ киш кунларида келиб, ўзининг тўшагида уклаши мумкин-да. Альфио Дорио мазкур ишни ўта даражада сир сақлаш кераклиги, фақат бир неча кишини жалб қилиш, қазиш ишларини тунда амалга ошириш мумкинлиги, туннелни кавлаш учун жуда кўп вақт кетишини айтди. Шу билан бирга муаммолар юзага келади. Чиқарилган тупроқдан қай тариха халос бўлиш мумкин? Ҳа, бу ер тошлар билан тўлиб-тошган. Борди-ю, улар катта гранит жинсига тўғри келиб қолишса-чи? Қазиётган кишилардан бирортаси бу ҳақда гуллаб қўйса-чи? Лекин кексаларнинг асосий эътирози шуки, мазкур ишга энг камида бир йил вақт кетади. Ва Гильяно тушунди: улар ич-ичидан уни узоққа боролмайди деб ҳисоблайдилар. Онасининг хаёлига ҳам шу фикр келди.

– Ўғлим сизлардан ёрдам сўраяпти, бу унинг ҳаётини сақлаб қолиши мумкин, – деди у қарияларга. – Агар

ялқовлик қилсангиз, ўзим шуғулланаман. Ҳеч бўлмаса уриниб кўрайлик, бир оз терласак нима қилибди, ахир ҳеч нарса йўқотмаймиз-ку. Ҳукуматдагилар туннелни сезиб қолганида ҳам нима қиларди? Ўз еримизни тўлиқ кавлашга ҳаққимиз бор-ку. Сабзавот ва вино учун ертўла қазяпмиз, деймиз. Фақат ўйланглар. Ахир бу туннель вақти келиб Тури ҳаётини сақлаб қолиши мумкин-ку. Худди шунинг учун терлашга арзимайдими?

Гектор Адонис ҳам суҳбатда иштирок этди. У туннель ишлари ҳамда шунга тааллуқли китоблар ва асбоб-ускуналар топишини айтди. Шу билан бирга ҳаммага маъқул тушадиган таклиф билдирди: туннелнинг бир шохобчасини виа Белладаги қўшни уйларнинг бири томонга қазишади. Агар туннелдан фойдаланиш имконияти топилмаса, бу ҳар ҳолда захирадаги чиқиш йўли бўлади. Биринчи навбатда ана шу шохобчани қазиш керак, лекин уни икки чол ва Мария Ломбарде кавлаши лозим. Қазиш ҳам кўп вақтни олмайди.

Улар қайси уйга келиб тўхташ хусусида узоқ тортишдилар. Гильянонинг отаси Аспану Пишоттанинг ота-онаси уйини тавсия қилди, аммо Гильяно бу фикрни дарҳол йўққа чиқарди. Чунки бу уй ҳам назорат остида, уни диққат билан кузатиб туришибди. Ҳа, у ерда жуда кўп қариндош-уруғлар яшаяпти. Шундай экан, бу туннелдан қанча одам воқиф бўларди! Қолаверса, Аспанунинг қариндошлари билан муносабати унчалик яхши эмас. Унинг отаси ўлган, онаси яна турмушга чиққан, Аспану волидасини кечирмади.

Гектор Адонис ўзининг уйини тавсия қилди, лекин у ҳаддан зиёд узоқ жойлашган, шунингдек, Гильяно чўқинтирган отасини хавф-хатар остига қўйишни ис-тамади ҳам. Чунки туннелни билиб қолишса, эҳтимол, уй эгаларини қамаб юборишар. Бошқа қариндош-

уруғларни ҳам муҳокама қилишади, аммо бирин-кетин улар рад этилди. Ниҳоят Гильянонинг онаси шундай деди:

– Фақат битта инсон бор. У биздан тўрт уй нарида яшайди. Эрини карабинерлар ўлдиришган, бу аёлнинг уларни кўришга кўзи йўқ. Менинг энг қалин дўстим ва у Турини ардоқлайди. Ахир Тури кўз олдида болакайдан эркакка айланди. Унга бутун қиш бўйи егулик юборган ўша-да, чунки Тури Гильяно тоғда яшар эди. Менинг ҳақиқий дўстим, унга бутунлай ишонаман. – Бир оз жим туриб, сўнг шундай қўшимча қилди: – Мен Венера тўғрисида гапиряпман.

Улар аввал бошдан шу исми тилга олади, деб кутгандилар, албатта. Мантиқан муҳокама этилганда, айнан Венера муносиб. Аммо улар сицилиялик – ўзлари шундай деб тавсия қила олмасдилар. Бироқ Венера рози бўлиб, кейин бу тарих очилса, унинг обрў-эътибори бутунлай чиппакка чиқади. Венера – ёш бева. Ёлғиз яшайди ва ўзини, турар жойини ёш йигит ихтиёрига топширади. Шундан сўнг Сицилиянинг мазкур қисмида бирортаям эркак бундай хотинга уйлана олмайди, уни ҳурмат ҳам қилмай қўяди. Тўғри, Венера Тури Гильянодан ўн беш ёш катта. У ҳали қирқ ёшга ҳам тўлмаган. Гарчи чиройи билан ажралиб турмаса-да, етарли даражада мафтункор, кўзларида шўх олов ўйнайди. Бир сўз билан айтганда, Венера аёл, у эса эркак бўлиб, икковини туннель бирлаштириши мумкин. Демак, улар ошиқ-маъшуклар бўлиб қолади. Бирорта сицилиялик эркак ва аёл бир жойда бўлиб қолишса, ўзини тутиб туришига ишонмайди. Шундай экан, Венеранинг уйига туннель қазиб борилса, бу Тури Гильяно ҳаётини асраб қолиши мумкин, аммо унга аёл сифатида бир бадномлик ёпишади-қолади.

Уларнинг барчасини, Турини ҳам ўзини тийиши безовта қиларди. Сицилиялик учун бу нотабий. Тури эса доғ тушмаган покдомон эди...

Буларнинг бари уларни кутишга мажбур этди, Гильянонинг онаси Венеранинг номини тилга олгунча сабр қилишди. Шундай бўлса-да, Мария Ломбарде Гильянодан бу сўзлар чиққач, ажабланишди. У тақводор аёл, эскича фикрлайдиган хотин сифатида шаҳарда ёлғиз юришга журъат қилган қизларни оёғи енгил дейишдан тоймайди.

Бу ерда ўтирганлар Мария Ломбарде билган нарсадан беҳабар эдилар. Гап шундаки, Венера боласи туғилганида орттирган жароҳатдан сўнг хомиладор бўлмади. Шунингдек, Мария Ломбарде ўзича бир қарорга келганини ҳам билмасдилар: Венера Тури учун ҳамма ишга шай ва ҳеч қандай хавф-хатарга ўрин қолдирмайди. Қонундан ташқари деб эълон қилинган ўғлининг боши эвазига мукофот белгиланган, аёл киши эса дарҳол сотиб қўйиши мумкин... Венера бу ғам-қайғуга чидай олмайди, Эрини Венеранинг кўз олдида отиб ташлашган. Агар ҳаммаси ҳамирдан қил суғургандай кечса-ку, аёло даражада бўлади. Аммо Венеранинг обрў-эътиборига путур етиши мумкин, шундай экан, унинг ўзи қарор қабул қилгани маъқул...

Бир неча кундан сўнг Гильянонинг онаси Венера билан гаплашди ва у шу ондаёқ рози бўлди. Бу онанинг шубҳасини тасдиқлади: Венеранинг Турига нисбатан мойиллиги бор. Ҳаммаси шундай бўлиши керак, деб кўнглидан ўтказди Мария Ломбарде ва кўз ёшларини оқизиб, миннатдор бўлганча Венерани кучоқлади.

Орадан тўрт ой отгач, ер ости йўлини қазиш ишлари тугади, асосий туннелни фақат бир йилдан сўнг якунлаш кутилаётган эди. Гильяно вақт-вақти билан

ота-онасиникига тунда келиб, қариндош-уруғларини кўрар, иссиқ кечки овқатни тановул қилгач, илиқ тўшакка кирарди. Бундай пайтлар кўпинча зиёфатларга айланарди.

Баҳор бошларида унинг туннель шохобчасидан фойдаланишига тўғри келди. Виа Белла бўйлаб ҳаракат қилаётган карабинерларнинг анча катта отряди унинг уйи ёнидан ўтди. Улар тиш-тирноғигача қуролланганди. Гильянонинг қўшни уйларда яшириниб олган тўрт нафар тан соқчиси урушга шай эди. Лекин отряд ён томондан ўтиб кетди. Бироқ ортга қайтаётганда, тўсатдан ҳамла қилиб қолиши мумкин. Тури Гильяно ётоқхонадаги туйнук орқали туннельга тушиб олди.

Шохобча ёғоч панель ортидан қирқ сантиметрли ер билан қопланган жойдан бошланар, асосий туннельни кавлаган кишилар унинг мавжудлигини билмасдилар. Гильяно ерни бир томонга сидириб ташлаб, ёғоч гардишни олди. Тор туйнук орқали Венеранинг уйига етгунча яна ўн беш дақиқа талаб қилинди. У ердан чиқиш жойи ошхонада бўлиб, туйнук устига катта темир печка қўйилган эди. Гильяно қопқоқли туйнукни келишувга мувофиқ тарзда тақиллатди-ю, кутиб турди. Яна тақиллатди. У ўқдан ҳеч қачон кўрқмас, аммо қоронғилиқдан бир оз чўчирди. Ниҳоят туйнук тепасида зўрға эшитиладиган шовқин келди-ю, қопқоқ кўтарилди. Устида печка тургани сабабли уни тўлиқ чеккага суришнинг имкони бўлмади. Гильяно бир амаллаб, қорни билан сурилиб, Венеранинг ошхонасига ўрма-лаб чиқишга муяссар бўлди.

Вақт ярим кечадан ошган. Венера одатдаги шаклсиз қора кўйлақда бўлиб, гарчи эри ўлганига уч йил ўтган бўлса-да, мотам белгиси сифатида ҳамон шу либосни кийиб юрарди. Оёғида на пайпоқ, на туфли бор. Гильяно полдан кўтарилар экан, унинг оёқлари ниҳоятда

оппоқлиги, айниқса, офтобда куйган юзи ҳамда худди қора мой каби қаттиқ, қора жингалак сочларига тамомила тескари эканлигини кўрди. Шу билан бирга биринчи марта шаҳарнинг кўплаб аёллари каби юзи катта эмаслиги, ияги қиррадорлигига эътибор берди. Қорамтир тарғил кўзларида қора олов ёнмоқда, бундай кўзларни у илгари мутлақо кўрмаган эди. Венеранинг кўлида кўмирнинг чўғланган бўлаклари солинган пақир бўлиб, очиқ туйнукка ағдаргудай шахти бор. Энди у кўмирни яна қайтариб печкага ташлади-ю, туйнук тешигини ёпди. Аёл ўзини кўрқиб қолгандай тутарди.

– Кўчада патруллар изғиб юрибди, – деб уни тинчлантиришга уринди Гильяно. – Улар казармага қайтган заҳоти кетаман. Хавотирланма, кўчада дўстларим бор.

Улар кута бошлашди. Венера қаҳва қайнатди ва суҳбат қуришди. Аёл, эридан фарқли ўлароқ, Турининг титрамаётганини сизди. У ҳадеб деразага қарамас, кўчадаги шовқинни эшитса-да, асаблари таранглашмасди. Ниҳоятда хотиржам. Тури ўзини шундай тутишга ўрганганини аёл ҳали билмас, эри ҳақида айтганларини ёдида сақлаб, ота-онаси, айниқса меҳрибон онасини безовта қилишни истамаётганидан ҳам беҳабар. Ундан шундай хотиржамлик уфуриб турардики, натижада аёл ўзига таҳдид солаётган хавф-хатардан халос бўлиб, тамомила унутди ва улар шаҳарда рўй бераётган воқеалар хусусида вайсашга тушиб кетишди.

Аёл юборган овқати унга етиб борган-бормагани ҳақида сўради. Гильяно миннатдорчилик билдирди ва ўзи ҳам, йигитлар ҳам озиқ-овқат солинган пакетларни кўргани заҳоти сеҳргарлар тухфасига ёпирилган каби ташланишганини айтди. Аёлни Турининг одамлари қанчалик мақтовларга кўмиб юборишган, ахир ҳамма егуликлари ниҳоятда лаззатли эди-да. Отряди-

даги айрим кишилар унга нисбатан қўпол ҳазиллашмоқчи бўлишса, Тури улардан бирортасини ҳам эътибордан четда қолдирмади. Бу аёл шундай тансиқ таом тайёрласа, унинг асло баҳоси йўқ экан.

Шу вақт давомида Тури Венерани диққат билан кузатди. Аёл одатдагидан кўра унга анча дўстона муносабатда бўлди, одамларга кўрсатганидек, илиқлик ва эркаликни намоён этмади. Гильяно уни бирор нарсада ранжитмадимми, деб ўз-ўзидан сўради. Хавф бар-тараф бўлиб, уларни четлаб ўтгач, кетиш пайти яқинлашганида, улар совуқ хайрлашишди.

Орадан икки ҳафта ўтгач, Гильяно яна Венерани-кига келди. Ташқарида баҳор, аммо тоғларда ҳамон бўронли шамоллар эсар, йўл чеккасидаги қалқайган берк ибодатхоналар ёққан ёмғир остида қолганди. Гильяно ёрда онаси тайёрлаган егуликлар, иссиқ ванна, ўзининг хонасидаги юмшоқ тўшакни орзу қиларди. Шу орзулар орасида ҳаддан ортиқ хайратга тушиб, Венеранинг оппоқ оёқларини кўз олдида келтирарди. Тун кирди ва Гильяно тансоқчиларига хуштак чалиб, пастга, Монтелепре томон одимлаб кетди.

Қариндош-уруғлари уни қувонч билан қарши олишди. Онажони ўғли яхши кўрадиган таомларни келтиришга ошиқди, пиширди-куйдирди. Шундан сўнг ювиниб олиши учун сув иситишга тушиб кетди. Кузатувчилардан бири келиб, шаҳарни карабинерлар отряди ўраб олаётганини хабар қилар экан, отаси зўрға бир қадаҳ анис ароғини қуйиб беришга улгурди, холос. Фельдфебель Беллампо казармасидан чиқиб, Гильянонинг уйини ағдар-тўнтар қилиб, тинтув ўтказиш учун отрядни бошлаб келади, дейишди.

Гильяно девор жавонидаги туйнукка шўнғиди, сўнг туннелга кирди. Ёмғир ёққани боис, у-бу жой ҳўл бўлиб

ифлосланган, ер ёпишқоқ, ўтиш анча қийинлашган эди. Гильяно Венеранинг ошхонасига сирғалиб чиққанида, уст-боши буткул ирkit, ҳўл, юзи қорайиб кетган эди.

Венера кулиб юборди – Гильяно унинг кулишини биринчи марта кўраётган эди.

– Сен маврнинг ўзи бўлибсан, – деди Венера. – Ҳозир тоғорани тўлдираман, ювиниб олишинг мумкин. Эримнинг айрим нарсалари қолган, кийимларингни тозалагунимча кийиб туришинг мумкин.

Венера унинг рози бўлмаслиги, ҳозирги қалтис вазиятда ювинишни истамаслигини кутган эди. Эри келганида, роса асабийлашар, ҳатто ечинишга ҳам кўрқар, тўппончалари доимо қўли олдида туриши лозим эди. Лекин Гильяно Венерага жилмайиб қаради, оғир курткасини ечди, тўппончаси ва ҳаммасини ўтин сақланадиган қути ичига қўйди.

Чойнакларни иситиш ва тоғорани тўлдириш учун вақт талаб қилинарди. Кутиб ўтиришар экан, Венера қахва узатди. Худди фаришта каби чиройли-я, деб ўйлади аёл унга қараб, аммо кучоқлай олмайсан. Венеранинг эри ҳам чиройли эди, аммо одамларни ўлдирарди. Уни ўқ билан қанчалик илма-тешиқ қилиб ташлашди. Йўқ, эркакларни юзига қараб севиб бўлмайди, ҳар ҳолда Сицилияда.

Ўшанда Венера нақадар йиғлаган! Юрагининг туб-тубида эса... улкан енгилликни ҳис этди. Эри босқинчига айлангач, ҳалок бўлиши очиқ-ойдин кўриниб қолди. Венера унинг ўлимини ҳар куни ана-мана деб, тоғдами ёки узоқ шаҳардами рўй беришини кутарди. Эрини Венеранинг кўз олдида отиб ташлашди. Шундан буён у ўзидаги уят ҳиссидан халос бўлолмайди, йўқ, эри босқинчи бўлгани учун эмас, балки шон-шухратдан маҳрум ўлим топганидан. Унга раҳм қилиш,

кечиришларини сўраб ёлворди, аммо карабинерлар аёлнинг кўз ўнгида эрини гумдон қилишди. Худога шукр, отасининг қандай ўлдирилганини қизи кўрмай қолди. Худонинг озми-кўпми марҳамати.

Венера Тури уни кузатаётгани, ҳавас билан юзига тикилаётганини сизди. Аёл бу юз ифодасини яхши англайди. Эрининг отрядидан айрим эркаклар унинг олдига келишган. Лекин Тури унга ташланмаслигини билади – онасига ҳурмати, уйига туннель қазишга рухсат бергани учун.

У Гильянонинг ёлғиз ўзи чўмилиши учун ошхонадан кичик меҳмонхонага ўтди. Тури дарҳол ечиниб, тоғорага тушди. Ҳафсала билан ювинди, сўнг мархум эркакнинг кийимларини кийди. Шим бир оз калта, кўйлакнинг кўкраги тор – юқоридаги тугмаларини ўтказмасликка тўғри келди. Венера печка олдида иштиб берган сочиқ латтадек экан, зўр бериб артинишга мажбур бўлди. Ана шунда аёлнинг қанчалик камбағал яшашини билиб олди, онажониси орқали унга ёрдам беришга қарор қилди.

У Венерага кийинганини бақириб айтди ва аёл ошхонага қайтиб кирди.

– Аммо бошингни ювмабсан-ку, – деди Венера, – сочларингни ҳам яғир босган.

Аёл Турини қўлидан тутиб, бет-қўл ювгич томон бошлаб борди. Сўнг бошини ювиб, эмаль билан бўялган стуллардан бирига ўтказди-да, ғайрати жўшиб анча уринган қаттиқ сочиқ билан артишга киришди. Турининг сочлари ўсиб кетганидан ёқасига тушиб турарди.

– Сен анови кинодаги лорд-бандитга ўхшаб кетдинг, – деди Венера. – Сочларингни олиб ташлаш керак, фақат ошхонада эмас. Акс ҳолда кастрюлга тушади-ю, кечки овқатингни йўққа чиқаради. Бошқа хонага ўтамиз.

Венера Турини юмшоқ мебеллар қўйилган меҳмонхонага эргаштириб борди. Қора лакланган ёғочдан ясалган столчада унинг ўлдирилган эрининг ҳамда қизининг фотосурати бор эди. Бу ерда Венеранинг оила аъзолари билан тушган фотосурати ҳам турарди.

– Расмларга қарама, – деди Венера маъюс жилмайиб. – Ҳаёт менга бахт келтиради, деб ўйлаган пайтларим бу.

Шунда Тури унинг фақат сочларини қирқиш учун эмас, фотосуратларни кўриши учун ҳам бу хонага олиб келганини англади.

Венера оёғи билан бурчакдаги курсини хона ўртасига суриб келтирди ва Гильяно унга ўтирди. Сўнг чиройли, олтин нақшлар югуртирилган чарм хилофли қутичадан қайчи, устара ҳамда босқинчи Канделерия Рождестводаги навбатдаги ҳужумидан кейин олиб келган тароқни олди. Кейин ётоқхонадан оқ мато келтириб, Гильянонинг елкасига ёпди. Столча ёнига ёғоч товоқ қўйди. Уй ёнидан жип машинаси ўтди.

– Ошхонадан тўппончаларни олиб келайми? – сўради Венера. – Улар билан ўзингни ноқулай ҳис этмайсанми?

Гильяно Венерага бамайлихотир қараб турарди. У бутунлай хотиржам эди. Тури аёлни ташвишга қўйишни истамасди. Иккови ҳам келган жип карабинерлар билан лик тўла бўлиб, Гильянолар уйи томон йўл олганини англари эди. Аммо Гильяно билади: агар карабинерлар бу ёққа келиб эшикни синдиришга уринса, Пишотта ўз одамлари билан уларни бир ёқли қилади. Гильяно ошхонани тарк этишдан олдин печкани шундай суриб қўйганки, ҳеч ким туйнук қопқоғини кўтара олмайди.

Тури мулойимлик билан Венеранинг қўлини ушлади.

– Йўқ, – деди у, – менга тўппончалар керак эмас, анови устара билан бўғизлашга уринмасанг бўлгани.

Иккови ҳам кулиб юборди. Сўнг аёл унинг сочини қирқа бошлади. Чўп коса Гильянонинг каштан тусли товланувчи сочи билан тўлаверди, гўё у ерда жажжи қушчалар уяси бордай эди. Гильяно орқа томонига тегиб турган Венеранинг оёғини, унинг қалин кийими орасидан ўтган ҳароратини ҳис этди. Ишини давом эттирар экан, аста-секин силжиб, олдида тик туриб қолди. Венера Гильянонинг пешонасидаги сочларни қирмоқчи бўлди, аммо масофани сақлади, шунга қарамай бир оз энгашди ва кўкси билан лабларига тегиб кетишига бир баҳя қолди. Гильяно унинг тана ҳарорати тароватини ҳис этди. Девордаги суратлар кўз ўнгиде қалқиб кетгандай бўлди...

Эрталаб Венеранинг уйини тарк этар экан, Гильяно айвондан бамайлихотир пастга тушди, курткази тагида тўппончаси бор эди, албатта. У Венерага онасининг ҳузурига бора олмаслигини айтди ва ўзи учун хайрлашишни илтимос қилди, токи волидаси ўғлининг ишлари жойида эканлигини билиб хотиржам бўлсин. Венера Гильянонинг дадиллигидан эсанкираб қолди – шаҳарда кичкина армия тургани, шунингдек, киришидан олдин бир неча дақиқа очиқ эшик олдида туриб, Пишоттани огоҳлантиргани, кўчада пайдо бўлган ҳар қандай карабинерни дарҳол йўқ қилишни тайинлаганидан беҳабар эди.

Венера хайрлашув олдидан уни уятчан бир таъсирли тарзда ўпди ва шивирлади:

– Яна ҳузуримга келасанми?

– Онамнинг олдига келган заҳоти дарҳол ҳузурингга ошиқаман, – деди у. – Тоғда ҳар тун фақат сен ҳақингда ўйлайман.

Венера бу сўзларни эшитишдан бахтиёр эди, демак, бирга бўлиш унга ёқимли лаҳзалар бағишлар экан.

Аёл пешингача кутди, сўнг Гильянонинг уйига қараб йўл олди. Мария Ломбарде унинг юзига қаради-ю, ҳаммасини тушунди. Венера ўн ёшга яшариб кетгандай эди. Унинг жигарранг кўзларида шўх учқунлар ўйнар, юзлари қизариб кетган, тўрт йил ичида биринчи бор қора мотам либосида эмасди...

Ўн бешинчи бўлим

Хатто Сицилияда, худди испанлар буқаларга тиг санчаётган пайтдагидек*, одамлар бир-бирини бутун вужуди билан шафқатсиз равишда ўлдираётганида, Корлеоненинг қонга ташна аҳолиси умумий ваҳимага берилди. Ўзаро рақобатлашаётган оилалар битта ягона зайтун дарахти туфайли жанжаллашиб, бир-бирини тутдай тўкишга тайёр турганида, умумий булоқдан кўпроқ сув олгани учун қўшнилар қирпичоқ бўлганида, эркаklar муҳаббат туфайли, яъни бегона аёл ёки қизга ҳаддан зиёд ҳурматсизлик кўрсатганида, ҳалок бўлиши мумкин эди. Хатто «Дўстларнинг дўсти» ташкилотининг совуққон аъзолари аңа шу телбаликка берилиб кетишди ва шохобчалари ҳам Корлеонеда дон Кроче уларни тинчлантиргунга қадар ўлгунича бир-бири билан курашарди.

Худди шу шаҳарчада Стефан Андолини Фра Иблис лақаби билан донг қозонди.

Дон Кроче уни Корлеонедан чақириб, кўрсатмалар берди. Стефан Гильянонинг отрядига кириб, обрў қо-

* Испанияда буқа билан жанг қиладиган киши – тореадорлар назарда тутилмоқда.

зонмоғи лозим эди. Дон Крочедан кўрсатмалар олгунга қадар ўша ерда бўлиши керак. Шу вақт мобайнида Гильянонинг ҳақиқий кучлари, Пассатемпо ва Терранованинг қонун-қоидалари чегарасидан чиқмаслик тўғрисида ахборот тўплаши лозим. Пишоттанинг сadoқати хусусида ҳеч қандай шак-шубҳа бўлмаса-да, бу йигитнинг ожиз томонларини изоҳлаш талаб этилади. Сўнг имконият туғилиб қолса, Андолини Гильянони ўлдириши керак.

Андолини Гильяно олдида ҳеч қандай кўркувни ҳис этмади. Қолаверса, Стефан Андолини малла тусли йигит бўлиб, бундай малла кишилар Италияда кам учрар, махфий равишда яхши ҳислатларга эга бўлиш қоидаларининг ўзига дахли йўқ, деб ҳисобларди. Ўз тизимини ўйиндан ташқари, деб ҳисоблаган қиморбозлар каби Стефан Андолини ҳеч ким уни алдай олмайди, деб қатъий ишонарди.

Андолини икки нафар пичотто, яъни сабоқ олаётган бўлажак қотилларни танлаб олди. Улар ҳали мафия сафига қабул қилинмаган, аммо шундай шарафга умид боғлаган эдилар. Учови юк халта ва милтиқлар билан қуролланиб, биргаликда тоққа йўл олишди ва, табиийки, Пишотта бошчилигидаги патрулларга дуч келиб қолишди.

Пिशотта бетини тошдай қаттиқ қилиб, Стефан Андолини баён қилган гапларни тинглади. Стефан ўзини карабинерлар ахтараётгани, полиция хавфсизликни таъминлаш учун изига тушгани, Корлеонда бир тарғиботчини ўлдирганини айтди. Бу эса айни ҳақиқат эди. Аммо полиция ва карабинерларда далил-исбот бўлмагани, шу боис фақат сўроқ қилиш учун уни ахтаришгани ҳақида Андолини лом-мим демади. Сўроқ ҳаммадан кўпроқ хайрихоҳ тарзда бўлиб, эҳтиросдан

холи, бундан дон Кроче ташвишланар эди. Андолини Пишоттага бу икки пичоттони ҳам полиция қотиллик иштирокчилари сифатида излаётганини айтди. Буниси ҳам рост эди. Барчаси ҳақида гапириб берар экан, Стефан Андолини тобора қамраб олаётган безовталикни ҳис этди. Пишотта унинг гапларини худди таниш кишини эшитаётган каби тинглади.

Андолини Гильянонинг отрядига қўшилиш умидида тоққа келганини айтди. Сўнг ўзининг кўзир қартасини ўртага ташлади. Гильянонинг отаси унга шундай маслаҳат берган экан. Ахир, Стефан Андолини Америкада яшайдиган Вито Корлеоненинг тутинган укаси! Пишотта бош ирғади. Андолини давом этди. Ахир дон Вито Корлеоннинг фамилияси Андолини ва Корлеонда туғилган. Кичкиналигида отасини ўлдиришган, уни ҳам гумдон қилишмоқчи бўлишди, лекин болакай Америкага қочиб қолди, у ерда машхур чўқинтирган отага айланди. Отасининг қотилларидан ўч олиш учун Сицилияга қайтиб келганида, Стефан Андолини унинг пичоттиларидан* бири эди. Шундан сўнг мукофот олиш учун дон Корлеоне ҳузурига жўнади. Ўша ерда Гильянонинг падарини учратди, ота ғишт терувчи бўлиб, Лонг-Айлендда ҳашаматли уйни донга атаб қураётган эди. Улар дўстлашдилар, мана энди Андолини тоққа кетишдан олдин Монтелепреда тўхтаган Сальваторее тўнғич Гильянодан фотиҳа олмоқчи бўлди.

Пишоттанинг юзи ўйчан тус олди. У бу одамга ишонмади – малла рангли ва худди қотилга ўхшайди. Пишоттага манови икки пичотти ёқмаётганди.

* «Кичик одам», мазкур гуруҳга мафия аъзоси бўлса-да, оилага ҳали қабул қилинмаган кишилар киради. Шунингдек, аскар маъносини ҳам англатади.

– Мен сизларни Гильянонинг ҳузурига бошлаб бораман, – деди Пишотта, – лекин токи у гапириб бўлмагунча қурол-яроғингизни орқангизда тутиб турасиз. Уларни рухсатсиз олмайсиз.

Стефан Андолини ёйилиб кулди ва мумкин қадар хушмуомалалик билан деди:

– Мен сени танидим, Аспану, сенга тўлиқ ишонман. Елкамдан милтиғимни туширишинг, одамларинг эса пичотталарим қўлидан қуролларни олишлари мумкин. Гильяно билан гаплашиб олгач, ишончим комилки, у бизга милтиқларимизни қайтариб беради.

– Биз сизларнинг қуролингизни кўтариб юрадиган ҳайвонлар эмасмиз, – деди Пишотта. – Ўзингиз олиб бораверинг.

Пишотта уларни Монтелепре кўриниб турадиган қоя чеккасига, Гильянонинг ҳузурига бошлаб борди.

Тепада эликдан ортиқ одам қурол-яроғ тозалар ва аслаҳа-анжомларни тузатиш билан банд эди.

Келгиндиларни бошлаб келишдан олдин Пишотта Гильяно билан яккама-якка гаплашди. Улар билан учрашгани ва вазиятни ҳикоя қилар экан, якунида шундай деди:

– Тури, менинг назаримда, у бир оз «дилкаш».

– Демак, уни илгари кўрганман деб ҳисоблайсан?

– Ёки бу тўғрисида эшитганман, – деди Пишотта. – Қаердандир уни биламан, аммо маллалар кам учрайди, шундай экан, эслаган бўлардим.

– Бу ҳақда Венерадан эшитгансан, – деди хотиржам ҳолда Гильяно. – Венера уни Мальело деб атаган. Фамилияси Андолини эканлигини билмасди. Менга ҳам у тўғрисида гапирган эди. Эрининг боскинчилик тўдасига кирган. Бир ойдан сўнг эри пистирмага дуч келди ва карабинерлар уни ўлдиришди. Венера ҳам унга ишонмайди. Учига чиққан маккор деган.

Уларнинг ёнига Сильвестро келди.

– Маллага ишонма. Мен уни Палермо штаб-квартирасида кўрганман – карабинерларнинг командири олдида кўп кирар эди.

– Монтелепрега боргин ва отамни бошлаб кел, – деди Гильяно. – Унгача эса буларни кўриқчилар кўриқлаб турсин.

Пишотта Террановани Гильянонинг отасига юборди, сўнг ерда ўтирган учовининг олдида борди. Энгашиб Стефан Андолинининг милтиғини олиб қўйди. Жангчилар учовини худди бўрилар ўлжасига ташланган каби ўраб олишди.

– Сизни қуролдан халос этсам эътироз билдирмайсизми? – сўради Пишотта заҳархандалик билан кулиб.

Стефан Андолини юзи бир лаҳза буришиб кетди. Сўнг елкаларини қисди. Ва Пишотта энгашиб, пичоттолларнинг милтиғини олмоқчи бўлди. Улардан бири, афтидан азбаройи кўрққанидан Пишоттани итариб юборди-да, кафтини ов милтиғи устига қўйди. Пишоттанинг қўлида худди илоннинг тилидай тез чиққан пичоқ ялтиради. У илдамлик билан пичоттонинг бўғзига тиг тортиб юборди.

Гильяно жангчилари сакраб оёққа турдилар ва милтиқларини тўғирлашди. Ерда ўтирган Андолини икки қўлини кўтариб, уларга ялинганнамо нигоҳи билан назар ташлади.

Бошқа пичотто қуролга ташланмоқчи эди, унинг ортида турган Пассатемпо бошига тўппончани тўғирлади.

Отилган ўқлар тоғда акс-садо берди. Ҳамма қотиб қолди. Андолинининг кўрққанидан ранги оппоқ оқариб кетган, Пассатемпо тўппонча кўтариб турарди. Қоятош чеккасидан Гильянонинг хотиржам овози эшитилди:

– Жасадларни йиғиштириб ёлинг, манови Мальпелони отам келгунича дарахтга боғлаб қўйинг.

Жасадни бамбук поясига боғлаб, чуқур ўра олдига элтишди, сўнг пастга ташлашди-да, қўланса ҳид чиқмаслиги учун устини тош билан текислаб кўмишди.

Қоронғи тушиб, орадан деярли етти соат вақт ўтгач, Гильянонинг отаси етиб келди. Стефан Андолинини дарахтдан ечиб олишди ва керосин чироқлар билан ёритилган ғорга олиб киришди. Андолини қандай аҳволга солинганини кўрган Гильянонинг отаси кизишиб кетди.

– Бу одам – менинг дўстим, – деди у ўғлига. – Биз чўқинтирган ота ҳузурида, Америкада бирга ишлаганмиз. Унга тоққа бориб, отрядингга қўшилишни мен маслаҳат берганман, сени яхши кутиб олишади, деганман.

Ва Андолини билан қўл олишиб кўришар экан, илова қилди:

– Кечир, ўғлим ниманидир тушунмаган ёки сен тўғрингда қандайдир игво гапни эшитган.

У хижолатга тушиб, жим бўлди. Дўстининг эсанкираб қолган ҳолати ниҳоятда ранжитди. Гап шундаки, Андолини кўрққанидан оёқда зўрға турар эди.

Дўстига ўлим хавф-хатари соя солганини ҳис этган қария ўғлига мурожаат қилди.

– Тури, – деди у Гильянога, – мен учун баъзида бирор иш қилишингни сўраганманми? Агар сен бу одамга бирор масалада қарши бўлсанг, уни кечир ва қўйиб юбор. У менга Америкада яхшилик қилган ҳамда сени чўқинтиришда совғалар юборган. Мен бу одамга ишонман ва дўстлигини қадрлайман.

– Агар сиз эътироф этсангиз, у бизнинг фахрли меҳмонимиз бўлади, – деди Гильяно. – Агар отрядимда қолишни истаса, бош устига.

Гильянонинг отасини, ўз тўшагида ётиши учун, отга миндириб ортга – Монтелепрега олиб кетишди. Шундан сўнг Гильяно Стефан Андолини билан якка-ма-якка гаплашди.

– Мен сенинг Канделерия тақдирида қандай роль ўйнаганингни биламан, – деди у. – Сен дон Кроче учун жосуслик қилиш мақсадида тўдага кирган эдинг. Бир ойдан сўнг Канделерия ҳалок бўлди. Бева қолган хотини сени эслайди. У ҳамма гапни менга айтиб берган, воқеа қандай рўй берганини биламан. Биз, сицилияликлар, хоинлик жумбоқларини қай тарзда ечиш йўлларини яхши биламиз. Қароқчилар отряди ғойиб бўлди. Ҳокимиятдагилар ҳайрон қоларли тарзда ақлли бўлиб қолишади. Мен ўз тоғимда ўтириб, кун бўйи ўйлайман. Палермодаги ҳокимият борасида мулоҳаза юритаман – улар илгари ҳеч қачон бу қадар ақлли бўлишмаган, кейин Римдаги адлия вазири ва дон Кроче бир жуфт этик пойи эканлигини биламан. Биз иккимиз, мен ҳам, сен ҳам дон Кроче каби ақлли бўла олмаслигимизга аминмиз. Бундан келиб чиқадики, босқинчиларни айнан дон Кроче Римнинг топшириғи билан гумдон қилади. Энди эса, ўйлашимча, менга жосуслар ҳам шикоят қилиб қолишади. Кутаман, кутаман-у, ўзимдан-ўзим бу дон нега ушланиб қолди, деб сўрайман. Камина бор сиполигимни ишга солиб айтишим керакки, мен энг йирик ўлжа ҳисобланаман. Мана бугун учовингизни дурбиндан кўриб турибман. Ва: «Бу яна Мальпело бўлса керак. У билан кўришганимдан хурсандман», деб ўйлайман. Шундай экан, мен сени барибир ўлдиришим керак. Отамни ранжитиб ўтирмаймиз – жасадинг шунчаки ғойиб бўлади.

Стефан Андолини қаҳр-ғазабга тўлганидан бир лаҳзага кўркувни унутди.

– Сен отангни алдайсанми? – деб хитоб қилди у. – Ва ўзингни Сицилия ўғлони деб атайсанми? – Стефан ерга тупурди. – Унда мени ўлдиргин-у, дўзахга қараб йўл ол.

Пишотта, Терранова ва Пассатемпо ҳайратда эдилар. Улар илгари ҳам бир неча бор ҳайрон бўлиб қолишган. Доимо ростгўй, сўзининг устидан чиқиш одатидан фахрланган, ҳамма учун ҳамиша ҳақиқатни гапирадиган Гильяно тўсатдан ўзгарди-ю, ғалати ишларга қўл урадиган бўлди. Улар Андолинини ўлдиришга қарши эътироз билдиришга уринишмади – у бундайларнинг мингтасини ўлдиришга қодир. Гильяно отасига берган сўзини бузишга, падарини алдашга уриняпти, бу ҳол кечириб бўлмас ҳолатдай кўринди. Фақат капрал Сильвестро гўё ҳамма гапни англагандай бўлди ва деди:

– У отасининг қалби олижанобликдан иборатлиги сабабли бизнинг ҳаётимизни хавф остига қўя олмайди.

Гильяно охиста Андолинига ўтирилди:

– Парвардигор олдида тавба қил, – сўнг илова қилди: – Беш дақиқа вақтинг бор.

Андолинининг сариқ сочлари гўё тиккайиб кетгандек бўлди.

– Мени ўлдиришдан олдин аббат Манфреди билан гаплашгин, – деди умидсизликка тушиб.

Гильяно унга ҳайрон бўлиб тикилиб қолди, малла сочли эса энтикиб деди.

– Сен бир куни аббатга хизматига асқотишингни айтган экансан. У нимаики хоҳласа, шуни сўраши мумкин экан.

Гильяно берган ваъдасини яхши эслади. Лекин бу нусха уни қаердан билади?

Андолини гапини давом эттирди:

– Ҳузурига борайлик, у менга раҳм-шафқат қилишни сўрайди.

– Тури, элчи юбориб жавобини кутишга бир кун вақт кетади, – деди нафратланиб Пишотта. – Наҳотки аббатнинг таъсири ўз отангдан ҳам устун бўлса?

Гильяно уларни ҳайрон қолдирди:

– Қўлларини боғлаб, оёқларини кишанла, юра олмасин, югурмасин ҳам. Менга ўн кишидан иборат қўриқчи бергин. Уни ўзим ибодатхонага олиб бораман. Агар аббат кечиришни сўрамаса, тавба қилаверсин. Уни ўзим қатл этаман ва жасадини кўмиш учун монахларга бераман.

Гильяно отряд билан ибодатхона дарвозаси олдига келганида, офтоб кўтарилган ва монахлар ишга жўнаётгандилар. Тури Гильяно уларни лабида кулги билан кузатди. Наҳотки у бу одамлар билан бирга икки йил мобайнида бошига юмшоқ қора америкача шляпа кийиб, эгнида малла либос билан далада юрган бўлса? Гильяно шафқатсиз одамга айланишини ким ҳам ўйлабди, дейсиз ўшанда! Буларнинг барчаси нақадар вақтини хуш қилганини хотирлади у. Гильянони дала ишлари пайтидаги соғинч қамраб олди.

Уларни қарши олиш учун дарвозага аббатнинг ўзи келди. Ҳибсдаги киши олдинга ўтиб, унга қўлини чўзганини кўрган баланд бўйли, қора кийинган, қаддиқоматли бу одам каловланиб қолди. Стефан Андолини қарияга талпинди, икки чеккасидан ўпди-ю, шундай деди:

– Ота, бу одамлар мени ўлдиришмоқчи, мени фақат сиз қутқаришингиз мумкин.

Аббат бош ирғади. У Гильянога қўлини чўзди. Тури бир қадам олдинга босди ва улар кучоқлашдилар. Энди Гильяно ҳаммасини тушунди. «Ота» сўзи руҳонийга мурожаат каби жарангламади, балки бу ўғилнинг отага мурожаати каби эди.

– Мен учун бу одамнинг ҳаётини асраб қол, – деди аббат.

Гильяно Андолининг қўллари ва оёқларидаги арқонни ечиб ташлади.

– У сизники, – деди Тури Гильяно.

Андолини ерга ўтириб қолди: унинг танаси қўрқувдан бутунлай бўшашиб қолган эди. Аббатнинг жуссаси ориқлигига қарамай, Андолинини ушлаб турарди.

– Монастирга, овқатланишга борамиз, – деди у Гильянога. – Мен одамларингни овқатлантираман, сўнг учовимиз нима қилиш кераклигини муҳокама қиламиз.

У Андолинига бурилиб қаради ва:

– Қадрли ўғлим, сен ҳали хавф-хатардан холи эмассан. Дон Кроче бу ҳақда эшитса нима деб ўйлайди? Биз биргалашиб маслаҳатлашишимиз керак. Акс ҳолда сен гумдон бўласан, – деди.

Аббатнинг меҳмонларга мўлжалланган мўъжаз меҳмонхонаси бор эди, ўша ерга бориб қулай жойлашиб олдилар. Иккови ёш бўлгани боис нон ва пишлок келтиришди.

Аббат аламли жилмайиш билан Гильянога қаради.

– Бу менинг кўплаб гуноҳларимдан бири. Унинг отаси бўлганимда ҳали ёш эдим. Сицилияга ташриф буюрган келгинди руҳоний қанчалик васвасага учраганини ҳеч ким билмайди. Уларга қаршилиқ кўрсата олмадим. Жанжални босди-босди қилишди ва унинг онаси Андолинига турмушга чиқди. Жуда катта пул тўлашга тўғри келди ва мен черковда мартаба эгаллашга муяссар бўлдим. Ўғлим вояга етиб, қотилга айланди. Гарчанд шусиз ҳам гуноҳларим етарли бўлиб, улар учун жавоб беришимга тўғри келса-да, бу хочни ҳам олиб юришга мажбурман.

У гап оҳангини ўзгартириб, Андолинига мурожаат қилди.

– Сўзларимни диққат билан эшит, ўғлим, – деди у. – Иккинчи марта ҳаётингни асраб қолганим учун қарздорсан. Сен, энг аввало, кимга садоқат кўрсатишинг кераклигини тушун, ахир! Энди бутунлай Гильянога содиқ бўлмоғинг лозим. Доннинг олдига қайтишинг мумкин эмас. У Тури нима сабабдан сени аяб, икки шеригингни ўлдиргани ҳақида савол беради. Хоинлик бўлган, деб шубҳаланади, бу эса тамом бўлдинг, дегани. Сен буларнинг ҳаммаси ҳақида донга айтиб беришинг ва Гильяно отрядида қолиш учун рухсат сўрашинг керак. «Дўстларнинг дўсти» ва Гильяно армияси ўртасида алоқачи бўлиб, маълумотлар билан таъминлаб туришни ваъда берасан. Мен ўзим доннинг хузурига бориб, бу ишлар нечоғлик аҳамиятга эга эканлигини тушунтираман. Унга донга заҳмат етказмаган ҳолда Гильянога содиқ бўлишингни ҳам айтаман. Дон сен ҳақингда ҳозиргина шафқат кўрсатган кишига барибир сотқинлик қилади, деган фикрда. Аммо айтиб қўяй, агар Гильянога содиқ бўлмасанг, сени умрбод қарғаб ўтаман. Отангнинг қарғишини қабргача олиб борасан.

Шундан сўнг аббат яна Гильянога мурожаат қилди.

– Энди эса сендан иккинчи марта марҳамат қилишингни сўрайман, кадрдон Тури Гильяно. Ўғлимни отрядингга қабул қил. У сен учун курашади, буйруқларингни адо этади ва, қасам ичиб айтаманки, сенга садоқат билан хизмат қилади.

Гильяно бу таклифни яхшилаб ўйлаб кўрди. Вақти келиб, Андолинига ихлос қўйишига ишонди. Унинг отаси – аббатга содиқлигига амин бўлди. Шу боис хиёнат қилиш эҳтимоли катта кўринмади, Гильянонинг

бунга қарши чораларга кучи етади. Стефан Андолини отряд ҳаракатларида керакли ёрдамчи ва дон Кроче империяси тўғрисида ахборот берувчи қимматли манба бўлиши мумкин.

– Хўш, сиз дон Крочега нима дейсиз? – деб сўради Гильяно.

Аббат бир лаҳза ўйланиб қолди.

– Мен дон билан гаплашаман. Унга қандайдир таъсир кўрсата оламан. Кейин яна кўрамиз. Хўш, ўғлимни отрядингга қабул қиласанми?

– Ҳа, сўз бераман, – деди Гильяно. – Агар менга хиёнат қилса, сизнинг ибодатларингиз дўзахга элтadиган йўлда уни қувиб ета олмайди.

Стефан Андолини ҳеч кимга ишонишмайдиган дунёда яшаган ва, шубҳасиз, йиллар ўтган сайин юзи қотилнинг ниқоби каби тусга кирган эди. У яқин йилларда худди акробат каби доимий равишда ўлим доридан чайқалишини тушунарди. Хавф-хатардан холи йўл, шунингдек, хомхаёл ҳам йўқ. Унинг қўрқувига таъсир кўрсатган якка-ю ягона инсон Тури Гильяно эди.

Шу кундан эътиборан Стефан Андолини Гильяно отрядининг аъзосига айланди. Кейинги йилларда унинг қонхўрлиги ва тақводорлиги шу даражага етдики, Фра Иблис лақаби бутун Сицилияга машҳур бўлди. Тақводорлиги бор: у ҳар якшанбада ибодатга отланарди. Одатда отаси руҳонийлик қиладиган Виллаба шахрига борарди. Муножот пайтида Гильяно отряди тўғрисида айтиб берарди – бу гапларни дон Крочега етказиши учун. Аммо Гильяно айтмасликни тайинлаган гаплар ҳақида лом-мим демасди.

УЧИНЧИ КИТОБ

МАЙКЛ КОРЛЕОНЕ

Ўн олтинчи бўлим

«Фиат» Трапани чеккасидан ўтди-ю, пляж яқинидаги йўлга бурилди. Майкл Корлеоне ва Стефан Андолини уч уй ва боғдан иборат катта вилла олдида тўхташди. Теварак-атроф баланд девор билан ўралган, дарвоза фақат пляж томонга йўналган эди. Кириш жойида икки қўриқчи турарди: уларнинг орқасида Майкл елкалари кенг, бақалоқ, бу жойларга мос бўлмаган либос – шим, қайтарма ёқали, трикотаж кўйлак ва спорт курткиси кийган кишини кўрди. Дарвозани очгунча кутиб турган «фиат» машинасига кўзи тушгач, кенг юзида кулги ёйилганини ҳайратланиб илғаган Майкл англадики, унинг қаршисида Питер Клеменца турарди.

Клеменца Америкада Майкл Корлеоненинг отасига бош ёрдамчи бўлиб ишларди. Бу ерда нима қияпти?.. Клеменца эса Майклни кўрганидан ниҳоят хурсанд эди. У Майклни жажжи «фиат»дан тортиб чиқарди ва сал бўлмаса ўзининг айиқ келбатли оғушига олиб, пачоғини чиқариб юбораёзди.

– Сени кўрганимдан қанчалик хурсандман, Майкл. Сен билан фахрланишимни анча вақтдан бери айт-

моқчи бўлиб юргандим... Энди барча нохушликларинг ортида қолди. Бир ҳафтадан сўнг оғайниларинг орасида бўласан – байрам уюштирамиз, ахир. Ҳамма сени кутяпти, Майкл.

Ёш йигитчани ҳамон азамат қучоқларида тутиб турар экан, Клименца унга диққат билан қаради... Сицилияга келгач улғайибди, эркакка айланибди... Мана энди жамоада ўзига тегишли ўринни эгаллашга ҳақли.

Майкл бу азамат гавдали бақалоқни, унинг кенг, худди болта билан чопилгандек юзини кўрганидан хурсанд эди. У қариндош-уруғларини сўради. Отаси ўзига суиқасд уюштирилганидан зўрға қутулибди-ю, аммо барибир соғлиғининг мазаси йўқ. Клеменца ғамга ботиб, бош чайқади.

– Гарчи кейинчалик тузалиб кетсанг-да, сени илматешик қилиб юборишларидан ҳеч кимга фойда йўқ. Лекин отангни биринчи ўққа тутишлари эмас. У ҳўкиздай бақувват. Халос бўляпти... Сенинг қайтганингдан ҳамма хурсанд.

Стефан Андолини Клеменца билан бош ирғаб, саломлашди – улар, шубҳасиз, аллақачон учрашган эдилар. Ва Майклга хайрлашиш учун қўлини узатди: орқага, Монтелепрега қайтиши керак.

– Сенга ҳар қандай миш-мишлар етиб келса ҳамки, ёдингда бўлсин, – деди у, – мен ҳамиша Тури Гильянога содиқ бўлганман ва у менга тўлиқ ишонган. Агар кимдир Гильянони сотса, бу мен бўлмайман... Сени ҳам ҳеч қачон сотмайман.

Майкл унга ишонди.

– Озроқ нафас ростлаб, бирор нарса еб-ичиш учун кирсанг бўларди, – деди у.

Стефан Андолини қатъиян бош чайқади. У «фиат»-га ўтириб, дарвозадан чиқиб кетди ва ўша заҳоти дарвоза зарб билан ёпилди.

Клеменца Майклни майсазор бўйидаги уй томон бошлади. Қуроолланган соқчилар деворлар тагида қўриқчилик қилишар ва пляжда сайр этишар, айна пайтда виллани денгиз томондан назоратга олишганди. Ўша ерда, Африканинг олис қирғоқлари йўналишида кичик бандаргоҳ туртиб чиққанди. Унинг ёнида катта катер турар, устида итальян байроғи ҳилпирар эди.

Виллада бошдан-оёқ қора кийинган, офтобда куйиб қорайган икки кампир дуч келди. Клеменца уларга Майклнинг хонасига мева солинган вазаларни олиб киришни буюрди.

Хонадан балконга чиқиларди, у ерда Ўрта Ер денгизи бутун салобати билан кўринар, айниқса, қуёш нурлари тушганда икки томонга очилиб кетгандай бўларди. Уфқда тўлқинлар узра очиқ мовий ва қизил елканли балиқчилар қайиғи чайқалиб турар, улар бамисоли қизил шарларга ўхшаб кетар эди. Балкондаги стол устида қалин қорамтир дастурхон ташланган эди ва эркаклар унинг атрофига қўйилган стулларга ўтириб олишди. Икковлонни кофе-экспрессо солинган қаҳва ҳамда қизил виноли кўза кутарди.

– Чарчаган кўринасан, – деди Клеменца. – Бир оз ухла. Кейин барчасини батафсил гаплашиб оламиз.

– Ҳа, ухлаш менга ҳалақит бермайди, – деди Майкл. – Аммо аввал айтгин, онангнинг аҳволи қалай, тузукми?

– Жуда яхши, – жавоб берди Клеменца. – У сени уйда кутяпти...

– Ҳўш, отанг қалай? – сўради Майкл.

Клеменца ёқимсиз кулги билан жилмайди.

– Ёмон эмас. Ва бешта хонадон ҳадемай буни ўзида ҳис этади. У уйга қайтишингни сабрсизлик билан кутмоқда, Майкл. Отамнинг сен билан боғлиқ улкан режалари бор. Шундай экан, биз унга панд бермаслигимиз керак. Гильяно тўғрисида унчалик ташвишланма: агар у пайдо бўлса, ўзимиз билан бирга оламиз. Борди-ю, биздан ўзини олиб қочса, майли, қолаверсин.

– Отаси шундай дедими?

– Ҳар куни Тунисга хабарчи учиб кетади, – сўзлади Клеменца, – ва мен ҳам у билан гаплашгани катерда бораман. Бундай буйруқларни кеча олдим. Даставвал дон Кроче бизга ёрдамлашади, деб қарор қилинган эди. Штатлардан кетаётганимда отанг шундай деганди. Лекин Палермони тарк этганингдан сўнг кеча нима бўлганини биласанми? Кимдир Крочени гумдон қилишга уринган. Қандайдир одамлар боғ деворидан ошиб ўтган-у, унинг тўрт тансоқчисини ўлдирган. Лекин Кроче қочиб қолишга улгурган...

– Ё, Худо, – деб ҳайқирди Майкл. Улар учрашганида дон Кроче меҳмонхона атрофида жуда кўплаб қўриқчилар қўйиб чиққанини эслади. – Бу дўстимиз Гильяно эди, деб қўрқаман. Сизлар отам билан бирга нима қилаётганингизни биласиз, деган умиддаман. Мен шу даражада толиқдимки, ҳеч нарса тўғрисида ўйлай олмаيمان ҳам.

Клеменца ўрнидан туриб, дўстона тарзда ёш йигитнинг елкасига қоқиб қўйди.

– Ухла, Майкл. Уйғонганингдан сўнг сени акам билан таништираман. У буюк одам – шу ўлканинг тўлиқ хўжайини. Шундай экан, дон Кроче тўғрисида ўйламай қўя қол.

Майкл ечинди-ю, тўшакка кирди. У бир ярим суткадан кўп вақт ухлади, аммо мияси танасининг дам олишига йўл бермай, ишлашда давом этди. Ҳали эрта, қалин, ёғоч эшик, дарчалар ёпик бўлишига қарамай, қуёш қаттиқ қиздираётганини ҳис этди. Ҳавода гуллар ва лимон дарахтларининг димиққан ҳиди осилиб қолган эди. Майкл кейинги кун воқеаларини миясида жонлантириб, кўз олдига келтирди. Пишотта ва Андолини оролда бу қадар эмин-эркин ҳаракат қилишга қандай муваффақ бўлишди экан? Нега Гильяно дон Кроче билан энг ноқулай пайтда орани очик қилмоқчи? Бундай ҳисоб-китоб қилиш сицилияликка хос эмас. Ахир Майкл озми-кўпми, етти йилдан буён тоғларда яшириниб юрибди. Балки энди етар. У, албатта, худди одамлардек яшашни истайди, лекин бу ерда иложи йўқ, Америкада эса яшаса бўлади. Ва ўша ёққа кетишга қарор қилди, бу, шубҳасиз, акс ҳолда океан ортига ҳомиладор хотинини юбормаган бўларди. Ва бирдан Майклнинг кўз ўнгида Гильяно сўнгги курашга киришишга қарор қилгандай бўлди. У, бу ерда, ўзининг қадрдон ерида ўлимдан асло қўрқмайди. Ҳозир қандайдир сирли режаларнинг охириги ришталари ўралмоқда, уларни Майкл Корлеоне мутлақо билмайди, шу боис ҳамиша ҳушёр туриши керак. У Сицилияда ўлиш учун ҳаракат қилмаяпти...

Кенг-мўл ётоқхонада ухлаган Майкл эшик, дарчаларни очиб юборди – деразалар оқ тошлардан терилган балконга олиб чиқар, қуёш нурларига ғарқ бўлган эди. Балкон остида Ўрта Ер денгизи ўзининг уфққа қадар қорамтир-кўк гиламини ёйган. Балиқчилар қайиқлари қизил елканларини ловуллашиб, сув юзида кезар, узоқда кўздан ғойиб бўларди. Майкл бир неча

дақиқа уларга қараб ўтирди, денгизнинг эс-хушдан айирадиган гўзаллиги ҳамда шимол томондан тўзғиган азамат қоятошларга анча вақт мафтун бўлиб қолди.

Хона оддий бесўнақай мебеллар билан жиҳозланган. Столча устида яшил эмалланган коса ва сув солинган кўза турарди. Стул суячиғига қўпол қорамтир сочиқ ташлаб қўйилган... Майкл юзини ювди ва хонадан чиқди. Пастда, зинапояда уни Питер Клеменца кутиб турарди.

– Мана энди кўринишинг анча яхши, – деди Клеменца. – Овқатлансанг дадил бўласан, шундан сўнг иш борасида гаплашиб оламиз.

У Майклни узун ёғоч стол турган ошхонага бошлаб кирди. Улар ҳали ўтиришга улгурмай, худди сеҳрли таёқчани силкитганда пайдо бўлгандек қора кийинган кампир печка ёнига келиб қаҳва қўйиб кетди. Сўнг тухум ва колбаса солинган ликопчани қўйди. Печдан тевараги малла катта юмалоқ нон олди. Ва ўша заҳоти ғойиб бўлди... Шу лаҳзанинг ўзида хонага Клеменцага жуда ўхшаган, фақат ёши каттароқ эркак кириб келди. Майкл дарҳол унинг дон Доменик – Питернинг акаси эканлигини билди. Фақат бошқача кийинган: қора вильвет шим малла этик ичига солинган эди. Узун қора камзул, ичида оқ шойи кўйлак, тўқима қат-қат бурмаланган манжетлар билан безалган. Бошида кичик соябонли шапка. У ўнг қўлида тутган камчини бепарволик билан бурчакка улоқтирди. Майкл хўжайинни кутиб олиш учун ўрнидан турди ва дон Доменик Клеменца уни дўстона қучоқлаб олди.

Шундан сўнг учовлон стол атрофида ўтиришди.

– Майкл, – деди тантанали равишда дон Доменик, – отанг, дон Корлеоненинг менга сени топширгани камина учун мамнуният, обрў-эътибор, ҳурмат бахш этади. Ахир мен бор-йўғи бир камбағал деҳқон эдим, – чуқур нафас олди дон Доменик. – Тўғри, қўшнилар маслаҳат сўраш учун ҳузуримга киришади, бу ерда, Трапанида обрў-эътиборга эга бўлганим ҳақида гапиришади. Мен ҳақимда маслагидан қайтган муртад дейишганди, чунки дон Кроче олдида асло бош эгмасдим. Бу унчалик аниқ бўлмаса-да, аммо эҳтимоли ҳам бор эди. Парвардигори олам дон Кроче билан келишув йўлини топарди. Аммо мен эмас. Камина, эҳтимол, эътиқодидан қайтган одамдирман, аммо бу фақат беномус кишилар назарида шундай. Дон Кроче эса ҳукуматга биз тўғримиздаги маълумотларни сотади. Менга ҳар қандай важларни тикиштирмагин, буларнинг бари *infamita*, яъни итальянча қабоҳатдан иборат. Эскича яшаш, бу – маъқул, Майкл, биз билан бир неча кун бўлсанг, кўзинг билан кўрасан.

– Бунга шубҳаланмайман, – уни ишонтиришга ошиқди Майкл. – Ҳозирча эса мен учун нимаики қилаётган бўлсангиз ҳаммасига раҳмат.

– Қўйсанг-чи, арзимаёди. Аммо иш кутиб турмайди, – деб илова қилди дон Доменик. – Агар сенга нимадир керак бўлса, менга мурожаат қил. – У полда ётган камчини кўтарди ва чиқди.

– Майкл, – деди Питер Клеменца, – отанг Тури Гильянога унинг отасига ҳурмат-эҳтироми ва дўстлиги туфайли ёрдам беришга рози бўлди. Аммо сенинг хавфсизлигинг – биринчи ўринда. Ахир бу ерда отангнинг душманлари қолган-ку! Гильянонинг ихтиёрида бир ҳафта бор. Агар шу вақт ичида пайдо бўлмаса, штат-

ларга ёлғиз ўзинг кетишинг керак. Африкада самолёт тайёр туради ва биз истаган пайтда учиб кетишимиз мумкин. Фақат айт.

– Пишотта Гильянони олиб келаман, деб ваъда берган, – деди Майкл.

Клеменца ҳуштак чалиб юборди.

– Сен Пишоттани кўрдингми? Ахир унга ҳам қидирув эълон қилинган, худди Гильянога ўхшаб. Жуда қизиқ, у тоғдан қандай тушади?

Майкл елкаларини олдинга чиқарди.

– Унда адлия вазири имзолаган махсус қизил ҳошияли рухсатнома бор.

Питер Клеменца шубҳаланиб бошини чайқади.

– Сен мени бу ерга олиб келган кичкина одамни, Андолинини танийсанми, Пит? – деб сўзини давом эттирди Майкл.

– Ҳа, – жавоб берди Клеменца. – У биз учун Нью-Йоркда нимадир қилганди, икки марта кичикроқ ишни амалга оширганди. Тўғри, Гильянонинг отасидай эмас – у тўғри одам, шу билан бирга яхши ишлайди: ғиштларни артистлардай тахлайди. Улар, албатта, иккови ҳам қайтиб аҳмоқлик қилди. Лекин сицилияликларнинг барчаси шунақа. Ўзларининг сассиқ уйчаларини унута олишмайди. Нима ҳам дердинг? Сицилияликлар қабргача сицилиялик бўлиб қолишади.

– Тўғри, – деди Майкл, – аммо барибир Андолини ҳақида нима дейсан?

Клеменца елкаларини керди:

– У отанга тутинган ака ҳисобланади. Кейинги беш йил давомида Гильянонинг энг яқин ёрдамчиларидан бири эди. Лекин бунгача дон Крочега жуда яқин бўлган. Яна ким билади, дейсан? У хавфли одам.

– Андолини бу ерга Гильянонинг бўлажак хотинини олиб келди. У ҳомиладор экан. Биз бу аёлни штатларга юборишимиз керак. У Гильянога катта йўлда ҳаммаси жойида эканлиги ҳақида код орқали хабар қилади. Мен буни унга ваъда берганман. Сенинг эътирозинг йўқми?

Клеменца ҳуштак чалиб юборди.

– Мен Гильянонинг маҳбубаси борлигини эшитмаган эканман. Албатта, шундай қилиш керак.

Улар боққа чиқишди... У ерда Питер Клеменца билан гаплашиш учун бир нечта эркак кутиб турарди. Улар йигирма чоғли бўлиб, барчалари чанг босган кийим ва фуражкада, дон Доменикка ўхшаш аянчли аҳволда эди. Боғ ичкарисиди, лимон дарахти остида ёғоч стол бўлиб, бир нечта ёғоч курсилар қўйилган. Клеменца боғда тўпланиб турган эркакларга навбати билан келишини айтиб қичқирди. Кутаётганлардан бири ажралди-да, столга яқин келиб ўтирди. Клеменца уни саволга тутди бошлади. Уйланганми? Болалари борми? Дон қўли остида анча вақтдан бери ишляптими? Трапанида қариндошлари борми, агар бўлса, кимлар? Америкага бориб бахтини ахтаришни ис-тамайдими? Кейинги саволга уларнинг барчаси «ҳа» деб, ўзгартирмасдан жавоб беришди.

Кампирлардан бири вино солинган кўза келтирди, унда янги узилган лимонлар бўлаги сузиб юрарди. Столга яқин келганларнинг ҳар бирига Клеменца бир стакан вино ва сигарета тавсия қиларди. Барчаси билан гаплашиб бўлгач, улар кетишди. Клеменца Майклдан сўради:

– Бирортаси уч пулга қимматга ўхшаб кўриндими сенга?

Майкл елкаларини қисди.

– Менинг назаримда, – жавоб берди у, – ҳаммаси бир хилга ўхшайди. Уларнинг барчаси Америкага кетишни хоҳлайди.

– Биз сафни тўлдиришимиз керак, – деди Клеменца. – Жуда кўп одамларни йўқотдик, яна йўқотишимиз мумкин. Мен ҳар беш йилда бу ерга келиб, ўн икки кишини олиб кетаман. Уларни ўзим машқ қилдираман. Даставвал ҳар қандай майда-чуйдалар – кураш, бўйсунмаганларга босим ўтказиш, қўриқлаш каби машғулотлар ўтказаман. Қонун-қоидаларга риоя қилишини текшираман. Қачон фурсати етди, деб ҳисобласам, имконият туғилгудек бўлса, олдиларига суяк ташлайман. Аммо ниҳоятда эҳтиёткорлик билан. Лекин улар агар бизга содиқ бўлишса, ўзларининг охирги кунларига қадар таъминланишини жуда яхши англайдилар. Бу ердагиларнинг барчаси дон Корлеоне оиласи учун одам танлаётганимни билади, шу боис мен билан гаплашишга уринади. Аммо дастлаб уларни акам танлайди. Унинг рухсатисиз бирортаям одам менга кела олмайди.

Майкл ажойиб боққа, гулу чаманзорга кўмилган, юмшоқ лимон дарахтлари, харобалардан қазиб олинган қадимий илоҳлар ҳайкаллари, анчайин янги авлиёларнинг ёдгорликлари, вилла атрофини ўраб олган қизил тўсиққа қаради. Ҳеч нима дея олмайсан, ўн икки ҳаворий-қотилни танлаш учун энг мақбул жой шу ер.

Кечқурун мўъжаз «фиат» яна вилла дарвозаси олдида пайдо бўлди ва қўриқчилар уларни ўтказиб юборишди. Рулда Андолини ўтирар, ёнида эса худди қарганинг қаноти каби қора кийинган аёл бор эди. Унинг сочлари ҳамда ясси шаклдаги юзи мадонна суратига мос келарди. Аёл машинадан тушганида, Майкл унинг

хомиладорлигини сизди, гарчи эгнида сипо, кенг, сицилияликлар киядиган кўйлак бўлса-да, қора тусда эмас, балки оқ, хунукдан-хунук гулли. Аммо аёл шунчалик кўркамки, бундай дидсиз кўйлакни кийгани учун уни кечириш мумкин.

Майклни ҳайратда қолдириб машинанинг орқа ўриндигидан Гектор Адонис тушди. У ёш аёлни таништирди. Иسمى Юстина экан. Аёл ёшларга хос тарзда уятчанлиги билан ажралиб турмас, юзи ҳам ҳаёт фожиаларини кўриб, биладиган улуғвор аёлни эслатарди. У Майклга диққат билан кўз ташлаб, сўнг бош иргаб қўйди, саломлашди. Афтидан, бу сотиши мумкин, деб юзини кўздан кечиришга ҳаракат қилди.

Кампирлардан бири аёлни махсус ажратилган хо-нага бошлаб кетди, Андолини эса машинадан унинг юкларини таший бошлади.

Кечкурун Андолинидан ташқари ҳаммалари бирга овқатланишди, у эса «фиат»ни орқага буриб жўнаб кетди. Гектор Адонис эса қолди. Кечки овқат устида Юстинани қандай қилиб Америкага жўнатиш хусусида суҳбатлашдилар. Дон Доменик катер истаган пайтда Тунисга кетиши мумкинлигини айтди, улар учун доим тайёр туради. Ахир Гильянонинг қачон пайдо бўлиши номаълум. Қачон келса, имиллаб ўтириш мумкин эмас.

– Унинг изидан қандай кўрқинчли одамлар келиб қолишини ҳеч ким билмайди, – деди енгил киноя билан Доменик.

Питер Клеменца Юстинани Тунисгача кузатиб қўяман, деди. Уни самолётга ўтказиб, штатларга ҳеч қандай тўсиқсиз боришлари учун керакли ҳужжатлар мавжудлигига ишонч ҳосил қилмоқчи. Кейин виллага қайтиб келади.

Юстина Америкага учиб борганидан сўнг Гильянога шартли сўзлар билан мактуб юборади ва шундан кейин Гильянони жўнатиш бўйича операция бошланади.

Юстина кечки овқат чоғида индамай ўтирди. Дон Доменик ундан куннинг асосий қисмини машинада ўтказдингиз, тунда йўлга тушишга тайёرمىсиз, деб сўради.

– Ишлагандан кўра юрган яхши, яширингандан кўра хавфлилиги кам, – деб жавоб берди у ва Майкл Гильянонинг диққатини нима тортишини тушунди. Аёлнинг кўзлари чарақлар, бабақалари қатъий тарзда олдинга чиққан, лаблари қимтилган – иродаси кучли сицилияликлардан эканлиги яққол кўриниб турарди. Ҳа, у гапирганида, сўз оҳанги ҳам ҳеч қандай эътирозга ўрин қолдирмасди. – Мен тоғлар, далаларда қўйлар билан ётдим, наҳотки катер ёки самолётда ёта олмасам? У ер, эҳтимол, унчалик совуқ бўлмас... Фақат Гильянодан ташвишдаман – қочишга улгурармикан? У нега мен билан бирга кетмади?

– Сенга хавф-хатар туғдиришни истамади, Юстина, – деди мулойимлик билан Гектор Адонис. – Бундай саёҳат қилиш унга оғирлик қилади; анча эҳтиёткорликни талаб этади.

– Сен Африкага кетадиган катер денгизга қуёш чиққунча чиқиши лозим, – деди Питер Клеменца. – Шундай экан, дам олишингга тўғри келади.

– Йўқ, мен толиққаним йўқ, – деди Юстина, – қаттиқ хаяжонланганман – уйқум келмайди. Лекин вино бўлганида ичардим, мумкинми?

Дон Доменик унга стаканни тўлдириб қуйди.

– Ич, бу кичкинтой учун ҳам фойдали, ҳам дарров ухлаб қоласан. Гильяно бизга бирор нарса беришни айтмадимми?

Юстина маъюс жилмайди.

– Мен уни бир неча ойдан бери кўрганим йўқ. Гильяно фақат битта киши – Аспану Пишоттага ишонади ва мен ҳақимда сотади деб эмас, ожиз бандалигимдан кўрқади, чунки душманлар бундан фойдаланиши ва уни тузоққа туширишлари мумкин. У бу ҳақда кўп китоблар ўқиди. Шунинг учун менга нисбатан меҳр-муҳаббатини ўзининг заиф томони деб ҳисоблайди ва ҳеч қачон режалари тўғрисида гапирмайди.

Майкл Гильяно ҳақида иложи борича кўпроқ билишни истарди.

– Сиз Тури билан қандай танишгансиз? – сўради у. Юстина кулиб юборди.

– Мен Гильянони яхши кўриб қолганимда ўн бир ёшда эдим, – деди у. – Бу етти йил бурун содир бўлган. Ўшанда Тури қочқинликнинг биринчи йилини ўтказаётган эди. Аммо қишлоғимиздаги ҳамма уни биларди. Акам ва мен отам билан далада ишлардик. Ўшанда бутунлай содда, гўл эдик, пулларни қўлларимизда силтаб юардик, ахир бунча кўп пулни қўлимизга ушламаган эдик-да! Йўлда бизга икки карабинер йўлиқди-ю, бор пулимизни олиб қўйди. Йиғлаганимизни кўриб, тинчлантиришга уринишди. Биз нима қилишни билмасдик: уйга бориш кўрқинчли, ортга, отамнинг олдига қайтиш ҳам хавфли. Шунда буталар орасидан ёш йигитча чиқиб келди. Баланд бўйли, кенг елкали – бундайларни Сицилияда жуда кам учратасан. Худди урушда кўрганимиз каби тамомила Америка аскарларига ўхшайди. Қўлтиғи остида автомат тутган, кўзлари эса шунчалик меҳрибонлик билан боқар, шу қадар чиройли эдики, сўз йўқ таърифига. «Болалар, – деди у бизга, – шундай

ажойиб кунда нега йиғлаяпсизлар? Сиз, ойимтилла, хушсурат чехрангизни бузиб қўясиз – ҳеч ким хотинликка олмайди!..» Биз рўй берган воқеани гапириб бердик, у яна хаҳолаб кулди-да, карабинерларга ҳамиша суяниш кераклиги, бу жуда яхши сабоқ бўлиши мумкинлигини айтди. Сўнг акамга қалин бир тахлам лира берди, уйга онамга элтиб беришни тайинлади, менга эса отамга олиб бориш учун мактуб тутқазди. Ўшандан буён уни сўзма-сўз эслайман. «Кичкинтой болаларни асло сўкманг – улар сизнинг қувончингиз ва қариганингизда эрмагингиз бўлади. Мен уларга йўқотганидан кўра кўпроқ пул бердим. Ва билиб қўйингки, шу бугундан бошлаб сиз ва болаларингиз Гильяно ҳимояси остида бўласизлар». Нақадар ажойиб исм деб ўйладим мен. Сўнг уни узоқ вақт тушларимда кўриб юрдим...

Аммо бу йигитни мамнуният билан яхшилик қилгани учун севиб қолган эдим. У кимгадир ёрдам берса, доим хурсанд бўларди. Ҳозиргача шундай... Мана шунинг учун Сицилия одамлари уни яхши кўришади.

– Сиз у билан яна қай тарзда учрашдингиз?

– Акам иккаласи дўстлашган эди, балки отам ҳам унинг отрядига аъзо бўлгандир. Бу ҳақда мен билмаيمان. Ахир фақат оиламиз аъзолари ва Тури отряди командирлари бизнинг турмуш қурганимизни билишарди, холос. Тури уларнинг барчасини буни махфий тутишга мажбур этиб, қасам ичирган: у ҳукуматдагилар мени қамаб қўйишидан чўчирди.

Шу тариқа Турининг уйлангани улар учун мутлақо кутилмаган маълумот бўлди. Юстина қўлини кўйлаги ёқасига тикиб, ҳамёнини чиқарди ва ичидан қора қо-

ғоз бланкасини олди, бу ҳужжатда катта муҳр босилган эди. Юстина Майклга қоғозни узатди, аммо уни Гектор Адонис олиб ўқиди.

– Эртага Америкада бўласан, – деди у кулиб. – Шу вақт ичида мен Турининг ота-онасига хушхабарни етказа оламанми?

Юстина қизариб кетди.

– Ахир улар мени Турига турмушга чиқмаган, деб ҳисоблашади, – деди у. – Ҳомиладор эканлигимни билишади, шунинг учун мен тўғримда ножўя ўйлайдилар. Хабар қилинг, албатта.

– Сен қачон бўлмасин Турининг васиятини кўрган ёки ўқиганмисан, уни қаергадир яширганми?

Юстина бош чайқаб рад этди.

– Йўқ, – деди у. – Тури менга бу ҳақда ҳеч қачон гапирмаган.

Дон Доменикнинг юзи жиддий тус олди, шу билан бирга унда қизиқувчанлик аломати пайдо бўлди. «А-ҳа, – ўйлади Майкл, – у васият тўғрисида эшитган, аммо маъқулламайди. Бу ҳақда қанча одам билади? Оддий одамлар, албатта, билмайди. Дон Кроче, Гильянолар оиласи ва унинг яқин ёрдамчилари ҳам билади».

– Дон Доменик, Америкадан, Юстина бешикаст етиб келди, деган хабар юборгунларича сизникида турсам бўладими? – деб сўради Гектор Адонис. – Мен бу ҳақда Гильянога етказишим керак. Сизни бор-йўғи бир кеча ташвишга қўйишим мумкин.

– Нималар деяпсиз, қадрли профессор, ахир бу мен учун шараф-ку! – қизгин хитоб қилди Доменик. – Қанча хоҳласангиз, шунча тураверинг. Энди эса ҳамма ухлашга. Бизнинг ёш сеньора узоқ сафар олди-

дан озгина бўлсаям ухлаб олиши керак. Мен эса тунни ухламай ўтказадиган даражада кексалик қиламан. Аванти*.

Эрталаб Майкл уйқудан турганида, Юстина йўқ эди. Гектор Адониснинг дон Доменик уйида икки кечани ўтказишига тўғри келди, Юстина Америкага эсон-омон етиб келди деган хабар келмагунча ўша ерда турди. Унинг Адонисга юборган хатида белгиланган шартли сўзларни мамнуният билан кўрди-ю, эрталаб йўлга тушишдан олдин Майкл билан яккама-якка гаплашмоқчи эканини айтди.

Майкл шу икки кунни жуда қўрқинчли асабийлик билан ўтказди. У уйга тезроқ етиб боришга тоқат қилолмасди. Шунингдек, Гильяно билан учрашишга ҳам сабри етмасди, ахир уларнинг ёши тенг эди-да. Гильяно шунчалик шуҳрат қозонишга улгургандики, Майклни учрашув истиқболи анча ҳаяжонга соларди. Қизик, деб ўйлади у, отаси Гильянодан Америкада қандай фойдаланар экан. Майкл бу борада отасининг алоҳида мўлжали борлигига асло шубҳаланмасди. Нега бўлмаса, Майклга уни бирга олиб келишни тайинлади?

Майкл Адонис билан бирга пляжга тушди. Уларни қуроолланган қўриқчилар кутиб олишди... Катер қайтиб келди ва Майкл яқинида турган унча катта бўлмаган яхтага кўзи тушди. Бортдаги одамлар милтиқ ва автоматлар билан қуроолланган эди.

Июль куёши ҳамма ёқни қиздириб юборган, денгиз шунчалик мовий ва тинч эдики, уни худди текис металл – юза, унда куёш акс этяпти, деб ўйлаш мумкин эди. Майкл ва Гектор Адонис кемалар боғлаб қўйи-

* Олга, кетдик – италянча.

ладиган махсус жойда ўрнатилган қулай курсиларга ўтиришди.

– Кетишдан олдин сизга муҳим бўлган охирги топшириқни бермоғим керак, – оҳиста деди Гектор Адонис. – Бу Гильяно учун ниҳоятда муҳим.

– Мен ҳаммасини чин юракдан бажараман, – сўз қотди Майкл.

– Дарҳол Америкага, отангизга Гильянонинг васият-номасини юбориш лозим, – деди Адонис. – Шундай қилиш керакки, дон Кроче ва Рим ҳукумати васиятнома Америкада, ишончли қўлларда эканига ишонсин, ана шунда улар Гильянога зарар етказмасликка уринадилар. Унга хотиржам кетиши учун йўл берадилар.

– Қоғозлар сиздами? – сўради Майкл.

Кичкина одам айёрона кулди ва хахолаб юборди:

– Улар сизда.

Майкл ҳайратда қолиб, унга тикилди.

– Сизга нотўғри ахборот беришибди. Менга уни ҳеч ким берган эмас.

– Йўқ, беришган, – деди Гектор Адонис. – Мария Ломбарде берган эди. Фақат у билан бирга қаерда эканлигини биламиз, ҳатто Пишотта ҳам билмайди.

Майкл дабдурустдан ҳеч нимани тушунмади.

– Улар қора Мадоннада*, айрим ҳужжатлар ҳам бор – деди Гектор Адонис. – Биз, сицилияликлар ҳеч кимга ишонмаймиз ва барчадан ҳис-туйғуларимизни яширамыз. Гильянонинг отаси ишончга сазовор, аммо у Пишоттага вайсаб қолиши мумкин. Пишотта Гильянонинг болаликдаги дўсти, Стефан Андолини Гильянони карабинерлар билан олишувда қутқарган,

* Қора фаришта ҳайкалчаси назарда тутилмоқда.

аммо вақт одамларни ўзгартиради ва қийноқларга ҳамма ҳам чидайвермайди. Шундай экан, уларнинг билмагани маъқул.

– Бироқ сизга Гильяно ишонибди-ку, – деди Майкл.

– Менга бахт кулиб боқди, – деди сиполик билан Гектор Адонис. – Лекин кўрдингизми, Гильяно қанчалик ақлли! Васиятни менга, ҳаётини эса фақат Пишоттага ишонган. Борди-ю, у билан бирор ҳодиса юз берса, демак, биз сотган бўламиз.

Ўн еттинчи бўлим

Майкл Корлеоне ва Гектор Адонис виллага қайтиб келишди ва Питер Клеменца билан бирга лимон дарахти тагида ёнма-ён ўтиришди. Майкл васият билан тезроқ танишиш пайида тоқати тоқ бўлар, аммо Гектор Адонис «бизни Монтелепрега олиб кетиш учун Андолини келиши керак эди», дерди. Ва Майкл Андолинини кутадиган бўлди – балки унинг учун бирор хабар олиб келар.

Бир соат ўтди. Гектор Адонис соатига қаради – юзи ташвишли эди унинг.

– Балки машина бузилиб қолгандир, – деб тахмин қилди Майкл. – Шу «фиат»и жонини ҳалқумига келтирди.

Гектор Адонис бош чайқади.

– Стефан Андолини ич-ичидан қотил бўлса-да, лекин жуда тартиб-интизомли одам. Ишончли. У бир соатдан буён кечикяпти, шундай экан, нимадир бўлган, деб қўрқяпман. Мен Монтелепрега қош қораймасдан, комендант соатигача етиб боришим керак эди.

– Акам сизга машина ва ҳайдовчи беради, – деди Питер Клеменца.

Адонис бир дақиқа ўйланиб турди.

– Йўқ, – деди у, – кутиб тураман. Уни кўришим жуда муҳим.

– Сизни қолдириб, васият билан танишсак, эътирозингиз йўқми? – сўради Майкл. – Дарвоқе, ҳайкалча ни қандай очиш мумкин?

– Уни ўрганинг, албатта, – деди Гектор Адонис. – Очиш жуда осон, ҳеч қанақа махфийлик йўқ. Ҳайкалча қаттиқ ёғочдан йўниб ишланган. Унга Тури қоғозни жойлагандан сўнг калла ўрнатишди. Калласини шундоқ кесиб ташлаш керак – тамом. Агар сизга хатини ўқиш қийин бўлса, жону дилим билан ёрдам бераман. Менга бирор кишини юборинг.

Майкл ва Питер Клеменца ётоқхонага кўтарилдилар. Ҳайкалча Майклнинг чўнтагида турарди – бу ҳақда бутунлай унутган экан. У қора тусли мадоннани кўлига олди ва иккови кўздан кечиришга киришди. Унинг чизиқлари африканча, юзидаги ифода эса оқ мадоннани эслатарди. Бундай мадонна сицилиялик ҳар бир камбағалнинг уйида бор. Майкл ҳайкалчани кўлида айлантириб кўрди. Жуда оғир – ичи бўш деб ўйламайсан.

Питер Клеменца эшик олдига борди-ю, пастда турган хизматкорларга нимадир деб кичқирди. Улардан бири ошхонада ишлатиладиган болтача билан шу заҳоти ҳозир бўлди. Клеменца ундан болтачани олди-ю, бурни тагида қизиқиб турганига эътибор бермай, эшикни қаттиқ ёпди.

Майкл қора мадоннани оғир ёғоч жавон устига қўйди, бир қўллаб унинг тагидан маҳкам ушлади.

Клеменца болтача билан мадоннанинг бўйин қисмини чамалаб кўрди-да, қўлини силтаб, бир зарб билан калласини шундай кесиб ташладики, у хонанинг охирига учиб кетди. Хайкалчадан майин сарғиш тери тасма билан ўралган қоғоз ўрами чиқиб қолди.

Клеменца бўйинини аниқ мўлжаллаб урган, акс ҳолда болтача билан мустаҳкам зайтун дарахтини мутлақо кесиб бўлмасди. У болтачани стол устига қўйди, хайкалчадан қоғоз ўрамини олиб, чарм тасмачани ечди-да, қоғозларни стол устига ёйди. У ерда ўн беш варақ юпқа саҳифалар бор эди, улар қора сиёҳ билан зич қилиб ёзилган эди. Ҳар бир саҳифа остида Гильянонинг имзоси турар – қиролларга хос шунақа ажи-бужи ҳарфлар битилган. Шу билан бирга у ерда расмий ҳукумат муҳри қўйилган ҳужжатлар, ҳукумат бланкалари ва нотарус тасдиқлаган қоғозлар бор эди. Қоғоз одатдаги шаклини сақлаб буралиб қолган, уни Майкл икки қисмга ёйиб, бир четига хайкалча бўлагини, иккинчисига болтачани бостириб қўйди. Сўнг тантанали равишда кўзадан икки стаканга вино қуйди ва биттасини Клеменцага узатди. Улар ичишди ва Васиятни ўқишга киришдилар.

Бу деярли икки соатни ўз ичига олди.

Майкл жуда таъсирланган эди: Тури Гильяно, бу ёш идеалист, шунча хоинликларга дуч келишига қарамай, яшаб кета олган экан. Майкл ҳаётни яхши билар ва Гильяно, афтидан, етарли даражада айёр ҳамда ўзининг маълум вазифасини адо этиш учун ҳокимиятни қўлида ушлаб туриш борасида тасаввурга эга эди. Ва Майкл Гильяно билан бир авлодга мансуб эканлигини ҳис этди, бу ёш йигитнинг қочишига ёрдам беришни жудаям истаб қолди.

Гильяно ҳаётининг кейинги етти йили тўғрисида баён этган кундалик билан бирга илова қилинган ҳужжатлар Римда насроний демократлар ҳукуматининг инқирозини кўрсатиб турарди. Майкл ҳокимиятга эга одамлар шунчалик эҳтиётсиз эканлигини сира тушуна олмасди; унда кардинал имзо чеккан хат ва адлия вазирининг дон Крочега мактуби бор эди, ҳар куни Жинестрада ўтаётган намоишни қай тарзда тарқатиб юбориш тўғрисида маслаҳат сўралганди. Ҳамма гап, албатта, очиқ айтилмаган, аммо кейинги воқеалар соҳасида ҳалокатли тарзда кўзга ташланарди. Ҳар бир ҳужжат алоҳида олинганда етарли даражада айбдан холи, лекин бир олам камчиликлардан иборат ҳам эди.

Унда шахзода Оллортонинг мактуби бор эди, хатда Гильяно баландпарвоз таърифланган ҳамда ишонтириб, Римдаги насроний демократлар партияси аъзолари уни авф этиш учун қўлидан келган ишни қилади, фақат битта шарт билан, ундан нимаики сўралса, шуни бажармоғи керак, дейилган. Шахзода Оллорто Римдаги адлия вазири билан барча масалада келишилганлиги таъкидланган эди.

Мактубда юқори мансабдорлар томонидан Гильянони қўлга тушириш учун ишлаб чиқилган ва кўрсатган ёрдами эвазига унга берилган операция режасининг нусхаси ҳам бор эди.

– Бунга ҳайрон қолмаса ҳам бўлади, улар Гильянони ҳибсга олишни исташмайди, – деди Майкл. – Бундай қоғозларга эга бўлиб, уларни портлатиб юбориш мумкин.

– Буларнинг ҳаммасини Тунисга олиб кетаман, – дея сўзлади Питер Клеменца. – Эртага кечқурун отангнинг сейфида бўлади.

У бошсиз мадоннани олди-ю, яна унга қоғозларни жойлаб, сўнг ҳайкалчани чўнтагига солиб қўйди.

– Кетдик, – деди у Майклга. – Агар ҳозир кетсам, эртага эрталаб қайтаман.

Улар вилладан чиқишди. Ҳали пляжга тушмасдан ҳамон Андолинини кутаётган Гектор Адонисга кўзи тушди. Андолини барибир келмади.

Жуссаси кичик одам бўйинбоғи ва костюмини ечди; қордай оппоқ қўйлаги тердан қорайиб кетган, ваҳоланки у лимон дарахтининг соясига ўтирган эди. Боғдаги ёғоч столдаги вино солинган кўза бўш эди.

– Мана, аллақачон сотқинлик бошланди, – деди у умидсиз оҳангда Майкл ва Питер Клеменцани кўриб. – Андолини уч соатдан буён кечикяпти. Мен эса Монтелепре ва Палермога боришим керак. Гильянога ўзим ҳақимда билдириб қўйишим зарур.

– Профессор, – бироз таҳқирланган каби сўзлади Питер Клеменца, – унинг машинаси бузилиб қолган ва яна қандайдир бошқа шошилиш ишлар чиққан бўлиши мумкин. Сизнинг бу ерда хавф-хатардан холи эканлигингиз ва уни кутаётганингизни билади. Агар бугун келмаса, биз билан бирга яна бир тунни ўтказасиз.

Гектор Адонис жавоб ўрнида тўнғиллади:

– Бу ёмон тугайди, ёмон, – сўнг Монтелепрега олиб боришни илтимос қилди. Клеменца ўзининг икки одамга «альфа-ромео» отрядидан бир кишини олиб, Гектор Адонисни Палермога элтиб қўйишни тайинлади. Машинанинг ортга тезроқ қайтишини қатъий тарзда таъкидлади, виллага ғира-шира пайтда етиб келиши шарт.

Майкл Клеменца Гектор Адонисни машинага ўтказгач, хаяжонланмаслик кераклигига уни ишонтиришди. Гильянонинг васиятномасини бир кундан сўнг Америкага юборишади ва Гильяно хавф-хатардан бутунлай холи бўлади.

Машина дарвозадан чиқиб кетгач, Майкл ва Клеменца қирғоққа боришди. У катерга ўтирди ва Африка қирғоқларига қараб йўл олди. Майкл нигоҳи билан кузатарди.

– Эрталаб қайтаман! – кичқирди хайрлашиш ўрнида Клеменца.

Майклнинг кўнглидан: «Гильяно бу ерга қайтиб келиш учун айнан шу кечани танлаган бўлса-чи?» – деган ўй ўтди.

Шундан сўнг у кечки овқатни тановул қилди – икки кампир хизмат қилишди. Қирғоқ бўйлаб кетган эди, кўриқчилар уни орқага қайтаришди. Бир неча дақиқадан сўнг қоронғи тушиши керак. Ўрта Ер денгизи қорамтир-кўк бахмалини унинг рўпарасида ёйган, уфқдан Африка ҳиди – ёввойи гуллар ҳамда ҳайвонларнинг иси учиб келарди.

Бу ерда сув бўйида бутунлай сокинлик чўккан – ҳатто ҳашаротларнинг товуши ҳам эшитилмайди. Гўё машинанинг мотори бирдан ўчган каби таассурот қолдиради.

Майкл қирғоқда турар, Сицилия кечасининг оромбахш ва гўзаллигидан ҳаловат топиб ҳузурланар экан, бу тунни кимлар кўнглида кўрқув туйиб ўтказганини ҳис этди: Гильяно ўзининг тоғларида; Пишотта душманлар қўйган тўсиққа қарши қизил хошияли махсус рухсатномани қалин қалқон каби тутиб олган; профессор Адонис ва Стефан Андолини

бир-бирини Сицилиянинг чанги чиқиб кетган йўлларидан топишга уринмоқда. Питер Клеменца Ўрта ер денгизининг қорамтир-кўк сувларидан Тунисга йўл олган ва дон Доменик эса қаергадир ғойиб бўлиб, кечки овқатга ҳам келмади! Буларнинг барчаси Сицилия тунида ҳаракат қилган соялар бўлиб, улар сахнага чиқишганида, охирги кўриниш намойиш этилади: унда Тури Гильянонинг ҳаёти ёки ўлими тўғрисида сўз юритилади.



ТҮРТИНЧИ КИТОБ

ДОН КРОЧЕ

1947 йил

Ўн саккизинчи бўлим

Савойя хонадонига мансуб қирол Умберто II сокин, мулойим одам эди. Уни халқ яхши кўрар – яқинда Италияда монархия бўлиши керакми, йўқми деган масалада ўтказиш керак бўлган референдумни беҳудага маъқулламаган эди... Сиёсий масалалар бўйича экспертлар референдумда одамлар монархия манфаатини ёқлайдилар, деб ишонишганди.

Сицилия ороли, асосан, мавжуд вазиятни қўллаб-қувватлашига шубҳаланмаса ҳам бўларди. Бу тарихий даврда оролда икки куч – Сицилиянинг шимоли-ғарбий қисмида ўз отряди билан ҳукм юритаётган Тури Гильяно ва «Дўстларнинг дўсти», шунингдек, оролнинг қолган қисми бўйсунган Дон Кроче Мало бор эди. Гильяно сайловолди кампанияларида бирорта партиянинг найрангларида қатнашмади. Дон Кроче ва мафия насроний демократларнинг монархияни сақлаш учун қайта сайланишини таъминлаш мақсадида барча кучларини сафарбар этишди.

Лекин ҳаммани ҳайрон қолдириб, Италия сайловчилари монархияга қарши овоз беришди ва Италия

республика бўлиб қолди. Бунда социалистлар ҳамда коммунистлар шундай жиддий қўллаб-қувватлашга сазовор бўлдиларки, насроний демократларнинг таъсири сусайиб, путурдан кетди ва сал бўлмаса мамлакатни бошқаришдан учиб кетаёзди. Бўлажак сайловларда эса бу дахрий социалистлар ҳукуматга қиёбоқиб, мамлакатни Римдан туриб бошқара бошладилар. Шунда насроний демократлар бўлажак сайловларда ғалабани қўлга киритиш учун бор кучини сарфбар қилишга киришдилар.

Барчага Сицилия энг катта кутилмаган совға олиб келди. У ерда парламентда анчагина социалистлар ва коммунистлар сайланди. Лекин Сицилияда касаба ташкилотлари ҳали иблиснинг қуролига айланмаган ҳамда кўпгина корхоналар ва ер эгалари у билан бирга иш юритишдан бош торган эди. Хўш, нима юз берди?

Дон Кроче ниҳоятда дарғазаб эди. Унинг одамлари иш олиб боришган, ахир. Барча худудда деҳқонларга дўқ-пўписа қилиб, қўрқитишган, аммо тахдидлари очикдан-очик таъсир этмади. Католик руҳонийлар коммунистларга қарши диний ташвиқот ўтказдилар, монах аёллар эса насроний демократларга овоз беришни ваъда қилганларга сават-сават спагетти макaronи ҳамда зайтун мойини тарқатдилар. Сицилиядаги черков хизматчилари ҳайратдан ўзига кела олмаётган эди. Улар миллион лира турадиган озиқ-овқат маҳсулотларини улашдилар, аммо айёр сицилиялик деҳқонлар мўмай озуқани жиғилдонига уришди-ю, насроний демократларга тупурдилар.

Адлия вазири Франка Трецца ҳам қариндош-уруғи бўлмиш сицилияликлардан қаттиқ ғазабланган эди. Нафратга сазовор хоинлар, ҳатто ҳеч қандай нафи бўлмаса-да, муғомбирлик қилишади, ҳамма нарсадан

Ўзларининг ор-номусини баланд қўйишади, ваҳоланки, ҳатто тунги туваклари ҳам йўқ. Улар сабр-тоқатни тошириб юборди ўзиям. Ахир социалист ва коммунистлар учун қандай овоз беришади? Бу одамлар ҳокимият тепасига келгач, оилаларни гумдон қилишади ва насронийлар худосини Италиянинг барча серҳашам ибодатхоналаридан қувиб чиқаришади-ку, ахир? Фақат битта одам саволга жавоб бериши ҳамда бўлажак сайловларга керакли йўлни кўрсатиб қўйиши мумкин, бу Италиянинг сиёсий келажагига боғлиқ. Ва вазир дон Кроче Малога одам юборди.

Сицилия деҳқонлари сўл кучлар партияси учун овоз бериш ва ўз қиролини ағдариб ташлашга аҳд қилишганди. Бу кўпгина мансабдор кишиларнинг ғазабига сабаб бўлганини билиб, ниҳоятда ҳайратга тушдилар. Улар Қўшма штатлар, Франция, Буюк Британия каби қудратли давлатларнинг Италия Россия билан иттифоқдош бўлганидан ҳаддан зиёд ташвишга тушганини билиб, ҳайратда қолишганди. Кўпчилиги, ҳатто бундай мамлакат борлигини эшитмаган ҳам экан.

Сицилия камбағаллари йигирма йилда эндигина демократик йўл билан ўз иродасини намоён этар экан, билиб-билмасдан уларга бир парча ер ҳамда арзимас маблағ ваъда қилган сиёсий партиялар учун овоз бердилар...

Ҳа, сицилияликлар уларга оилаларига бир қисм ер бериш имкониятига эга бўлиш учун овоз бердилар, холос. Йўқ, қандайдир сиёсий партияни назарда тутишмади. Шахсий ерга эга бўлиш – улар учун ортиқ бахт йўқ, буларнинг барчаси шахсий ерида ишлаш, ўз меҳнати билан етиштириладиган озиқ-овқат маҳсулотларига ўзлари эгалик қилади дегани эди. Бир неча акр ғалла экишга ер, тоғ қояси остида сабзавот

экиш учун жой, мўъжазгина узумзор, лимон ва зайтун дарахти – мана уларнинг орзуси чегараси шулардан иборат эди.

Адлия вазири Франко Трецца асли сицилиялик бўлиб, Муссолини турмаларида ўтирган антифашист эди. Унга ҳозирча Англияга қочиб кетиш насиб этмаганди.

Трецца баланд бўйли, аслзодаларга хос қадди-қоматга эга бўлиб, сочлари қоп-қора мум каби, соқолига кумушдек оқ оралаганини айтмаса ҳам бўлади. Бўлажак ҳақиқий қаҳрамон сифатида у юз фоизли бюрократ ва сиёсатчи эдики, мутлақо одатдан ташқари лўт-тибозликдан иборат эди бу.

Вазирнинг Римда қадимий зил-замбил мебеллар билан жиҳозланган каттакон кабинети бор эди. Деворларида президентлардан Рузвельт ва Уинстон Черчиллнинг портрети осилган. Кичкина балконга чиқадиган деразада рангли ойналар ўрнатилган. Вазир ўзининг ҳурматли меҳмони дон Кроче Малога вино қуйиб берар эди.

Улар винодан оз-оздан ҳўплаб ўтиришар ва Сицилиядаги сиёсий вазият ҳамда олдинда турган сайловлар тўғрисида суҳбатлашардилар. Агар Сицилия яна сўл партияларни афзал деб эҳтиром кўрсатса, наслар демократлар ҳукумат устидан назоратни йўқотиб қўйишлари мумкин. Католик черкови эса Италиянинг расмий черкови сифатида ўзининг пешқадамлик мақомидан маҳрум бўлиб қолиши мумкин.

Дон Кроче индамай эшитди. У жағини куч билан ишлатиб, кадрдон Сицилиясига нисбатан Римда овқат истеъмол қилиш бир оз яхши, деб эътироф этишга мажбур бўлди. Дон ўтириб, худди императорникига ўхшаш йирик калласини қўзиқорин ва спагетти ма-

карони билан тўлган ликопчага эгиб, йирик жағлари ёрдамида таомни тўхтовсиз равишда чайнайди. У вақт-вақти билан сочиқда ингичка мўйловлари учини артиб қўяди. Йирик қайрилма бурни хизматкорлар олиб келган ҳар бир янги таомни гўё унда заҳар йўқми, дегандек текширгандай бўлади. Кўзлари тўкин дастурхон устида югургандай кезади. У сукут сақлар, вазир эса бир хил оҳангда мамлакатдаги вазият ҳақида баён этарди.

Тўкин зиёфат сўнгида мева-чевага тўла катта идиш ва пишлоқлар ўртага қўйилди. Сўнг одатга мувофиқ, бир чашка қаҳва ва қориндор қадахда коньяк ичилгач, дон суҳбатга киришишга ҳозирланди. У ўзининг басавлат гавдаси билан ҳаддан зиёд кичик курсида ўтира олмай типирчилар экан, вазир шоша-пиша юмшоқ оромкурсилар қўйилган меҳмонхонага ўтишни таклиф қилди. Хизматкорга қаҳва ва коньякни ўша ерга олиб келишни буюрди, сўнг донга ўзи қора қаҳва қуйди. Сигара таклиф қилди, у эса бош тортди ва донишмандона сўзларни эшитишга шайланди: дон ҳамиша иш хусусида гапиришни биларди.

Дон Кроче мутлақо тортинмасдан вазирни кўздан кечирди. Ён томондан унда ҳеч қандай оқсуякларга хос кўриниш, семиз ёғли юздан уфуриб турган куч таассурот қолдирмади. Калта қирилган соқоли ҳам умуман ёқмади, худди ясамага ўхшайди. Бу одат Сицилияда эмас, Римда таассурот қолдириши мумкин. Аммо айнан у Сицилияда мафия яна ўз кучига эга бўлишига ёрдам бера оларди. Улар Римни вақтида бекордан-бекор назар-писанд қилишмади – мана Муссолини ва фашистларга эга бўлишди. Сўл партиялар масаласида дон Крочеда хомхаёл асло йўқ эди. У

ислохотлар ўтказишга киришиши ва «Дўст»ларнинг махфий бирлашмасини тутатиши мумкин. Фақат насроний демократлар ҳукумати бу жараёнларни қўллаб-қувватлашга қодир, шу туфайли Кроче ўзини бекаму кўст деб ҳисоблаши мумкин. Шу боис ўзини гўё доволайдиган табиб сифатида ҳис этиб, Римга боришга, аслида шунчаки жазавага тушган майиб-мажруҳларни кўришга рози бўлди. Дон уларни даволашни эплар, буни биларди.

– Мен сизга сайловлар пайтида Сицилияни битта тақсимчага солиб келтиришим мумкин, – деди у вазир Треццага. – Лекин бизга қуроолланган одамлар керак. Ва сиз Тури Гильянога тегмаймиз, деб ваъда бермоғингиз лозим.

– Ана шу ваъдани сизга беролмайман, – тан олди вазир Трецца.

– Сиздан фақат шу ваъда талаб қилинади, – деб эътироз билдирди дон Кроче.

Вазир калта соқолини силаб қўйди.

– Бу Гильяно деганингиз ким ўзи? – истар-истамас сўради у. – Шундай ёш ва шу қадар қахр-ғазабнок. Ҳатто сицилиялик учун ҳам ҳаддан зиёд шафқатсиз.

– Нималар деяпсиз, у жуда мулойим одам, – деди дон Кроче вазирнинг заҳарханда кулгисини илғамай. Шу билан бирга Гильянони бирор марта ўз кўзи билан кўрмаганини ҳам унутди.

Вазир Трецца бош чайқади.

– Бундай деб ўйламайман, – деди у. – Шунча қарабинерни ўлдирган кишини мулойим деб аташ мумкин эмасдир.

Бу рост эди. Кейинги йилда Гильяно ҳаддан зиёд ўйламай иш тутяпти, деб ўйлади Дон Кроче. Додана отадан ўч олган Гильяно қутуриб, барча душманлари

– ҳам мафия, ҳам Рим амалдорларини таъқиб остига ола бошлады.

У газеталарга мактуб жўнатиб, ўзини Ғарбий Сицилия ҳукмдори деб эълон қилди... Шу билан бирга ярим кечадан сўнг Монтелепре, Корлеоне ва Монреал кўчаларида соқчилик қилмасликлари учун карабинерларга огоҳлантириш жўнатди. Унинг одамлари ўз дўстлари ва қариндошлари ҳолидан хабарлашиши керак, уларни тўшақда ҳибсга олиш ёки уйдан чиқаётганларида отиш мумкин эмас. Ўзи ҳам қадрдонларини кўриш учун Монтелепрега боришни истайди.

Газеталар бунини истехзоли шарҳларга тўлдириб чоп этди. Буёғи қандоқ бўлди, Сальваторее Гильяно cassetани ман этмоқдами? Бу босқинчи полициячининг қонуний вазифасини бажариш ҳамда Сицилия шаҳарлари кўчаларида кўрикчилик қилишини тақиқламоқда. Нақадар сурбетлик! Киши ғазабини қайнатиб юборадиган уятсизлик! Бу йигит ўзини Италия қироли деб ҳис этадими? Карикатуралар пайдо бўлди, унда улкан Гильяно майдонда қадам ташлаб юргани, Монтелепренинг қоронғи бурчакларида карабинерларнинг яширингани акс этган эди.

Табиийки, фельдфебелга Монтелепреда фақат битта нарсаси қолди: ҳар тунда патрулларни кўчага юбориш керак. Ҳар кеча ўз гарнизони, юзга яқин ортиқча юборилган одамларининг жанговар тайёргарлигини кўриб чиқиши ва карабинерларни шаҳарнинг тоғ томондан кирадиган ҳамма йўлларида кўрикчилик қилишга мажбур этарди, токи Гильяно унга ёпирилиб кирмасин.

Лекин у бир куни карабинерларни тоққа жўнатди. Ва Гильяно ўзининг беш командири – Пишотта, Терранова, Пассатемпо, Сильвестро ва Андолини (улар-

нинг ҳар бири эллик кишидан иборат отрядни бошқарарди) билан бирга пистирма ташкил этди. Гильяно уларга шафқатсизларча ўт очиб, олти кишини ўлдирди. Қолганлари пулемёт ўтидан ўзини қутқариб, қочиб қолишди.

Рим қўлига қурол олди, аммо Гильянонинг довураклиги ҳозир барчага хизмат қилиши мумкин, фақат дон Кроче иссиқхонада яшаган мана бу ўсимлик – вазирни ишонтирса бўлгани.

– Ишонинг, – деди дон Кроче вазир Треццага, – Гильянонинг бизга фойдаси тегиши мумкин. Мен уни Сицилияда социалистлар ва коммунистларга нисбатан уруш эълон қилишга кўндираман. Уларнинг марказларига ҳужум қилади, фаолларини гумдон қилади. У менинг қуролланган қўлим бўлади. Албатта, мен ва дўстларим сездирмай, зимдан зарур ишларни амалга ошираверамиз.

Вазир Трецца аччиқланмади, фақат нафратланиб шундай деди:

– Гильяно мамлакатимизни иснодга қўйди. Халқаро миқёсда шарманда қилди. Столим устида армиямиз штаби бошлиғи томонидан ишлаб чиқилган режа ётибди, унга мувофиқ Гильяно ва босқинчиларига нисбатан аскар юборилди. Боши учун ўн миллион лира белгиланган. Сицилияга минг нафар карабинер кўшимча ёрдам сифатида юборилди. Сиз эса мендан уни эҳтиёт қилишимни сўраяпсиз. Ҳурматли дон Кроче, бизга ёрдам берасиз, бошқа босқинчиларни топширганингиз каби буни ҳам топширасиз, деб ўйлаган эдим. Гильяно – Италия учун иснод. Ҳамма уни гумдон қилиш керак, деб ҳисоблайди.

Дон Кроче қаҳва ҳўплади ва бармоқлари билан мўйловларидаги юкни артди. Бу римлик иккиюзла-

мачи риёкор энсасини қотираётган эди. У охиста бош чайқади.

– Бизга Тури Гильянонинг ҳаётини сақлаб қолиш ниҳоятда зарур. Майли, у тоғда қаҳрамонона ишларини амалга ошираверсин. Сицилия халқи унинг соғ-омон қолиши, зарар кўрмаслиги, руҳий саломат бўлиши учун илтижо қилиб, ибодат ила машғул. Менинг оролимда унга хиёнат қиладиган бирор кимсани топиб бўлмайди. Боз устига у бошқа барча босқинчилардан кўра анча айёрроқ. Лагерида жосусларим бор, аммо Гильяно шахси шу даражада кучлики, ҳатто уларнинг менга қанчалик содиқлигини ҳам билмайман. У ана шунақа одам. Гильяно барчанинг ўзига нисбатан мойиллигини оширади. Агар сиз у ёққа мингта карабинер ҳамда аскарларни юборсангиз, бошқа ҳаракатлар илгари барбод бўлганидек, бу операциялар ҳам битта қолмай чиппакка чиқса, нима бўлади? Мен сизга айтсам, яқинда ўтказиладиган сайловларда Гильяно сўл партияларни қўлласа, Сицилияни йўқотасиз, бу эса, сизга аён бўлса керак, партиянгиз Италиядан маҳрум бўлади.

У анча вақт вазирга тик қараб, жим кутиб турди.

– Сиз Гильяно билан келишмоғингиз керак.

– Хўш, буни қандай ташкил этиш мумкин? – деб сўради вазир Трецца хушмуомала кулимсираш билан, айна пайтда дон Крочедан аччиқланган ҳолда. Жилмайиши-ку, римликникига ўхшар, аммо вазир сицилиялик эди. Шу аснода сўзини давом эттирди. – Гильянонинг сизга нисбатан мойиллиги йўқлигини кўрсатувчи ишончли манбаларни биламан.

Дон Кроче елкаларини керди.

– Агар у менга нисбатан кек сақлаганида, кейинги уч йилда олға тортолмасди, Гильяно эса ёш бўлса-да,

ақли. Шунга қарамай, менда унга ёндашиш йўли бор. Доктор Гектор Адонис – одамим, айна пайтда Гильянонинг чўқинтирган отаси ҳам, Гильяно ҳаммадан кўра кўпроқ ишонадиган одамлардан бири. Гектор Адонис менинг воситачим бўлиб, бизни Гильяно билан яраштириб қўяди. Лекин сиздан ҳар томонлама зарур кафолат берилиши, бунинг устига у аниқ шаклда бўлиши зарур.

– Мен сизга хат ёзиб, ўзим тутмоқчи бўлаётган босқинчига нисбатан муҳаббат изҳор этишимни истарсиз, эҳтимол? – киноя билан деди вазир.

Доннинг кучли томони шунда эдики, гарчи юрагига тегиб кетса-да, у ҳеч қачон ҳақоратли оҳанг ҳамда ҳурматсизликка эътибор бермасди. Мана ҳозир ҳам бутунлай хотиржам алфозда жавоб берди, ҳатто юзи қилт этмади.

– Йўқ, – деди у. – Менга Гильянони қўлга тушириш бўйича штаб бошлиғингиз тузган режалар нусхасини берсангиз кифоя, оролга минг нафар карабинерни жўнатиш буйруғининг нусхасини ҳам. Ҳаммасини Гильянога кўрсатаман ва у сицилиялик сайловчилар ўртасида тарғибот масаласида бизга ёрдам берса, бу қоғозларни ишга солмаслигингизни айтиб, ваъда бераман. Сизга ҳеч қандай соя тушмайди, буйруқ нусхасини ўғирлашибди, деб айтасиз, вассалом. Шу билан бирга Гильянога, агар насроний демократлар сайловларда ғалаба қозонса, бутунлай авф этилишини ваъда бераман.

– А, буниси энди бўлмайди, – кўнмади вазир Терреца. – Босқинчини тўлиқ кечириш менинг ҳукмим остида эмас.

– Лекин бунга ваъда бера оласиз-ку, – деди дон Кроче. – Кейин, агар кечирилса, ажойиб бўлади. Агар

бунинг имкони йўқлигига кўзингиз етса, мен унга энг хунук хабарни маълум қиламан.

Вазир ҳамма гапни тушунди. У амал қилиш лозим бўлган нарсани англади: дон Кроче ниҳоят Гильянодан халос бўлади, акс ҳолда иккови Сицилияда яшай олмайди. Шуни ҳам тушундики, дон Кроче ҳаммасини зиммасига олади ва унинг бу муаммо билан шуғулланишига ҳожат қолмайди. Ваъда-чи – нега энди бериб бўлмас экан? Дон Крочега мазкур иккита операция нусхаларини тутқазиш керак, холос.

Вазир ўйланиб қолди. Дон Кроче оғир бош эгиб, оҳиста деди:

– Агар умуман иложи бўлганида мен тўлиқ авф этиш учун оёқ тираб олган бўлардим.

Вазир хона бўйлаб юра бошлади, бу борада қандай мураккаб томонлар бўлиши мумкинлигини ўйлар эди. Дон Кроче қимирламай ўтирар, жим қотган эди. Ниҳоят вазир шундай деди:

– Менинг номимдан унинг авф этилишини айтинг, лекин шуни тушунишингиз керакки, бу осон бўлмайди. Ҳаддан зиёд шовқин кўтарилиши мумкин. Агар газеталар ҳеч бўлмаганда, сиз билан учрашганимизни билиб қолса борми, тириклай теримни шилиб олади. Натижада истеъфога чиқиб, Сицилиядаги фермамга бориб, гўнг ташишим ҳамда қўйларнинг жунини қирқишимга тўғри келади. Айтинг, бу режалар ҳамда буйруқларимнинг нусхаси ҳақиқатан ҳам сизга шунчалик керакми?

– Уларсиз ҳеч нарса қилиб бўлмайди, – деди дон Кроче. Унинг товуши жарангдор ва ишончли янгради. – Гильянога сиз билан дўстлигимизни тасдиқловчи далил ва ундан сўраётганимиз эвазига олдиндан қандайдир мукофот керак. Бу режа ва ваъдалар шуни

тасдиқлайди ҳамда улар ҳеч қачон амалга ошмаслигини кафолатлаб туради. Улар армия ва полициянинг қўшимча кучларидан, пистирмаларидан кўркмай олдингидек ҳаракат қилавериши мумкин. Бу режалар менда турса, сиз билан алоқамни тасдиқлайди ва Гильяно унинг амалга ошмаганини кўрса, Римга таъсир қила олишимни фаҳмлайди.

Вазир Трецца дон Крочега яна бир чашка қаҳва куйди.

– Розиман, – деди у. – Сизга ишонаман, ахир биз дўстмиз-ку... Лекин мени сизнинг хавфсизлигингиз хавотирга солмоқда. Гильяно ўз ишини қилиб, авф этилмаганини сезиб қолса, ҳаммасига сизни айбдор деб ҳисоблайди.

Дон бош ирғади ва ҳеч нима демади. Қаҳвани ҳўплади-ю, жимиб қолди. Вазир унга узоқ қаради, сўнг шундай деди:

– Бундай кичик оролда икковимиз қисилиб қоламиз.

Дон кулди:

– Мен бир оз суриламан. Омон бўлсак кўришамиз.

– Ажойиб, ажойиб, – деди вазир Трецца. – Ва шуни ёдингизда тутинг. Агар мен партиямга Сицилия сайловчиларининг бўлажак сайловларга овоз беришларини ваъда бера олсам, шундан сўнг ҳукуматимиз шон-шарафи учун Гильяно муаммосини ҳал қиламан, ўшанда Италияда қанчалик юксакликка кўтарилишимни, ҳатто тасаввур ҳам этолмайсиз. Лекин қанчалик баланд парвоз қилмайин, сизни ҳеч унутмайман, қадрдон дўстим. Доимо менга мурожаат этишингиз мумкин.

Дон Кроче вазмин танасини оромкусидан бир оз суриб, ўйланиб қолди: бу каллаварам сицилиялик

Италия бош вазири бўлса, фойдаси тегармикан? Лекин «Дўстларнинг дўсти» унинг лақмалигидан албатта фойдаланади, борди-ю, сотишни ўйласа, бунақаларни гумдон қилиш ҳеч гап эмас. Ва дон Кроче сидқидилдан шундай деди (у одамда самимий таассурот қолдириш маҳорати билан донг қозонган эди):

– Дўстлик учун сизга раҳмат, мен кучим етганча барчасини адо этаман. Келишдик. Эртага кундузи Палермога жўнаб кетаман. Эрталаб режалар ҳамда бошқа қоғозларни менга, меҳмонхонага етказсангиз, ниҳоятда миннатдор бўлардим. Агар сиз уни авф этишнинг уддасидан чиқа олмасангиз ва Гильяно ишини давом эттираверса, шундай қиламанки, у ғойиб бўлади. Балки Америкага кетар ёки бошқа жойга йўл олар, сизга бошқа ташвиш келтирмайди.

Шундан сўнг иккови хайрлашди: давлат хизматига ўзини бахшида этган сицилиялик Трецца ва Рим ҳуқуқлари ҳамда ҳокимиятини дўзахдан чиққан боло деб ҳисобловчи дон Кроче. Шундай бўлса-да, дон Кроче эркинликка, шахсан ўзи учун эркинликка ишонар, эркинликни ўзи қўлга киритган, ватандошлари ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган ва бу борада ҳеч ким олдида мажбурият сезмасди. Дон Кроче ўзига ўхшаган Тури Гильяно билан курашиш учун (иккиюзламачи анови аблаҳ вазирга ўхшамаган ҳолда) уни тақдирнинг ўзи мажбур этаётганига ишонарди.

Палермога қайтиб келган дон Кроче Гектор Адонисни ҳузурига чақирди. Унга Трецца билан учрашгани-ю, қандай битимга келишганини гапириб берди. Сўнг ҳукуматнинг Гильянога қарши кампания ўтказиши тўғрисидаги режалари нусхасини кўрсатди. Бу жуссаси кичик одам дон эришган нарсалардан бутунлай умидсизликка тушди.

– Вазир менга мазкур режалар тасдиқланмаслиги ва амалга ошмаслигини айтиб ваъда берди, – деди дон Кроче. – Аммо сенинг чўқинтирилган ўғлинг бўлажак сайловларга таъсир этиш учун бутун иқтидоридан фойдаланиши керак. У қатъийлиги ва кучини кўрсатсин, камбағаллар борасида унча куйиб-пишмасин. Ҳар ҳолда шахсий ҳаётини ўйлаши керак. Рим ҳамда адлия вазири билан ҳамкорлик қилишдек имконият ҳамиша ҳам бўлавермайди, у шунини тушуниши зарур. Ахир Треццага карабинерлар, бутун полиция ва судьяларнинг барчаси бўйсунди. У ҳатто бош вазир ҳам бўлиши мумкин. Агар шундай ҳолат юз берса, Тури Гильяно ўз оиласи бағрига қайтиши, ҳатто сиёсатда маълум мавқега эришиши эҳтимолдан холи эмас. Сицилия халқи уни севади. Лекин Гильяно, энг аввало, кечириши ва унутиши керак. Мен сенга ишонаман – унга таъсир ўтказ.

– Аммо Гильяно қандай қилиб Римнинг ваъдаларига ишониши мумкин? – сўради Гектор Адонис. – Қолаверса, Тури доим камбағаллар томонида туриб кураш олиб борган. Агар фақирлар манфаатига тўғри келмаса, ҳеч қайси ишга қўл урмайди.

– Ахир у коммунист эмас-ку, – кескин эътироз билдирди дон Кроче. – Мени Гильяно билан учраштир. Уни кўндиришга ҳаракат қиламан. Ҳар ҳолда биз иккимиз Сицилиядаги энг таъсири катта кишилармиз. Илгари у бош торгарди, энди эса вақт ўзгаряпти, ахир. Худди биз каби Гильянонинг қутулиб қолиши ҳам шунга боғлиқ. Коммунистлар иккимизни буюк бир қонқиш билан пачоқлаб юборади. Қачон истаса, у билан бирга учрашишга тайёрман. Гильянога айт, Рим ваъдасида туради, кафолат бераман. Агар насроний демократлар сайловларда ғалаба қозонса, у, албатта, авф этилади,

бунга кафилман. Ҳаётим ва ор-номусимни ўртага қўйишга тайёрман.

Гектор Адонис тушунди. Дон Кроче агар вазир Трещца ваъдасида турмаса, Гильяно ғазабини ўзига қаратиб, хавф-хатарга ўзини рўпара қилишга тайёр туради.

– Мен бу режаларни Гильянога кўрсатишим мумкинми? – деб сўради у.

Дон Кроче бир дақиқа ўйланиб қолди. Уларни энди ҳеч қачон ортга қайтара олмайди. Гильянога ҳавола этар экан, унинг қўлига шу тарзда қудратли қурол беришини англаб етди. У Гектор Адонисга кулиб қаради.

– Ҳурматли профессор, – деди, – сен уларни, албатта, ўзинг билан оласан.

Гектор Адонисни кутаётган Тури Гильяно энди нима қилиш ҳақида ўйларди. Тури анча вақтдан буён сўл партияларнинг сайловдаги ғалабаси дон Крочени ҳузурига олиб келади ва у ёрдам сўрайди, деб ўйларди.

Мана тўрт йилки, Гильяно пуллар ва озиқ-овқатларни Сицилиянинг ўзига тегишли қисмидаги камбағаллар орасида тарқатади. Аммо салгина инон-ихтиёри бўлганида, уларга янада ёрдам кўрсата оларди.

Адонис келтирган иқтисод ва сиёсатга доир китоблар унинг миясини бутунлай гангитиб ташлади. Тарихнинг бутун йўналиши кўрсатишича, камбағалларнинг жами умид-орзулари барча мамлакатларда сўл партияларга боғлиқ экан. Шунга қарамай, у улар томонида бўла олмасди. Черковга қарши эканликлари ҳамда Сицилияда ўрта асрлардан буён мавжуд бўлган оилага садоқат устидан кулганлари билан асло келишолмасди. Шу билан бирга насроний демократларга нисбатан социалистлар ҳукумати уни тоғдан фаол равишда кетишга мажбур этишини ҳам англаб етди.

Қоронғи тушди. Гильяно тоғ қоялари тагида тарқалиб кетган одамлари ёққан гулханларга назар ташлади. Бу ердаги баланд супада, Монтелепрега қараган томонда у баъзан шаҳар майдонидан жаранглаган радио орқали мусиқани эшитарди. Мусиқа Палермодан бериларди. Шаҳарча геометрик тўғри оловлар доирасидан пастда ётарди. Гильяно Адонис келса, у билан барча масалани гаплашиб олардик, деб ўйлади. Сўнг чўқинтирган отасини кузатиб қўяди, кейин ота-онасини кўргани киради ва Венера билан хабарлашади. У бу тарзда шаҳарга чиқишдан асло қўрқмасди. Бутун ҳудуд назорати остида. Шаҳарчада карабинерлар отряди бармоғини тегиза олмас, агар борди-ю, қандай бўлиб онаси уйи ёнида пайдо бўлса, барчасининг абжағини чиқарадиган болалар етарли даражада эди. Энди унинг, ҳатто виа Белла томонда яшайдиганлар орасида ҳам куролланган одамлари бор.

Адонис келгач, Тури уни америкача батареялар билан ёритилган катта ғорга олиб кирди, у ерда стол-стуллар турарди. Гектор Адонис Турини қучоқлади ва унча катта бўлмаган китоблар солинган сумкани топширди... Шу билан бирга қоғозларга лик тўла жомадончани берди.

– Сен бу қизиқ нарсани ўқиб кўрасан, деб ўйлайман. Ҳозирнинг ўзидаёқ танишиб чиқишинг керак.

Гильяно қоғозларни стол устига қўйди. Бу вазир Терецца имзолаган ва яна минг нафар карабинерни Сицилияга Гильяно отрядига қарши юбориш тўғрисидаги буйруқлар эди. Шу билан бирга армия штаби бошлиғи томонидан тузилган Гильянога қарши компания режалари ҳам бор эди.

Гильяно уларни қизиқиш билан кўриб чиқди. Бу уни кўрқитмади – фақат тоғнинг ичкарироғига кетиш керак, лекин огоҳлантириш ўз вақтида етиб келди.

– Уларни сизга ким берди? – деб сўради Адонисдан.

– Дон Кроче, – деди Адонис. – Уларни айнан вазир Треццанинг қўлидан олган.

Турини, афтидан, бу ҳайрон қолдирмади. У, ҳатто бир оз кулимсиради ҳам.

– Нима, булар мени кўрқитиши керакмиди? – сўради Гильяно. – Тоғлар жуда катта. Улар қанчалик кўп одам юбормасин, ҳаммаси шу ерда қолиб кетаверади. Дарахт остига ҳуштагимни қай тарзда кўмиб юборган бўлсам, уларни ҳам худди шундай кўмиб юбораман.

– Дон Кроче сен билан учрашмоқчи. У сен хоҳлаган жойга келишга тайёр, – деди Адонис. – Бу режаларни эркин иродаси рамзи сифатида юборяпти. У сенга таклиф айтмоқчи.

– Сиз-чи, чўқинтирган отам, – сўради Тури, – менинг дон Кроче билан учрашишимни маъқул кўрасизми?

Гильяно Гектор Адонисга еб қўйгудай бўлиб қаради.

– Ҳа, – деди Адонис фақат.

Тури Гильяно бош ирғади.

– Ундоқ бўлса, биз сизнинг уйингизда, Монтелепреда учрашамиз. Сиз дон Кроче ўша ерга келишга таваккал қилиб кўради, деб ўйлайсизми?

– Нега энди бўлмас экан? – саволга савол билан жавоб берди Адонис. – Мен унга хавфдан холи бўлиши ҳақида сўз бераман. Сен эса ўз навбатида менга ваъда қил – ахир сенга буткул ишонаман-ку.

Гильяно Адониснинг ҳар иккала қўлини ушлади.

– Сизга ваъда бераман, – деди у. – Режалар учун раҳмат, менга олиб келган китобларингиз учун ҳам

ташаккур. Бугун кечкурун кетгунингизча уларни кўздан кечиришимга ёрдам бермайсизми?

– Албатта, – деди Гектор Адонис. Ва бутун оқшом Турига қийин жумлаларни тушунтириб берди.

Гильяно диққат билан эшитди ва саволлар берди. Ўтган вақт гўё аниқ қайтиб келгандек бўлди ва улар яна устоз-шогирдга айланишди.

Ўша оқшом Гектор Адонис Гильянога ўзининг ва-сиятига айланадиган кундалик юритишни маслаҳат берди. Унга отрядда бўладиган барча жараён, Гильянонинг дон Кроче ва вазир Трецца билан олиб борадиган барча келишув ва битимлари кирарди. Бу ўз-ўзини ҳимоя қилиш учун ниҳоятда керак эди.

Гильяно мазкур ғояни кўтаринки руҳ билан дарҳол қабул қилди.

Гарчи бу расмий ҳужжат бўлмаса-да, йўқолиб қолса, орадан юз йиллар ўтгач, бирор исёнчи топиб олади. Худди Пишотта Ганибалл филларидан бирининг суякларни топиб олгандек.

Ўн тўққизинчи бўлим

Тарихий учрашув икки кун ўтгач, рўй берди. Бу вақт давомида шаҳарчада овоза тарқалди: гўё буюк дон Кроченинг шахсан ўзи қўлида шляпа тутганча уларнинг қаҳрамони Тури Гильяно билан учрашиш учун бораётганмиш. Бу қандай аён бўлган, ҳеч ким билмайди. Эҳтимол, одамлар Гильяно билан учрашув хавфсизлигини таъминлаш учун ҳаддан зиёд эҳтиёт чораларини кўргандир деб тахмин қилган бўлишлари керак. Унинг патруллари Палермо йўлларини тўсиш ва эллик кишидан иборат қариндош-уруғлари, яъни

Монтелепреда яшовчи қавми уникига меҳмондорчиликка келиб, уйларида кечани ўтказдилар.

Агар карабинерлар патруль жўнатмоқчи бўлса, Пассатемпо одамлари билан унга қарши Беллампо казармаси томон йўналтирилади. Терранова одамлари Кастелламоге ва Трапани йўлини нишонга олиб туришди. Капрал Канио Сильвестро энг яхши мерганлари ҳамда бамбук ходачалари билан беркитилган оғир пулемётни олиб (бу ходачалардан Монтелепредаги кўплаб оилалар помидорларни ўтказиб, сўнг паста тайёрларди) томда жойлашиб олдилар.

Дон Кроче қош қорая бошлаганда келди – катта «альфа-ромео» лимузини Гектор Адониснинг уйи олдига келиб тўхтади. Дон Кроче ўзининг акаси, Бенъямино ота ҳамда машинада ҳайдовчи билан бирга қолган олтита кўриқчи ҳамроҳлигида ташриф буюрди. Гектор Адонис уларни эшик олдида кутиб турарди. У одатдагидан кўра анча башанг қийинганди – лондонлик тикувчи бичган кулранг костюм, кўзни қамаштириб юборадиган оппоқ кўйлак ва қизил чизикли бўйинбоғ. Дон эса одатдагига қараганда анча пала-партиш кийинган: у худди ғоздай лапанглаб юрар, семиз қорнини тортиб, кенг шим кийган, тугмалари ўтказилган кўйлагининг ёқаси йўқ ва қалин матодан тикилган қора пиджак олд томондан ярашмас, бир дюм энликдаги елкаси оша шимини кўтариб турадиган тасмалар оддий бўлса-да, унга қизиқиб қараш мумкин эди. Оёқларида – уйда кийиладиган туфли.

Бенъямино ота руҳоний либосида ҳамда одатдаги чанг босган айлана қора шляпада эди. У донни уйга киришдан олдин хоч билан чўқинтирди ва керакли сўзларни айтиб шивирлади.

Гектор Адониснинг Монтелепредаги уйи энг чиройли бўлиб, профессор у билан фахрланар эди. Французча мебеллар қўйилган, деворларида унча танилмаган замонавий итальян рассомларининг суратлари осилган бўлса-да, аммо уларни танлашда дид борлиги сезилиб турарди.

Дон Кроче бутунлай хотиржам эди. У Гильяно чўқинтирган отасини ҳеч қачон беобрў қилмаслиги ва берган сўзидан чиқмаслигини биларди. Дон аллақачон бўлажак воқеалар ривожини олдиндан сезиб лаззатланди. Мана у ҳозир балқиб чиқаётган юлдуз билан учрашади ва Гильяно тўғрисида фикрини жамлаб олади. Лекин Гильяно шундай секин ва кутилмаганда пайдо бўлдики, ҳатто дон Кроче ҳам тўсатдан ғафлат ичида қолди. У тош терилган кўприқдан на товушни, на очиб-ёпилган эшикнинг ғижирлаган овозини эшитди. Шунчаки ошхонадан меҳмонхонага олиб борувчи пештоққа бошини кўтариб, Гильянога кўзи тушди. Унинг кўркамлиги дон Крочени қойил қолдирди.

Тоғларда ҳаёт кечириш, тоза ҳаводан нафас олиш туфайли елкалари ниҳоят кенгайган, ўзи озган. У ҳамон аввалгидек узунчоқ шаклда, аммо чаккалари ич-ичига ботиб кетган, ияги чўзилиб, гўё ўткирлашгандек. Кўзлари худди ҳайкалникидай, кўз косасига ўрнатилган олтинранг қора тусли, кумушсимон, атрофи ўраб олингандек. Кийим ҳам уни бутунлай ажратиб, оппоқ, янгитдан ювилиб, дазмолланган кўйлак ва шайтонтери шим чиппа ёпишган, ярашиб турарди. Ола кулранг вильветдан тикилган кенг-мўл овчилар курткази автомат тўппончани беркитган. Бундан ташқари майда-чуйдаларга қарамай, гарчи йигирма тўртга кирган бўлса-да, мутлақо ёш кўринарди у.

Наҳотки шу бола Римга қарши чиқса, «Дўстларнинг дўсти»ни алдаса, бунга қотил Андолинини садоқат кўрсатишга ишонтира олса? Анови махлуққа ўхшаган Пассатемпони итоатда тутса, Сицилиянинг тўртдан бир қисмини ишғол қилиб, бутун оролда халқнинг меҳр-муҳаббатини қозонса? Дон Кроче Гильянонинг ҳайратомуз даражада ботир, жасурлигини биларди. Сицилияда бошини кундага эрта қўядиган, хиёнат қурбонига айланган жасур одамлар анчагина.

Ва Тури дон Кроче шубҳаланаётганини гўё ҳис этган каби донни хурсанд қиладиган ҳамда ишончини қозониб, тўғри иш тутаётгани, бу болани ўзининг иттифоқчиси сифатида танлаганига қарор қиладиган ҳаракатга қўл урди. Тури хонага кирди-да, тўғридан-тўғри донга шундай деди:

– *Bacio tua mano.*

Сицилияда деҳқонлар мавқеи баланд инсонларга – руҳоний, заминдор ёки аслзодаларга шундай мурожаат қилишарди: «Қўлингни ўпаман». Гильяно хушмуомалалик билан жилмайди. Лекин дон Кроче нега шундай дейилганини яхши биларди. Ўзининг итоаткорлиги ва, ҳатто ёши каттага ҳурматини билдириш учун эмас. Бу дон ўзини Гильяно қўлига топширгани ва Гильяно унинг ишончини ҳурмат қилгани учун айтилган эди. Дон Кроче секин ўрнидан турди, унинг қалин юзи зўриққанидан қорайиб кетди. Ва Гильянони кучоқларига олди...

Пештоқда Пишотта кўринди ва тўхтади – унинг тунд юзида кинояли кулги пайдо бўлди. У ҳам ўзича кўркем, аммо Гильянога нисбатан бошқача таъбга эга эди. Ўпкасининг касалланиши танасини ихчамлаштирган, юзини жиддийлаштирган. Зайтун тагида териси суякларини туртиб турарди. Қора сочлари

эътибор бериб таралган ва бош чаноғи силлиқ. Гильянонинг сочи шундай олинганки, калта қирқилган сочи худди бошига каска кийгандек таассурот қолдирарди.

Тури Гильяно ўз навбатида дон Кроченинг азим гавдасини синчиклаб назардан ўзтказар экан, у билан эҳтиёт бўлиш кераклигини ҳис этди. Хавфли одам! Фақат обрў-эътибори эмас, балки куч-қудрати ҳам қўрқинчли. Улкан танаси бесўнақай бўлиши билан бирга гўё қувват тарқатар, у бутун хонани тўлдириб юборгандай эди.

Дон гапирар экан, катта даҳанидан чиқаётган овоз сийрак учрайдиган ёқимли оҳангга эга эди. У кимнидир ишонтиришга уринганида ғалати, кишини афсун қиладигандек куч таралар ва самимийлик, ишонч, нафис хушмуомалалик хислатлари бирлашиб кетар, бу пала-партиш кийинган ва барча хусусиятларга ҳайрон қоларли даражада зиддай кўринарди.

– Мен сени бир йилдан ортиқ кузатдим, анча бўлди, бу кунни кутган эдим. Вақти келди ва кўряпманки, сен менинг барча умидларимни рўёбга чиқарасан.

– Бошим кўкка етди, – деди Гильяно. Сўзларини тарозига солиб кўриб, ундан нима кутишаётганини англаб, сўнг илова қилди: – Мен ҳамиша дўст бўлиб қоламиз деб умид қилганман.

Дон Кроче бош ирғаб, вазир Трецца билан қандай битимга келишганини ҳикоя қилди. Агар Гильяно кутилгандек овоз бериш учун Сицилия одамларини «тарбиялаш»га ёрдам берса, уни авф этиш йўллари излаб кўрилади. Гильяно оиласига қайтади-ю, босқинчи сифатида эмас, балки одатдаги фуқародек яшайди. Вазир Трецца шундай битимни хоҳлаётганини исботлаш учун Гильянога қарши кампания ўтказиш бўйича режаларни донга берган.

– Агар сен бизга ёрдам беришга рози бўлсанг, – деди дон гўё сўзларига жуда катта аҳамият бермоқчидай, – вазир бу режаларнинг барчасини бекор қилади. Сицилияда ҳеч қанақа армия, ҳеч қандай қўшимча минглаб карабинерлар бўлмайди.

Дон Кроче кўрдики, Гильяно сира ҳайрон бўлмай унинг гапларини диққат билан эшитмоқда.

– Сенинг камбағалларга қанчалик ғамхўрлик қилаётганингни Сицилияда ҳамма жуда яхши билади, – деб гапини давом эттирди дон Кроче. – Шундай хулоса келиб чиқадики, сен сўл партияларни қўллаб-қувватлайсан. Лекин мен шуни ҳам билишимча, сен Худога ишонасан, чунки сицилияликсан-да. Онангга қанчалик садоқатли эканлигингни ким билмайди? Наҳотки сен коммунистлар Италияни бошқаришини хоҳласанг? Ундай бўлса, церковнинг ҳоли нима кечади? Оилалар нима бўлади? Урушда иштирок этган италиялик ва сицилияликлар ажнабий ғоялар, сиёсий доктриналар билан заҳарланган. Уларга Италияда жой йўқ. Сицилияликлар ўз тақдирини ўзи яхшилашига қурби етади. Наҳотки сен ўз фуқаролари томонидан ҳеч қандай итоатга тоқати етмайдиган шундай ҳокимиятни истасанг? Сўл ҳукумат балки икковимизни таъқиб қилишни бошлар: ахир Сицилиянинг ҳақиқий бошқарувчилари икковимиз-ку! Агар бўлажак сайловларда сўл партиялар ғалаба қозонса, шундай кун келадики, церковларга ким бориш-бормаслигини Сицилия қишлоқларида руслар ҳал этишади. Болаларимизни мактабга боришга мажбур қилишади, у ерда ҳаммадан кўра давлатга керак бўлгани, шундан кейингина ота-онага кераклисини ўргатишади. Шу керакми? Йўқ. Вақти келди, ҳар бир сицилиялик ўз оиласи, ор-номусини давлатнинг аралашуvidан ҳимоя қилиш учун тик туриш фурсати келди.

Доннинг нутқини тўсатдан Пишотта бўлиб қўйди. У деворга суянганча ҳамон пештоқ остида турарди.

– Балки руслар бизни кечирар, – деди Пишотта киноя билан.

Донни совуқ қахр-ғазаб қамраб олди. Аммо ғазабини ҳеч қайси йўл билан билдиришга уринмади. Фақат жуссаси кичик мўйловли олифтага диққат билан қаради. Унга айнан шу пайтда диққатни ўзига жалб қилиш нега керак бўлиб қолди? Нега дон таниб қолишини истади? Қизиқ, деб ўйлади дон Кроче, шу одамдан фойдаланиб бўлмасмикан? Доннинг ички сезгиси ҳеч қачон панд бермаган. У Гильяно ҳаддан зиёд ишонган бу одамнинг юраги нопоклигини сизди. Эҳтимол бу сил касаллиги, балки беодоблик, шарм-ҳаёсизлик билан изоҳланар. Пишотта охиригача ҳеч кимга ишонмайдиган кишилар сирасидан, демак, унга ҳам охиригача ишониб бўлмайди. Буларнинг бари у гапириш учун оғзини очганидан олдин хаёлидан «лип» этиб ўтгандай бўлди.

– Бу ажнабийлар Сицилияга қачон ёрдам берган? – савол берди дон. – Чет эллик қачон сицилияликка адолат билан ёндашган? Бизнинг ягона умидимиз, – давом этди тўғридан-тўғри Пишоттага мурожаат қилиб у, – сен каби ёш йигитлардан. Абжир, жасур ва мағрур. Мана, минг йилларки, одамлар золимларга қарши курашиш, адолат излаш учун «Дўстлар» жамиятига қиряпти. Бу Гильяно эришаётган натижаларга ҳамохангдир. Ҳозир Сицилияни асраб қолиш учун биргаликда қатъий туришнинг айнаи пайти.

Доннинг жарангдор овози Гильянога ҳеч қандай таассурот қолдирмади.

– Лекин биз Рим ва у бизга кимни юборган бўлса, доимо урушганмиз, – деди Гильяно ўжарлик билан.

– Бу одамлар ҳамиша душманларимиз бўлиб келган. Энди эса ёрдам беришимиз, уларга ишонишимизни сўраяпсиз-а?

– Шундай пайтлар келадики, – деди дон Кроче ишончли оҳангда, – душман билан келишув тўғрироқ бўлади. Агар насроний демократлар Италияда ҳокимият тепасига келса, бу биз учун анча хавфли. Демак, биз учун уларнинг бошқаруви фойдали. Қай бири маъқул?

У индамади.

– Сўллар ҳеч қачон сени авф этишмайди. Бунга шубҳаланмасанг ҳам бўлади. Улар ҳаддан зиёд иккиюзламачи, кечиришлари ниҳоятда қийин. Шу билан бирга бизнинг сицилияча феъл-атворимизни тушунишмайди. Ҳа, албатта, камбағаллар ер олишади, аммо унда ўстирганлари ўзларида қолармикан? Сен одамларимизнинг кооперативда ишлашини тасаввур қиласанми? Ё Худойим, улар Биби Марям кийими, намоийиш пайтида ҳайкалнинг либоси оқми ёки қизилми, деган масалада бир-бирини уриб ўлдиришади, ахир!..

Гильяно буларни енгил жилмайиш билан эшитди. У шуни тушундики, бу одамни гумдон қилишга мажбур этадиган кун келиши мумкин. Лекин дон Кроче ўзининг ташрифи, шахсиятининг кучи билан шундай ҳурмат-эътиборни сингдирдики, Гильяно бу тўғрида ўйлашни истамади. Гўё мазкур фикр мустаҳкам оилавий ришталар билан боғланган отасига нисбатан хоинликдай туюлди. Энди қарор қилиши керак, ўзини қонундан ташқари қўйиши энг муҳим йўл эканлигини англаб эди у.

– Лекин мен бу ифлос ишни Рим учун бажаришга киришсам, одамларимга ниманидир ваъда беришим керак, – деди у мулойим оҳангда. – Рим биз учун нима қила олади?

Дон Кроче қаҳвани охиригача ичди. Гектор Адонис яна чашкани тўлдириш учун сакраб турган эди, уни қўли билан четга сурди.

– Биз шусиз ҳам сен учун анча иш қиляпмиз, – деди у. – Андолини карабинерларнинг ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни олиб келади, шундай экан, уларни ҳамиша нишонингга олиб турасан. Сени тоғдан суғуриб олиб ташлаш учун ҳеч қандай фавқулодда чоралар қабул қилинмаган. Лекин бу етарли эмаслигини тушунаман. Сенга ёрдам кўрсатишимга рухсат бер, бу менга ёқимли бўлади, шу билан бирга онанг ва отангга ҳам қувонч олиб келади. Бу ерда ўтирган чўқинтирган отангга, дўстинг Аспану Пишоттага, сенга шундай демоқчиман: авф олишинг учун, керак бўлса, еру осмонни остин-устун қиламан, шу билан бирга одамларинг ҳам кечирилиши керак, албатта.

Бу вақт давомида Гильяно аллақачон қарор қабул қилишга жазм этди, лекин яна кўпроқ кафолат олиш пайида эди у.

– Сиз айтганларнинг деярли ҳаммасига розиман, – деди у. – Мен Сицилияни ва унинг халқини севаман. Гарчи босқинчи каби яшасам-да, адолатга ишонаман. Уйга, ота-онамнинг олдига қайтиш учун нимаики керак бўлса, барчасини бажаришга тайёрман. Лекин сиз Римни ваъдаларида туриш учун қандай мажбур қила оласиз? Гап шунда! Сиз тақлиф этаётган хизмат ғоят хатарли. Менга бунинг учун мукофот керак.

Дон ўйланиб қолди. Сўнг оҳиста, ҳар бир сўзини ўлчаган каби шундай деди:

– Шунчалик эҳтиёткор бўлиб тўғри қиласан. Профессор Адонисга мен берган барча режалар қўлингда, сенга кўрсатган бўлиши керак. Вазир Трецца билан алоқанг борлигини исботлаш мақсадида уларни

Ўзингда қолдиришинг мумкин. Римга қарши фойдаланишинг учун бошқа ҳужжатларни ҳам олиб беришга уриниб кўраман: шунда хабарларингдан бири билан газетада чоп этишдан кўрқишади. Ва, ниҳоят, агар сен топшириғимизни бажарсанг, насроний демократлар сайловда ғалабага эришса, шахсан ўзим авф этилишингни кафолатлайман. Вазир Трецца мени жуда ҳурмат қилади ва берган ваъдасидан ҳеч қачон қайтмайди.

Гектор Адонис донни анча вақтгача юзи ғазабга тўлган ҳолда тинглади. У Мария Ломбарде ўғли қочқликдан халос бўлиб, уйга қайтишини эшитса, қанчалик қувонишини тасаввур қилди. Гильяно зарурат юзасидан битимга келишганини тушунди, аммо Гильяно ҳамда дон Кроченинг коммунистларга қарши ҳамкорлигини икки одамнинг дўст бўлиб турган занжиридаги биринчи ҳалқа деб ҳисоблади.

Шундай қилиб, қудратли Кроче ҳукуматнинг авфни уларнинг барчасига кафолатлади, бу ҳатто Пишоттага ҳам муайян таассурот қолдирди. Шунда Гильяно фириб бериши мумкинлигини кўнглидан ўтказди. Буларнинг ҳаммасини доннинг ўзи ўйлаб топмаганига қандай ишониш мумкин? Режалар ўғирланган бўлмасин тағин? Уларни вазир бекор қилган бўлса-чи? Йўқ, у айнан вазир Трецца билан ўзи учрашиши керак.

– Буларнинг ҳаммаси ишончли эшитилади, – деди Гильяно. – Бизга бериладиган авфни кафолатлашга киришганингиз кўнглингиз ниҳоятда очиқ, самимийлигини ва нима учун одамлар Сицилияда сизни марҳаматли қалб деб тилга олишини намоён этади. Лекин Римнинг доимий равишдаги хиёнати маълум, сиёсатчиларнинг эса нимага арзишини ўзингиз яхши биласиз. Мен тўла-тўқис ишонган одамларимдан бирорта-

си бу ваъдани вазир Треццанинг ўз оғзидан эшитиб, тасдиқланган ҳужжатларни олиб келишини истардим.

Дон буни мутлақо кутмаган эди. У Тури Гильянога нисбатан илиқ туйғуларни аллақачон ҳис этаётганди. Ҳатто бу ёш йигит ўғли бўлганида, қандай яхши бўларди, деб ўйлаётганди. Улар Сицилияни бирга бошқарардилар!.. Лекин Гильяно унинг сўзларига ишонмагач, бу йигитга нисбатан илиқ муносабатлари йўқола бошлади. У Гильяно ўзининг қуйига қараган қош-қовоғи билан кузатаётгани, яна исбот-далил, навбатдаги ишончни кутаётганини кўрди. Демак, дон Кроче Мало кафолати етарли эмас.

Узоқ давом этган жимлик чўкди. Дон нима дейиш кераклигини ўйлади, бошқалар кутишди. Гектор Адонис ўзининг Гильяно ғайрат-шижоати туфайли юзага келган ранжиш аломатларини яширишга уринар, унга дон қандай муносабатда бўлишини ўйлаб кўрқарди. Беньямино отанинг салқиган юзи худди кўрққан бульдог итнинг тумшуғига ўхшаб қолди. Ниҳоят дон тилга кирди, ҳаммалари енгил тортиб, нафас олишди.

– Мен сенинг рози бўлишингдан манфаатдор эдим, – деди у Гильянога, – чунки бунга шахсий даъволарим ҳам сабабчи бўлган. Аммо сенинг бир қарорга келишингга ёрдам бермоқчиман. Биринчидан, шуни айтишим керакки, вазир Трецца сенга ҳеч қачон ҳеч қандай ҳужжат бермайди – бу ҳаддан зиёд хатарли. Лекин у сен билан оғзаки гаплашади ва барча ваъдаларини оғзаки тарзда беради, улар ҳақида мен билан гаплашган. Мен шахзода Оллорто ҳамда бизни қўллаб-қувватлайдиган бошқа таъсир кучи катта аслзодалардан тегишли хатларни олишим мумкин. Лекин янада яхши нимадир ўйлаб топиш мумкин бўлар:

сени ишонтира оладиган бир дўстим бор – католик черкови сени кечиришлари учун илтимос қилиши мумкин. Бунини менга Палермо кардинали ваъда берди. Сен вазир Треццага қулоқ тутганингдан сўнг кардинал билан учрашувни ташкил этаман. У ҳам барча ишончномаларни шахсан ўзи беради. Ана шундан сўнг сенга бутун Италиянинг адлия вазири ваъдаси, муқаддас католик черкови кардинали сўзи (у ҳадемай папа даражасига етади) ва менинг...

Гильяно кулиб юборди:

– Ахир мен Римга боролмайман-ку.

– Ундай бўлса тўлиқ ишонган одамингни юбор, – деди дон Кроче. – Мен уни шахсан вазир Треццанинг ҳузурига олиб кираман. Кейин кардиналга бошлаб бораман. Черковдаги энг юқори мансабдорнинг сўзига ишонсанг керак?

Гильяно дон Крочени диққат билан кузатарди. Унинг мияси ташвишли сигналларни тарқатарди. Нега дон бунчалик ёрдам бермоқчи? Ҳа, дон уни, яъни Гильянонинг Римга бормаслигини билади, бундай қалтис ишга, ҳатто мингта кардинал ва вазирлар ҳеч қачон қўл теккизмаслигини айтиб, сўз берса ҳамки, асло қўл урмайди. Лекин дон у ёққа кимни юборишини истаяпти?

– Мен тўлиқ ишонадиган бир киши бор, менинг ўринбосарим, – деди у донга. – Ўзингиз билан Аспану Пишоттани олинг-у, Рим ва Палермога элтинг. У катта шаҳарларни яхши кўради, агар борди-ю кардинал уни авф этса, эҳтимол, барча гуноҳлари кечирилади.

Дон Кроче ўзини оромкурси суянчиғига ташлади ва Гектор Адонисга ишора қилиб, қаҳва қуйишни сўради. У шу тариқа қўлга киритилган ғалабаси оқибатида пайдо бўладиган шодумонликни усталик билан

ниқобларди... Лекин ўзини партизан курашида ёрқин намоён этган Гильяно босқинчига айлангач, одамларнинг хатти-ҳаракати ва ўй-фикрларини ички сезгиси билан илғай бошлади, шуни ўрганди. У бир лаҳза ичида доннинг мамнун бўлганини ҳис этди. Демак, дон Кроче ўзи учун жуда муҳим довни қўлга киритди. Унинг маълум вақт давомида Аспану Пишотта билан яккама-якка қолиш имкониятидан шу даражада қувонгани Гильянонинг мутлақо хаёлига келмаган эди.

Икки кундан сўнг Пишотта дон Кроче ҳамроҳлигида Палермога, сўнг Римга жўнади. Дон Кроче унга шундай муносабатда бўлдики, гўё Пишоттани қирол оиласидан деб ўйлаш мумкин эди. Дарвоқе, Пишоттанинг ўзи ҳам аслида генерал Чезаре Барджога ўхшаб кетарди...

Палермода улар «Умберто» меҳмонхонасига жойлашдилар, у дон Крочега тегишли бўлиб, Пишоттага олий мақом даражасида эътибор қаратилди. Унга адлия вазири билан учрашишдан олдин ҳамма янги нарсга олиб берилди. Пишотта дон Кроче билан энг яхши ресторанларда овқатланди. Сўнг уларни Палермо кардинали қабул қилди.

Сицилиянинг кичик шаҳарчасида ўсган йигит Пишотта католик дини руҳида ўсган эди. У учрашув чоғида ўзини бутунлай эркин тутди. Кардинал саройидаги улуғвор заллар ҳаяжонлантирмади, эҳтиросини ҳам қўзғатмади. Кардиналнинг атрофини зич ўраб олганлар епископ ҳазрати олийларига мутлақо бошқача муносабатда эдилар. Дон Кроче кардиналнинг узугини ўпди, Пишотта эса қаддини тик тутиб, унга қаради, холос.

Кардиналнинг бўйи баланд эди. Уларнинг олдида қизил шапка ва малина рангидаги либосда чиқиб кел-

ди. Кардиналнинг юзи дағал кўринар, чечак тошган эди. Дон Кроченинг хатти-ҳаракатларига қарамай, у папа бўлмаган, овоз бериш пайтида бирорта ҳам сайлов соққасини ололмаган, шунга қарамай, ўтакетган даражада қутқу солувчи азалий сицилиялик эди.

Назокатли одатий сўрашишлар бошланди. Сўнг кардинал ишга киришди. У Пишоттага айтишича, муқаддас черковга бу ерда, Сицилияда ўлим хавф солмоқда. Агар коммунистлар сайловларда ғалаба қозонса нима бўлади? Улуғвор ибодатхоналарга ўт қўйишади ёки вайрон қилиб, заводларга айлантиришади. Авлиё Сунбула ҳамда барча муқаддас ҳайкаллари, Исо Масиҳнинг хочга миҳланган тасвирларини денгизга улоқтиришади. Рухонийларни ўлдириб, монах қизларни зўрлашади.

Пишотта кулиб қўйди. Ҳатто энг учига чиққан коммунист бўлган сицилияликнинг ҳам монах қизларни зўрлаш хаёлига келмайди. Кардинал бу кулгини сезди. Шундай экан, агар Гильяно сайловлар олдидан коммунистик тарғиботни мавҳ этишга ёрдам берса, у, яъни кардиналнинг шахсан ўзи якшанбалик пасха ибодатида муножот қилиб, Гильянони кўкларга кўтаради ва Рим ҳукуматидан унинг гуноҳини сўраб олади. Дон Кроче эса Римда учрашганида бу ҳақда вазирга шахсан ўзи айтади.

Шу билан кардинал қабул маросимини тугатди ва Аспану Пишоттани дуо қилди. Кардинал кетиш мақсадида бурилар экан, Аспану ундан Гильяно учун икки оғиз сўз ёзиб бериш, ҳақиқатан ҳам учрашганларини тасдиқлашни илтимос қилди. Кардинал рози бўлди. Донни шундай юксак мартабани эгаллаган черков амалдорининг лақмалиги титратиб юборди, аммо ҳеч нима демади.

Аммо Римдаги учрашув Пишотта тасаввур қилганидан ҳам бошқача тарзда кечди. Вазир Трецца кардиналдан кўра анча жуда зийрак, пишиқ эди. Хуллас, у адлия вазири, Пишотта эса бор-йўғи босқинчининг элчиси, холос. Трецца Пишоттага, агар насроний демократлар сайловда ютиб чиқмаса, коммунистлар Сицилияда барча босқинчиларни битта қолмагунча йўқотиш учун фавқулодда чоралар кўришади, деди. Ҳа, албатта, карабинерлар олдингидек ҳамон Гильянога қўққисдан ҳужум қилмоқда, аммо энди ҳеч нарса қила олмайсан. Сиртдан кўриниш меъёрида бўлиши керак, акс ҳолда радикал газеталар шов-шувни осмонга чиқариб юборади.

– Нималар деяпсиз, жаноби олийлари? – деб унинг гапини бўлди Пишотта. – Бу билан партиянгиз Гильянони ҳеч қачон кечирмайди, демоқчимисиз?

– Бу жуда қийин бўлади, – деди Трецца, – аммо имконияти йўқ эмас. Фақат Гильяно бизга сайловларда ёрдам берган тақдирда. Шунингдек, маълум вақт жим ўтирса ва ҳеч кимни таламай, ўғирламай турса. Ўзини сал-пал эсдан чиқартириши лозим. Ҳатто Америкага муҳожир бўлиб кетиши ва бир оз муддатдан сўнг қайтиши мумкин. Агар биз сайловларда енгиб чиқсак, шуни кафолат беришим мумкинки, уни ахтариб топиш учун жиддий ҳаракатлар қўлламай турамиз. Агар Гильяно Америкага муҳожир бўлиб кетишни истаса, йўлига тўсиқ қўймаймиз ёки америкаликлардан бизнинг қўлимизга беришни талаб қилмаймиз.

Вазир бир оз жим бўлиб, сўнг қўшиб қўйди:

– Мен ўз ваколатим доирасида унинг авф этилиши учун шахсан Италия президентини ишонтиришга имкон қадар ҳаракат қилиб кўраман.

– Аммо биз намунали фуқароларга айлансак, – деди ўзининг айёрона кулгиси билан Пишотта, – Гильяно ва одамлари, уларнинг оилалари, барчамиз нима еймиз? Балки, ҳукумат қандайдир ҳақ тўлар? Ахир биз унинг учун ҳамма қора ишни бажарамиз-ку.

Дон Кроче бу сўзларни ухлаётган судралиб юрувчи жонивор каби кўзларини юмиб тинглар экан, вазирнинг аччиқланган луқмасини эшитиб, огоҳлантиришга шошди:

– Бу ҳазил, жаноби олийлари. Йигитча илк бор Сицилиядан ташқарига чиққан. Бу ердаги дунёнинг шафқатсиз ахлоқ қоидаларини тушунмайди. Мазкур муаммо сизни асло тўлқинлантормасин. Мен Гильянонинг ўзи билан барча масалаларни гаплашиб оламан, – шундай деб Пишоттага огоҳлантирувчи назар ташлади.

Лекин вазир тўсатдан кулди ва Пишоттага мурожаат қилар экан, шундай деди:

– Нима ҳам дердик, Сицилиянинг ёш йигитлари ўзгармаганини кўрганимдан жуда хурсандман. Ўзим ҳам бир пайтлар шунақа эдим. Биз ўзимизга нимаики тегишли бўлса, ўшани талаб қилишдан асло қўрқмаймиз. Лекин сен, балки, ваъда берилганга нисбатан анча аниқ бўлган нарсани истасанг керак?

Трецца стол ғаладонини очиб, қизил хошияли қалин карточкани олди. Уни Пишоттага ирғитар экан, шундай деди:

– Ўзим имзолаган махсус рухсатнома. Сен бу билан бутун Италия ва Сицилияни кезиб чиқишинг мумкин – полиция ҳеч қачон ушламайди. Бу олтиндан ҳам қиммат туради.

Пишотта бошини эгиб, миннатдорчилик билдирди ва рухсатномани курткасининг чўнтагига солиб қўйди... Рим йўлида дон ҳам айнан шундай рухсатномани

кўрсатганди, демак анча қиммат нарсага эга бўлибди. Лекин дабдурустдан калласига бир фикр келди: борди-ю, уни шу рухсатнома билан ушлаб олишса-чи? Шундай жанжал кўтариладики, бутун мамлакат қалқийди. Гильяно отрядида иккинчи ҳисобланадиган киши бирданига айнан адлия вазирининг қўли билан имзолаган рухсатнома эгаси бўлиб турса? Шундай бўлиши мумкинми? Пишоттанинг мияси зўр бериб бу жумбоқни ечишга уринар, аммо калласига бирор жавоб келмас эди.

Вазир муҳим ҳужжатни берган экан, бу унинг яхши ниятда эканлигини кўрсатарди. Пишоттага нисбатан дон Кроченинг ҳам қанчалик саховат кўрсатгани ғоятда ёқимли эди. Аммо барибир Пишотта уларга ишонмади. Трецца билан хайрлашар экан, у учрашувлари ҳақиқатан ҳам рўй берганини тасдиқловчи мактуб ёзиб беришини вазирдан илтимос қилди. Трецца бош тортди.

Пишотта тоққа қайтиб келгач, Гильяно уни алоҳида синчковлик билан сўроқ қилди, ҳар бир сўзни эслаш ва такрорлашга мажбур этди. Пишотта Гильянога қизил ҳошияли рухсатномани кўрсатди ҳамда вазир нега бу рухсатномани берганига ҳайрон бўлганини ҳам айтди. Ахир бу вазир учун ниҳоятда хавфли-ку, чунки унинг имзоси турибди.

– Сен ҳақиқий биродаримсан, – деди Гильяно Пишоттанинг елкасига қоқиб қўяр экан. – Мендан кўра кўпроқ шубҳа қиласан, аммо шунчалик садоқатли экансанки, бундан ақлинг шошиб қолади. Эҳтимол, дон Кроче сенга шундай рухсатнома беришни ундан илтимос қилгандир. Бундан фойдаланса керак, деб умид қилишади, Римга келиб, айғоқчимиз бўлиб қолади, деб ўйлашади.

– Эҳ, манжалақи, эшаклар, – қаҳр-ғазаби қайнаб кетди Пишотанинг. – Мен бу рухсатномадан фойдаланиб у ерга бораман-у, бўғизлайман.

– Йўқ, – деди Гильяно. – Бу рухсатномани сақлаб қўй. У бизга иш бериши мумкин. Ва яна бир гап. Рухсатномада, албатта, Треццанинг имзоси турганга ўхшайди. Лекин мен бундай эмас деб ўйлайман. Қалбаки. Улар ўз манфаатидан келиб чиқиб хоҳлаган вақтда рухсатномани ҳақиқий эмас дейишлари мумкин. Бундан афзалроқ ҳолатда эса ҳаммаси жойида дейишади ва Трецца томонидан берилган ёзувни тақдим этишади...

Анча ақли фикр, деб эътироф этди Пишотта. У ҳаммасидан кўра бир нарсадан ҳайратда эди: Гильяно шунчалик очиқ ва ростгўй бўлиши билан бирга душманларнинг ҳийла-найрангини шу қадар осонлик билан пайқаб олиш қобилиятига эга...

– У ҳолда ваъдаларида тура олишларига қандай ишонамиз? Нега энди биз ёрдам беришимиз керак? Ахир сиёсат билан шуғулланмаймиз-ку.

Гильяно ўйланиб қолди. Аспану сурбет ва ҳасис одам. Улар талаб олинган ўлжаларни тақсимлаш пайтида бир неча марта жанжаллашиб қолишган: Пишотта отрядга бериладиган улуш миқдорини оширишни талаб қилган.

– Бизда бошқа йўл йўқ, – деди Гильяно. – Агар коммунистлар ҳокимият тепасига келишса, мени ҳеч қачон кечиришмайди. Шундай экан, ҳозирги дўстларимиз ва қуролдош ўртоқларимиз – насроний демократлар, вазир Трецца, Палермо кардинали ва, албатта, дон Кроче. Биз учун энг муҳими – коммунистлар йўлини тўсиш. Дон Кроче билан учрашиб, ҳаммасини келишиб оламиз. – У жимиб қолди ва Пишоттанинг елкасига қоқиб қўйди. – Яхши бўлибди, кардиналдан

хат олиб келдинг. Ҳа, манови рухсатнома ҳам асқотиб қолади.

Лекин Пишотта ҳамон ишонмасди.

– Биз улар учун барча қора ишларни бажарамиз, – деди у. – Сўнг тиланчилар ҳолига тушамиз-у, хиралик қилиб, садақа сўраб оламиз. Мен уларнинг бирорта-сига ҳам ишонмайман – биз билан шундай гаплашадик, гўё лақма-ландавур қизмиз ва фақат тўшакка ётиш учун дунёнинг хазинасини ваъда бергандек. Биз ўзимиз учун курашмоғимиз, нимани қўлга киритсак, шунга эгалик қилмоғимиз лозим, деб ҳисоблайман. Уларни ўзимизга қолдиришимиз, камбағалларга бўлиб бермаслигимиз керак. Биз аллақачон бойиб кетишимиз, Америка ёки Бразилияда худди қироллардай яшашимиз мумкин эди. Ана шундай ҳаракат қилишимиз ва улар билан ҳисоблашмаслигимиз керак эди.

Гильяно унга қарталарни очиб беришга аҳд қилди.

– Аспану, – деди у, – биз насроний демократлар ҳамда дон Крочега умид боғлашимиз зарур. Агар ўзимизга кераклисини олсак, авф этишса, Сицилия халқи ўзини биз бошқаришимизни, албатта, истайди. Шундай қилиб, биз барча соҳалар бўйича ютиб чиқамиз.

Гильяно индамади ва Пишоттага кулимсираб қаради.

– Агар улар бизни алдаса, сен ҳам, мен ҳам ҳайратланиб ҳушдан кетиб қолмаймиз. Хўш, нимани йўқотамиз? Ҳар қандай ҳолатда ҳам коммунистлар билан курашишимиз керак – улар бизнинг душманимиз... Энди менга диққат билан қулоқ сол. Биз сен билан бир хил ўйлаймиз. Мана, коммунистларни дўппослаб урайлик, кейин «Дўстларнинг дўсти» билан шуғулланамиз, сўнг дон Кроче – охирги олишувимиз бўлади.

Пишотта елкаларини керди.

– Биз хато қиламиз, – деди у.

Гильяно гарчи кулиб турса-да, аммо ўйланиб қолди. Пишоттага қонундан ташқари яшаш ёқишини у биларди. Бу феъл-атворига мос келади. Гарчи зеҳни ўткир ва айёр бўлса-да, олдиндан кўра билиш қобилияти йўқ. Агар у қонундан ташқарида қолса, Пишотта келажакка қараб сакрай олмайди ва қандай оқибатлар кутаётганини англамайди.

Тун қоронғисида Аспану Пишотта қоя супачасига ўтирди-ю, сигарета чекишга аҳд қилди. Лекин кўксигаги кескин оғриқ шу ондаёқ тамакини ўчиришга мажбур этди. У сигарета қолдиғини чўнтагига солиб қўйди. Пишотта сил касали хуруж қилаётганини фаҳмлади. Сўнг бир неча ҳафта тоғда бўлсам, ўзимни анча яхши ҳис этаман, деб ўйлади. Боз устига бир фикр асло тинчлик бермас, миясини кавлагандай бўларди. У Гильянога ҳамма гапни айтиб бермаганди.

Трецца ва кардинал ҳузурида бўлганда дон Кроче доим Пишотта билан бирга эди. Улар ҳар оқшом биргаликда овқатланишди ва Сицилия келажаги, энди рўй берадиган ташвишли кунлар хусусида гаплашишди. Пишотта аввалига англамади. Дон унинг атрофида гирдикапалак бўлиб, қандайдир «Дўстларнинг дўсти» томонига оғдиришга секин-аста шама қилиб, бу Сицилия учун анча маъқул бўлиши, ёқимли эканлигини айтди. Гильянога нисбатан мазкур ишлар учун Пишотта муносиб эмиш. Пишотта дон уни авраётганини сезса-да, билинтирмасликка уринди. Шу билан бирга Кроченинг одамшавандалигига нисбатан шубҳа туғилди. Илгари у Тури Гильянодан бошқа ҳеч кимдан кўркмасди. Лекин бутун умр «хурмат-эҳтиром» қозонишга уринган, мафиянинг ташриф қоғозига айлан-

ган дон Кроче кўрқув уйғотди. Ҳозир эса англадики, Пишотта Доннинг айёрлик қилиши ва уларни сотишидан хавфсираяпти: шундай қилинса, тез орада ерга юзтубан ётишади.

Йигирманчи бўлим

Сицилия қонун чиқарувчи мажлисига сайловлар 1948 йилда бўлиб ўтди ва насроний демократлар учун ҳалокатли тарзда ниҳоясига етди. «Халқ fronti блоки» (унга коммунистлар ва социалистлар кирган эди) 600 000, насроний демократлар эса 300 000 овозга эга бўлди. Қолган 500 000 овозни монархистлар ва бошқа майда партиялар бўлиб олишди. Рим ваҳимага тушди. Нимадир қилиш керак эди, акс ҳолда мамлакатнинг энг қолоқ қисми ҳисобланган Сицилия бўлажак умуммиллий сайловларда Италиянинг социалистик мамлакатга айланишига имкон яратар эди.

Сайлов бўлиб ўтаётган барча ойларда Гильяно Рим билан тузган битими шартларини адо этди. У мухолиф партиялар шиорларини йиртар, сўл гуруҳларнинг қароргоҳларига ҳужумлар уюштирар, уларнинг Корлеоне, Монтелепре, Кастелламоаре, Партинико, Пьяни-деи-Гречи, Сан-Жузеппе-Ято, шу билан бирга Монреалдаги митингларини тарқатиб юборарди. Гильяно отрядининг одамлари ҳамма жойга плакатлар осар, уларда катта қора ҳарфлар билан «КОММУНИСТЛАРГА ЎЛИМ» деб ёзилган эди, шу билан бирга ишчи-социалистлар томонидан барпо этилган бир неча клубни ёндириб юбордилар. Лекин бу ҳаракатни Гильяно ҳаддан зиёд кеч бошлади, шу боис маҳаллий сайловлар тугай деб қолганида, етарли таъсир кўрса-

та олмади. У энг кўрқинчли чора – қотилликни истамасди. Дон Кроче, вазир Трецца, Палермо кардинали ва Тури Гильяно ўртасида хат ёзишмалари тўхтовсиз давом этди. Гильяно номига таъналар тинимсиз ёғила бошлади. У етарли даражада ҳаракат қилмаяпти, шунинг учун умуммиллий сайловлар бошланишида воқеаларни буриб юборишга муваффақ бўлмади, деган гаплар чиқди. Бу хатларнинг барчасини Гильяно ўз васиятномаси учун сақлади.

Қудратли зарба бериш керак эди ва бундай операция режаси дон Кроченинг сезгир миясида туғилди. Стефан Андолини Гильянога мазкур режани олиб келди.

Сўллар кайфияти Сицилиянинг икки нотинч шаҳарчаси – Пьяни-деи-Гречи ва Сан-Жузеппе-Ятода устунлик қилди. Мана шу ерда бир неча йиллардан буён биринчи май байрам қилинар, ҳатто Муссолини даврида ҳам нишонланган эди. Гап шундаки, биринчи май муқаддас Розалия кунида ўтар, шунинг учун мазкур байрам бутунлай диний кўриниш касб этган, бу эса фашистлар ҳокимияти томонидан ман этилмаганди. Лекин энди одамлар дадиллик билан биринчи май колонналарида қизил байроқлар остида қадам ташлар, кўркмасдан қизгин нутқлар сўзлашарди. Бир ҳафтадан сўнг Сицилия тарихида энг йирик намоёйиш ўтказилиши керак эди. Икки шаҳар анъанага мувофиқ бирлашиши ва бутун Сицилия бўйлаб вакиллар ўз оилалари билан келиб, қўлга киритилган ғалабани нишонлаши лозим. Сенатор коммунист Ло Каузи, таниқли қизгин нотик, дастурли маъруза билан сўзга чиқиши лозим эди. Сўл партиялар ўзларининг сайловлардаги кўз кўриб, кулоқ эшитмаган муваффақиятларини расмий равишда байрам қилиш учун тўпландилар.

Дон Кроче режасига мувофиқ, Гильяно отряди на-
мойишчиларга тўсатдан ҳамла қилиб, уларни тарқа-
тиб юбориши керак эди. Гильяно одамлари пулемёт-
лар ўрнатиб, оломоннинг устидан ошириб ўқ узса
кифоя, уларнинг барчаси қочиб кетади. Бу қўрқитиб
юбориш бўйича ўтказиладиган кампаниянинг би-
ринчи қадами бўлиб, оталарча огоҳлантириш, эҳ-
тиёткорлик кўрсатувчи ўзига хос имо-ишора эди.
Сенатор – коммунист Ло Каузига эса парламентда
ҳали шахс дахлсизлиги кафолатланмаган ва Сицилия
унинг отамерос мулки эканлигини мутлақо англат-
маслигини билиши фойдадан холи эмасди. Гильяно
режани маъқуллади ва ўзининг командирлари – Пи-
шотта, Терранова, Пассатемпо, Сильвестро ва Сте-
фан Андолинига операцияга тайёрланиб уни ўтка-
зишни топширди.

Кейинги уч йил мобайнида байрам Пьяни-деи-Г-
речи ва Сан-Жузеппе-Ято ўртасидаги тоғ олди май-
донида уюштирилар, бу маскан икки тоғ – Пицутта
ва Кумета тоғи билан ўраб олинган эди. Икки қиш-
лоқ одамлари қинғир-қийшиқ сирпанчиқ йўл бўй-
лаб, салкам чўққида бўлган жойдан тушиб бирлашар
ҳамда катта издиҳомга айланарди. Энсиз ўтиш жойи-
ни четлаб майдонга чиқиб қолишар, сўнг гуруҳларга
бўлиниб, вақтихушликни бошлаб юборишарди. Ўтиш
жойи Партелла-делла-Жинестра деб номланарди.

Пьяни-деи-Кречи ва Сан-Жузеппе-Ято энг ночор,
камбағал қишлоқлар бўлиб, одамлар эски уйларда
яшар, алмисоқдан қолган қишлоқ хўжалиги юмушла-
ри билан шуғулланишарди. Бу ерда ор-номусни му-
қаддас сақлашнинг қадимий қонунлари амал қилар,
аёллар эшик олдининг ўнг томонида ўтириши, ўзи-
нинг обрў-эътиборига ҳеч қачон доғ туширмаслиги

керак эди. Лекин шаҳарчаларда бутун Сицилиядаги энг катта исёнчилар яшаганди.

Бу қадимий қишлоқларда деярли барча уйлар тошлардан қурилган, айримларида дераза ўрнида металл билан тўсилган тешиклар бор. Ҳайвонлар ҳам ўша ерда, одамлар истиқомат қилган жойларда яшайди. Маҳаллий тандирлар олдида эчки ва қўзилар уймалашиб ётар, агар борди-ю, янги узилган бўлка нон полга тушиб кетса, уни гўнг билан бирга чиқариб ташлар эдилар.

Эркаклар бой-бадавлат заминдорларнинг ерларида бир кунда бир доллар эвазига батраклик қилишар, айрим кунлари эса ундан ҳам кам ҳақ олар, бундай пулга, табиийки, оилани боқиб бўлмасди. Шу боис бир пакет макарон ва бепул кийим тарқатганликлари учун бу ерда «қора қарға» деб ном олган монах ва руҳонийларга миннатдорлик эвазига ҳар қандай оғит ичишга, масалан, насроний демократлар учун оғит беришга тайёр эдилар.

Лекин шунга қарамай, 1948 йил апрелда улар тўсатдан маҳаллий сайловларда социалистик ва коммунистик партия учун кўпчилик бўлиб овоз беришди. Вилоятни маҳаллий мафия бошқаруви ва назоратида деб ўйлаган Дон Кроче ниҳоятда ғазабланди. Аммо миш-мишлардан маълум бўлишича, уни католик черковига ҳурматсизлик ранжитган. Наҳотки ор-номуси баланд сицилияликлар нон берган, чин юракдан насроний эътиқодига эга тақводор сингилларни алдаган бўлишса?

Палермо кардинали ҳам қаттиқ ранжиди. Ахир икки кун давомида у шахсан ўзи бу қишлоқларга бориб, ибодат маросимини ўтказган, уларни нима бўлганда ҳам коммунистларга овоз берманглар деб

ташвиқот қилган эди. Аҳолини дуо қилган, ҳатто фарзандларини чўқинтириб, насроний динига киритишган эди, аммо барибир черковга қарши боришибди. У ўз ҳузурига, Палермога маҳаллий руҳонийларини чақиртирди, умуммиллий сайловлар олдидан куч-ғайратларини сарфлаш, янада кучайтиришга даъват этди. Уларни черковнинг сиёсий мақсадлари учун эмас, балки адашган қалбларини шакллантиришга уринди.

Фақат вазир Трецца унчалик ҳайратга тушмади. У сицилиялик, шу боис оролнинг тарихини биларди. Бу икки қишлоқ аҳолиси мағрур кишилар бўлиб, ҳамиша сицилиялик бойлар ҳамда Рим салтанатига қарши шафқатсиз курашган эдилар. Улар Гарибальдига биринчи бўлиб қўшилган, олдинроқ эса маврлар ҳамда француз босқинчиларига қарши жанг қилгандилар. Пьяни-деи-Гречи аҳолисининг келиб чиқиши асли грекларга бориб тақалар, улар турк истилочиларидан қочиб, Сицилияга келиб қолишганди. Шу пайтга қадар қадимий одатларини эҳтиёткорона сақлар, грек тилида гаплашишар, грекча байрамларнинг барчасида миллий либослар кийишарди. Ҳамиша норозиликни авж олдириб турадиган мафия мазкур ҳудудларда ниҳоят кучли ўрин тутганди. Шу боис вазир Трецца бу одамларнинг ақли-шуурига таъсир эта олмагани учун дон Крочедан ниҳоятда ҳафсаласи пир бўлди. Тўғри, бу қишлоқларни, худди бутун округдаги каби ягона одам Силвио Ферра исмли социалистик партия фаоли бошқаришини у яхши биларди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Ферра Италия армияси сафида туриб жанг қилган ва бир неча мукофотларга сазовор бўлган. У африкаликларга қарши кампания даврида америкаликларга асир бўлиб тушишдан олдин бу мукофотларни қўлга киритган эди. Америка

Кўшма штатлари ҳарбий асирлар лагерида демократия нималиги тушунтирилган курсларни ўтаган...

Кўп ўтмай, ватанига қайтган Сильвио Ферра шуни англадики, насроний демократлар бойлар қўлида қурол экан, шуни ҳисобга олган ва англаб етган ҳолда Палермода ишчи-социалистлар ташкил этган тўғаракка кирди. У билимга чанқоқ ҳамда китобларни яхши кўрарди. Кўп ўтмай, Маркс, Энгельс асарларини бош кўтармай ўқиди, сўнг социалистик партиёга кирди. Унга Сан-Жузеппе-Ятода партиё ячейкасини ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Тўрт йил мобайнида Ферра Италия шимолида ташвиқотчилар эплай олмаган ишларни амалга оширишга муваффақ бўлди. У Қизил инқилоб ва социализм доктринаси, маслагини Сицилия лаҳжасига кўчирди. Социалистик партиё учун овоз бериш туфайли одамлар бир парча ерга эга бўлишади, деб ишонтирди. У помешчик ерларини бўлиш ва деҳқонларга бўлиб бериш керак, барибир ўзлари бермайди, дерди. Ахир бу ерларда буғдой етиштириш ва у билан бола-чақани боқиш мумкин эди. У аҳолини Сицилия жамиятида порахўрликни фақат социалистик ҳукумат йўқотиши мумкинлигига ишонтирди. Ана шунда уч марта терисини шилмасликлари учун амалдорга пора қистириш, Америкадан келадиган хатни ўқиши эвазига руҳонийга икки дона тухум бериш, почта келтириши учун почтачига бир лира узатиш, эркакларнинг герцог ва баронлар даласида ишлаш мақсадида арзимас танга учун мушаклари билан савдолашмасликларига тўғри келади. Арзимас иш ҳақиға чек қўйилади, ҳукумат вакиллари халқнинг чинакам хизматкорига айланишади. Сильвио Ферра Инжил ҳамда дуо сўзларини изоҳлаб тушунтирар экан, расмий черков инқироз ёқасига

келиб қолган капиталистик тузумни қўллаб-қувватла-
шини исботлади. Тўғри, бунинг учун ўзи ҳам якшанба
кунлари ибодатларга қатнади. У хотини ва болалари
сицилийча уй қурилиши билан боғлиқ барча қонун-
ларга риоя этишларини қатъий тарзда назорат қилди;
қадимдан мавжуд кадриятларга, яъни боланинг онага
чек-чегарасиз садоқати, отани иззат-ҳурмат қилиш,
қариндош-уруғлар олдидаги мажбуриятларга ишонар
эди.

Сан-Жузеппе-Ятодаги мафия ҳаддан зиёд илгари-
лаб кетганини айтиб, уни огоҳлантирди, бунга жаво-
бан Ферра кулиб қўйди-ю, агар дўст бўлиб қолишса,
яхши бўлишини айтди. Гарчи кўнглининг туб-тубида
мафия билан энг оғир ва узоқ кураш олиб бориш ке-
раклигини биларди. Дон Кроче унинг ҳузурига одам-
ларини жўнатди, ўзаро келишишни кўзда тутган эди,
аммо улар куруқ қўл билан қайтишди. Силвио Ферра
жасур аскар, деган ном қозонган посёлкада ҳурмат-
эҳтиромга сазовор бўлган ҳамда «Дўстларнинг дўсти»-
га нисбатан ақл-фаросат билан ёндашар эди. Шунинг
учун дон Кроче сабр қилишга уринди, қолаверса, сай-
ловларда насроний-демократларнинг муваффақият
қозонишига зиғирча шубҳаланмаган эди.

Сильвио Ферранинг феълидаги асосий белги –
яқин кишиларига нисбатан ҳамдардлик эди – бундай
хислатни сицилиялик деҳқонларнинг ҳаммасида ҳам
учратавермайсан. Қўшнисининг иложи етмай қолса,
оиласини у боқади; кекса, бева ёлғиз аёлнинг рўзго-
рига ёрдам беради; эртанги кунни ўйлаб ваҳимага
тушган, зўрға эплаб-сеплаб кун кечираётган кишини
руҳлантиради. У янги тонгнинг хабарчиси, жарчисига
айланди, агар ҳокимият тепасига социалистик партия
келгудай бўлса, умид-орзулар тонги албатта отар эди.

Сицилияликларга жанубликларнинг сиёсий нутқлар билан йўғрилган, ўзгармас жимжимадор сўзлари ниҳоятда ёқарди...

Сильвио Ферра ўз кучини ким ошди савдосига қўйиб, эвазига энг кам иш ҳақи оладиган барча кишиларни ўзига жалб қилди. У қатъий кунлик таъриф белгилади ва помещчикларнинг келишмасликдан бошқа иложи қолмади. Кўз олдинда олхўри, узум, бошоқли ўсимликлар чириб кетаётганини кўриб тургандан кўра, тўлаганинг яхши эмасми? Лекин Сильвио Ферра ҳалокатга маҳкум қилинган эди.

Ферра фақат Тури Гильяно туфайли, унинг ҳимоясида тирик эди. Фақат шу дон Крочени тўхтатиб қолди. Сильвио Ферра Монтелепреда туғилган. Ёшлик йиллариданоқ унинг қандай одамлиги аниқ эди. Гарчи ёшларида фарқ бўлса-да (Гильяно тўрт ёш кичик), Тури у билан ҳаддан зиёд фахрланарди, аммо Сильвио фронтга кетгач, уларнинг ораси узоқлашди. Сильвио қаҳрамон сифатида орден, медалларга тўлиб қайтди. Сан-Жузеппе-Ятода яшайдиган қиз билан танишиб, унга уйланди ва ўша томонга ўтди. Сильвио Ферра таниқли сиёсий шахсга айланди. Ва Гильяно, гарчи эътиқодлари турлича бўлса-да, Сильвионинг дўсти эканлини айтиб барчани огоҳлантирди. Шу боис сайловчилар «тарбиячиси» сифатида кампания бошлаган бўлса-да, у Сан-Жузеппе-Ятога, аниқроғи, Сильвио Феррага қарши ҳеч қандай ҳаракат уюштирмаслик тўғрисида буйруқ берган эди.

Бу ҳақда билган Ферра Гильянога миннатдорчилик сўзлари битилган мактуб жўнатди ва исталган пайтида хизматига тайёрлигини билдирди. Хат Ферранинг ота-онаси томонидан юборилди, улар олдингидек болалари билан Монтелепреда яшардилар. Қизларидан

бири, ўн беш яшар Юстина Гильянонинг онасига хатни олиб келди. Бу пайтда Гильяно уйда эди, хат кўлига тегди. Сицилиянинг ўн беш ёшли қизлари анча етилиб, оналикка тайёр бўлиб қолади, бунга ажабланмаса ҳам бўлади, Юстина ҳам эсини йўқотар даражада севиб қолди. Гильянонинг куч-қувватга тўлгани ва кўркамлиги қизни шу қадар мафтун этдики, унга термилиб, кўз узишга дармони қолмаган эди.

Тури Гильяно, унинг ота-онаси ва Венера айна шу пайтда қаҳва ичиш билан банд эдилар. Улар қизни столга таклиф қилишди. Венерадан бошқа ҳеч ким Гильяно қизда кучли ҳавас уйғотгани ва қанчалик хушсурат эканлигини пайқамасди. Гильяно шунда бу қизни қачонлардир йўлда учратиб қолганини эслади. Қизча йиғлаб турар, йигит унга пул берган эди.

– Акангга айт, ундан миннатдорман, ота-онасидан хавотир олмасин, уларни ташлаб қўймайман...

Юстина тезгина кўчага чиқди ва уйига қараб чопиб кетди. Шу кундан бошлаб, унинг бутун фикри-зикри фақат Гильяно билан банд бўлди.

Гильяно Жинестрадаги намоёишни тарқатишга розилик билдирганида, дастлабки иши қандай бўлмасин, Сильвио Феррани биринчи май намоёишида қатнашмаслиги кераклигини айтиб огоҳлантириш бўлди. У Феррани Сан-Жузеппе-Ято аҳолисидан ҳеч ким азият чекмайди, деб ишонтирди, лекин Сильвио худди аввалгидек, социалистларни тарғиб этишни давом эттирса, ҳаёти хавф остида қолиши мумкин, Гильяно қутқара олмайди. У аҳмоқона иш қилмайди албатта, бироқ «Дўстлар дўсти» қандай бўлмасин, Сицилиядаги социалистик партияни яксон қилмоқчи, ўшанда Сильвио Ферра қурбонлар қаторида биринчи бўлиши турган гап.

Хатни ўқиган Сильвио Ферра дон Кроче навбатдаги марта уни қўрқитишга уриняпти деб ўйлади. Майли, шундай бўла қолсин. Социалистик партия сайловларда ғалаба сари одимламоқда ва у бўлажак тантанани асло ўтказиб юбормайди.

Биринчи май куни Пьяни-деи-Гречи ва Сан-Жузеппе-Ято аҳли барвақт уйқудан уйғонди. Чунки ялангликка тоғ йўли билан Жинестра оралиғидан ўтиб бориш керак эди. Олдинда мусиқачилар боришар, улар байрам муносабати билан Палермодан махсус таклиф этилган эди.

Сильвио Ферра хотини ва болалари билан бирга Сан-Жузеппе-Ятодан келадиган колонна бошида эди. У улкан қизил байроқни мағрур кўтариб олганди. Ёрқин рангларда чизилган араваларга бошига қизил жиға ва рангли ёпинчиқлар ташлаган отлар қўшилган, кувачаларда овқат, катта қутиларда спагетти ҳамда ёғоч косаларда салатлар лиқ тўлдириб солинган эди. Вино қуйилган кўзаларни алоҳида олиб келишаётганди. Бир арава ҳам бўлиб, муз ўртасига айлана шаклдаги катта пишлоқ, улкан дудланган колбасалар, хамир ҳамда кўчма шаклдаги нон пиширадиган печлар жойлаштирилган эди.

Йўл чеккасида болалар футбол тўпини ўйнар нирақсга тушарди. Чавандозлар пойга олдидан отларни совитар, тушдан кейин ўтказиладиган мусобақади иштирок этишни кўзлашарди.

Сильвио Ферра бошқариб келаётган колонна Жинестра тор ўтиш йўлига бурилганида, бошқа йўлдан Пьяни-деи-Гречи аҳолиси қизил байроқлар ҳамда социалистик партия шиорлари билан келиб қолишди. Турфа одамлардан иборат икки оқим бир-бирига қўшилди – ҳар жойдан табрик товушлари эшитилар,

сўнгги янгиликларни тилга олишар, икки қишлоққа тегишли гап-сўзлар айтилар, сайловлардаги ғалабалар нимадан дарак беради, олдинда яна қандай хавф-хатар борлиги тахмин қилинарди. Бугунги кун ёмон яқунланиши ҳақида миш-мишлар юрса-да, ҳеч ким қўркувни ҳис этмасди. Улар Римдан нафратланишар, тўғри, мафиядан қўрқишар, аммо барибир бу сўзсиз итоат этиш эмас эди. Хулласи калом, охирги сайловларда унга ҳам, бунга ҳам чақириқ ташлаб кўришди, аммо ҳеч нарса рўй бермади.

Пешинга яқин ялангликда уч мингдан ортиқ одам тўпланди. Аёллар макарон қайнатиш учун печкага ўт ёқишди, болакайлар ҳавода илон тасвири туширилган шарлар учуришди, уларнинг устида унча катта бўлмаган Сицилиянинг қизил қирғийлари чарх урарди. Сенатор Каузи ўзининг нутқи ёзилган конспектни кўздан кечирарди. Сильвио Ферра ва колоннасидаги бир гуруҳ эркаклар тахтасупа ясаш билан машғул, ундан қишлоқнинг энг ҳурматли кишилари, шу жумладан, ўзи ҳам жой оларди. Ёрдамчилар сенаторга тезроқ сўз беришни қистадилар, чунки болалар оч қолишганди...

Бирдан тоғ томондан енгил кўрпа қоққандай овоз эшитилди. Болалардан бирортаси мушак келтиргандир, деб ўйлади Ферра ва яхшироқ кўриш учун бурилиб қаради.

Ўша тонгда, фақат бир оз аввалроқ, Сицилия куёши балқиб чиқишидан олдин Гильяно тасарруфидаги отряддан, Монтелепре тепасидаги тоғдан ҳар бири ўн икки кишидан иборат икки гуруҳ ажралиб чиқди-ю, Жинестра томонга қараб йўл олди. Бир гуруҳга Пассатемпо, иккинчисига Терранова бошчилик қиларди. Ҳар бирининг ихтиёрига оғир пулемёт берилган. Пассатемпо ўз одамларини Кумета тоғи қояларидан

юқорига бошлаб борган ва муайян жойни эгаллаб, пулемёт ўрнатишни шахсан ўзи назорат қиларди. У тўрт кишини шу ерга қўйди-ю, қолганлар қоя атрофида ёйилиб, пулемётларни рақиб ҳамласидан пана қилиш учун милтиқ ва бешотарларни шай қилиб туришди.

Терранова ва одамлари кириш жойининг бошқа томони – Пицутта тоғи қоялари ортини эгаллашди. Қўшин учун жой муваффақиятли танланган: пастда ястаниб ётган ҳамда қуёш нурига ғарқ бўлган текис яланглик шундоқ нишон остида. Агар карабинерлар шу аснода казармалардан чиқишса борми, аҳволлари ниҳоятда ёмон бўларди.

Гильянонинг одамлари икки томон аҳолиси узоқ йўл босиб, ялангликка қандай келиб жойлашганини кузатиб турарди. Яланглик бамисоли тоштахта каби теп-текис эди. Колоннада бир неча қариндош-уруғлари келаётганини кўриб турса-да, уларнинг виждони заррача қийналмади. Ахир Гильяно аниқ буйруқ берган-да! Пулемётчилар тўда тарқалиб, қишлоқларига йўл олгунча бошидан ошириб ўқ узишлари керак. Ана шунда ҳеч ким азият чекмайди.

Гильяно операцияга шахсан раҳбарлик қилмоқчи эди, аммо бир ҳафта олдин Пишотта оғриб, оғзидан қон келди. Бу кўнгилсизлик рўй берганида у юқорига, тоғда жойлашган лагерга югуриб чиққан эди. Пишотта бирдан йиқилиб тушди ва тошлар билан пастга юмалаб кетди. Орқасидан келаётган Гильяно тутинган акасини ҳазиллашяпти, деб ўйлади. У Пишоттани тўхтатиш учун оёғини кўндаланг қўйди, лекин шу пайт кўйлаги қонаганига кўзи тушди. Даставвал Гильянонинг миясига Пишоттани мерган ўққа тутган, у ўқ овозини эшитмаган, деган ўй «лип» этиб келди. Пишоттани қўлида кўтариб олди-ю, юқорига олиб чиқ-

ди. Пишотта ҳали ҳушидан кетмаган ва ҳамон «мени тушир, қўйиб юбор», дерди. Гильяно бу ўқ туфайли эмаслигини англади. У бир парча қўрғошин танасига кирган кишининг овози қандай чиқишини биларди, Аспану эса мутлақо бошқача гапирар, худди ички оғриқдан азоб тортган киши каби инграётганди.

Гильяно бошчилигида ўн киши Пишоттани замбилга солиб Монреалдаги врач ҳузурига элтишди. Бу шифокор улар ўқ еганда, жароҳатларини даволар, унинг оғзи маҳкамлигига ишонса бўларди. Шу билан бирга у Пишоттанинг бетоблиги тўғрисида дон Крочега албатта хабар бериш кераклигини таъкидлади, Гильяно учун шундай қиларди. Доктор Палермодаги клиникани бошқаришдан умидвор ва дон Кроченинг марҳаматисиз бунга эришиб бўлмаслигини яхши англарди.

У кунт билан текшириш учун Пишоттани Монреал шифохонасига жойлаштирди ва Гильянога натижасини кутиш кераклигини айтди.

– Мен эрталаб келаман, – деб ваъда берди Гильяно.

У Пишоттани шифохонада қўриқлаш учун тўрт кишини қолдирди ва яқин одамларидан бирининг уйига яшириниш учун жўнаб кетди.

Эртаси куни доктор Пишоттага стрептомицин дориси зарурлигини айтди, уни фақат Қўшма Штатлардан топиш мумкин экан. Гильяно нима қилиш зарурлигини дарҳол мулоҳаза қилиб кўрди. У отаси ва Стефан Андолинидан Америкага, дон Корлеонега мактуб ёзиб, керакли дорини топишни илтимос қилди. Бу ҳақда докторга айтиб, Пишоттани шифохонадан олиш ҳақида сўради. Доктор рухсат берди, аммо Пишотта бир неча ҳафта тўшақдан турмаслиги керак, деб шарт қўйди.

Гильяно шу ташвишлар билан бўлиб, Жинестрадаги ҳодисалардан беҳабар қолди. Чунки бу вақтда у Монреалда бўлиб, Пишоттанинг тўлиқ соғайиши учун уй ахтариш билан овора эди.

Сильвио Ферра бурилиб, пақиллоқ овозига қулоқ солар экан, нима ҳодиса юз берганини дарров англади. У ҳавога шарни қўйиб юбориб, қўлига тикилиб ҳайратда қолган болага кўзи тушди. Боланинг панжалари ўрнига ғўлача қолган, учиб кетган шари эса Кумета тоғи томон парвоз қиларди. Шу лаҳзада Ферра бу пақиллоқ овози эмас, балки пулемётдан тўхтовсиз узилаётган ўқ эканлигини англаб даҳшатга тушди. Сўнг катта қора отни кўриб қолди. Устида чавандози йўқ жонивор оломон орасида қонли из қолдирганча ўзини ҳар томонга уриб қутургандай изғир эди. Ферра халқнинг қалин турган тўдасига ўзини уриб, хотини ва болаларини ахтаришга тушди.

Терранова Пицутто тоғи қоясида турганча рўй бераётган воқеаларни дурбин орқали кузатарди. У аввалига одамлар қўрқувдан ўзларини ерга ташлаган бўлса керак, деб ўйлади, аммо қимирламай, ёйилган жасадларни кўргач, пулемётчини бир чеккага итариб юборди. Пулемёт жимиб қолди, лекин Кумета тоғидан пулемёт товуши эшитиларди. Наҳотки Пассатемпо ўқ шунчалик пастга қарата отилаётганини кўрмаётган бўлса, ахир одамлар ҳалок бўляпти, деб ўйлади Терранова. Бир неча дақиқадан сўнг иккинчи пулемёт ҳам жимиб қолди ва Жинестрага ўтиш жойида даҳшатли сокинлик чўкди. Сўнг яқин турган чўққилар осмони тириклар, ярадорларнинг қичқириғи, ўлаётганларнинг нола-фиғонлари билан тўлди. Терранова ўз одамларига ўт очиш нуқтасидан нари силжишини буюриб, ишора қилди, пулемётни қисмларга ажратишгач, отрядни

тоғнинг қарама-қарши томонига бошлаб кетди. Улар йўлда боришар экан, Гильяно хузурига қайтиб, рўй берган воқеа тўғрисида айтиш керакмикан, деб ўйларди Терранова. Тўғри, Гильяно ғазабга тўлиб, унинг ўзини отиб юбориши, йигитларини гумдон қилиши мумкин. Лекин барибир аввалига диққат билан эшитади, улар фурсатни бой бермай, ўт очишни баландда амалга оширганини айтиб, қасам ичишади. Демак, лагерга қайтиш ва ҳаммаси ҳақида маълум қилиш керак. Қизиқ, Пассатемпо қандай ҳаракат қилган экан?

Бу вақт ичида, Сильвио Ферра ўзининг оиласини топганида, пулемётлар бутунлай тинчиб қолган эди. Унинг хотини ва болаларига азият етмабди. Ердан бош кўтара бошладилар. Аммо Сильвио уларни яна ерга қапишиб, чорак соатлар чамаси ётишга мажбур этди. Шунда Пьяни-деи-Гречи томонга карабинерларни чақириш учун отланган чавандозга кўзи тушди, унинг от суриб кетаётганига ишонч ҳосил қилгач, ҳаммаси ортда қолганини фаҳмлади. Шундан кейингина ердан бош кўтаришди.

Минглаб одамлар тоштахта каби текис ялангликдан пастга, ўз қишлоқларига, тоғ этагига қараб чопиб кетишди. Ерда фақат ўлганлар, ярадорлар қолди, уларнинг атрофида қариндошлари куймаланишарди... Сильвио Ферра ярадорлар учун ўз оиласини бир оз вақтга қолдирди. Ўлганлар орасида аёллар, болалар борлигини кўриб даҳшатга тушди... Йўқ, сайловчиларнинг сицилияча тартибларини ўзгартириб бўлмайди. Бундай деб ўйлаш лақмалик. Ўз ҳуқуқингни қўлга киритиш учун курашда ўлдиришга тўғри келади.

Гектор Адонис Пишоттанинг тўшаги ёнида турган Гильянога рўй берган воқеаларни маълум қилди. Гильяно дарҳол тоғдаги қароргоҳига йўл олди.

У ерда, Монтелепре тоғи тепасида Пассатемпо ва Террановани хузурига чақирди.

– Сизларни олдиндан огоҳлантириб қўйяпман; – деб гап бошлади Гильяно. – Қанчалик вақт талаб қилинмасин, мен айбдорни барибир топаман. Ахтаришим қанча узоқ давом этса, жазо ҳам шунчалик шафқатсиз бўлади. Агар бу шунчаки хато бўлса, тан олиб ростини айтинглар, ваъда бераман, тирик қоласизлар.

Пассатемпо ва Терранова Гильянонинг бу қадар қаҳрга тўлганини кўришмаганди. Гильяно сўроқ қилар экан, иккови ҳам қоққан қозикдай турар, қимирлашга журъат қила олмасди. Улар оломоннинг тепасига қарата ўқ узишгани, одамлар йиқилаётганини кўргач, отишни тўхтатганларини айтиб қасам ичдилар.

Гильяно уларга жавоб берди-ю, бир оз вақт ёлғиз ўтирди. Босқин билан шуғулланганидан буён биринчи марта чидаб бўлмас уят ҳисси бутун вужудини камраб олди. У тўрт йил давомида камбағалларга мутлақо зарар етказмаганидан ифтихор ҳиссини туйиб юарди. Энди эса фахрланадиган ҳеч нима қолмади. У одамларни бамисоли қуёндай отиб ташлади. Энди ўзини қаҳрамон деб ҳисоблай олмайди. Аслида нима бўлган ўзи? Наҳотки хатога йўл қўйилган? Унинг йигитлари милтиқдан моҳирлик билан фойдаланар, аммо пулемётдан отишни унча яхши билишмасди. Пастки томонни нишонга олиб, тамомила хатога йўл қўйган, тегишли бурчакни инobatга олмаган бўлишлари мумкин. Гильяно Пассатемпо ёки Терранова икки томонлама ўйинни амалга оширганига ишонгиси келмас, аммо улар сотилиши мумкинлигини ҳам назарда тутарди. Мазкур воқеалардан сўнг яна бир тахмин туғилди: пистирмада яна қандайдир учинчи киши бўлган.

Агар бу усталик билан ўйлаб ташкил этилганида, янада кўпроқ одам ўларди. Хунрезлик ортиқ даражада қонли бўларди. Дарвоқе, деб ўйлади у, кимки буни ташкил этган бўлса, бошқа мақсадни кўзлаган, яъни Гильянони бадном қилишни назарда тутган. Ҳа, дарвоқе, Жинестрадаги намоёишни тарқатиш фикри кимдан чиққан эди? Бунда жуда кўп ўхшашликлар мавжуд.

Муқаррар равишда ерга уриб, таҳқирлайдиган хулоса келиб чиқади: дон Кроче ўйин қилган эди.

Йигирма биринчи бўлим

Жинестра дарасида рўй берган хунрезлик бутун Италияни ларзага солди. Газеталар сарлавҳалари айбсиз эркак, аёл, болаларнинг оммавий равишда ўққа тутилганини ёритиб жар соларди. Ўн беш киши ўлдирилган, элликдан зиёд одам ярадор. Даставвал, хунрезлик мафия томонидан ташкил этилган, деган фикр олдинга сурилди, ҳақиқатан ҳам Сильвио Ферра ўзининг чиқишларида рўй берган воқеада дон Крочени айблади. Аммо бу донни мутлақо ташвишга солмади, «Дўстларнинг дўсти» ташкилотининг махфий аъзолари судда қасам ичиб, Пассатемпо ва Терранова пистирма ташкил этганини ўз кўзлари билан кўрганларини айтдилар. Сицилияликлар нега Гильяно авжига чиққан бу айбловларнинг бирортасини газеталарда ёзган машҳур хатларида инкор этмаганини тушунолмади таажжубланарди. Унинг сукут сақлаши ғалати эди.

Умуммиллий сайловларга икки ҳафта қолганида, Сильвио Ферра велосипедда Сан-Жузеппе-Ятодан Пьяни-деи-Гречи томон бораётганди. У Ято дарёси қирғоғи бўйлаб юриб, тоғ адоғига етиб қолди. Шу пайт

Феррани икки нотаниш киши чақирди, аммо у тўхта-масдан уларнинг ёнидан ўтиб кетди. Бурилиб қараганида, иккови ортидан тушган эди, лекин кўп ўтмай, улардан узоқлашиб кетди. Пьяни-деи-Гречига келганида, икковлон кўринмай қолганди.

Кейинги уч соатни Сильвио социалистлар клубида партиянинг яқин қишлоқлардаги раҳбарлари билан ўтказди. Йиғилиш қош қорайгандан сўнг тугади. Сильвио қоронғи тушгунча уйга етиб олишга ошиқди. У велосипедда майдонни кесиб ўтди, йўл бўйлаб таниш-билишлар билан хуш кайфиятда сўрашди. Тўсатдан Сильвиони тўрт нафар киши ўраб олди. Улардан бири Монтелепредаги мафия сардори эканлигини таниб қолган Ферра енгил тортиб, чуқур нафас олди. У Кинтанани ёшлигидан буён билар, Сицилиянинг бу бурчагида мафия Гильяно билан алоқани бузмаслик учун «камбағалларга зарар етказмаслиги»дан бохабар эди. Шу сабабли Кинтанага хушфетилик билан кулиб қаради-ю, шундай деди:

– Сен уйингдан узоққа келиб қолибсан.

– Салом, биродар, – деди унга жавобан Кинтана, – сен билан бир оз сабр қиламиз. Шовқин кўтармасанг, омон қоласан. Сен билан айрим масалаларни гаплашиб олмоқчиман.

– Нега энди шу ернинг ўзида гаплашмас эканмиз? – деб сўради Ферра. У урушда бошдан ўтказган қўрқувнинг илк аламини ҳис этди, аммо бундан қай тарзда қутулиб кетишни билар эди. Ирода кучи билан ўзини хотиржам кўрсатишга уринди. Икковлон унинг ёнига келиб, қўлидан маҳкам ушлашди. Сильвиони енгил итариб, майдон орқали олиб кетишди. Қўлидан чиқиб кетган велосипед ғилдираб бориб, ён томонга ағдарилди.

Ферра кўчада, уйлари олдида ўтирган одамларни кўриб, уларнинг гап нимада эканлигини англаганига ишонч ҳосил қилди. Албатта, унга ёрдам бериш учун келишади. Аммо Жинестра дарасида рўй берган отишмадан сўнг юрагини кўрқув эгаллаган. Уларнинг бирортаси, ҳатто кичқирмади ҳам. Сильвио Ферра оёғини тираб, клубга бурилиб қарашга уринди. Ҳатто бу ердан эшик олдида унинг бир неча партиядошлари тургани кўринарди. Наҳотки бошига кулфат тушганини англамаган бўлишса? Улардан бирортаси ҳам пешайвон тагидан жилмади. Шунда у кичқириб юборди:

– Ёрдам беринглар!

Лекин қишлоқ сукунاتини ҳеч нарса бузмади ва Сильвио Ферра улар олдида жудаям уялди. Кинтана уни қўполлик билан туртди.

– Аҳмоқлик қилма. Биз сен билан гаплашмоқчимиз, холос. Кетдик, бақириб ётма тагин. Акс ҳолда дўстларингга ҳам яхши бўлмайди.

Энди анча қоронғи тушган, ой чиққан эди. Сильвио елкасига милтиқ учи текканини ҳис этди ва улар ҳақиқатан ҳам уни гумдон қилмоқчи бўлишса, бу ишни шу ерда, тўғридан-тўғри майдонда амалга оширишлари мумкинлигини фаҳмлади. Кимки ёрдам беришга уринса, ростдан ҳам уни гумдон қилишади. У қишлоқ адоғига қадар Кинтананинг ортидан кетди. Балки бирор киши учрар, ахир гувоҳлар кўп-ку, кимдир Кинтанани таниб қолар. Агар ҳозир қаршилиқ кўрсатса, улар тўсатдан аччиқланиб, қуролларини ўқталишлари мумкин. Яхшиси, кутиш ва бу одамларга қулоқ солиш керак.

Кинтана унга ақл ўргата бошлади:

– Гап бундай, коммунист билан аҳмоқона ўйингни бас қил. Сенинг «Дўстлар»га нисбатан ҳамлангни кечирдик, Жинестрада рўй берган воқеада уларни

айблаган эдинг. Лекин сен бизни сабримиз учун мукофотламадинг, ахир у бир соатга ҳазил гапми, лоп этиб ёрилиб кетиши мумкин. Ахир бу ақлли хатти-ҳаракатми? Эҳтиёт бўл, агар вақтида тўхтамасанг, болаларингни етим қолдиришимизга тўғри келади.

Бу вақтда улар қишлоқни четлаб ўтиб, тошлоқ сўқмоққа, Кумета тоғига элтадиган йўлга чиқиб олишганди. Сильвио Ферра тушкунликка тушиб ортига қаради, аммо орқада тирик жон йўқ эди.

– Наҳотки, – деди у Кинтананага, – болаларни сиёсат каби беҳуда сафсата туфайли отасидан маҳрум этсанг?

Кинтана товуши бўғилиб, хахолаб кулиб юборди.

– Мен ҳатто ботинкамнинг ичига тушган тупук учун ҳам ўлдираман, – деди у.

Ферранинг қўлини маҳкам ушлаб турганлар қўйиб юбориб, ўзлари ортга чекинишди. Сильвио Ферра тақдири ҳал этилганини дарҳол фаҳмлади. У ой нури билан ёришиб турган сўқмоқ бўйлаб қоча бошлади.

Қишлоқда ўқ товушлари эшитилди ва социалистик партиянинг раҳбарларидан бири бу ҳақда карабинерларга хабар қилди. Эртаси кун Сильвио Ферранинг жасади тоғ дараси тубидан топилди. Полициячилар маҳаллий аҳолидан суриштира бошлаганида, улардан ҳеч ким кўрмаганини айтди. На тўрт эркакни, на Гвидо Кинтанани! Исёнкор руҳ исёнкорлигича қолди, аммо улар ҳамон сицилиялик бўлиб қолишди ва *omerta* қонунини буза олишмади. Лекин барибир кимдир Гильянонинг одамларидан бирига кўрганларини айтиб берди.

Насроний демократлар умуммиллий сайловларда кўпгина вазиятлар туфайли ғалабага эришдилар. Дон Кроче ва «Дўстларнинг дўсти» қойилмақом қилиб ишлади. Жинестра дарасидаги намоёишнинг ўққа ту-

тилиши бутун Италияни ларзага солди, сицилияликларни эса тўғридан-тўғри жароҳатлади. Сайловолди кампаниясида қатнашган католик черкови Исо Масих номи билан ниқобланиб, анча-мунча саховатли бўлиб қолди. Сильвио Ферранинг ўлими Сицилиянинг исёнкорлик кайфиятига бутунлай нуқта қўйди.

1948 йилда насроний демократлар Сицилиядаги сайловларда тўла-тўқис ғалабага эришдилар, бу эса Италиядаги бутун умумий ғалабасига ёрдам берди. Энди уларнинг ҳокимиятга анча вақт жипслашиб қолгани очиқ-ойдин аён бўлди. Дон Кроче Сицилиянинг тож киймаган киролига айланди, католик черкови – расмий дин, вазир Трецца эса – дарров эмас, албатта, аммо келажакда кўзга кўринарли тарзда Италиянинг бош вазири бўлишга тайёрлана бошлади.

Пировардида Пишоттанинг ҳақ эканлиги маълум бўлди. Гектор Адонис дон Крочедан хабар келтирди: Жинестра дарасидаги қирғинбарот жангдан сўнг Гильяно ва одамларига авф берилмайди. Ниҳоят даҳшатли жанжал юзага келиши – яна айбловлар ёпирилиши мумкин, унинг замирида эса сиёсат турарди. Газеталар ғазабдан тўлиб-тошиб, энтикиб қолган, бутун Италия бўйлаб иш ташлашлар тўлқини ёйилган эди. Дон Кроче етказиб қўйишни илтимос қилди: вазир Треццанинг қўли, табиийки, калталиқ қилиб қолган, Палермо кардинали эса бегуноҳ болалар ва аёлларнинг ўлишига сабаб бўлган одамга ёрдам бера олмайди. Лекин у, яъни дон Кроче олдингидек амнистияни қўлга киритиш учун ҳаракат қилаверади. Ҳозир иш судда экан, Кроче Гильянонинг фойдаси учун Бразилия ёки Қўшма Штатларга муҳожир бўлиб кетишини маслаҳат берди – дон Кроче имкон қадар ҳар жихатдан ёрдам беришга уринади.

Гильянонинг одамлари мазкур хиёнатга Турининг хотиржам муносабатидан ниҳоятда таажубда эдилар, гўё бундан бошқасини кутмагандек. У отрядни тоғнинг анча ичкарисига бошлаб борди, ёрдамчилари лагерини ўзининг ёнига тиклашни буюрди, чунки улар исталган пайтда керак бўлиб қолиши мумкин эди. Кунлар ўтар ва Гильяно тобора ўзи билан ўзи овора бўлиб борарди. Гуруҳ бошлиқлари бир неча ҳафта унинг буйруғини сабрсизлик билан кутишди.

Бир кун эрталаб Гильяно тоққа ёлғиз, тансоқчиларсиз чиқиб кетди. Қоронғи тушгач, қайтиб келди. У зулмат ичидан чиқиб, гулхан ёғдусини кўриб тўхтади.

– Аспану, – деди у, – бошлиқларни йиғиб кел.

Шаҳарда Оллортонинг ери юз минг акрдан иборат; бу далаларнинг барчасида Сицилияни боқадиган барча нарса етиштириларди. Минг йиллар давомида Италияни шу йўл билан боқадилар: лимон ва апельсинлар, ғалла, бамбук, ёғ берадиган зайтун – улар билан фақат битта қудуқни тўлдиришмайди. Вино тайёрланадиган узум, помидор, кўкатлар, қалампис, баклажон, одам бошига тенг келадиган малла тусли қирми баклажонлари. Бу ерларнинг бир қисми деҳқонларга ижарага топширилар, улар ҳосилнинг ярмини беришарди. Лекин шаҳзода Оллорто бошқа кўнгина заминдорлар каби ҳамиша қишлоқ хўжалиги техникалари, уруғлик ташигани учун ҳам фоизи билан ҳақ оларди. Шундай қилиб деҳқон ўзи етиштирган хазинадан йигирма беш, яъни чорак фоизга эга бўларди. Аммо кунбай ишлайдиган мардикорнинг садақага тенг маошига нисбатан бу яхши ҳаёт кечириш билан барабар эди.

Мазкур ҳудуд ери ҳосилдор бўлиб, афсуски, помешчиклар ўз ерларининг маълум қисмини ишлатмас, у бўш ётарди. Ҳали 1860 йилдаёқ буюк Гарибальди ҳар

бир деҳқоннинг бир парча ери бўлади, деб ваъда қилган. Шаҳзода Оллортонинг юз минг акр ери эса шудгор қилиниб, ташлаб қўйилган. У билан бирга бошқа таниқли шахслар учун бу ўзига хос сармоя бўлиб, навбатдаги инжиқликни қаноатлантириши учун бўлак-лаб сотиб юборишарди.

Барча партияларнинг кейинги сайловлари вақтида, шу жумладан, насроний демократлар партияси ҳам ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонунни такомиллаштириш ва ҳаётга татбиқ этиш хусусида ваъда бердилар. Қонунда йирик помешчиклар шудгор қилиб, дам бериб қўйилган ерларини муайян ҳақ тўлаш эвазига деҳқонларга ижарага беришлари лозим, деб кўрсатилган эди.

Лекин ер эгалари бундан қутулиш мақсадида бошқа усулни ўйлаб топиб, мафия сардорларига пул тўлашди, улар эса кимки ерга талабгор бўлиб чиқса, барчасига нисбатан қўрқув ҳиссини туғдирарди. Ерни тақсимлаш жараёнида мафия сардорининг от миниб, мулк чегарасига келиши кифоя эди, шунда бирорта деҳқоннинг у ерга қадам қўйишга ҳадди сифмасди. Борди-ю, битта-яримтаси бу ишда дадиллик кўрсатса, уларнинг ўзи ва оиласидаги барча эркакларнинг ўлими муқаррар бўлиб қоларди. Бу қоида юз йиллардан бери давом этиб келмоқда ва ҳар бир сицилиялик уни яхши билади. Агар ер мафия васийлигига ўтса борми, бас, биров яқин бормади. Рим юзлаб қонунларни чиқариши мумкин, аммо улар бутунлай қоғозда қолиб кетган. Вазир Трецца билан бир пайтлар дон Кроче ўртасида шундай суҳбат бўлиб ўтган эди:

– Ҳа, бу ўринда қонунларингизнинг нима ҳожати бор? Уларнинг мутлақо бизга алоқаси йўқ.

Кўп ўтмай сайловлардан сўнг бир кун белгиланди: деҳқонлар шахзода Оллортонинг экин экиладиган ерларидан олишлари лозим эди. Ҳукумат фармойишига кўра, юз минг акр ернинг ҳаммаси тақсимланиши керак. Сўл партияларнинг раҳбарлари халқни ўз ҳуқуқларидан фойдаланишга чақирди. Мана ўша кун келди. Шахзода Оллорто саройи дарвозаси олдида беш мингга яқин деҳқон тўпланди. Улкан соябон тагида стол-стуллар қўйилган, ҳокимият вакиллари билан биргаликда ер участкалари ҳужжатларини расмийлаштириш билан шуғулланувчи амалдорлар ҳам иштирок этаётган эди. Шу билан бирга Монтелепредан келган деҳқонлар ҳам бор.

Дон Кроченинг маслаҳати билан шахзода Оллорто олти нафар мафия сардорини *gabelloti** сифатида ёллади. Бу олтовлон эрта тонгда қўрғон атрофини ўраган девор тагига отда етиб келди. Асрий зайтун дарахтлари остида ғуж бўлиб тўпланган деҳқонлар Сицилияда шафқатсизлиги билан донг таратган шу одамларни кузатарди. Деҳқонлар бамисоли мўъжизага умид боғлагандек тарқаб кетмас, аммо олға силжишларига қўрқув ҳалақит берарди.

Бироқ қонун ва тартиб кучи томонидан мўъжиза кутиш беҳуда эди. Карабинерларга қўмондонлик қилаётган фельдфебелнинг ўзи шахсан вазир Треццадан казармадан ҳеч кимни чиқармаслик тўғрисида буйруқ олган. Ўша куни Палермо музофотида полиция либосини кийган бирорта кишини учратиб бўлмасди.

Оломон шахзода Оллорто қўрғони девори ёнида турганча кутарди. Мафиянинг олти нафар сардори шафқатсиз юзлари тошдай қотганча девор яқинида

* Мафияда ҳар қандай майда вазифаларни адо этувчи, бу ерда қўриқчи маъносида – итальянча.

метрономлар* масофасини аниқ чамалашга уринар-ди. Ҳар бирининг елкасида милтиқ осилган, ғилофда ҳам қурол, куртка остида эса белга камар билан осиб қўйилган тўппонча. Дехқонлар озиқ-оқат солинган халталарни маҳкам боғлаб, шиша идишлардаги ви-нонинг тиқинини очиб қўйишди, худдики бари от-ларнинг жонига тегиб, аждарҳо-соқчиларни бу ердан олиб кетадигандек. Бу ерда асосан эркаклар ва бир неча аёллар бўлиб, улар орасида Юстина исмли қиз ҳам бор эди. У ота-онаси билан Сильвио Ферра қо-тилларига нафратини намоён қилиш учун келганди. Шунга қарамай отлар ҳаракат қилаётган чизикни бо-сиб ўтиб, қонун бўйича уларга тегиши лозим бўлган ерни талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмасди.

Лекин уларни фақат қўрқув тутиб турмас, от мин-ган чавандозлар «ҳурматга сазовор кишилар» бўлиб, аслида қишлоқларида қонун чиқарувчи кишилар эди. «Дўстларнинг дўсти» Рим ҳокимиятига нисбатан анча қатъий ҳаракат қиладиган ўзининг терс ҳукуматини тузган. Дехқоннинг сигири ёки қўйини ўғирлашди-ми? Бўпти, карабинерларга шикоят қилаверишсин ва ўзларининг нарсалари билан хайрлашаверсин. Агар у мафия сардорларидан ёрдам сўраб, йўқолган буюми-нинг баҳосидан йигирма фоизни тўласа, сигири топи-лади ва эгасига қайтарилади, деҳқон бемалол ётаве-риши мумкин – бу бошқа такрорланмайди. Борди-ю, қандайдир жанжалкаш ғазабдан тутакиб кетса-ю, бегуноҳ деҳқон бир стакан вино туфайли ўлиб қолса, ҳокимиятдагилар камдан-кам ҳолда уларни ёлғон-яшиқ кўрсатмалар орқали ёки *omerta* қонунига муво-фиқ қоралайди. Аммо ҳалок бўлган одамнинг оила-

* Киска вақт оралиқларини билдирувчи асбоб.

сидагилар олти нафар «хурматга лойиқ» кишилардан бирортасига мурожаат этса, ўша заҳоти қасос олиниб, адолат тантана қилади.

Олти нафар сардор бир-биридан маълум масофада турарди, борди-ю, тўпланишса бу ожизлик аломати ҳисобланарди. Ҳар бири отини алоҳида гижинглатиб турар, гўё мустақил ҳукмдор ва ҳар бири ўзича қўрқинчли эди. Ҳаммасидан кўра Бисакинодан келган дон Сиано човкар отда ўтирганча анча ваҳима соларди. Унинг ёши олтмишларга бориб қолган, юзи ҳам кулранг тусда, ола-чипор, от рангига ўхшаб кетарди. Бу одам йигирма олти ёшида дон Сианонинг отасини ваҳшиёна ўлдирган ҳамкасбини гумдон қилиб ном чиқарган эди. Ўшанда дон ўн икки ёшда бўлган. У қасос олиш учун ўн тўрт йил кутди... Ўшандан бошлаб, ўзининг ўлкасини темир ҳамда қонга беланган қўли билан бошқариб келади.

Пешанасига қизил жиға осилган қора отга миниб, керилиб турган мафия сардори дон Арзона Пьяни-деи-Гречидан. У оғир, босиқ одам бўлиб, эҳтиёткор. Ҳар қандай мунозарада икки томонни мавжуд деб ҳисоблайди, шу боис ўз вақтида Сильвио Ферранинг ўлдирилиши уни анча ранжитди, аммо бунга халақит беришга ожизлик қилди. Чунки дон Кроче ва бошқа мафия сардорлари кимгадир сабоқ бериш фурсати келди, деб қатъий қарор қилгандилар. Арзонага оққўнгиллик ва меҳрибонлик бегона эмас ва халқ қолган беш нафар зўравонга нисбатан унга анча яхши муносабатда эди. Шунинг учун у оломон қаршисида оти устида савлат тўкиб ўтирар, юзида тошдай ифода қотиб қолганди.

Учинчи чавандоз дон Пидду Кальтанисеттидан бўлиб, отининг югани гулларга буркалган эди. Ҳамма

унинг мақтовга нисбатан бепарво эмаслигини билар, ўзининг ташқи кўриниши билан ҳаддан зиёд фахрлар, ҳокимиятни хуш кўриб, ёш манмансираган рақибларидан шафқатсиз равишда ўч оларди. Бир куни қишлоқдаги байрамда ёш, кийимига зеб берган олифта пайдо бўлиб, маҳаллий хотин-қизларни бутунлай шайдо қилди-қўйди: рақс тушиш пайтида тўпиғига қўнғироқчалар осиб, Мадрид гитараси садоси остида қўшиқ куйлади. Унинг эғнида Палермода тикилган яшил ипак шим ва кўйлак бор эди. Дон Пидду бу қишлоқи Валентинни кўриб, ҳамма оҳ-воҳ қилаётганидан ғазабланиб кетди. Аёллар ундан, ҳақиқий эркакдан фахрланиш ўрнига қандайдир хотинчалиш мишиқига ўхшаш ишвагарга маҳлиё бўляптими? Ўша машъум кунда йигит охирги марта рақс тушди: унинг ўқдан илма-тешик бўлган жасадини фермасига қайтиб борадиган йўлдан топишди.

Тўртинчи сардор дон Маркуцци Вилламура шаҳридан бўлиб, айтишларича, тарки дунё қилган одам. У ўзини олижаноб дворян сифатида тутар, уйида мўъжаз ибодатхонаси бор эди. Бу яккаю-ягона ғалати қилиғидан далолат берарди. Аслида у жуда оддий, сипо яшар, ҳатто ҳукм ўтказмай, буни истамай, ночоргина кун кечирарди. Шунга қарамай бу ҳокимияти билан чек-чегарасиз равишда роҳат қиларди... Уни афсонавий шахсга айлантирган хизмати шуки, севимли жиянини *infamitani* амалга ошириб, *omerta* қонунини бузгани, яъни рақиби тўғрисида мафияга доир маълумотларни полицияга бергани учун ўлдирган эди.

Бешинчи суворий – Партиникодан келган дон Буччилла. Ўша машъум куни Гектор Адонис ҳузурига қўшнисининг ўғли масаласида келган одам у эди ва Тури Гильяно тоққа кетишга мажбур бўлганди. Ҳо-

зир, орадан беш йил ўтгач, вазни қирқ фунтдан ошиб кетди. Гарчи шунча йил давомида у ҳаддан ташқари бойиб кетган бўлса-да, худди олдингидек анъанавий қишлоқча либос кийиб юрар, бу билан шукуҳли деҳқонга ўхшаб қоларди. Дон Буччилла шафқатсизлиги билан алоҳида ажралиб турмас, аммо фирибгарликка мутлақо тоқат қилолмас, ўғриваччалардан ўч олар экан, худди инглиз судьялари каби қаҳр-ғазабга тўлиб кетиб, киссавур гарчи бола бўлса ҳамки, ўлим жазосини талаб қиларди.

Юришни олтинчи бўлиб Гвидо Кинтана якунлади. У Монтелепрени бошқариши керак эди, аммо аслида шундай нуфузга эга бўлдики, натижада қонли олишувда Корлеонени қўлга киритди. У Монтелепре Гильяно ҳомийлиги остига ўтишига кўнишга мажбур бўлди. Лекин ўзининг бўри табиатига кўра, Корлеонеда чанқоқлик ила кутганини қўлга киритди. У тўрт оила ўртасидаги душманликни бутунлай айёрликдан иборат бўлмаган йўл орқали бартараф этди: ким иродасига қарши чиқса, барчасини гумдон қилди. У Сильвио Феррани, шу билан бирга бир неча касабаяушма раҳбарларини ўлдирди. Кинтанани кўпчилик ёмон кўрар, нафратланарди.

Шу тариқа олтовлон ўзининг нуфузи билан кўрқув остида шахзода Оллортонинг ерларини Сицилиянинг камбағал деҳқонларидан қўриқлар эди.

Қуролланган одамлар билан тўлган иккита жип Монтелепре-Палермонинг катта йўлидан елиб, мулкка борадиган кўчага бурилди. Ундаги одамлардан фақат икки киши юзини ниқоб билан беркитмаган. Булар Тури Гильяно ва Аспану Пишотта эди. Ниқобланган кишилар орасида капрал Канио Сильвестро, Пассатемпо ва Терранова бор эди. Андолини худди

улардек ниқобда бўлиб, Палермога борадиган йўлни беркитган. Жиплар чавандозлардан эллик фут масофада тўхтаганида, деҳқонлар тўдаси орасидан қандайдир одамлар ўртага чиқди. Улар ҳам ниқобланган эди. Бунгача худди боғ сайрига чиққандек, зайтунзорда ўтиришган эди. Жиплар келган ҳамоно улар саватларини очиб, қурол-яроғ ва ниқобларни олишди. Катта ярим доирада тизилиб, қароқчи чавандозларни нишонга тутишди. Уларнинг жами сони эллик нафарга етарди. Тури Гильяно жипдан сакраб тушди, ҳаммасини кўздан кечирди. Сўнг девор ёнида нарибери юриб турган чавандозларга қаради. Ўзини кўриб турганларини билар, шу баробарида оломон ҳам таниб турганини сезарди. Сицилиянинг қоқ пешин қуёши аямай нуруни сочиб, ям-яшил манзарани алвон тусга айлантириб юборганди. Бу олтовлон туфайли минглаб бақувват деҳқонлар шунчалик кўрққанки, болаларини бир бурда нондан маҳрум этишга мажбур бўлишмоқда, деб кўнглидан кечирди Гильяно.

Унинг ёнида илон каби бесабр Аспану Пишотта кутиб турарди. Аспану бошқалардан фарқли равишда ниқоб тақишдан бош тортган эди – қолган барча ёрдамчилар эса олти раҳнамо ҳамда «Дўстлар»нинг қариндошлари интиқом олишидан қўрқарди.

Икковининг ҳам олтин тўқаси бўлиб, унда шер ва бургут тасвири ўйиб ишланган эди. Гильянонинг камарида оғир тўппонча солинган ғилоф осилиб турар, бор-йўқ қуроли шундан иборат эди. Бармоғида бир неча йиллар бурун герцогинядан олинган зумрад узук. Пишотта қўлида автомат ушлаб олган. Касаллик ва ҳаяжонланганидан унинг ранги оқариб кетган. Гильянонинг ўч олишни кечиктириб юборгани аччиғини чиқарган эди Пишоттанинг. У эса хатти-ҳаракатлар

сахнасини диққат билан кўздан кечирар, буйруқлари амалга ошганига ишонишни истарди. Одамлари ярим доирани шундай ташкил этгандики, мафия сардорлари чекинишни истаганида, ўтиш жойидан чиқиб кетишлари мумкин эди. Бироқ улар тумтарақай қочиб кетишса борми, ҳурмати йўқолади ҳамда таъсир кучининг анчайин катта қисмидан маҳрум бўлишади: деҳқонлар қўрқмай қолишади. Гильяно дон Сиано тарғил отини олдингидек девор томонга ҳайдаганини кўриб қолди, қолганлари ортидан эргашиди. Йўқ, улар қочмайди.

Шахзода Оллорто саройнинг эски минораларидан бирида туриб рўй бераётган воқеаларни узун дурбиндан кузатар, бу қувур астрономик кузатувлар учун хизмат қиларди. У энди Гильянонинг юзини аниқ-тиник кўра оларди... Оллорто ўзининг қилиқлари учун уяларди. Ахир ватандошларини яхши билади ва тушунади: ҳозир нимаики рўй берса, барчаси унинг виждонига ҳавола. Бу олти кишига ҳақ тўлаган, улар Оллорто учун курашиб кўради. Шу пайтгача бу ерда деҳқонларни қўркув ичида сақлаганлар. Аммо ҳозир улар қаршисида қасос олувчи фаришта каби Гильяно пайдо бўлди. Шахзодага худди қуёш қорайиб кетгандек туюлди.

Гильяно олти чавандоз қатнаб юрган сўқмоққа яқин келди. Уларнинг бари семиз, пакана бўлиб, отлари аста-секин бир маромда юрарди. Вакт-вақти билан дандонли оппоқ девор ёнидаги сули ғарамига бориб, отларини озиқлантиришарди. Жониворлар ташвиши шу билан поёнига етарди...

Тури Гильяно сўқмоқ йўлнинг энг чеккасида турарди, Пишотта ундан бир қадам ортда эди. Олти нафар чавандоз бу томонга ҳатто бурилиб ҳам қарамади,

тўхташ тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Уларнинг юзида тушуниксиз ифода зоҳир эди. Гарчи ҳар бирининг елкасида милтиқ бўлса-да, бирортаси ҳам олишга уринмади. Гильяно кутарди. Чавандозлар уч марта унинг ёнидан ўтишди. Гильяно бир қадам орқага чекинди-ю, Пишоттага астагина:

– Уларни отдан тушириб, ҳузуримга олиб кел, – деди.

Шундан сўнг сўқмоқни кесиб ўтиб, қўрғонни ўраб турган деворга суянди.

У шу онда, деворга тиралган чоғида машъум чиқиқни босиб ўтгани, ҳозир тақдир ниманики ҳал этган бўлса, ўшани амалга оширишини англади. Лекин на шубҳа-гумон, на ташвиш-безовталиқни ҳис этди, фақат бутун дунёга нисбатан совуқ нафратни қалбида туйди. Бу олти нафарнинг ортида дон Кроченинг улкан сумбати тургандай эди. Тури ана шу одам ўзининг асосий душмани эканлигини билди. Бундан ташқари Гильяно доим ёрдам беришга интиланган деҳқонларга нисбатан қаҳр-ғазабга тўлди. Улар нима учун бу қадар қўрқоқ ва итоаткор? Шунингдек, оч-наҳор, ниҳоятда ночор кийинган кишиларга раҳм-шафқат ҳисларини туйди, шу боис уларни руҳлантириш учун саломлашган каби қўлини силкитиб қўйди. Аммо оломон орасидан бирор товуш эшитилмади. Шу лаҳзада у Сильвио Феррани эслади, агар у бўлганида, эҳтимол, бу одамларни жонлантирарди.

Энди вазиятни Пишотта бошқармоқда... У бошини олтига ҳайкал томонга буриб, ўлим келтирувчи машъум назар билан қаттиқ тикилиб қаради. Улар ёнидан ўтар экан, дон Сианонинг айғири тўғридан-тўғри оёғини босиб кетгандай бўлди.

Пिशотта бир қадам орқага чекинди. У Терранова, Пассатемпо ва Сильвестрога бош ирғади, улар шу за-

хоти ярим доира бўлиб тизилиб турган қуролланган эллик нафар кишига, ниқобланган одамларга отилишди. Тезда олға силжиб, бўш қолдирилган жойни тўсиб олишди. Мафия сардорлари эса йўлида давом этар, гўё ҳеч нимани сезмагандай кўринишда эдилар... Шундай қилиб, улар биринчи раундни ютқазди. Энди Гильяно олдида охирги қадамни босиш керакми, йўқми, шуни ҳал этиш кўндаланг турарди.

Пишотта дон Сианонинг йўлини тўсди ва унга буйруқ тарзида ишора қилди... Лекин дон Сиано тўхтамади. От бир томонга сапчиди, лекин чавандоз югани қаттиқ тортиб, Пишоттага чанг солди, агар у ўзини четга олмаганида оёғи осмондан келиб йиқилиб тушиши муқаррар эди. Пишотта ваҳимали даражада истеҳзоли илжайди-да, донга эгилиб таъзим қилди. Сўнг олға ташланиб, шундай туриб қолдики, чавандознинг елкаси ва жониворнинг қорни шундоқ олдида бўлиб қолди, автоматни отнинг тарғил сонига тўғирлади-да, тепкини босди..

Қон отилиб, ҳавода минглаб зарралар аралаш-қуралаш бўлиб, ёпишқоқ ичак-чавоқ бўлаклари сочилди. Ўқлар ёмғири отнинг оёғига тегиб, уни қулатди. Дон Сиано тулпор остида қолди. Гильянонинг тўрт одами уни отнинг остидан тортиб, қўлини орқага қайириб боғладилар. От ҳамон ҳансираб нафас олар экан, Пишотта уни азоб чекишдан халос қилди – бошига бир неча бор ўқ узди.

Оломон орасида даҳшат ва шод-хуррамлик садолари кўтарилди. Гильяно ҳамон филофидан тўппончани олмай, девор ёнида қимирламай турар, қўлларини кўксида чалиштирган, бошқалар каби Аспану Пишотта буюғига ўзини қандай тутишини кутиб тургандай кўринарди.

Беш нафар мафия сардори ҳамон отини гижинглатиб юришда давом этди. Ўқ товушларини эшитган отлари пишқириб, орқа оёқда тик турди, лекин чавандозлари дарров жilовини тортиб жониворларни тўхтатдилар. Улар ҳамон секин ҳаракат қилишарди. Пишотта яна йўлни тўсди. Тағин қўлини кўтарди. Биринчи бўлиб кетаётган Буччилла тўхтади. Унинг ортидан бораётганлар от жilовини кескин тортдилар.

Пишотта уларга қичқирди:

– Бу отлар ҳали оилаларингизга керак бўлади. Сўз бериб айтаманки, улар буни албатта олишади. Ҳозир эса шошилишингиз ва Гильянога ҳурмат бажо келтирмоғингиз лозим.

Унинг кучли, жарангдор овози оломонга қадар етиб борди. Узоқ давом этган жимлик чўқди, сўнг бешовлон отдан тушди. Улар оломонга қараб турар, қарашларида қаҳр ва нафрат намоён эди. Гильяно отрядидан йигирма киши алоҳида ажралиб, ярим доира ясаган, қўлларида милтиқларни шай тутган ҳолда мафия сардорларига яқин келишганди. Олти раҳнамонинг қўлларини орқага қайириб, яхшилаб боғлашди. Шундан сўнг барчасини Гильянонинг ҳузурига олиб келдилар.

Гильяно уларга бепарво назар ташлади. Қачонлардир Кинтана уни камситиб таҳқирлаган, ҳатто ўлдиришга уринган эди. Ҳозир эса ролларини алмаштирдилар. Шу ўтган беш йил мобайнида Кинтананинг юзи ўзгармаган – ҳамон ёввойи бўрининг афтини эслатади. Гарчи ҳозир юз ифодасида мафиянинг сурбетлигини сақлашга уринса-да, барибир кўзлари саросимага тушганини билдирар, нигоҳлари олма-кесак терарди.

Дон Сиано Гильянонинг юзига тик қарар экан, бўзарган кўкимтир юзи нафратни англатиб турарди.

Буччилла гўё енгил таажжубланган, гўё ўзини ҳеч нима тушунмагандай тутди, нега бундай муносабатда бўлишади – ахир унинг сира алоқаси йўқ-ку. Бошқа донлар эса ҳақиқий «ҳурматли одамлар» сифатида Гильянонинг хотиржам ва вазмин нигоҳига тўқнаш келишди. Гильяно уларнинг ҳар бирининг нуфузини билар, айримларидан, айниқса дон Сианодан ёшлигидан буён қўрқарди. Ҳозир бу одамларни бутун Сицилия олдида таҳқирлади, ерга урди, энди улар ҳеч қачон кечирмайди. Бир умр ашаддий душманига айланишади. Гильяно бу раҳнамоларга қандай ёндашиш кераклигини билар, шунингдек, ҳаммаси суюкли эр ва ота, болалари оғир йўқотишни бошларидан кечиршини ҳам англай эди. Улар асло қўрқмай, мағрур қараб туришарди. Нима ҳақида ўйлаётганлари очиқдан-очиқ маълум. Майли, Гильяно ўз хоҳишига кўра иш кўраверсин, фақат ҳадди сиғармикан? Дон Сиано у томонга қараб тупурди. Гильяно навбат билан олтовлоннинг ҳар бирининг юзига тикилиб чиқди.

– Тиз чўкиб, ибодат қилинглар, – деди у.

Лекин уларнинг бирортаси ҳам қимирламади.

Гильяно бурилиб, нариги томон кетди. Олти нафар мафия сардорининг сояси оппоқ тош деворга тушди. Гильяно одамларининг олдигача бориб, сўнг бурилди. Баланд овозда оломонга яхши эшитилиши учун илтифот ила шундай деди:

– Парвардигор ва Сицилия номи ила сизларни ўлим жазосига ҳукм этаман.

Ва Пишоттанинг елкасига туртди.

Шу лаҳзада дон Маркуцци тиззалашга ҳозирланди, лекин Пишотта ўқ узиб бўлганди. Пассатемпо, Терранова ва капрал ҳамон ниқобда қолиб, худди шундай қилишди. Автомат ўқлари қўли орқасига

боғланган олти нафар кишини деворга парчинлаб ташлагандай бўлди...

Шаҳзода Олорто ўз саройидаги баланд минорада турган телескопдан тескари ўгирилди. Шу боис буёғига нималар рўй берганини кўра олмади.

Гильяно олдинга чиқиб, деворга яқинлашди. У ғилофдан оғир тўппончасини чиқариб, аста-секин алоҳида-алоҳида тарзда мафиянинг олти сардори гарданига ўқ узиб чиқди.

Оломон қудратли бўғиқ фарёд чиқарди ва минглаб одамлардан иборат оқим шаҳзода Олорто мулки дарвозасига ёпирилди. Гильяно оломонга назар ташлади. Ундан бирор одам чиқиб, ўзига яқин келмади.

1949 йилнинг пасха тонги ажойиб кўринарди. Бутун орол гулларга бурканган, Палермода кўз кўрмаган рангин бўёқлар шиддати балконларда намоён. Гуллар катта ёни тик ёғоч бочкаларда ўсар, қизил, яшил ва оппоқ ҳолда тирқишлардан чиқиб, йўлакларга осилган, ҳатто нозик новдалар эски черковлар девори тирқишидан бўй чўзарди. Одамлар тўдаси шаҳар кўчаларидан Палермо ибодатхонаси томон оқиб борарди. Соат тўққизда байрам ибодати бошланди, маросимни ўз вақтида шахсан кардиналнинг ўзи бошқарди. Шу боис қўшни қишлоқлардан бу ерга аҳоли эғнига қора мотам костюмини кийиб, аёллари ва болалари билан келар, уларнинг ҳар бирини пасха табриги билан қарши олишарди: «Ал-Масиҳ қом!»

Тури Гильяно шунга мувофиқ жавоб қайтаради: «Унинг номи ярлақасин». Гильяно ва ўртоқлари Палермога тун арафасида ёпирилиб келишди. Хаммалари қора рангли сипо костюмда. Фақат пиджаклар эмин-эркин, кенг ва ён томони дўппайган, ҳар бир ғилофда тўппонча-автомат осилиб турарди. Гильяно

Палермони яхши билади, кейинги олти йил давомида бу ерга тез-тез ташриф буюради. У бирор-бир бадавлат аслзодани ўлдириш ёки ресторанда овқатланиш учун келар, кетаётганида ликопча тагида ножоиз сўз ёзилган мактуб қолдирарди.

Бундай ташрифлар чоғида Гильяно ҳеч нарсадан асло қўрқмасди. Унга кўчада ҳамиша капрал Канио Сильвестро ҳамроҳлик қиларди. Тўртта тансоқчи кўчанинг нариги томонидан юрар, иккитаси – йигирма қадамча олдинда, икки нафари – худди шунча масофада орқадан борарди. Яна икки тансоқчи кузатиб одимларди. Агар карабинерлар Гильянонинг хужжатларини текшириш учун тўхтатишса, уларни ҳеч бир қийинчиликсиз отиб ташлашарди. Борди-ю, Гильяно ресторанда пайдо бўлса, кўпгина столларда аллақачон қўриқчилари ўтирган бўларди.

Ўша куни эрталаб Гильяно ўзи билан эллик одами-ни, шу жумладан, Аспану Пишотта, капрал ва Террановани шаҳарга олиб келди. Пассатемпо ва Стефан Андолини лагерда қолишди. Гильяно ва Пишотта қирқ киши ҳамроҳлигида ибодатхонага киришди, ўн одам эса капрал ва Терранова бошчилигида ибодатхона ортидаги машинада қолди.

Кардинал ибодат куйини бошқарар, унинг олтин юритилган оппоқ либоси, кўксидаги катта хоч ва ажойиб овози энг дахлсиз табаррук ҳаяжон олдидан ҳурмат-иззатни ҳис этмоқни тақозо этарди. Ибодатхонани Исо Масих ва Биби Марямнинг ажойиб ҳайкаллари безаган эди. Гильяно қўлини махсус идишдаги табаррук сувда чайди, идишда Исо Масихнинг изтироблари тасвирланган эди. У тиззалар экан, тепада улкан гумбазда минглаб қизил авлиёлар тасвирига кўзи тушди.

Гильянонинг дўстлари меҳроб ёнидаги девор томондан жой олишганди. Барча ўриндиқлар қоп-қора кийинган деҳқонлар ва пасха либосларига бурканган деҳқонлар билан банд этилган эди. Гильяно Биби Марямнинг авлиёлар билан турган машҳур ҳайкали ёнида қолганини пайқади, бир лаҳза унинг чиройига маҳлиё бўлди.

Муножот сўзлари, руҳонийларнинг куйлаши, ибодат қилаётган кишиларнинг жўр бўлиши, экзотик гулларнинг меҳробда товланиши, ибодатнинг тартиб билан адо этилиши – булар Гильянога ўз таъсирини ўтказди.

Гильяно Пасха маросимида бундан беш йил муқаддам, уни сартарош Фризелла сотиб қўйганида қатнашган эди... Энди эса манови хоин ва ёлғончи кардинал ваъдасини бузиб, Гильянонинг душманига айланди. У улкан ибодатхонада қанчалик ажойиб тарзда куйламасин, ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди. Парвардигор олдида Гильянонинг шафқатсизлиги учун ҳадеб тавба қилдиришга мажбур этиш етармикан энди? Наҳотки Худо кардинални доим кечираверса? Гильяно уни хоинликда айблаб, истиғфор келтиришга мажбур эта олармикан? Ибодат охирига етай деб қолди, одамлар муқаддас сувдан баҳраманд бўлиш учун меҳробга яқин келишди. Гильянонинг хос кишиларидан кимдир тиззалаб ўтириб олди.

Исо Масиҳнинг тирилишидан умид боғлаган ва гуноҳларидан pokланган зиёратчилар қувноқ ҳолда Палермо кўчалари бўйлаб ибодатхона майдонидан тарқаб кетишди. Кардинал тахт сари юриб, хизматкор узатган, ибодат пайтида киядиган баланд митрани бошига қўндирди. Бу либосда кардиналнинг бўйи анча чўзилгандай кўринар, аммо зарҳал иплар билан тикилган бош кийим – митра унинг қўпол юзида тақ-

водорликка нисбатан кўпроқ куч-қудратидан дарак бериб турарди. Руҳонийлар ҳамроҳлигида кардинал ибодатхонадаги тўртта мўъжаз бутхонани анъанавий кўриб чиқишга киришди.

Биринчи бутхонада Рожер I, иккинчисида император Фридрих II, учинчисида Генрих VI ва охиргисида Фридрихнинг хотини Констанция хоки ётарди. Уларнинг оқ мрамардан тайёрланган дахмасини ноёб гўзал нақшлар беаган. Бу ерда Палермо ҳомийси бўлган авлиё Розалиянинг минг фунтли ҳайкалчаси қўйилган ҳамма жойи кумушдан тикланган яна бир бутхона бор эди. Авлиё Розалия кунда бу ҳайкални шаҳар кўчалари бўйлаб кўтариб юришган. Палермонинг барча архиепископлари мазкур бутхонада дафн этилган, кардинал ҳам ўлимидан сўнг шу ерда кўмилади. У ибодат учун тиззалаб ўтирди. Гильяно ўз одамлари билан кардинални ўраб олди, бутун мулозимлари ҳам зич қуршовда қолди. Кардинал ҳеч кимни ёрдамга чақира олмаслиги учун бир неча одам бутхонадан чиқиш жойини беркитди.

Кардинал нима гаплигини аниқлаш учун ўрнидан турди. Ва шунда Пишотгани кўриб қолди. Унинг юзини эслади. Тўғри, ўшанда Пишотта бошқача эди. Ҳозир эса кардинал қаршисида унинг жонини олишга тайёр иблис турарди.

– Руҳоний жаноби олийлари, – мурожаат қилди Гильяно, – сиз менинг асиримсиз. Айтганимдай қилинг, шунда ҳеч ким тегмайди. Сиз Пасха маросимини менда, тоғда ўтказасиз ва ваъда бериб айтаманки, овқат тановули у ерда саройдагидан кам бўлмайди.

– Сен Парвардигор ибодатхонасига қуроолланган одамларни олиб киришга журъат этдингми? – қаҳр-ғазабга тўлиб қичқирди кардинал.

Гильяно кулиб юборди – илоҳий ҳаяжондан заррача из қолмади, унинг ўрнини ҳозир юз берадиган воқеалардан келиб чиқадиган қувончли мамнунлик эгаллади.

– Мен кўпроқ сўзингизнинг устидан чиқмадингиз, деб сизга таъна қилишга журъат этаман, – деди у. – Мени ва дўстларимни авф этишга ваъда берган эдингиз, аммо сўзингиздан қайтдингиз. Энди эса сиз ва черков бунинг учун жавоб берасиз.

Кардинал бош чайқади.

– Мен бу муқаддас гўшадан бир қадам ҳам жилмайман. Агар журъат этсанг, мени ўлдир – бутун дунёнинг қарғишига қоласан.

– Мен аллақачон бундай шарафга муяссар бўлганман, – деди Гильяно. – Агар айтганимни қилмасангиз, куч ишлатишимга тўғри келади. Даставвал мен барча руҳонийларни отиб ташлайман, сўнг оёқ-қўлингизни боғлаб, оғзингизни беркитаман. Агар итоат этиб мен билан бирга кетсангиз, ҳеч кимга зарар етмайди, бир ҳафтадан сўнг ибодатхонангизга қайтишингиз мумкин.

Кардинал чўқинди ва Гильяно кўрсатган эшикка қараб йўл олди. Эшикдан ташқи ҳовлига чиқиларди, у ерда отряднинг қолган одамлари кардиналнинг машинасини ҳайдовчиси билан аллақачон олиб келишганди. Улкан қора автоулов пасха гулчамбарлари билан безатилган, радиаторнинг икки томонида черков князи байроқчаси ҳилпираб турарди. Гильянонинг одамлари бошқа руҳонийларнинг ҳам машинасини келтиришганди. Гильяно кардинални машинага олиб кирди-ю, ёнма-ён ўтирди. Яна икки киши салонга ўтиришди, Пишотта эса олдинда, ҳайдовчининг ёнида ўтирди. Кортеж шаҳар бўйлаб йўлга тушди, карабинер патруллар уларни тўсмай, честь беришарди.

Гильяно кардиналга уларга жавобан қўл кўтаришини буюрди. Йўлнинг бўш, яланглик қисмида кардиналга машинадан тушишга буйруқ берилди. Бу ерда уларни Гильянонинг бошқа гуруҳ одамлари кутиб турарди, уларнинг қўлида кардинал учун замбил бор эди. Машина ва ҳайдовчиларни қолдириб, гуллар уммонига бурканган тоғларга чиқиб, кўздан ғойиб бўлдилар.

Гильяно сўзида турадиган одамлиги ойдинлашди: Каммарати тоғи ғорларида кардиналга унинг саройидан асло кам бўлмаган тушлик тортиқ қилинди...

Итальян газеталари аччиқланганидан телбаланиб қолаёзди. Айни дамда сицилияликлар бир-бирига қарама-қарши икки ҳис-туйғу қаршисида қолишганди: бири дин таҳқирланганидан даҳшатга тушиш, иккинчиси карабинерларни аҳмоқ қилиб, ҳаддан зиёд гуноҳи азимга ботиш, шод-хуррам бўлиш. Лекин шу билан бирга Римни алдашга муваффақ бўлган сицилиялик Гильяно учун улкан фахрланиш туйғуси ҳам бор – энди у энг йирик «хурматга сазовор» кишилардан бирига айланган эди.

Умуман, Гильяно кардиналдан нимани истайди ўзи, – деб ўйларди барча, – қанақа гаров? Жавоб ўз-ўзидан тайёр эди: жуда улкан гаров.

Муқаддас черковнинг вазифаси – қалб ва эътиқод тўғрисида ғамхўрлик қилса-да, ҳеч қачон майда-чуйда савдо битимлари даражасида пасайиб кетмаган: майли, бу иш билан помешчик ва бадавлат савдогарлар шуғулланаверишсин. Ва черков дарҳол юз миллион лира гаров ҳақи тўлади. Шунга қарамай, Гильяно яна битта мақсадни кўзда тутган эди.

– Мен оддий деҳқонман, – деди у кардиналга, – илоҳий донишмандликдан беҳабарман. Лекин ҳаётимда бирор марта сўзимнинг устидан чиқмай, хиёнат қил-

маганман. Сиз эса, католик черков кардинали, барча хочлар ҳаққи-ҳурмати, мени шундай алдадингизки, ҳатто мажусий бутпараст мавр ҳам тирноғингизга арзимайди. Муқаддас мартаба сизни қутқариб қолишидан асло умид қилманг.

Кардинал тиззаларига титроқ кирганини ҳис этди.

Гильяно сўзини давом эттирди:

– Лекин сизнинг омадингиз келди. Менга яна бир иш туфайли керак бўласиз. – У кардиналга ўзининг васиятини ўқиш учун берди.

Ҳаёти хавф-хатардан холи эканлигини англаган кардинал васият жамланган ҳужжатларни кизиқиш билан кўздан кечиришга киришди. Бир пайтлар Пишоттага топширган ўзининг мактубини кўргач чўқиниб қўйди.

– Менинг азиз кардиналим, – деди Гильяно. – Бу ҳужжат тўғрисида диний арбоблар, руҳонийларга ва вазир Треццага гапириб беринг. Кўрдингизми, насроний демократлар ҳукуматини гумдон қилишга кучим етади. Агар мен ўлсам, сиз соғ қолмайсиз. Васият ишончли жойда яшириб қўйилади. Кимки сўзларимга шубҳаланса, майли, душманларимдан қай тариқа ўч олишимни дон Крочедан сўраб кўрсин.

Кардинал ўғирланган кундан бир ҳафта ўтиб, Венера Гильянони ташлаб кетди.

Уч йил ерости йўли орқали унинг уйига қатнади. Аёлнинг тўшаги илиқ ва майин эди. Венера ундан ҳеч қачон шикоят қилмас, ҳеч қачон бирор нарса сўрамасди, Гильянога яхши бўлса, шунинг ўзи кифоя эди.

Лекин ўша оқшом барчаси бошқача тарзда кечиб, ўзгариб кетди. Улар одатдагидек ишқ-муҳаббат домига гирифтор бўлишди, сўнг бирдан аёл Флоренцияга, қариндошлари ҳузурига кетишга қарор қилганини айтди.

– Менинг юрагим хаста, – деди Венера. – Сенинг хаётинг учун кўрқавериб, кучим қолмади, эсим оғиб қолай деяпти. Доимо сени кўз ўнгимда ўлдиришаётгани тушларимга киради. Ахир карабинерлар эримни уйим олдида ваҳший ҳайвонни ўлдиришгандай отиб ташлаган эдилар-ку. Танаси бир халта қонли лойга айлангунча отаверишди, отаверишди. Сен билан ҳам худди шундай бўладигандек тушларимга кирасан. – Аёл Гильянонинг бошини кўксига қўйди. – Қулоқ сол, юрагим қандай ураётганини эшит.

Ва Гильяно қулоқ солди. Уни муҳаббат ва раҳм-шафқат туйғуси батамом қуршаб олди, чунки тартибсиз юрак зарбларини эшитган эди... Аёл йиғлар, Гильяно эса унинг қалин қоп-қора сочларини силарди.

– Сен илгари сира кўркмас эдинг, – деди Гильяно. – Ахир ҳеч нарса ўзгармади-ку.

Венера зўр бериб бош чайқади.

– Тури, сен ҳаддан зиёд бепарво одамга айландинг. Ўзингга душманлар, хавфли душманлар орттирдинг. Дўстларинг сендан хавотирда. Кимдир эшигини тақиллатса, онангнинг ранги оқариб кетади. Эртами, кечми, сен билан нимадир бўлади.

– Ахир мен сира ўзгарганим йўқ-ку, – деб эътироз билдирди Гильяно. Венера яна йиғлаб юборди.

– Йўқ, Тури, сен ўзгаргансан. Энди осонлик билан бемалол ўлдираверасан. Мен шафқатсиз одамга айландинг демоқчи эмасман, шунчаки ўлимга нисбатан ҳурматинг йўқолган.

Гильяно чуқур хўрсинди. У ўзи учун аёлнинг кўрқаётганига амин бўлди ва нима сабабдандир чуқур қайғуга ботди.

– Хўп, ундай бўлса кетавер, – деди у. – Флоренцияда бемалол яшашинг учун сенга пул бераман. Бирор вақт

келиб, буларнинг бари ниҳоясига етар. Ўлдиришга тўғри келмас. Ўзимнинг режаларим бор. Ахир тоғларда умрбод қолмайман-ку! Онам тунлари хотиржам ухлайди ва биз, барчамиз бир жойда бўламиз.

Аёл унга ишонмаётганини кўрди.

Эрталаб кетиш олдидан улар яна кучли эҳтирос билан ишққа берилдилар, бу сўнгги марта эди.

Йигирма иккинчи бўлим

Гильяно шу пайтгача бирор сиёсий ёки давлат арбоби амалга ошира олмаган ишни уддалади. У Италиянинг барча сиёсий партияларини ягона умумий мақсад йўлига – Гильяно ва унинг отрядини йўқотиш учун бирлаштиришга эришди.

1949 йил июлда вазир Трецца журналистларга алоҳида беш минг нафарлик карабинерлар отряди тузилганини маълум қилди. У босқинчиларга қарши курашиш бўйича махсус отряд деб номланди, бунда Гильянонинг номи тилга олинмаган эди. Ҳукумат ҳамма машмаша бир инсон туфайли бўлаётганини ошкор қилишни истамади, шунга қарамай газеталар тез орада ҳаммасини ўз номи билан атай бошлади. Улар насроний-демократик партияни маъқуллади ва шундай қатъий қадам қўйганини эътироф этиб, уни олқишлади.

Бутун матбуот беш минг кишилик армияни тузган вазир Треццанинг ташаббуси ва тезкорлигидан ҳайратда қолганини айтиб чарчамасди. Бу қўшинни фақат бўйдоқлар ёлланиб тўлдиради, уларнинг ортида бева қолмайди ва оиласига ҳеч қандай хавф таҳдид солмайди. Отрядга десантчилар, парашютчилар қа-

бул қилинади, уларга пиёда аскарларни олиб юришга мўлжалланган зирҳли машиналар, артиллерия, ҳатто самолётлар берилади. Хўш, қандайдир рўдапо босқинчи шундай забардаст кучга қарши тура олармиди? Отрядга иккинчи жаҳон урушининг номи чиққан қаҳрамонларидан бири Лука бошчилик қилади, у афсонавий немис генерали Роммел билан бирга жанг қилган. Бу одам партизан урушларини олиб бориш усулларини бағоят яхши ўзлаштирган, газеталар уни Италия саҳролари тепакали деб тилга оларди. Сицилия қишлоғидан чиққан, турмуш тажрибасидан беҳабар Тури Гильяно Луканинг ҳарбий санъати ва тактикасини қаердан билсин!

Газеталар йўл-йўлакай Федерико Веларди Сицилия хавфсизлик хизмати бошлиғи этиб тайинланганини эслатди. Назоратчи Веларди тўғрисида деярли ҳеч нарса маълум эмасди, вазир Треццанинг ўзи уни полковник Лукага ёрдам бериши учун танлаб олди.

Мазкур воқеалардан роппа-роса бир ой муқаддам дон Кроче билан вазир Трецца ҳамда Палермо кардинали ўртасида ҳал қилувчи учрашув бўлиб ўтган эди. Кардинал Гильянонинг васияти ҳақида ахборот етказди.

Вазир Треццанинг ўтакаси ёрилгудек бўлди. Бу васият отряд вазифасини адо этгунга қадар йўқ қилинмоғи шарт. У отрядни ташкил этиш ҳақидаги буйруқни жон деб бекор қилиши мумкин, аммо сўл партиялар ҳукумат Гильянони эркалатиб юборяпти деб қичқирганча босим ўтказарди.

Дон Кроче учун васият қўшимча қийинчиликлар туғдирди-ю, аммо унинг қарорини ўзгартирмади. Олти нафар мафия сардорининг ўлими танловга йўл қолдирмасди – Гильянони ўлдириш керак. Лекин

Гильяно «Дўстларнинг дўсти» ёки доннинг қўли билан ўлмаслиги лозим. У халқнинг севимли қаҳрамони ва, ҳатто «Дўстларнинг дўсти» бундай жиноят қилмайди. Гильянонинг ўлими бутун бошли Сицилиянинг унга нисбатан нафратини ошириб юборади.

Бироқ шу билан бирга дон Кроче ҳар қандай ҳолатда ҳам Треццанинг хоҳишларига қўниши зарурлигини англади. Ахир у шу одамнинг Италия бош вазири бўлишини истайди-ку! Ва вазирга шундай деди:

– Биз қандай ҳаракат қилишимиз кераклигини айтман. Албатта, бошқа йўлингиз йўқ: сиз Гильянони овлашга киришингиз лозим. Аммо мен васиятни йўқ қилмагунча уни ўлдирмасангиз яхши бўларди. Кафолат бериб айтаманки, мен васиятномани йўқ қилман.

Вазир маъюс ҳолда бош ирғади. У алоқа тизими тугмасини босди ва буйруқ оҳангида деди:

– Нозирни ҳузуримга юборинг.

Бир неча дақиқадан сўнг хонага баланд бўйли совуқ кўккўз киши кириб келди. Қадди-қомати расо, башанг кийинган, аслзодаларга хос нафис юзли.

– Бу нозир Фредерико Веларди, – деди вазир. – Айни дамда уни Сицилия хавфсизлик хизмати бошлиғи ва-зифасига тайинлаш тўғрисида эълон қилмоқчи эдим. Велардини ўша ёққа юбораман, мунтазам равишда отряд командири билан алоқада бўлиб туради. – У бу ердагиларни бир-бирига таништирди, шундан сўнг Велардига васиятнома муносабати билан юзага келган муаммо ва унинг насроний демократлар ҳукуматига таҳдид солиши мумкинлигини изоҳлаб берди.

– Қадрли нозир, – деб гапини давом эттирди вазир. – Дон Крочени менинг Сицилиядаги шахсий вакилим деб ҳисобга олишингизни сўрайман. Сиз худди мен-

га топширганингиз каби унга ҳам ҳар қандай қизиқтирадиган ахборотларни беришингиз мумкин. Сиз мени тушуняпсизми?

Бу одатдан ташқари илтимоснинг туб маъносига етиш учун нозирга бир оз вақт керак бўлди. Ниҳоят унга етиб борди. Демак, Гильянога қарши ҳужум қиладиган армиянинг барча режалари хусусида дон Крочега ахборот етказиб туриши керак. Ўз навбатида Дон Кроче ушбу маълумотларни Гильянога етказди – вақтида ғойиб бўлиши учун, демак, дон токи гумдон қилиш зарур деб ҳисобламагунча.

– Мен барча маълумотларни дон Крочега беришим керакми? – деб сўради назоратчи Веларди. – Аммо полковник Лука аҳмоқ эмас, у тезда ахборотнинг чиқиб кетишидан шубҳаланиб, менинг ҳузуримда ўз режаларини тўла-тўқис муҳокама қилмаслиги мумкин.

– Агар сизда бирор қийинчилик пайдо бўлса, уни мен билан боғланг, – деди вазир. – Асосий вазифангиз – васиятномани қўлга киритиш ва иш охирига етмагунча Гильяно эркинликда соғ-саломат, заҳмат кўрмай юриши лозим.

Назоратчи совуқ кўк кўзлари билан дон Крочеганигоҳ ташлади.

– Бахтли бўлиш яхши, – деди у. – Лекин мен бир нарсани тушунишим керак. Агар Гильянони васиятнома йўқолгунча тутиб олишса, қандай иш тутаман?

Дон Кроче дангалини айтди-қўйди: ахир у давлат амалдори эмас ва очик гапираверади:

– Бу асло тузалмас кулфат бўлади.

Газеталар Лукадек инсоннинг босқинчиларга қарши кураш бўйича махсус отрядга командир бўлиб тайинланганини қутладилар. Унинг ҳарбий таржимаи ҳолидан бирорта тафсилот тушиб қолмади: жасурли-

ги учун медаль соҳиби, муваффақиятсизликка тоқат қила олмайдиган дохиёна тактикалар устаси, оғир-вазмин, ўзини тута оладиган киши...

Ишга киришишдан олдин полковник Тури Гильянога оид барча маълумотларни ўрганди. У ўз кабинетида турли хабарлар солинган, эски газета қийқимларидан иборат папкаларни титкилаб ўтирганида, хонага вазир Трецца кириб келди. Вазирни Луканинг ўз армияси билан Сицилияга қачон жўнатиши қизиқтирарди. Полковник юмшоқ қилиб, даставвал одамларни қанча вақт талаб қилмасин, танлаши зарурлигини айтди. Гильяно барибир ҳеч қаякка кета олмайди.

Маълумотларни бир ҳафта давомида ўрганган полковник Лука аниқ хулосага келди. Тури Гильяно – даҳо, у ўзига хос усулда партизанлар урушини олиб боради. Ҳаммаси бўлиб йигирма кишидан иборат энг яқин одами бор. Жумладан, отряддаги иккинчи одам – Аспану Пишота, унинг шахсий тансоқчиси Канио Сильвестро ва разведка бошлиғи, айни пайтда дон Кроче ва мафия билан алоқа ўрнатадиган киши – Стефан Андолини. Терранова ва Пассатемпо ўз отрядларига эга бўлиб, Гильянодан мустақил ҳолда ҳаракат қилишлари ҳам мумкин. Бундан бошқа ҳолларда ҳамкорликда операция ўтказишади. Терранова одамларни ўғирлаш, Пассатемпо поезд ва банкларга ҳужум уюштириш билан машғул.

Полковникка Гильянонинг бутун отряди уч юз нафар кишидан ошмаслиги ойдинлашди. Ахир шундай бўлса, у бутун бошли олти йил давомида қандай жон сақлаб турганидан полковникнинг ҳайрати ошди. Шунча муддат карабинерларни қандай қилиб ҳудудда доимий қўрқувда тутган ва Сицилиянинг шимоли-ғарбида тўлақонли хўжайин бўлишга эришган?

Бутун бошли тоғ тизими ҳукумат аскарлари томонидан синчиклаб текшириб чиқилганида, унинг ўзи ва одамлари қай тарзда омон қолишни уддалайди? Афтидан, ҳар сафар Гильянода одамлар етишмай қолса, сицилиялик деҳқонларни ёрдамга чақирган. Ҳукумат аскарлари тоғни душмандан тозалаш мақсадида ора-лаб чиққанидан сўнг бу вақтинчалик қароқчилар ўз қишлоқлари ва фермаларига қайтиб, одатдаги деҳқонларга айланардилар. Демак, кўринадикки, Монтелепре аҳолисининг аксар қисми унинг отрядига яширинча аъзо бўлади. Лекин Гильянонинг энг афзал томони довруқ қозонгандир: ким ҳам уни сотиб хиёнат қиларди! Аммо Гильяно инқилобга даъват қилса, минглаб деҳқонлар унинг байроғи остида туришига асло шубҳа йўқ.

Ва ниҳоят яна бир жумбоқ: Гильяно қандай қилиб кўринмас одамга айланади? Бир жойда пайдо бўлади-ю, зум ўтмай, гўё хавода эриб кетгандек йўқолади. Полковник Лука қанчалик кўп ўқиб, маълумотлар билан танишса, шунчалик ҳайрати ошарди. Ва тўсатдан тушунди: унга қарши дарҳол чора кўриши мумкин. Бир қарашда ўзига хос ҳеч нима йўқ, аммо ким билсин, келажақда у ҳали охириги ролини ўйнамаса керак.

Гильяно баъзан газеталарга ҳам ёзиб турар, унинг хатлари одатда шундай бошланарди: «Агар мен тўғри тушунган бўлсам, биз бир-биримизга душман эмасмиз, чунки сиз бу мактубни чоп этасиз». Шундан сўнг у ўзининг сўнгги мақсадли хатти-ҳаракатига муносабатини билдирарди. Полковник Луканинг фикрига кўра, биринчи жумлани таҳдид, мажбур этиш деб ҳисоблаш мумкин. Хатнинг қолган қисмини душман ташвиқоти, деса бўлади. Гильяно нега у ёки бу ўғир-

лик ёки талончилик рўй берганини изоҳлаб берар, қўлга киритилган пуллар Сицилия камбағалларига бўлиб берилганини таъкидларди. Карабинерлар билан қуролли тўқнашувдан сўнг агар ўлганлар маълум бўлса, дарҳол газетага мактуб юбориб, уруш қурбонсиз бўлмайди, деб тушунтирарди. Шу тариқа у карабинерларни тўғридан-тўғри урушмасликка чақирар эди. Яна бир мактуб олти нафар мафия сардорини қатл қилгандан кейин келди; хатда фақат шундан кейин деҳқонлар ерларни ижарага олиш имкониятига эга бўладилар, деб кўрсатилганди. Ваҳоланки уларнинг бунга ҳуқуқий ва ахлоқий қонунлар асосида ҳақлари бор эди.

Полковник Лука нега ҳукумат бундай хатларни чиқаришга йўл берди экан, деб ҳайрон бўлар, сира тушунмасди. У Гильянони халқдан ажратиб ташлаш учун вазир Треццанинг розилигини олиб, Сицилияда ҳарбий ҳолат жорий қилиш керак, деб ўйлади.

Лука яна бир маълумотни – Гильянога алоқадор аёлнинг номини билиб олишга ҳаракат қилди, аммо ҳеч нимани топа олмади. Гарчанд Гильянонинг одамлари Палермода фоҳишахоналарга кириб туриши, Пишоттанинг мутлақо хотинбоз деб ном чиқаргани ҳақида маълумотлар бўлса-да, Гильянонинг ўзи ана шу олти йил давомида гуноҳдан холи ҳаёт тарзини кечиргандек гўё. Италиялик бўлмиш полковник Лука бунга асло ишонмасди. Эҳтимол, Монтелепреда Гильяно алоқада бўлиб турган аёл бордир, агар уни топиб олишса, ишнинг ярми амалга ошарди.

Полковникни Гильянонинг онасига ғоят боғланиб қолгани қизиқтириб қолди. Гильяно умуман ажойиб фарзанд, аммо у онасига бутунлай, ҳаддан зиёд сажда қиларди. Полковник Лука буни ҳам ўзига белгилаб

қўйди. Агар Гильянода ҳақиқатан аёл бўлмаса, пис-
тирмага хўрак сифатида унинг онаси хизмат қили-
ши мумкин. Тайёргарликни тугатган полковник Лука
ёрдамчиларни танлашга киришди. Капитан Антонио
Перенцени ўзининг адъютанти ва тан қўриқчиси қи-
либ тайинлади. Гирдиғумдан келган бу бақалоқ киши
оққўнгил, хушфеъл эди, аммо полковник Лука унинг
ҳеч нарсадан тап тортмайдиган довюрак эканлиги-
ни биларди. Шундай ҳолатлар рўй бериши мумкин-
ки, полковникнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун унинг
довюраклиги ниҳоят зарур бўлади.

1949 йил сентябрда полковник Лука икки минг
одам билан кириб келди. У Гильяно учун шунинг ўзи
кифоя деб ҳисоблади, агар беш минг аскардан иборат
армия қарши турса, бу катта шон-шараф бўлади. Бор-
йўғи бир қароқчи бўлса, аслида-ку, уни аллақачон
гумдон қилиш керак эди.

Даставвал Лука Сицилия газеталарида Гильяно-
нинг хатларини чоп этишни ман қилди. Сўнг унинг
отаси ва онасини ўғли билан тил бириктирганлик-
да айблаб қамоққа олди. Ва ниҳоят Монтелепренинг
икки юздан ортиқ аҳолисини қамоққа олиш ва сў-
роққа тутиш бўйича буйруқ берди – уларни Гильяно
отрядининг махфий аъзолари бўлганликда айблади.
Ҳибсга олинганларни Палермо турмасига олиб бо-
риб қамашди, уларни полковник Луканинг одамлари
қаттиқ қўриқларди. Бу ҳаракатларнинг барчаси Мус-
солини давридан буён мавжуд, ҳозирга қадар бекор
қилинмаган қонунчиликка кўра амалга оширилди.

Гильянонинг уида тинтув ўтказилди ва махфий ер
ости йўллари топилди. Флоренцияда Венера қамоққа
олинди. Лекин дарҳол қўйиб юборишди, чунки у туй-
нук тўғрисида ҳеч нима билмаслигини айтди. Венера-

га ишонишгани учун ҳибсдан чиқаришмади, албатта. Озодликда юрса Гильяно уни албатта кўргани келишига назоратчи Веларди умид боғлаганди.

Италиядаги газеталар полковник Лукани осмонга кўтарди: ниҳоят жиддий кишилар топилар экан-ку! Вазир Трецца ўзи танлаган одамдан хурсанд бўлиб, шавқ-завққа тўлди, айниқса бош вазирнинг табригидан сўнг ғоят мутаассир бўлди. Лекин дон Крочега бу ҳеч қандай таассурот қолдирмади.

Гильяно биринчи ойда Луканинг хатти-ҳаракати ҳамда карабинерларнинг жойлашувини ўрганди. У полковникнинг Гильяно мактубини чоп этишни таққлаш билан боғлиқ ҳаракатидаги синчковликни сезиб, қойил қолди. Лука Гильянонинг шу йўл билан Сицилия халқига мурожаат этиш имкониятини йўққа чиқарган эди. Аммо полковникнинг Монтелепредаги айбдор ва бегуноҳ аҳолини ёппасига қамокқа ташлагани Гильянонинг нафратига сабаб бўлди. Ота-онаси ҳибсга олинганида вужудини ҳаддан зиёд қаҳр-ғазаб эгаллади.

Гильяно икки кун мобайнида Каммарати тоғларидаги ғоридан ташқарига чиқмади. У режалар тузар ва полковник Лука қўмондонлиги остидаги икки минг кишилик карабинерлар армиясига оид нимаики маълум бўлса, барчасини пухта ўйларди. Шулардан минг нафарга яқини Палермо ва унинг атрофида, Гильяно ота-онасининг олдида келиб, уларга ёрдам беришни кутишади. Бошқа минг нафари эса Монтелепре, Пьяни-деи-Гречи, Сан-Жузеппе-Ято, Партинико ва Корлеоне худудида жойлашган. Бу шаҳарчаларнинг кўпгина аҳолиси махфий тарзда унинг отрядига кирган ва борди-ю жанг бўлиб қолган тақдирда ўшаларга суяниши мумкин эди.

Полковникнинг ўзи ўқ ўтмайдиган, яқинлашиб бўлмайдиган жойга, Палермога ўз штаби билан ўрнашиб олди. Демак, уни ўша ерда алдов йўли билан қўлга киритиш керак.

Тури Гильяно кучли ғазаб остида тактик режалар туза бошлади. Бу худди болалар ўйинига ўхшаш оддий, аниқ математик чизмалар эди. Улар узлуксиз яхши иш беради, мабодо кутилмаганда омадсизликка учраса, ҳамма вақт тоғларда беркиниб, жон сақлаш мумкин. У ҳаммаси, ҳатто энг арзимас туюлган иш ҳам бенуқсон бажаришга боғлиқлигини англади.

Гильяно горга Аспану Пишоттани чақириб, ўйлаб қўйган режалари ҳақида айтиб берди. Кейин Пассатемпо, Терранова, капрал Сильвестро ва Стефан Андолинига маълумот бериб, ҳар бири бажариши лозим бўлган ишни аниқ тушунтирди.

Карабинерлар бутун ғарбий Сицилия бўйлаб Палермодаги асосий бош қароргоҳдан пул олишарди. Ақча ортилган фургон ҳар ойда бир марта кучли қўриқчилар қуршовида мазкур вилоятда жойлашган барча шаҳарлар қароргоҳ ва гарнизонларини айланиб чиқарди. Нақд тўлашарди; ҳар бир карабинерга конверт беришар, унда аниқ миқдорда катта ва кичик пуллар жамланган эди. Конвертларни ёғоч қутиларга жойлашар, кейин бир пайтлар Америка армиясида қурол-яроғ ташиш учун хизмат қилган юк машинаси кузовига қўйишарди.

Хайдовчи тўппонча, ёнидаги ғазначи эса милтиқ билан қуролланган. Фургон бир миллион лира пул юклаб Палермодан жўнар, олдинда уч разведкачи-жип (ҳар бирида пулемёт ва тўрт нафар аскар) ва изидан ўша заҳоти автомат ҳамда милтиқлар билан қуролланган йигирма нафар карабинер ўтирган юк

машинаси йўлга тушарди. Фургоннинг ортидан икки машина юрар, ҳар бирида олти нафар одам ўтирарди. Барча машиналар рация билан таъминланган, агар ёрдам керак бўлиб қолса, Палермо ёки карабинерларнинг яқин жойлашган казармалари билан боғланиш мумкин эди. Қароқчилар бундай қўриқчиларга хужум қилиши мумкин, деган хатарли ўй уларнинг хаёлига келмасди. Ахир бу ўз-ўзини ўлдириш билан баробар эди-да.

Карвон пулни ортиб эрталаб йўлга тушди ва дастлабки Томмазо-Натале деган кичкина шаҳарчада тўхтади. Ўша ердан Монтелепре томон борадиган тоғ йўлига равона бўлди. Кассир ва қўриқчилар кун узоқлигини билишар, шунинг учун тезда йўлга тушишди. Йўлда нон билан колбаса кавшаб, шиша идишдан вино ичишарди. Бир-бирларига ҳазил гаплар отишар ва кулишарди, олдинги жипларда ўтирган ҳайдовчилар қуроллари қўлларида ушламай, ташлаб қўйишганди. Лекин охириги довонни ошиб ўтишар экан, Монтелепре томон энаётганларида йўлда улкан қўйлар подасига дуч келишди. Асосий жипда кетаётганлар бу отарга аралашиб кетди: қўриқчилар қўлда тўкилган либос кийган чўпонларга бақира бошладилар. Аскарлар тезроқ салқин казармаларга тушиш, бирор иссиқ-илиқ овқат тановул қилиш, кийимларини ечиб, ўзларини тўшакка ташлашни сабрсизлик билан кутишарди, чунки тушлик пайти бошланган эди. Ёки манзилга етиб бориш керак. Ҳеч қандай хавф-хатар кўринмасди: ахир бу ердан бир неча миля нарида, Монтелепреда полковник Луканинг беш юз кишидан иборат гарнизони турарди. Улар денгиздай чайқалиб турган қўй отарлари орасидан пул ортилган фуригон келаётганини кўриб туришар, аммо у бир зумда тўх-

таб қолганини сезмай қолишганди – олдинда ҳеч қандай туйнук очилмади.

Чўпонлар кучлари борича уларга йўл бўшатишга уринишди. Улар шу иш билан шунчалик банд эдики, қўриқчиларнинг бақир-чақир, ҳақорат ҳамда кулгилари, сигнал овозларини эшитмай қолганга ўхшарди. Безовталиқ учун ҳеч қандай сабаб йўқ эди.

Тўсатдан фуғронни олти нафар чўпон ўраб олди. Улардан иккитаси курткаси остидан милтиқ чиқариб, ҳайдовчи ҳамда хазинабонни кабинадан суғуриб олишди. Иккала карабинерни ҳам қуролсизлантиришди. Бошқа тўртовлон пуллар солинган конвертлар қутисини олди. Бу операцияни Пассатемпо бошқарарди. Унинг ваҳшиёна тусдаги афту башараси ва қудратли гавдаси карабинерларга милтиқдан кўра кўпроқ қўрқув уйғотди.

Шу лаҳзада иккала томондаги қоялар йўлида жонланиш пайдо бўлди – пастга, улар қаршисига қўлларида милтиқ ва автоматлар тутган қароқчилар югуриб келишди. Энг охирида бораётган автомобилларнинг шинасига ўқ отиб тешилган эди. Биринчи бўлиб улар олдида Пишотта пайдо бўлди ва қичқирди:

– Дарҳол чиқинглар, қуролларни машинада қолдиринг, кечқурун Палермога бориб, кечки овқатни тановул қиласиз. Ўзингиздан қаҳрамон ясайверманг, сизларнинг пулларингизни олмаймиз-ку ахир.

Анча илгарилаб кетган аскарлар билан тўла юк машинаси ва учта разведкачи жип охириги тепалиқдан пастга эниб, Монтелепре йўлига тушиб олди, шунда катта зобит бирдан орқаларидан ҳеч қандай машина келмаётганини сезиб қолди. Йўлда эса қўйлар отари яна кўпайди, шу тариқа у қолган колоннадан тўла-тўқис кесиб қўйилди. Рация орқали жиплардан бирига

орқага қайтиш тўғрисида буйруқ берди. Қолганларга йўл четида бурилиб тўхташ ва кутишни ишора қилди.

Жип бурилиб, яна тепалик томон йўл олди. Йўлнинг ярмига етганида, уни милтиқ ва пулемётлардан узилган ўқлар қаршилади. Жипда ўтирган тўрт нафар аскарни ўқлар илма-тешиқ қилиб ташлади, ҳайдовчисиз қолган жип бошқарилмай қолди ва аста-секин соқчилар отряди томон эна бошлади.

Карабинерлар командири ўзининг жипидан сакраб тушди-да, юк машинасида ўтирган аскарларга қичқириб, тезроқ тушиш ва занжирсимон тизилиб юришни буюрди. Қолган икки жипдаги саросимадаги қуёнлар каби олдинга қараб жадаллаб юрдилар-у, пана жой ахтаришга тушдилар. Лекин бу одамларнинг қўлидан ҳеч иш келмасди. Улар фургонни олиб кетолмас, чунки у тепалик ортида турарди, ҳатто Гильяно отрядига ўт очишга қодир эмас эди. Гильянонинг одамлари эса бу вақтда пуллар солинган конвертларни чўнтакларига жойлаштириш билан овора эдилар. Боз устига улар баландликда туришар, ўзларига яқин йўлаган барчани отиш учун ўқ-дори етарли эди. Карабинерларнинг ўқ узиш занжирини ҳосил қилиб, таваккалига ўт очишдан бошқа ҳеч қандай чораси қолмаган эди.

Монтелепреда эса фельдфебель пул олиб келади-ган фургонни кутарди. У ҳар ой охирида ҳамиша бир чақасиз қолар, ҳозир ҳам қўл остидагилари каби Палермода ёқимли оқшомни, дўстлари билан қимматбаҳо ресторанда дўндиққина аёллар қуршовида кечки овқатни тановул қилаётганини олдиндан сезиб лаззатланарди. Ўқ овозини эшитган фельдфебель ҳайрон бўлиб қолди. Гильяно ҳеч қачон куппа-кундузи унинг патрулларига ҳужум қилишга жазм қилмас, устига-

устак округда полковник Луканинг беш юз аскардан иборат ёрдамчи кучлари турарди.

Шу пайт фельдфебель Беллампо казармаси дарво-
заси олдида кучли портлаш содир бўлганини эшитди.
Ховлида қолдирган зирҳли машиналардан бирини тўқ
сарик аланга қоплади. Дарров Трапанининг қирғоқ
олди шаҳарларидан бири бўлган Кастелветрано томон
элтувчи йўл томондан оғир пулемётларнинг тарилла-
ши кулоққа эшитилди, ортидан шаҳардан унча узоқ
бўлмаган тоғ адоғида милтиқдан узилган ўқ овозла-
ри янгради. У Монтелепре кўчаларида қўриқчилик
қилаётган карабинерлардан кимдир казармаларга,
кимдир пиёда, кимлардир жипда ўз жонини қутқариш
учун қочганини кўрди. Тури Гильяно бор кучини пол-
ковник Луканинг гарнизонини тор-мор қилиш учун
ташлагани тўғрисидаги овоза унгача етиб келди.

Монтелепренинг баланд қояси устидаги Тури
Гильяно дурбин орқали пул олиб келаётган фургонни
қандай ўмараётганликларини кўриб турарди. Тўқсон
даража ўгирилиб қараса, шаҳар кўчаларида жанг ке-
таётгани, Беллампо казармасига мардонавор ҳужум
бўлгани, қирғоқ яқинидаги йўлларда карабинерлар
билан тўқнашув юз бераётганини кузатарди. Унинг
командирлари бекаму кўст ҳаракат қилишарди. Пас-
сатемпо ва одамлари фургондаги пулни «тозалаб»
олишди; кучли равишда сафлари тўлдирилган Терра-
нова отряди Беллампо казармасига ҳамла қилиб, ка-
рабинерлар билан жанг олиб борди. Гильянонинг ўзи
қўмондонлик қилган одамлар тоғ адоғидаги позиция-
ни тутиб туришди. Ҳақиқий Фра Иблис, яъни Стефан
Андолини эса кутилмаган совға тайёрлашга киришди.

Палермодаги қароргоҳида полковник Лука кара-
бинерларнинг маоши талаб олиб кетилгани тўғриси-

даги хабарни қўл остидагиларни ҳайрон қолдирганча хотиржам эшитди. Аслида эса қаҳр-ғазаби қайнаган, Гильяно қандай қилиб уни алдаб, қўлида ўйнатгани, карабинерларнинг хатти-ҳаракати тўғрисидаги ахборотни қаёқдан олганини билолмай, ҳанг-манг бўлиб қолган эди. Фургонга хужум бўлган пайтда тўрт нафар карабинер ўлдирилган, Гильяно отряди томонидан рўй берган олишувда яна ўн нафар киши ярадор бўлган.

Полковник Лука ҳамон телефонда талафотлар тўғрисидаги хабарни эшитар экан, хонага капитан Перенце шиддат билан кириб келди, унинг семиз юзи аччиқлангандан титрар эди. Капитанга олишув рўй берган жойда қароқчилардан фақат бир киши ўлдирилгани ва бир неча нафари ярадор бўлгани ҳақида ҳозиргина хабар қилинган эди. Мурданинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар топилган, боз устига уни Монтелепре аҳолисидан икки киши таниган эди. Ўлдирилган одам бошқа киши эмас, балки Тури Гильяно эди.

Гарчанд полковник Лука ақл-фаросатли ва эртани олдиндан кўрадиган киши сифатида ажралиб турсада, барибир хурсанд бўлди. Ҳарбий тарих жуда кўп мисолларни билади, унга мувофиқ буюк ғалабалар ва шукӯҳли тактик манёврлар арзимас тасодифлар туфайли ноль даражасига тушиб қолганидан ҳам бохабар. Тақдир ҳукми билан дайди ўқ қўлга тушмас қароқчини топган. Лекин шунда полковник бирдан эҳтиёткорлик кераклигини англади. Улкан даражадаги муваффақият қопқонга айланиши эҳтимолдан холи эмас. У тузоқни четлаб ўтмайди, аммо бу қопқонни ким қўйган бўлса, ўзини гумдон қилади.

Полковник рисоладагидек тайёргарлик кўрди, ҳар қандай ҳамлани қайтаришга қодир шитоб билан юра-

диган колонна йўлга тушди. Биринчи бўлиб транспортёрлар, ортидан ўқ ўтмайдиган автомобиль (унда полковник Лука, назоратчи Веларди ўтирарди) борарди. Веларди жасадни таниб олишда ўзи иштирок этиши кераклигини оёқ тираб талаб қилди, аслида мурдада васиятнома борлигига ишонч ҳосил қилмоқчи эди. Унинг изидан шахсий таркиб тўла қуролланиб, жанговар ҳолатда борарди. Бу колоннанинг барчасини йигирма нафар разведкачи жип бошқарар, уларда қуролланган десантчилар ўтирарди. Монтелепре гарнизонига шаҳарга киравериш жойини қўриқлаш ҳамда яқин тоғларда кузатиш пунктларини ўрнатиш тўғрисида буйруқлар берилган. Тиш-тирноғигача қуролланган пиёда патруллар бутун йўлни бошдан-оёқ қўриқлаб, кўз-қулоқ бўлиб турарди.

Полковник Лука ўз колоннаси билан Монтелепрега камида бир соатда етиб келди. Уларга ҳеч ким ҳужум қилмади, техника ҳамда қурол-яроғ намоёйиши қўрқитадиган даражада эди. Лекин полковникни умидсизлик қуршаб олди.

Нозир Веларди «тез ёрдам» замбилида ётган жасад Гильянога мутлақо тўғри келмаслигини таъкидлади («тез ёрдам» Беллампо казармасида турарди). Бу одамни ҳалок қилган ўқ башарасини таниб бўлмас даражада дабдала қилган, бироқ нозир Велардининг миясини гангитиб ташлайдиган даражада эмас. Жасадни таниш учун яна бир неча кишини олиб келишди, улар ҳам, Гильяно эмас, деб тасдиқлашди. Демак, бу – тузоқ: Гильяно полковник воқеа юз берган жойга жадаллаб етиб келади-ю, қўриқчиларни ёддан чиқаради ва қопқонга тушади, деб аниқ ишонган. Полковник Лука эҳтиёт чораларини кўришга буйруқ берди, аммо Палермодаги ўз қароргоҳига тезроқ тушиб, бар-

часи ҳақида Римга шахсан хабар қилиб, Гильянонинг ўлимига доир сохта хабарларни етказиш, огоҳлантириш кераклигини сабрсизлик билан кутди. Барча карабинерлари жойида эканлигига ишонч ҳосил қилгач, агар қайтиш йўлида пистирма учраб қолса, уларни қўққисдан ғафлатда қолдира олмаслигини назарда тутган ҳолда тез юрадиган разведкачи жиплардан бирига сакраб минди. Шу тариқа колонна бошига бориб қолди. Назоратчи Веларди у билан ёнма-ён ўтирди.

Полковникнинг тезроқ Палермога етиб бориш истаги ҳар икковининг ҳаётини сақлаб қолади. Лука учун белгиланган учар колоннанинг ўртасидаги автомобиль Палермога яқинлашганида кулоқни тешиб юборгудек портлаш рўй берди. Командирнинг машинаси ўн метрлар чамаси осмонга сакради ва алангага чўлғаниб, ерга кулади, ўт олган парчалар яқиндаги тепаликларга сачради. Автомобиль ортидан келаётган юк машинасидаги ўттиз аскардан саккизтаси ҳалок бўлди, ўн беш нафари жароҳатланди. Луканинг автомобилидаги икки зобит бўлакларга бўлиниб кетди.

Полковник Лука бу қайғули хабарни вазир Треццага етказар экан, ундан Сицилияга қитъада қолдирилган яна уч минг аскарни зудликда юборишни илтимос қилди.

Дон Кроче биларди: Гильянонинг ота-онаси қамоқда экан, бу ҳамлалар тўхтамайди, шу сабабли уларни озод этиш учун барча чораларни кўрди.

Лекин у оролга қўшимча кучларнинг сафарбар этилишига қаршилиқ кўрсата олмади. Энди эса Монтелепре ва ёндош ҳудудларда икки минг аскар бор. Яна уч минг аскар тоғларнинг тит-битини чиқариб, ахтариш билан овора. Монтелепре ҳамда Палермо қишлоқларидан етти юз аҳоли полковник Лука томонидан

қамоққа олинган бўлиб, унга насроний демократлар ҳукумати алоҳида ваколатлар берган. Маҳбуслар турмада ўтирар ва сўроқ беришни кутарди.

Оролда комендантлик соати жорий қилинган: у қош қорайганда бошланиб, фақат тонг отар пайтида ниҳоясига етади. Аҳоли фақат уйда ўтирар, махсус рухсатномаси бўлмаганлар эса турмага жўнатиладди. Бутун ҳудудда террор ҳукмронлик қиларди.

Дон Кроче Гильянони қандай қилиб бурчакка ҳайдаб киритаётганликларини беташвиш кузатиб турар эди.

Йигирма учинчи бўлим

Лука армияси келгунга қадар Гильяно исталган пайтда Монтелепрега ташриф буюрар, Юстина Феррани тез-тез учратиб турарди. Баъзида Юстина Гильянолар уйига топшириқ учун, гоҳида ота-онасига ундан пул олиш учун келарди. Бир куни Гильяно Палермо кўчаларида қизни ота-онаси билан бирга учратди-ю, Юстинанинг қанчалик ёш, чиройли жувонга айланганига эътибор қаратди. Улар байрам либоси харид қилиш учун Монтелепре шаҳарчасидаги кичик дўконларда бўлмаган нарсаларни сотиб олиш мақсадида бу ерга келгандилар. Гильяно ва одамлари эса озиқ-овқат учун ташриф буюрганди.

Гильяно қизни ярим йилдан буён кўрмаган эди – у анча ўсиб, қадди-қомати дуркунлашибди. Юстина янги пошналар туфли кийгани учун сицилияликларга хос бўлмаган тарзда новча кўринар, ишончсиз қадам ташлар, кўприк устида янада дароз ҳолда кўзга ташланарди. У эндиgina ўн олти ёшга тўлган, аммо жис-

моний жиҳатдан етилган жувонга ўхшайди – юзи ва танаси Сицилиянинг қайноқ заминида жуда эрта гуллаб-яшнаб кетгандай. Учта тош билан безатилган тароқ унинг кўкимтир-қорага мойил сочларини чамбар қилиб ўраб олган, очик бўйни олтин тусда бўлиб, узун ҳамда Миср вазаларига ўхшарди. Йирик кўзлари жавоб кутгандай термилар, бутун ҳиссиётга тўлиб-тошганига қарамай, фақат оғзи унинг ёш эканлигини билантириб турарди. Юстинанинг эғнида оппоқ кўйлак бўлиб, ўртаси қизил тасма билан безатилганди.

Қиз шунчалик гўзал ва дилрабо эдики, Гильяно анча вақт беихтиёр кўз узолмай қолди. У очик кафеда ўтирар, ёнидаги столчаларда ўзининг одамлари жойлашган эди. Шу пайт қиз ота-онаси билан ён томондан ўта бошлади. Уни пайқаб қолдилар. Юстинанинг отаси юзидаги бирорта мушак ҳам қилт этмади, ўзини Гильянони танимаганга олди. Онаси ҳам шоша-пиша нигоҳини четга қаратди. Фақат Юстина унга хумор кўзларини тикди. Қиз сицилияликларга хос одатларни етарлича билгани боис саломлашмади, аммо уларнинг нигоҳи учрашди ва Тури Юстинанинг лаблари титраб, табассумга мойил бўлганини кўрди. Куёш нурига ғарқ тўлган кўчада сицилияча гўзалликнинг эрта гуллаб-яшнаган шафағи порлагандай туюлди. Тоғларга бош олиб кетган Гильяно ишқ-муҳаббатга ишонмасди. У севгида бири иккинчисини бўйсундириб, худди шундай хиёнат уруғлари муқаррар равишда кўзга ташланмайди, деб ишонарди. Лекин ҳозир бошқа мавжудот қаршисида туриб, оёқларида тиз чўкишдек енгиб бўлмас истакни ҳис этди, чин кўнгилдан қулларча садоқат учун онт ичишни хоҳлади. Бу муҳаббат эканлигини хаёлига ҳам келтирмади.

Орадан бир ой ўтгач, Палермо кўчаларини тўлдирган офтоб тўлқинлари каби Гильяно Юстина Феррага тегишли хотиралардан халос бўла олмаслигини англади... Турининг гитараси ҳамон ота-онасининг уйида сақланарди, у Юстина учун чалишни истаб қолди. Гильяно қизга шу йиллар давомида ёзган шеърларини кўрсатди, улардан айримлари Сицилия газеталарида босилиб чиққан эди. Гильяно, ҳатто Монтелепрега фақат Юстинани кўриш учун тушиб, полковник Луканинг махсус тайинланган икки минг кишилик отрядига ҳам тупурмоқчи бўлди. Шунда унинг идроки бош кўтарди-ю, қандайдир ишқаллик келиб чиқиши мумкинлигини тушунди.

Буларнинг бари нодонларча хаёлпарастлик эди. Гильянонинг ҳаётида икки йўл қолган: ёки уни қарабинерлар отиб ўлдиради, ёки у Америкадан бошпана топади. Агар қизни ҳаёлидан чиқариб ташламаса, Американи мутлақо кўра олмайди. У қизни унутиши керак. Агар Гильяно Юстинани йўлдан оздирса ёки ўғирлаб кетса, отаси ашаддий душманига айланади, ғаним эса шусиз ҳам етарли. Бир куни унинг ўзи бегуноҳ бир қизни йўлдан ургани учун Аспануни калтаклаган, шу йиллар давомида қизларни таҳқирлаган уч кишини қатл қилган. Йўқ, Юстинага нисбатан ҳистуйғулари бутунлай бошқача: Гильяно қизнинг бахтли бўлиши, ўзининг севимли даражага етиши, Юстина Тури билан фахрланиши, Гильяно бир куни қандай қараган бўлса, қиз ҳам уни айнан шу тарзда кўришини истайди. Қизнинг кўзлари меҳр-муҳаббат ила чарақлаб, ишонч билан порлашини жуда-жуда хоҳлайди.

Лекин у бу йўлларнинг барчасини таҳлил қилишга одатлангани учун мясида бирма-бир жойлаб чиқди. Энди қандай иш тутишни билади. У қизга уйланади.

Махфий тарзда. Бу ҳақда ўзининг яқинлари, албатта, Аспану Пишотта ва отряддаги бир неча садоқатли кишилардан бошқа ҳеч ким билмайди. У тинчлик ҳукм сурган дақиқаларда Юстинани ишончли кўриқчилар қуршовида тоққа олиб чиқиб кетади ва улар икки-уч кунни бирга ўтказиш имкониятига эга бўладилар. Ўз-ўзидан аёнки, Тури Гильянонинг хотини бўлиш жуда хатарли, лекин у Юстинани Америкага жўнатиш учун барча чораларни кўради, Гильянони ўша ерда кутсин. Фақат бир савол ҳаяжонга соларди – бунга Юстинанинг ўзи нима деркан?

Мана беш йилки, Чезеро Ферра Гильяно отрядининг махфий аъзоси, у жанговар операцияларда иштирок этмайди, фақат ахборот тўплайди, холос. Чезеро ва хотини Гильянонинг ота-онасини танишарди: улар виа Белла томонда кўшни бўлиб яшар, бир-биридан ўн уй ажратиб турарди. Чезеро Монтелепредаги кўпчилик одамлардан фарқли ўлароқ саводлироқ, шу боис уни фермадаги иш қониқтирмасди. Бир пайтлар жажжи Юстина пул йўқотганида, Гильяно уни тўлаб, қизчани мактуб билан уйига жўнатган. Хатда уларнинг оиласи бундан буён ўзининг ҳомийлигига ўтганини айтган эди. Ўшанда Чезеро Ферра Мария Ломбарде ҳузурига келган ва ўз хизматини таклиф қилган. Палермо ва Монтелепреда у полиция жосуслари, карабинер патрулларининг ҳаракат йўналиши ҳамда Гильянони ўғирлашга тайёргарлик кўраётган бой-бадавлат савдогарларнинг хатти-ҳаракати тўғрисида маълумотларни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Чезеро ҳамиша ўзининг улушини оларди, у бир оз вақтдан сўнг Монтелепреда мўъжазгина қовоқхона очди, бу яширин фаолиятига яхши ёрдам берди.

Ўғли Сильвио фронтдан социалистик тарғиботчи бўлиб қайтгач, Чезеро уни уйдан хайдаб юборди. Эътиқодига қарши бўлганидан эмас, балки оиланинг қолган аъзоларига хавф таҳдид солмаслигини истагани учун шундай қилди. У демократия ёки Рим ҳукмдорлари тўғрисидаги уйдирмаларга ишонмас, хаёлига келтирмасди. Шунда Турига Ферранинг оиласи ҳақида ваъда берганини эслатди ва Гильяно Сильвиони муҳофаза қилишга уринди. Сильвио ҳалок бўлгач, Гильяно қотилдан ўч олишга сўз берди.

Ферра Гильянони ҳеч нарсаса айбламасди. У билардики, Жинестра дарасидаги отишма Турини ҳаддан зиёд ларзага солган, бу хотиралар қайғута ботириб, азоб беради. Мари Ломбарденинг ўғли тўғрисида айтган сўзларини соатлаб эшитган хотини унга шу ҳақда айтган. Улар карабинер Турига ўқ узган ва Гильяно ўз жонини қутқариш учун уни ўлдиришга мажбур бўлган даҳшатли кунгача қанчалик бахтли яшаган эдилар. Ўшандан буён кўп қон тўкилди, лекин нима ҳам қила олардинг – у зулм учун қасос олиши керак эди. Мария Ломбарде қилган жиноятлари учун ўғлини оқлади, барча қотилликларини кечирди. Аммо Жинестра дарасида рўй берган ҳодисалар ҳақида гап кетганида унинг товуши титрай бошлайди... Йўқ, ўғли Тури мазкур ёвузликни амалга оширмаган, у бундай қила олмайди. У қора мадонна рўпарасида турганча онасига қасам ичган, улар қучоқлашган ва узоқ йиғлаган эдилар.

Мана бир неча йил мобайнида Чезеро Ферра Жинестра дарасидаги воқеалар қандай юз берганига доир сирларни билишга киришди. Балки Пассатемпо пулемётчилари ҳақиқатан хатога йўл қўйишгандир ёки бошқа бурчакка қараб ўт очишгандир? Қонга тўймаслиги билан машҳур бўлган Пассатемпо бу шўрлик бад-

бахтларни хурсандчилик учун отиб ташлагандир эҳтимол? Ёки Гильянога зарар етказиш мақсадида барчаси махсус уюштирилгандир? Борди-ю Гильяно отрядидан эмас, бутунлай бошқа одамлар пулемётдан ўт очган, масалан, бу «Дўстларнинг дўсти» ёки хавфсизлик хизмати бўлимларидан бири ёллаган одамлар томонидан амалга оширилган бўлса-чи? Чезеро Тури Гильянодан бошқа одамлардан шубҳаланди. Борди-ю, буларнинг барчасида унинг қўли бўлганида ҳаёт маъносини бутунлай йўқотарди. Чезеро Гильянони ўз ўғлидай яхши кўрарди. Гильяно унинг кўз ўнгида болакайдан эркакка айланди, бирор марта пасткашлик қилмади, зарар келтирадиган ҳаракатлар содир этмади.

Мана энди Чезеро буларнинг ҳаммасини кўзи билан кўриб, қулоғи билан эшитарди. У полковник Лука ҳали қамокқа олмаган махфий отряд аъзоларини шаробга тўйдирувди. Шаҳарда яшаб, гоҳ-гоҳ унинг қовоқхонасига кириб, томоғини ҳўллаб, қарта ўйнайдиган одамлар гапирадиган «Дўстларнинг дўсти»даги суҳбатлардан ўзига кераклисини «илиб» оларди. Бир куни улар ўзаро ҳазиллашиб, дон Кроченинг ҳузурига Вахший ва Иблис киргани, сўнг бу икки катта одам у ердан сокин фаришталардай чиққанини эшитиб қолди. Ферра бу гапларнинг маъзини чақиб кўрди ва ўзига хос фикр юритувчи сицилиялик сингари хатосиз равишда гап нимада эканлигини ич-ичидан ҳис этди. Демак, дон билан Пассатемпо ва Андолини учрашган. Пассатемпони баъзан Вахший дейишар, Фра Иблис эса Андолинининг қароқчилик давридаги лақаби. Дон билан унинг Виллабедаги уйида, Гильяно лагеридан шунча узоқда жойлашган масканда гаплашиш уларга нега керак бўлиб қолди экан? Ферра Гильянонинг ота-онаси ҳузурига ўзининг ўсмир ўғлини юбориб, шоши-

линч хабар борлигини маълум қилди ва икки кундан сўнг тоғда учрашув тайинланди. У Гильянога ўзининг гумонлари хусусида сўзлаб берди. Ёш йигитнинг чехраси ҳамон ҳиссизлигича қолди, фақат Феррадан индамай юриш кераклигини айтиб қасам ичирди. Шундан сўнг бу тўғрида бир оғиз ҳам гапирмади. Мана, орадан уч ой ўтгач, Гильяно яна уни ҳузурига чорлади – эҳтимол, иш нима билан тугаганини айтмоқчидир.

Гильяно ўз отряди билан олис тоғларга, Лука армиясининг қадами етмайдиган ерларга бориб жойлашган эди. Чезеро Ферра тунда йўлга тушди, лагерга кузатиб қўйиш учун белгиланган жойда уни Аспану Пишотта қарши олди. Бу ерга фақат эрталаб етиб келишди ва қайноқ нонушта кутиб турганини кўришди. Йиғма стол устига ёзилган дастурхонда кумуш идишлар қўйилган, таом ҳам ниҳоятда лаззатли эди. Тури Гильяно оппоқ шойи қўйлак ҳамда кулранг шайтонтеридан тикилган шимда чиқиб келди, оёғида тозаланган, ярқирок малла этик. Сочлари ғоят ораста, шинам ҳолда таралган. У ҳеч қачон бу қадар кўркем кўринмаган эди.

Пишоттани чиқариб юборган Гильяно Ферра билан дастурхон атрофида бирга ўтирди. Негадир у ўзида йўқ даражада паришон эди. Сўнг такаллуф билан деди:

– Келтирган ахборотингиз учун сизга миннатдорчилик билдираман. Уларни текшириб кўрдик ва энди аминманки, ҳаммаси айнан сиз айтгандай бўлган экан. Бу жуда муҳим. Лекин сизга одам юборганимнинг боиси, мен бошқа масалада гаплашмоқчи эдим. Биламан, гапларим сизни анча ҳайратга солади, аммо умид қиламанки, ранжитмайди.

Ферра буни асло кутмаган эди.

– Мен хафа бўлиш нари турсин, сендан ҳаддан зиёд қарздорман.

Гильяно очик самимий тарзда кулди, болалигида ҳам айнан шундай куларди.

– Менга диққат билан кулоқ солинг, – деди Гильяно. – Аввал сиз билан гаплашиб олишга қарор қилдим. Агар қарши бўлсангиз, мен дарҳол нуқта қўяман. Ҳозир сизга отряд бошлиғи мақомига кўра эмас, балки Юстинанинг отаси сифатида мурожаат қилипман. Ўзингиз яхши биласиз, у жуда гўзал, балки эшигингиз бўсағасида анча йигитлар ўралашаётгандир. Шу билан бирга сиз унинг оққўнгиллигидан ҳам анча ташвиш тортаётгандирсиз. Тан олишим керак, мен бундай туйғуларни ҳаётимда илк марта ҳис этмоқдаман. Бир сўз билан айтганда, мен қизингизнинг қўлини сўрамоқчиман. Агар «йўқ» десангиз, мен бир оғиз ҳам гапирмайман. Дўстим бўлиб қолаверасиз ва қизингиз олдингидек ҳимоям остида бўлади. Агар «ҳа» десангиз, қизингиздан муносабатини сўрайман. Борди-ю рад этса, бу гаплар бўлмаган деб ҳисоблаймиз.

Чезеро Ферра шунчалик саросимага тушиб қолгандики, фақат гўлдираб қўйди, холос.

– Мен ўйлаб олишим керак, ўйлаб олишим керак, – деди. Сўнг анча вақт жимиб қолди.

Яна сўзлай бошлаганида, товушида чуқур эҳтиром оҳанглари янграб эди:

– Мен дунёдаги ҳар қандай эркакдан кўра кўпроқ сен кўевим бўлишингни истар эдим. Биламан, ўғлим Сильвио, охирати обод бўлсин, менинг гапларимга албатта рози бўларди, – у яна тутила бошлади. – Мени фақат битта ўй ташвишга солади. У ҳам бўлса қизимнинг хавфсизлиги. Агар Юстина сенинг жуфти ҳололинг бўлса, полковник Лука, албатта, уни панжара ортига ташлаш учун баҳона излай бошлайди. «Дўстларнинг дўсти» ҳам энди сенинг душманингга ай-

ланган ва унга зарар етказишлари мумкин. Ўзинг эса Америкага қочишинг керак ёки сени тоғларда ўлим кутиб турибди. Очикча гапираётганим учун мени кечир, аммо Юстинанинг ёш ҳолида бева бўлиб қолишини истамайман. Боз устига никоҳ сенинг ҳаётингни бутунлай оғир аҳволга солади ва мени ҳаммадан кўпроқ безовта қилади. Бахтли ёшлар тузоқни пайқамайди, душманлардан хавфсирамай қолади. Уйланиш сенинг ҳалокатингга сабабчи бўлиши мумкин. Мен буни очикчасига айтяпман, чунки сени ҳурмат қиламан ва яхши кўраман. Ахир буни яхши кунларга қадар қолдириш мумкин. Сени эртага нима кутишини билганингдан сўнг келажак учун ақл-фаросат билан режалар тузсанг бўлади.

У жим бўлиб қолди, жонсарак кўзларини Гильянога тиккан, хафа қилиб қўймадимми, деган хавотирда эди.

Аммо Гильяно бошини эгиб, маъюс ҳолда жим бўлиб қолди. Ва Чезеро тушунди: фақат севган инсон шу тариқа хафа бўлади. Бу ҳолат уни шу даражада таъсирлантириб юбордики, кескин тарзда хитоб қилди:

– Ахир мен «йўқ» демадим-ку, Тури.

Гильяно оғир хўрсинди.

– Мен ўзим ҳам буларнинг барчаси тўғрисида ўйладим. Режам шундай. Мен қизингизга яширинча уйланаман. Бизни аббат Монфредни никоҳлаб қўяди. Шу ерда, тоғларда. Бошқа ҳар қандай жойда бу хавфли бўлади. Лекин мен тантанага сиз ва хотинингиз келиши учун ҳамма чорани кўриб қўйганман. Юстина бу ерда уч кун қолади, сўнг уйингизга жўнатиб юбораман. Агар қизингиз бева бўлиб қолса, янги ҳаёт бошлаши учун етарлича пули бўлади. Шундай экан, келажаги тўғрисида ташвишга тушишнинг кераги йўқ. Мен қизингизни яхши кўраман ва бутун ҳаёти давомида эҳтиёт бўлиб,

унга ғамхўрлик қиламан. Агар қандайдир нохушлик юз берса, келажагини таъминлайман. Бу қалтис, албатта. Мендай одам билан тақдирини боғлаш хатарли ва сиз, ақл-идрокка эга бўлган киши сифатида бундай хатарга уни рўбарў қилишга ҳақингиз йўқ.

Чезеро Ферра юрагининг туб-тубига қадар қаттиқ таъсирланган эди. Ёш йигитча у билан шу қадар содда, шунчалик самимий гаплашди. Нақадар ғам-ғусса ва умид-нажот билан. Лекин у энг асосий гапни айтди. Гильяно қизнинг келажагини ўйлаган. Ферра ўрнидан туриб, Гильянони кучоқлади.

– Сени дуо қилиб, оқ фотиҳа бераман, – деди у. – Мен Юстина билан гаплашаман.

Кетишдан олдин Ферра ёрдам кўрсатишдан хурсандлигини айтди, унинг маълумотлари Гильянога фойда берганидан мамнунлигини изҳор этди. Турининг юзи қанчалик ўзгарганини кўриб, хайратга тушди. Кўзлари кенгайиб, юзи оқариб кетди.

– Мен тўйга Стефан Андолини ва Пассатемпони таклиф этаман, – деди у. – Ўша ерда бу ишни поёнига етказамиз.

Фақат бир оз вақтдан сўнг Ферра бунинг ҳаддан ортиқ ғалати қарор эканлигини ўйлади, агар Гильяно ҳақиқатан ҳам уйланишини сир тутса, бошқача бўлади.

Гап шундаки, сицилиялик қизнинг ўзи билан бир дақиқа ҳам ёлғиз қолмаган йигитга турмушга чиқшининг аҳамиятли жиҳати йўқ. Узатилмаган қиз уйда ўтириб, гўё бир тарафи намоён бўладиган оддий хилқатга айланиб қолади: у кўчага қарамаслиги керак, акс ҳолда суюқоёқ, фоҳиша деб ҳисоблашади. Ёнидан ўтаётган ёш йигитлар бу қиз билан гаплаша олмайди – агар черковда Биби Марям паноҳи, онасининг хушёр нигоҳи остида бўлса бошқа гап. Кимнингдир қадди-

комати ёки черковдаги бир неча гап-сўз йигитни ақл-хушидан мосуво этса, у ўз ҳис-туйғуларини барча қоидага мувофиқ мактубда изҳор этиши мумкин. Лекин бу ҳам осон эмас. Баъзида худди шундай илтимослар билан ўз ишининг пири бўлган ёзувчиларга мурожаат қилишарди. Ахир бир оғиз нотўғри сўз тўйни азага айлантириб юбориши мумкин-да. Шу боис Тури Гильяно Юстинанинг қўлини сўрашда қизнинг отасига мурожаат қилди, аммо унга қизиқаётгани, ҳеч қандай воқеа юз бермаганини имо-ишора билан ҳам англатмади.

Чезеро Ферра эса Юстинанинг розилигига асло шубҳаланмас эди. Ёшлигида қиз ҳар бир ибодатни: «Тури Гильянони карабинерлардан ўзинг асра», – деган сўзлар билан тугатарди. Ҳамма вақт топшириқлар олса, жону дили билан унинг онаси Мария Ломбарде ҳузурига ошиқар эди. Гильянонинг уйидан Венера хонадонига ўтишда яширин йўлак топилгани маълум бўлгач, қиз бағоят ғазабланиб, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Аввалига унинг отаси-онаси, Юстина бу аёлнинг ҳибсга олиниши ва Гильянонинг ота-онаси қамалгани учун ғазабланди, деб ўйлашганди, аммо кейинчалик англаб етдиларки, бу шунчаки рашк экан.

Чезеро Ферра қизининг нима деб жавоб беришини олдиндан билгани боис бу ҳақда эшитиб, ҳайрон бўлмади. Қизнинг янгиликни қай тарзда қабул қилиши уни титратиб, ҳаяжонга солди. Юстина Гильянони эгаллаб, унга мафтун бўлишини худди аввалдан билгандек муғомбирона тарзда кулимсираб қўйди.

Олисдаги тоғда ярим вайрона норманн саройи бўлиб, мана, йигирма йилдан ошибдики, унда ҳеч ким яшамайди. Шу ерда Гильяно тўй ва асал ойини ўтказишни мўлжаллади. Ёшлар тўсатдан қилинган ҳужумга дуч келмасликлари учун Пишоттага сарой атрофига

қуролли қўриқчилар қўйишни буюрди. Аббат Манфреде ибодатхонадан эшак қўшилган аравада келди, Гильянонинг одамлари уни тоғ сўқмоқларидан замбилда кўтариб олиб келишди. Аббат саройдаги кичкина ибодатхонага кўзи тушди-ю, суюниб кетди. Тўғри, унинг қимматбаҳо ҳайкалчалари ҳамда ўйиб ишланган безаклари аллақачон ўғирлаб кетилган. Аммо тош меҳроб ҳамда яланғоч тош деворлар қатъий ва мардонавор кўринар эди. Умуман, аббат Гильянонинг қарорини маъқулламади. Улар қучоқлашиб кўришгандан сўнг у шундай деди:

– Сен, афтидан, ким ёлғиз ўйнаса ютқазмайди, деган мақолни эсингдан чиқариб юборганга ўхшайсан.

Гильяно кулиб юборди ва деди:

– Ахир қачондир ўз бахтингни ҳам ўйлашинг керак-ку! – Ва аббатнинг севишганлар тўғрисидаги мақолини келтириб, ўзининг пул билан боғлиқ найрангларини эслаб, қўшиб қўйди: – Юсуф ҳам дастлаб соқолини қириб ташлаган, шундан сўнг Исо Масихнинг шогирдларидан бири бўлмиш ҳаворийлар билан машғул бўлди.

Аббат қувониб кетди-ю, қоғозлар солинган қутичасини очиб, ундан Гильянога никоҳ тўғрисидаги гувоҳномани олиб топширди. Харфлар ўрта асрга хос имло қоидаларига мувофиқ зарҳал рангдаги сиёҳ билан битилган ва ҳужжат ғоят чиройли кўринарди.

– Никоҳ ибодатхона китобларида рўйхатга олинди, – деди аббат. – Аммо қўрқма, бу тўғрисида ҳеч ким билмайди.

Келин ва унинг ота-онасини тоққа эшакларга миндириб, тунга яқин олиб келишди. Улар сарой хоналарида жойлашди, у ерда Гильянонинг одамлари ҳамма жойни тартибга келтириб, бамбукдан ясалган каравотларга сомон тўшаклар солишганди. Гильяно

ота-онасининг тўйда иштирок этмаганидан оғриниб кетди, аммо полковник Луканинг махсус белгиланган отрядидаги карабинерлар унинг ортидан тиним билмай кузатишарди.

Тўйга фақат Аспану Пишотта, Стефан Андолини, Пассатемпо, капрал Сильвестро ва Терранова таклиф қилинган. Юстина йўлда кийиб келган либосини Палермода шундай муваффақият келтирган оппоқ қўйлакка алмаштирди. Қиз Гильянога жилмайиб қаради ва уни қизнинг кўзни қамаштириб юборадиган кулгуси бутунлай мафтун этди. Никоҳнинг қисқа тантанаси ниҳоясига етганида, ҳамма сарой олдидаги ялангликка чиқди. У ерда дастурхон тузаб қўйилган, шароб, яхна гўшт ва нон бор эди. Келин-куёв учун ичишди ва шоша-пиша овқатланишди. Аббат ва ота-оналарга уйга қайтиш учун узоқ ва хатарли йўл турарди. Ҳар лаҳзада уларга карабинерлар патрули ҳужум қилиши, фақат қоровулликда турган одамлар улар билан жангга киришишига тўғри келарди. Аббат ҳам дарҳол йўлга тушмоқчи эди, аммо Гильяно уни тўхтатиб қолди.

– Мен учун бугун шунча ишни амалга оширдингиз, шу боис сизни тақдирламоқчиман, – деди у. – Тўйдан сўнг мен марҳаматли бир иш қилмоқчиман. Лекин менга ёрдамнинг керак.

Улар бир неча дақиқа нималардир тўғрисида жим суҳбатлашдилар ва аббат розилик билдириб, бош ирғади.

Юстина хайрлашиш олдидан ота-онасини кучоқлади, онаси кўз ёши тўкди ва Гильянога ўтинч билан қаради. Лекин Юстина унинг қулоғига нимадир деб шипшиди ва ёши ўтган аёл кулиб юборди. Улар яна бир марта қучоқлашишди, сўнг ота-онаси эшакларга минишди.

Ёшлар ўзларининг никоҳ кечасини саройнинг хўжалик ётоқхонасида ўтказишди. Хонада улкан тўшакдан бошқа ҳеч вақо йўқ эди, Гильяно уни бу ёққа эшакка ортиб келтиришни буюрган эди. Тўшакка шойи чойшаблар тўшашди, унинг устида майин жунли кўрпа ҳамда Палермонинг энг яхши дўконидан харид қилинган ёстиқлар турарди. Ёнида ювиниш хонаси бўлиб, кенглиги жиҳатдан ётоқхонадан қолишмас, мрамар ванна ва катта чанок турарди. Ўз-ўзидан аёнки, сув қузури тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас, шу боис ваннани тўлдириш учун сарой девори тагидан ялтираб оқаётган жилғадан Гильянонинг ўзи сув ташиб келтиришига тўғри келди. У шундай атир ҳамда пардоз-андоз ашёларини тайёрлаган эдики, Юстина уларни умрида ҳеч қачон кўрмаган эди.

...Қаллиғининг сочларини силар экан, ўша куни биринчи бор Палермода кўрганини эслади, мана энди у – хотини. Ўшанда Юстина қанчалик гўзал эди. Тури унга бағишлаган бир нечта шеърни ёддан ўқиди, ўшанда тоғларда тентираб юрар экан, Юстинани орзу қилар, соғинар эди.

Юстина акасига хат келтиришган кундан бошлаб яхши кўриб қолганини гапириб берди, сўнг узоқ йиллар муқаддам ўз қўли билан пул берган қизчани танимагани учун қанчалик қийналгани, ўртанганини айтди. Ўшанда Юстина ўн бир ёшда эди, шундан буён Гильянони севади ва ҳар оқшом унинг ҳаққига ибодат қилади.

Юстинага қулоқ солар экан, Гильяно ифодалаб бўлмас даражада бахтиёр эди. Демак, қиз уни севган, тинимсиз ўйлаган, у ҳақда орзу қилган, бу пайтда Гильяно тоғларда ёлғиз юрган. Йигит ҳамон Юстинанинг сочларини силарди. Қиз унинг қўлларини ушлаб олди ва ўзининг иссиқ ва қуруқ қўли устига қўйди.

– Сенга уйланмоқчи эканимни отангга айтганим-да, хайрон бўлиб қолгандирсан? – сўради Тури.

Юстина қувлик ҳамда тантанавор тарзда жилмайди.

– Йўқ, Палермода менга тикилиб қараганингдан бери, – деди у, – ўша кундан бошлаб сени кутдим...

У пешинга яқин уйғонди ва мрамар ванна ҳамда бет-қўл ювгич ёнида турган пақир сувга лиммо-лим тўлиб турганини кўрди. Тури ҳеч қаерда кўринмасди. Шу лаҳзада унга ёлғиз қолиш кўрқинчли туюлди, сўнг ваннага кириб ювинди. Қаттиқ малла чойшабга артинди. Эрталабки пардозни тугатиб, йўлда киядиган либоси – малла кўйлаги ҳамда тугмали оқ кофтасини кийиб олди. Оёқларида кўчада киядиган қулай туфлиси бор эди.

Дераза ортида Сицилиянинг май куёши нур тўкар, аммо тоғдан эсан шабада салқин эди. Гильяно аллақачон нонуштани тайёрлаб, уни кутаётганди. Буклама столча устида идиш, оёқ қўйиладиган жавонда ҳозиргина тандирдан чиққан нон, яхна гўшт ва мевалар, ёнида гулхан ёниб турибди. Баргга ўралган металл бидондаги сут кружкаларга қуйилган.

Атрофда ҳеч ким кўринмасди ва Юстина Турининг қучоғига ўзини отди ҳамда қаттиқ ўпди. Нонушта учун миннатдорчилик билдириб, уйғотмагани учун ўпкалади: ахир бу ишларнинг барчасини ўзи бажарарди. Сицилияда эр овқат тайёрлаганини ким кўрибди?

Улар офтобда тобланганча тановул қилишди. Атрофда ярим вайрона сарой деворлари икковининг хотиржамлигини қўриқлар, бир-бирига мафтун бўлган ёшларни паноҳига олган эди. Шундоққина улар узра норманн минораларининг турли рангдор тошлар билан ёрқин безалган вайроналари юксалиб турарди. Чиройли пештоқлар ортидан меҳроб кўринарди.

Улар вайроналар орасидан зайтунзор ялангликка чиқишди, у ерда ёввойи лимон дарахтлари ҳам ўсарди. Атрофни бутунлай буталар қуршаб олган, бутун Сицилияда бундай гуллар чаппар урган эди.

Ниҳоят уларнинг учинчи, охириги куни эрталаб олисда, тоғлар орасида ўқ овозлари эшитилди. Юстина ташвишга тушди, аммо Гильяно уни тинчлантирди. Шу уч кун мобайнида, ҳозирча бирга эканлар, Юстинани ҳеч нима қўрқитмаслиги учун жуда кўп ҳаракат қилди. Гильянода ҳеч қандай қурол йўқ, бўлганда ҳам унинг кўзига ташланишидан Худонинг ўзи асрасин. Шу боис Тури Юстинани черковга яширди. У бирор марта бўлсин, ҳамиша шай турганини сездирмади, яқин кишиларига эса Юстинадан мумкин қадар узоқроқда туришни буюрди. Аммо кўп ўтмай елкасига отиб олинган қуёнларни осганча Аспану Пишотта пайдо бўлди. Уларни Юстина оёқлари остига ташлаб, шундай деди:

– Ма, эрингга бирор нарса пишириб бер, бу унинг сеvimли таоми. Борди-ю, бузиб қўйсанг, бизда яна йигирматача бор.

Унга кулимсираб қаради. Юстина қуёнларни нимталашга уннади. Пишотта Гильянонинг олдида борди. Улар ағнаб ётган пештоқ томон юришди ва ерга ўтиришди.

– Хўш, Тури, – мийиғида кулиб сўради Пишотта, – жонингдан воз кечишингга арзийдими ўзи бу?

– Мен бахтлиман, – оҳиста жавоб берди Гильяно. – Хўш, йигирмата қуённи қандай қилиб отдинг, шуни айтиб бер.

– Луканинг патрулларида бирини, бунинг устига жуда бақувват ва соғлом экан, сарой остонасига яқин жойда тутиб олдик, – деди Пишотта. – Иккита зирҳли

автомашинани ҳам қўлга туширдик. Биттаси милага учраб, шундай куйиб кетдики, ҳозир хотининг пишираётган қуёнларга ўхшаб қолди. Бошқаси қоятошларга ўқ узиб, сўнг Монтелепрега қарата жуфтакни ростлади. Эртага эрталаб, ўз-ўзидан аёнки, ўртоқлари учун келишади. Анча-мунча куч билан. Мен сизларнинг бугун кечаси бу ердан ғойиб бўлишларингни маслаҳат бераман.

– Тонг отганда, Юстинани олиб кетиш учун отаси келади, – деди Гильяно. – Сен кичик кенгаш ўтказишимиз хусусида ўйлаб қўйдингми?

– Ҳа, – жавоб берди Пишотта.

– Хотиним кетганидан сўнг... – Гильяно «хотиним» сўзини айтганида бир оз тутилиб қолди. Пишотта кулиб юборди. Гильяно жилмайиб сўзини давом эттирди: – уларни ҳузуримга олиб кел, ўша ерда кўриб чиқамиз. – Ва бир оз жим қолиб, сўнг илова қилди: – Мен Жинестрада аслида нима рўй берганини айтганимда, сен ҳайрон бўлмадингми?

– Йўқ, – деди Пишотта.

– Биз билан бирга овқатланасанми? – сўради Гильяно.

– Сизларнинг асал ойингизнинг охириги тунида-я? – Пишотта бош чайқади. – Ахир мақолни биласан-ку: янги хотин тайёрлаган таомдан қўрқ.

Ўз-ўзидан англашилдики, хатарли ишда янги дўстларга таяниш мумкин эмас. Пишотта Гильяно бекор уйланганини яна бир бор шама қилиб қўйди.

Гильяно кулди.

– Булар барчаси бир умр худди шу тарзда давом этмайди-ку – бошқа ҳаёт тўғрисида ҳам ўйлаш керак. Эртага биз ишни уддаламагунча барча соқчилик постлари жойида қолишини текшириб кўр.

Пишотта бош ирғади. У Юстина куёнларни тайёр-
лаётган томонга қаради.

– Қандоқ яхши, – деди сўнг. – У шундоқ бурнимиз
тагида вояга етибди-ю, буни пайқамабмиз. Лекин эҳ-
тиёт бўл, отаси бунинг феъли оғир, деган. Қўлига ку-
ролингни бериб қўйма тагин.

Гильяно бу сицилияча ҳазилни қулоғининг ости-
дан ўтказиб юборди. Пишотта девордан ҳатлаб ўтиб,
зайтунзор орасига кириб кетди.

Юстина эса гулларни узиб, саройдан топган эски
вазага солиб қўйди. Гуллар столни бежади. Сўнг Юс-
тина таом тортди. Турига у бир оз асабийлашган ва
нимадандир аччиқланган каби кўринди. Эҳтимол,
бунинг сабаби отишмалар ёки анови шайтон Аспану
Пишоттанинг қурол осиб келиб, тўсатдан бу жаннатий
хилватгоҳни бузганидир.

Улар бир-бирига юзма-юз ўтирганча шошилмас-
дан овқатланишарди. Гильяно у овқатни дуруст тай-
ёрлар экан, деган хулосага келди: боз устига нон ва
гўшт манзират қияпти, стаканини тўлдирди, онаси
яхши тарбия берган экан. Гильяно Юстинанинг иш-
тахаси яхшилигидан мамнун бўлди, демак, у соғлом.
Юстина бошини кўтарди ва Гильяно тикилиб турга-
нини кўрди. Кулимсираб сўради:

– Онанг пиширганидан ёмон эмасми?

– Яхши, – деб жавоб қайтарди у. – Фақат бу ҳақда
ўзига ҳеч қачон айта кўрма.

Юстина бамисоли мушук каби қараб турарди.

– Венера ҳам сенга шундай мазали овқат пишириб
берармиди?

Тури Гильяно ҳеч қачон ёш қиз билан ишқий му-
носабат ўрнатмаган эди. Савол тўсатдан берилди,
шунга қарамай, унинг ўтқир ақли дарҳол ҳаммасини

тушунди. Энди Венера қандай севарди, деган саволлар ёғилади. Бу ҳақда эшитишга унинг тоқати ҳам, боз устига бериладиган жавоблари ҳам йўқ эди. Анови, ёши ўтган жувонни бу қизчалик севмаган, аммо Венерага назокат ҳамда ҳурмат билан ёндашарди. У бундай дард ва фожиадан ёш мафтункор хилқат, ҳатто гумонсирамаслигини билар эди.

Гильяно маъюс кулимсиради. Қиз ўрнидан турди-ю, стол устидаги идишларни йиғиштиришга киришди, аммо жавобни эшитиш учун оҳиста ҳаракат қиларди. Гильяно шундай деди:

– Венера ажойиб тайёрлайди – сени у билан солиштириш адолатдан бўлмасди.

Унинг боши узра ликопча учиб ўтди ва Гильяно чин юракдан хахолаб юборди. У оилавий сахна иштирокчисига айлангани учун бахт ва хушвақтлик ҳамда мана шу яхшигина, хушрўй чехранинг беозорлик ва хушахлоқлик ниқоби учиб кетганидан кулди. Лекин Юстина қичқириб юборди ва Гильяно уни қучоқлаб олди.

Улар кумуш ранг таратиб турган Сицилия шоми кўйнида туришар, ҳадемай қоронғилик тушар эди. Тури уни эркалатиб, қулоғига шивирлади, жувоннинг сочлари бамисоли ақиқ каби қоп-қора бўлиб, тўлқинланиб турарди.

– Мен ҳазиллашдим. Сен дунёда ҳаммадан кўра яхши тайёрлайсан. – Ва кулганини кўрмаслиги учун юзини унинг сочлари орасига яширди. Бу уларнинг охирги кечаси, қанчалик гаплашишса ҳам гаплари тугамас, ишқ ўйини ниҳоясига етмасди. Юстина яна Венера ҳақида сўради, аммо Гильяно ишонтириб, ҳаммаси ўтиб кетгани, уни ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқлигини айтди. Юстина бундан кейин қандай учрашишлари тўғрисида сўради. Гильяно уни Америкага

жўнатмоқчи эканлигини, бир оз вақт ўтгандан кейин ўзи ҳам бориш ниятида эканини тушунтирди. Лекин бу Юстинага отаси орқали аён. Кетгунча яна учрашадиларми, йўқми, шу қизиқтиради уни. Гильяно тушунди: Тури ҳеч қачон Американи кўра олмаслиги, қочишга уриниши чиппакка чиқиши Юстинанинг хаёлига келмайди, анча ёш бўлганидан ғам-аламга йўғрилган чигалликларни олдиндан кўра олмасди.

Эрталаб тонг отмасданоқ Юстинанинг отаси келди. Юстина Гильянонинг пинжига кирди ва улар ажралдилар.

Гильяно хароба қалъадаги кичик бугхонага бориб Пишоттани кута бошлади, у отряд бошлиқларини олиб келиши керак эди. Ҳозирча ҳеч ким йўқ, Гильяно черковга яшириб қўйган тўппончаларни олиб белига тақди.

У тўйи арафасида аббат Манфреди билан Жинестра дарасидаги хунрезликдан икки кун олдин дон Кроче билан учрашган Стефан Андолини ва Пассатемпога нисбатан шубҳа-гумонларини баҳам кўриб, гаплашган эди. Аббатни ўғлига ҳеч нима таҳдид солмаслигини айтиб ишонтирди, лекин у ҳақиқатни билиши лозим. Аббат ҳаммасини айтиб берди. Тури ўйлагандек, ўғли бор гапни гапириб, барчасига иқроп бўлган экан.

Дон Кроче Стефан Андолинидан Пассатемпони Виллабуга, ўзининг ҳузурига олиб келишини илтимос қилган, у билан нимадир тўғрисида яккама-якка гаплашмоқчи экан. Иккови гаплашиб бўлгунча Андолинига эшик орқасига ўтиб кутиб туриш буюрилган. Буларнинг барчаси хунрезлик рўй беришидан икки кун олдин рўй берган. Биринчи май фожиасидан кейин Стефан Андолини Пассатемпони деворга сиқиб гап сўраганида, у дон Крочедан мўмай пул олгани, Гиль-

янонинг буйруғини бажариш ўрнига пулемёт учини тўғридан-тўғри оломонга қаратиб, ўт очганига иқрор бўлди. Пассатемпо Андолинига таҳдид қилиб, агар бу ҳақда Гильянога бир оғиз чурқ этса, келишувда Андолини ҳам иштирок этган, дейишини айтиб, қасам ичган. Андолини шунчалик кўрқиб қолибдики, бу ҳақда фақат отаси аббат Манфредга баён қилибди. Манфред унга тилини тийиб юришни маслаҳат берган. Ахир отишмадан бор-йўғи бир ҳафта ўтган, Гильянонинг ғазаби ҳамда ғам-қайғуси шу даражада кучли эдики, у икковини ҳам отиб ташлашдан тоймасди.

Гильяно яна аббатни ишонтириб, ўзлига ҳеч қандай зарар етмаслигини таъкидлади. У Пишоттага нима иш қилиш кераклигини айтди. Бу ишга улар асал ойидан сўнг нуқта қўйишади, ўшанда Юстина Монтелепрега қайтади. Гильяно ёш қаллиқ ҳолида қотил бўлиб қолишни истамасди.

Мана у ҳозир харобага айланиб нураган саройда кутиб турар, боши узра том ўрнига Ўрта ер денгизининг осмони ястанган эди. У бир пайтлар меҳроб ўрнини бажарган жойга чиқиб ўтирди ва Пишотта отряд бошлиқларини олиб кирди. Пишотта капралга Гильянонинг мақсадини маълум қилди. У ўрнидан туриб, Пассатемпо ва Стефан Андолинини назардан қочирмаслик учун кўз остига олди. Бу икковини Гильянонинг ҳузурига келтиришди ва шундай қилиб улар меҳроб рўпарасида туриб қолишди. Терранова ҳеч нарсага тушунмай, талмовсираганча тош ўриндиқлардан бири устига ўтирди. У Гильянонинг қўриқчиларига тун бўйи қўмондонлик қилган, азбаройи чарчаб кетганидан ҳозир оёқда зўрға турарди. Гильяно Пишоттадан бошқа бирор кишига, Пассатемпога нисбатан нима қилишини айтмаган эди.

Ёввойи ваҳший ҳайвонга ўхшаш Пассатемпо бурни билан искаланиб, қилдай ўзгаришларни ҳам сезади, одамлардан чиқадиган ҳидга қараб хавф-хатарни билиб олади. Гильяно буни билади. Шунинг учун Гильяно Пассатемпо билан одатдагидек муомала қилишга уринди. У билан бошқаларга нисбатан маълум масофада туриб гаплашарди. Пассатемпони отряди билан бирга Трапанининг алоҳида ҳудудига юборган, чунки бу ҳайвонни кўришдан ҳаддан зиёд безган эди. У хабаркашни қатл қилиш ёки гапирмайдиган «меҳмон»га таҳдид қилиш, гаров пулини тўлашни истамаган одамни кўндириш масалаларида Пассатемподан фойдаланарди. Асирга тушганларга Пассатемпонинг бир қараши кифоя қиларди, ўлгудай қўрқиб қолишар, келишув вақти қисқарар эди. Гаров пули тўланмаган тақдирда, улар ҳамда оила аъзоларини нималар кутаётганини маълум қилар, аммо шундай лаззатли оҳангда айтардики, «меҳмон»лар шу заҳоти савдолашишни тўхтатиб, тезроқ ундан нари кетишни истардилар. Гильяно Пассатемпога автомат-тўппончасини ўқталиб, шундай деди:

– Биз ажралиб кетишимиздан олдин қарзларни узиш керак. Сен менинг буйруғимни бажармадинг, дон Крочедан пул олдинг ва Жинестра дарасида одамларни отиб ташладинг.

Терранова кўзларини қисиб, Гильянони кузатар, ўзининг ҳаётидан хавотирланарди. Борди-ю Гильяно шу йўл билан ким айбдорлигини аниқлашга киришса нима бўлади? Тўсатдан унга ҳам шундай айб тақиши мумкин. Терранова ўзини ҳимоя қилишга тайёрлана бошлади, шунда бирдан Пишотта ҳам тўппончасини Пассатемпога қаратганига кўзи тушди.

– Биламан, – деди у Террановага мурожаат қилиб, – сен ва отрядинг менинг буйруғимни адо этдиларинг. Пассатемпо эса бажармади. Сени ҳам хавф-хатар остида қолдирди: ахир мен ҳақиқатни билмай туриб, икковингни ҳам отиб ташлашим мумкин эди. Лекин ҳозир фақат Пассатемпони суд қиламиз.

Стефан Андолинининг юзидаги битта мушаги ҳам қилт этмади. У, доимгидек, тақдирга ишонарди. Гильяно олдида виждони соф эди, демак, ўзига нисбатан ҳеч қандай хавф-хатар йўқ.

Пассатемпо ҳаммасини тушунди. Ўзига хос ҳайвоний ҳиссиёт ила яқин келган ажални сизди. Энди у қон тўкиши керак – бошқа ҳеч нима қутқара олмайди, аммо унга иккита қурол қаратилган. Демак, вақтни чўзиш, қулай фурсатни пойлаб, сўнгги умидсиз уриниш қолганида уларга ташланмоқ керак. У шундай деди:

– Стефан Андолини менга пул ва кўрсатмалар берди, шундай экан, ўзидан сўрагин, – Андолини ўзини ҳимоя қилиб олдинга чиқади, шунда булар билан ҳисоб-китоб қилиш мумкин бўлар, деб умид қилганди у.

– Андолини барча гуноҳларига икдор бўлди, – деди Гильяно, – бунинг устига пулемётдан бир марта ҳам ўқ узмаган. Дон Кроче уни ҳам худди мен каби қўлига ўтқазиб олиб, аҳмоқ қилган.

Пассатемпо барибир тўнкалигича қолган эди.

– Лекин мен энг камида юз кишини ўлдирдим, – деди у таажжуб билан, – ҳаммаси жойида эди. Бу Жинестрадан роппа-роса икки йил муқаддам рўй берганди. Биз сен билан етти йилдан буён биргамиз, бу қулоқ солмаганим ягона ҳолат, холос. Бор-йўғи бир марта гапингни олмадим. Дон Кроче менга сенинг унчалик жаҳлинг чиқмаслигини асосли қилиб уқтирди. Юмшоқ табиатинг туфайли мутлақо бундай қилмаган

бўлардинг. Қолаверса, марҳумлар кўп бўлди нима-ю, кам бўлди нима, фарқи борми? Биринчи мартами бу? Сени эса, ахир сотганим йўқ-ку!

Гильяно бу одамга бутун қабихлиги, хатти-ҳаракати жирканчлигини тушунтиришга мажбур этишнинг фойдаси йўқлигини англади. Бошқа томондан қараганда, унинг ўзи яхшими? Йиллар давомида одамларни шундай жиноятлар сари ундамадими? Сартарошни қатл этиш, руҳонийни хочга қоқиш, ўмариш, карабинерларни бераҳмларча ўққа тутиш, жосусларни шафқатсиз жазолашлар-чи? Агар Пассатемпо хайвон бўлиб туғилган ва ўсган бўлса, у, яъни Сицилия қаҳрамони ким? Гильянонинг ботинидаги ғалаён бу қатлга қарши эди.

– Парвардигорга тазарру қилишинг учун вақтинг бор. Тиз чўк ва ибодат қил, – деди Гильяно.

Ҳамма Пассатемподан ортга чекинди. У якка ўзи бўшлиқ ичида тургандай эди. Гўё тиз чўкаётгандай бўлди ва тўсатдан миқти танаси Гильяно томонга ташланди. Гильяно олдинга қадам қўйди ва автоматининг тепкисини босди. Ўқлар Пассатемпонинг танасини илма-тешиқ қилиб ташлади ва у олдинга қараб йиқилар экан, Гильянога урилиб кетди. Гильяно ўзини четга олди.

Кундузи карабинерлар патрули Пассатемпонинг жасадини тоғ сўқмоқларидан топиб олди. Унда шундай ёзув бор эди: «Қимки Гильянога хиёнат қилса, шундай ўлим топади».

БЕШИНЧИ КИТОБ

ТУРИ ГИЛЬЯНО ВА МАЙКЛ КОРЛЕОНЕ.

1950

Йигирма тўртинчи бўлим

Майкл қаттиқ уйқуга кетган эди ва туйқус уйғонди. Ўзини чуқур қудуқ ичидан чиқиб келгандек ҳис этди гўё. Хона дўзах каби қоронғи: ахир у ёғоч эшик, деразаларни зичлаб ёпган, оппоқ-лимон тусидаги ой ёруғидан маҳкамлаган эди. Ён-атрофда жимжитлик ҳукмрон, тик этган товуш йўқ, фақат Майклнинг юраги урарди. Шу билан бирга гўё хонада яна биров юргандек туюлди.

У ёнига ағдарилди, шунда каравот билан ёнма-ён пол устида нимадир ётгандай туюлди, анчайин ёруғ, атрофдаги зулматдан ажралиб турарди. Қўлини чўзиб, тунги чироқни ёқди. Бир қадар ёруғ доғ каби қора мадоннанинг калласи кўринди. Майкл бу ҳайкал столдан ағдалириб тушган-у, гурсиллаган товуши мени уйғотиб юборган, деб ўйлади. Асабий зўриқиш дарҳол ғойиб бўлди ва енгил тортиб кулимсиради. Шу дақиқада эшикнинг енгил ғижирлагани эшитилди. У товуш келган томонга бурилиб, қоронғилик қаърида Аспану Пишоттанинг қорамтир чўзиқ юзини фарқлаб олди.

Пишотта полда ўтирар, эшикка томон суянган эди. Ингичка мўйлови тагидаги оғзи виқорли чўччайган, гўё Пишотта: сизларнинг кўриқчиларинг жуда ажойиб, даргоҳингизни бағоят зўр кўриқлар экан, демоқчидай эди.

Майкл стол устидаги соатига қаради. Тунги соат 3 эди.

– Ташриф учун бемаҳал вақт – бу ерда нима қияпсан ўзи? – деб сўради у.

Оёғини тўшакдан тушириб кийинди ва эшик, дераза ромларини очди. Ой ёғдуси худди шарпадек хонада кўринди-ю, шу заҳоти ғойиб бўлди.

– Нега мени уйғотмадинг? – сўради Майкл.

Пишотта унинг оёқлари остига думалаб келди-ю, чақишга тайёр илон мисоли бошини кўтарди.

– Мен ухлаётганларни яхши кўраман. Улар баъзан тушида сирларини валдираб айтиб қўяди.

– Мен сирларни ҳеч қачон айтмайман, – деди Майкл. – Ҳатто тушимда ҳам.

У балконга ўтди, Пишотта ортидан чиққанини кўриб, унга сигарета таклиф қилди. Чекишди. Майкл Пишоттани йўтал тутиб, кўксидан чиқаётган хириллаган овозни эшитди, юзидаги бўртиб чиққан суяклар ой нурида сариқ, ўлик тусига кирган эди. Иккови ҳам сукут сақларди. Сўнг Пишотта сўради:

– Ишқилиб васиятни олдингизми?

– Ҳа, – деди Майкл.

Пишотта чуқур нафас олди.

– Тури менга дунёда ҳаммадан кўра кўпроқ ишонади, ўзининг ҳаётини ишонади, деяверинг. Ахир уни ҳозир фақат мен ахтариб топишим мумкин. Лекин васиятини менга ишонмади. У сиздами?

Майкл бирдан жавоб бермади. Пишотта хахолаб кулди.

– Сиз худди Турига ўхшайсиз, – деди у.

– Васият Америкада, – деди Майкл. – У хавфсиз жойда, отамнинг қўлида.

У васият ҳали Тунисда сузиб юрганини Пишотта билишини истамади. Шунчаки бу ҳақда биров билишини хоҳламади.

Майкл тилида айланган саволни беришга жазм қилмади. Пишоттанинг сирли равишда пайдо бўлишини фақат битта сабаб билан изоҳлаш мумкин эди. Фақат бир ваз билан бундай хатарли ишга бош уриб, виллани ўраб турган қўриқчилар орасидан ўтиш мумкин. Эҳтимол, ўтиб кетмаган, уни қўйиб юборишгандир? Шундайми, шундай эмасми, ҳаммаси Гильяно келганидан сўнг аён бўлади.

– Гильяно бу ерга қачон келади?

– Эртага тунда, – деди Пишотта. – Аммо бу ерга эмас.

– Нега энди? – сўради Майкл. – Бу ер бутунлай хавфсиз.

Пिशотта кулди.

– Аммо мен бу ерга кела олдим-ку, тўғрими?

Ҳақиқатан шундай ва бу Майклни асабийлаштира олмасди. Яна ҳаёлидан, Пишоттани қўриқчилар дон Доменик буйруғига кўра ўтказиб юбормаганмикан, деган фикр «лип» этиб ўтди. Ҳатто уни уйгача олиб келган бўлишлари ҳам мумкин.

– Буни Гильянонинг ўзи ҳал қилади, – деди у.

– Йўқ, – рад этди Пишотта. – Гильяно учун мен ҳал қилишим керак. Сиз унинг қариндошларига хавфдан холи бўлишини ваъда берган эдингиз. Дон Кроче эса сизнинг шу ерда эканлигингизни билади, назоратчи Веларди ҳам. Уларнинг ҳамма жойда жосуслари

бор. Бу ерда Гильяно учун нималар қилишни ўйлаган эдингиз? Тўйми? Туғилган кунми? Дафн маросими? Сиз бу ерда, Сицилияда яшовчилар бирваракайи-га эшаклар, деб ўйладингизми?

Кейинги сўзларни у дўқ-пўписа оҳангида айтди.

– Мен Гильянони қандай олиб кетишимни очик айтмоқчи эмасман, – деди Майкл. – Менга ишониш-ишонмаслик сенинг ишинг. Фақат Гильянони менга қаерда топширасан, шуни айт, ўша ерга бораман. Ҳеч нима демасанг, эртага оқшом пайти Америкада бўламан. Сизлар эса Гильяно билан худди қуёнлардай ҳаётингизни сақлаш учун қочиб юрасизлар.

Пишотта хахолаб кулиб юборди.

– Мана бу ўзимизга хос, яъни сицилийчасига, – деди у, – сиз бирор йилни бизда беҳуда ўтказмабсиз. – Пишотта хўрсинди. – Шунчаки ҳаёт кўнгилдагидек изига тушиб кетишига ишонгим келмайди. Биз етти йилдан буён қочоқлармиз – отишма, хиёнат, қотилликлар ичидамиз. Лекин Монтелепре қироллари эдик, Тури ва мени – икковимизни шон-шухрат қуршаб олган эди. У камбағаллар учун жанг қилди, мен эса ўзим учун. Даставвал бунга ишонмадим, аммо иккинчи йили қочоқ бўлиб яшар эканмиз, у менга ва бутун отрядимизга буни исботлаб берди. Ахир мен унинг ўринбосари, тутинган акасиман, у ҳаммадан кўра менга ишонади. Менда ҳам худди уники каби олтин тўқа бор, буни ўзи берган. Лекин Партинико аҳоли-сидан битта ёшгина қизчани алдаб, номусига текканимда, бўйида бўлиб қолди, отаси келиб, ҳаммасини Гильянога айтиб берди. Биласизми, Тури нима қилди? У мени дарахтга маҳкам боғлаб, қамчи билан савалади. Деҳқонлар ёки бошқа одамлар олдида эмас. Мени ҳеч қачон бунақа жазоламаган эди. Бу иккаламизнинг

ўртамизда қолди. Аммо биламан, агар қачонлардир унинг буйруғини бажармасам, мени ўлдиради. Бизнинг Тури ана шунақа одам.

У қўлини мўйловларига тегизди, қўли қалтирарди. Ойнинг оппоқ нурида ингичка мўйлови ялтираб қўринар, бу якқол кит мўйини эслатарди.

«Ғалати воқеа. Буни менга нега гапириб беряпти?» – деб ўйлади Майкл.

Улар хобгоҳга қайтишди ва Майкл эшик, деразаларни ёпди. Пишотта пол устидан қора мадоннанинг кесилган бошини кўтариб, Майклга узатди.

– Буни сизни уйғотиш мақсадида полга ташлагандим, – деди у. – Васият шунинг ичида эди, тўғрими?

– Ҳа, – жавоб берди Майкл.

Пिशоттанинг юзи хийла чўзилиб кетди.

– Демак, Мария Ломбарде мени алдаган экан-да. Ахир мен ундан васият тўғрисида сўрагандим. Ўзида эмаслигини айтди. Сўнг кўз олдимда уни сизга берди. – У аччиқ кулимсиради. – Ахир мен унга ўғлидек бўлиб қолган эдим-ку!

Ва бир оз индамай турди-да, илова қилди:

– У худди онамдай.

Пिशотта яна битта сигарета беришни сўради. Тунги столча устидаги кўзада озгина вино қолганди. Майкл ҳар икковига қуйди ва Пишотта миннатдорчилик билдириб, уни ичди.

– Раҳмат, – деди у. – Хўш, энди ишга ўтайлик. Мен Гильянони Кастельветрано шахрига олиб келдим. Таниб олишим учун сиз Трапанига элтувчи йўлга усти очиқ машинада келинг. Ўзимга қулай жойда сизни тўхтатаман. Агар нимадир сезсангиз, кепка кийинг, биз кетамиз ва машинадан тушмаймиз. Учрашув вақти – тонготар пайти. У ерга бора оласизми?

– Ҳа, – деди Майкл. – Хаммаси тайёр. Фақат сенга бир гапни айтишим керак, Стефан Андолини кеча профессор Адонис билан учрашувга келмади. Бу ҳол профессорни ғоят ташвишлантирди.

Пишоттанинг юзида биринчи марта ҳайрат ифодаси пайдо бўлди. Сўнг елкаларини қисди.

– Бу пакана билан нимадир доим пачава бўлади, – деди у. – Энди эса хайрлашишимиз керак – эрталаб тонг саҳарда учрашамиз. – У Майклнинг қўлларини ўзининг қўли устига қўйди.

Майклнинг беҳосдан оғзидан чиқиб кетди:

– Биз билан Америкага юр.

Пишотта рад этиб, бош чайқади.

– Мен ҳаётим давомида Сицилияда яшаганман ва шу ҳаётимни яхши кўраман. Ўлишим тўғри келса, Сицилияда ўлишим керак. Лекин барибир раҳмат.

Негадир бу сўзлар Майклга таъсир қилди.

– Мен сени дарвозадан чиқариб қўяман, – деди у.

– Йўқ, – унамади Пишотта. – Бизнинг кичик учрашувимиз махфий бўлиб қолсин.

Пишотта кетгандан сўнг Майкл яна ухлади ва тонггача туш кўрмади. Ниҳоят у Гильяно билан учрашди: бирга Америкага боришади. Қизик, деб ўйлади у, Гильяно қандай одам экан-а? Ўзи ҳақидаги афсоналарга мос келармикан?

Ниҳоят Майкл ўрнидан туриб, дераза ромларини очди. Тонг отди. Майкл тик турганча қуёш аста-секин тепага қандай кўтарилаётганини кузатарди. Офтоб денгизга олтин йўлак туширар, қуёшга ғарқ бўлган бу энли нур остида кемалар боғлаб қўйилган жойга катер жадал сузиб келарди. Вилладан югуриб чиққан Майкл Питер Клеменцани кутиб олиш учун қирғоққа чопиб кетди.

Улар биргаликда нонушта қилишди ва Майкл Питерга Пишоттанинг келганини айтди. Қўриқчилар турганига қарамай, унинг виллага киришни уддалагани Клеменцани ҳайрон қолдирмади.

Шундан сўнг Гильянони яхшироқ қарши олиш учун хомчўт қилишди. Виллани жосуслар ҳар томонлама кузатиши мумкин, бир нечта автомобилнинг келиши, шубҳасиз, уларнинг диққатини тортади. Ҳа, Майклни ҳам синчковлик билан кузатишади. Тўғри, Сицилия хавфсизлик хизматини бошқарадиган назоратчи Веларди бу ишга аралашмайди, лекин ким билади дейсиз, бу ерда яна қандай макр-ҳийлани кутиш мумкин?

Учрашув режасини тузиб бўлгач, улар овқатланишди, сўнг Майкл ухлаш учун хонаси томон йўл олди. У кечанинг оромбахш ўтишини истар, тун эса узоқ эди. Питер Клеменцанинг иши жуда қўп: одамларига буйруқ бериш, транспорт масаласида келишиш, буларнинг барчаси тўғрисида уйга қайтган дон Доменикога гапириб бериши лозим эди. Майкл хонасидаги даричани ёпди-ю чўзилди. Лекин асабий зўриқиш уни тарк этмаган эди – ухлай олмади. Яқин кеча-кундузда ҳар қандай даҳшатни кутиш мумкин. Уни нохушликни олдиндан сезиш ҳисси тарк этмади. Сўнг ўзини тасаввур қилди, Лог-Айлендга, уйига боргандан сўнг эшик олдида ота-онаси бирга кутиб олишади, шу тариқа узоқ муддат қувғинда юргани ниҳоясига етади.

Йигирма бешинчи бўлим

Етти йилдан буён қувғинда бўлган Тури Гильяно, мана, энди ўзининг тоғдаги салтанатини тарк этиб, Америкага кетиш фурсати келганини англаб етди. Бу макон ҳақида болалигида ота-онасидан қанчадан-қанча ажойиб ҳикоялар эшитган. Бу эртақмонанд мамлакатда, ота-оналарининг сўзларига қараганда, ночор, гадой сицилиялик виждонан тер тўкиб меҳнат қилса бой-бадавлат бўлиб кетиши мумкин.

Гильянони ўзининг дўстона ҳис-туйғуларига ишонтирган дон Кроче Америкадаги дон Корлеоне билан боғланиб, уни олиб чиқиб кетиш ва бошпана бериш тўғрисида ёрдам сўради. Тури Гильяно дон Кроче бу ишни ҳаммадан бурун ўз фойдасини кўзлаб қилаётганини жуда яхши тушунди. Шу билан бирга бошқа иложи деярли йўқлигини ҳам англаб етди. Унинг округдаги ҳукмронлиги ниҳоясига етиб бораётганди.

Мана, оқшом чўкди. Энди Аспану Пишоттани учратиш учун йўлга тушиши ва ўзини америкалик Майкл Корлеоне ихтиёрига топширмоғи керак. Ҳозир у тоғлари билан хайрлашмоғи зарур. Тоғлар етти йил мобайнида бошпана бўлиди. У ўзининг подшолиги, ҳокимияти, қариндош-уруғлари ва ўртоқлари билан хайрлашди. Отрядлари тамом бўлган, тоғларини душман эгаллаб олган. Уни қўллаб турган Сицилия халқи полковник Луканинг махсус тайинланган отряди томонидан тиз чўктирилган. Агар Гильяно қолса, қандайдир ғалабаларни қўлга киритиши мумкин, аммо оқибатда тор-мор бўлиши аниқ. Бир сўз билан айтганда, бошқа йўл йўқ.

Тури Гильяно елкаси оша қуролининг камарини ўтказди-да, тўппонча-автоматини олганча Палермо-

нинг узун йўли бўйлаб одимлади. У қисқа энгли оқ кўйлак, устидан катта чўнтакли чарм куртка кийган, унга ўқ қутилар солинган эди. Тури тез қадамлар ташлаб борарди. Соат тўққизни кўрсатар, гарчи ой озгина ёритиб турган бўлса-да, осмон ниҳоятда ёруғ эди. Карабинерлар патрулига дуч келиб қолиши мумкин бўлган Гильяно кўркувни асло ҳис этмасди. Шу йиллар давомида у ўзининг кўринмас одам эканлигига ўрганиб қолган. Оқругдаги барча одамлар Гильянони кўриқлашар эди. Агар патруль аскарлари келиб қолишса, улар хабар етказишар, мабодо хавф-хатар туғилса, уни химоя қилиб, уйларига яширишарди. Ҳамла қилишганда эса, чўпонлар ва дехқонлар оёққа туради. Гильяно уларнинг қахрамони – ҳеч қачон унга хиёнат қилишмайди.

Гильянонинг тўйидан сўнг унинг отряди билан полковник Луканинг махсус кучлари ўртасида бир неча бор жанг бўлиб ўтди. Полковник Пассатемпонинг ўлдирилишини ўзининг хизмати сифатида қайд этди. Газеталар жарангдор сарлавҳалар остида Гильянонинг энг шафқатсиз ёрдамчиларидан бири махсус тайинланган отряднинг қахрамон аскарлари билан кучли отишма пайтида ўлдирилди, деб хабар қилди. Полковник Лука жасадда қолдирилган ёзувни яшириб қўйди, албатта. Аммо дон Кроче ундан назоратчи Велларди орқали хабар топди. Шунда у Жинестрада рўй берган хиёнатдан Гильяно хабардор эканлигини англади.

Полковник Луканинг беш минг кишилик армияси Гильянони зич ўраб олган. У энди Палермода пайдо бўлиш, озиқ-овқат харид қилиш ва онаси ҳамда Юстинани кўриш учун Монтелепрега боришга журъат қилолмайди. Кўплаб одамлари хоинона ўлдирилган.

Баъзилари Жазойир ва Тунисга қочиб кетган. Бошқалари яширинган ёки отряд фаолиятида иштирок этиш имкониятига эга эмас. Энди мафия очикчасига Гильянога қарши ҳаракат қилар ва ўз жосусларидан фойдаланиб, унинг одамларини карабинерлар қўлига топширар эди.

Ва, ниҳоят Гильяно отрядларидан бирининг бошлиғи ҳам вафот этди. Террановадан бахт юз ўғирди, қилмиши ўзи учун учун кулфатга айланди. У шафқатсизликда Пассатемподан, ёвузона айёрликда Пишоттадан, ўлим келтирувчи золимликда Фра Иблисдан асло қолишмас ёки таркидунёчиликда Гильянонинг айнаи ўзига ўхшарди. Бу одам аҳмоқ эмас, табиатан одамшаванда бўлиб, Гильяно кўпинча ўғирлаб келинган одамлар билан музокаралар олиб борганда, шунингдек, камбағалларга пул ва озиқ-овқат маҳсулотларини тақсимлашда ундан фойдаланарди. Айнан Терранова ва одамлари тунда Палермо бўйлаб Гильянонинг мурожаатларини ёпиштириб чиқарди. Терранова отряднинг қонли операцияларида жуда кам иштирок этарди.

У меҳр-муҳаббат ва дўстона муносабатларга муҳтож кишилар жумласига кирарди. Китобда баён қилинган воқеалардан бир неча йил муқаддам Терранова Палермода учта ёш болали бевани ўзига жазман қилиб олди. Аёл унинг босқинчи эканлигини хаёлига ҳам келтирмаган, Римда қандайдир ҳукумат идорасида ишлайди, Сицилияга дам олиш учун келади, деб ўйларди. Ўзига берилган пуллар учун ниҳоятда миннатдор эди. Лекин Терранова унга аввал бошданок ҳеч қачон уйланмаслигини айтди. Аёл эркакни ғоят муҳтож бўлган, зорикқан меҳр-муҳаббат ва ғамхўрлик

билан чирмаб ташлади. Келганида лаззатли таомлар пишириб берар, кийимларини ювар ва улуғ бир миннатдорчилик ила муҳаббатига муҳаббат билан жавоб қайтарарди. Бу, табиийки, «Дўстларнинг дўсти» ҳамда дон Кроче учун махфий бўлиб қолмади. Дон Кроче олинган маълумотларни керакли фурсат келгунча эҳтиёт қилиб сақлашга қарор қилди.

Юстина Гильянони кўриш учун келганида, ҳар сафар Терранова ҳамроҳлик қиларди. Унинг гўзаллиги шунчалик таъсир этдики, гарчи хатар томон бораётганини билса-да, охирги марта жазманининг олдига боришга қарор қилди. Унга пул бермоқчи бўлди, бу маблағ аёлга ҳамда болаларига бир неча йилга бемалол етарди.

Мана, у бир куни тунда Палермога келди. Бева аёлга пул берди-ю, анча вақт кўриша олмасак керак, деди. Бека йиғлаб ташлаб кетмаслигини ёлвориб сўради ва ниҳоят аёлга аслида ўзининг кимлигини айтишга мажбур бўлди. Бева ниҳоятда таажжубга тушди. Наҳотки шунчалик ювош, майин, меҳрибонлигига қарамай, Гильянонинг машҳур саркорларидан бири бўлса? Ўша оқшом уни шунчалик эҳтирос ва беҳад садоқат билан севдики, бундан Терранова тўла-тўқис хушбахтлик оғушида қолди, ўзини аёл ҳамда болалари билан бағоят бахтиёр ҳис этди. Эркак уларга қарта ўйнашни ўргатди ва бирга ўйнади. Ютқазганида ҳақиқий пул билан тўлар, болалар бундан хурсанд бўлиб қийқиришарди.

Улар ухлагач, Терранова ва севгилиси яна ишқ ўйинига берилишди. Тонг отгач, Терранова йўлга тушишга тайёрланди. Эшик ёнида улар охирги марта қучоқлашдилар, сўнг Терранова тезгина мўъжаз кўчага тушиб, ибодатхона олдидаги асосий майдонга чиқди.

У ниҳоят даражада қаноат ҳосил қилган, бахт билан масрур ва, табиийки, бўшашган ҳамда ҳушёрликни бой берган эди.

Тўсатдан эрталабки ҳавони моторлар овози тугиб кетди. Учта қора машина унга қараб юрди. Бутун майдон теvaraги қуролли кишиларга тўлди. Қуролланган кишилар машиналардан сакраб тушишди. Улардан бири: «Таслим бўл, қўлингни кўтар», деб қичқирди.

Терранова охирги марта ибодатхонага, токчадаги авлиёларнинг ҳайкалларига назар ташлади. Уйларнинг яшил ва сариқ айвонлари, биллур осмонда бош кўтараётган қуёшга боқди. Буларнинг барчасини охирги марта кўраётганини фаҳмлади, етти йиллик омад ниҳоясига етган эди. Фақат бир йўл қолганди.

У сакради, гўё ўлимни четлаб ўтмоқчи, хавфсиз жойга ўзини ташламоқчи эди. Ён томонга қараб йиқилар экан, тўппончасини суғурди-ю, ўқ узди. Аскарлардан бири чайқалди-да, тиззалаб қулади. Терранова яна тепкини босмоқчи бўлди, аммо юзлаб ўқ унинг танасини илма-тешиқ қилиб, жасади бўлақларга бўлиниб кетди. Биргина бахти – ҳаммаси шунчалик тез рўй бердики, наҳотки ўзига шунчалик яқин аёли сотгани ҳақида ўйлашга ҳам вақти бўлмади.

Терранова ўлимида Гильяно ўзининг тақдирини кўрди. Ҳукмронлик вақти поёнига етганини аллақачон билган эди у. Одамлари энди муваффақият билан қарши ҳужум қилолмайди. Лекин у ҳамиша ўзи ва ёрдамчилари ҳалок бўлмасликлари учун қочишга улгуриш мумкин, деб ҳисобларди. Вақт жуда оз қолганини ҳам аллақачон англаб етган. Унинг хаёлини анча вақт-

дан бери бир фикр эгаллаган. Шу боис капрал Канио Сильвестрони чақирди.

– Бизнинг давримиз ўтди, – деди у Сильвестрога.
– Сен бир пайтлар Англияда дўстларинг борлигини, бошпана беришлари мумкинлигини айтган эдинг. Уларнинг олдига бор. Сенга рухсат бераман.

Капрал рад этиб бош чайқади.

– Сен Америкага бешикаст етиб борганингдан сўнг яширинишга улгураман. Ахир ҳали сенга керак бўламан. Мен сени ҳеч қачон сотмаслигимни яхши биласан.

– Биладан, – деди Гильяно. – Мен сенга ҳамиша яхши муносабатда эдим. Ваҳоланки, сен ҳеч қачон ҳақиқий босқинчи бўлмагансан. Доимо аскар ва полициячи эдинг. Ҳамма вақт қонун томонида тургансан. Шундай экан, бу ерда ҳаммаси тугагач, янги ҳаёт бошлашинг мумкин. Бизга, бошқаларга эса ниҳоятда оғир бўлади. Ҳамиша босқинчи бўлиб қолаверамиз.

– Мен сени ҳеч қачон босқинчи ҳисобламаганман, – деди Сильвестро.

– Ҳа, ўзим ҳам, – изоҳлади Гильяно. – Лекин, шундай бўлса-да, бу етти йил мобайнида нима иш қилдим ўзи? Мен адолат учун курашяпман, деб ўйладим. Камбағалларга ёрдам беришга уриндим. Сицилияни мафиядан халос этишга ҳаракат қилдим. Бағри кенг, сахий бўлишни истадим. Аммо бунга ўз вақтида ва рисоладагидек кириша олмадим. Ҳозир эса бизнинг ягона қолган йўлимиз – ўз жонимизни қутқариш. Шундай экан, Англияга жўнаб кет. Сен хавфдан холи бўлсанг, бундан фикр-ўйларим равшан тортади.

У Сильвестрони кучоқлади.

– Сен менинг ҳақиқий дўстим эдинг, – деди Гильяно, – ва сенга буюраман – жўнаб кет.

Қоронғи тушгач, Тури Гильяно ўзининг ғоридан чиқди ва айнан Палермода жойлашган капуцинлар* ибодатхонаси томон йўл олди. У ерда Аспану Пишоттадан хабар кутиши лозим эди. Гильяно отрядининг махфий аъзоларидан бири, монах ибодатхона остидаги айланма йўлларни биларди. Бу айланма йўлларда юзлаб мумиёланган жасадлар сақланарди.

Кўп йиллар давомида, биринчи жаҳон урушига қадар, округдаги бой ва аслзода оилаларда ибодатхона деворларига дафн этилишни истаганларнинг либосларини илиш одат тусга кирган эди. Ўлим ва дафн маросимидан сўнг мархумнинг жасадини ибодатхонага келтиришарди. Монахлар жасад қисмларини сақлаш бўйича катта маҳоратга эга эдилар. Олти ой давомида жасадга қуруқ иссиқ ҳаво юборилиб, бунинг таъсирида тўқималар қуриб қоларди. Бу вақт мобайнида тери ажинлар билан тўлиб кетар, майит юзи бужмайиб, даҳшатли ниқоб қиёфасига кирар, худди мазах қилаётгандай туюлар, ҳар қандай ҳолатда ҳам четдан қараган кузатувчининг кўзига ниҳоятда қўрқинчли кўринарди. Сўнг жасадга деворга осиб қўйилган кийим кийдириб, ойнаванд тобутга солишарди. Тобутни тахмонга қўйишар ёки шифтга осардилар. Айрим жасадларни оромкурсига ўтирғизиб, бошқасини эса деворга ўрнатишарди. Шунингдек, ойнаванд қутиларда гўё яланғоч қўғирчоқлар каби турганлари ҳам бор эди.

Гильяно айланма йўлнинг намиққан тошлари устида бошини ёстик ўрнига тобутга қўйганча ётди. У атрофини ўраб олган сицилиялик майитларга тикила бошлади. Бу ерда барча тоифадаги одамларнинг мурдалари бор эди...

*Тарки дунё қилган католик монахлари орденининг аъзолари.

Гильяно ушбу айланма йўлда икки кеча ухлаб, тунни ёмон ўтказди. «Ҳа, бу ерда ким ҳам ухлай оларди? – деб ўйлади у. – Манови ором топганлар – Сицилиянинг кейинги уч ёки тўрт юз йилига мансуб сара одамлар. Шу йўл билан қуртларга емиш бўлмаймиз, деб ўйлашган улар. Мана бой-бадавлат одамларнинг манманлиги, тақдирнинг севимли кишилари. Венеранинг эри каби кўчада жон бериш эса бутунлай бошқа масала».

Лекин бошқа бир фикр Гильянонинг ухлашига йўл бермасди. Ҳаётига уюштирилган суиқасддан дон Кроче ўзини қандай сақлаб қолди экан? Гильяно режа кам-кўстсиз тузилганини биларди. Ахир у Жинестра дарасида рўй берган воқеалар тўғрисидаги ҳақиқатни билгандан буён шу ҳақда тинмай ўйлайди-ку. Донни шунчалик пухта муҳофаза қилишадик, атрофидаги девордан бирор тирқиш топа олмайсан. У бекаму кўст қўриқланадиган «Умберто» меҳмонхонасида (Палермода жойлашган) ўзини хавф-хатардан холи деб ҳисоблаганида ҳамла қилиш лозим, деган қарорга келди Гильяно. Официантлардан бири отряднинг ушбу маскандаги жосуси эди. У доннинг қачон қаерга бориши, қўриқчилар қаерга қўйилганини хабар қилди. Бундай маълумотларга эга бўлган Гильяно донга уюштириладиган босқин муваффақиятли ўтади, деб ишонган эди.

Гильяно ўзининг ўттиз одамига Палермонинг белгиланган жойига келиб туриш, уларни кутиб олишни тайинлади. У доннинг Майкл Корлеоне билан учрашиб, сўнг овқатланишини биларди, шу боис кеч тушишини кутди. Майклнинг жўнаб кетганини хабар қилишди. Шунда унинг йигирма одами қўриқчиларни боғдан сиқиб чиқариш учун меҳмонхона-

нинг фронтон, яъни тепа қисмига ҳамла қилишди, бу вақтда ўзи ва қолган ўн киши девор тагига портловчи модда қўйдилар-у, ундан тўйнуқ очишди. Ана шу ўпирилган жойдан Гильяно отрядини олиб ўтди. Боғда фақат беш нафар қўриқчи қолганди, улардан бирини Гильяно отди, қолган тўртови қочиб қолди. Гильяно дон турган «люкс»га бостириб кирди, аммо у ерда ҳеч ким йўқ эди. «Люкс»да ҳеч қандай қўриқчининг йўқлиги Гильянони таажжубга солди. Бу вақтда отряднинг бошқа қисми меҳмонхонанинг тўсиб қўйилган томонини ёриб ўтиб, уларга қўшилди. Барча хона ва йўлакларни тинтиб чиқишди, аммо донни топишолмади. Дон оғир гавдаси билан тез ҳаракат қила олмасди, шунинг учун хулоса битта бўлиши мумкин. Демак, дон Майклдан сўнг дарров жўнаб кетган. Шунда биринчи бор Гильянонинг хаёлига Кроче тайёрланаётган суиқасддан огоҳлантирилган деган фикр келди.

Ёмон иш бўлди, деб кўнглидан ўтказди Гильяно. Биринчидан, бундай зарба беришнинг яқуни ажойиб бўларди, иккинчидан, у ўзининг энг хавфли душманини бир ёқли қилиши мумкин эди. Агар дон Крочени офтоб нури тўкилиб турган боғдан топганида қандай афсоналар юзага келарди! Майли, бундай имконият яна бўлади. У Америкага бир умрга кетмайди-ку.

Ниҳоят учинчи куни эрталаб худди ўзи ҳимоясига олган мумиёлар каби тарашадай қотган монах Пишоттадан мактуб келтирди. Унда: «Буюк Карл уйида», деб ёзилган эди. Гильяно ҳаммасини тушунди. Кастелветранолик аравасоз Пеппино ўз вақтида дон Кроченинг юк машиналарини босиб олишда ёрдам берган ва шундан буён унинг ҳамкорига айланган,

ихтиёрида учта арава ва олтита эшак бор эди. Бу уч аравага император ҳаётига оид саҳна кўринишлари чизилганди. Тури Аспану билан бирга болаликларида аравакашнинг уйини «Буюк Карл уйи» деб номлаган эдилар. Учрашув вақти эса олдиндан келишилганди.

Гильяно ўзининг Сицилиядаги сўнгги кечасида Кастелветрано томон йўлга тушди. Палермо чеккаларида у бир нечта чўпонни, ўз ташкilotининг махфий аъзоларини учратди, улар қуроллангани боис белгиланган жойгача кузатиб қўйишларини сўради. Кастелветранога жуда осон етиб боришгач, Гильянонинг миясида шубҳа ялт этиб ўтди. Шаҳарда ҳеч қандай қўриқчилик йўлга қўйилмаган эди. Гильяно тансоқчиларига рухсат берди, улар тун қоронғисида ғойиб бўлишди. Ўзи эса Кастелветрано четидаги тошдан қурилган мўъжаз уйга қараб йўл олди. Ҳовлида учта расм чизилган арава турар, аммо энди унда Гильянонинг ҳаётидан саҳналар акс этганди. Бу Пеппино амакининг уйи эди.

Гильянонинг келиши амакини ҳайрон қолдирмади. У аравани бўяётган эди, мўйқаламни ёнига қўйди. Сўнг эшикни ёпиб Гильянога деди:

– Иш пачава. Сен худди ориқ хачир пашшаларни жалб этгандай карабинерлар эътиборини ўзингга тортяпсан.

Гильяно қони қайнаб кетганини ҳис этди.

– Луканинг алоҳида махсус отрядими? – сўради у.

– Ҳа, – деди Пеппино амаки. – Беркиниб олишган, кўчаларда кўринмайди. Аммо ишдан қайтаётганимда, уларнинг машинасига кўзим тушди. Бошқа аравакашлар ҳам автомашинани кўрганини айтишди. Биз сенинг отрядингдаги йигитларга пистирма қў-

йишяпти, деб ўйлагандик, аммо сенинг келишингни панадан туриб пойлашаётгани хаёлимизга келмабди. Ахир, жанубга бунчалик узоқ кетиб қолмасдинг, тоғларингдан бу қадар олисламаган эдинг-да.

Гильяно ҳайрон бўлди – карабинерлар белгиланган учрашувдан қандай хабар топишди экан? Эҳтимол, Аспанунинг изидан тушишгандир? Ёки Майкл Корлеоне ва одамлари оғзидан гуллаб қўйдимикан? Ҳар қандай ҳолатда ҳам у Пишотта билан Кастелветранода учраша олмайди. Аммо улардан бири бу ерга кўришиш учун келмаса, ҳар эҳтимолга қарши, бошқа учрашадиган жойлари бор.

– Огоҳлантирганинг учун раҳмат, – деди Гильяно. – Пишоттани кўргин-у, унга бу ҳақда етказгин. Агар Монтелепрега бориб қолсанг, онамнинг олдига боргин ва менинг Америкага эсон-омон жўнаб кетганимни айтиб қўй.

– Кекса чолнинг сени қучоқлашига изн бер, – деди Пеппино амаки ва Гильянонинг юзидан ўпиб қўйди. – Мен сенинг Сицилияга ёрдам бера олишингга ҳеч қачон ишонмаган эдим, унга ҳеч ким ҳеч қачон кўмаклашолмас, ҳатто Гарибалди ҳам эпламаган бўларди... Энди эса, агар истасанг, хачирларни ҳозирлайман-у, сенга қаер қулай бўлса, ўша ерга олиб бораман.

Пिशотта билан кўришиш ярим кечага белгиланган эди. Ҳозир эса соат эндигина ўн бўлган. У атрофни кўздан кечиришни мўлжаллаб эрта келган эди. Майкл Корлеоне билан учрашув эса тонг отиш вақтида бўлиши керак. Агар Пишотта иккисининг биринчи учрашув жойи фош бўлиб қолса, Кастелветраногача икки соат пиёда юришга тўғри келади. Лекин ҳар ҳолда Пеппино амакининг хизматларидан фойдаланишдан

кўра пиёда юргани яхши. Гильяно чолга миннатдорчилик билдириб, тунда йўлга чиқди.

Захирадаги учрашув жойи машхур грек харобалари ёнида, Селина акрополи тагида эди. Вайроналар Кастельветрано жанубида, сахро яланглигида, унча узоқ бўлмаган дарё қирғоғида бўлиб, у ерда соҳил бўйлаб қоя тошлари ётарди. Қадимги шаҳар Селинунт Исо Масих таваллудига қадар зилзила туфайли вайронага айланган, аммо мрамор устунлар ҳамда асосий сарровлар ҳамон тик турар, аниқроғи, археологлар томонидан кавлаб топилган эди. Бу ердаги асосий кўчада қадимий бино бўлаклари сочилган. Кўҳна грек шаҳарларининг мустаҳкам маркази Акропол, одатдагидек, баланд жойда қурилган, ҳозир ҳам унинг вайроналари яланг тепалик устида юксалиб турарди.

Кун бўйи саҳронинг даҳшатли гармсели эсан эди. Ҳозир эса тунда, денгиз яқинидаги вайроналар орасидан туман кўтарилди. Узоқ йўл босган Гильяно толиқиб, вайроналарни айланиб ўтди-ю, қирғоқ яқинидаги қоятош устига чиқиб олди. Пастда нима рўй берса, бу ердан ҳаммаси кўриниб турарди.

Гильянонинг кўз олдида шу қадар гўзал манзара гавдаландики, бир лаҳза таҳдид солаётган хавф-хатарни унутди. Аполлон мақбараси вайроналар ичра ётар, колонна қолдиқлари бир-бирининг устига қалашган эди. Пастда, акропол остидаги шаҳарда ягона устун юксалиб турибди, унинг атрофида, ерда тош парчалари уйилган, минг йилдан буён шу алфозда эди. Машхур *Il fuso de la vecchia* – Кампир Урчуғи бу. Сицилияликлар унга одатланиб қолишган, бутун орол грек харобалари билан тўлиб кетгани боис унга бепарволик билан қарашарди. Фақат ажнабийлар катта қизиқиш билдирар эдилар.

Ва ана шу ажнабийлар кавлаб чиқарган ўн икки устун ҳозир Гильянонинг қаршисида юксалиб турарди... Ушбу ўн икки колонна пойида худди командири-нинг қаршисида турган аскарлар каби ер тагидан ўсиб чиққан янглиғ тош устунлар қад кўтарган. Гильяно устунлардан бирига орқа ўтирганча тепадаги зинага ўтирди. Курткасини ечди, тўппонча-автоматни ғилофидан, елкасидан милтиқни олди-да, бир зина пастга қўйди. Харобалар ўртасидан туман бурқираб кўтарилган, агар кимдир синиқ бўлақлар орасидан юрса, Гильяно душмандан олдинроқ пайқаб қолади.

У устунга суянди, дам олиш имконияти пайдо бўлганидан хурсанд бўлди – танаси чарчоқдан шалвираб қолган эди. Июль ойининг ёғдуси ола-була, оқ устунлар орасидан силжиб борар, қирғоқ бўйида осилиб турган қояларда тўхтаб қолгандай бўларди. У ёқда, денгизнинг нариги томонида – Америка. Ана шу Америкада Юстина ҳамда дунё юзини кўрмаган жажжи боласи бор. Ҳадемай Гильяно хавф-хатардан холи бўлади ва кейинги етти йил унга бамисоли тушдай кўринади. Бир оз муддат ўйга берилди – қандай ҳаёт кечиради, Сицилиядан ташқарида бахтли бўла олармикан? У кулимсиради. Эртами-кечми қайтади ва уларнинг барчасини кўради. Гильяно ҳорғин хўрсинди, ботинкаларининг боғичини бўшатиб оёғини чиқарди. Сўнг пайпоқларини ечди, совуқ тошларга оёқларини тегизиш ёқимли эди. Гильяно қўлини чўнтакка тикиб, икки дона ёввойи нок олди, уларнинг тунда яхлаган, ширин, салқин шарбати тетиклаштирди. Қўлини тўппонча-автомат устига қўйган Гильяно Аспану Пишоттани кутар эди.

Майкл, Питер Клеменца ва дон Доменик барвақт нонушта қилишди. Агар учрашув тонг отиш олдидан тайинланган бўлса, операцияни қоронғи тушмасдан бошлашга тўғри келарди. Улар яна бир бор ҳаракат режасини муҳокама қилишди ва Доменик уни маъқуллади. Доменик фақат битта гапни илова қилди: Майкл ўзи билан бирга қурол олмаслиги лозим. Агар бирор ишқал чиқса-ю, улар карабинерлар ёки хавфсизлик хизмати ходимлари қўлига тушса, Майклга қарши ҳеч қандай жиноят аломати бўлмаслиги керак. Ана шунда у ҳар қандай ҳолатда ҳам Сицилияни тарк этиб кета олади.

Боғда уларга вино солинган кўза ва лимонлар беришди. Шундан сўнг йўлга отландилар. Дон Доменик кетиш олдидан акасини ўпди. Сўнг Майклга ўтирилиб, маҳкам кучоқлади.

– Отангга мендан салом айт, – деди у. – Ишларинг яхши бўлиши учун ибодат қиламан, муваффақият ёринг бўлсин. Агар қачондир сенга керак бўлиб қолсам, менга хабар қилгин.

Учовлон кемалар боғлаб қўйиладиган жойга тушдилар. Майкл ва Питер Клеменца катер бортига кўтарилишди, у ерда уларни қуролланган кишилар анчадан бери кутишаётганди. Катер ўрнидан жилди ва Доменик соҳилдан туриб қўл силкитди. Майкл ва Питер Клеменца каютага киришди, сўнг Клеменца дарров тўшакака чўзилди-да, уйқуга кетди. Унинг учун оғир кун бўлган, денгизда эса тонг отгунча қолишга тўғри келарди.

Режага ўзгартириш киритдилар. Мадзара-дель-Валло шаҳарчасида кутаётган самолёт гўё Африкага учаётгандай бўлиб, йўлини ўзгартиради ва улар Аф-

рикага катерда сузиб боришади. Клеменцалар қисмати туфайли шундай қарорга келинди: у ўз одамлари билан йўлнинг хавфсизлиги ва катерни қўриқлашни таъминлайди, аммо кичкина аэродромдаги хатарни бартараф этишга унчалик ишонмайди. Ҳаддан зиёд кўп бўсагани босиб ўтишига тўғри келади, самолёт қурилмаси ҳам мустаҳкам эмас: ҳатто ерда у билан нимадир содир бўлиши мумкин. Ҳозир тезликка суяниш ярамайди, балки айёрликка таяниш лозим, осмондан кўра денгизда пана бўлиш осон. Аҳвол ёмонлашса, бошқа кемага ўтиш мумкин. Ҳавода эса бир самолётдан бошқасига кўчолмайсан.

Клеменца кун бўйи банд бўлди: у машиналарнинг бир қисми ва одамларни Кастелветрано йўлига, учрашув жойига юборар, бошқа таркибни Мадзара шаҳарчаси – Мадзара-дель-Валлога жўнатиб, хавфсизликни таъминлар эди. Машиналарни бир соатлик оралик вақт билан йўллар, виллани кузатиб турган кундашундалар дарвозадан бутун бошли автоколонна чиқиб кетаётганини мутлақо кўришмасди. Машиналар ҳар қандай таъқибни чалкаштириб юбориш учун турли томонга йўл оларди. Шу аснода катер Сицилиянинг жануби-ғарбий чеккасига қараб қайрилди-ю, уфқ тўлқинларида чайқалиб, сўнг шиддат билан Мадзара-дель-Валло портига қараб учди. Бу ерда уларни одамларга лик тўлган машиналар кутиб турарди. Кастелветранога қадар камида бир соат юриш керак, ҳатто Трапани йўлига тушиш учун айланиб ўтишга тўғри келади. У ерда уларни Пишотта кутиб турарди.

Майкл ҳам тўшакка чўзилди. У Клеменцанинг хурак отганини эшитиб ҳайрон бўлди ва шундай вазиятда ҳам одам бемалол ухлаётганига қойил қолди. Майкл йигирма тўрт соатдан сўнг Тунисда, яна ўн

икки соатдан кейин уйида бўлишини тасаввур қилди, қадрдонлар билан учрашишини ўйлади. Икки йиллик сургундан сўнг ниҳоят у озод одамга айланади, энди полициядан яшириниб юрмайди ёки ўзининг ҳомийлари иродасига қарам бўлмайди. Қандай истаса, шундай яшайди. Лекин мана шу ўттиз олти соат муваффақиятли ўтса! Катернинг енгил чайқалиши уни аллалагандай уйқусини келтирарди. Америкада биринчи кунларини қандай ўтказишини орзу қилар экан, Майклни қаттиқ уйқу босди.

* * *

Фра Иблис чуқур пинакка кетган. Ўша кунни эрталаб Трапанига профессор Гектор Адонис билан учрашиши керак эди, Стефан Андолини йўл-йўлакай Палермода Сицилия хавфсизлик хизмати назоратчиси билан учрашмоқчи бўлди. Полковник Луканинг ўша кунги тезкор режасидан уни хабардор қилиши лозим эди. Бу маълумотларни Андолини Пишоттага, у эса ўз навбатида Гильянога узатди.

Эрталаб жуда ажойиб эди, йўл атрофидаги далалар гулга бурканган. Андолинининг вақти етарли, шу боис йўл ёқасидаги кичик черковга кириб, сигарета чекмоқчи бўлди, қаср тагида авлиё Розалия ҳайкали бор эди, унинг олдида тиз чўкди-ю, ибодат қила бошлади. Ибодат сўзлари оддий ва тажрибадан ўтган: у авлиё Розалиядан ўзини душманлардан ҳимоялашни илтижо қилади. Якшанба кунлари гуноҳлари учун Бенимино отадан тавба қилиб, истиғфор сўрайди. Ҳозир эса қуёш унинг яланғоч бошига нурини тўқар, оғир, ифорлар билан тўлиб-тошган ҳаво ўпкасини тўлдириб, никотинни тозалар эди. Андолини ўлгудай очикқанини ҳис этди. Назоратчи Веларди билан учрашгандан сўнг

Палермодаги энг яхши ресторанларда яхшилаб нонушта қиламан, деб ўзига сўз берди.

Сицилия хавфсизлик хизматининг бошлиғи назоратчи Фредерике Веларди ўзида тақводорлик, улуғворлик туйғуларини ҳис этар, Яратгanning марҳаматига сазовор бўламан, ишим тартибга тушади деб умидини йўқотмас, ўзининг бахтли дамларини кутар эди. Салкам бир йилдан буён вазир Треццанинг тўғридан-тўғри кўрсатмаларига риоя қилган ҳолда Гильянони карабинерлар ҳамда ўзининг учар отрядларидан қочиб яширинишига ёрдам бериб юрди. Бунинг учун анови ярамас Стефан Андолини, Фра Иблис билан учрашди. Моҳиятан олиб қаралса, аслида у дон Кроче Малонинг қўлида бутун йил давомида ўйинчоқ бўлиб юрган экан.

Веларди Италиянинг шимол томонида ўсди, у ерда одамлар билим, ижтимоий меъёрлар, имон-эътиқод, қонун ва ҳокимиятни ҳурмат қилиш эвазига ҳамма нарсага эга бўлишарди. Сицилияда хизмат қилиш асносида ўтган йиллари эгаллаган мавқеидан қатъи назар, барча сицилияликларга нисбатан чуқур нафрат ва жирканиш билан муносабатда бўлди. Бой-бадавлат кишиларга сулолавий ор-номус тушунчаси бегона, камбағал-ночорларни итоатда тутиб туриш учун улар мафия билан жинойткорона тил бириктирарди. Мафия гўё ночор кишиларнинг манфаатини ҳимоя қилаётгандай кўринса-да, аслида уларни бой-бадавлат кишиларга хизмат эттириб, азоб берарди. Дехқонлар эса шу даражада мағрур эдиларки, гарчи умрбод қамоқ жазоси таъқиб этса-да, рўй берган қотилликлар билан мақтанар, фахрланар эдилар.

Лекин энди ҳаммаси бутунлай бошқача бўлади. Энди назоратчи Велардининг оёқ-қўли боғлиқ эмас,

энди ўзининг мотоциклда юрадиган йигитлари билан арқонни бемалол узун ташлаб қўйиши мумкин. Ва одамлар энди унинг хавфсизлик хизмати ва қарабинерлар ўртасида, бу тасқаралар билан умумийлик йўқлигини янада чуқур англаб олишади.

Велардини ҳайратга солгани шуки, вазир Трецца тўсатдан шахсан топшириқ бериб, кимга қизил ҳошияли рухсатнома берган, уларда ўзининг имзоси бўлса, барчасини ушлаб бир кишилик камерага қамашни буюрди. Чунки бу мўъжизакор қоғоз бўлагининг соҳибига тўсиқсиз, йўллардаги постлардан ўтиш, қурол тақиш ва қамоққа олмаслик ҳуқуқини берар эди. Барча рухсатномалар тортиб олиниши лозим. Улар биринчи навбатда Аспану Пишотта ҳамда Стефан Андолинига берилган эди.

Велардининг ишлашига тўғри келади. Андолини қабулхонада кутиб турарди. Бугун унга кутилмаган совға тайёрланган. Веларди телефон гўшагини кўтариб, капитан ҳамда тўрт нафар полиция сержантини чақирди. Уларни ҳар бало бўлиши мумкинлигидан огоҳлантирди. Ўзи эса камарига тўппончали ғилоф тақди, ҳеч қачон кабинетида бундай қилмаган эди. Фақат ана шундан кейин унинг ҳузурига Андолинини кўйиб юборишди.

Стефан Андолинининг сарик сочлари ҳафсала билан таралган. Эгнида ингичка чизиқли қора юпқа костюм, оқ кўйлак, бўйнида қорамтир бўйинбоғ. Ҳар ҳолда хавфсизлик хизмати бошлиғи расмий шахс, шу боис унга эҳтиром кўрсатилиши керак. Андолинида қурол йўқ. У тажрибасига кўра штабга кирадиган ҳар бир киши тингув қилиниши кераклигини билади. Андолини Велардининг столи олдида турар, одатга кўра ўтиришга таклифни кутарди. Лекин таклиф бўлмади,

ана шунда унинг калласида биринчи огоҳлантирувчи товуш жаранглади.

– Қани, менга рухсатномангизни кўрсатинг-чи, – деди унга Беларди.

Андолини қилт этмади. У бу ғалати илтимоснинг моҳиятини англашга уринар эди. Ва ёлғон гапирди:

– Уни ўзим билан олмаганман. Ахир мен дўстимнинг ҳузурига келаётгандим.

У «дўстим» сўзига алоҳида урғу берди.

Бу Белардини дарғазаб қилди. У стол ортидан сакраб туриб, Андолинининг қаршисига келиб қолди.

– Сен ҳеч қачон менинг дўстим бўлмагансан. Мен сенга ўхшаш чўчка билан бир бурда нонни баҳам кўрган бўлсам, ҳамиша буйруққа бўйсуниб қилганман. Энди сўзларимни диққат билан эшит. Сен қамоққа олиндинг. Алоҳида кўрсатма берилгунча бир кишилик камерада ётасан. Азизим, бизнинг ертўлада жазо берадиган cassetta хонамиз бор. Агар сен аҳмоқ бўлиб, оғриқдан тиришиб қолишни истамасанг, яхши-си, эртага эрталаб кабинетимда хотиржам гаплашиб оламиз.

Эртаси куни эрталаб Беларди яна вазир Треццага, сўнг тағин дон Крочега аниқ муфассал изоҳлар билан қўнғироқ қилди. Бир неча дақиқадан сўнг унинг кабинетида Андолинини олиб киришди.

Тунни бир кишилик камерада ўтказган Андолини ўзининг ғалати тарзда қамоққа олиншини узоқ мулоҳаза қилди. Энди унинг қошида ўлим хавф солиб турганига ҳеч қандай шубҳа қолмаган эди. Кабинетга кирганида Беларди хона бўйлаб юрар, кўзларида яшин чакнар, кайфияти ёмонлиги намоён эди. Стефан Андолини эса ўзини тутиб олганди. У ҳаммасини – капитанни ҳам, тўрт нафар полиция сержантини

ҳам, уларнинг тўппончани шай тутган ҳолда Веларди ёнида турганини ҳам илғади. Андолини ҳамиша назоратчини кўришга кўзи йўқлиги, назоратчи ҳам ундан нафратланишини билар эди. Веларди кўриқчиларни чиқариб юборган тақдирда уни ўзи ҳалок бўлишидан аввал тезгина гумдон қила олади.

– Сиз ҳозирги *sbirri* ҳолатида мендан битта ҳам сўз ололмайсиз, – деди Андолини. «*Sbirri*» сўзи ҳақоратли маънога эга бўлиб, хавфсизлик хизмати аскарларини шундай аташарди.

Веларди тўрт нафар полициячига чиқишни, офицерга эса қолишни буюрди. Унга фақат битта имо билан тайёр бўлиб туришни ишора қилди. Шундан кейин Стефан Андолинига қаради.

– Гильянони қандай қилиб тутиш мумкин, шуни билмоқчиман, ҳар қандай хабарга розиман, – деди у. – Сен охирги марта Пишоттани қачон кўрган эдинг?

Стефан Андолини хахолаб кулди, заҳарханда ифода унинг юзини ўзгартириб юборди. Ҳатто сариқ дағал соқол қопланган териси ҳам нафратдан қизариб кетгандай бўлди.

Уни бекордан-бекорга Иблис дейишмаган экан, деб ўйлади Веларди. Бундайлар билан ҳазиллашиб бўлмайди. Аммо, афтидан, у ўзини нималар кутаётганидан беҳабарга ўхшайди.

Веларди хотиржам равишда гапини давом эттирди:

– Саволга жавоб бер, бўлмаса терингни шилиб олишади.

Андолини нафрат билан тишларини ғижирлатди:

– Лаънати сотқин, аблах, сен, нима, менинг вазир Трецца ва дон Кроче ҳимояси остида эканлигимни билмайсанми? Кўрасан, улар мени ҳалос этишсин, сенинг қуён юрагингни суғуриб оламан.

Веларди Андолинининг юзига қулочкашлаб икки марта солди, дастлаб кафти, сўнг орқаси билан. Андолини қутургандай кўзлари қизариб кетди ва Веларди унинг лабларидаги қонга кўзи тушди. Шундан сўнг жўрттага орқасини ўгириб ўтириш учун юрди.

Андолинини қахр-ғазаб эгаллади-да, Велардининг гилофидан тўппончани суғуриб олиб, тепкини босмоқчи бўлди, аммо офицер тезда ўзининг тўппончасини олиб, унга тўрт марта ўқ узди. Андолини анча наридаги деворга бориб урилди ва полга чўзилиб қолди. Оқ кўйлаги қизил тусга кира бошлади ва Веларди бу ранг кўпроқ сариқ сочга ярашар экан, деб ўйлади. У эгилиб, Андолинининг қўлидан тўппончани олди, хонага полициячилар ёпирилиб киришди. У капитанни тез ҳаракат қилгани учун мақтади, сўнг ҳамманинг кўз олдида тўппончани кўрсатди. Андолини билан учрашувдан олдин ўқларнинг ҳаммасини чиқариб олган эди. Тағин капитан хавфсизлик хизматининг ўйламай иш қилган бошлиғи ҳаётини сақлаб қолдим, деб гердайтиб юрмасин.

Веларди жасадни тинтиб кўришни буюрди. Худди тахмин қилганидек, қизил ҳошияли рухсатнома шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар билан ҳар бир сицилияликда бўлганидек, унинг ҳам ёнида эди. Веларди рухсатномани чиқариб олди-ю, пўлат сандиққа яшириб қўйди. Эртага уни вазир Треццага топширади, агар омади юришса, Пишоттадан ҳам олади.

* * *

Палубада эса Майкл ва Клеменца денгизчилардан бири келтириб берган қайноқ қахвани ҳўплаганча чашка дастасини маҳкам ушлаган эдилар. Мотор товуш чиқармай ишлар, катер қирғоққа оҳиста яқинла-

шар экан, соҳил бўйидаги чироқлар яшил нуқталарга ўхшаб кўзга ташлана бошлади.

Клеменца палубада у ёқдан-бу ёққа юрган кўйи куролланган йигитлар ва лоцманга буйруқ берарди. Майкл мовий шуълалардан кўз узмас, улар гўё қаршисида югуриб кетгандай туюларди. Катер тезликни оширганида гўё сувни ёриб, тунни қувлаётгандай таассурот пайдо бўлди. Тонг ота бошлади ва Майкл соҳил ҳамда Мадзара-дель-Валло пляжларини энди кўрди – кафенинг гулдор соябонлари столлар устида қизил алвон рангларда товланар эди.

Катер келиб тўхтади, уларни олти нафар киши ва учта машина кутарди. Клеменца Майклни олдинги автомобилга бошлаб борди, бу жуда эски русумдаги лимузин бўлиб, ҳайдовчидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Клеменца олдинги ўриндикқа, Майкл эса орқага ўтирди.

– Агар бизни карабинерлар патрули тўхтатса ётиб ол, – деди Клеменца Майклга. – Улар билан пачакилашиб ўтирмаймиз, гумдон қиламиз-у, олдинга юрамиз.

Эрта тонгнинг туссиз ёғдусида Исо Масих туғилганидан буён деярли ўзгармаган маскан бўйлаб учта лимузин елиб борарди. Далаларни қадимги осма қувур ва мўрилардан келадиган сув билан суғоришарди. Ҳаво исий бошлади, чор-атроф турфа гуллар ифорига тўлди, Сицилиянинг жазирамасига дош беролмай, улар сўлий бошлади. Машиналар кўҳна грек шаҳри Селинунта харобалари ёнидан ўтиб борар эди. Майклнинг кўз олдида ибодатхоналарнинг вайрон бўлиб ётган устунлари гавдаланди. Уларни бундан икки минг йил муқаддам Ғарбий Сицилиянинг турли бурчакларида яшаган грекларнинг ўтроқ одамлари қурган эдилар.

Трапани билан Кастельветранони бир-бирига боғлайдиган йўлга, шимол томонга бурилдилар. Энди Майкл ва Клеменца сергак туришди, айнан шу ерда уларни Пишотта кутиши ва Гильянони уларга топшириши керак. Майклнинг асаблари таранг тортилган эди. Учта лимузин ҳам тезликни оширди. Клеменцанинг автомати ўриндиқнинг чап томонидда, зарурат туғилиб қолганида, тезгина унинг учини ташқарига чиқариб, ўққа тутиши мумкин. Қўли ана шу қурол устида эди. Куёш тепага кўтарилган, унинг заррин нурлари тафти иссиқ. Автомобиллар олдинга қараб юрар, Кастельветранога деярли етиб келган эди.

Клеменца ҳайдовчига секин юришни буюрди. Сўнг Майкл иккаласи мўралаб Пишоттани излай бошлади. Йўл тоққа қараб кетар, унинг ортида Кастельветрано ястаниб ётарди. Улар тепаликнинг энг баланд жойида тўхтадилар, мақсад – пастда чўзилиб кетган асосий кўчага қараш эди. Бу ердан Майклга қуйи томонда рўй бераётган ўзгаришлар жуда яхши кўринарди. Шаҳарнинг Палермога кирадиган қисмини машиналар тўсиб олган, боз устига улар ҳарбий автоуловлар эди. Кўчада қора кийимли, оқ хошияли либос кийган карабинерлар ғимирлаб юрарди. Сиренанинг чинқаришига қарамай, асосий кўчада оломон оқими давом этарди. Юқорида иккита унча катта бўлмаган самолёт айланиб учарди.

Ҳайдовчи сўкинди ва йўл четига ўтиб, тормоз берди. Сўнг Клеменцага бурилиб қарар экан, сўради:

– Олдинга қараб юришимни истайсизми?

Майкл ичи музлаб кетганини ҳис этди.

– Шаҳарда бизни нечта одам кутяпти? – деб сўради у Клеменцадан.

– Кам эмас, – қовоғини уйиб, хўмрайганча жавоб берди Клеменца. У сал-пал эсанкираганга ўхшаб кўринди. – Майкл, бу ердан тезроқ кетган маъқул. Катерга қайтиб бориш керак.

– Шошма-чи, – деди Майкл уларнинг йўналиши бўйлаб тоғ томонга аста-секин ўрмалаб бораётган эшак қўшилган аравага кўзи тушиб.

Эшакни похол шляпани қоши устига бостириб кийган кекса киши ҳайдаб борарди. Гилдираклар, арава шотиси ва бортига расмлар чизиб ташланган. Чол буларнинг ёнига келиб тўхтади. Ажин босган юзи эҳтиросга берилмаган, бепарво эди. Унинг эгнида канопдан тикилган кенг иштон ва қора нимча бўлиб, мушакдор қўлларига қараб ҳайратланиш мумкин эди. Чол машинага яқин келиб сўради:

– Бу сизмисиз, дон Клеменца?

– Пеппино амаки, – елкасидан тоғ ағдарилгандай хитоб қилди Клеменца, – Бу ерда, жин урсин, нималар бўляпти ўзи? Нега одамларимдан бирортаси мени кутиб олмади, огоҳлантирмади ҳам?

Амакининг ажиндор юзи ҳамон олдингидек тош қотган эди.

– Америкаларингга кетишларинг мумкин, – деди у. – Улар Тури Гильянони ўлдиришди.

Майклнинг боши қандайдир ғалати тарзда айланиб кетди. Тўсатдан кўзларининг олди қоронғилашди. Гильянонинг кекса ота-онаси, уни Америкада кутаётган Юстина, Аспану Пишотта ва Стефан Андолини ҳақида ўй суриб кетди. Гектор Адонисни ўйлади. Тури Гильяно улар учун йўлчи юлдуз ва бу юлдузнинг ўчишини асло тасаввур қила олмасди.

– Сиз айнан Тури эканлигига ишончингиз комилми? – кескин сўради Клеменца.

Чол елкаларини қисди.

– Гильянонинг шундай одати бор эди: у карабинерларни алдаш учун мурда ёки тулумни ётқизиб қўяр, сўнг уларга қарата ўт очарди. Лекин орадан икки соат ўтса ҳамки, бу ҳолат рўй бермади. Жасад уни ўлдиришган ҳовлида ётибди. Палермодан аллақачон газетчилар ёпирилиб келиб, бирма-бир ҳаммасини суратга туширяпти, ҳатто эшагимни ҳам расмга олишди. Ишонасизларми, йўқми, шундай.

Майклнинг кўнгли беҳузур бўлиб, хуруж бошлаётганини ҳис этди, лекин барибир ўзини қўлга олиб, гапиришга куч топди:

– Барибир кўзимиз билан кўришимизга тўғри келади. Ўзим ишонч ҳосил қилишим керак.

– Ўликми, тирикми, энди биз унинг ёрдамчиси эмасмиз, – қўполлик билан гапни бўлди Клеменца. – Мен сени уйингга олиб кетаман, Майкл.

– Йўқ, – мулойимлик билан эътироз билдирди Майкл. – Ўша ерга боришимиз керак. Бизни Пишотта кутаётган бўлса-чи? Ёки Стефан Андолини? Бундан кейин нима қилиш кераклигини бизга маълум қилиш учун. Балки, у мутлақо Тури эмасдир. Кетиши олдидан ўлиши мумкин эмасди ҳозир. Васиятномаси Америкада ишончли қўлларда бўлган айни пайтда.

Клеменца чуқур нафас олди. У бу хабар Майклга қанчалик оғир бўлганини кўзи билан кўрди. Балки, бу ростдан ҳам Гильяно эмасдир, эҳтимол Пишотта уларни кутаётгандир. Агар ҳукуматдагилар Гильянонинг изига тушган бўлса, уларни чалғитиш учун жўрттага қилинган бўлиши ҳам мумкин-ку!

Қуёш энди анча баландда эди. Клеменца одамларига машиналарни қолдириб, ўзининг изидан боришни буюрди. Майкл иккаласи одамларга тўлган кўчанинг

охиригача борди. Қўшни кўчадаги бурилишни тир-банд оломон, ҳарбий машиналар босган, йўлни карабинерлар занжир бўлиб тўсиб турарди. Ён кўча биқинида бир-биридан ҳовлилар билан ажратилган уйлар бор эди. Клеменца ва Майкл бир четда турганча кузата бошлашди. Карабинерлар офицери занжир орқали расмий шахслар, журналистларнинг ҳужжатларини кўриб, қўйиб юбораётган эди.

– Бу офицернинг ёнидан ўтиб кетишимиз учун сен нимадир қила оласанми? – деб сўради Майкл.

Клеменца унинг билагидан ушлаб, оломон орасидан олиб чиқди.

Орадан бир соат ўтгач, улар ён кўчадаги майда уйлардан бирида эдилар. Бу кулбанинг кичикроқ ҳовлиси бўлиб, ғужғон ўйнаб турган ҳалқадан йигирмата уй ажратиб турарди. Клеменца бу ерда Майклни ўзининг тўрт нафар одами билан қолдирди, ўзи эса иккита бошқаси билан шаҳарга қараб йўл олди. Улар бир соатга яқин йўқолиб кетдилар, ниҳоят Клеменца чуқур ҳаяжонга тушган ҳолда қайтиб келди.

– Ишлар ёмон, Майк, – деди у. – Жасадни таниб олиш учун Монтелепредан Гильянонинг онасини олиб келишган. Алоҳида тайинланган отряд қўмондонни Лука ҳам шу ерда. Бутун дунёдан, ҳатто штатлардан ҳам матбуот ходимлари келишяпти. Шаҳар эмас, нақ жиннихонанинг ўзи. Бу ердан оёқни узиб кетиш керак.

– Эртага, – деди Майкл. – Эртага кетамиз. Ҳозир эса оломон орасидан ёриб ўтиб кетишга ҳаракат қиламиз. Сен ҳали ҳеч нарсага уринганинг йўқми?

– Ҳозирча йўқ, – деб жавоб берди Клеменца.

– Қани юр, нима қилиш мумкинлигини кўрамиз, – деди Майкл.

Клеменцанинг эътироз билдиришига қарамасдан кўчага чиқишди. Карабинерлар бу ерда мингдан кам эмас, деб ўйлади Майкл. Кўчада ҳақиқий маънода юздан ортиқ сураткаш ғимирлаб юрарди. Йўлларни фургон ва автомобиллар тўсиб олган, шу боис ҳовлига яқинлашишнинг иложи йўқ эди. Улар ресторанга бир гуруҳ офицерлар кириб кетганини кўришди ва оломон орасида полковник Лука ва ходимлари тантанали тушлик ташкил этиш учун тўпланишди, деган овозалар тарқалди. Майкл полковникнинг юзига назар ташлашга улгурди. У чайир одам бўлиб, ўрта бўйли, маъюс қиёфали киши эди. Ҳаво ҳаддан зиёд иссиқлигидан полковник шапкасини ечиб, тепакал бошини оппоқ дастрўмол билан артди. Фоторепортёрлар ғуж бўлиб унинг атрофини ўраб олишди, журналистлар саволлар билан пинжига тикилиб боришди. Полковник ҳаммани ўзидан четлатиб, ресторанга кириб кетди.

Кўчада одам шунчалик кўп эдики, Майкл ва Клеменца зўрға олдинга силжидилар. Клеменца, яхши-си уйга қайтиб, буёғи нима бўлишини кутиш керак, деган қарорга келди. Кечга яқин унинг одамларидан бири Мария Ломбарде ўлдирилган ўғлини танигани ҳақида маълумот етказди.

Улар очиқ кафедра кечки овқатни тановул қилишди. Радио бор овозда Гильянонинг ўлими тўғрисидаги хабарни эшиттирарди. Бу шундай рўй берган: полиция уйни ўраб олган, тахминга кўра, ўша ерда Гильяно яширинган. У кўчага чиққандан сўнг таслим бўлиш таклиф қилинган. Бунинг ўрнига Гильяно ўт очган. Полковник Луканинг штаб бошлиғи капитан Перенце радио орқали журналистларга интервью берди. Унинг айтишига кўра, Гильяно қочишга ҳа-

ракат қилган, капитан Перенце ортидан югуриб, ҳовлига қувиб кирган. Гильяно қувғиндаги шердек тўлганиб, ўзини у ёқ-бу ёққа ташлаган. Перенце тўппончадан ўқ узиб, уни тинчитган. Ресторанда ўтирганларнинг барчаси радио тинглар эди. Ҳеч ким овқатга қўл урмасди. Официантлар ишни тўхтатган – улар ҳам радио эшитарди. Клеменца Майклга ўгирилиб, шундай деди:

– Буларнинг бари сохта ишлар. Бугуноқ жўнаймиз.

Шу лаҳзада бутун кўча, кафенинг олди бирданига карабинерлар билан лик тўлди. Йўлакда хизмат машинаси тўхтаб, ундан назоратчи Веларди тушди. Улар ўтирган столга яқинлашди-да, Майклнинг елкасига қўлини қўйди. Кейин шундай деди:

– Сиз ҳибсга олиндингиз, – у елкаси оша муз тиқиб қўйилгандек зангори кўзларини Клеменцага қадир экан, илова қилди: – Ҳар эҳтимолга кўра, сизни ҳам олиб кетамиз. Дарвоқе, битта дўстона маслаҳат бор. Кафе одамларим томонидан ўраб олинган, улар юз нафардан кам эмас. Шундай экан, питир-питир қилиб, беҳуда ҳаракат қилманг, акс ҳолда яхши бўлмайди, Гильяно билан дўзахда учрашасиз.

Йўлак ёнида полициячилар фурғони келиб тўхтади. Хавфсизлик хизмати аскарлари Майкл ва Клеменцани тинтиб кўрдилар-да, фургонга ниқтаб киритишди. Кафеда бир неча нафар фоторепортёр бор эди, улар дарҳол ўрнидан сакраб туриб, аппаратларини қўлга олишди, аммо хавфсизлик хизмати аскарлари куршовини ёриб ўта олишмади. Веларди ғаразли тантана қилганча ҳаммасини кулимсираган қўйи кузатиб турарди.

Кейинги куни Тури Гильянонинг отаси Монте-лепредаги уйининг балконида турганча, сицилийца

одатга кўра, ўғлини сотган кишига вандетта эълон қилди, яъни қарғиш ёғдирди. Гильянони ким ўлдирган бўлса, уни алоҳида қарғишга кўмди. Бу капитан Тренца ҳам эмас, карабинерлар ҳам эмас, деди. Бошқа исмни тилга олди: Аспану Пишотта.

Йигирма еттинчи бўлим

Мана, бир йил бўлибдики, хиёнатнинг қора чувалчанги Аспану Пишоттанинг юрагини тинимсиз кемиради.

У ҳамиша дўстига содиқ қолган эди. Болалигидан бошлаб Гильянога бўйсунушга ўрганган, унинг пешқадамлигини чин юракдан эътироф этарди. Гильяно эса отряд тузилганидан бошлаб Пишотта у билан теппа-тенг буйруқ бериши мумкинлигини эълон қилган, шу жиҳати билан ўзига бўйсунувчилар билан тафовути ҳақида айтган эди. Бошқа раҳнамолар – Пассатемпо, Терранова, капрал ва Андолини мазкур имтиёзга эга эмасди. Бироқ Гильяно шу қадар кучли шахс эдики, бу одамга тенглашиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмасди: отрядга қўмондонлик қилар, Пишотта сўзсиз буни қабул қиларди.

Гильяно ниҳоятда жасур эди. Партизанлар урушини олиб бориш тактикасида унга бас келадиган киши топилмас, Гарибальди давридан буён Сицилия халқи шу қадар яхши кўрадиган бошқа одам йўқ эди. Юксак ахлоқий ғояларга риоя этувчи ва романтик сифатида ақл бовар қилмас устомонликка қодир, сицилияликлар у билан фахрланишарди. Аммо Гильяно камчиликлардан ҳам холи эмас, буни Пишотта тузатишга уринарди.

Гильяно қўлга киритилган ўлжаларнинг ярмидан кам бўлмаган қисмини камбағалларга беришни ай-тиб, оёқ тираб турганида, Пишотта шундай дерди:

– Ёки сен бойиб кетасан, ёки сени яхши кўришади. Наҳотки Римга қарши уруш эълон қилганингда Сицилия халқи байроғинг остида туришига ишонсанг? Ҳеч қачон. Улар сенга ҳаддан зиёд топиниб, сажда қилишади, сендан пул олиб бекитишади, яширинишга жой тополмай қолганингда, ҳеч ким сени сотмайди. Лекин улар орасида инқилобчилар йўқ.

Пишотта дон Кроче ва насроний-демократик партиянинг ваъдаларига ишонишга қарши эди. У коммунистик ва социалистик партияларнинг Сицилиядаги кўп кишилиқ ташкилотлари тарқалишига монелик қилган эди. Гильяно насроний-демократлар уни авф этади, деб умид қилганди. Лекин Пишотта уни огоҳ-лантирди:

– Улар ҳеч қачон сени кечирмайди, дон Кроче эса сен билан ҳокимиятни бўлишадиган одам эмас. Биз умримизни тоғларда фақат пул учун поёнига етказамиз ёки қароқчи-сифатида ўлиб кетамиз. Бу мен учун олиб қараганда ҳам жуда ёмон интиҳо бўларди.

Аммо Гильяно унга қулоқ солмади ва Пишотта ранжиганини кўнглига тугиб қўйди – хиёнатнинг сирли қурти ана шу лаҳзада пайдо бўлди.

Гильяно ҳамиша яхши нарсаларга самимий ва очиқ кўнглилик билан ишонар эди. Пишотта эса вазиятга ҳушёр кўз билан қарарди. У полковник Лука ва алоҳида махсус тайинланган отрядининг келиши ўзларининг ҳалокати эканлигини дарҳол фаҳмлади. Қанчалик ғалабага эришмасинлар, биргина мағлубиятга дучор бўлиш туфайли уларни ўлим кутарди. Икковлон улуг Карл тўғрисидаги афсоналар қаҳрамони Оливер

ва Роланд каби тортишар, Гильяно чекинишни истамасди. Пишотта эса ўзини Роландни бурғу чалишга астойдил ишонтиришга уринган Оливердек ҳис этарди.

Ва, ниҳоят Гильяно Юстинани яхши кўриб қолиб унга уйланганида, Пишотта энди ҳар бири ўз йўлидан кетиши кераклигини тушунди. Гильяно Америкага жўнайди, унинг оиласи бўлади. Пишотта эса бир умрлик сарсон-саргардонга айланиб қолади. Узоқ яшай олмайди ҳам – ўқ ёки сил касаллиги ишини қилади. Унинг пешанасида шундай деб ёзилган. Пишотта Америкада яшай олмайди.

Аммо Пишоттани энг кўп безовта қилгани ёш жувоннинг меҳр-муҳаббати ва латифлигининг Гильянога ғалати таъсир қилгани бўлди: у аввалгидан фарқли равишда бераҳмга айланди. Гильяно карабинерларни ўлдирарди, ваҳоланки, илгари уларни асир оларди. Асал оyi тугамасдан туриб Пассатемпони қатл этди. Чақимчиликда гумон қилинган ҳар қандай одамга нисбатан шафқатсиз бўла борди. Шунча йил яхши кўрган, шунча йил давомида ҳимоя қилган одами унга қарши туриб қолиши мумкин – Пишоттани ана шу қўрқув азоблар эди. Агар унинг кейинги ҳаётидаги айрим тафсилотлар маълум бўлиб қолса борми, Гильяно дўстини гумдон қиларди.

Кейинги уч йил мобайнида дон Кроче Пишотта билан Гильяно ўртасидаги муносабат қанчалик шаклланаётганини диққат билан кузатди. Унинг шоҳона режаларини амалга ошириш йўлида фақат ана шу икки шахс турарди. Фақат улар Кроченинг Сицилияда тўлақонли хўжайин бўлишига халақит берарди. Даставвал у Гильяно отрядини «Дўстларнинг дўсти» армиясига айлантиришни мўлжаллади. Шу мақсадда Гильяно ҳузурига Гектор Адонисни юборди. Таклиф тамоми-

ла аниқ ифодаланган эди. Гильяно улуғ саркарда, дон Кроче эса улуғ давлат арбоби бўлади. Лекин Гильяно унинг олдида бош эгиши керак эди, буни истамади. Гильяно ўзининг йўлидан кетди, камбағалларга ёрдам бериб, Сицилияни озод қилиш ва Рим зулмини улоқтириш билан банд бўлди. Дон Кроче буни англашга қодир эмас эди.

1943 ва 1947 йиллар орасида Гильянонинг юлдузи кўпроқ балқиган эди. Шу вақт давомида дон «Дўстлар»ни бир қудратли муштга айлантиришга муваффақ бўлолмади. Улар Муссолини фашистик режими даврида юзага келган йўқотишлар ўрнини тезда тўлдирди олишмади. Шу сабабли Гильяно ҳукмронлигини чеклаш мақсадида дон Кроче уни насроний-демократик партия билан иттифоқ бўлишга кўндирди. Ўзи эса бу вақт давомида мафия салтанатини тузди-ю, кутиб турди. Унинг биринчи зарбаси – Жинестрадаги намоёйишчиларни ўққа тутиш режаси дохиёна тарзда ўйланган эди: ҳамма айб Гильянонинг зиммасига тушди ва ҳеч ким бу ғоянинг муаллифи дон Кроче эканлигини исбот қила олмади. Энди Гильяно бутун умр Рим томонидан авф этилиш имкониятидан маҳрум бўлди ва энди Сицилияни бошқаришга асло даъвогарлик қила олмасди. Унинг қаҳрамон ва камбағалларнинг ҳимоячиси деган нуфузига ювиб кетказиб бўлмайдиган доғ ёпишди. Гильяно олти нафар сардорни қатл этганида, доннинг бошқа йўли қолмади. Энди «Дўстларнинг дўсти» ва Гильяно отрядининг ҳаёт учун эмас, балки ўлим учун жанг қилишига тўғри келди.

Шу сабабли дон Кроче Пишоттага разм солиб қарайдиган бўлди. Пишотта ақлли эди, аммо барча ёш йигитлар каби ёвузлик ҳамда кўрқувни етарли даражада баҳолай олмас, бу хислатлар, ҳатто энг яхши ин-

сонлар қалбида ҳам борлигини билмасди. Боз устига Пишотта ҳаётнинг мароқли ва қувончли лаҳзаларига нисбатан бепарво эди. Агар Гильяно пулдан жирканса, Пишотта улар келтирадиган лаззатни севарди. Гильяно гарчанд миллиард лирага эга бўлишга қодир бўлса-да, бир чақа олмасди. У ўзига тегишли таланган улушни камбағалларга бўлиб берар ёки оиласига ёрдамлашар эди.

Пिशотта Палермодаги энг моҳир тикувчиларга костюм тиктирар, энг қиммат нархдаги фоҳишаларга борарди, буларнинг ҳеч бири дон Крочедан сир бўлиб қолмади. Ҳа, шунингдек, Гильянонинг қариндош-уруғларига нисбатан Пишоттанинг яқинлари анча яхши таъминланган эди. Дон Кроче Пишотта Палермо банкларида бегона фамилиялар остида пул сақлаётганигача билиб олди, бошқа эҳтиёт чораларини ҳам кўрган, буларнинг барчаси унинг ўлмоқчи эмаслигини кўрсатиб турарди. Масалан, Пишоттанинг турли учта фамилияда ҳужжатлари тайёрланган, Трапанида эса уй соҳибини кутарди. Дон Кроче ҳаммаси Гильянодан яширинча қилинаётганини билиб турарди. Мана энди у қизиқиш ва мамнуният билан Пишоттани учрашувга таклиф этиб кутар, дон Кроче уйининг эшиги унинг учун ҳамиша очиқлигини бу йигит биларди. Лекин дон ақлини пухта ишлатиб, эҳтиёт чораларини кўриб қўйди. У ўз атрофига ишончли қўриқчиларни қўйди-да, полковник Лука ҳамда назоратчи Велардини огоҳлантириб, агар ҳаммаси рисоладагидек бўлса, у билан учрашишини билдирди. Агар Пишотта масаласида хатога йўл қўйган ёки бу уч томонлама хиёнатдан иборат бўлиб, Гильяно томонидан ўртага ташланган режа Крочени ўлдиришга қаратилган бўлса, Пишотта нақ шу ерда ўлим топади.

Дон Кроче хузурида туришдан олдин Пишотта ўз ихтиёри билан қуролини топширди. У ҳеч нимадан қўрқмас, чунки бунгача бир неча кун олдин донга мислсиз хизмат кўрсатган, Гильянонинг меҳмонхона-га ҳужум қилишидан уни огоҳлантирган эди.

Икки эркак юзма-юз қолди. Кроче хизматчилари эртароқ дастурхон ҳозирлашган, овқат ва вино қўйишганди. Дон Кроче меҳмондўст хўжайин сифатида Пишоттанинг ликопчаси ва стаканини тўлдирган эди.

– Яхши кунлар ўтиб кетди, – деди дон Кроче. – Энди икковимиз, сен ва мен жиддий ўйлаб кўришимизга тўғри келади. Ҳаётимизга боғлиқ қарорни қабул қилиш фурсати етди. Мен сенга бир гап айтмоқчиман ва умид қиламанки, уни эшитишга тайёр бўлсанг керак.

– Бизнинг кулфатимиз нимада эканлигини билмайман, – деди Пишотта. – Лекин мақсадни чуқурроқ англаб олишим учун пухта ўйлаб кўришим керак.

– Сен мамлакатдан чиқиб кетишни хоҳламайсанми? – деб сўради дон. – Америкага дон билан бирга кетишинг мумкин. Тўғри, у ерда вино унчалик яхши эмас, зайтун мойи ҳам кўпроқ сувга ўхшайди. Ҳаддингдан ошиб кетмайсан. Аммо у ерда умуман ёмон яшамайсан.

– Пишотта кулди.

– Мен Америкада нима иш қиламан? Яхшиси, шу ерда бахтимни топишга уринаман. Гильяно кетган заҳоти улар менинг изимга тушмай қўядилар, тоғлар эса узоқ, бепоён.

– Сени ўпканг безовта қилмаяптими? – меҳрибонлик ила сўради дон. – Ўзингга керакли дориларни топиб оляпсанми?

– Ҳа, – деб жавоб берди Пишотта. – Аммо бу муаммо эмас. Бир кун келиб ана шу ўпка туфайли ўлиб кетсам керак, – ва дон Крочегга илжайиб кулди.

– Кел, сицилиялик сицилиялик билан гаплашгандай суҳбатлашамиз, – жиддий гап бошлади дон Кроче. – Биз болаликда, шунингдек, ёшликда дўстларимизни яхши кўрамиз, уларнинг камчиликларини кечирамиз ва нимаики бўлса ўзаро баҳам кўрамиз, бу табиий. Ҳар бир кунимиз янги хушвақтлик ва биз келажакка умид ила қўрқмай назар соламиз. Дунё ўзида хавф-хатарни сақламайди, бу бахтли давр. Лекин биз улғаямиз, нонимизни ўзимиз топишимиз керак, энди дўстларимизга бундай енгиллик билан ёндаша олмаймиз. Ҳамиша сергак бўлиб турмоғимиз керак. Ахир катталардан ҳеч ким биз тўғримизда ғамхўрлик қилмайди ва энди ўзимиз ҳам айёрликдан холи бўлган болалик шодликлари билан қаноатланмаймиз. Бизда манманлик, иззат-нафс пайдо бўлади – буюк, бой-бадавлат, ҳаммадан кучли бўлиб, жилла курса, ўзимизни омадсизликлардан тўсиб олишга уринамиз. Биламан, сен Тури Гильянони жуда яхши кўрасан, аммо энди ўзингга савол бериш вақти келди – бу меҳрнинг қиймати қанча? Ва, умуман, кейинги йилларда унинг қиймати қолганмикан ёки фақат хотираларда сақланадими?

У жавоб кутар, аммо Пишотта юзини тошдай қилиб қарар, башараси худди Каммартитоғларидаги тошлар мисоли қаттиқ ва ўшандай оппоқ эди. Гап шундаки, Пишотта том маънода мурдадай қотган эди.

– Мен Гильянонинг тирик қолиши ёки чет элга қочиб кетишига йўл қўя олмайман, – деб гапини давом эттирди дон Кроче. – Агар у билан тилинг бир бўлса, сен менинг душманамсан. Гильяно кетгач, сен барибир Сицилияда мени қўллашимсиз омон қолмайсан.

– Турининг васиятномаси хавф-хатардан холи, у Америкада, дўстларида турибди, – деди Пишотта. – Сиз уни ўлдиришингиз билан васиятнома дарҳол

халққа ошкор қилинади ва ҳукумат тамом, деверинг. Янги ҳукуматда эса сизнинг тинчгина фермангизда ўтириб, Виллабида хўжалик ишлари ёки қандайдир ёмон юмуш билан шуғулланишингизга тўғри келади.

Дон «хм» деб қўйди. Кейин хахолаб кулиб юборди.

– Сен ўша машҳур васиятномани ўқидингми? – ижирганиб сўради у.

– Ҳа, – деб жавоб берди Пишотта донни ҳовуридан тушириш учун.

– Мен эса ўқимадим, – деди дон. – Ва ҳеч қандай васиятнома мавжуд эмас, деган хулосага келдим.

– Сиз Гильянога хиёнат қилишимни истайсиз, – деди Пишотта. – Умуман айтганда, нега мени шундай иш тутади, деб ўйлайсиз?

Дон Кроче кулди.

– Ахир ўзинг унинг мен тўхтаган меҳмонхонага хужум қилишини айтиб, сизни ўлдирмоқчи деб огоҳлантирган эдинг-ку. Дўстликнинг исботи эмасми бу?

– Буни сиз учун эмас, Гильяно учун қилганман, – деди Пишотта. – Тури қандай ишга қўл ураётганини ўзи ҳам билмайди. У сизни ўлдиришни истайди. Агар шундай бўлса, барчамиз учун аҳвол оғирлашади. «Дўстларнинг дўсти» бизни гумдон қилмагунча тинчимайди. Бу борада ҳеч қанақа васият ҳам ёрдам бермайди. У аллақачон мамлакатдан кетиши мумкин эди, аммо нуқул бу ишни орқага ташлайди, ташлайверади, сиз билан орани очик қилишдан умидвор. Мен ҳузурингизга келишиш учун ташриф буюргандим. Яна бир неча кундан сўнг Гильяно Сицилиядан жўнаб кетади, вандетта, яъни қасос олиш ўз-ўзидан тўхтайдди. Унинг кетишига йўл беринг.

Дон Кроче ликопчасидан бош кўтарди-да, ўзини стол суянчигига ташлади. Сўнг вино ҳўплади.

– Сен худди ёш боладай фикрлаяпсан, – деди у. – Бу тарих чигал паллага кирди. Гильянони тирик қолдириб бўлмайди – у ҳаддан зиёд хавфли. Лекин Гильянони мен ўлдира олмайман. Ахир бу ерда яшашим керак. Мўлжаллаган ишимни рўёбга чиқаришни истар эканман, Сицилия қаҳрамонининг қотили бўлолмайман. Халқ Гильянони яхши кўради ва кўпгина тарафдорлари унинг ўлими учун қасос олишни истайди. Шундай экан, бу ишни карабинерлар бажариши керак. Ана шунақа. Ва Гильянони тузоққа илинтирадиган ягона одам сенсан.

У бир сония жим қолди, сўнг ҳар бир сўзини тарозига солиб гапира бошлади:

– Сен яшаган дунё интиҳо топди. Сен унда қолишинг ёки ҳалок бўлишинг, ёки бошқа дунёга қадам қўйиб, яшашни давом эттиришинг мумкин.

– Гильянони сотганим ошкор бўлиб қолса, ҳатто Исо Масих пушти паноҳим бўлганида ҳам, мени ҳимоя қилишга қурби етмайди, – деди Пишотта.

– Сендан талаб этиладигани – у билан учрашадиган жойни айтиш, холос, – давом этди дон Кроче. – Мендан бошқа ҳеч ким бу ҳақда билмайди. Полковник Лука ва назоратчи Велардига ўзим хабар қиламан. Қолганини ўзлари билишади.

Сўнг жим қолиб, илова қилди:

– Ахир Гильяно бутунлай бошқа одам бўлиб қолди. У энди сенинг болалик ўйинларингдаги ўртоғинг эмас, энг яхши дўстинг ҳам бўлолмайди, бу одам фақат ўзини ўйлайди. Мана шу ҳақда ўйлаб кўришинг керак.

Шундай қилиб, 5 июль кuni кечқурун Кастельветрано томон йўл олган Пишотта дон Крочега бутунлай боғланиб қолганини англади. У Гильяно билан қаерда учрашишини айтди, дон полковник Лука ва назорат-

чи Велардини огоҳлантиришини биларди. Пишотта бу Пеппино амакининг уйида бўлишини айтмади, фақат бу учрашув Кастельветранода ўтказилади, деди, холос. У донга эҳтиёткорона ҳаракат қилишни маслаҳат берди, чунки Гильянонинг хавф-хатарни ўзига хос тарзда сезиш уқуви бор.

Лекин Пишотта Пеппино амакининг ҳузурига келганида, кекса аравакаш у билан совуқ саломлашди, одатда бундай қилмасди. Бу кекса чол гумонсираётган бўлмасин тагин? Балки у шаҳарда карабинерлар одатдан кўп йиғилганини сицилияликларга хос фавқулодда ўткир сезги орқали билгандир.

Пिशотта саросимага тушди. Уни кўрқинчли фикр қамраб олди. Гильянонинг онаси севимли бўлмиш Аспану ўғлини сотганини билса, нима бўлади? Унинг юзига тупуриб, хиёнатчи ҳамда қотил деб атаса-чи? Ахир улар бир-бирини қучоқлаб, бирга йиғлаган, Аспану Гильянони ҳимоя қилишини айтиб қасам ичган, сўнг онаизорни қучиб, ўпган эди. Ва бу ўпич Иблис бўлсанига ўхшаб қолди. У чолни, сўнг ўзини ўлдирмоқчи бўлди.

– Агар сен Турини ахтараётган бўлсанг, – деди Пеппино амаки, – у бу ерга келиб кетди.

Пеппино амакининг Пишоттага раҳми келди. Унинг ранги бўздай оқарган ва оғир нафас оларди.

– Анис ароғидан озгина ичасанми?

Пिशотта бош чайқади ва чиқиш жойига қараб йўл олди. Чол унга хитоб қилди:

– Эҳтиёт бўл, шаҳарда карабинерлар тўлиб-тошган.

Пिशотта кўркувдан жунжикиб кетди. Гильяно қўйилган қопқонни пайқамаслиги учун лақма бўлиш лозим эди. У сотқин кимлигини аллақачон билган бўлса-чи?

Пишотта уйдан югуриб чикди ва айланма йўллар билан иш фoш бўлган тақдирда келишилган учрашув жойига – Селинунтедаги Селин акрополига сўқмоқ йўлдан чошиб кетди.

Ёз ойининг ёрқин нури кўҳна грек шаҳри харобаларини кумуш тусга киритган. Бу вайроналар ўртасида ярми бузилган ибодатхона зинапояси устида Гильяно ўтирар ва Америкада қандай яшаши ҳақида ўйларди.

У ҳаддан ташқари ғамгин эди. Оппоқ орзулар кулади. У қачонлардир келажакка нисбатан орзу-умидларга тўлган, ҳамиша Сицилиянинг келажакгига боғланиб, менга ҳеч нима қилмайди, деб ниҳоятда ишонган эди. Халқ уни нақадар яхши кўрарди. Гильяно илгари одамларнинг валинеъмати эди, энди эса, афтидан, фақат бахтсизлик келтирувчи экан. Нима учундир у ўзини ёлғиз ҳис этди. Ваҳоланки худди олдингидек Аспану бирга эди. Бир кун келади ва икковлон мақсад ва оппоқ орзуларини қайта тиклайдилар. Ахир ҳаммасини бирга бошлаган эдилар-ку!

Ой бекинди ва кўҳна шаҳар қоронғиликка чулғанди, энди унинг вайроналари суякларга ўхшаб қолди. Зулмат қаъридан тошчаларнинг енгил шалдираш овози эшитилди ва Гильяно мрамор устунлар томонга ўтиб, автоматини шай ҳолатда ушлаб турди. Ой булутлар орасидан чиқди ва у қалъадан шаҳар ичига қадар олиб борадиган хароба кўчада Аспану Пишоттани кўрди.

Пишотта тошлар қопланган йўл узра қоронғилик қаърига сергак тикилганча келарди. Пишотта унинг ёнидан ўтишини кутди ва устунлар орасидан чиқди.

– Яна мен ютдим, Аспану, – деди у: болаликда шундай ўйнашарди. Пишотта ҳайратга солиб қўрққанидан сесканганча кескин ўгирилиб қаради.

Гильяно тиз чўкиб ўтирди ва автоматини ёнига қўйди.

– Озроқ ўтир, – деди у. – Роса чарчаганга ўхшайсан, қолаверса, ким билсин, балки бундан кейин ёлғизликда гаплашмасмиз.

– Яхшиси Мадзара-дель-Валлода гаплашамиз, у ер хавфсизроқ, – деди Пишотта.

– Ҳали вақтимиз бор, сен эса дам олишинг керак, акс ҳолда яна қон тупуришингга тўғри келади. Ўтирсанг-чи, – Гильяно юқори зинани кўрсатди.

У Пишотта елкасидан олаётган автоматни ерга қўяди деб ўйлади. Ўрнидан турди ва Аспанунинг зиналардан чиқишига ёрдамлашиш учун қўлини чўзди. Ана шунда дўсти уни нишонга олаётганини тушунди. Етти йилдан буён илк марта қўққисдан қотиб қолди.

Пишотта эса даҳшат ичида Гильяно ҳозир саволлар беришини ўйлаб ақлини йўқотди... Ҳаммасидан кўпроқ «Аспану, акам менинг» дейишидан кўрқди. Ана шу ваҳима сергак торттирди ва тепкини босишга ундади.

Ўқлар Гильянонинг панжаларини узиб, танасини илма-тешик қилиб юборди. Пишотта қўлларининг қилмишига даҳшат билан қараб турар ва Гильянонинг қулаб тушишини кутарди. Гильяно эса танасидан қон оқизганича зинадан оҳиста пастлади. Пишоттани қандайдир хурофий кўрқув нарига итариб юборгандай бўлди, Гильяно ортидан югургани, кейин эса унинг йиқилганини кўрди.

Гильянога эса ҳамон чопаётгандай туюлди. Хаёлида ҳаммаси аралашиб кетди: улар етти йил олдингидек Аспану билан бирга тоғларда югураётган эмиш – кўҳна Рим ҳовузларидан жилдираб сув оқар, уни нотаниш гулларни ифори сархуш этар, улар авлиё-

ларнинг ҳайкаллари, черковлар ёнидан ўтиб боришар ва доимгидек: «Аспану, ишонаман», дер, аслида ўзининг муваффақияти, дўстининг меҳри ва садоқатига ишонарди. Шу тариқа унинг хиёнати ҳамда ўзининг сўнгги мағлубиятини билмади: ўлим илтифот кўрсатиб, бундан халос этди. У ўзининг ўлимини уйқу деб ўйлаб, оламдан кўз юмди.

Аспану Пишотта тўхтамай жадал юриб кетди. У далани кесиб ўтиб, Кастельветранога элтувчи йўлга сакраб чиқиб олди. Махсус рухсатномасини кўрсатиб, полковник Лука ва назоратчи Веларди ҳузурига борди. Ва улар Гильяно пистирмага дуч келиб қолди ва капитан Перенце томонидан ўлдирилди, деган овоза тарқатдилар.

* * *

Ўша тонгда, 1950 йилнинг 6 июлида Мария Ломбарде жуда эрта турди. Уни эшикнинг тақиллаши уйғотиб юборганди: эри эшикни очгани кетди. Ётоқхонага қайтиб келиб, жўнаши кераклиги, кун бўйи келолмаслигини айтди. Деразадан у эрини Пеппино амакининг эшак қўшилган, ён томони ва филдиракларига ёрқин расмлар чизилган аравасига чиқиб ўтирганини кўрди. Эҳтимол, Америкага аллақачон жўнаб кетган Туридан бирор хабар келгандир, балки қандайдир хунук ҳодиса юз бергандир? У доимий безовталиқ етти йилдан буён ваҳимали кўрқувга айланганини ҳис этди. Уйни йиғиштирар, сабзавотларни тайёрлар экан, қўлидан ҳамма нарса тушиб кетаверди, эшикни очиб, кўчага қарар эди.

Қўшнилардан ҳеч ким кўринмади. Ҳатто болалар ҳам ўйнамаяпти. Кўп эркаклар қамоқда ўтирар, уларни Гильяно отрядига ёрдам беришда гумонсираб қа-

машганди. Аёллар эса ҳаддан зиёд қўрқиб қолган ва болаларини уйда ушлаб ўтирарди. Виа Белланинг ҳар икки томони адоғида карабинерлар взводи навбатчилик қиларди. Кўчанинг юқориси ва пастида патруллар елкасида милтиғини ушлаганча машқ қилиб юрарди. У томлар устида ҳам аскарлар борлигига кўзи тушди. Уйлар олдида ҳарбий «жип» машиналари турарди. Беллампо казармасининг виа Белла томонидаги кириш жойида бронетранспортер йўлни тўсган эди. Монтелепреда полковник Луканинг икки минг аскари келиб жойлашган, шаҳарчанинг барча аҳолисини ўзига қарши қўзғатган эди. Хотин-қизларга шилқимлик қилишар, болаларни қўрқитишар, қамоқдан қочиб қутулган эркаклар устидан кулиб, уларни масхаралашарди. Бу аскарларнинг барчаси унинг ўғлини ўлдириш учун келган. Лекин у аллақачон Америкада, эркинликда, вақти-соати етиб, эри билан бирга олдига боришади. Ўша ерда ҳеч нарсадан қўрқмай яшайдилар.

Она уйга қайтиб келди-ю, ўзига машғулот топди. Уйнинг орқа томонидаги балконга чиқди-ю, тоғларга термилиб қарай бошлади. Гильяно ана шу тоғлардан туриб дурбин орқали уйларини кузатар эди. Она ўғлини ҳамиша ёнида ҳис этар, ҳозир эса негадир шундай туйғу йўқ эди. Демак, у Америкада.

Эшик қаттиқ тақиллади ва у ваҳимага тушиб, қотиб қолди. Сўнг аста-секин бориб очди. Эшик ёнида Гектор Адонис қараб турар, уни ҳеч қачон бундай аҳволда кўрмаган эди. Соқоли олинмаган, сочлари тўзғиган, бўйинбоғсиз. Пиджаги остидаги кўйлагига жимланган, ёқаси кир. Аммо ҳаммасидан кўра Адониснинг афти ҳайратга солди: тенгсиз ғам-ғуссадан ажинга тўлиб, бужмайиб қолган эди. Кўзлари ёшга

тўлган. Мария Ломбарденинг кўкрагидан бўғиқ ўкрик отилиб чиқди.

Гектор Адонис уйга кирди.

– Мария, сендан илтимос, керак эмас, – деди у.

У билан бирга карабинерларнинг ёшгина лейтенанти кирди. Мария Ломбарде уларнинг боши узра кўчага қаради. Карабинерларга тўла учта қора машина уй ёнида турарди. Эшикнинг ҳар икки томонида қуроли одамлар.

Ёшгина, юзлари қизил лейтенант шапкасини ечиб, қўлтиғи остига олди. Сўнг расмий оҳангда сўради:

– Сиз Мария Ломбарде Гильяномисиз? – унинг лаҳжаси шимолий тосканлик эканлигини билдириб турарди.

Мария Ломбарде:

– Ҳа, – деб жавоб берди.

Умидсизлик туфайли унинг товуши титрар, томоғи қақраб кетган эди.

– Мен сизнинг биргаликда Кастельветранога боришингизни сўрашга мажбурман, – деди офицер. – Бизни машина кутмоқда. Дўстингиз бизга ҳамроҳлик қилади. Агар эътироз билдирмасангиз, албатта.

Мария Ломбарденинг кўзлари катталашиб кетди. У анча қатъий овозда сўради:

– Бу нимага керак? Мен ҳеч нарсани билмайман, Кастельветранода ҳеч кимни танимайман.

– У ерда бир одамни кўриб, таниб олишингизни истардик, – деди лейтенант сўзларни майинлик билан танлаб олишга уринар экан. – Бу ўғлингиз бўлса керак деб ўйлаймиз.

– Йўқ, ўғлим эмас, у ҳеч қачон Кастельветранога бормаган, – деди Мария Ломбарде. – Ўша одам ўлганми?

– Ҳа, – деб жавоб берди лейтенант.

Мария Ломбарде чўзиқ фарёд кўтарди ва тиззалаб йиқилди.

– Ўғлим ҳеч қачон Кастельветранога бормаган, – деб такрорлади.

Гектор Адонис унинг олдида борди-да, елкасига қўлини қўйди ва деди:

– Бориш керак. Бу унинг навбатдаги хийласи бўлиши мумкин, ахир биринчи марта бундай қилиши эмас-ку!

– Йўқ, – кўнмади у. – Мен бормаيمان. Бормаيمان.

– Эрингиз уйдаими? Сизнинг ўрнингизга уни олиб боришимиз мумкин, – деди лейтенант.

Мария Ломбарде тонг отар пайти эрини йўқлаб Пеппино амаки келганини эслади. Шу билан бирга расмлар чизилган аравани кўриб, унда жуда хунук нарсани олдиндан ҳис этганини хотирлади.

– Шошманг, – деди у олдинга ўзини ташлаб. Ва ётоқхонага кирди-ю, қора кўйлак кийди ҳамда бошига қора шол рўмолни ташлаб чиқди.

Лейтенант эшикни очди. У кўчага чиқди. Кўчада қуроолланган аскарлар лик тўла. Она виа Белла кўчасининг охирига қаради, у майдонга чиқар эди. Қуёшнинг ёрқин нурлари остида Тури ва Аспану эшакни ҳайдаб, байрамга кетаётганини кўрди – ўғли учун бутунлай бошқа ҳаёт бошланган эди – узок етти йил, Тури полициячини ўлдирганидан сўнг шунча йил мобайнида қочоқликда юрган эди. У йиғлаб юборди, лейтенант кўлидан ушлаб, кўчада кутиб турган қора машиналардан бирига ўтиришига ёрдам берди. Гектор Адонис у билан ёнма-ён ўтирди. Машина жим турган карабинерлар ёнидан юриб кетди. Мария Ломбарде юзини

Гектор Адониснинг елкасига қўйди – у энди йиғламас, йўлнинг адоғида дахшатли манзарани кўришга тўғри келишини ваҳима билан ўйлар эди.

Тури Гильянонинг жасади уч соатдан буён ҳовлида ётарди. У худди ухлаётгандек, қорини ерга тираган, юзини чап томонга буриб, тиззасини буккан. Лекин қўйлаги оқ рангдан алвон тусга кирган эди. Мажағи чиқиб кетган қўли автоматни маҳкам ушлаган. Палермо ва Римдан келган фотомухбир ва репортёрлар унинг атрофида ғуж бўлиб тўпланган эди. «Лайф» журнали сураткаши капитан Перенцени расмга олди, бу суратни Гильянони шу ўлдирди, деб унинг имзоси билан чоп этади. Капитаннинг расмда акс этган юзи хушмуомала, бир оз ғамгин ва ҳайратда қолгандек кўринарди. Унинг бошида фуражка бўлиб, полиция офицеридан кўра кўпроқ хуштабиат баққолга ўхшар эди.

Аммо дунёнинг барча газеталари Тури Гильяно фотосурати билан турли-туман бўлиб чиқди. Унинг маҳкам, жипс букилган қўлида герцогиня бармоғидан тортиб олган зумрад узук ялтирар эди. Белининг атрофида бургут ва шер тасвири ўйиб ишланган олтин тўқа товланарди. Жасад қон ҳалқоби ичида ётарди.

Мария Ломбарде келгунча жасадни шаҳар ўликхонасига элтиб, улкан ясси мармар стол устига қўйишганди. Ўликхона қабристонда жойлашган, атрофи баланд қора сарв дарахтлари билан ўраб олинган эди. Мария Ломбардени шу ерга олиб келиб, мармар ўриндиққа ўтирғизишди. Полковник ва капитанни кутишди, улар «Селинунт» меҳмонхонасида ғалабани нишонлаб, эндигина зиёфатни якунлаган эдилар. Журналистлар, қизиқувчан шаҳарликлар ва тартибни

сақлаб, кўз-қулоқ бўлиб турган карабинерларни кўрган Мария Ломбарде йиғлаб юборди. Гектор Адонис уни тинчлантиришга уринарди.

Ниҳоят ўликхонага олиб киришди. Қандайдир амалдорлар ясси стол ёнида нимадир деб сўрадилар. Онаизор бошини кўтарди-да, Турининг жасадини кўрди.

У ҳеч қачон бунчалик ёш кўринмаган эди. Тамомила боладек – шундай ҳолатда уйга келар, юрар, кун бўйи ўзининг Аспануси билан чопиб юрарди. Агар юзига сачраган лойни айтмаса, пешанасида доғ йўқ, чехрасига ҳеч нарса тегмаган. Мавжуд ҳақиқат Мария Ломбардени ҳушига келтирди, ўзини қўлга олди. Саволларга жавоб бера бошлади.

– Ҳа, – деди у, – бу менинг ўғлим Тури, йигирма етти йил муқаддам дунёга келган. Ҳа, мен уни танидим.

Амалдорлар нимадир дейишди, қандайдир қоғозларни имзолашни сўрашди, лекин у уларни кўрмас, эшитмасди. Ҳар томондан сўраётган, қичқираётган оломонни ҳам, журналистларни ҳам, карабинерлар орасидан бир амаллаб ўтиб олган, суратга туширмоқчи бўлган фотомухбирларни ҳам кўрмас, эшитмасди.

Мария Турининг пешанасидан ўпди, манглайи оппоқ, томирлари чиққан, мармар каби совуқ эди. Кўкарган лаблари, хунуклашиб кетган қўлларини ўпди. У бутунлай ўзининг ғам-қайғуси билан овора бўлиб қолди.

– Кўзичоғим менинг, – деб шивирлади у. – Нақадар дахшатли ўлим топдинг.

Ана шунда ҳушидан кетди, навбатчи врач укол қилгач, ўзига келди, сўнг ўғлининг жасади топилган ҳовлига кузатиб қўйишни талаб қилди. У ерда эса тиззалаб, тўкилган қон доғларини ўпа бошлади.

Монтелепрега келганида, уйда эри кутиб турарди. Шунда у ўғлининг қотили доимо яхши кўрадиган Аспану эканлигини билиб олди.

Йигирма саккизинчи бўлим

Майкл Корлеоне ва Питер Клеменца қамокқа Молингандан кейин дарров Палермо турмасига келтирилди. Бу ерда уларни сўроқ учун назоратчи Велардининг хузурига киритишди.

Веларди кабинетида олти нафар қуролли карабинер офицерлар бор эди. У Майкл ва Клеменца билан совуқ саломлашди-да, Клеменцага мурожаат қилди.

– Сиз америкалик фуқаросиз, – деди у. – Паспортингизда кўрсатилишича, акангиз дон Доменик Клеменцани кўриш учун Трапанига келган экансиз. Менга айтишларига кўра, сиз эҳтиромга сазовор кишисиз. Хурматли одамсиз. – У бу анъанавий эътирофни очиқдан-очиқ киноя билан таъкидлади. – Биз сизни Майкл Корлеоне билан қурол тутган ҳолда бу шаҳарчада бир неча соат муқаддам Тури Гильяно ўлдирилган жойда тутиб олдик. Шу муносабат билан нима дея оласиз?

– Мен ов қилиш учун чиққан эдим – қуён ва тулки тутмоқчи эдик, – деди Клеменца. – Кафега нонушта қилиш ва қаҳва ичишга кирган эдик. Қарасак, Кастельветранода нимадир рўй бераётган экан. Нима гаплигини билмоқчи бўлдик.

– Сизга нима бўлган ўзи, Америкада қуёнлар учун тўппонча-автомат билан борасизми? – сўради назоратчи Веларди. Ва Майкл Корлеонега ўтирилди. – Сиз билан учрашганмиз, бу ерда нима иш билан машғул бўлганингизни биламиз. Бақалоқ дўстингиз ҳам бун

билади. Лекин дон Кроче билан ёқимли тушлик қилганингиздан буён вазият ўзгарди. Гильяно ўлган. Сиз эса унга қочиш имкониятини беришни мақсад қилган фитнанинг иштирокчиси ҳисобланасиз. Мен сизга ўхшаш пасткаш одам билан инсоний муносабатда бўла олмайман. Биз сизнинг икrorингизни тайёрладик, уларни имзолашингизни маслаҳат бераман.

Шу лаҳзада хонага карабинерлар офицери кирди ва назоратчи Велардининг қулоғига нимадир деб шивирлади. У қуруққина қилиб:

– Майли, кирсин, – деди.

Бу дон Кроче эди, у Майкл билан овқатланган кундан ҳам ортиқ даражада яхши кийинганди. Қизил дарахт тусидаги башараси қатъий, эҳтиросдан холи эди. Дон Кроче лапанглаб, Майклнинг олдига келди-ю, уни кучоқлади. Сўнг Питер Клеменца билан қўл олишиб кўришди. Шундан сўнг бир оғиз сўз айтмай, назоратчи Велардига тикилиб қаради. Унинг бутун гавдасидан қандайдир ҳайвоний куч ёғилиб турарди. Башараси, айниқса, кўзлари қандайдир ҳукмфармо қиёфада эди.

– Бу иккови менинг дўстларим, – деди у. – Уларга нисбатан шу қадар илтифотсиз муносабатда бўлишингизга асос борми? – Бу сўзларни беписанд, қаҳр-ғазабдан холи тарзда айтди. У шунчаки савол бериб, жавоб, исбот кутар эди. Сўз оҳанги уларни қамоққа олиш асоссиз эканлигини кўрсатиб турарди.

Назоратчи Веларди елкаларини силтади.

– Улар суд олдида жавоб беришади – ҳаммаси ўша ерда аён бўлади.

Дон Кроче назоратчи олдида турган оромкурсилардан бирига ўтирди. Дастрўмоли билан пешанасини артди. Сўнг таҳдид сояси ҳам бўлмаган хотиржам овозда гапирди.

– Дўстлигимиз ҳаққи, вазир Терещцага қўнғирок қилинг ва бу масалада унинг фикрини сўранг. Менга ёрдам кўрсатган бўласиз.

Назоратчи рад этиб бош чайқади. Унинг зангори кўзлари нафақат совуқ боқар, уларда нафрат ёниб турарди.

– Биз ҳеч қачон дўст бўлмаганмиз, – деди у. – Мен буйруқ бўйича иш кўрганман, ҳозир эса у ўзининг кучини йўқотди, бинобарин Гильяно ўлган. Бу иккови суд олдида жавоб беради. Агар ихтиёр ўзимда бўлганида, сиз ҳам улар билан бирга жавоб берган бўлар эдингиз.

Шу лаҳзада назоратчи Веларди столи устида турган телефон жиринглади. У ҳатто қимирламади ҳам, ўзи айтган гапга дон Кроченинг муносабатини кутиб турди.

– Гўшакни олинг, – деди дон Кроче, – вазир Терещца қўнғирок қилмоқда.

Назоратчи дон Крочедан кўз узмай гўшакни секин кўтарди. Бир неча дақиқа эшитиб турди-ю, сўнг:

– Яхши, жаноби олийлари, – деди-да, гўшакни қўйди. У гўё ўзининг оромкурсисига сингиб кетгандай бўлди.

– Сизлар озодсизлар, – деди Майкл билан Клеменцага.

Дон Кроче ўрнидан турди, кўз ўнгида худди ҳовлида жўжалар бордай қўлини силкитиб, Майкл ва Клеменцани эшикка томон йўллади. Сўнг назоратчи Велардига бурилиб қаради.

– Мен йил бўйи, гарчи бу ерда, менинг Сицилиямда бегона киши бўлсангиз-да, сизга имкон қадар ғоят назокатли муносабатда бўлиб келдим. Сиз эса ҳозир дўстларим, ҳамкасб офицерларингиз олдида шахсим-

га нисбатан ҳурматсизлик кўрсатдингиз. Лекин мен буни кўнглимга тугиб ёмонлик қиладиган одамлар тоифасидан эмасман. Умид қиламанки, биз сиз билан кечки овқатни бирга тановул қиламиз ва бир-биримизни янада кўпроқ англаган ҳолда дўстлигимизни тиклаймиз.

Беш кун ўтгач, назоратчи Фредрико Велардини куппа-кундуз куни Палермонинг бош хиёбонида отиб кетишди.

* * *

Икки кундан сўнг Майкл аллақачон уйда эди. Шу муносабат билан оилавий тантана уюштирилди: акаси Фредо Лас-Вегасдан учиб келди, Конни эри Карло билан бирга ташриф буюрди, бу ерда Клеменца хотини билан, Том Хейген ҳам рафиқаси ҳамроҳлигида эди. Ҳамма Майклни қучоқлади, унинг соғлиғи учун ичишди ва кўриниши анча яхшилигини эътироф этишди. Ҳеч ким қувғинда юрган йилларни эсламади, унинг юзидаги чандикни кўрмасликка олди, акаси Соннининг ўлимини айтмади. Бу гўё коллеж ёки узоқ давом этган таътилдан қайтган ўғил шарафига нишонланган тантана эди. У отасининг ўнг томонида ўтирганди. Ниҳоят ўзини бутунлай хавф-хатардан холи ҳис этди.

Эрталаб у узоқ ётди, биринчи бор Америкадан қочганидан бери ширин туш кўриб, ором олиб ухлади. Онаси нонушта тайёрлаб, уни ўпиб қўйди, улар дастурхонга ўтиришгач, бундай меҳр-муҳаббат унга нодатий туюлди. Шу пайтгача волидаси фақат бир марта – урушдан қайтганида ўпган эди.

Овқат еб бўлингач, у кутубхонага кирди ва отаси кутиб турганини пайқади. Майкл у ерда Том Хайген-

нинг йўқлигидан ҳайрон бўлди, сўнг дон гувоҳларсиз гаплашмоқчи эканлигини фаҳмлади.

Дон Корлеоне тантанали равишда икки қадахга арпабодиён ликёрини қуйди-ю, биттасини Майклга узатди.

– Шерикликдаги муваффақиятларимиз учун, – деди дон.

Майкл қадахни кўтарди.

– Раҳмат, – деди у. – Мен ҳали кўп нарсани ўрганишим керак.

– Ҳа, – тасдиқлади дон Корлеоне. – Вақтимиз жуда кўп, ўзим ҳам шу ердан, сенга ўргатамиз, албатта.

– Лекин аввал Гильяно билан боғлиқ масалани кўриб чиқиш керак, деб ҳисобламайсизми? – деди Майкл.

Дон оромкурсига оғир чўкди ва ликёр туфайли пешанасига чиққан терни артди.

– Ҳа, – хўрсинди у, – бу қайғули воқеа. Мен уни қочишга улгуради, деб умид қилгандим. Отаси ва онаси қадрдон дўстларим эди.

– У ерда рўй берган воқеани охиригача тушунмадим, – деди Майкл, – кимнинг қайси томонда эканлигини била олмадим. Сиз дон Крочега ишонишим кераклигини айтдингиз, лекин Гильянонинг уни кўришга кўзи йўқ эди. Агар васиятнома сизда бўлса, бу Гильянони ҳимоя қилади, деб ўйлагандим, улар эса уни ўлдиришди. Энди васиятномани газетага берсак, уларга яхши бўлмайди: ўзларининг бўғзига пичоқ тортишдими, дейман.

Майкл отаси унга совуқ назар билан қараб турганини сезди.

– Буни Сицилия дейдилар, – деди дон. – У ерда хиёнат ҳамиша хиёнат билан қоришиб кетади.

– Дон Кроче ва ҳукумат Пишоттага анча-мунча ваъда берган бўлиши керак, – сўз қотди Майкл.

– Бунга шак-шубҳа йўқ, – деб унинг гапини маъқуллади дон.

Майкл аввалгидек ҳеч нимани тушунмади.

– Улар нега бундай қилишди? Ахир қўлимизда васиятнома бор эди, унда ҳукуматнинг Гильянодан фойдалангани исботланган. Газеталар буни чоп этган заҳоти у қулайди. Мен ҳеч нарсани англай олмай қолдим.

Дон енгил кулимсираб деди:

– Васият сейфда қолаверади. Биз уни ҳеч кимга бермаймиз.

Майклга отасининг гапи, унинг мазмуни дарров етиб бормади. Тушунганидан сўнг ҳаётида биринчи марта падари бузрукворидан ранжиди. Ранги оқарди.

– Бу нима, биз шунча вақт дон Кроче билан биргаликда ҳаракат қилганмиз, деганими? – жаҳлини яшириб ўтирмади у. – Демак, мен шунча вақт Гильянога хиёнат қилдим, унга ёрдам бермадимми? Отасига ёлғон гапирдим. Сиз эса дўстларингизни сотиб, ўғлининг ўлимига ёрдамлашдингиз. Мендан эса худди қип-қизил аҳмоқ сифатида Иуда Искариотдай фойдаландингиз. Ота, ё Худойим, Гильяно жуда яхши инсон эди, ҳақиқий қаҳрамон, у Сицилиядаги камбағалларга нақадар кўп ёрдам берган. Биз бу васиятни чоп эттиришимиз керак.

Дон Корлеоне ўғли гапириб бўлишини кутди, сўнг ўрнидан туриб, қўлини унинг елкасига қўйди.

– Менга қулоқ сол, – деди дон. – Гильянонинг қочиши учун ҳаммаси тайёрлаб қўйилган эди. Мен дон Кроче билан келишганим ҳам, Гильянони сотишга

ҳаракат қилганим ҳам йўқ. Самолёт сизларни кутаёт-ганди, Клеменца ва унинг одамларига ҳар томонлама сенга ёрдам бериш ҳақида кўрсатма берилганди. Ҳа. Дон Кроченинг ўзи ҳам Гильянонинг қочишини иста-ган, бу вазиятдан чиқишнинг анча енгил йўли эди. Ле-кин Гильяно уни ўлдириш учун қасам ичиб, кетишни ортга сурди, қасос олишдан умидвор бўлди. Бир неча кун аввал сенинг олдинга келиши мумкин эди. У эса ушланиб қолди – яна бир марта уриниб кўрмоқчи бўл-ди. Гильяно билан рўй берган воқеа ана шу ҳолатлар билан изоҳланади.

Майкл отасидан нари кетиб, чарм оромкурсилар-дан бирига ўтирди.

– Ҳар ҳолда васиятномани чоп этишни истамага-нингизнинг бир сабаби бор, – деди у. – Сиз кимгадир буни ваъда қилгансиз.

– Ҳа, – бош ирғади дон Корлеоне. – Сенинг тагинг-га бомба қўйишганида шуни англадимки, мен ҳам, дўстларим ҳам хавфсизлигинг учун кафолат беролмас эканмиз. Буни тушуниб етсанг, асло халақит бермай-ди. Сен бошқа ҳамлаларга ҳам дуч келишинг мум-кин эди. Мен эса уйга соғ-саломат келишингни истар эдим. Шу боис дон Кроче билан келишиб олдим. У хавфсизлигингни таъминлашга ваъда берди. Мен эса ўз навбатида Гильяно Америкага келса, васиятномани чоп қилмасликка кўндирадиган бўлдим.

Майкл Пишоттага васиятнома Америкада, ишонч-ли жойда, деб айтганини эслади-ю, кўнгли беҳузур бўлди. У ўша лаҳзада Гильянога ўлим ҳукмини имзо-лаган экан. Майкл чуқур хўрсинди.

– Биз бу ишни унинг ота-онаси учун амалга ошир-моғимиз керак, – деди Майкл. – Юстина учун. Дарво-қе, аҳволи қандай унинг?

– Ҳаммаси жойида, – деди дон. – Унинг ташвишини қилишади. Бир ой ўтмасдан кўникиб қолади, – жим бўлиб, бир оздан сўнг қўшимча қилди. – У жуда оқила аёл, бу ерда зўр яшаб кетади.

– Агар васиятномани чоп этмасак, уни ота-онасига берамиз, – деди Майкл.

– Бўлмағур гап, – рад этди дон Корлеоне. – Мен бу ерда яшаган йилларимда, Америкада ниманидир ўргандим. Ақл билан иш юритиш, савдолашиш керак. Агар васиятномани чоп этсак, қандай нафи тегаети? Италияда ҳукумат қулайди, балки қуламас ҳам. Вазир Трецца мансабидан маҳрум бўлади. Наҳотки сен уни жазолашади, деб ўйласанг?

– Ахир Трецца ўзининг халқини қириб юборганида ҳукумат таркибида ўтирган эди-ку, – аччиқланиб деди Майкл.

Дон елкаларини керди.

– Хўш, нима бўпти? Рухсат бер, гапимни давом эттирай. Агар биз васиятномани чоп этсак, бу Гильянонинг ота-онасига ёрдам берадими ёки дўстларигами? Ҳукумат уларга босим ўтказаети ва қамоққа тикаети, ҳар томонлама таъқиб остига олади. Ҳаммасидан ёмони, дон Кроче уларни қора рўйхатига тиркайти. Яхшиси, улар ўз умрини хотиржам яшаб ўтказсин. Мен ҳукумат ва дон Кроче билан келишиб оламан, уларга тегишмайти. Шундай экан, васиятномани ўзимизда сақлаб, узоқда турсам ҳамки, ундан катта фойдалар кўраман.

– Ва Сицилиядан ҳам нимадир зарур бўлиб қолса, нафи тегаети – деди заҳархандалик билан Майкл.

– Ҳаёт шунақа, – енгил кулди отаси.

Майкл узоқ жим қолди, сўнг охишта шундай деди:

– Билмадим, лекин менинг назаримда, бу инсофсизликка ўхшайди. Гильяно ҳақиқий қаҳрамон эди, энди эса афсонага айланди. Биз унинг хотирасини сақлайдиганларга ёрдам беришимиз керак. Бу хотирани йўқотмаслик керак.

Дон биринчи марта асабийлашди. Ўзига яна бир қадаҳ ликёр қуйди-да, залп билан ичиб юборди. Сўнг ўғлига қараб бармоғини нуқиди.

– Сен ўрганишим керак, деб айтдинг, – деди у. – Шундай экан, қулоқ сол. Инсоннинг биринчи вазифаси – тирик қолиш. Шундан кейин одамлар орномус деб ном қўйган нарсалар келади. Мана бу сен айтган бадномликни жону дилим билан ўз зиммамга оламан. Мен ҳаётингни асраш учун бу ишни қилдим: ўз даврида сен ҳам ноинсофликка қўл ургансан, мени кутқариш учун шундай қилган эдинг. Агар дон Кроче бўлмаганида, Сицилиядан тирик қайтиш сенга ҳеч қачон насиб қилмасди. Айнан шундай. Сен худди Гильяно каби қаҳрамон, афсонага айланишни истайсанми? Мурда бўлишними? Мен уни дўстларимнинг ўғли сифатида яхши кўраман, аммо шон-шухратига ҳавас қилмайман. Сен тириксан, у эса ўлган. Шуни ҳамиша ёдингда тут, шундай яшагинки, қаҳрамон эмас, тирик бўл. Вақт ўтиши билан қаҳрамонлар унутилади.

Майкл чуқур нафас олди.

– Гильянонинг бошқа йўли қолмаган эди, – деди у.

– Бу масалада бизнинг омадимиз келди, – деди дон.

Отасидан олган биринчи сабоқ шу эди, буни бошқаларидан кўра кўпроқ ёдида сақлади. Бу унинг кейинги ҳаётини рангин этади, илгари мутлақо хаёлига келмаган даҳшатли азму қарорларга ундайди. Бу орномус тўғрисидаги тасаввурини ўзгартиради, қаҳ-

рамонлик олдида сажда қилишини камайтиради. Бу яшашга ёрдам беради, аммо бахтсиз қилади. Лекин Майкл отасига қарама-қарши тарзда Гильянонинг шон-шарафига ҳаваси келди.

Йигирма тўққизинчи бўлим

Гильянонинг ўлими Сицилия халқи руҳини синдирди. У эл қаҳрамони, бой-бадавлат ва аслзодаларга қарши, «Дўстларнинг дўсти», Римдаги насроний демократлар ҳукуматига қарши қалқон эди. Гильяно дунёдан ўтгандан сўнг дон Кроче Мало Сицилияни сиқув остига олиб, барча бой ва камбағалларнинг бисотидагига тенг улкан бойликни суғуриб олди. Ҳукумат одамларга арзон сув бериш учун тўғон барпо этишга киришганида, дон Кроче қурилиш учун келтирилган машиналарни портлатиш тўғрисида кўрсатма берди. Чунки Сицилиядаги барча сув манбалари улар томонидан назорат қилинарди, унга ҳеч қандай фойдаси йўқ. Одамларга арзон баҳода сув бериш учун барпо этиладиган тўғонлар унинг манфаатига мос келмасди.

Урушдан сўнг қурилишда сунъий шов-шувли овозалар тарқалгач, ичкаридан ахборот олган ва моҳирона музокаралар юритган дон Кроче энг яхши ерларни арзон-гаровга сотиб олиб, сўнг уч баравар қимматга сотди. У бутун Сицилиядаги бизнесни шахсий ҳимояси остига олди. Крочега бир неча чентезимо – итальян тангаси тўламай туриб, Палермо дўконларида полиз ўсимлигини сотиш мумкин эмасди. Бой-бадавлат кишилар ўз хотинига қимматбаҳо тақинчоқ ёки фарзандларига пойгачи отларни дон Крочега суғурта

қилмасдан сотиб олишолмасди. У қаттиққўллик билан деҳқонларнинг шаҳзода Олторто мулкига қарашли ишланмаган ерларни олиш умидини таг-томири билан суғуриб ташлади. Дон Кроче, аслзодалар ва Рим ҳукумати томонидан уч томонлама сиқув туфайли сицилияликлар келажаклари яхши бўлишини умид ҳам қилмай қўйишди.

Гильяно ўлимидан сўнг икки йил ўтгач, беш юз минг сицилиялик, энг асосийси, ёш йигитлар оролдан кетиб қолди. Улар Англияга бориб, у ерда боғбон, музқаймоқ сотувчиси, ресторанларда официант бўлиб ишладилар. Германияга йўл олиб, энг оғир ишлар билан машғул бўлдилар, Швейцарияга жўнаб, мамлакатни ярқираб кетгунча тозаладилар ва заводларда «ку-ку»лайдиган соатлар йиғиб созлаш билан шуғулландилар. Францияга равона бўлиб, ошхоналардаги эркакларга айландилар, универсал дўконларда фаррош бўлиб тер тўкдилар. Бразилияга кетиб, чангалзорларда дарахт кесдилар. Айримлари изғирин Скандинавияга жўнашди. Аммо Корлеоне хонадонида хизмат қилиш учун Клеменца ўзи билан олиб кетган бир нечта йигит Қўшма Штатларда жойлашиб қолди. Улар бахтли кишилар саналарди. Сицилия эса кексалар, болалар ва хотин-қизлар мамлакатига айланиб, арзимас иқтисодий интиқом туфайли бевалар кўпайди. Қишлоқларнинг тош уйларига ишчилар қўли тегмай қолди, шу тариқа бойлар мулкида ҳам улар кўп кўринмас, бундан бадавлатлар ҳам азият чекдилар. Фақат дон Кроче гуллаб-яшнади.

Аспану Пишотта содир этган жиноятлари учун суд олдида жавоб берди: у Уччардондаги турмага умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Лекин ҳамма, Пишоттани аф этишади, деб ўйларди. Пишотта ўзини фақат

қамокда гумдон қилишларидан қўрқарди. Лекин авф этиш ҳадеганда эълон қилинмасди. Шунда у дон Крочега мактуб жўнатди: агар мени дарҳол авф этишмаса, деб ёзган эди Пишотта, Треццанинг отряд билан алоқаси, шунингдек, янги бош вазирнинг дон Кроче ҳамкорлигидаги фитнаси туфайли ўз фуқароларини Жинестра дарасида қириб ташлашни буюрганини айтиб, фош этишини маълум қилди.

Трецца Италиянинг бош вазири бўлганининг иккинчи куни Аспану Пишотта эрталаб соат саккизда уйғонди. Унинг камераси катта бўлиб, тувакларда ўсимликлар, қамокхонага келганида ўзи тўқиган пардалар бор эди. Ипакларнинг ёрқин бўёқлари Пишоттани тинчлантирар, у энди болалиги, Тури Гильяно билан дўстлашгани, бир-бирини нақадар яхши кўрганини тез-тез хотирларди.

Пिशотта ўзига қаҳва тайёрлади ва ичди. Мени заҳарлашади, деб жуда қўрқарди у. Шу боис нимаики ичса, ҳаммасини қариндош-уруғлари келтирган эди. Қамокхона овқатини эса у даставвал майда бўлаклаб, кафасда сақлаётган севимли тўтисига берарди. Ҳар эҳтимолга қарши токчалардан бирига қўйилган тикиш игнаси ва тўқишга керакли мато бўлаги ёнида ҳамиша бир банка зайтун мойи турарди. Уни томоғига томизса заҳарни кесади ёки кўнгилни айнитиб қусдиради, деб ҳисобларди. Такдирнинг бошқа чиғириқларидан хавфсирамас – уни ҳаддан зиёд яхши қўриқлардилар. Камераси эшигидан Пишотта изн берган кишиларни қўйиб юборишар, унинг чиқиб кетишига эса рухсат йўқ эди. Мана ҳозир ҳам сабрсизлик билан тўтиси еб бўлишини ва таомнинг қайта пишишини кутди, шундан кейин иштаҳа билан нонушта қилишга киришди.

Гектор Адонис Палермодаги уйидан чиқиб, трамвайга ўтирди ва Уччардон ҳибсхонасига қараб жўнади. Эрталаб бўлишига қарамай, февраль қуёши қиздирарди. Гектор Адонис қора костюм кийгани ва бўйинбоғ таққанидан афсусланди.

Лекин бундай вазиятда расмий кийиниш керак, деб ҳисобларди. У костюмининг керакли қоғоз яшириб қўйилган ён чўнтагини пайпаслаб кўрди.

Шаҳар бўйлаб кетар экан, худди Гильянонинг шарпаси ортидан келаётгандай туюлди. У бир куни кўзи олдида карабинерлар билан лик тўла трамвай ҳавога учганини эслади. Гильяно ота-онасини ҳозир Адонис бораётган қамоқхонада сақлагани учун шу тарзда ўч олган эди. Адониснинг яна ҳайрон бўлгани – у классиклар билан таништирган мўмин-қобил ўсмир шунчалик шафқатсизликни амалга оширди. Ҳозир бинолар деворлари ёнидан ўтар экан, катта қизил ҳарфлар билан «ЯШАСИН, ГИЛЬЯНО» деб ёзилган ёзувларга кўзи тушар, улар яққол кўриниб турарди. Ҳа, унинг чўқинтирган ўғли узоқ яшамади. Аммо Гектор Адонисга Гильянони энг яқин дўсти ўлдиргани тинчлик бермасди. Шунинг учун костюмининг чўнтагидаги қоғозни эҳтиёт қилиб, ишга киришди. Мактуб дон Крочедан бўлиб, махсус кўрсатмалар билан теппа-тенг эди.

Трамвай ғиштдан қурилган узун иморат ёнида тўхтади, Уччардон қамоқхонаси шу ерда жойлашган. Уни кўчадан тепасида тиканли симли тош девор ажратиб туради. Дарвозалар ёнида кўриқчилар қаққайган, девор ёқалаб тиш-тирноғигача қуролланган полициячилар қадам ташламоқда. Гектор Адониснинг рухсатномаси бор эди, уни дарров ўтказиб юборишди. Махсус кўриқчи қамоқхона дорихонасига олиб кирди.

У ерда Куто исмли дорихоначи кутиб олди. Ишда кия-диган костюми устидан қордек оппоқ халат кийиб олган эди. У ҳам бундай воқеа муносабати билан расмий кийиниш зарур деб ҳисобларди. Куто Гектор Адонис билан илиқ кўришди, улар ўтириб, кута бошладилар.

– Аспану дориларни доимий равишда ичадими? – билиш учун сўради Гектор Адонис. Пишоттага сил касали билан оғригани учун стрептомицин истеъмол қилиши кераклиги ёзилган эди.

– О, бўлмасам-чи, – деди Куто. – У саломатлиги учун роса жон куйдиради. Ҳатто чекишни бас қилди. Маҳбусларда кузатганимга кўра бу жуда қизиқ ҳолат. Инсон озодликда экан, соғлиғини ўйламасдан ўзини барбод қилади – аклини йўқотар даражада чекади, ҳушдан кетгунча ичади, озиб-тўзгунча ишқ-муҳаббат ўйини билан машғул бўлади. Оз ухлайди ва танасини кам чиниқтиради. Бу эса умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинганига қарамай, гантел билан шуғулланади, чекишни рад этади, овқатланишга риоя қилади ва ҳеч нимани танлаб ўтирмайди.

– Балки бунга имкониятлари жуда камлигидан бўлса керак? – сўради Гектор Адонис.

– О, йўқ, йўқ, – эътироз билдирди Куто. – Уччардон қамоқхонасида нима керак бўлса, ҳаммасини олиш мумкин. Кўрикчилар камбағал одамлар, маҳбуслар эса бой-бадавлат, шундай экан, пулнинг қўлдан-қўлга ўтиши табиий. Бу ерда ҳар қандай бузуқчиликка берилиб кетиш мумкин.

Адонис дорихонага қаради. Токчаларда дори-дармон тикилиб кетган, катта дуб дарахтидан ясалган жавонлар бинт, пахта ҳамда тиббий асбоб-ускуналарга тўлган. Дорихона айни пайтда маҳбуслар учун тез ёрдам пункти бўлиб хизмат қиларди. Хоналардан би-

рида тахмон ўрнида, ҳатто дид билан икки тўшақли каравот қўйилган.

– Унга дори топиш оғирлик қилмайдими сизга? – сўради Адонис.

– Йўқ, биз алоҳида талабнома тузамиз, – деди Куто.
– Бугун эрталаб янги шиша юбордим. У америкаликлар экспорт учун қиладиган барча қоидаларга мувофиқ тикинланган. Жуда қиммат дори. Фақат ҳайрон қоламан, нима учун ҳукуматдагилар уни шунчалик асраб-авайлаяпти экан?

Улар бир-бирига қараб кулиб қўйишди.

Бу пайтда Аспану Пишотта ўзининг камерасида стрептомицин шишчасини олди-ю, тикинини очди. Дорининг керакли миқдорини ўлчади ва қултиллашиб ютди. Мияси ишлаётган сонияда нега бу дорининг жудаям аччиқлиги ҳақидаги фикр «лип» этиб ўтдида, сўнг танаси орқага чайқалиб кетди ва пол устига қулаб тушди. Кўксидан умидсизликка тўла фарёд отилиб чиқди, у кўрикчини камера эшиги ёнига югуриб келишга мажбур этди. Бутун танаси бўйлаб тарқалиб кетган даҳшатли оғриқни бир амаллаб енгган Пишотта оёққа турди. Томоғи қуриб қолди, у бир неча қадам ташлаганча зайтун мойи турган токча томон гандираклаб борди. У ерда танаси ёй каби эгилди. Кўрикчига қараб қичқирди:

– Мени захарлашди! Ёрдам берсанг-чи менга, ёрдам бер! – Ва яна йиқилишдан олдин ғазабдан титраганча дон Кроче унга фириб берганини англади.

Кўрикчилар чопқиллаганча Пишоттани дорихонага олиб келишди, маҳбусни захарлашди, деб қичқиришди. Куто уни ётқизишни буюрди. Пишоттани каравотлардан бирига ётқиздилар ва Куто текширишга киришди. Сўнг тезгина кустирадиган дори тайёрлаб

Пишоттанинг оғзига қуйди. Кўриқчиларнинг нигоҳлари остида Пишоттани қутқариш учун барча чорани кўрди. Фақат Гектор Адонис қайт қилдирадиган кукун кучли равишда суюқлашган ҳамда ўлаётган одамга ёрдам беролмаслигини биларди. Адонис каравотга яқин келиб, кўкрак чўнтагидан қоғозчани олди-ю, муштининг орасига қисди. Сўнг дорихоначига ёрдам берган бўлиб уни Пишоттанинг кўйлаги ичига тикди. Шу лаҳзада у пастга, Пишоттага нигоҳини қаратди. Чиройли юзи ғам-қайғудан бужмайиб кетган эди маҳбуснинг, аммо Адонис бу чидаб бўлмас бужмайиш даҳшатли оғриқ туфайли бўлганини биларди... Гектор Адонисга бениҳоя қийин бўлди. У бу одам кўлини бир-бирига қовуштириб, чўкинтирган ўғли билан Сицилия қирларида Роланд ва Улуғ Карл тўғрисида шеърлар ўқиганини эслади...

Орадан олти соат ўтгач, жасаддан мактуб топиб олишди. Бироқ унинг Пишотта ўлимига доир тафсилотлар акс этган ҳикояга тиркалиши ва бутун Сицилия бўйлаб тарқаладиган газеталарда чоп этиш учун вақт етарли эди. Гектор Адонис Пишоттанинг кўйлаги ичига солган хатда шундай деб ёзилган эди: «КИМКИ ГИЛЬЯНОНИ СОТСА, ШУНДАЙ ЎЛИМ ТОПАДИ».

Ўттизинчи бўлим

Сицилияда озгина пули бўлган одам яқин кишисини ерга кўммайди. Бу батамом ҳалокатни англатар – Сицилияда шусиз ҳам одамлар ҳаддан зиёд камситишларга чидаб келишарди. Қабристонларда кичкина мўъжаз тош ва мрамар мақбаралар бор, бу тўртбурчак қурилмани congregazioni дейишади. Чўян

панжаралар унинг кириш жойини чегаралаб туради. Ичкари томонда бир неча поғона бўлиб, улардан бирига тобут қўйилади, кейин тирқишни цемент билан беркитиб ташлайдилар. Қолган қаватлар бошқа оила аъзолари учун мўлжалланган.

Гектор Адонис Пишоттанинг ўлиmidан сўнг очик қуёшли кунларнинг бирини танлаб, Монтелепре қабристонига йўл олди. Дон Кроче билан ўша ерда учрашиб, биргаликда Тури Гильяно қабрида ибодат қилмоқчи эдилар. Шунингдек, келгусидаги ишлар хусусида келишиб олишмоқчи эди, ахир одамларнинг манманликни унутиш, бир-бирларига келтирган ранж-аламлари учун кечирим сўрашларида қабристондан бошқа маъқул жой бормикан?

Дарвоқе, яхши ижро этилган иш туфайли ҳамкасбни табриклашга ўзга қулай маскан топилармикан? Дон Кроче сир сақлай олмайдиган ва хотираси ниҳоятда яхши Пишоттани гумдон қилишга мажбур бўлган эди. У операцияга раҳбарлик қилиш учун Гектор Адонисни танлади. Доннинг энг моҳирона ўйлаб топган устомонлиги Пишоттанинг танасида қолдирилган мактуб, ёзув эди. Адонисни бундай ўзгариш бутунлай қаноатлантирди: сиёсий қотиллик романтик адолатнинг парвози ниқоби остида беркитилиб хаспўшланган эди. Гектор Адонис қабристон эшиги ёнида туриб, ҳайдовчи ва қўриқчилар дон Кроченинг машинадан тушишига ёрдам бераётганларини кўрди. Доннинг гавдаси кейинги йилларда ҳаддан ташқари йўғонлашиб бесўнакай қиёфага кирган, қудрати ошиб бораётганига мутаносиб равишда гўё янада шишириб юборилгандай эди.

Гектор Адонис ва дон Кроче қабристон дарвозасидан бирга киришди. Адонис бошини кўтариб, дарвоза

пештоқиға қаради. Чўйндан қуйилган жимжимадор сўзлар яқин одамиғи сўнгги манзилға кузатган кишиларға қаратилиб ёзилгандек эди: «Биз худди сендек эдик, сен ҳам биздек бўлурсан».

Адонис жумлада ифодаланган кинояли сўздан қулимсираб қўйди. Гильяно бу қаби шафқатсизликка муносиб эмас, бироқ Аспану Пишотта ўз қабридан шундай деб қичқирган бўларди.

Гильянонинг вафотидан сўнг Гектор Адонис Пишоттадан қуйдириб, йўқ қиладиган даражада нафратланган эди, энди буни ҳис этмади. У қасос олди. Ҳозир бу икковлон ҳақида, болалик чоғидан бирга ўйнаган ва қонундан ташқарига чиққан, деб кўнглидан кечирди.

Доктор Гектор Адонис ва дон Кроче мўъжаз тош ва мармар қурилмаларнинг иланг-биланг бурилишларидан ўтиб боришарди. Дон Кроче ва қўриқчилари бирга одимлар, тош хиёбон орасида бир-бирларига кўмаклашарди. Ҳайдовчи кўтариб келган катта гулдастани панжара устига қўйди, бу ерда Гильяно мангу ором олиб ётарди. Дон Кроче бесаранжом тарзда гулларни тўғрилади ва тош эшикчага ёпиштирилган Гильянонинг кичкина фотосуратига тикилиб қолди. Йиқилиб кетмаслиги учун қўриқчилари уни маҳкам ушлаб олган эдилар.

Дон Кроче қаддини ростлади:

– У жасур бола эди, – деди дон. – Ҳаммамиз Тури Гильянони яхши кўрардик. Лекин у билан бирга яшаш мумкин эдими? Гильяно ҳамма нарсани оёғини осмондан қилиб, дунёни ўзгартирмоқчи бўлди. Гўё оғайниларини яхши кўрарди, аммо ким халқни ундан кўп қириб юборди? Худога ишонди, аммо кардинални ўмарди!

Гектор Адонис суратга диққат билан тикилди. Унда Гильянонинг ўн олти ёшлиги акс этган эди, бу ёшда Ўрта ер денгизи аҳлининг гўзаллиги гуллаш даврига етади. Юзи шунчалик чиройли эдики, ҳеч ким бу одам минглаб одамларни ўлим сари йўллаганига ишонмасди.

– Эҳ, – деди дон, – агар менинг Турига ўхшаш ўғлим бўлганида эди! Унга қандай салтанатни қолдирган бўлардим! Қанчалик шон-шарафга бурканишини ким ҳам билсин!

Гектор Адонис кулди. Ҳа, албатта, дон Кроче буюк одам, аммо у тарих нелигини англай олмайди. Ахир дон Крочедан сўнг ҳукм юритадиган минглаб ўғиллари бор, улар унинг айёрлигини мерос қилиб оладилар ва Сицилияни талаш билан банд бўладилар, Римни йўлдан оздирадилар. Ва Палермо университетининг тарих ва адабиёт профессори Гектор Адонис ана шулардан бири.

Гектор Адонис ва дон Кроче чиқиш эшиги томон йўл олишди. Қабристон олдида араваларнинг узун қатори тизилиб турарди. Уларнинг бирида Тури Гильяно ва Аспану Пишотта ҳаётига оид саҳналар маҳорат билан чизилган эди: герцогинянинг таланиши, мафия сардорларининг ўққа тутилиши, Пишотта томонидан Турининг отилиши – барчаси акс этган эди. Гектор Адонис англаб етдики, шунча бойлик, дабдабага қарамай, дон Кроче унутилиб кетади, Тури Гильяно эса абадий яшайди. Унинг номини қуршаган афсоналар, ривоятлар кундан-кунга кўпайиб боради ва шундай инсонлар топиладики, Гильяно асло ўлмаганига ишонади, худди аввалгидек, Каммарати тоғларида кезиб юрибди, бир вақт келиб яна пайдо бўлади ва Сицилияни қуллик ҳамда камбағаллик гирдобидан олиб

чиқади, деб ўйлайди. Минглаб ирkit тошлардан қурилган қишлоқдаги мўъжаз уйларда ҳали туғилмаган гўдаклар ҳам Гильянонинг руҳига ҳамда тирилишига бағишлаб ибодатлар адо этадилар.

Пишотта ўзининг маккорона ақли билан Гектор Адониснинг Улуғ Карл, Роланд ва Оливер тўғрисидаги ҳикояларини эшитмаганмиди, шу ҳикоялар таъсирида тўғри йўлдан адашмадимикан? Ахир Гильянога содиқ қолганида Пишотта унутиларди... Даҳшатли жиноятга қўл уриб эса, у ҳам одамлар хотирасида Тури билан бир умр қолади.

Пишоттани шу қабристонда дафн этишади. У ва Гильянонинг қаршисида севимли тоғлари, Ганнибал фили скелетини сақлаган, жанг қилган Роланд бурғусининг овози янграган тоғлар юксалиб туради. Тури Гильяно ва Аспану Пишотта ёш ўлиб кетишди, аммо улар узоқ яшайди, абадий бўлмаса ҳамки, ҳар ҳолда дон Кроче ва мана шу Гектор Адонисдан, шубҳасиз, узоқ яшайди.

Бири улкан, иккинчиси бутунлай кичик жуссали икки эркак биргаликда қабристондан чиқишди. Айвонларнинг ям-яшил тасмали боғлари тоғлар тева-рагини қуршаб олган, оппоқ қоялар тобора ялтирар, қуёш нурларида товланиб эса Сицилиянинг қизил қарчиғайи парвоз қиларди.

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ КИТОБ

Майкл Корлеоне
1950

Биринчи бўлим	3
---------------------	---

ИККИНЧИ КИТОБ

Тури Гильяно
1943

Иккинчи бўлим	45
Учинчи бўлим.....	57
Тўртинчи бўлим.....	68
Бешинчи бўлим.....	81
Олтинчи бўлим	100
Еттинчи бўлим	116
Саккизинчи бўлим.....	128
Тўққизинчи бўлим.....	136
Ўнинчи бўлим	154
Ўн биринчи бўлим	176
Ўн иккинчи бўлим	191
Ўн учинчи бўлим.....	207
Ўн тўртинчи бўлим	221
Ўн бешинчи бўлим.....	233

УЧИНЧИ КИТОБ

Майкл Корлеоне

Ўн олтинчи бўлим.....	245
Ўн еттинчи бўлим	262

ТЎРТИНЧИ КИТОБ

Дон Кроче
1947 йил

Ўн саккизинчи бўлим	269
Ўн тўққизинчи бўлим	286
Йигирманчи бўлим.....	306
Йигирма биринчи бўлим.....	322

Йигирма иккинчи бўлим.....	348
Йигирма учинчи бўлим	365

БЕШИНЧИ КИТОБ

Тури Гильяно ва Майкл Корлеоне.

1950

Йигирма тўртинчи бўлим.....	389
Йигирма бешинчи бўлим	396
Йигирма олтинчи бўлим	409
Йигирма еттинчи бўлим	424
Йигирма саккизинчи бўлим.....	442
Йигирма тўққизинчи бўлим	451
Ўттизинчи бўлим	457

Адабий-бадиий нашр

Марио ПЬЮЗО

ЧЎҚИНТИРГАН ОТА 2

СИЦИЛИЯЛИК

Роман

Мухаррир: Анвар НАМОЗОВ
Бадиий муҳаррир: Ўткир ТОЖИБОЕВ
Мусахҳиҳ: Наврӯз БЕКМУРОДОВ
Техник муҳаррир: Фарход ДЎСТМАТОВ

Нашриёт лицензияси: AI № 255, 31.12.2014.

Теришга берилди: 05.01.2018.

Босишга рухсат этилди: 23.01.2019.

Газета қоғози. Қоғоз бичими: 84x108 $\frac{1}{32}$.

Pt Serif гарнитураси. Офсет босма.

Ҳисоб-нашриёт т.: 16,7. Шартли б.т.: 24,3.

Адади: 3000 нусха.

Буюртма № 019.

«Янги китоб» нашриётида нашрга тайёрланди.

100138, Тошкент шаҳри Учтепа тумани

Чилонзор даҳаси 13-мавзе 45-уй

Тел.: (+99891) 132-36-64, (+99890) 992-35-01

e.mail: yangikitob@mail.ru

«PRINT LINE GROUP» ХК босмахонасида чоп этилди.

100096, Тошкент шаҳри Бунёдкор шоҳкўчаси 44-уй.

• Шундай юксак тушунчалар борки, улар эзгулик, олижаноблик, қадр-қиммат, ўзаро ишонч, дўстлик ва садоқатдир. Таассуфки, бу юксак мезонларга қарама-қарши ўлароқ, инсон қадрини топташ, алдов, фириб, хиёнат каби иллатлар ҳам мавжуд. Очқўзлик, нафсга ҳирс қўйиш, адоват, шахсий манфаат йўлида бошқалар ҳаётини издан чиқариш айрим кимсаларнинг тамойилига айланган. Бундайларни ўзгартириш душвор, улар ҳар қандай ҳолатда ҳам манфурлигича қолаверади.

Ваҳоланки, бошқаларга ёрдам бериш, оғирини енгил қилиш, эзгу ишларни амалга ошириш, кўнгилларга яхшилик уруғини қадаш шахс камолотини бекаму кўст таъминлайди. Агар бу унинг бир умрлик бурчига айланса, чин инсон бўлиб из қолдиради.

Умид қиламизки, мазкур китобдаги яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва разолат, адолат ва қабоҳат, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, қилмиш-қидирмишларига ўзингиз холис баҳо берасиз, муҳтарам ўқувчи!



YANGLI KITOB

ISBN 978-9943-5543-6-8



9 789943 554368